



Шарк Ҳадаиши

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

7.1983

52-йил чиқиши

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Мундарижа

Эркин Юсупов. Буюк тарихий воқеа. (РСДРП II съездининг 80 йиллигига)	3
Рамз Бобожон. Тўёна. Шеърлар	10
Самар Нуоров. Майсаларни аёз урмайди. Қисса	16
Шухрат. Саховат. Шеърлар	81
Миркарим Осим. «Ал-жабр». Тарихий ҳикоя	86
Ҳабиб Саъдулла. Нур қадри. Шеърлар	95
Низомжон Парда. Сафар сатрлари. Шеърлар	97
Баҳодир Муродалиев. Оқтўш. Ҳикоя	99
Асад Асиров. Армонли умр. Ҳикоя	105

МУШОИРА

Усмон Азимов. Қор... Самандар. Урушдан ўттиз етти йил кейин ёзилган марсия. Баллада. Дадаҳон Ҳасанов. Тўрғай одати бор... Пўпаклаган қамишни... Тоғлар. Едгор Обидов. Кенг бедазор. Сим-сим ёмғир... Учқур-учқур тоғ еллари... Темур Норбек. Дўст ҳақида баллада. Умнат Тўйчи. Манзара. Шеърлар	111
---	-----

В. В. МАЯКОВСКИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

В. В. Маяковский. Қандала. Комедия	116
Асқад Мухтор. Маяковский сабоқлари	135

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА

Шароф Убайдуллаев. Молгузардан кўринган қуёш	140
Шерали Турдиев. Тошкент мадҳияси	145

ПУБЛИЦИСТИКА

Иўлдош Тешабоев. Янги ҳаёт йўлида	148
-----------------------------------	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЕТШУНОСЛИК

Пирмат Шермухамедов. Ягона, кўп миллатли адабиёт	151
--	-----

ЙИЛЛАР, ҲУЖЖАТЛАР, ВОҚЕАЛАР

Адҳам Акбаров. Бригантина кўтарар елкан	155
---	-----

ТАҚРИЗЛАР

Маҳкам Маҳмудов. Қўзгулар тиниқлиги	160
Бегали Қосимов. Камолот пиллапоялари	163
Малик Муродов, Ғайрат Жалолов. Эртақчилик анъаналари	166
Иристой Қўчқортоев. Тил тарихини жонлантирган китоб	168
Шамсуддин Шукуров. Ҳамкорлик	169

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Ҳожиақбар Шайхов. Олмос жилоси. Илмий-фантастик қисса	172
---	-----

ГУЛҶАЙЧИ

Азиз Абдураззоқ. Шляпа. Ҳажвия	199
Абдуғани Абдувалиев. Қиёмий. Ҳажвия	200
Сергей Михалков. Чиранчиқ қуён. Эсланмаган одам. Шеърлар	202
Конвертларни қайчилаганда	202
Маданий ҳаёт	204
Адабий журналлар июль сониди	207

Эркин Юсупов,

Ўзбекистон ССР Фанлар
академиясининг вице президенти

БУЮК ТАРИХИЙ ВОҚЕА

(РСДРП II съездининг 80 йиллигига)

Яқинда КПСС Марказий Комитети РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор марксизм-ленинизм ғоялари жаҳон миқёсида кенг тантана қилаётганлиги, социализм ва коммунизм қуриш масаласи ижтимоий тараққиётни тезлаштиришнинг энг асосий омили бўлиб қолганлигини яна бир исботлади.

РСДРПнинг II съезди бутун жаҳон коммунистик ҳаракати тарихидаги улкан тарихий воқеадир. Съезде қўрилган масалалар, қабул қилинган резолюциялар, В. И. Ленин ташкил этган революцион партиянинг шонли тараққиёт йўли ва тажрибаси марксизм таълимоти-ни ижодий бойитиш, уни янги босқичга кўтаришга имкон берди.

«Ленин партиясининг тузилиши,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг қарорида,— ижтимоий тараққиётнинг қонуний натижаси бўлди. Россия ва халқаро пролетариат озодлик курашининг бурилиш нуқтасига айланди».

Съезд марксизмнинг социалистик революцияни амалга ошириш ва социализм қуриш тўғрисидаги таълимотини кўп миллатли, синфий ва миллий зулм ниҳоятда ривожланган Россия шароитида татбиқ этишнинг асосий йўллари кўрсатиб берди.

«К. Маркс билан Ф. Энгельснинг ишини,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов ўзининг СССРнинг ташкил этилишига 60 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида,— янги тарихий шароитларда В. И. Ленин давом эттирди. У Россия узра революциянинг дастлабки шафақлари учқунлана бошлаган пайтда революцион ҳаракатга бошчилик қилди. Ҳақли равишда «Халқлар турмаси» деб аталган мамлакатда большевиклар партиясининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш пайтида миллий масала, табиий равишда, олдинги ўринлардан бирига чиқди».

РСДРП II съезидан буён ўтган вақт ичида қўлга киритилган тарихий тажриба, КПССнинг босиб ўтган шонли йўли, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ривожланиши, миллий озодлик революцияларнинг кескинлашиши ва ғалабаси, СССРда, қардош социалистик мамлакатларда социалистик ва коммунистик қурилиш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, марксчи-ленинчи партияларнинг ўсиши ва мустақамланиши — В. И. Ленин башоратининг амалий намоён бўлишидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шу ўтган 80 йил ичида рус марксистларининг кичик бир тўғарагидан ўз атрофига 17 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирган жанговар курашчан партияга айланди. Партия В. И. Ленин бошчилигида Россия пролетариатини марксизм революцион таълимоти билан қуроллантириб, капитализм дунёсини таг-томири билан қўпориб ташлаш сари курашга етаклади. Социалистик қурилиш жараёнида Коммунистик партия марксизм-ленинизм

таълимотини изчиллик билан қўллаш ва ижодий бойитиш заминада жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини тубдан ўзгартириш ишига раҳбарлик қилди. Ҳозир эса совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида инсониятнинг авангарди бўлган ривожланган социалистик жамият қурди ва коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этмоқда.

* * *

Илмий социализм назариясининг асосчилари капиталистик ижтимоий муносабатларнинг туб моҳиятини ҳар томонлама анализ қилиб, бу тузум синфий жамият тараққиётининг охиригача босқичи эканлигини ва унга барҳам беришга, янги социалистик жамият қуришга қодир бўлган ягона революцион куч саноат пролетариати эканини кўрсатган эдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада рўй берган сиёсий ва иқтисодий ҳодисалар марксизм таълимотининг илмийлигини ҳар қадамда исботлаб берди. Европа пролетариатининг синфий кураши капитализмнинг ички зиддиятлари кескинлашётганлигини, унинг тақдири ижтимоий-сиёсий ривожланиш кун тартибига қўйган муҳим амалий масала бўлиб қолганлигини яққол кўрсатди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида пролетар революциясининг асосий маркази Европадан Шарққа, яъни Россияга кўчди. Россия капиталистик тараққиёт йўлига Европадаги бошқа мамлакатларга нисбатан анча кечроқ ўтди. Лекин рус пролетариатининг шаклланиши ва биринчи революцион кураши шундай вазиятларда амалга оширилдики, улар Россия пролетар синфий кураши энг кескин формада кўтарилаётган майдонга айланганлигидан далолат берарди.

Россия пролетариатининг сиёсий кураши жаҳон пролетариатининг революцион ҳаракати бир қадар ривожланган, маълум сиёсий кураш тажрибасини орттирган вазиятда кескинлашди. Лекин бу ҳол рус пролетариатининг синфий кураши Европадаги синфий кураш тажрибасини Россия шароитига кўр-кўрона татбиқ қилишнинг ўзидир, деган маънони билдирмайди. Россия сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий антагонизмлар, миллий зиддиятлар ва адоватлар ниҳоятда кескинлашган мамлакат эди. Кўп миллатли Россия пролетариати капитализм зулмини дастлабки даврлариданоқ бошидан кечирди. Миллионларча деҳқонлар, мустамлака ва қарам чекка ўлкалар халқлари ҳам даҳшатли синфий ва миллий зулми бошидан кечирмоқда эдилар. Мамлакатда кескинлашаётган революцион жараёнда пролетар асосий куч бўлса ҳам унинг кураши деҳқонлар ҳаракати, мустамлака ва қарам халқларнинг миллий озодлик кураши билан боғлиб кетди. Бу ҳодиса Россия пролетариати бошчилик қилаётган революцион вазият ўзининг социал замини, сиёсий моҳияти ва қўлами жиҳатидан Европадаги ҳар қандай мамлакатда мавжуд бўлган шароитлардан кенг ва жиддий эканини кўрсатар эди.

Россия пролетариатининг кескин синфий кураши уни илғор революцион кураш назарияси билан боғлашни тақозо қилар эди. Ишчилар ҳаракатига сиёсий онг киритмасдан пролетариат революцион ҳаракатини капитализмни афдарилга қаратилган, маълум мақсад асосида амалга оширилаётган сиёсий курашга айлантириб бўлмас эди.

Коммунистик партияга асос бўлган дастлабки марксчи тўғараклар Россияда 1870-80 йиллардаёқ пайдо бўла бошлаган эди. Бу тўғаракларнинг фаолияти ҳам кескин ғоявий ва сиёсий кураш асосида амалга ошди. Пролетариатнинг революцион ҳаракатига илмий социализм ғояларини киритиш учун Россияда кенг томир отган на-родникларга зарба бермоқ, уларнинг ғоявий принципларини илмий асосда тор-мор қилмоқ зарур эди. Бу вазифани бажариш жуда катта

гоявий билим, талант ва ташкилотчиликни талаб қилар эди. В. И. Ленин народникларнинг гоялари Россиядаги революцион жараёнга маълум маънода таъсир этганлигини ҳисобга олиб, уларни тор-мор қилиш пролетариатнинг революцион ҳаракатини сиёсий жиҳатдан ташкил этилган ва илмий социализм назарияси билан боғланган ҳаракатга айлантиришнинг асосий шартларидан бири эканлигини кўрсатди.

Народникларга қарши даставвал Г. В. Плеханов бошчилик қилаётган «Меҳнатни озод қилиш» группаси кураш олиб борди. Бу группа Россияда марксизм таълимотини тарқатишда катта роль ўйнаган бўлса ҳам, народникларнинг гоявий принципларини изчил асосда тор-мор этишга қодир эмас эди. Народникларни гоявий ва сиёсий жиҳатдан фош қилишда В. И. Ленин бошчилигида Петербургда ташкил этилган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» катта роль ўйнади. Бу Союз иштирокчилари йирик саноат марказларидаги ишчилар синфининг ҳаракатини марксча революцион кураш назарияси билан боғлашга ҳаракат қилишдан ташқари народниклар таълимоти ва шунга ўхшаш марксизмга зид бўлган қарашларни тор-мор этишда катта роль ўйнади.

В. И. Ленин ўзининг «Халқ дўстлари нима» ва улар социал демократларга қарши қандай курашадилар?» номли асарида народникларнинг гоявий принципларини тор-мор қилди. Уларнинг таълимоти меҳнаткаш омма манфаатига, Россиядаги революцион жараённи ривожлантириш эҳтиёжига зид эканлигини кўрсатди. В. И. Ленин народниклар чоризм билан тил бириктириб, хиёнат йўлига ўтиб олганлигини ҳам исботлаб берди. Ленин халқнинг ҳақиқий дўстлари ягона революцион кураш назарияси билан қуролланган марксистлар эканлигини тўғри қайд этди. В. И. Ленин ўз асарида пролетариатнинг сиёсий иттифоқчиси бўлмиш деҳқонлар масаласига ҳам катта эътибор берди. «Деҳқонлар, — деб кўрсатган эди Ленин, — Россия шароитида революция тақдирида маълум роль ўйнайдиган катта сиёсий кучдир. Лекин деҳқонларнинг бу имкониятлари фақат пролетариатнинг раҳбарлиги остида, етакчилигида амалга ошиши мумкин».

В. И. Ленин бошчилик қилаётган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш иттифоқи» «экономистлар» ва турли оппортунистларга, легал марксистларга қарши курашда ҳам катта роль ўйнади. 1895 йилда В. И. Ленин томонидан ташкил этилган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи», — дейилади КПСС Марказий Комитетининг қарорида, — Россиядаги революцион пролетар партиясининг куртаги бўлди.

Россияда кучайиб кетган ишчилар синфининг революцион ҳаракати илғор революцион назария билан қуролланган сиёсий ташкилот тузиш вазифасини кун тартибига қўйди. Бу партия ижодий марксизм таълимотига таяниши, унга содиқлиги, пролетариат сиёсий кураши масаласини биринчи ўринга қўйиши, Ғарбий Европадаги II Интернационал партиаларидан фарқ қилмоғи зарур эди. Бу партиалар пролетариатнинг сиёсий кураши масаласига эътибор бермай, социал ислохатлар партиясига айланиб қолган эди.

В. И. Ленин пролетариатнинг ҳақиқий марксчи, изчил революцион партиясини тузиш учун жуда кўп йиллар давомида кураш олиб борди. Россиядаги турли саноат марказларида ташкил этилган иттифоқларнинг ташаббуси билан 1898 йилда Минск шаҳрида РСДРПнинг I съезди бўлиб ўтди. Бу съездда сургунда бўлганликлари туфайли В. И. Ленин ва унинг энг яқин сафдошлари иштирок эта олмадилар. Гарчанд, съезд Россия социал-демократик ишчилар партиясини ташкил этилганлигини эълон қилган бўлса ҳам, бундай партия тузилмаган эди. Съезд партиясининг ягона Устави ва Программасини ҳам ишлаб чиқа олмади, рус ишчилар ҳаракатида мавжуд бўлган тарқоқликка барҳам бермади. Съезддан кейин ҳам мамлакатда ягона гоявий бирликка,

умумий кураш программасига эга бўлган, ягона марказга бирлашган пролетариатнинг сиёсий ташкилоти йўқ эди. Айрим социал-демократик тўғараклар эса пролетариатнинг иқтисодий курашини биринчи ўринга қўйиб, кескин сиёсий курашдан бош тортар эдилар. Уларнинг айримлари пролетариат сиёсий партиясини тузишга, унинг стихияли курашини революцион кураш назарияси билан боғлашга қарши чиқмоқчи бўдилар. Россия пролетариатининг революцион курашига бошчилик қиладиган жанговар партияни тузиш келажакнинг вазифаси бўлиб қолди.

В. И. Ленин ва унинг яқин сафдошлари бир неча йиллар давомида олиб борган катта ғоявий ва ташкилий ишлар РСДРПнинг II съездини тайёрлаш учун шароит яратиб берди. РСДРПнинг II съезди 1903 йил 30 июлда бошланиб 23 августгача давом этди. Съезд Россиядаги революцион маркеча партиянинг оппортунизм ва халқаро ревизионизм, реформизм устидан бўлган ғалабасини мустаҳкамлади. Съездда биринчи маротаба партиянинг асосий мақсади социалистик революцияни амалга ошириш ва пролетариат диктатурасини ўрнатишдан иборат эканлигини кўрсатувчи программа қабул қилинди. В. И. Ленин партия программасига деҳқонлар масаласи юзасидан революцион демократик талабларни, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақидаги пунктларни киритишга ҳам муваффақ бўлган. Съезд пролетариатнинг буржуа-демократик революцияси ва социалистик революцияни амалга ошириш жараёнида ўйнаши лозим бўлган ролни, бажариши зарур бўлган вазифаларни ҳам аниқ кўрсатиб берди. Съезд партиянинг Программасидан сўнг Уставини ҳам қабул қилган. Ягона Уставсиз мустаҳкам партиянинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Ягона Устав партия ташкилотлари ўртасида ягона принципларга асосланган мустаҳкам бирликни таъминлаб, тўғаракчиликка ҳам хотима берди.

В. И. Ленин съездда партия аъзолигининг принциплари масаласи юзасидан Мартов ва бошқалар билан мунозара олиб борди. В. И. Лениннинг бу хусусдаги фикрлари улуг доҳий ўша даврдаёқ партиянинг бирлиги, темирдек мустаҳкамлиги ва интизомига катта эътибор берганлигини кўрсатади.

РСДРПнинг II съезди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихининг бошланишидир. Рус марксистлари II съездидан олдин революцион кураш ғояларини ишчилар орасида ёйиш соҳасида катта ишлар қилган бўлсалар ҳам фақат съезддан кейингина уюшган, ягона ташкилотга эга бўлган сиёсий куч сифатида майдонга чиқдилар. В. И. Ленин таъбири билан айтганимизда, «большевизм» сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан бери мавжуддир».

РСДРП II съезди қабул қилган революцион кураш программаси ва партиянинг устави чор Россиясининг мустамакка, чекка ўлкаси бўлмиш Туркистонда ҳам революцион ҳаракат ривожланишида, миллий озодлик кураши кескинлашишида катта роль ўйнади. Туркистонда социал-демократик ташкилотлар мамлакатда рўй бераётган революцион жараённинг ажралмас таркибий қисми сифатида шаклланди. Улар ўз фаолиятини марказий саноат шаҳарлари ишчиларининг таъсири ва ёрдами, биринчи навбатда, сиёсий муҳожир рус революционерларининг раҳбарлигида амалга оширилди. Туркистонда РСДРП II съездидан сўнг ташкил этилган социал-демократик тўғараклар ҳам ягона революцион партиянинг куртаги, ажралмас таркибий қисми эди. Албатта, Туркистондаги социал-демократик ҳаракат мураккаб ривожланиш йўлини ўтди. Бунга ишчилар синфининг оз сонлиги, етук профессионал революционерларнинг камлиги, маҳаллий ишчиларнинг сиёсий онги, синфий тушунчаси пастлиги ҳам катта таъсир кўрсатди. Шунга қарамай В. И. Ленин бошчилигидаги Россия большевиклари олиб бораётган сиёсий кураш, унинг мақсад ва ғоялари Туркистондаги революцион жараён кескинлашишига олиб келувчи асосий замин бўлди.

Туркистондаги революцион жараён мазлум халқларнинг империализм зулмига ва феодализмга қарши олиб бораётган курашини ҳам ўз ичига олар эди. Бу курашга таъсир этиш, унга сиёсий йўналиш бериш, рус пролетариатининг кураши билан яқинлаштириш маҳаллий ишчилардан ва партия ташкилотларидан жуда катта сабот, чидам ва ташкилотчилик маҳорати, пролетариат интернационализи ғояларига содиқ бўлишни талаб этар эди. Бинобарин, РСДРП II съезди бир томондан ишчилар синфининг ҳаракатига, иккинчи томондан эса меҳнаткашларнинг миллий озодлик курашининг кескинлашишига таъсир этди.

Туркистонда социал-демократик тўғарақлар ва группаларнинг фаолияти ривожланишида К. А. Молчанов, М. Н. Васильев, С. А. Киселев, В. Д. Корнюшин, А. Р. Бахирев, Ф. Ф. Феофанов ва бошқаларнинг роли катта бўлди. В. Н. Корнюшин, А. Н. Бахиревлар РСДРП II съезидан сўнг ҳақиқий большевик сифатида вояга етдилар.

1903 йили Туркистонда 59 сиёсий муҳожир яшар эди. 1905-1907 йилларда эса Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги сиёсий муҳожирларнинг сони яна ҳам ошди. Сиёсий муҳожирлардан ташқари Туркистонга Р. С. Баранов, А. Г. Зурабов, М. Н. Гуданский ва бошқалар ҳам келди. Сиёсий муҳожирлар Петербург, Москва социал-демократик ташкилотлари билан боғланган эдилар. Шу туфайли улар маҳаллий ишчиларни марксча адабиёт билан таништиришда, маҳаллий социал-демократик группалар ва тўғарақларнинг фаолиятини жонлантиришда муҳим роль ўйнади.

Тбилиси шаҳридан келган А. Г. Зуробов РСДРП II съезидида Ботуми шаҳар комитетининг вакили сифатида иштирок этган эди.

Туркистондаги социал-демократик ҳаракатни кескинлашишига мамлакатимиздаги бошқа шаҳарлар сингари РСДРП Боку шаҳар комитети ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу ташкилот ўша даврларда Россиядаги энг йирик нолегал типографияга ва тажрибали кадрларга эга эди. 1903 ва 1904 йилларда Боку шаҳридан Туркистонга бир қатор партия ходимлари кўп миқдорда марксча адабиёт келтирдилар. Марказий шаҳарларда рўй бераётган революцион кураш таъсирида Тошкент, Красноводск, Қизил Арвот, Пишпак ва бошқа шаҳарларда ҳам ишчиларни, маҳаллий миллат вакиллари синфий курашга чақирувчи хитобномалар пайдо бўла бошлади. Бу хитобномалар Туркистонга мамлакатнинг бошқа йирик саноат шаҳарларидан ҳам келтирилди.

1904 йилнинг кузида Тошкент шаҳри кўчаларига РСДРП II съезди резолюцияларини қисқа формада баён этувчи варақалар ёпиштирилди. Мамлакатнинг марказий шаҳарларидан келтирилган бундай варақалар ва адабиётлар ишчилар, ўқувчи ёшлар ва илғор фикрли зиёлиларни ўз атрофига бирлаштирувчи нолегал тўғарақларда тарқатилди. Ана шундай тўғарақлардан бирида бўлажак машҳур саркарда М. В. Фрунзе ҳам ўз фаолиятини бошлаган эди. Бу тўғарақлар даставвал сиёсий жиҳатдан уюшмаган ва чоризм сиёсатидан норози бўлган барча демократик кучларни бирлаштирган эди.

1904 йилда Тошкент шаҳридаги В. Д. Корнюшин, К. Д. Литвишко бошчилик қилган тўғарақларда РСДРП Программаси ва Уставини ўрганиш йўлга қўйилди. Бу программада ишчилар синфининг асосий мақсади чор ҳукуматини ағдариш ва пролетар диктатурасини ўрнатишдан иборат эканлиги яққол кўрсатилган эди. 1905 йилдан бошлаб бутун мамлакатда рўй берган революцион ҳаракат таъсири остида Туркистон ишчиларининг сиёсий кураши ҳам кескинлашди. Бу курашда рус ишчиларидан ташқари маҳаллий миллатларнинг илғор вакиллари ҳам иштирок эта бошладилар. Маҳаллий социал-демократик тўғарақлар ва группалар ўз фаолиятида маълум камчиликларга ҳам йўл қўйдилар. Улар эсерлар билан биргалашиб, социал-демократлар ва эсерлар номидан бирга хитобномалар чиқарар эдилар. Бундай камчилик Тошкент ва Ашхобод шаҳарларидаги социал-

демократик тўғараклар ишида ҳам рўй берди. РСДРП II съездининг резолюцияларида бундай фаолият қораланган эди. Съезд эсерлар ва социал-демократлар ўртасидаги муҳим, сиёсий масалалар юзасидан бўлган ихтилофларни ва келишмовчиликларни хаспўшлаш ва яшириш мумкин эмас деб кўрсатган эди. Фақат 1905 йилнинг ўрталаридагина Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида социал-демократик тўғараклар эсерлардан ажралиб, мустақил сиёсий ташкилотга бирлашдилар. Туркистон социал-демократлари мустақил ғоявий принциплар асосида бирлашиб, марксизмни кенг тарғиб этиш, ишчилар ҳаракатига бевосита раҳбарлик қилиш йўлига ўтдилар.

1905 йилда хитобномалардан ташқари Туркистонга ленинчи «Искра», «Вперед», «Пролетарий» газеталари ҳам келтирилди. Бу газеталарда В. И. Лениннинг айрим мақолалари эълон қилинган эди. 1905 йил охирида кескинлашаётган революцион курашда маҳаллий миллатларнинг иштироки ҳам кучайди. Туркистоннинг кўплаб меҳнаткашлари 1905 йилдаги Октябрь умумроссия сиёсий стачкасида ҳам қатнашдилар. Чоризмга қарши курашга Н. Хўжаев, Д. Устабоев, М. Мирходиев, А. Қосимхўжаев, С. Қосимхўжаев, О. Бобожонов сингари халқнинг фидойи вакиллари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Ерли миллатларнинг миллий озодлик ҳаракати рус ишчилари синфи ва большевиклар партиясининг таъсири остида тобора кескинлашиб, феодализмга, чоризмга, синфий ва миллий зулмга қарши қаратилган курашга айланди. Бу кураш Туркистонда ҳам Октябрь социалистик инқилоби мамлакатдаги бошқа йирик саноат шаҳарлари билан бир вақтда ғалаба қилишига олиб келди.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатимизда Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг катта сиёсий кураш, ғоявий ташкилий раҳбарлик, етакчилик ва йўлбошчилик йўлини босиб ўтди. Бизнинг мамлакатимизда инсоният тарихида биринчи мартаба социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси таъминланди. Утмишда чоризм ва маҳаллий феодализм зулми остида эзлиб келган Урта Осиё халқлари капиталистик тараққиёт йўлини четлаб, социализмга ўтдилар. Урта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистонда социализмнинг ғалабаси ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси, Коммунистик партия раҳбарлиги ва рус халқи кўрсатган улкан ёрдамнинг натижасидир. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг халқлари ривожланган социалистик жамиятда яшамоқдалар.

КПСС XXVI съездида кўрсатиб ўтилганидек, жамиятимиз тараққиётининг барча соҳалари бир-бири билан узвий боғлангандир. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-тарбиявий ишларни, бир-биридан ажратиш асло мумкин эмас. Уларнинг бирлиги социализмдан коммунизмга ўтиш қонуниятлари асосида белгиланади. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги вазифаларни бир-бири билан боғлиқ равишда комплекс ҳал қилишга уринмоқда ва бу вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этмоқда. Партия раҳбарлик ролининг ортиши юксак ғоявий етуклик, бирлик, жамият тараққиёти қонунларини, табиат қонунларини чуқур билиш, социализмнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришда кенг ва эффектив боғлашни талаб қилади.

КПСС жамиятимиз тараққиётига раҳбарлик қилар экан, эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятларга ҳам катта аҳамият бериб, уларни ҳал қилишга оммани сафарбар этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов нутқида мамлакатимизнинг

ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир ҳал этиш зарур бўлган вазифалар кенг ёритиб берилгандир. Бу социалистик ва коммунистик қурилишнинг катта ва кичик масалаларига мунтазам аҳамият бериш ҳақидаги В. И. Ленин кўрсатмалари амалга оширилаётганлигига ёрқин далилдир. КПСС XXVI съезди 11-беш йилликда ва умуман, 80-йилларда ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш, самарадорлигини ошириш йўларини белгилаб берди. СССРнинг Озиқ-овқат программа-си эса мана шу улкан йўлдаги энг муҳим тадбирлардан биридир.

КПСС босиб ўтган шарафли йўл, ҳозирги кунда совет кишилари қўлга киритаётган барча ютуқлар, совет давлатининг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборининг ошиб бориши Ленин ғояларининг тантанаси, бундан 80 йил муқаддам РСДРП II съездида бошлаб берилган катта истиқбол йўлининг давомидир.

КПССнинг Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва амалга ошириш, социалистик ва коммунистик қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасида қўлга киритган улкан ютуқлари бутун прогрессив инсоният учун ўрнақдир. Бу бой тажриба кўплаб халқлар, мамлакатлар учун кун тартибда турган сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш йўлидаги мактаб бўлиб қолди. Бундай шароитда буржуазия идеологлари марксизм-ленинизм таълимотининг ҳозирги давр учун бўлган аҳамиятини хаспўшлашга, КПССнинг тарихий тажрибасини сохталаштиришга, социалистик ва коммунистик қурилиш борасидаги ютуқларимизни камситишга уринмоқдалар. Сўнгги йилларда капиталистик мамлакатларда қатор асарлар нашр қилинди. Инглиз тарихчиси Д. Футменнинг 1962 йил Лондонда нашр этилган асарида 1903—1907 йилларда Россияда бўлиб ўтган воқеаларда большевиклар ўйнаган роль бутунлай бузиб кўрсатилади, Россиядаги биринчи халқ революцияси эса омманинг ҳеч ким томонидан ташкил этилмаган стихияли чиқиши сифатида тасвир этилади. Бошқа бир буржуа тарихчиси О. Анвайлернинг «Россияда 1905—1921 йиллардаги советлар ҳаракати» номли асарида ҳам ишчи ва совет деҳқонларининг келиб чиқиши ва унда большевикларнинг ўйнаган роли бутунлай сохталаштириб кўрсатилган. Унинг фикрича, советларнинг шаклланиши рус ишчиларининг партияси, бошқа сиёсий ташкилотлари, касаба союзлари бўлмаганлиги орқасида содир бўлган эмиш. 1975 йилда Лондонда нашр этилган «Коммунистик тўнтариларнинг анатомияси» номли асар ҳам мана шу йўлдаги яна бир урунишдир. Асар авторлари большевикларни бениҳоя қаттиққўлликда айблаб, «улар сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш учун юз минглаб кишиларни қурбон қилишлари мумкин» деган фикрларни ўртага ташлаганлар.

Ҳозирги антикоммунистик адабиётларда Ўрта Осиёда XIX аср охири ва XX аср бошларида рўй берган сиёсий воқеаларни ҳам қоралашга ҳаракат қилинмоқда. Уларнинг фикрича, Туркистон халқларининг ҳаракати ўз моҳияти жиҳатидан Россия ишчиларининг революциясига бутунлай қарама-қарши эмиш. 1916 йил Ўрта Осиёда бўлган қўзғалон ҳам ислом байроғи остида русларга қарши қаратилган қурол сифатида тасвирланади. 1975 йилда Лондонда «Асосий совет миллатлари ҳақида справочник» нашр этилди. Ундаги «Ўзбекистон ва ўзбеклар» номли мақолалар автори ёзишича, ўзбеклар Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва амалга оширишда мутлақо иштирок этмаган эмишлар. Тарихни бундай йўл билан сохталаштиришнинг ҳеч қандай асоси йўқ. Буржуазия идеологлари қандай ғояларни олдинга сурмасинлар, КПССнинг Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва амалга ошириш, социалистик ва коммунистик қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасида тўплаган бой тажрибасининг прогрессив инсоният учун бўлган аҳамиятини камсита олмай-дилар.

Шеърини



Рамз
Бобожон,

Ўзбекистон халқ шоири

ТЎЁНА

Ўн бешликлар

Гултоғ

*Қутлуғ кун саломин қабул эт, қабул,
Суюклим, жигарим, азиз, муҳтарам.
Сени деганимда қулф урар кўнгил,
Сен она-тупроғим, қадрдон ўлкам,
Қувонсам — қувончим, дард чексам — малҳам.*

*Соқийлар қўлида янграр гулгун жом,
«Қора олтин» ёнар ўчоқларингда.
Денгиз тўлқинидай жўш урар илҳом,
Офтоб эркаланар қучоқларингда,
Қаҳрабо ҳусни бор ёноқларингда.*

*Тоғларнинг бошида муз эмас, бўстон,
Бургут қоя тошни ўнгудай қўнар.
Узумзор боғлардан йўл олган боғбон.
Чавандоз дўстларнинг бағрида тунар.
Яхшиликдан эса қалбда гул унар.*


1

*Қутлуғ кун саломин қабул эт, қабул,
Эй буюк Россия, халқлар таянчи.
Сендан бошланади мангуликка йўл,
Ортга кўз ташласанг — тарих аянчи,
Истиқболга боқсанг — қалблар қувончи.*

*Сен Пушкин ғурури, Некрасов оҳи,
Донишманд Лениннинг ўлмас даҳоси,*

Шоҳ кигоб сатрида ёнган сийёҳи,
Ихтиролар ичра зўр ихтироси,
Сендай бир тупроқнинг борми қийёси?

Сенсиз, о Россия, Еримиз ермас,
Сен учун жон тикдим бир неча марта,
Сени ўйлаганда ўй тутқич бермас,
Фазогир кемаси қолади оргда,
Абадул-абад сен дахлсиз боргда!




2

Уруш йилларини эласам агар,
Суюклим, жигарим, азиз, муҳтарам,
Бурда нон жонимдай ширин, мўғтабар,
Сахий дастурхонда кўрардик баҳам,
Йўқ ўрнин тўлдириб, борлар жамулжам.

Узоқ Украина қалбимга яқин,
Холбуки ёнарди ўтда тутакчиб,
Тўплардан учган ўқ чақарди чақин,
Фашист даф қиларди юртга ютоқчиб,
Уч бошли аждардай узлатдан боқчиб.

Днепр оқарди, интиқом тоши —
Тубида ётарди эрк илинжида.
Кошкийди ярқ этса зафар қуёши,
Тонг эмас, ҳаттоки зафар кечида,
Бахт севинчида...



3

Белорус қизидай туғишган сингил
Бир қучоқ гул олиб чиқди йўлимга.
Сени деганимда қулф урар кўнги,
Истасанг, тайёрман жангга, ўлимга,
Бешотар берсанг бас менинг қўлимга.

Хотирамда ҳали — тошга суяниб,
Она йиғлар эди кузак кечида.
Девона оқарди қонга бўялиб,
Партизан дарғазаб ўрмон бурчида,
Уғил жанг қиларди майдон ичида.

Илма-тешик бўлган деворлар ҳамон
Урушдан гувоҳлик бериб туради.
Дейдилар: Ит ҳураб ўтади карвон!
Бари бир ит итлик қилиб ҳуради,
Карвон ўз йўлидан қолмай юради.

4

Шабада қаноти қайрилди қирда,
Офтоб шуғлалари — липиллаган шам.
Оқшом этагини судрарди ерда,
Сен, она-тупроғим, қадрдон ўлкам,
Қадим Шарқ кўкининг юлдузи —

кўркам.

Мен сени севаман, қалбдан мафтунман,
Ошиқиб кутаман меҳнат тонгини,
Сен олов бўлсанг, мен ўтли учқунман,
Эскини ёндириб, кошки, янгини
Кашф этсам, ургандай зафар бонгини!

Сен менинг ўзбегим — кекса пахтакор,
Эмассан кам илму маърифатда ҳам...



Боболар удуми элга эътибор,
Қўшиллар сафида одиминг шахдам,
Келажак кечадан ёруғ, мухташам.

5

Олатов бағридан оққан шалола —
Қозоқ даштларининг лабидаги нам.
Чўлларда товланар лола — пиёла,
Адирларда буғдой ғарам ва ғарам,
Қувонсам — қувончим, дард чексам — малҳам.



Ён қўшним — жон қўшним, бағри бутуним,
Сен билан тилимиз, дилимиз ҳам бир.
Давлатим, савлатим, тўқис-тўқиним,
Еримиз, сувимиз, элимиз ҳам бир,
Сирлашсак мабодо, сиримиз ҳам бир.

Сен ўлан айтганда — менинг қўшиғим,
Менинг яллаларим ярашиқдай жўр.
Йигит-қизларимиз ҳаёт ошиғи,
Шақ бўлса, қалбдаги муҳаббатдан кўр,
Ғайрат-шижоати бўронлардан зўр.

6

Юлдузли кечалар ёдимда ҳамон,
Гуржи қизларининг кўзлари каби.
Хиёбон ичида гуллар ноормон,
Қулф урган гиёҳлар — йигит мўйлаби,
Нафосат, лағофат — ҳаёт матлаби.


Соқийлар қўлида янграг гулгун жом
Дўстлик шарафига, тинчлик шағнига!
Майли, юракларда жўш урсин илҳом,
Ҳатто юрмаса-да идрок рағйига,
Лекин лат етмаса басдир мағнига!

Буюк Руставели сафларда сардор,
Шегрийат қўшқининг бахту иқболи.
Гўзал Гуржистонни сеемаган ким бор?
Лермонтов орзуси, Пушкин хаёли!
Казбек қоясидай баста, камоли.



7

Талай дўстларим бор Озарбайжонда,
Санасам етмайди мисраларим ҳам.
Бири ерда бўлса, бири осмонда,
Лекин юрагимда бари жамулжам,
Суюк, мухтарам...



Азиз Озарбайжон, ардоқли ўлка,
«Қора олтин» ёнар ўчоқларингда.
Қардошлар ҳаммиша елкама-елка,
Юлдуз тиниқлиги қароқларингда,
Каспий нашидаси ёноқларингда.

Низомий қўлида янграган қалам,
Навоий йўлида берар акс садо.
Дўстлик ипларимиз қадим, мустаҳкам,
Помпикми — пахтами, қайдан бу зиё,
Ерданми-кўжданми?.. Айни муддао!

*Литва чағалоқдай денгиз фарзанди,
Табиатан дилбар, шўх, соҳибжамол.
Жангда камарбаста, меҳнатда танги,
Илму мағрифатда етук, баркамол,
Меҳру муҳаббатда бедард, безавол.*

*Соҳиллар лабини ўпганда оқшом,
Балиқчи тортади сўнги қармоғин.
Денгиз тўлқинидай жўш урар илҳом,
Ҳар ким бир ўлчайди меҳнат салмоғин,
Ким хурсанд, ким эса тишлар бармоғин.*

*Қум кечиб кетаман берилиб ҳисга...
Шарқий ўлкалардан йўл олган қуёш
Салом айтиб дўстим Межелайтисга,
Болтиққа ботади, қораяди қош,
Теварак юввош...*



9

*Тилларда дostonсан, дилларда армон,
Севгини сеҳрлаб олгансан ўзга.
Ошиқлар беҳисоб, яшил хиббон
Мисоли макондай ғуж-ғуж юлдузга,
Кечалар уланар тонгга, кундузга.*

*Қўшиқда куйланган ажиб диёрсан,
Бахтинг барқ уради қароқларингда.
Ҳанимга ғазабнок, дўстга дилдорсан,
Офтоб эркаланар қучоқларингда,
Наврўз юз ювади булоқларингда.*

*Эркин Молдавия элларга машҳур,
Барака хирмони эзгу тилагинг.
Меҳнатга меҳрингдан руҳингда ғурур,
Истиқбол ишқи-ла урар юрагинг,
Бирдамлик, бардамлик таянч, тилагинг.*



10


*Шимол қизларининг мовий кўзидек,
Жилванг бор, Латвия, куйлар ўлкаси.
Қалбларда янграйсан Райнис сўзидек,
Тўлқин тугёнидек денгиз эркаси,
Матонатда гўё полвон елкаси.*

*Жангларда бонг урди ғолиб қўшиқлар,
Қурбонлар ётади гулбоғларингда.
Сени деб жонидан кечди ошиқлар,
Отам хоки сенинг тупроқларингда,
Қаҳрабо ҳусни бор ёноқларингда.*

*На чора! Менинг ҳам Болтиқ бўйида
Уйқусиз тунларим қолган — эсдалик...
Энг яхши кунларда — шеғрим тўйида
Кулкидай туюлар ўша хасталик —
Қофиябозлигу мисрабасталик...*

11

*Карвон нақд олтмишни орқалаб жўнар,
Олтмиш бор айланди фалакнинг чархи.
Тиёншон устида, эҳтимол, тунар
Бир кеча бўлса ҳам очилиб баҳри,
Унутдай энг оғир заҳматнинг заҳри!*



Арслонбобдан токи Иссиқкўлга
Ям-яшил боғу роғ, бағри кенг яйлов.
Чорва десанг мўл-кўл ўнгуу сўлгача,
Илғорлар адрида ҳилпираб ялов,
Чўпон гулханида гуржираб олов.

Тоғларнинг бошида муз эмас, бўстон,
Сойликда кўрасан мовий денгизни,
Манас авлодлари тилларда дoston,
Йўлда учратасан миқти қирғизни,
Ҳар уйдан топасан сўюк Чингизни.

12

Дил-дилдан кутади меҳмони азиз
Қон-қардош эллардан, узоқ-яқиндан.
Тўкин дастурхонда ўригу майиз,
Рудакий ҳикмати сабоқ, талқиндай,
Зиё сочилгандай чақмоқ-чақиндан.

Шодман! Бир дарёнинг икки соҳили —
Бири ўзбек бўлса, бириси тожик,
Сир ўз-жик қизининг кўркам кокили,
Соҳибжамолликда нозанин-нозик,
Моҳир, чеварликда эпчил ва етук.


Пахта хирмонлари Помирдан баланд,
Бургут қоятошни ўпгудай қўнар,
Элимиз ёнма-ён, дилимиз пайванд
Ки, тинчлик ҳайкалин бир тошдан йўнар,
Қаттол уруш олови сўнар.

13

Қадим Арманистон элларга машҳур,
Айниқса арзирли арман коньяги...
Ошиқиб, дўстлардан сўрайман узр,
Холбуки ундан зўр танги юраги.
Севги, бахт-саодат эзгу тилаги!

Умримиз азиздир кўзнинг нуридай,
Ортиқ бўлса ортиқ, лекин эмас кам!
Мисоли йўқолган Севан дуридай —
Гуноҳдир гар бўлсак бепарво, беғам,
Виждондан кафолат сўрайди одам.

Дўстлик келажакка қалғая қўрғон,
Оқламоқ шарафдир она-юрт тузин.
Узумзор боғлардан йўл олган боғбон,
Эҳтимол, шимолда кўради ўзин,
Ажабмас, англаса эскимос сўзин!



14

Қорақум қўйнида олгин бир воҳа,
Йўлларда поёндов туркман гилами.
Бир воҳада содир минг бир хил соҳа,
Керак Маҳтумқулидай шоир қалами,
Кўрса, тарқаларди ўтмиш алами.

Сарвиқомат қизлар дорилфунунда,
Энди сотилмайди молу қалинга.
Бириси раққоса, лобар ўйинда,
Бири мўкка кетган фану илмга,
Тағна тошин отиб ирим-чиримга.

*Иигит юрагида севги, хаяжон,
«Волга»га ўлтириб, тонг билан жўнар.
Яхши ният билан отланган меҳмон
Чавандоз дўстларнинг бағрида тунар,
Бошига бахт қуши папахдай қўнар.*

15

*Денгиз уфқ билан гўёки туташ,
Эстон тупроғида кўрдим каромат.
Булутли бўлса ҳам — қалбида оташ,
Болтиқ ёқасида яна бир жаннат
Хур, олий ҳиммат...*

*Океан ортидаги бадният жаноб
Қўйнига тош солиб, пайт пойлагандай...
Миллатлар тилида янграйди хитоб,
Тинчлик ҳайъатини халқ сайлагандай,
Атом галасини ҳай-ҳайлагандай.*

*Замонлар келади, бир кунмас-бир кун
Бешафқат асримиз, балки, ўкинар.
Комил ишонч билан айтмоқлик мумкин:
Ёмонлик юзланса, бевақт нур сўнар,
Яхшиликдан эса қалбда гул унар!*



МАЯКОВСКИЙ ҲАҚИДА ФИКРЛАР

* *

Унинг образи ва шеърияти Революция билан янги Давлатнинг қўлида бронзадан ясалган гулдастадек норлайди. Гарчи металлдан ишланган бўлса-да, бу бақувват гулларнинг уруғи заминнинг барча бурчакларида кўкариб барқ урмоқда. Маяковскийнинг шеърлари Революция шамоли бағрига сингиб кетган. Шоирнинг даҳоси худди ана шунда.


* *

Пабло НЕРУДА

*

... у бутун шоирона қалб кучи билан ўзининг қисқа умридан туриб, улкан, истиқболли даврга интилди. Бу унинг шеъриятига... барқарор умрбоқийлик бахш этади.

Александр ТВАРДОВСКИЙ



Самар
Нуров

Майсаларни қўз чўрмайди

ҚИССА

I.

Идора йўлагиди бир қоп пуч ёнғоқ тўкилгандек қаттиқ қаҳқаҳа янгради. Нусратбек беихтиёр бошини столдаги қоғозлардан кўтарди. Шу пайт эшик зарб билан очилиб, Бўри Пайғамов кириб келди. Атрофида қўшни бўлимлардаги ходимлар. Чорпахилдан келган букри қомаги, олдинга бўртиб чиққан кенг ияги, юпқа лаблари Пайғамовнинг чайир, шижоатли эканини кўрсатиб турарди. Нусратбекнинг ориқ қўлларини миқти кафтлари орасига олиб, қаттиқ сиқиб кўришди:

— Бу тўрт девор ичида ҳадеб қоғоз титкилаб ётаверасизми? — дея ҳазиллашиб кулганида ичга сал эгилган садафдай оппоқ текис тишлари кўриниб кетди. Яшил кўзлари чўғланиб, юзи қоронғида гугурт чаққандек яна ҳам ял-ял ёнди. — Уртоқлар айтиб қолишди, ҳамюрт эканмиз. Бундоқ далаларга чиқиб, бирон фойдалироқ ишнинг бошини тутсангиз бўлмайдами? Бу жойда, — Бўри Пайғамов кабинетга ижирғангандай кўз югуртирди, — моғорлаб қоласиз-ку!

У «уртоқлар айтишди» дегани билан аслида Нусратбекни олдин, унинг журналларда босилган жиддий, пишиқ мақолаларини ўқиганида кўз остига олиб қўйган, бу ерга ҳам атайлаб уни кўриш, кўнглига қўл солиш учун кирган эди.

Нусратбекка у шу биринчи учрашувдаёқ ёқди: бир оз шўхроқ, лекин очик, самимий экан. Бундай одам билан ишласанг ҳузур қиласан. Айниқса, «далага чиқиб, бирон фойдалироқ иш...» дегани... Одамнинг ичидагини кўриб тургандай-а! Донлар шундай, одамни бир кўришдаёқ унинг аҳволи руҳиясини билишади. Камтарлиги-чи!

Кимсан, катта бир илмий-тадқиқот институти филиалининг директори, фан кандидати, профессор. Пойтахтда ортидан эргашиб, уйига «бир пиёла чой»га таклиф қилиб юрган юзлаб бообрў дўст-ёрлари бўлишига қарамай, вақт топиб Нусратбекни кўргани қирибди.

Нусратбекнинг ҳаётига у билан бирга янги бир соф оқим, зумрад далалар нафаси уфуриб кирадигандек туюлди. Кўнгли ёришиб кетди.

— Боринг, хоҳлаган юмушингизни бераман, — деди хайрлашаётиб Пайғамов, сидқидилдан. Унинг боқишлари қатъий эди. Ҳаётда кўзлаган аниқ мақсади бор, ўзига ишонган кишиларнинггина боқишлари мана шундай дадил бўлади.

Нусратбек миннатдорчилик билдиришга ҳам улгуролмай қолди. Унинг бусиз ҳам ёниб юрган юрагига чўғ ташлаб, тугёнини тўлғонтириб кетди.

Ходимлар Бўри Пайғамовнинг «қоғозбоз сичқонлар»га саҳоват кўрсатиб, базми жамшид уюштириб кетганини анча вақтгача гапириб юришди.

Яна бир сўзи Нусратбекнинг эсида қолибди; «Катта, фойдали ишлар қиляпмиз. Кандидат, докторликка мос мавзулар оёқ остида сочилиб ётибди, уларни шундоққина номига расмийлаштирсангиз, бас, тайёр диссертация. Бизда бармоқни сўриб, шифтга тикилиб ўтиришга ҳожат йўқ».

«Қоғозбоз сичқон»лар қаторига қўшилганидан хафа бўлмади. Тўғри айтиди Бўри ака. Рост-да, у онасини беш йил ёлғиз қолдириб, тўрт девор ичида қоғозларга кўмилиб ўтириш учун ўқиганмиди!

Баҳорда ҳамма нарса уйғонади. Бутун борлиқ, тоғу тошлар, тупроқ остида кўмилиб ётган уруғлар, дарахтлар ҳам. Қушлар ин қуриб, бола очади. Қурт-қумурсқа, капалаклар ҳам жонланади. Болаларнинг шўхлиги авжга минади. Инсон юрагида чўкиб ётган умидлар, дардлар ҳам кўзғалади. Уткинчи фасл бу. Ҳислар бир ғалаёнга келиб, селдек ўтиб кетади, деб юрарди Нусратбек.

Лекин баҳор ўтиб кетди ҳамки, Нусратбекнинг юраги таскин топмади. У миясини ҳоритган бесамар ўйлар, вужудини чулғаган ҳардамхаёл кайфиятдан фориг бўлиш учун боши оққан томонга кетишга рози.

2.

Ҳовлига қараган бетон айвон. Нусратбек ўриндикда тирсагини тиззасига тираб, бошини кафтлари орасига олиб, жим, хомуш ўтирибди. Хаёл паришон. Ҳар баҳорда ҳаво илиб, куртаклар бўртиб, кўпчиган тупроқ ҳиди анқиши билан у ўзини қўярга жой тополмай қолади. Хотин, бола-чақалари билан бирга ўтириб овқатланади-ю, лекин хаёли бошқа жойларда кезади. Бу Холисага оғир ботади: эри уни унутиб, ўзгаларнинг ҳаваси билан яшаётгандай туюлади.

— Бундоқ чехрангизни очиб юринг! — уф тортади Холиса — Қаранг, ҳатто болалар ҳам сизнинг қовоқ-тумшугингиз жатидан эркин юришолмайди. Ҳамма одамлардай яшасайиз бўлмайдимиз мундоқ?! — Холиса зарда қилиб ошхонага кириб кетди.

Нусратбек ҳамон ўша вазиятда миқ этмай ўтирибди. Отасидан ҳайиқиб «эркин юриш»ни унутган болалар ичкари хонада. Чиндан ҳам товушлари эшитилмайди. Нусратбек ўзидан ўзи хафа бўлиб кетди: у чиндан ҳам шундай ёмон отами? Нусратбек ўрнидан туриб кетди. Нима қилсин?

У айвонга чиқди. Темир панжарага тирсагини тираб, эгилиб ҳовлига қаради. Орқадаги серқатнов кўчадан машиналар ғилдирагининг шувиллаши, моторларнинг бўғиқ гуриллаши эшитилади. Ҳавода бензин, қизиган асфальт, чанг ҳиди анқиб турибди.

Қаддини ростлаб, осмонга қаради. Қуёш уфққа ёнбошлаган. Ҳаво тутунга қоришган, хира. Шаҳар осмони четларига ёпишган паға-паға булутлар булутдан кўра столи устидаги сарғайган эски қоғозларга кўпроқ ўшайди. Қуруқ, нами қочган, сояси ҳам йўқ. Фақат анави тол

япроқлари ям-яшил, тиңиқ... Тинмагур япроқлар ўзини ўзи чангдан тозалаб туради.

У кун ботганда уйга кирди. Дим. Холиса диванда кеналиб ўтирар, елпиниб, телевизор кўраётган экан:

— Агар кетмоқчи бўлсангиз, кетаверинг! Этагингиздан ушлаб ўтирганим йўқ. Болалардан хавотир олманг. Қуш кўкраги бўлмаса ҳам болаларини боқади, мен-ку...

— Гап боқишда эмас!— тўнғиллади Нусратбек.

Холиса чироқ ёкмай телевизорга тикилганча ўтирар, юзи, бўйни, кўзлари кўкиш — мармардек совуқ. Унинг лоқайдлиги Нусратбекнинг иззат-нафсига теғди. Нима бўлганда ҳам кўз очиб кўрган, бир неча йиллик ёстиқдоши-ку, унинг тақдирига шундай бепарқ қарайдими?!

Нусратбек чойнак тагида қолган чойни пиёлага сирқитиб ичди: аччиқ экан.

— Етар шунча вақт соянгиз бўлиб, орқангиздан судралиб юрганим. У киши ишлай қолсин деб бозор-ўчарга югуртирмадим. Қозон-товоққа яқинлаштирмадим. Бола боқишу рўзғор тебратиш — барини ўз гарданамга олдим. Нима каромат кўрсатдингиз?— Холиса ўғлининг тор келиб қолган қуёнтери пўстинчасига оёқларини ўраб ётди. Уч-тўрт йилдан буён саратоннинг жазирамасида ҳам оёқлари музлар эмиш!

Нусратбек: «Судралиб бормаганингда бошқа бирор қиладиган ишинг бормиди?» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-да, тилини тийди: жаҳл чиққанда ақл қочади.

— Тўхта,— у титраган бармоқлари билан чойнак қопқоғини айлантирди,— ҳадеб биғиллайвермай, мундоқ одамларга ўхшаб гап-шайлик. Олдин эшит, кейин ё маъқул, ё номаъқул де!

Холиса ўтирган жойида бошини диван суянчигига қўйиб, эрига хайрихоҳона қаради: нимани талашяпти ўзи? Чиндан ҳам юзга сапчигунча, уни эшитса, танасига ўйлаб кўрса нима қилади?

— Кетмасам бўлмайдиганга ўхшайди энди. Болалардан бирови бирга борса, ёнимда ҳамдам бўлармиди...

«Бирови» деганда эри ўғилчасини назарда тутяпти, албатта.

— Ҳали жойизди тайини йўқ, бола етимчадай тентираб юрадими кўча-кўйда?

— Қариндош-уруғ бор.

Холиса қаддини ростлаб, эрига ҳайрат ва қўрқинч билан тикилди. Оёғига ёпилган пўстинча полга тушиб кетди. У эрга тегиб, қишлоққа борганини катта хато ҳисоблар, энди шаҳарга келиб, шу хатосини тузаётганида эри уни яна ўша кунжакка тортмоқчи. Сигир соғиш, таппи ёпиш, қош-киприк қуйдириб тандир оқартириш, ҳовуз, қудуқдан челақлаб сув ташиш, бели букилиб дориланган эгатларда пахта териш — буларнинг ҳаммаси энди болаларнинг бошига ҳам тушадими? Уларни ўқитиш, маданиятли қилиш ўрнига-я? Бир бало бўлганми бу одамга ўзи?!

Кўзлари экран нуридайд кўкиш ялтираб, товуши бўғилди:

— Ўша-а, ўша... чанг, захархонагами ҳали?!— Холиса олдин эрини область марказига боради, деб ўтирган экан.— Боланинг аллергияси яна кўзгалса-чи? Ким югуради яна дўхтирма-дўхтир, дорихонама-дорихона?! Энди ўзига келаётганда, қишли-қировли кун бўлса, у ер-бу ерини совуққа олдириб қўйса-чи?!

«Мен ҳам шу рўзғор, шу бола-чақа деб юрибман-да. Бутун ҳаракатим, илмий ишларим ким учун?! Узимни деб қиლაётганим йўқ-ку ахир буларни! Одамни етти ёт бегонадай четга суриб, хўрлайди-я».

— Ҳа, деди Нусратбек ичи ёниб, пичинг билан,— болалар фақат сеники, фақат сани жонинг ачийди уларга. Мен етти ёт... бегона!

— Бегонадан ҳам баттарсиз!— қизишиб кетган Холисанинг лаблари асабий титради.— Бегоналар ҳам югуради, қайишади бошга бир мушкул тушганда. Сиз... мен қанча овора бўлиб, пул тўлаб топиб

келган дори-дармонлардан болаларнинг ихлосини қайтаргансиз. Сизга ошна-оғайнингиз билан иш, қурт-қумурсқа, экин-тикин бўлса бас. Бола-чақангиз тушингизга ҳам кирмайди. Тўғри гап ёқмайди қулоғингизга. Бекорга йилингиз илон эмас, индамай чақасиз одамни?

Бу сўзлар Нусратбекнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Бироқ болаларига жони хотинидан кам ачимаслигини исботлаш учун нима қилсин? Ичмаса, қимор ўйнамаса, харом-харишга юрмаса, қозонида қайнаб, чўмичида ўйнайдиган ака-укалари, опа-сингиллари бўлмаса. Хотинини урмаса-сўкмаса, бир марта чертмаган ҳам. Ёки айби шулармикин?!

- Бўлди, ҳадеб таъна қилиб, чакагингга тиргак қўяверма...
- Ҳа, ёқмайди ман гапирсам! Қурбақани ҳам босса, «вақ» дейди...
- Ҳа, қурбақани босадиган ҳам ўзинг, вақиллайдиган ҳам!
- Рост гап ёқмайди шундоқ! — Холиса ғолибона илжайиб

бурнини жийирди. Диван лўлаболишида турган китобни тирсаги билан ногоҳ туртиб, полга тушириб юборди. Одати шу: қўлига илинган китобни олиб, ё охиридан, ёки очган саҳифасидан ўқийбошлайди. Ёқса қайтадан ўқийди, бўлмаса ўша жойга ташлаб кетаверади. «Шу ҳам китоб ўқиш бўлди-ю!» деб кўнглидан ўтказиб қўйди Нусратбек, энсаси қотиб.

Ҳозир Холисанинг китобни тушириб юбориб, уни олмагани, нописандлиги, айниқса тугмаси солинмаган халати ёқасидан кўриниб турган оқ кўкраги ғашини келтирди. Қони қайнаб, миясига урди. Лекин Холиса бунга парво қилмади, ашула айтишга ҳозирланган хонандадек қўлларини халатини туртиб турган қорни устига қовуштирганча, телевизор томон ўгирилди. Нусратбекнинг кўзига Холиса — шундай барно хотини шу пайт жуда ёмон кўриниб кетди. Холиса бепарво эснади... Оғзини карракдек очиб, хомуза тортди. Кўзлари ёшланди. Бошқа ташвиш йўқ. Бу семирмай, мен семирайми! Иши ҳам енгил: янги ҳисоблаш аппаратлари чиқиб, қоп-қанорларни бир зумда рўйхатга олди, илгаригидек бош қотириб, хуноб бўлиб ўтирмайди...

— Нега хўмраяяпсиз менга? Сизга яна нима керак? Торроқ бўлсаям уй-жой, анжомларимиз бор. Катта шаҳарда турсак, обрўли идорада ишласангиз. Болалар, Шукр қилиб одамлардай яшайвермай-сизми? Кўплар қишлоқдан шаҳарга келолмай овора ҳозир. Диссертациянгни ёқлаб олсангиз бўлди — бизлардан ўтар одам йўқ. Кейин квартирани ҳам каттароғи бўлиб қолар. Машина олсангиз, соғинганингизда визиллаб бориб келаверасиз ўша қишлоғингизга. Қочиб кетмас.

Хотин бу сўзларни истак тарзида айтди, Нусратбек эса, буни: уй тор, маоши озлигига таъна, деб тушунди:

— Менинг бўлганим шу! — деди кўрслик билан.

Холиса ҳадиксираб бошини кўтарди: ҳозир оғиз очиб яна бир сўз айтса, эри «сергулини топ!» деб юборишдан ҳам тоймаслигини сизди. Кичкина қулоқларидаги ёқут кўзли ҳалқалар силкиниб кетди.

— Сиз бўлар-бўлмас нарсаларни ўйлайверманг ундоқ!

— Уйламай бўладими? Ахир менам одамман-ку!

— Нима, мен одам эмасманми?!

Хона жим бўлиб қолди. Паст қилиб қўйилган телевизордан дикторнинг лоқайд товуши эшитиларди:

— ... Япония темир йўлчилари иш ҳақини оширишни талаб қилиб, бир кунлик намоёиш...

Холиса яна телевизорга ўгирилиб олди. Илгарилари иш билан андармон бўлиб, шўх-шўх куйларни хиргойи қиларди. «Бирон кўрсатувни қанда қилмай тикилгани тикилган. Концерт, кино, «ахборот» майли-я, спорту об-ҳаво маълумотларигача ҳам ўзбек, ҳам рус тилларида қайта-қайта, қанда қилмай кўради. Гоҳо шу кўйи ухлаб қолади...» Нусратбек тонгда турганида, экран оқариб, лип-лип қилиб ётган, қутиси, симларигача қизиб кетиб, уйни бўёқ ҳиди босган бўлади. На меҳмон, на театр, на тўгарак, на сайрибоғ керак унга. Совук,

ялтироқ шишага тикилиб ўтиргани-ўтирган! Яна денг, чошгоҳда туриб:

«Кеча чойни аччиқ дамлаган экансизлар. Ҳеч ухлолмадим», деб зорланади ҳам.

Нусратбек гугурт қидириб, ошхонага ўтди. Стол усти, кран остида қалашиб ётган ёғ юқи идиш-товоқ, қошиқ, санчқилар, билчиллаган қозонсочиқ кўзига хунук кўринди. Куппа-кундузи уларнинг устида сувараклар чопиб юрарди. «Ёғ босибди ўзимизни ҳам, уйимизни ҳам. Нима кераги бор экан бунча қақир-қуқирнинг? Яна кам унга! «Одамлар бола-чақам деб ғамлаб қўяди!» эмиш. Гўё ўзларидан кейин болалари гадой бўлиб қолади!.. Қўнғизмижоз бўлиб қолибмиз.» Столдаги қоғозда сариеғ эриб ётарди. Уни олиб қўйиш учун холодильникникини очди. У ерда ҳам товоқ, қошиқ, сут, асал, дори юқли банкалар... Ҳатто капири билан қозон ҳам холодильник ичида! Қозоннинг қопқоғини кўтарди, тагини бир энлик қирмоч қоплаб ётарди. Нусратбекнинг қони қайнаб кетди: «Яқинда киртоғорани ҳам қўядиган бўлади бу кетишда. Хе...» Нусратбек шақирлатиб ҳаммасини кран остига ташлади. Устига чойнакдаги қайноқ сувни ағдарди. Юзига буғ урилиб, бўртиб турган бўйин томирлари, бурни, кўз милклари қизарди. Гугурт қути ҳам қозонсочиқ остида бўкиб ётган экан, сув бетига қалқиб чиқди. Овқат қолдиқлари, қаноти керилиб, чалқанча бўлиб қолган сувараклар, гугурт чўплари сузиб юрибди. Нусратбек уларни бурчакда турган челақка олиб ташламоқчи бўлиб, қўлини куйдириб олаёзди.

— Зангар-р!

Ичкаридан бу ҳолатни зимдан кузатиб турган Холисаннинг таҳдидли товуши эшитилди:

— Ҳо-ой! Иккитагина идиш-товоқ ҳам кўп кўриндими кўзингизга?! Биров келса овқатни китобларингизга сузаманми?

— Ошхонами, ё ахлатхонами бу ўзи! Буларга китобларимнинг нима алоқаси бор? Тутган рўзғори бу-ку, тагин тилини бермайди.

— Оғзимга урманг!— Бурун катаклари керилиб, пишиллаб нафас олаётган Холиса сапчиб ўрнидан турди. Қўймичи билан столга туртиниб, ундаги чойнак-пиёла, мураббо, айрон шишалари силкиниб кетди.

— Ҳаддингиздан ошяпсиз жуда! Циркда таёқ кўтариб ўйнатадиган лайчадай бўлиб қолдим ман сизга!— Бўйини буриб, Нусратбекка ғазаб ва нафрат билан тикилганди томоғидаги шишинқираган бўқоғи қизариб кўринди. Кўзлари ёнди. Ўғли олиб келган мушукча стол остидан чиқиб, оёғига суйкалаётган эди, тепиб юборди. Мушукча «миёв»лаганча диван остига кириб кетди.— Бошқа чаққонини топақолинг, розиман! Ман, ношуд, болаларни оч, сизни кир-чирга белаб кўйиб, ўзим олтин-зар тақиб юрибман! Ун йилдан буён бармоғим узук, синган тишим олтин кўргани йўқ!..

Мушукчасининг миёвлаганига ичкари хонадан олма чайнаб ўғилчаси югуриб чиқди. Эгилиб, диван остига қаради. Сўнг онасига кўзи тушиб, чакаги чайнашдан тўхтади. Оғзи очилиб, майда тишлари кўринганча анграйиб қолди.

Холиса эшикни тарақлатиб ошхонага ўтди. Ҳар қадам босганида халатининг этаги очилиб, тиззалари кўриниб кетарди. Тортмада қалашиб ётган хап дорилардан бирини тили остига ташлади, қошиққа суяқ дори қўйиб ичди. Ошхона, айвонга ялпизнинг айниган талх ҳиди ёйилди. «Яна валидол, волокардинми ичди. Қони борми? Шунча доридармонни яшираман, улоқтираман, яна топади-я?» Нусратбек хотинининг орқасидан айвонга чиқди. Холиса айвон устунига тирсагини тираб, пастдаги дарахтларга бақрайганча турарди. Лекин ҳеч нарсани кўрмасди.

Нусратбек секин бориб, унинг елкасидан қучди. Холиса бу «яраш таклифи»ни қабул қилмади, эрининг оғир, суяқдор қўлларини силтаб ташлади. Томоғида тикилиб турган кўзёши товушида сезилди:

— Шунча ўлиб тириламан, ҳеч юзага чиқмайман, фақат таъна

эшитаман... Сиз ҳашарот, заҳарларни ўйлайвериб, менинг ҳаётимни заҳарладингиз. — У хўрсинди.

Нусратбек унинг томоғидаги олмадек бўқоққа қараб қолди: «Йод етмайди... Йиғлагим келади, дерди. — дея кўнглидан ўтказди у. — Илгари семирганимдан шундай кўринади, деб юрарди. Энди билса... чиндан ҳам бўқоқ бези бор экан.» Нусратбекнинг хотинига раҳми келиб, кўнгли юмшасин бир оз, деб индамай турди. Холисанинг эса, паст келиш нияти йўқ эди.

— Сиз фақат ўзингизни яхши кўрасиз, бола-чақа, хотин керакмас сизга, — деди шанғиллаб.

Нусратбекнинг чап юзи тиришиб, қовоғи учди. «Эр-хотинлар йил ўтган сайин эт-тирноқ бўлиб, бир-бирини оғиз очмасдан, лабининг қимирлашидан тушунадиган бўлиб қолишади. Бизлар эса, аксинча йил ўтган сари икки қутбга қараб узоқлашиб, бегоналашиб кетяпмиз». У ўй сураб экан, Холисанинг қизариб бўртган юзига, томоғидаги бўқоққа қараб бирдан юмшади.

— Кечир, одам жаҳли чиққанда... — Нусратбек унинг белига қўл чўзди. — Менинг шаҳарга, шаҳарнинг ҳам менга унча нафи тегмаслигини ўзинг ҳам билсан. Мен-ку, шуни ўйлаб қаттиқ сиқиламан... Бундай пайтда аламимни сендан оламан...

— Ҳа, фақат сизда бор алам! — дея Холиса кесатди-ю, лекин бир оз паст тушди. Эрига нисбатан инсофга келгандай бўлди: «Қишлоқни; у ерда бошлаган юмушларини соғинган. Қумсайди. Бу — енгил-елпи, ўткинчи ҳавас, инжиқлик эмас, эътиқод! Ҳаётдаги бош мақсади. Мен ўз дардим, рўзгор билан овора бўлиб, уни тушунмай, йўқ, тушунишни хоҳламай юрибман. Майли, шунча ютган чанг-чунг, заҳар-заққуми камлик қилган бўлса бориб яна юта қолсин. Кўнглига урса ҳафсаласи пир бўлиб, ўзи қайтиб келади бир куни...»

— Майли, боринг. Ўзингизни бунча қийнаб, бизларни ҳам хун қилманг. Айвондаги иккита гулни ҳашаротга бостириб қўйдингиз, удалолмай. Суваракларни йўқотолмадиз, — Холиса ўзини вазмин тутишга уринса-да, бари бир тилини тиёлмади. — Қани, қишлоқда... зора далалар тозаланиб кетса, — у икки қўлини кўксига чалиштирди. — Бизлар ҳам борамиз, бормайдиган жойимизми, — деб ўйга кириб кетди. Орадан кўп ўтмай қайтиб чиқди. — Қўлга асбоб ушлаб, дори билан ҳашаротни қириш қийин. Шунинг учун ақлли одамлар оғизларининг ели билан қилдиришади, бундай ишларни, диссертация ёқлашяпти ўзлари қўлларини урмай.

— Она!

Холиса ўгирилиб қаради, катта хона полида мушукчасига сутга бўқтирилган нонни едиrolмай ўтирган ўғилчасига кўзи тушди:

— Ҳой, полни расво қилибсан-ку!

— Мушук сут ичмаяпти, манга от олиб беринг.

— Туя, фил олиб бераман! — деди Холиса, ўғлига қовоғини уйиб. — Боқасан бу катак каптархоналарда. Артиб ол полларни!

3.

Нусратбек пижамасининг киссасида дўппайиб турган гугуртни энди сизди. Чекиб, хуморини ёзди, қаддини ростлаганида чумчуқларнинг чирқиллаши, ҳовлидаги болаларнинг товушини эшитди. Кўзи гуллар соясида ястаниб ётган мушукка тушди. Унга ҳаваси келди: «Ям-яшил, юмшоқ, хушбўй майсалар-тўшаги. Соф ҳаводан, гуллар атридан нафас олади...»

Ҳаёт гўзал, табиат инсон кўзини тўсувчи икир-чикирлардан устун, мусаффо. Бу — кўзга ташланиб турган бир парчаси, зарраси. Ҳали кўздан пинҳон сирлари, гўзалликлари олам-олам. Гуллар атри, гиёҳлар рақси, мусиқа, назм, жонли тупроқ мўъжизалари, шалолалар қўшиғи, қушлар нағмаси, муҳаббат, висол лаззати, тотли изтироблар... Ғунчаларга қўниб, шарбат эмиб юрган асалариларга рашки келди. Уларга ҳам осон эмас. Уззукун елиб-югуришади. Дориланган далаларда қанча хавф-хатарларга дуч келишади. Ҳаёт нашидаси шу кураш,

хавф-хатар, тўсиқларни енгиб ўтиш, интилиш бор учун ҳам қизиқ, лаззатли. Ҳамма нарса, бутун мавжудот яшашга интилади. Нусратбек қирмоқчи бўлган ҳашарот, қурт-қумурсқалар ҳам. Ҳозиргина устидан қайноқ сув қуйгани сувараклар ҳам.

У ҳашаротни ҳашаротга қирдириб, табиатнинг қонунига зид иш қилмайдими? Табиат бу адолатсизлик учун одамзоддан бир эмас-бир кун ўч олмайдими? Йўқ, Нусратбек унинг хатосини тузатади. Хатосимикан?! Сен унинг кўз илғамас, ақл етмас қонуниятларини билмай, англамай туриб, «хатоси»ни қайдан биласан, уни қандай тузатасан? Йўқ, сен заррадек ҳашаротни эмас, шу кичкина жониворнинг кўзидаги ёрқин қуёшни сўндирасан. Кўм-кўк само, яшилликни сўндирасан. У ҳам бу буюк табиатдаги бирон мутаносибликни сақлаб туриш учун балки зарурдир. Шу ҳашарот, сувараклар табиатнинг мураккаб заңжирдаги бир ҳалқа бўлса-чи? Оддий чувалчанг тупроққа қуёш нури ва ҳаво олиб кириб, оламдаги деҳқонлар ишининг тўқсон фоизини бажараркан...

4.

Самолётнинг учиш муддати икки соатга кечиктирилди. Залда, йўлакларда чамадон, тўрхалта кўтариб юрганлар, камалакранг курсиларда ўтирганлар безовталаниб қолишди: кеча ҳам самолёт учмаган, йўловчилардан анчаси кутиб-кутиб қайтиб кетган экан. Нусратбек залларни айланди. Деворларда фан ва техниканинг оламшумул ютуқларини кўрсатувчи диаграмма, фотосуратлар. Олдига пешбанд тугган ўрта ёш хотин йўловчиларни жеркиб, ўқрайиб, шахматнусха нафис «ғиштча»лар устига челақдан нам қипиқ сочиб, учига ҳўл лагга илдирилган узун таёқ— швабра билан зални тозалаяпти. Юзлари лўппигина, серғайрат, тажанг хотинга қараб туриб Нусратбек онасини эслади. Ёшлари ҳам тенгдир? Онасини ёлғизлик, тирикчилик ташвишлари эзиб қўйди. У бечора нафақа нималигини билмай ўтди. Нусратбек бир марта гап очганида хафа бўлди: «Қўй, болам, уят бўлади. Давлатни шунча харажатлари бор. Беморларни бепул даволаб, боқиб ётибди. Норасидаларни оқ кийинтириб, ота-онаси йўқлигини билдирмаяпти. Бунинг устига мен ҳам ундан пенса сўраб ўтирсам ноинсофлик бўлади. Нима иш кўрсатибманки, ундан пул сўрайман?..»

Тамаки тутуни, аччиқ тер, ҳар хил омукта ҳиддан Нусратбекнинг кўнгли беҳузур бўлди. Ташқарига чиқди.

У тезроқ учиш, таниш-билишларнинг кўзига кўринмай тезроқ манзилга етиб олишга ошиқарди.

Майдонга ўтди. Сув сепилган серсоя йўлка бўйлаб айланди. Дарахтзор ичидаги ажриқлар оловда куйгандек серғайган. Мағзава ҳиди келади. Дорилашибди. Ана, асфальтда пуркагич машина резинка найчасининг изи муҳрланиб турибди. Дорилашмаган жой, ҳашаротлар қочиб кирмаган кавак, тешик қолмади ҳозир. Нусратбек «Фан — куч-қудрат» журналида ўқиган бир мақолани эслади: шаҳарма-шаҳар учиб юрган бир самолётнинг қанотида доғ пайдо бўлган. Текшириб кўришса, оч қолган бактерия алюминни кемириб, бензин сўришга мослашиб олган экан. Шароит уни кичкина темирхўр «қашқирча»га айлантириб қўйибди! Ким айта олади, Нусратбек яратмоқчи бўлган фойдали ҳашаротлар бир кун келиб шундай йиртқич «қашқирча»га айланмайди, деб?

Шу пайт майдон бўйлаб дикторнинг овози ёйилди:

— Метеорологик сабабларга кўр-ра, бугун самал-лёт Н. га учмайди. Қайтар-раман...

Нусратбек ҳушёр тортиб, эълонга қулоқ тутди. Эрталаб радио об-ҳаво маълумотини бераётганда: «Н. да шимолдан ўн беш-йигирма метр тезликда шамол эсади. Чанг-тўзон кўтарилади» деган сўзларни эшитган эди.

Нусратбек ўйланиб қолди: эртага чанг-тўзон бўлмайди, деб ким

кафолат бера олади? Энг ишончлиси поезд, онаси айтгандай, «оёги ерга тегмайдиган нарсага ишонч кам».

* *
*

Темир йўл — пўлат арқон, вагонлар унга терилган маржон. Тепловоз шу шодани пўлат арқондан бир меъёрда «тақа-тақа-тақ» қилиб тортиб бормоқда. Самолётнинг манзилга тез етиши демаса, Нусратбекка асида поезд маъқул. Ҳар хил одамларни кўради, ҳар хил гапларни эшитади. Қора терга ботган паровознинг гудогини ҳам, ресторанида кичик тунука қосага солиб берадиган иссиқ карам шўрвасини ҳам яхши кўради. Поезд бўрон ва тўзонлар, саҳро ва катта-кичик бекатлардан, юлдузли кечалар бағридан гудок чалиб, тап тортмай илгарилайверади. Поезднинг ҳиди эскилигича қолган бўлса-да, лекин йўлларда янги давр нафаси, руҳи сезилиб турибди. Бекатларда «қайноқ сув», деб ёзилган дўкончалар йўқ... Уларнинг ўрнига ойна ва бетондан қурилган муҳташам рестороанлар минерал сув дўконлари. Бесўнақай катта фанер чамадон кўтарган йўловчилар ҳам кўринмайди. Ёш-яланглар, ҳатто кампир, чоллар ҳам ихчам, бежирим тўрва, «дипломат» кўтариб олишган. Нусратбек онаси билан ғаллакор районга бориш учун тунда кўк гумбазли бекатга борганини эслади. Ушанда кассир: «Ҳаммомда ювиниб чиққанларинг тўғрисида справка бўлмаса поездга чиқармайман», деб билет бермаган. Йўловчи уч сўм тўлаб, кийим-кечакларини буғхонада битдан тозалатиб чиққандан кейингина вагонга қўйиларди.

Кенг, яхлит ойнасига оппоқ шохи дарпарда тутилган купелардан бирида тўладан келган, кўкраги бўлиқ, оппоқ кулча юзли қизми, жувонми ўтирибди. Вазминлиги, дадил, ўткир қарашлари жувонни эслатса, бежиримлиги ҳали оила, рўзгор ташвишини татиб кўрмаган қизга ўхшайди. Икки ўрим йўғон сочини турмаклаб, устидан ялтироқ қизил зар рўмол билан боғлаган. Унинг рўпарасида тирсақларини овқатланадиган кичик йиғма столчага тираб, парданинг очиқ жойидан ташқарига тикилганча Нусратбек ўтирибди. Деразадан симёғочлар, дарахтлар, уйлар, ўқариқлар билан бир-биридан ажратилган пай-каллар лип-лип ўтади.

— Сиз ҳам Насафгами, — сўради жувон. Товуши мулоим экан.

— Ҳа, — Нусратбек бошини буриб, унга қаради. Кўзлари қамаш-гандек қисилди.

Купеда икковигина. Ҳамроҳи эркак бўлганда бемалол ечиниб ўтиради. Иссиқ. Дим. Ҳаво етишмаётгандай. Дамо-дам артинса ҳам юз-кўзини тер босади.

— Ҳамроҳ эканмиз, — жувон кўкракбурма кенг атлас кўйлагининг ёқасидан ушлаб, елпинди. — Уфф, дим экан. — Кичик гўштдор кулоқларидаги ёйсимон олтин ҳалқалари тебраниб, ялтиради.

«Холиса орзу қилган ҳалқадан экан. — Нусратбек унинг ғадир-будир бармоқларига, учи кемтик тирноқларига тикилиб қолди: — Кўрак чувиганми? Йўқ, кислота доғларига ўхшайди».

Жувон елпинишдан тўхтади. Қўлларини пастга тушириб, дўмбоқ тиззаларини ёпиб ўтирди.

— Мен, ҳозир... — Нусратбек ўрнидан туриб, дераза тортқичини пастга суриб очди. Купега иссиқ шамол ёвшан, туяянтоқ, қовжираган майсалар ҳидини олиб кирди. Нусратбек бошини деразадан чиқариб, даштга тикилди. Чуқур нафас олди. Узоқларда сароб жимирлайди: кўл бетида қовжираган янтоғу исирик сузиб юргандай... Димоғига таниш ҳид урилди.

— Гул... Гулсафсарнинг ҳиди қелаяпти. Узи кўринмайди. Яхши ҳиди бор-да, — деб қўйди Нусратбек.

Жувон мийиғида кулди.

◆ ҚИССА
◆ МАЙСАЛАРНИ АЕЗ УРМАЙДИ
◆ С. НУРОВ

— Мен ҳам яхши кўраман. Шу гиёҳнинг ҳидини.

Шу пайт вагонлар силкиниб, поезд чўлдаги кичик бир бекатда тўхтади. Нусратбек мувозанатини йўқотиб чайқалиб, тирсаги ҳам-роҳининг кўкрагига ногоҳ тегиб кетди.

— Кечирасиз...— деди у вужудига ўт туташгандай юзлари ловиллаб ёниб, дерзадан ташқарига тикилганча.

Жувон ҳеч нарса бўлмагандек елпинар эди.

Перронда саватда нон, банкалада қатиқ, тузланган бодринг, челақда олча кўтарган аёллар, болалар.

Купе эшиги шиддат билан шарақ этиб очилди. Ғилдиракларнинг шиддатли тақиллаши эшитилди. Хонага кўмир кукуни, қорамой ҳиди кирди. Нусратбек орқага ўгирилиб қаради: оёғида оч яшил, чангли брезент туфли, кўк жинси шимининг тиззалари қирилган, кўйлагининг ёқалари очик, офтобда қорайган чўзинчоқ юзли йигит бўсағада ишшайганча турарди:

— С-салом, — қоп-қора бит кўзлари шўх йилтираб, олдин Нусратбекка, кейин бурчакда ўтирган жувонга қаради. Елкасидаги оғзи чилвир билан бойланган юк халтани юқори полкага қўяётганида шимининг жигарранг эски қайишию киндиги кўришиб кетди. У яна ишшайганча жувондан кўзини олмай Нусратбекнинг ёнига ўтирди. Эски похол шляпасини бошидан олиб, кафти билан майда тер босган бурнини, узун, офтобда қорайган бўйнини артди. Сапчадай бошидаги сийрак сочлари терлаб, шляпасининг ўрни силлиқ ялтираб турарди. Мижигланган ёқаси кир. Эшик ойнасига кўзи тушганда киприклари пирпиради. Яна дўрдайган пастки лаби осилиб тушиб ишшайди. Сийрак, катта сарғиш тишлари кўринди. Сўнг жувонга суқ билан тикилиб, ютинди. Купени ғўза дориси билан ўткир тер ҳиди босган эди. Йигитнинг ҳамхоналарини менсимагандай бамайлихотир кириши, ўзидан катта жувонга одобсиз тикилиши Нусратбекка ёқмади. «Молдай бефаҳм экан». Нусратбек ундан юзини ўгириб, янги ҳамроҳига ибрат бўлар деган мақсадда жувонга такаллуф қилди:

— Чой дамлаб келайми, чанқагандирсиз?

— Майли, чойнак топилармикан?— жувон рўмолчасини пирра қилиб, оппоқ томоқларини елпиди.

— Проводникда бўлиши керак, — Нусратбек йигитга маъноли қаради: «Агар фаросати бўлса, мен дамлаб келаман, деб ўрнидан туради». Йўқ, у қимирламади ҳам. Қалин пастки лабини очиб, сариқ тишларини кўрсатганича бемалол ишшайиб тураверди. Нусратбек хўрозланиб ўрнидан турди, қорнини ичига тортиб, кўкрагини кериб, намойишкорона чиқиб кетди.

Чой ичиб ўтиришганда чаккаларию бўйинларидан оққан тердан кўйлагининг елкалари жиққа ҳўл бўлиб, баданига ёпишиб қолган йигит жувоннинг билагидаги кичик олтин соатга эгилиб қараб, сўради:

— Сават неччи бўлди, чеча?

Жувон соатига қаради-да, жавоб берди.

— Яхши, яна етти соватдан кейин, насиб бўса, уйда бўламан, — деди йигит ички орзиқиш билан жилмайиб. — Айялим, ўғилчам, патир нон... Энам ҳам севиниб қолади.

«Бунақаларга рўйхуш берсанг бекор қулоқ топилганига хурсанд, чакаги тинмай вайсайди» Нусратбек димоғ билан дераза томонга ўгирилиб, ўз хаёллари билан банддек ўтирди.

Йигитнинг орзиқиб энтикиши жувоннинг ҳавасини қўзғади шекилли:

— Командировкада эдингизми?— деб сўради.

— Ҳа, биззики муҳлатсиз командировка!— оғзининг таноби қочиб, ўзича ҳазил қилган бўлди йигит.

«Тракторчи, ё сувчи бўлса керак», деб ўйлади Нусратбек унинг қатиқ гапиршига қараб. «Еки қулоғи оғирроқмикан?» Йўқ, жувоннинг аста берган саволини у эшитди.

— Чўлдаги янги совхозда пахта, қовун-тарвуз экамиз. Тирикчи-

лик! Уқийолмай қолиб кетганман. Октобрчи, ноёбurchи деганларни эшитганмисиз?

Жувон йўқ, деди.

— Кузгача дехқончилик қиладиганларни шундай дейишади. Дехқоннинг этигига қурт тушганда кетмонни елкага ташлаб, йўлга чиқамиз. Пахтаги даромадига бизлардан бошқа...— йигит маъноли кулди,— кўз тикиб ўтирганлар кўп. Уннан бизларга бир тийин ё теяди, ё теймайди! Бизлар пахтага ишлаймиз-у, лотоклар биқинидаги ерларга қовун-тарвуз экиб, шуннан оламиз ризқимизни. Агар палак яхши бўлиб, уннан бирон нарса унишига кўзимиз етса, то пахта терими бошлангунча ўрмалашиб юрамиз. Мошин кўп... Янги мошинда мунча пахта тераман деб пул, орден, мукофотларга тишини қайраб юрганлар ундан кўп. Ўзлари бизларсиз териб олишаверади. Бу йил ишимиз юришмади. Палаклар энди атрофга шох ёйиб, ўрмалай бошлаганда ҳашарот босдим, илдизини бирон бало кесдим, саргайиб, барглари буришиб, қовжираб қолаверди. Қайта экувдим, яна...— у қўл силтади.— Ташлаб кетобман. Эни кемайман баққа! Эни ўзимизни Қашши даштида ишламоқчиман. Сопхозлар тузиляпти деяпти радио ҳар кун, одам кўп керак. Фақат икки-уч ой вақтим, меҳнатим куйди-да,— у бош чайқади.

— Унни битирганмисиз?

— Ҳа,— деди йигит.

— Кейин ўқимадингизми?

— Уриниб кўрдим, бўлмади.— Йигит маънос, аламли илжайди.—

Парторг бобонинг ўғли билан бирга битириб, ирригаторликка ўқиймиз, деб бордик. Ман бормасдим-у, муаллим: «Жума, калланг зўр ишлайди, сан ўқи», деб қўймади. Парторг бобони мактабда зўрға «уч» олиб юрган ўғлига кассир, бригадирлар хайбаракаллочи бўлиб боришди. У ўтиб кетди. Ман иккинчи имтиҳондан йиқилиб қайтдим. Кейин бораман девдим, энам: «Қўй ўша ўқишингни. Бизни зотдан олим чиқмаган сира», деди.

Йигит Нусратбекка истамаса ҳам ёқабошлади. Содда-довдирлиги, гўдакдай беғубор, ростгўйлигимни ёки ўзига даҳлдор мавзудан сўз очганлиги учунми. У йигитга ўгирилиб, қанақа ҳашарот еди палакларни, дори сепмадинглари, деб сўрамоқчи бўлаётганда, жувон йигитга далда берди:

— Зарари йўқ. Ҳали бутун ёз олдинда. Ишлаб оласиз. Келин севишиб қоладиган бўлипти-да.

«Келин» сўзи йигитнинг қулоғига мойдай хуш ёқиб, икки-уч ойлик «куйган» меҳнатини ҳам унутди. Оғзининг таноби қочиб, пастки лаби осилиб кетди:

— Жа севинади! Шу ёққа келинг, ёки мени ҳам ўшоққа оп кетинг, деб зорланиб юрувди. Дашт шундоқ, қишлоғимизди биқинида. Ҳафтада уйга қатнаб тураман. Янги сопхозлардан жой беришса, кўчириб олиб кетаман. Дашти ери тоза, кўнғир, фақат сув керай. Томорқани ҳам катта беради дейишяпти. Севинади! Юкимиз енгил, бир шолча, икки кўрпа-кўрпача, декча. Бир эшакка юк.

Нусратбек ўткинчи бир бегонанинг ташвишига куйиниб, омадидан севишиб ўтирган бу жувоннинг нурли, ёқимли, самимий чехрасига мафтун бўлиб қолди. «Бунақа аёл бўлар-бўлмасга эрининг асабини бузмайди. Илик табассуми, ёқимли ишва, меҳрибонлиги билан яраларига малҳам бўлади. Эрининг умрини аёллик назокати билан безаб, кўнглини овлайди. Бўлар-бўлмас нарсаларни ўйлашга вақти ҳам йўқдир».

Нусратбек йигитга ҳам ҳаваси келди: ҳали хотинини кўрмай, маслаҳатлашмай туриб, «уй беришса кўчириб кетаман» деяпти. Икки ёрти — бир бутун — иноқ экан-да иккови. Нусратбек эса ўзининг пушти камаридан бўлган бир боласини олиб кетай деганда Холиса қандай қиёмат қилди!..

Проводник бир даста кулранг чойшаб, боғичи узилган ёстиқ-жилд-

лар олиб келди. Жувон билан Нусратбек бир сўмдан тўлаб олишди. Йигит олмади. Нусратбекнинг оёқ томонида «Тракторларнинг тузилиши» китобини титкилаб ўтирди.

Жувон устига чойшаб тортиб, юзига нафис рўмолини ёпиб, хаёлларига кўмилиб жимгина ётди: Гулхайрининг ёши ўн тўртдан ошганда, мўйлаби сабза уриб, товуши дўриллаб қолган ўсмирлар атрофида парвона, суқланиб қарашар эди. Соғлом, қувноқ Гулхайрига бу олам, бу кўҳна дунё йигитлардай ёш, фақат шодлик, бахт учун яратилгандай, борлиқнинг ўзи ҳам балоғатга етадиган қиздай беташвиш, камалакдай жилвагар эди. Буни сезиб юрган она бир кун қизига тугунча бериб, тайинлади:

— Шунини тоғангникига элтиб бер.

Тоғасини, унинг обод уй-жойи, сермева чорбоғини, энг баланд шохларда асраб қўядиган меваларни олиб берадиган хуштабиат ўғлини ёқтирадиган Гулхайри онасидан тугунни қувониб олди. Унда нима борлигига қизиқмади ҳам.

— Тоғангни яхши кўрасан-а, қизим? — она қизига ўсмоқчилаб қаради.

— Ҳа, — деди Гулхайри ҳеч нимани ўйламай.

— Ўғли ҳам ўзидай ақл-фаросатли, меҳнатқаш, мўмин. Шундай катта рўзғорни саранжом-саришта қилиб юрибди иккови.

Гулхайри онасига ғалати қаради: ҳеч бундай гапирмасди? Тўғри, тоғасининг меҳнатқаш, ҳалол, ҳимматли одамлигини, онаси айтмаса ҳам, бутун қишлоқ билади. Буни Гулхайрининг ўзи ҳам янгасининг азасига борганида сезган. Тоғасиникига саҳарданоқ тумонат одам ёпирилиб келди. Кейин бўйдор, ориқ, бўйни узун Ботир чопон кийиб, қўлига ҳасса олиб, ҳиқиллаганча, «онам»лаб тобутнинг олдида қабристонга қараб кетишди... Аёллар кўз ёши тўкиб, бу хонадонда ҳамма нарса бор, фақат тўй етишмади, боёқш йиғди, туғди, эссиз, келин кўрмай кетди, деб афеусланишган эди.

Ушанда Гулхайри тоғасиникида туриб, янгасининг еттиси ўтгандан кейин уйига қайтган эди. Камгап, рўзғор ва темирчилигидан бошқа нарса билан иши йўқ тоғаси онасининг гапларига қулоқ солиб, маъқул маъносида бош қимирлатиб қўйганларини кўрган, аммо она-ука ўшанда маслаҳатни бир жойга қўйиб, «ошни пишириб» қўйишганини сезмаган экан. Гулхайри буни бутун онасининг гапларидан, дағал тоғасининг ўзига ярашмайдиган меҳрибонлигидан, доим чорбоғдаги мевалардан териб берадиган Ботирнинг бу сафар Гулхайрига кўзи тушиши билан чорбоғдан ғойиб бўлишидан дарров сезди. «Бизларни унаштириб қўйишибди-да!» У ўзини қизалоқлар билан «мак-мак» ўйнаётганда ман этилган чизикни босиб олгандай ноқулай сезди. Шушу у ёзги таътилга чиққанда ҳам тоғасиникига бормайдиган бўлиб кетди.

Бу орада Гулхайри мактабни битириб, институтга кирди. Ботир шоферлик курсини тамомлаб, бир ярим йил ишлагач, ҳарбий хизматга жўнади.

Онасининг тўйи ўртамиёна ўтган. Поччаси етимча эди-да. Кейинча у ўзини анча тиклаб олди, бари бир бахти кемтик. Шу сабабли онанинг бутун умиди кичик қизидан. Ўзи ҳам унча-мунча нарса йиғиб қўйган. Шундай қилиб, Гулхайрини чимилдиқда кўриш, катта тўй қилиш, насиб этса неvara эркалаш — онанинг умиди, ҳаётининг мазмунига айланиб қолди. Шу сабабли Гулхайрининг тўрт йиллик ўқиши унга ўн тўрт йилга чўзилиб кетгандай туюлди.

— Ана, энди тўйни бошлаймиз, болам!

— Аспирантурада қолдиришди, онажон.

— Аспиранти нимаси, болам? Неча кунга? — онанинг лаблари титраб, кўзларида ёш ҳалқаланди.

Гулхайри онасини авайлаб қучоқлади. Эркалаб, кўзларидан ўпди. «Неча кун»лигини айтса онасининг бўғзида ҳиқиллаб турган жони

киприкдаги ёш билан узилиб тушадигандай эди. Айтмади. Упаётганда онасининг нафасида дори ҳидини сезди:

— Дори ичдингизми? Нима, тобингиз йўқми?

— Ўз фарзандларингдан бир тийинлик наф йўқ! — нолиди она. — Уласанми, тириласанми, бари бир уларга. Опанг у ёқда, сан ўқишда. Яхшиям шу қўшнимиз бор экан, дугонанг. Бошим ёстиққа текканда ўзи, болалари ўтиб, бир қошиқ иссиқ қилиб беради, дўхтир чақириб келади.

— Оз қолди, — деди Гулхайри онасини юпатиб. — Қирқига чидаган яна бирига чидайсиз. Темирни иссиғида босиб, диссертациямни ёқлаб олай, бўлмаса...

— Олдин аспрот девдинг, энди диссирот! Ҳе-чч адоғи йўқ эканда бу сабил «от-от»ларингни! Юрагимга зарпечакдай чирмашиб кетди-ку! Ёки мани лақиллатиб юрибсанми? Мани қўявер. Тоғанг ҳам, ўгли ҳам илҳақ бўлиб кетишди. Мўмин-қобил-да, унинг ўрнида бошқаси бўлса... Қўрқаман, болам, тушларимга кирасанлар ҳар кун. Ёшлиғида бола ухлатмайди онани, катта бўлгач ўйлари ухлатмасакан.

Гулхайрининг эса кўнгли тўқ: бу ёқда илмий ишлари орзу қилганидан ҳам тезлашиб кетяпти. Тоғасининг ўгли кутмаса яна яхши. Бу кенг оламда Гулхайрига аталган йигит бор, у қаерлардадир кутиб юрибди, бир кун «мана мен!» деб кириб келадигандай. Ботир бўлса... ёмонмас, меҳнатқаш, мўмин-қобил йигит, лекин Гулхайрининг юрагини «жизиллатмайди». Айниқса ҳозир буни аниқ ҳис этяпти. Қизлик ғурури, туйғулари поймол этилгандай сезади ўзини: «Мени буюмдай олди-берди қилишмоқчи... Умр савдоси эмиш. Менинг кўнглим бор-йўқлигини бир оғиз сўрашмаган-а!..»

— У ишларинг кейин бўлаверади. Қиз болага энг муҳими вақтида турмуш қуриб олиш, болам.

— Онажон, — Гулхайри ҳасрат билан онасининг серажин қовоқларига, оқ-кулранг сочларига тиқилди. Мениям тушунинг-да, ахир!

— Нимага тушунмасканман! Шўрапўшлигинг ҳеч қолмади-қолмади сан қайсарнинг! Қарчиғайдай йигитни пистакўмирдай куйдириб юрибсан! Яна уволгинаси тутмасин, уволи бўйнингда-я!..

Исиб, нафаси қайтган Гулхайри бошидаги рўмолини олиб, юз, бўйинларини артди. Елпиниб, ёнбошига ўгирилиб ётди. Қуюқ киприкларини орасидан Нусратбек ётган тахтага қараб қўйди. Юраги типирчилаб, ўзига-ўзи: «Хайри, қара, яхшилаб қара! — деди. — Сен кутиб юрган, «мана мен» деб олдиндан тўсиб чиқадиган йигит шундай бўлиши керак. Балки шудир?»

... Кейин онаси кутган кунлар ҳам етиб келди. Гулхайри диссертация ёқлагани жўнаётганда онаси, қўшни-дугонаси кўча бошидаги кўприккача кузатиб боришди. Гулхайрининг тенгдошлари, дугоналари — ҳаммаси эрга тегиб, рўзгор қилиб, мана шу пучуқ дугонасидай орқа-олдини бола тутиб кетган. Гулхайри йўқлиғида онасига қараб тургани учун дугонасига миннатдорчилик билдирди. Унинг қўлидан дўмбоқ ўғилчасини олиб, сут ҳиди келиб турган тугмадек лаби, лоладай ёноқлари, мурғак елкаларидан ўпди. Қитиғи келган гўдак ўзини орқага ташлаб, онасига талпинди. Гулхайри тоза рўмолчаси билан ҳеч оғринмай боланинг пучуқ бурнини артди:

— Мен келгунча онамга қарашиб турасиз яна.

— Албатта! Визларди ҳам онамиз-ку бу киши.

Уларни кузатиб турган она қизининг энг ўйнаб-куладиган, аёллик, оналик бахтини сурадиган вақти ўқиш билан ўтаётганига ачинар эди: «Ана, ўша пучуққа бинойидай эр, кўзмунчоқдай тўрт ўғил, уй-жой... Мени суксурдай олима қизим бўлса...»

Гулхайри болани дугонасига бериб, ёқаларини тўғрилади. Ёнига бурилди. Онасининг озиб-тўзган бир тутам жуссасига, нам киприкларини, пириллаган лабларига кўзи тушди. Унинг мунғайиб боқишларидан эзилиб кетди. Онанинг диссертация билан иши йўқ, унинг дарди тўй

эди, буни Гулхайри яхши билади. «Тегсам тегақолай. Бу шўрлик ҳам кута-кута адоий тамом бўлди-ку».

— Майли, онажон, мен рози, — деганини ўзи ҳам билмай қолди. — Қайтиб келай.

Онасининг чеҳраси бирдан ёришиб, тетикланди:

— Бу дисиротинг ҳам кичик тўй, болам! Қувватим кетиб, жағим қолган-да, бўлмаса ўзим бориб, елиб-югуриб ўтказардим-а! Ана, тоғанг, ўғли боради мен учун ҳам.

— У ерда ҳамма нарса тайёр, онажон. Фақат дастурхон атрофига бориб ўтириш қолган.

— Майли, ой бориб, омон кел, илойим!

* *

*

... Химоя юз фоиз овоз билан яхши ўтди. Бутун ўлкага машҳур олимлар Гулхайрининг ишига юксак баҳо беришди. Залдагилар тўда-тўда бўлиб хиёбонга чиқишди. У ерда уларни зиёфатга олиб борадиган тўртта автобус кутиб турарди.

— Табриклайман! Табриклайман! — Гулхайрининг тепакал илмий раҳбари азбаройи қувониб кетганидан ўзини тутолмай, шогирдининг қўлларини кетма-кет ўпар, юзларига босарди, Шу пайт домланинг тирсагини катта омбур қаттиқ сиқди. Домла титраб, инграб юборди. Довдираб, ёнига қаради. Ўзидан бир газ баландда харидай йўғон бўйин, хандакдай ияк, қалин лабларнинг икки четидан босиб тушган мўйлов, анордай икки ёноқ ўртасида бодрингдай дўппайиб турган бурун, бароқ қошлар остида хўмрайган қора кўзлар, ундан юқорида дўнг пешона ва унга кийдирилган қуроқ қалпоқни кўрди. Жон-пони чиқиб кетиб, кўзларини пирпиратди-да, кейин мени бу девнинг дастидан қутқар, дегандай бирдан-бир нажот — Гулхайрининг қўлларига маҳкам ёпишиб олди.

— Ким бу? — девдай тоға пишиллаб нафас олганча домлага ўқрайиб, Гулхайридан сўради.

— Домуллам... Менинг илмий раҳбарим.

Тоғаннинг аъзойи бадани титраб кетди: «Ҳа, бу жиян тўйни бунча чўзиб юборди десам, бу ёқда бошқа илинжи бор экан-да! Ишни битириб қўйиб, бизларни лақиллати-эб!..»

— Тўйларинг қачон бўлди?

Гулхайри ҳам, қизнинг қўлларини ушлаб турган раҳбари ҳам ҳеч нарсага тушунмай, донг қотиб қолишди.

— Бу, Гулхайрихон менинг...

— Сен жим ўтир! — Тоға домлани жеркиб ташлади. Унинг вазоҳатидан кўрқиб, домланинг тиззалари қалтираб кетди. Тинган кўзларини юмиб, бўйинини қисганча турарди. — Бу қандай беҳаёлик? Қуппа-кундузи, кўчада, одамлар кўзи олдида!.. Мен бир кам олтмишга кириб, раҳматлик янганг билан ҳидлашганимни ҳатто болам кўрмаган-а!

Атрофда хангоматалаблар тўпланиша бошлади. Почаси попукли жинси шим, газетанусха кўйлак кийган хушмўйлов йигит Тоғага танбеҳ берди:

— Қизни ҳақорат қилманг, маданиятсизлик бу!

— Кўчада ҳидлашиш маданиятлиликими? — ўшқирди Тоға.

Ориқ бир йигитча:

— Эшшак, — деди-да, бунга гап уқдириб бўлмайди, дегандай орқасига бурилиб кетабошлади.

— Нима? — Тоға ари чаққандай сесканди. — Ким эшшак? — энгланини шимарганча унинг кетидан интилди. Уч-тўрт хатлашда йигитчага етиб олди. Костюмининг ёқасидан ушлаб тортганда қўлидаги «дипломат» гулзорга учиб кетди. Икки тугмаси шарт узилиб, асфальтга

тушди. Гулхайри югуриб бориб, уларнинг орасига тушди. Тоға оғир пишиллаб:

— Астағфируллох, астағфируллох,— дер эди.

Гулхайри йигитнинг «дипломат»ини олиб бериб, узр сўради:

— Кечирасиз, тоғам бир оз жаҳли тезроқ...

— Ҳа, «бир оз» экан,— деди йигитча жуда самимий табассум

билан.

Юзлари қизариб-бўртиб, қулоқларигача ловиллаб кетган Гулхайри тоғасига ўгирилди:

— Ахир...

— Йўқол-э, кўзимдан!!— Тоға бўқирди.— Яхшиям, мани қизим эмассан. Бўлмаса ҳозир, шу ерди ўзида бошингни сапчадай узиб ташлардим!— у жаҳл билан тепинди.— Қарй тулкининг қўли теккан сочларингни энди мени ўғлим силамайди!— у ҳеч кимга қулоқ солмай, гулзор оралаб, буталарга туртиниб, атиргул тиканлари почасини юлқилаб, қўлларини жазиллатиб тирнаганини ҳам сезмай, боши оққан томонга кетиб борарди. Бир болам икки бўляпти, деб севинганидан домлаларнинг ҳар бирига атаб тиктирган саруполари ҳам, зиёфатга деб тандир каоб қилдириб олиб келган икки ҳисори қўйи ҳам қолиб кетди.

Гулхайри одамлар орасида турган Ботирни энди кўрди. Йигитга зарда билан аччиқ-аччиқ гапирмоқчи бўлиб, ёнига шахт билан юриб борди, лекин унинг уятчан кўзларига кўзи тушиб, таранг асаблари бирдан бўшашди: «Бунда нима гуноҳ?»

— Мени кечиринг, Шунча умрингизни мени деб беҳуда ўтказдингиз. Энди... ака-сингил бўлиб қолайлик. Шу ер ютгур эски одатларимиз бўлмаса аллақачон дўстлашиб, эҳтимол... кетармидик.— Гулхайри «севишиб» сўзини айтолмай, ерга қаради. Қўнгли бўм-бўш, маъюс тортиб қолди. Ботир сеvimли бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда неча йиллардан бўён ўй-хаёлида юрган «шаръий» йигити эди-да.

— Ҳар қалай кексаларни ҳам ҳурмат қилиш, раъйига қараш керак эди, Гулхайри,— деди йигит гина оҳангида.

— Мен ҳали ҳам кексаларни ҳурмат қиламан, лекин эски одатларни эмас. Ҳа, ҳай, бўлар иш бўлди! Ўзингиз юринг,— деб Ботирни қўлидан ушлаганича поччаси, опаси, домласи минган автобус томон судраб кетди.

... Ушанга ҳам бир йилдан ошибди. Мана бугун ВАҚдан тасдиқланиб келган дипломини олиб, домласи билан хайрлашиб келяпти. Домласига, юринг бирга, ишларимизни кўриб қайтасиз, деса, у кўнмади:

— Ҳали яна бир оз яшашдан умидворман, чала ишларим бор,— деди кулиб.

Совун ҳидли нам чойшаб кўнглига ўтирмаганигами ёки оёқ томонида ўтирган йигитга гаши келганигами Нусратбек у ён-бу ёнига ағдарилди. Юқоридан электрнинг шуъласи ҳам кўзига тушиб турибди. «Анави бўлмаганда чироқни ўчириб...»

Нусратбек ухлолмади. Секин ўрнидан туриб, кимсасиз йўлакка чиқди. Поезд Зарафшон кўпригидан ўтаётган эди. Қия очиқ дераза остида чўл иссиқ тун пардасига ўралиб, мудрайди. Қоронғида ёлғиз қолиб зериккан шамол гувиллаб ўзини вагонлар деворига уради, деразаларга тирмашади. Кўмир кукуни, тутун ҳидини олиб киради. Осмондаги юлдузлар қизғиш, сариқ, совуқ кўкиш, кумушранг. Милтиллайди. Бу водий осмони доим шундай серюлдуз бўлади. Нусратбек студентлик пайтидаёқ тунда поездда ўтганида буни сезган эди. Еки бу жойдан осмон қоронғироқ кўринармикан? Еки Улуғбек расадхонасини кўргани, у-бу китобларини ўқигани учун унда шундай таассурот қолганмикин? Нусратбек деразадан қўлини чиқариб турди. Қўлларига қум заррачалари, пашша, ҳашаротлар урилди. Эти жунжикиб, ичкарига кирди. Йигитчанинг тиззасида китоб, боши кўксида «хур-хурр» нафас олиб ухлаб ўтирарди. Нусратбекнинг шарпасига ҳам, электрни ўчирганида ҳам уйғонмади. Нусратбек жувон

ётган ўринга ҳам назар ташлади. У оёқларини букиб, бурчакка тиқилиб ётарди.

Нусратбек эрталаб уйғонганида йигитни купеда кўрмади, даштдаги поезд секинлаб ўтадиган дуварак бекатлардан бирида тушиб қолган шекилли. Жувон ювиниб-тараниб келиб, тушишга шай бўлиб турган экан. Остидаги ўриндиқдан олган бўлса керак, ёнида белбоғли катта чарм чамадон, катта тўр халтада «ЦУМ», «ГУМ» қоғозларига ўралган нарсалар. Нусратбек чой дамлаб келди. Нонушта қилишди.

Кун ёйилиб кетди. Эрталабданоқ вагонлар қизиб, дим бўлди. Йўлнинг икки ёнида ястаниб ётган даштнинг юзи жазирамадан бужмайган. Тиқ ётган шамол йўқ. Бекатда Нусратбек жувонга кўмаклашиб, чамадонни олиб тушди. Бу шахарчага ҳозиргина тўзон «жала»си ёғиб ўтгандай эди. Зинапоялар чанг. Йўлаклар, дарахтлар, машиналар, майдондаги гуллар, томларни чанг босган. Иссиқ, одамни бўғадиган иссиқ. Дарахтлар пакана, кичик, букчайган, пўстлоқлари пишиқ, барглари қаттиқ, қуёшнинг олов сели ва тўхтовсиз эсадиган тўзонли шамолдан ўзини ҳимоя қилиш учун бошини бўйнига тортиб, писиб ётганга ўхшайди. Нусратбек хаёл билан таксилар турадиган майдон ётган томон бораётган эди:

— Мен бу ёққа, — жувон билагига оқ сумкача илинган қўли билан вокзалнинг биқинидаги паст, чангли чорпояларда олачопон кийган чоллар, бошига беш-олтита рўмолни ўдана қилиб ўраган кампир, аёллар чой ичиб ўтирган чойхона томонга ишора қилди. Барглари саргайган, серчанг акас дарахтлари остида «газик» машина турарди. Орқадан бораётган Нусратбек дадилланиб, жувондан сўради:

— Кечирасиз, исмингизни ҳам сўрамабман?

Жувоннинг киприклари пирпираб, Нусратбекка маънодор қаради:

— Ҳидимдан билмадингизми? — жувоннинг кўзлари шўх кулиб турарди. Нусратбек ичиди: «Ноз-карашмаси зўр-ку», деб қўйди.

— Ҳидингиздан!?

— Ҳа, кеча купе деразасини очганингизда келган ҳид-чи, Гулхайри.

Бир қарашда вазмин, мулойим кўринган бу жувон анча шўх экан. Нусратбек кеча гиёҳлар ҳидини чалқаштирганига ўзи энди хижолат чекди.

«Гулхайри!» — Нусратбекнинг юзига қон тепди. — Мен бўлсам гулхайри дейман деб, гулсафсарнинг ҳидини мақтаб ўтирибман-а. Э, хомкалла. Холиса ҳам бекорга танбеҳ бериб юрмади, «агроном бўлсангиз ҳам гуллар, ҳидларни менчалик билмайсиз», деб.»

Машина ёнида уларни кузатиб турган киши жувонга пешвоз юрди. Пакана, қориндор, қош-киприк, қулоқ, қалпоқларини чанг босган. Пишиллаб нафас олганча Нусратбекка бир ўкрайиб қаради-да, индамай қўлидан чамадонни олди. Нусратбекни машинага таклиф этишмади. У бундан хафа бўлмади. Фақат жувон ва шофернинг уни ҳаммол хаёл қилиб, раҳмат айтишмагани кўнглига бир оз оғир ботди.

Нусратбек машина орқасидан қараб турди-да, таксилар турадиган майдонга борди: «Исми чиндан ҳам Гулхайримикан ёки ҳидни адаштириб юборганимни писанда қилиб кулдимикан?»

5.

Уч деразали кабинет, Шифти пастроқ. Жавонларга пахтаси чаман очилган турли нав гўзалар ва пробиркалар қўйилган. Эшик очилиб бўсағада Нусратбек кўриниши билан катта, юмшоқ ўриндиқда ўтирган Бўри Пайғамов ўрнидан турди. Ручкани қоғозлар устига ташлаб, калта, бақувват қўлларини чўзганча унга пешвоз борди:

— Э, келинг... хуш келибсиз! — текис садаф тишлари ярқираб, юзида кабинетни ёритган табассум «чироқча»си яна порлади. Нусратбекни юмшоқ, кенг ўриндиққа таклиф этди-да, жойига бориб ўтирди. Орқадаги жавонларда марксизм классикларининг асарлари. Нусратбек Пайғамовга разм солди: ўрта бўй, ёши элликларни қоралаб қолган бўлсада, юзлари силлиқ. Калта бўйни йўғон, калладор. Каттакон бурни-



нинг учи бир оз эгик, яшил-кўк кўзлари ўткир. Сочлари қоп-қора қадди. Кителнинг тугмалари солинмаган, очиқ ёқасидан кўкрагини босган жунлари кўришиб турибди. Галифэ шими, брезент этиги, бутун қиёфаси унинг соғлом, ишчан, серғайрат одамлигини таъкидлар эди.

— Ишдан қочмасангиз бўлди, тажриба учасигини ҳам, ёрдамчилар ҳам — бари топилади. — У ясси столи қиррасидаги тугмачани босди. Худди телевизор экранидан ҳозиргина тушгандай қўлида қалам-блокнот билан котиба кирди. Шунда Бўри Пайғамовнинг орқасидаги китоб жавони қимирлаб кетди. Нусратбек «зилзила» микан деб шифтдаги қандилга тикилди. Йўқ, Шундагина бу «китоб жавони» кўшни дам олиш хонасига ўтиладиган махфий эшикчилигини англади. Бир пайтлар райком котиблари кабинетида шу расм бўлган: кўшни хонада соқолларини қирдириб, овқатланиб, бюрлар олдида мизғиб олишар, кейин тонг отгунча мажлис ўтказишар эди. Пайғамов пинагини бузмай, пастга қараб ўсган калта қошларини кериб, жиддий тайинлади. — Буйруқни тайёрланг. Ҳа, бугунги число билан. — Нусратбек унинг қуруқроқ кўринган бу ҳаракатини оқлади; тўғри-да, давлат ишини бажараётган раҳбар қўли остидаги ходимлар билан шундай жиддий бўлиши керак. Ҳамма билан апоқ-чапоқ бўлса, тартиб-интизомга қарамай, ҳаддидан ошиб кетадиганлар бор. Нусратбек ўзини шундай туюлмагани учун ҳам бошлиқ эмас, ўртамиёна ходимлардан ҳам дакики эшитиб юради.

— Илм йўлидан қўлдан келади ҳамма ишни қиламиз. Обком билан ҳам ўзим гаплашаман. Ҳамма секретарлар, айниқса, биринчизим илмнинг қадрига етадиган одам, ҳеч нарсани аямайди.

Котиба буйруқни олиб кирди. Пайғамов унга имзо чекаркан, Нусратбекка тайинлади:

— Лабораториялар билан танишиб турунг. Тажриба майдонларига ўзим олиб бораман.

Нусратбек, бир-икки кун жавоб беринг, бирон бошпана топиб олай, деган эди, Пайғамов ўрнидан туриб, миқти кафтлари билан қаттиқ қора сочларини силади. Кабинет бурчагидаги катта, сариқ пўлат сандиқдан калит олиб келиб, Нусратбекнинг олдига кўйди:

— Мана, ҳозирча бир хонали квартирада турасиз. Агар сиғишмай қолсангиз... сўраган кунингиз катта, чорбоғлисини топиб бераман.

Нусратбек янги бошлиқнинг ёнидан руҳи кўтарилиб чиқди. «Бўри акадай одам ишлаш ҳузур. Фақат ишлаш, ишлаш, мириқиб ишлаш керак». Нусратбек бошлиқнинг илгари обкомда бўлим мудири, қишлоқ хўжалик бошқармасида бошлиқ бўлганини эшитган. Кўпни кўрган одамда, оқ-қорани дарров ажратади: паст-баландни билади, одамнинг қадрига етади. Бошида шунча ташвиш-ку, янги ходимга олдиндан шароит яратиб кўйибди. Туяга миниб, узоқни кўзлайдиган оқибатли, ғайратли киши, деб шунақаларни айтса керак-да.

6.

Ташқари иссиқ, Нусратбекнинг қўлида калит, янги маконига жойлашиш учун жўнади. Илмий-тадқиқот институтининг филиали чўлдаги янги, обод, замонавий колхоз шаҳарчасида жойлашган. Ҳозирча район ташкилотлари ҳам шу ерда. Темир йўлнинг нариги томонида янги район маркази қуриляпти. У битгач бу жойларнинг ҳаммаси колхоз ва институтга қолади. Асосий лабораториялар, тажриба майдонларидан бир қисми ҳам шу атрофда. Қунчиқарга юрилса, машинада област марказига ярим соатда етилади. Қунботарга кетилса, Нусратбекнинг қишлоғигача ўттиз чақирим йўл. Илмий ходимларнинг кўпчилиги институтдан уй-жой олган бўлса-да, област марказида туришади. Енгил машинаси борлари ҳаркун, кекса, ҳафсаласизроқлари эса шанба куну уйларига бориб, душанбада эрталаб ишга етиб келишади.

Нусратбек икки четига акас экилган йўлка бўйлаб бориб, катта майдонга чиқди. Райком ва райижроком жойлашган икки қаватли бино бошқа қурилишлардан ажралиб туради. Деразалари кенг ва баланд, олди гулзор. Хиёбонларга истироҳат боғларидагига ўхшатиб турли

неон чироқлари ўрнатилган. Майдон ўртасида пахта чаноғи шаклида дидсиз қурилган фаввора. Босим сустлигидан фаввора деворида бўйнини чўзиб, оғзини катта очган «тимсоҳлар» тиши орасидан чимзорга сув сизиб, оқиб ётибди. Еш арчалар тўқ яшил. Йўлнинг нариги бетида ошхона, сартарошлик, магазинлар. Мўйлаби сабза урган йигитча магазиндан чиқиб, йўл четида турган мопеди томон бораётганида Нусратбекка кўзи тушди. Оёғини эгардан ошириб, Нусратбекка яна қайта тикилди. Атрофга аланглаб бораётган Нусратбек уни пайқамади. Майдондан узоқлашиб, яна чанг босган бир ва икки қаватли уйлар, ифлос йўлкалар, чанг босган дарахтларга дуч келди. «Бу жойлар баҳордан буён сув кўрмаган. Ҳамма сувни пахтазорларга оқизишаётган бўлса керак. Узимиз ҳам қишлоққа бутун ёз давомида сув бермасдик» дея ўзича пичирлади у.

Унинг уйи ҳам шу сокин кўчалардан бирининг охирида, пахтазор чегарасида экан. Тўр йўлка чеккаларида туяянтоқ, ажриқлар ўсган. Икки зинадан кўтарилди, тоб ташлаб, тахталарининг оралари очилиб қолган юпқа эшикка рўпара бўлди. Очди. Пастқамгина даҳлиз. Унг қўлда ваннахона. Торроқ ошхона. Кранида сув йўк. Бир деразали хона бир оз кенгроқ поли юпқа: юрганда лопиллаб ғирчиллайди, буёғи кетиб, оралари очилиб ётибди. Дераза олдида энсиз симкаравот. Устида ўраб қўйилган тўшак: «Комендант у-бу нарса берар». Эшик орқасида оҳакли челақ. Хонада чивин, пашша, сувараклар йўк.

Нусратбек деразанинг бир табақасини очиб, пахтазорга тикилганча чекди. Тутун босган кабинетларини эслаб, боши айлангандек, оғзи қуришгандек бўлди. Папиросни отиб юбориб, далага тикилди. Ғўзаларнинг барги қорая бошлабди. Эгатлардан жимир-жимир тафт кўтарилди. Қушлар кўринмайди, демак, ҳашарот йўк. Дори сепилган бўлса керак.

У кўйлагини ечиб, каравотга ташлади. Шимининг почаларини тиззасигача шимариб, челақни олиб, пахтазорга ўтди. Уқариқда челақни ажриқ билан тозалаб ювди-да, сув тўлатди. Қирғоқни ялпиз босибди. Қўли билан узиб, ҳидлади.

Челақдаги сувни кўтариб уйга қайтди. Полни ювмоқчи бўлган эди, латта тополмади. Майкачан юришга дўппайган қорни, офтоб тегмаган оқиш елкаларидан уялиб, кўйлагини кийди. Комендантнинг уйини ахтариб борди. Уй ёнбошида товуқлар иссиқ тупроқда «чўмилишаётган» экан. Ичкаридан «ав-ав»лаб қулоқ-думи кесилган кучук, орқасидан қирқ кокилли қизалоқ югуриб чиқди. У Нусратбекнинг ким, нимага келганини суриштирмай, боғчада шеър айтаётгандай.

— Дадам ишдала. Онам ҳам ишдала. Кечда келалла, — деди.

Нусратбек хонасига қуруқ қайтди, тўшакни қоқиб келиш учун кўтарган эди, тагидаги халтага кўзи тушди.

— Топилди, — дея пичирлади.

Ўша халта билан дераза рахлари, уй, ваннахона, газхона, йўлакларни ювиб, артди. Хона кенгайгандай кўриниб кетди кўзига. Тўшакни уй орқасидаги ажриққа ёйиб келиб, қуруқ каравотда шифтга тикилганча ётди. Электр лампадаги чанг, доғ-дуғ, ғашини келтирди. Туриб артди. Яна ётди.

7.

Нусратбек ниманингдир тақиллаганидан уйғониб кетди. Бошини кўтариб, эшик томонга тикилди. Остонада янги қалпоқ кийган, соқол-мўйлаби ўсиқ, йўл-йўл тринка камзулининг тугмалари очиқ, тер ва чангдан сарғайган сурп кўйлаги қорнига ёпишган, шимининг тиззалари ғижимланган Аҳмад бригадир тақасимон мўйлаби остидаги майда, сариқ тишлари кўриниб жилмайиб турарди. Нусратбек беихтиёр тусшимми, деб кўзларини юмиб очди:

— Аҳмад тоға?!

— Ҳа, ман, ман, жиян! — у пўрсилдоқ қалин лабини ялади.

Қучоқлашиб кўришдилар. Хонани бензин, гўнг, беда, сигирнимией, аллақандай омухта ҳиди босди: Нусратбекнинг руҳи ёришди. У юз-кў-

лини ювиб артинди. Кўйлагини кийди. Аҳмад бригадирни ўтиришга таклиф қилай деса, на стол-стул, на кўрпача бор. Езишга дастурхон ҳам йўқ. Аҳмад бригадирнинг ўзи таклиф қилиб қолди:

— Юр, қишлоққа кетдик!

— Яхши бўлмак. — Нусратбек иккиланиб енгларини шимарди. — Бугун келдим ўзи.

— Биладан.

Нусратбек унга, қандай билдингиз, мени қандай топдингиз, дегандай қараб:

— Авлиё бўлиб кетинг-э! — деди суюниб.

— Бизарди жойлар Тошканмас — одам хирмонга тушган тариқдай йўқолиб кетса. Бу жойларда одам-ку, янги бир қуш учиб келса, биров сигир сотиб олса ҳам дарров билинади, ҳаммага маълум. Сени қўшни-мизди ўғли кўрган экан. Дом-совети понтани олдида. Шу жой сеникими энди?

— Ҳа, вақтинча.

Аҳмад бригадир унинг сўзини охиригача эшитмай, ташқарига чиқиб кетди. Янги артилган полда брезент этикнинг излари қолди. Чанг босган яп-янги, қизил «Москвич»нинг юкхонасини очиб, бир саватчада узум, яшиқда помидор, тўрт-беш қовун олиб, ерга қўйди. Юкхонани ёпганда, машинанинг ғилдиракларидан «шувв» этиб чанг тўкилди. Аҳмад бригадир қовун-тарвузларни қўлтиқлаб келтира бошлади. Нусратбек уларни ваннахонага қўйди.

Аҳмад бригадир қўл-енгларининг чангини қоқди.

— Эртароқ келмоқчи эдим. Сигир сабил овора қилди. Яхши говмиш олганман. Лекин касали борми, ҳеч қочмаяпти. Буқага олиб борганимдан кейин бир ойча тинч юради. Кейин яна ҳеч кимга куч бермай, шохлаб, ҳўкиз ҳидини олган колхоз молхонасига югуради-да! Бугун ҳам минг азоб билан қайтариб олиб келдим. Чотига олов қистиргандай, чидамсиз. Озуқаси ҳам бетайин — сомон! Ем йўқ. Жуда бўлмаса сўйиб, гўштини дўконга топшириб юбораман, ёки колхозга. Эгаси, палакат, бир қулоч арқонини шунча сўрасам ҳам бермовди, қайтариб олиб кетувди. Ирим-чирим қилган экан-да!

Аҳмад бригадир этигининг тумшугини зинага ишқалаб, тозалади:

— Саввати бўшатиб бер, яшиқни ҳам. Керак. Юр, қишлоққа бормасанг ошхонадан тамадди қилиб келайлик. Ҳали қозон-товонинг йўқ экан.

Нусратбек киссасида пули бўлса ўзини дадил, эркин сезар, бўлма-са ошхона, томошага бориш у ёқда турсин, биров билан кўча айланишга ҳам тортинарди:

— Майли, — Нусратбек уйни қулфлаб, машина олдида борди: — Муборак бўлсин, янги-ку?

— Ҳа, — Аҳмад бригадир рулда айиқдай беўхшов ўтириб, бошини ёнга бурганида бўйин пайлари бўртиб чиқди. — Шу эгарлоғлиқ тургани учун ғирр этиб келдим-да. Бўлмаса ҳозир қишлоқдан чиқиш осонми сенга. Мошин яхши дастёр, лекин отдай бўлолмаскан. Жонсиз нарса-да. Отда ўзимни ҳеч ёлғиз сезмасдим. — Қорни рул гардишига тегиб турарди. — Чуқур, торроқ ясашган-да шу «Москвич»ни. «Волга»дай кенг-мўл эмас. — У моторни ўт олдириб, машинани йўлга бурди. — Раис гапида турди. Айтувдим-ку сенга, ҳо Тошкентга борганда «Гапнинг — ориқ, ишинг — семиз бўлсин. Қирқ эмас, агар мошин шпиндели билан ўттиз беш синтир олиб берсанг «Москвич» бостирмада турибди деявер», деганимни. Мен ҳам пахтани топшириб, индамай юрувдим. Шу баҳорда қарор чиқариб, ўзи келтириб берди. Лафзи ҳалол, мард одам.

— Янгам, болалар севиниб қолишгандир?

— Бе! Янганг қайтанга норизо. Рўзғоримиз иккита бўлди, деб тайсаллаб юрибди. Тўғри. Кўчага бир чиқсам ўн-ўн беш сўмдан айрилмасдан қайтмайман. Ҳайдашни билгани билан ичак-чавоғига ҳеч туншунмайман. Ҳадисини олганим йўқ, ҳали. Бир винти бўшаса, мойи адо

бўлса, ёки чироғи куйиб қолса ҳам биладиган бировга тўрт-беш сўм беришга тўғри келади. Кейин... — Аҳмад бригадир чорраҳадаги светофорнинг сариқ кўзи ёниб турганда шошиб ўтиб кетди. Пешонасини тер босиб, атрофга кўз югуртириб, асабий кулди. — Ана, ана буздик қоида. Ола таёқчали ГАИчини кўрсам қўл-оёқларим титраб, бошим гарангсиб қоламан. Йўл белгилари ҳам кўпайиб кетган ҳозир, уни қайси бири эсда туради, дейсан. Қоидани бузаманми-йўқми, худо билади, ҳуштагини «чирр» этказиб қўлини чиккасига қўйиб турибди-да қарасанг! «Йўлтўсарлар» жуда кўпайган. Бизга бўлмади бу мошин, соғ бошга сақич ёпиштиргандай. Сотай десам, болалар қўймайди. Она сути оғзидан кетмаган қорачамизгача «уста» бўлиб кетган. Дарвозадан ичкарига киритишим билан ғаладонини очиб, шурпларини бурашганибурашган. Ҳзим ҳам ўрганиб қолдим. Ҳзи бебаҳо дастёр-а, зипиллаб ҳамма ишни битиради бир зумда. Болалигимда бу йўллар жуда узоқ кўринарди. Усмирликда сал танобит тортидди. Энди, ёш оға бошлаганигами, яна йўллар узайгандай. Бирон жойга айтиб кетишса, оёғим тортмай туради. Бу бедов яхши бўлди шу жиҳатдан.

«Она сути оғзидан кетмаган»... Демак, янгам яна туғибди-да, — деб ўйлади Нусратбек. Ҳў, борганида: «Болалар бир чорбоғ бўлди. Бу планни ҳам бажаряпмиз. Қишлоқ совети рўйхатига олиб улгурмаяпти», деб кулудди-я!..»

— Яхши ҳайдаб кетяпсиз-ку?

— Ҳозир йўллар санжоб, яна ўзимиззи жойлар. Ҳанги қишлоқ тегирмони йўлини ёддан билади, дейишади-ку, — бригадир машинани ошхона олдидаги асфальт майдончага қўйиб, ойналарини кўтариб, эшигини қулфлади. — Ошхона деразасидан бу жой кўриниб туради. Шўх болалар кўп, гилдирагига бирон нарса суқиб ёки ойнасини олиб кетса, йўлда сарсон бўлиб қолмайлик. У кунни магазинга кириб чиққунимча ойна тозалагични суғуриб кетишибди.

Иккинчи қаватга кўтарилиб, дераза олдидаги бўш ўринга ўтиришди. Ҳўрандалар йўқ. Шифтдаги катта қандилдан атрофга сарғиш шўв-ла сочилади. Мусиқачиларнинг жойи ҳам бўш. Бурчакдаги буфетда қўлини иягига тираб ўтирган шоп мўйловли эркак янги келган хўрандаларга синчков разм солди-да, ҳафсаласи пир бўлди шекилли, ёғоч жавонларга терилган шишаларга қовоғини солиб қараб қўйди.

Қоронғироқ бурчакдаги столда қўр тўкиб ўтирган овқат ташувчилардан бири ўрнидан туриб, газда пиширилган иккита қалин пўрсилдоқ нон келтириб столга қўйди. У дўмбоққина, юзлари қонталашган, товуши ҳам ёқимлигина экан:

— Қарам шўрва, бефстроган бор, — у жағ тишларида гўшт қолгандек тилини лунжида айлантирди. Хаёли ҳам буфетдаги эркакда. — Салат, оқидан ҳам бор, — хўрандаларга ёқимли илжайди.

Нусратбек унинг опшоқ, соғлом юзларига тикилиб қолди.

— Бипстрогани нима? — Аҳмад бригадир Нусратбекка қаради. У лабини очишга улгурмай жувоннинг ўзи жавоб берди:

— Қизартириб қовурилган гўшт, картошка.

— Ушандан ошкелинг. Кўкчой ҳам бўлсин.

Аҳмад бригадир битта нонни майдалаб, овқатни еди. Иштаҳаси энди очилганда тунука тақсимчанинг ости очилиб қолди. Еғига нон булаб, тақсимчани топ-тоза қилди. Овқатни қолдирмай еганини Нусратбек яхши кўради. Болаларининг бир тишлам гўшт ёки бир бурда нонни ташлаб кетиши унга ёқмайди. Ҳеч ўргата олмади уларни идишни тозалаб қўйишга.

Аҳмад бригадир йўгон бармоғи билан мўйлабини икки ёнга силаб, столни чертди.

— Лаббай! — пешонасига қадимий маликалардай пешонабанд тутган ҳалиги жувон йўрғалаб келди. Пешбанди киссасидан дафтар қаламчасини олди: — Сиздан...

— Қўй гўштини қовургансизларми? — унинг сўзини бўлди Аҳмад бригадир.

- Ҳа,— жувоннинг кўзлари шодон жавдиради.
- Селоваси кўпдир?
- Ҳа?!

Нусратбек унинг товушидаги зардани пайқади, аммо Аҳмад бригадир тушунмади:

— Ундай бўлса, бизга яна тўртта ўша нондан, косага мўлроқ қилиб қовурдоқ селовасидан олиб келинг.

Аҳмад бригадир бўйинини чўзиб, деразадан машинаси турган майдонга назар солди. Мўйлабини силаб, керилиб қўйди: у ўзининг ресторанда шундай эркин ўтиргани, айниқса бунақа оймчаларга гапини ўтказаолганидан мамнун эди. Нусратбек санчқи билан овқат еганча уни кузатди.

Жувон бир коса хушбўй селовани столга «тўқ» эткизиб қўйиб, Аҳмад бригадирнинг юзига қарамай жойига кетди. Аҳмад бригадир бўлса парво ҳам қилмади, селовага нон тўғраб, бемалол еб олди.

— Худога шукр, — мўйлабини силаб, кители ёқаларини очди. Қўйлаги устидан боғланган қийиқчада дандон сопли пичоғи осилиб турарди. Пичоқни этигининг қўнжига тикиб, қийиқчасига қолган нонларни тугиб олди. — Регистрон-ошхоналарда ҳам қорин тўядиган овқат қилишаркан-э! — Тақсимчадаги крахмалланган оппоқ сочиқни олиб, лабини, сўнг гижимлаб офтоб, шамолда қорайган юз-кўзлари, пешонасию бўйинининг терини артди.

Ташқари қоронғилашиб, майдончадаги машина кўзга аранг чалинади. Аҳмад бригадир нон тугилган белбоғни қўлтиғига қистириб, ўрнидан турди.

— Майли, қолганини уйда насиб бўса, еб-ичармиз. Яхши нон экан. Сан олмадинг-да, жиян?

Залнинг бурчагидаги қамиш четан билан ажратилиб қўйилган жойда қўлларини ювишаётганида Аҳмад бригадир фар-фар ишлаб турган катта холодильникка узоқ тикилиб қолди:

— Шундан битта топиб беролмайсанми, Нусрат?

— Нима қиласиз, йўқми холодильникнингиз?

— Бор, ўн бирови бор, совуғини совуқ, иссиғини иссиқ жойлаб қўядиган. Бизда озиқ-овқат ачимайди, нишхўрд бўлмайди, биласан. Бировга зарур бўлиб қолувди жуда.

Аҳмад бригадир бунақа масалада бировга даллоллик қилмаслигини яхши биладиган Нусратбек ҳайрон бўлди:

— Кимга? — Нусратбек қўл қўлини девордаги иссиқ шамол чиқарадиган электр-елпиғичга тутди.

— Бир жойда хазина кўрганман, — Аҳмад бригадир қўлларини қоziқдаги қўл сочиққа тортинмай артди. — Уч-тўрт йиллик қўй қийи босилиб ётибди. Қийни бер менга, ҳаққингни айтиб ол, десам йўқ, холодильникка алмаштираман, дейди. Шаҳарга узатилган қизига совға қилмоқчиймиш. Пулга кўнмаяпти. Менга қолса бу томоғ оғриқни текинга ҳам олмайман!

Машина олдига боришгач, Нусратбек секин гап очди:

— Агар тажриба участкаси беришса, сизнинг бригадангизни олайми, деб турибман.

Аҳмад бригадир гугурт чўп билан тишини кавлаб, осмонга, юлдузлар жимирлаб турган кўкка тикилди. На хўп, на йўқ, деди. У сув кўрмай этик ечадиганлардан эмас. Бригадаси тажриба майдонига ўтказилса фойда бўладими ёки зарар — буни ҳали у билмайди. Ҳам колхоз, ҳам институт хўжайинлик қилиб, икки бойга бир малай бўлиб қолмайдими? Институт «атчўт» бер деб бошини қотирса. Қўли хат-паздан чиқиб кетган. Оғир тошни сув оқизмайди. Аҳмад бригадир етти ўйламасдан оғзидан ишга доир бир сўз чиқармайди. Йиғилиш, қурултойларда ҳам бошқаларни диққат билан тинглаб, ўз фикрларини ичида қолдиради. Шу сабабли у ҳозир ҳам Нусратбекнинг саволига айтиладиган жавобни қовуссимон мўйлаблари орасида қолдирди. Кафти билан иягини қашиди. Нима қилсин? Гарданига катта мажбурият олиб, эл ол-

дида сўз бериб қўйган. Бу тажриба фойда бермаса, колхозчиларнинг даромади камайиб кетса нима деган одам бўлади.

Нусратбек унинг кўзларидаги ифодани ой ёруғида пайқамди. Бу — шаҳарликларнинг экинлар тўғрисидаги энгил-елпи мулоҳазаларини эшитганда деҳқонда пайдо бўладиган ифода эди. Аҳмад бригадир янги ойнинг ингичка олтин ҳалқасига тикилди:

— Нусрат, олимлар ойди расмини олибди, америколиклар қўнишибди. Болалар телевизорда кўришибди, тупроғи кулга ўхшаркан. Бизникилар ариқ қазадиган кичик трактор ҳам чиқаришибди. Рост гапларми шулар?

Аҳмад бригадир гапни атайлиб чалғитаётганини Нусратбек сездидемак, маълум хулосага келмаган.

— Албатта, рост. Кўрсатди-ку телевизордан.

— Яхши. Энди тўзонни тўхтатадиган мошин ясашсайки олимлар. Саҳрони бети очилиб қолдими, қайдам, уч-тўрт йилдан буён саратонда Қорақум билан Қизилқумди тўзони кўчиб келаяпти шаҳар-қишлоқларга. Кўз очирмайди. Одамниям, экинлардиям ҳоритиб юборди.

Аҳмад бригадир ҳосили яхши бўлмаса, об-ҳаво ёки бошқа сабабларга тўнқайдиган деҳқонлардан эмас эди. Ҳозир азбаройи жонидан ўтиб кетганидан бу сўзларни айтганини Нусратбек тушунди.

— Бўлади, вақти-соати билан ҳаммаси бўлади, — деди Нусратбек самолёт учмаганини, аэропорт дикторининг бурро сўзларини эслаб.

Аҳмад бригадир гапни чалғитиш учун ўзига номуносиб сўз айтиб юборганидан уялди.

— Албатта, бўлади. Одам боласи сабрсиз-да. Амудан каналди опкелди-ку давлат. Хон, амирлар минг йиллардан буён қилолмаган эди бу ишни.

Нусратбек, Аҳмад бригадирнинг бу гапи ҳам носамимий эканини, ўз саволига жавоб бермаслик учун ўйлаб топганини сездиди, албатта.

— Хайрият, ой тик чиқибди: бу — ман безовта, ер — тинч дегани. Худо хоҳласа, бир ой чанг-тўзон, таппотдан қутулдик. Тик турибди, челагидан ҳеч нарса томмайди. Ўтир, элтиб қўяман.

— Кеч қолдиз, бораверинг. Мундоқ у ёқ-бу ёқни кўриб кетаман. Янгам хавотир олиб ўтиргандир.

— Майли, — Аҳмад бригадир машина эшигини очиб ўтирди. — Бу мошин хонадонга киргандан буён чиндан ҳам янгангнинг ороми бузилган, ҳаловати йўқ. Худо кўрсатмасин... Дарвозадан киргунимча кўзи йўлда, қулоғи дик, юрагини ҳовучлаб ўтиради. Мана, — у рулнинг чамбарагига осиб қўйилган қора мунчоқли туморни кўрсатди, — мунчи кўз тегмасин деб атайлаб осиб қўйибди. Майли — газ педалини босди.

8.

Нусратбек чўзилиб, дераза рахидан сигарет олди. Томоғи қақраб, аччиқ тамаки ҳиди, таъми кўнглини беҳузур қилди. Ҳали чинакам кашанда эмас-да, ҳаваскор. Кимёвий кураш! Ҳис, ҳаяжон, асабларни тинчйтишнинг кимёвий усули бу тутун ҳам. Уйда Холисанинг жиғига тегиш учунми, атайлаб чеккиси келарди. Энди ҳиди ёқмади. Сигаретни ялтироқ силлиқ қутичаси билан гижимлаб, очиқ деразадан отди. Уйда бола-чақа, рўзғор вақтини олиб, катта, ҳаётидаги энг муҳим ишидан қолдираётгандек туюлар эди. Энди улар ёнида бўлса, кўнгли тинчиб, бемалол ишлайдиган туйилабошлади. Осудалик, ёлғизлик ҳам одамга халақит бераркан. Қошлар сайрамаса, сўқмоқлардан жониворлар юрмаса ўрмон қуриб қолади дейишади. Бу дунёда ҳеч нарса ёлғиз яшай омас керак. Экинлар ҳам ҳашаротсиз... Одам ғалати ўзи, иссиқда совуқни, совуқда иссиқни қўмсайди. Нафсиларини айтганда, Холисанинг айби нима? Ҳар қандай она ҳам бола-чақам соғ-саломат бўлсин деб хонадонининг ҳузур-ҳаловатини ўйлайди-да.

Кўзи яна ой ҳалқасига тушди. Онасини, қишлоқни, болалигини

эслади. Қиш чилласида эшикни ланг очиб қўйиб, оёқларини сандалга тиқиб ётишарди.

Тўлин ой ғариб кулбага совуқ, безовта мўралайди.

— Эна, Боқи бобонинг ити мунча увиллайди?

— Билмадим, болам. Итни занжирга боғлаб қўйган, оч тутади, дейишади. Боғланган оч ит сезгир, жаҳлдор бўлади. Сув даҳнасидан кирган типратикон, боғ устидан учиб ўтган укки ёки кўршапалакни сезса ҳам вовиллайверса керак. Боқи бобо, ўзи жаҳлдор одам, боланинг шўхи, отнинг гижинглаган учқури, қўчқорнинг шохлагичи, итнинг қопағонини яхши кўрармиш.

— Чорбоғида кўриқлайдиган ҳеч нарсаи йўқ-ку, ит боқади! Ўзи айтди таппи олиб бориб берганимда: ҳеч вақо қолмади, фақат битим билан ғамим кўпайди, деб.

— Ҳозир ой тўлган, — она маъюсина кулди. — Оч итнинг кўзига у тандиркулча бўлиб кўринаётгандир-да, болам.

Нусратбекнинг кўзига ҳам у катта тандирнон бўлиб кўринган эди ўшанда. Ой тўлганда жониворлар, паррандаю дарранда — бари безовта-ланар экан-да!

Содда онанинг содда боласи! Нусратбек мийиғида кулиб қўйди. Ҳозирги болаларга шундай деб кўр-чи! Кулишади. Ой улар учун қишлоқ четидаги пода боқиладиган Ерқўрғон, Шуллуктепа, Касбитепайдак яқин, бесир бўлиб қолди. Об-ҳавоси, кулсимон тупроғи, тоғ тошию ҳароратига-ча — ҳаммасидан хабардор. Уларга ойсирли Оймома эмас, култтепа, совуқ саҳро. Боқи бобонинг ити ойни кулча деб улиганда, Нусратбекнинг ўзи ҳам ютиниб қўйган эди. Ҳозир болаларга овқат едиrolмай ҳалак-сан!

Шамол яқин-орадаги қишлоқдан торлари таранг рубобнинг «тинг-тинги», совиб қолган чилдирманинг «дап-дап»-и-ю, баланд қўйилган микрофондан ҳиссиз, ширасиз, хирилдоқ ашула товущини олиб келди:

...Қарғалар, учса қарайлик, Марғилонни йўлига...

Микрофонга, чамаси тўйга кечикиб келган меҳмон мопедининг «Тирр-тирр»и ёпирилиб кирди. Кичик моторчанинг кучи ғилдиракларни айлантиришга сарflanмай, бус-бутунича шовқинга айланаётгандай ашула, куйларни босиб кетди. Юрак касаллари, бедорлик дардига мубтало бўлганларнинг ҳоли нима кечди экан? Лекин теварак-атрофдаги ариқ, ҳовузлардаги қурбақалар ҳам чўчиб, қурилламай жим бўлиб қолган эди.

Нусратбек ёлғиз ўзи. Иссиқ. Чарчаган. Маъюс тортиб, қутича уйини, Холисани, болаларини элади.

Алламаҳал бўлиб қолганга ўхшайди: тўйхонадаги ғала-говур бирдан тиниб, ҳаммаёққа жимлик чўқди. Нусратбек қўлида соат борлигини чиқиллашидан сизди. Соатнинг чиқиллагани бўлмаса, вақт тўхтаб қолгандай. Бу жимликда юлдузлар шуъласининг титраши, ғўза япроқлари орқасига яшириниб, томирлардаги шарбатни сўраётган ҳашаротларнинг ғимирлашигача эшитиш мумкин.

* * *

*

Чорбоғ тўла одам. Бу уй-жойлар ҳам, ясанган одамлар ҳам Нусратбекка бегона — илгари ҳам кўрмаган. Онаси ҳам шулар орасида: оёғида янги маҳси-калиш, эғнига кенг бўз қўйлак кийиб, бошига ғижим рўмол ёпинибди.

— Худога шукр, мени ҳам шундай тўй-томошаларга етказди, — дея ким-кўрганга беҳад хурсандлигини ифодалайди.

Нусратбекка қўярда-қўймай беқасам чопон кийдириб, белига қийиқча боғлашди. Бошига шойи салла қўндиришгач, «Тоҳир ва Зуҳра» киносидаги Тоҳирнинг ўзи бўлди-қолди. Нусратбек бу саллани ҳам таниди: уни онаси суннат тўйида ўратган, шундан буён сандиқда ётган ипак салла эди. Она ўғлининг ийманиб турганини сезиб, далда берди: — Кий! Ешинг қайтиб қолганда орзу-ҳавас, чимилдиқ кўрмадим, деб пушаймон қилиб юрмайсан.

Айвон томондан чиқиб келган қуда — муштдайгина, кўзлари ўткир кампир никоҳга розилик аломати — оқ рўмол бериб кетди.

Кейин ўйин-кулги бошланди: «Соқиномаи савти чоргоҳ», «Савти наво», «Танавор», «Қашқарчаи мўғулчаи наво», «Ироқ», «Оромижон» куй, қўшиқларига мос рақслар. Қишлоқ қизлари уфори, ён йўрға, ялатма, қайчи, илон из, нуқтали юриш, чалмаса-тебранма, ялла усулларига чунон нозик, ишвали йўрғалайдиларки... Нусратбек куёвлигини ҳам унутиб, маҳлиё бўлиб томоша қилди. Узун кўйлак, шахрсабзча тўқима шиппакча таушган жиякли лозим, нимхол пардозли қизларнинг иболи ноз-қарашмаси узукка кўз қўйгандай ярашади. Фақат ҳали «Келинг, ёр кўринг»ни айтган жувон уларга қўшилмай бир четда турибди. Қовоқлари яшил, лабларига қондай элик суртилган. Киприкларини ясама. Ориқ, ингичка оёқлари тиззасигача очиқ. Нусратбек уни ёқтирмади. Шу пайт меҳмонларнинг қий-чув, қарсақлари остида «Келин салом» бошланди:

Сувдан чиққан шулукдай,
Қоши-кўзи пиликдай,
Куёв тўрага бир салом.

Қазонда сутдай тошқан,
Келин келди деб шошқан,
Овсиниға бир салом.

Қўл жувғони эрингон,
Ул тувдим деб керилгон,
Қайнарасига бир салом.

Томдан тушқан канадай,
Бўзариб турган танадай,
Қайнағасига бир салом.

Токчадаги совундай,
Ичи тушган қовундай
Қайнағасига бир салом.

Бу «Келинсалом»дан куёв йигитнинг кимлари борлиги ва улар қандай одамлар эканлиги билинди-қолди. Ҳар бир байтдан кейин меҳмонлар қийқириб, қарсақ чалишди. Лапарчи кулиб-кулиб, сийлаб-сийлаб, гоҳо «омбур» билан ўйиб-ўйиб оларди. «Салом» баҳона ҳам-қишлоқлар тўй эғасига айтадиганини айтиб олади. Тўй эғаси тўйни тўхтатолмайди, ўз баҳосини эшитишга мажбур. Афтинг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкалама. Кейин хилма-хил, ранг-баранг «ёр-ёр»лар бошланиб кетди:

Мен ўланчи эмасмен,
Бошлогони йор-йор.
Товдаги кўмир эмасмен,
Яшноғони йор-йор.

Хоса кўйлак женгига
Тут қоқабиз йор-йор.
Келин келган ҳовлиға
Ўт ёқабиз, йор-йор.

Яшнасанг, яшнамасанг
Заргарга бор, йор-йор.
Дўсқа тўйона олин,
Тўйларга бор, йор-йор.

Аравани гупчагига
Септим кепак, йор-йор.
Мирза акам берганини
Бари жипак, йор-йор.

Журиг, қизлар арқон олин,
Ҳалганчакка, йор-йор.
Хоса кўйлак йарашади,
Келинчакка, йор-йор.

... Ой олида бир жулдиз,
Ой боласи, йор-йор.
Куёв акамди сўрасанг,
Чол боласи, йор-йор...

Қийқириқ, қарсақ, ҳазил-хузуллар билан куёв чимилдиқ тутилган уй томон юради. Атрофида куёв жўралари. Бошидан сочилган тангаларни чаққон болалар, комендантнинг чилвирсоч қизчаси оёқ остида ўрмалашиб юриб териб олишяпти. Орзуманд аёлларга ҳам битта-яримта танга тегиб қолади. Яхши ният билан киссаларига авайлаб солиб қўйишади:

— Илойим, бизларди ҳам шундай кунларга етказсин.

Супада бир бола «ит» бўлиб ириллаганча куёвнинг йўлини тўсди.

— «Ит арилларди» беринг, беринг!

Куёвдан ҳақини олган сўйлоқ тишли бола ўйноқлаганча ўзини тўдага урди.

Бўсағада куёв чўзилиб ётган бир хотинга дуч келди. Атрофидаги аёллар кулиб чувиллашади:

— «Кампир ўлди»ни беринг...

Нусратбек «кампир ўлди»ни ҳам, ичкарига кириб, «қўл ушлатар», «соч сийпатар»ни ҳам берди. Юраги гупиллаб, ёноқлари ёниб чимилдиққа яқинлашди. Парда икки ёққа тортилиб, Нусратбекнинг кўз

ўнгида келин либосида гуллаб-яшнаган бир малак, ҳурилиқо бошини хаё билан эгиб турарди.

— Гулхайри...— дея пичирлади Нусратбек, ҳаяжондан товуши титраб. Келин бошини оҳиста кўтариб маъноли боқди.

Нусратбек энтикиб ўрнидан турди. Бутун аъзойи баданида ширин бир орзиқиш.

У кўзини очди, очди-ю, дарҳол юмди. Бу билан ҳозиргина бошидан кечирган тўй маросимини тикламоқчи, Гулхайрининг иссиқ нафасини туймоқчи, чимилдиқдаги ширин суҳбатни давом эттирмоқчи эди. Лекин буларнинг барчаси рўё, туш, ширин бир хаёл эканлигини англаб, ҳафсаласи пир бўлиб қолди...

У дераза ёнига борди. Уфқда қўнғир тизмалари кўланкадай чўзилиб ётарди. Яқин-атрофда хўроз қичқирди.

— Комендантники, — деди ҳамон туши хаёли билан бўлиб Гулхайри. Кўзи ўнгидан ҳеч нари кетмас, ўзининг иссиқ нафаси, ақлли кўзлари, доно ва оқилона гаплари билан хаёлларини чувалатар, сеҳрлаб, гўё ўзига чорлар эди.

9.

Пайғамов чошғоғча институтнинг асосий тажриба майдонлари жойлашган колхозда бўлди. Уқтин-ўқтин тўхтаб айрим туплардаги шоналарни эринмай санарди. Нусратбек гўза шохларига осилган картон қоғозларга, улардаги ёзувларга қараб, бу ерда заҳматкаш, дидли одамнинг қўли борлигини пайқади. Шу билан бирга бу пайкаллар ҳам кимёвий доридан бенасиб қолмаганини, албатта, сизди: на зарарли ҳашарот бор, на унинг кушандалари кўринади бу ерда. Ким экан бу ерда илмий тажриба ўтказётган?

Нусратбек ўқариқ ёқасидаги гулхайриларга тикилиб қаради. Япроқлари жингиртоб, тугмасимон гуллари илма-тешик. Лекин ҳашарот, қурт кўринмайди.

— Қалай? — Пайғамов рўмолчаси билан бўйнини артганча келиб Нусратбекнинг хаёлини бузди.

Бу майдонлардан яхши ҳосил олиш учун нимаики зарур бўлса, бари амалга оширилгани шундоқ кўриниб турарди. Бу ерда илмий ходимдан кўра деҳқон меҳнати кўпроқ синггани аён эди. Нима десин, раис ҳам Бўри ака билан бирга юрибди? Бировнинг меҳнатини бирдан наҳ уриш ҳам одобдан эмас. Ман-ман, гердайган экан, деб ўйлашлари мумкин. Уларнинг иззат-нафсига тегмади:

— Дуруст, ҳосили...

— Биз ёмон жойни раво кўрармидик сизларга! — деди янги меҳмондан мактовни кутиб турган раис Жасур Маҳмудович мамнун кулиб. Пайғамовга бир майизни икки бўлиб ейдиган эски қадрондек қараб қўйди. — Юринглар энди. Қорин ҳам пиёз пўстидай бўлиб кетди. Бир пиёла чойимиз бор. Ичмай кетсанглар хафа бўламиз. — Пайғамовнинг пайкал четида турган машинасига келиб ўтиришди. Раиснинг машинаси орқадан катта йўлгача эргашиб бориб, баҳорда каллакланган, энди бир текис новда чиқарган тутлар «девори» орасига бурилиб, мевачева келтириш учун, сабзавотчилик бригадаси томонга бурилиб кетди.

Улар қуббадор дарвозадан катта боққа кириб боришганда кун қиёмга келган эди. Боғ ҳавоси дала, чанг кўчаларниқидан салқинроқ, олмазор орасидан шифер томли узун, оппоқ бино кўринади. Уртадан кесиб ўтган асфальт йўлканинг икки ёнида хилма-хил атиргуллар. Машина ойнаванд айвон олдида тўхтади.

Пайғамов этигининг чангини қоқди-да, биринчи бўлиб ичкарига кирди. Нусратбек унга эргашиди. Раис зинадан кўтарилди-ю, орқасига ўгирилиб тўхтади. Унинг тор пешонаси тиришган, яқинда кулиб турган чехраси тундлашган эди. Қўлида кетмон, дарахтлар орасидан ҳаллослаб чиқиб келаётган оқ ятакли, бошига қийиқча танғиб олган чўққисоқол, ориқ дароз чолни кутди:

— Очинг! — деди у боғ ўртасидаги ялангликда, қуёш тигида қуриб,

қизиб ётган чаноқнусха фавворага ишора қилиб. Раис чолнинг юзига қарамади, жавобини ҳам кутмади: у кириб қелганида юз-қўлларини ювиб, қалин паҳмоқ сочиқларда артинишган ва равонга тўшалган чўғдек гилампойандозда нари-бери бориб келиб кутишмоқда эди.

— Колхозчиларимиз ҳам бир мириқиб дам олишсин, дедик-да, — раис ҳар бирига иккитадан каравот қўйилиб, деразаларига шоҳи пардалар тутилган мўъжаз хоналар ва ваннахоналаргача кўрсатди.

«Роҳат, — деб қўйди Нусратбек ичида. — Бироқ боғбондан бошқа бирон колхозчи кўринмайди-ку?»

Айвон орқали тўрдаги катта залга ўтишаётганда Нусратбек деразадан фавворага қаради. Босим йўқлигидан сув қувурчалардан жилдирабгина оқар, ҳовуз тубидаги хазон, қурбақа тўнларни аста айлантриб юрарди. Боғбон ота эса кетмон дастасига иягини тираганча фавворадан кўз узмай жимгина турарди.

Меҳмонхонага киришди. Тўрт деразали, катта, шифти баланд хона. Бурчакда «Электрон» телевизори. Пойгакда «Зил» холодильники. Эман ёғочидан тайёрланган залворли стол, стул, юмшоқ, ўриндиқлар. Полга бошдан-оёқ гилам тўшалган. Нусратбек гиламни босишга ийманиб бўсағада тўхтаб қолди. Бўри ака билан раис оёқ остига нима солингани билан ишлари бўлмади. Этиклари билан босиб тўрға ўтишди. Бўри ака меҳмон, лекин чавандозникидек эгри оёқларини качал босиб юрган анави раисга нима бўлди?

— Кириг! — деб қўйди мезбон эшикда турган Нусратбекка мағрур кўз ташлаб.

Кирди. Деворларда ўзбек мўйқалам усталарининг мой бўёқда чизилган «Дала шийпонида», «Тушлик» деган катта лавҳалари. Деразалардаги пардалар ҳам шаҳар ресторанларидаги каби нафис. Дастурхон ҳам тахт. Қимматбаҳо идишларда ёнғоқ, мағиз, писта, майиз, «Пахтакор», «Қорақум» шоколадлари. Тақсимча, косаларда барра пиёз, шивит бўкстирилган сузма-қатик. Бошмалдоқдек тўқ-яшил тукдор бодринглар. Вазаларда гуллар.

Нусратбекнинг диққатини тақсимчада мантидек териб қўйилган «Руста» ҳалвоси тортди. У янтоқ, шакарга пистамағиз талқони қўшиб тайёрланган эди. Уруш йилларида Насаф, Чоршанба бозорларида халта ва қопларда тикон шакар соғишар, ундан нишолда, ҳалво тайёрлашарди. Негадир, магазинларда ширинликлар кўпайди-ю, тикон шакар йўқ бўлиб кетди. Нусратбек бир пишмакни олиб оғзига солди. Юмшоқ, ҳавога йўғурилгандай енгил. Ҳеч бир ширинликка ўхшамайди — таъми ўзгача. «Дидлари чаккимас». Ўзига зимдан разм солиб турган раисдан сўради:

— Қаердан олдинглар ёнтоқ шакарини?

— Даштдан чўпонларимиз олиб келишади. Тансиқ бўлиб қолди бу ҳам.

Меҳмонлар таомил бўйича бир пиёладан чой ичишди. Зиёлинамо, камсуқум бир киши бўсағада пайдо бўлди. «Партком секретари» деб тахмин қилди Нусратбек.

У бўсағада турганча: «Кўрганимиз-кўришганимиз», деди-да, қайтиб кетди. Бир фурсатдан кейин у япон косаларида ярим-ярим сузилган хушбуй қайнатма шўрва олиб келди. Товоқдаги гўшт, сабзи, шолғомларни бармоқларига «пуф-пуф»лаб катта пичоқ билан майдалади. Сўнг сочиққа қўл артиб, шишаларнинг тиқинини очишга киришди.

— Куппа-кундуз қандоқ бўларкин? — дея Бўри ака ютиниб, раисга қаради.

— Пойқадамингиз ёқди, дам олиш уйининг биринчи меҳмонлари бўлдинглар. Ювамиз. Бўлмаса, — раис косагуллик қилиб, манзират кўрсатган кишига ишора қилди, — мезбон хафа бўладилар. Шундайми, хўжайин?

— Албатта. Биринчи меҳмонимиз, Бўри Мавлонович, сизлар! — деди тавозе билан. Уни икки йил олдин партком секретарлигига сайлашган. Асли муаллим эди. У Пайғамов билан раиснинг қадаҳларини

араққа тўлдиргач, Нусратбекдан сўради: — Сизга қайсидан, ука? Нусратбек арақ ичганида ёки ҳавога қора булут чиққанида оёқлари қақшаб оғрир эди. Аёзда ҳам товони қизиби, оёқларини кўрпадан чиқариб ётарди. Онаси бунинг учун ўзини койирди. «Ман айбдор, болам. Уруш йиллари этик олиб беролмадим — бодга чалиндинг, йўқчилик қурсин». Нусратбек хижолат тортиди: «Коньяк» деса, шаҳарлик олифта, деб ўйлашлари мумкин.

— Менга бари бир, — деди Нусратбек. — Қуймасангиз ҳам майли.

— Ундай бўлса, икков шерик бўла қолайлик, — мезбон ўзи ва Нусратбекнинг қадаҳига коньяк қуйди.

— Майли, шойир хафа бўлмасинлар, — Пайғамов қадаҳни олиб, партком секретарига кулиб қаради. — Кўнглимиз бўш-да, бировнинг қўлини ҳеч қайтаролмаймиз. Хўжалигингиз бундан ҳам ривож топсин. Қани энди, ҳамма жойда ҳам деҳқонларга шундай ғамхўрлик қилинса! Узингиз ҳам, Жасур Маҳмудович, энг олий мукофотларга, — у бу сўзларни раисга қараб айтди, — эришинг! — Жасур Маҳмудов икки йил бурун Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлигига тавсия этилиб, Ленин ордени олиб қолган, энди жон-жаҳди билан Қаҳрамон бўлиш пайида юрган эди. У камтарлик билан таъзим қилиб қўйди. — Олингу олдирманг!

— Раҳмат, — Жасур Маҳмудовнинг чиройи очилиб, юмалоқ юзи ичмаса ҳам ичгандай қизарди. Қадаҳлар чўқиштирилди.

Раис билан партком секретари газзага қўл уришмади. Бўри ака редискани қатиққа ботириб, оғзига солди. Нусратбек ҳам шундай қилди. Бироқ редиска пўк экан. Туфлаб ташлашга уялди. «Шунга ҳам дори солиб говлатишибди-я!»

Косалар бўшаганда эшикда энглари узун кенг кўйлак кийган, тўладан келган ўрта яшар аёл кўринди. Улабини энги билан бекитиб, тортинчоқлик билан аста йўталди.

— Ҳа, келинг, — партком секретари лапанглаб ўрнидан турдида, бўш косаларни йиғиштириб, унга олиб бориб берди. Столнинг ўртасидан жой очди. Орадан тўрт-беш дақиқа ўтар-ўтмас, ҳалиги аёл катта товоқда палов келтирди. Хонани зира, долчин, беҳи зиғир мойи хиди қоплади. Зарчувадан қизарган палов устида беданалар бостирилган эди.

— Яна биттадан олайлик ош олдидан, — раис қадаҳни чўқиштирди. Ҳамма ичди. Фақат раис қадаҳни лабига тегизиби, гулли ваза орқасига суриб қўйди. Буни Нусратбеккина пайқади. Пайғамов эса ҳафсала билан беданаларни тўғрашга тушди.

Бедазордаги тўрларга тушган беданалардан, — раиснинг чап кўзи кулиб турар, ўнг кўзи миясида бир нарсани тафтиш қилаётгандай хаёлчан эди, — ичига ширбознинг гўштини қиймалатиб солдирганман.

— Ошнинг ҳар бир гурунчига зира, беҳи хиди сингиб кетибди. Зиғир мойни айтмайсизми! Мусалласдай шаффоф, — Пайғамов Нусратбекка, катта-катта олинг, дегандай им қоқди. — Зиғир камайиб кетяпти-да, бозорда сариқ мойдан икки баробар қиммат-а! Яна талаш! Кундадан чиқар-чиқмас тўйларга олиб кетишаркан.

Раис колхозига план берилмаган бўлса-да озроқ зиғир, кунжут эктираётганини, битта эски жувозни ҳам сақлаб қолиб, ишлатаётганини айтди:

— Ўзини-ўзи қоплаб, фойда ҳам беради. Халққа керак-да.

Партком секретари қуюқ асалдай нарса солинган косани Пайғамовнинг олдига суриб қўйди:

— Очордан қўшиб олинг. Нордонгина.

Нусратбекнинг оғзи сув очди. Узумдан тайёрланадиган очорни у болалигида еган. Эсидан чиқиб кетган бўлса ҳам, таъми оғзида турган экан.

¹ Сутга тўйган кўзи.

Нусратбек биринчи бўлиб қўлини ошдан тортди, стулни орқароққа суриброк ўтириб, қўлини юпқа қоғоз-рўмолчага артди. Раис уни «тафтишчи» кўзи билан кузатиб турган экан. Бошини буриб, кулди:

— Ўзимизни насафликка ўхшайсиз-ку?

Нусратбекнинг боши бир оз қизиб, раиснинг этигидан гулдор гиламда қолган изларни унутган эди.

— Ха, — бош силкитди-да, очордан чой қошиқда олиб, таъмини кўрди. Қаердан билдингиз, дегандай раиснинг кўзларига тикилди.

— Насафликди ўзини бир силтаб дастурхондан орқага сурилгани қорни тўйгани бўлади. Боя руста ҳалвога қизиқиб қолганингиздаёқ билувдим ўзимизди одамлигингизни.

Кулишдилар. Партком секретари Нусратбекка чой узатди. Раис ҳам қўлини артди.

— Шу сабабли ўзимизди одамларди овқат ейишга қистамайман. Қорни тўйгунча ейди, «олинг-олинг» га унча хуши йўқ.

Нусратбек раиснинг кўпни кўрган, «пихини ёрган»лар тоифасиданлигини гап-сўзи, ҳаракатларидан пайқади. Чиндан ҳам у қишлоқ хўжалик институтини сиртдан битирган эди. Колхоз механизаторларидан бири трактор культиваторига қатор ораларини кенг юмшатиб кетадиган мослама ўрнатилганида, раис, бир қаламкашнинг қўли билан журналга мақола қилиб ёзган эди. Шу бўлди-ю, у, институтдаги таниш домлаларнинг таклифи билан аспирантурада сиртдан ўқиб, ўша мақолани диссертацияга айлантирди ва иқтисод фанлари кандидати бўлиб олди. Диссертация шарафига берган зиёфатида, бир олим «Ўх, худойим, яна бир кана давлатнинг елинига ёпишиб олди-я!» деган экан.

Районда ҳали-ҳали шу зиёфатни эслаб юришади. Колхоз боғида, мана шу «деҳқонлар дам олиш уйи» деб аталаётган кошонада хонанда, раққосаларни чақириб, домлаларнинг ҳар бирига мослаб тиктирилган костюм-шим, қалпоқ кийгизган. Илмий раҳбарига эса ўғилларидан бирови миниб юрган «Москвич»ни совға қилиб берган эди. Олимликка кандидат деган унвон унга нимага керак бўлган экан — бунга кўплар хануз тушунолмай ҳайрон.

Қўлларини ювиб, сочиққа артинишаётганда Пайғамов раисга тайинлади:

— Машина билан шойирни ёки агрономингизни юборинг. Тишимизнинг орасида асраб юрган уруғлик бор. Опкелишади.

Партком секретари бу гапларни эшитмагандай чеккароқда турган эди, раис уни жеркиди:

— Эшитяпсизми? Мен бошқа ишлар билан овора бўлиб кетсам, эслатинг, — деб тайинлади. Кейин Бўри акага «кулган» кўзи билан қаради. — Дори пуркайдиган трактор билан бульдозерингиз бекор ётибди. Сизлар дори ишламайсизлар. Ўшани бутунлай бўлмаса ҳам фойдаланишга бериб турсангиз девдим.

— Сиздан бир нарсани қайтариб олиш... — Пайғамов ўйланиб қолди. — Майли, унинг ҳам бир иложи топилар, Жасур Маҳмудович. Нусратбекка қарашиб юборасиз лекин.

— Бу ёқдан кўнглингиз тўқ бўлсин! — Раиснинг «кулган» кўзи Пайғамовга, «тафтишчиси» Нусратбекка қадалди. Нусратбекни магазинда кийим-кечак танлаётгандек «айлантириб» кўрди. Жуда юқорига парвоз этган одам ҳу, пастда, ерда қолган югурдагига шундай қарайди. Нусратбек севишиш ўрнига, негадир хижолат тортди, таҳқирланган, нопок ишлар тўрига илашиб бораётгандек юраги ғашланди.

Ташқарида ҳавонинг ҳарорати ҳали ҳам сусаймаган. Йўлкаларга сепилган сув аллақачон буғланиб, тарам-тарам чанг излари қолган. Семон ҳовузга анча сув тўпланиб, устида хазонлар, сочдек майин қурбақатўнлар қалқиб турибди.

— Қайсинглимнинг тажриба майдони ҳам шу ёқда, — деди Пайғамов Нусратбекка, боғ этаги томонга ишора қилиб. — У пахта куяси устида иш олиб борапти. Пахта куяси олдин гулхайрини еб тугатмагунча ғўзага ўтмас экан.

«Гулхайри!» — Нусратбек лоп этиб тушини эслади. Кейин эрталаб кўрган пайкали, шохига кичик картон қоғозлар осиб қўйилган гўзалар, ўқариқ ёқасидаги гулхарилар кўз олдига келди. «Гулхайри». Наҳот Гулхайри қайсинглиси бўлса?!

10.

Ашир Ҳаққулов заргарларга хос диққат билан бир гулнинг чангини мўйчинок билан олиб, иккинчи бир гулни чанглатаётган экан. Юпқа лаблари қимтилган, кўзлари ҳорғин. Қорамтир-кўкиш юзида сарғиш доғлар, серажин тор пешонаси тиришган. Бутун диққат-эътибори ишда бўлгани учун Нусратбекнинг кирганини пайқамади. Сарғиш чангни гунчага қўйгач, орқасига ўгирилди. Кўзлари катталашиб, ўрнидан паришон тўрди. Дароз. Ориқ. Елкаси кексаларга хос бир оз чўккан. Узун бўйнида кекирдаги бўртиб турибди. Нусратбекка тикилиб, лаблари қимтилди.

— Узр, айбга буюрмайсиз, — деди Нусратбек олимни ишдан қолдираётганига ийманиб. — Лабораториянглизни кўришга иштиёқ-манд эдим.

У кейинги ойларда заррабинга тикилса кўзлари ёшланишини ҳам-касбларидан яшириб юрарди. У бошини ёнга буриб, титроқ бармоқлари билан кўзларини артди:

— Нега айб бўларкан, — Ашир Ҳаққулов узун, ориқ қўлларини ёзди. Унинг жигарранг доғ тушган ёноғи, бурнининг усти кепакланиб турарди. — Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, деганлар, бировдан яширадиган сиримиз йўқ. Бир-биримиздан, тажрибаларимиздан хабардор бўлиб турсак қайтага фойдали.

У лабораториясида етиштирилган ва ўз номига қўйилган «аширцония» замбуруғини Нусратбекка кўрсатди. Нусратбек сабзавотчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда бўлганида бу замбуруғ ўсимликларни шира сўрувчи ҳашаротдан ҳимоя қилувчи бирдан-бир кушанда эканлигини кўрган, деҳқонларнинг миннатдорчилигини эшитган, лекин унинг ихтирочиси мана шу кўримсиз, ориқ, кекса киши эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Оққанот ҳашароти эрта кўкламда далага тарқалиб, то кузгача ўсимликларни тарк этмайди. Уткир заҳарли моддалар ҳам унинг йўлини тўса олмайди. Утда куймайди, сувда чўкмайди, кимёвий дорилар ичида ҳам беҳишт ҳокимидай юраверади. Чунки оққанотнинг тани мумпарда билан қопланган бўлиб, бу «қалқон» уни ҳар қандай хавф-хатардан асрайди. Табиат мавжудотларга ҳаёт кечирish учун қандай «қурооллар» бермаган: қалқон, ниш, бадбўй ҳид, чинқирish... Улар қандай усуллардан фойдаланмайди. Агар ҳар бир мавжудот, жониворнинг шундай «макр-хийла» си, қуроли, муҳофаза сули бўлмаса, уларнинг кўп тури аллақачон қирилиб, ном-нишонсул кетарди. Бир чуғурчуқ бир кунда ўн мингтача ҳашаротни ейди. Ҳашарот эса қирилиб, йўқ бўлиб кетмаслик учун миллионлаб уруғ қўяди. Шу миллионлардан, ўнта-юзтаси турик қолади. Ҳаёт давом этаверади. Табиат танги, ҳисобдон, адолатли: агар иккита чивин қўшилиб, ургочисининг уруғи омон қолса, бир ёз давомида шунча кўпайиб кетардики, ер юзида оёқ босадиган жой қолмасди. Табиат бунинг ҳам ҳисоб-китобини тўғрилаб, кушандасини яратиб қўйган.

Ашир ака штам озуқа муҳитига замбуруғ ташлаб, аширцонияни урчитди. Ана шу аширцония замбуруғи ҳеч нарсадан кўрқмайдиган даҳшатли оққанотнинг йўлига бирдан-бир тўғаноқ бўлиб, унинг кушандаси бўлиб чиқди.

— Дори ўлик нарса, Нусратбек, — деди ҳали бадбашара, баджаҳл кўринган Ашир ака мулойимлик билан. — Дорини қаерга сочсанг, ўша ерга тушади. Менинг замбуруғимнинг «оёғи», «кўзи» бор. Керакли жойга топиб боради-да, ишини бажаради. Ўзини ҳимоя қилишни ҳам билади. Шунақа Нусратжон! Бизларди иш кўзга кўринмайди. Унвон, мукофот, ёрликлардан ҳам панада қолиб кетаверамиз. Бизларди ишга микроскоп билан қараш керак. Бунга ҳаммининг тоқати ҳам, фаросати

хам етавермайди. Майли, халққа фойдаси тегса бўлгани, шунинг ўзи мукофот бизга! Лекин гоҳо қаттиқ ботади... Қўйинг! — Ашир ака қўл силтади. — Яна шиқоятга тушиб кетдим. Бошқа томони ҳам бор: бошқа касб эгалари бугун ишлайди, эртага натижаси дастурхонда ёки рақам, процентда кўриниб туради. Бизларники неча йил заҳмат чекиб, фойда ўрнига зарар бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Шунда қўлим ишдан совиб кетади: табиат шундай буюкки, инсон унинг мўъжизалари, сирлари олдида хасчўп, гарддай бўлиб қолади. «Табиатни ҳимоя қиламан!» деб жар соладиган олий мавжудотнинг ишларини табиат ўзи бундан миллион йиллар олдин бажариб қўймаганмикан?! «Табиатни ҳимоя қиладиган» одамлар кечагина чумчуқ, илон, чаённи, бўрини қириб, бунинг учун мукофотлар олишган эди. Бугун Жайхундаги Пайғамбар оролида илонларни боқишяпти, Борса-келмасда сайгоқ, бўриларни. Мен йиртқич ҳайвон, зарарли ҳашаротлардан эмас, «табиатни бўйсундираман!» дейдиган худбинлардан қўрқаман! Уларнинг орасида битта мўйна учун Ҳисорга ўт қўйишдан, битта мансаб курсиси учун бутун бир коллективни чўктиришдан тап тортмайдиганлари бор!

* * *

Нусратбек Бўри Мавлоновичнинг ҳузурига кирганида Ҳаққуловнинг тажрибаларини, мулоҳазаларини қувонч билан айтиб берди. Лекин директор бу гаплардан олдин хабардор бўлгани учунми, унча эътибор бермади.

— Яхши ходим Ашир ака. Лекин шойир ҳам қариб қолди. — Бўри Мавлонович паришонроқ эди. Кўзлари Нусратбекда-ю, хаёли бошқа жойдалиги билиниб турарди. — Тезпишар навдан у. Бир қизишганда олам-жаҳон ишларни қилиб қўяди. Кейин бирдан совиб, давлатга нонхўр бўлиб қолади, иш бермайди. Энди бутунлай совиганга ўхшайди... — Директор Нусратбекка жиддий қаради. — Шу бўлимни сиз оласиз!

— Мен?! — Нусратбек магазиндан нарса олиб, ҳақини тўлаш хаёлидан кўтарилиб кетаётганда сотувчи қақриб қолган харидор аҳволига тушди. — Мен янги одам бўлсам. Бу жойнинг тупроғини неча йиллардан буён ялаб юрганлар бор. Ашир аканинг ўзи ҳам ҳали...

— Иккаланмай олаверинг, — директор чуқур тин олганди бурун катагидан мўралаб турган иккита қора тук суварак мўйлабидек қимирлади. Силлиқ ёноғидаги майда қон томилари таранг тортилди. У қўл соатига тикилди. — Бўлмаса бегоналар аралашиб қолади. Ҳозирги пайтда кадрларни умр йўлдошидай синаб, танлаб олмаса бўлмайди. — У масала ҳал, дегандай қўли остида турган қоғозларга имзо чекиб, четга суриб қўйди. Бу — Ҳаққуловнинг аризаси ва уни бўшатиш ҳақидаги буйруқ эди.

Нусратбекни «бегоналар» сўзи ўйлантириб қўйди: шунча йиллардан буён бирга ишлаётган ходимлар «бегоналар», бу даргоҳга эндигина қадам босган Нусратбек «ўзиники» бўлиб қолдими? Пойтахтдан ўзи таклиф қилиб олиб келгани учун яқин тутаётгандир-да? Эҳтиёткорлик ҳеч вақт зарар қилмайди. У шу мавқега кўтарилиб олгунча ҳаёт тўлқинларида анча сузган, уринган, ҳалак бўлган ҳар қил одамларни кўрган. Шу сабабли ҳадиксирайдиган, эҳтиёткор бўлиб қолгандир-да? Нусратбекнинг директорга ҳурмати яна ошди: мансабини кўтаргани учун эмас, ўзига яқин тутгани учун, шундай истеъдодли олим пенсияга кетаётганда унинг ўрнини ишониб топшираётгани учун. Майли, директор Нусратбекка катта умид, ишонч билдирган экан, у ҳам бу яхшиликни оқлаши керак. Йўқ деса, ҳурматсизлик бўлади. У етти ўлчамай кесадиган одам эмас. Шундай қарорга келибди...

— Кўчиш, йўл ҳаражатларини ҳам олмабсиз? — директор унга энди очиқ қаради. — Еки ҳали ҳам кўнгил алағдами?

— Йўғ-э, — Нусратбек уялди. — Оилани кўчириб келганим йўқ... Қандоқ бўларкин?

— Оилангиз келмаган бўлса, ўзингиз келгансиз. Ҳаққингиз бор.
— Керак эмас. Арзимаган нарсага гап-сўз бўлиб, одамлар олдида юзим шувут бўлиб юрмасин.
— Олинг. Ўзизга тегишли ҳақни олинг. Давлатимиз унга муҳтож эмас, қонун-қоида шу.

Кўк мовут қопланган столдаги хум чойнакда Нусратбек ўзининг кичик, ингичка, ғотавон аксини кўрди. Бўри аканинг иродаси, салобати, мулоҳазалари, меҳрибонлиги олдида у чиндан ҳам шундай кичик бўлиб қолгандай эди. Кўнглига хуш ёқмаса ҳам директорнинг таклифини қабул қилди. Кўнди, лекин орадан ҳафта ўтар-ўтмас институт ходимлари билан ўзи ўртасидан қора мушук ўтганини сезиб қолди. Бу ҳол уни Бўри Мавлоновичга янада яқинлаштириб қўйди.

* * *

Ашир аканинг дарди ҳол қилгани одамлар орқали қўшилиб-чатилиб Нусратбекнинг қулоғига етди: қўлимни куйдириб, жонимни жабборга бериб ош пиширдим, энди оғзимга тегай деганда қўйишмади. Ҳеч бўлмаса ўзим сузиб берсайдим, деган эмиш. Нусратбек унинг қанақа «ош»лигини билмаса ҳам Ашир акага раҳми келди: «Директор бунча шоймаса бўларди?»

Биров қоқилганда ақл ўргатувчилар, тафтишчилар кўпаяди. изил юз, сочлари оқ, соғлом, хушчақчақ ходим далда берди:

— Ҳар нарсани кўнглингизга олаверманг, Нусратбек. Ашур ака тилга олгулик бирон иш қилгани йўқ. Иккиламчидан, ашакдай қайсар, зикна, юзга чопар. Яна кеккайиши-чи! Сиздан яшириб нима қилдим — оилам қатта, аёлмайдман. Бўш пайтларим тажриба майдонлари четидаги кемтик жойларга у-бу экиб, кам-кўстга яратиб юрган эдим. Шуниям кўролмади-я! Илмий иш қилинг ёки деҳқончилик, деб туриб олди. Шундан кейин қоровулликни янгангиз номига расмийлаштириб қўйдим. — Ходим бу сўзларни Нусратбекни синаш учун, «бўш ётган жойлар бўлса экиб олаверинг», дермикан маъносида айтган эди.

Нусратбек ҳайрон қолди: тушуниб бўлмайдиган одам бу бақалоқ ходим: ишга шахсий «Волга»сида қатнайдиган бу «ходим»да бир сир бор. Ашир ака тўғри қилган, бу жойлар сигир, қўйга ўт ўстирадиган пайкал эмас, илмий тажриба майдонлари.

Лекин институтда кўплар ҳурмат қиладиган кўзойнакли озғин ёш ходимнинг мулоҳазалари Нусратбекка маъқулроқдай туюлди:

— Менимча, домланинг хатолари йўқ, одатлари бор. Бир соҳани этагидан маҳкам тутиш ўрнига, ҳамма соҳага ўзларини урадилар. У киши ўқимаган китоб, у киши қизиқмаган соҳа йўқдир-ов биологияда. Ҳатто истиқболсизлиги оддий одамга ҳам равшан — гидропоника — шағал устида экин ўстиришга ҳам уришиб кўрган, мақола ёзган эканлар! Азбаройи қизиқувчан, изланувчанликларидан бу. Ҳозир фан жуда сертармоқ, чуқурлашиб кетган. «Қомусчилар» замони ўтган. У киши бўлсалар ақл-идрок кучини сочиб юбориб, бирор масалани тагигача етолмаганлар...

Кўзойнакли йигитнинг бу гапларига Бўри Мавлоновичнинг сўзлари ҳам ҳамоҳанг тушгандай бўлди:

— Керакли-кераксиз нарсалар билан бошини тўлдириб ижод қилолмайдиган бўлиб қолган. Ижод қилмайдиган «ижодкор» бутун оламдан хафа, аламзада бўлади. Мени ҳам ёқтирмайди! Айтгандир! Айтмаган бўлса айтади ҳали. Бир иш қилишга қунти етмай, кучи, вақтини одамларни қутқулаш, заҳарлашга сарфлайди! Сиз унақа одамлардан, майда-чуйда гаплардан устун туринг. Аралашманг. Илм қилинг. Илм фидойиларни ёқтиради.

Нусратбек «Илм қилиш» деган иборани ёқтирмас, ҳеч ҳазм қилолмасди. Ҳозир ҳам Бўри Мавлоновичдан бошқа одам бўлса: «Илмни қилмайдилар, илм билан шуғулланадилар», деб шартта юзига айтар эди.

— Менинг йўригим бошқа, хизматчилик, — деди директор катта кашфиётлар қилиш ўрнига шунақа ташкилий ишлар билан шуғулланишга мажбурман, деган маънода. — Одамлар ҳосил туғиб, япроқлари шовиллаб турган дарахтга ҳавас қилишади. Бу дарахтнинг бошига қанча қор-дўллар ёққанини, довуллар шохларини сирқиратганини, жазирамада олов сели, чиллада аёзлар уришини ҳеч ким ўйламайди. Шу жиҳатдан томирларга маза, жимгина ўз ишини қилиб ётаверади. Йўқ, шундан ҳам нолийдиганлар бор. Ана, Ашир акани олинг. Бўшатмай, десам, иш қолиб кетади. Сизлардай ёшларнинг йўлига тўғаноқ бўлиб етади. Бўшатсам — мен ёмон. Булар хаммаси асабга юкда, ука! Майли, иш, давлат манфаати, фан ривожини йўлида баъзан одамларнинг кўнглини оғритишга ҳам мажбурсиз. Гиди-бидилар ҳам бўлиб туради. Яна қайтараман. Сиз аралашманг уларга.

— Аралашганим йўғ-у, таҳлил, хулосалари пухта кўринди менга. Аширцония замбуруғи...

— Хаёлингизни бузмай ишлайверинг. — Директор тоқатсизланиб, соатига кўз ташлади. — Узи у шойирроқ, бирон жойда икки-уч йилдан ортиқ босиб ишлаган одам эмас. «Юради тошармиш». Ҳалиям бу жойда анча туриб қолди. Энди тутаб, сасийди, иш бермайди. Хўкизнинг шохига, отнинг туёғига уради ўзини, одати шунақа.

* * *

Ашир ака чиндан ҳам бир оз «тутади». Лекин ишини чала ташлаб кетмади. Маош олмаса ҳам кеча-кундуз ўтириб, тажрибаларини яқунлади. Натижасини директорга ҳисобот тарзида ёзиб берди. Уни варақлаб ўтирган Бўри Мавлонович бошқа хаёлга борди:

— Бирон енгилроқ ишга ўтказиб қўяйми?

Ашир аканинг энди бу жойда бир кун ишлашга — кўзи тушиб юришга тоқати қолмаган эди:

— Йўғ-э, биздики энди бас! — Ашир ака жаҳл билан собиқ бошлиғига бақрайди. — Виламан, сичқон тутмаган мушукдай бу даргоҳда хунук кўриниб юрибман ўзи.

У чиқиб кетгандан кейин Бўри Мавлонович Нусратбекка қараб яна кулди:

— Афанди, овсар ёки шойир бу одам! — Бошини сарак-сарак қилди. — Ландовур! Ўзининг ҳали илмий ишларга лаёқатли эканлигини кўрсатиш, яна ишда қолиш умидида қилган бун!

* * *

Тепадан туриб одамга тош отиш осон. Мазах қилиб кулиш ҳам. Пастда тургани, тишини қайрагани билан фойда йўқ. Ашир ака ҳам ҳозир ана шундай ҳолда эди. Бу «шойир» бир вақтлар, ҳар қалай, тузук ихтиролар қилган. Меҳнатига яраша пул ҳам топган. Уй-жой қурмаган, латта-путта йиғмаган, машина, ҳашамларга ҳам ҳуши бўлмаган. Фақат ижод билан бўлган.

— Мол-давлат йигит кишига бир марта берилади, — деди Нусратбекка лабораторияда ишлаб ўтирган бақалоқ ходим. — Ашир ака ўшани ушлаб қололмади. Унинг ўрнида бошқа ақлли одам бўлганида остонасини ҳам тиллодан қилиб оларди.

Тўғри, у эллик ёшлик тўйида ҳам тантанали йиғилишдан уйига бир қучоқ гул билан кириб келди. Шунда хотини чидаб туролмади. Эрининг яхши олимлигини билиб юрган, қизи диплом олганда севиниб: «Ота, бу аслида сизники!» деб бўйнига осилиб, ўпганини кўрган бўлсада, чидаб туролмади:

— Сизга худойим фақат жағдан берган экан, — деди таъна билан. — Шунча умрингиз ўтиб кетибди, на унвон, на орден-медаль, на

бирон тузукроқ совға олдингиз! Битта кулба ҳам беришмади-я! Афандидай битта тўн сўраб олинг-эди ҳеч бўлмаса, тўй-пўйга чақирингиз са бориб, «Е тўним» деб ўтирардингиз.

Ички зўриқидан Ашир аканинг юз-кўзлари қизариб кетди. Ёнида бирга ўлиб, бирга тирилиб яшаб, неча йиллар илм заҳмати чекиб, сезиб юрган хотини шундай деб ўтирганидан кейин... Тор пешонасидаги тириш бўртиб, қизарди. Юзлари қорайиб, узун бўйнидаги кекирдаги мокидай юқорига-пастга чиқиб тушабошлади:

— Мани унвоним — ҳалоллик, ҳақиқат! Орден ва медалларим — далалардаги оппоқ соғлом чаноқларда турибди, билдингми! Қат-қат тиламлар қатидаги чанг эмас менинг билимим! Деҳқонларнинг полизини ҳалокатдан қутқариб турган аширқония манинг бойлигим!

— Ҳа, — деди хотини бепарвогина хўрсиниб, — ўзингиз қилолмагандан кейин, қилганларни кўролмайсиз-да!

— Йўқол!

Хотини зерикканда ёки неварасини соғинганда қизиникига борарди. Қизи уддабурро, ақлидан ҳам пухталиги устунроқ; отасининг мадади билан кандидат бўлиб олган. Чорбоғли уйи, эски «Победа» си бор. Топиш-тутиши яхши, обрўйи жойида, иккита ўғилча кўрган. Эри қурилишда дурадгор бўлиб ишлайди. Меҳнатқаш, камтар. Ашир ака эса давлат уйида икки хонали квартирада туради. Бир хонада китоблар, журналлар, солномаю газета боғламлари, сим каравот ва ёзув столи. Бу хонадаги жамики нарсалардан тамаки ҳиди анқийди. Хотини бу жойни супуриб-сидириб, кирларни ювиб, дазмоллаб бўлади-да, қизиникига кетади. Фақат шанба ва якшанбада куёви уйда бўлгани учун бу ерга келиб ётади. Эри ҳайдаб юборганидан кейин у шу кетишда уч-тўрт ҳафта қорасини кўрсатмади. Ашир ака хавотирланиб қизиникига борса, хотини йўқ, тоби қочган неварасини касалхонада олиб ётган экан. Ашир ака совға-салом қилиб, кўргани борди. Елкасига оқ халат ташлаб, палатага яқинлашганда ичкаридан ёқимли, вазмин алла эшитилди. Тўхтаб, қулоқ солди. Таниш, жуда қадрдон товуш. Ҳа, аёлининг товуши. Неварасининг елкасига обболаб ухлатаётган экан. Қизик, ўн-ўн беш йил орасида аёлининг қўшиқ айтганини ҳеч эшитмаган. Оналар энг ёқтирган қўшиқларини тансиқ таомдек фарзандлари ва невараларига асраб қўйишаркан-да!

Бу ерда бола қараб ётганларнинг аксарияти кампирлар эди. Уларнинг хасрати, неварасининг инжиқликлари юрагига роса чирмашиб кетган, бунинг устига қизи, куёвининг хабар олмагани кўнглига қаттиқ ботиб юрган эди. Эрини кўриб, жуда хурсанд бўлди: «Қари, бақироқ бўлса ҳам эр-эр экан-да, жони ачишиб, қайишаркан. Фарзандинг ўз ишини битказиб олишни ўйларкан, холос». Кўнгли эриб, эрига зорланди:

— Ҳозирги ёш жувонлар кампирлар учун туғади!! Ўзлари пошнаси баланд туфли кийиб, ишга бориб келади, пул топади!

— Ўзлари қарасин! — деди Ашир ака, хотинига раҳми келиб. — Сен уйга бор.

— Буни, — у неварасини кўрсатди, — қандоқ ташлаб кетаман?!

* * *

Ашир аканинг хотини эрининг пенсияга чиқишини ўшандан буён кутиб юрган эди. Бугун аптекадан зулук, магазиндан беш банка тузланган помидор олиб келаётганда кўчада пакана, пахта жойланган қопдай семиз, соғлом, доим кулиб юрадиган аёл — бақалоқ ходимнинг хотинига дуч келиб қолди. У кўзларини қисиб тўр халтага тикилди:

— Иби, нима қиласиз, бу намакобларни, хола?!

— Нима қилардик, еймиз. Амакингиз яхши кўрадила.

Институтнинг иссиқхоналари турганда «хола»нинг пул сарфлаб,

бу нарсаларни магазиндан инқиллаб кўтариб келаётгани таажжублан-тирди, шекилли, салом-аликни ҳам унутиб яна сўради:

— Ейсиз?! Иби, бизларди хонадондан қишин-ёзин палакдан узилган помидори, бодринг қанда бўлмайди. Чиллада ҳам пилёнка остида буруннинг қонидай қип-қизариб пишиб ётади, — у жуда эринчок, ландовурсизлар-да, дегандай лабини буриб, яна тўр халтага қаради.

Холанинг баданидан олов чиқиб кетди:

— Ҳа, энди ҳар ким ўз кўрпасига қараб оёқ узатади-да.

— Кўрпаси?! Иби, гапингиз бор бўлсин! Жуда ҳам ғарибга солманг ўзингизни. Ашир амаки катта маош оладила. Обрў-эътиборлари зўр ишда, ана, юбилей-тўйлари бўлаётган эмиш. Бир эр-хотинга нима харажат кетарди! Ийққанлариззи умр бўйи ётиб катта-катта есаларинг ҳам етар. Инга умр бўйи либос тикиб, ўзи яланғоч юраркан. Сизларга игна бўлиш унча ярашмаскан.

Хола йўлда икки-уч марта дам олиб, кела-келгунча ўйланди: «Тўғри айтади, бизлар ҳам бир парча ер олиб, у-буни эхсак бўлмайди-ми? Меҳнат қилиб топган ширин бўлади, дейишади. Қолаверса, терлаб тана яйрайди, дала ҳавосида! Кўп бўлмаса, озроқ бўлар, рўзғорга, невараларга яраб турса бўлди-да. Бунинг ҳеч айби йўқ-ку! Емасак, ичмасак, киймасак, нима учун яшаймиз бу дунёда?»

* * *

Нусратбек Ашир ака олдида ўзини айбдордек сезарди, Шу сабабли у хужжатларни расмийлаштириб юрганда олдида борди.

— Менинг Сиздан ҳеч гинам йўқ, — деди Ашир ака, қовоғи солиниб. — Қайтага бошоғриқдан қутулдим. Далага чиқиб ишлай дейман-у, қувват йўқ, ука. Ер иши оғир, ўзингиз яхши биласиз, оғизнинг ели билан битмайди. Забардаст кетмонни пиёз пўстидай қилиб қўяди пахта иши. Тажриба, таҳлил, қоғозлардан ҳам кўнглим безган.

Нусратбек директорнинг сўзларини эслади: «Энди у иш бермайди. Сасийди...» «Тўғри айтган экан. Амалий ишга ярамаслигини ўзи



бўйнига олиб ўтирибди. Фақат, Пайғамов айтганидай қитмир эмас, ҳалол одамга ўхшайди. Директорга ҳам қийин. Ҳар хил феъл-атворли одамларнинг бошини қовуштириш, уларни ишлатиш, ўз йўриғига солиш осонми? Бир мансабга интилади, бошқаси бойликка, биттаси унвонга, яна бирови ўзи раҳбарлик қилолмайди-ку, бошлиқнинг буйруғини нописанд эшитади, бажаришга бўйни ёр бермайди. Ун йигитнинг ақл-фаросати, кўзи бор баъзи бошлиқлар иноқ коллективни тариқдай тирқиратиб юборади. Бўри Мавлонович эса шундай инжиқ зиёлиларнинг бошини қовуштириб, давлат ишини бажартиряпти. Шундай пайтда Нусратбекнинг ўзи ҳам қишлоққа бориб, оддий колхозчими, механизаторми бўлиб ишлагиси келади. Холаси тўғри айтади: «Бригада ёки агрономликни ол. Бир кунимиз ўтиб турибди. Ҳеч ким оч-яланғоч қоладиган замон эмас ҳозир».

— Сиз келмаганигизда мен ҳам бари бир кетар эдим. Бир жойда узоқ ишлайолмайман, юрагим сиқилади. Лекин мен сизни огоҳлантириб қўяй, Нусратжон, — Ашир ака ориқ бўйини чўзиб, атрофга қаради, товуши пасайди, — ёшсиз ҳали, анави Олайн Қарағайи дан ҳазар қилинг. Иши биттач, сизни синдириши мумкин.

* * *

Бошлиқнинг кабинетиди кичкина кузатиш маросими бўлди. Ашир ака гулларни олди. Бўри Мавлонович қисқача гапириб, сўзининг охирида:

— ...Мукофот ҳам ёзганмиз, оласиз! — деб ўрнига ўтирди.

Қизил юзли бақалоқ ходим худди чақалоқни кўтаргандай эгилиб, Ашир аканинг олдига икки қўллаб тўн, белбоғ олиб борди. Намойишкоруна таъзим қилиб, илжайди:

— Шахсан ўзимнинг номимдан!

— Раҳмат, — деди Ашир ака, унинг қўлини қайтариб, — мен «шахсий» нарсаларни олмайман. Буни институт экинзорларида сўқимга боқаётган ҳўкизларингизнинг устига ёпинг — тез семиради!

Юзи моматалоқдай бўртган бақалоқ ходим шошиб бориб жойига ўтирди. Кўзлари пирпираб, ёнидагиларга арз қилди:

— Унинг жини бор, тутиб қолса ҳеч кимни танимайди.

Нусратбек Ашир аканинг кетаётганига куйиниб ўтирарди: «Кекса одамни қўлидан судраб, эшикдан чиқариб юбораётгандай қилишяпти».

Пайғамов бу маросим тезроқ тугагини бетоқатланиб кутиб ўтирарди. Ашир ака билан деярли тенгдош бақалоқ ходим эса аламзадалик билан пичирларди: «Ана, энди ҳақиқат қидиришга вақтинг кўп. Гўринггача қидириб бораверасан!»

Кўзойнакли ёш илмий ходим Шодмонқул Азизов маънос тортиб ўтирибди: «Ҳамма фидойиларнинг ҳоли ана шундай бўладими охири? Бошида шунча калтак синса ҳам боладай бегубор, содда, тўғри сўз, соддадил бу одам. У ёқ-бу ёққа қараб яшаш керакмикан? Унда виждон нима бўлади?..»

Ашир ака ҳалол, пок, ақлли бўлса-да, ўзини ўзи ҳимоя қилишга келганда ҳамма истеъдодли одамлар сингари нотавон бўлиб қоларди. Олдин алам устида, мен директорни ундоқ қиламан, бундоқ қиламан, деб юрган эди. Йиғилишдан кейин Бўри Пайғамов уни кабинетиди олиб қолди. Ун минутлардан кейин у гулларни бағрига босганча пахатадай юмшоқ бўлиб чиқди. Нусратбекнинг ёнига борди. Кимгадир ичидагини айтиб бўшатиши керак эди:

— Нусратбек, далаларнинг тоза, мусаффо бўлиши учун аввало унга мутасадди кишилар пок, ҳалол, нияти холис бўлиши керак. Бу энг муҳими! Лекин менинг қудратим фақат қурт-қумурсқа, ҳашаротларга

1 Бошқа ўсимликнинг танига ёпишиб яшайдиган томирсиз гиёҳ.

етади, холос. Ҳашаротсимон одамларга келганда ожизлик қилиб қолдим. Майли, қозонда бори чўмичга чиқади.

* * *

Ашир ака олтмиш ёшли тўйидан бир қучоқ гул билан уйга кириб келганида, аёли хурсанд бўлди:

— Яхши бўлди. Дам оласиз,— деди юз, чакка ва қовоқларига илашиб турган тулум зулукларни бир-бир олиб сувли банкага соларкан.— Қариганда уй-жой қиламиз, невараларингизга қараймиз, орзу-хавасини қиламиз. Мани ҳам ҳаром қоним ошиб кетдим, бу давлина ўлгир юрагимга чирмашиб, мазамни қочиряпти. Зулуклар ҳам фойда бермаяпти. Энди дўхтирларди катталарига қаратмасангиз, у дераза олдидаги курсида хўмрайиб ўтирган эрининг ҳорғин юзига кўзи тушиб, гапни бошқа ўзанга бурди:

— Ҳали кўчада сиз билан бирга ишлайдиган бақалоқ ходимларингди хотинини учратиб қолдим. Ашир амакимнинг топар-тутари яхши, бу «намақоб» помидорларди нима қиласиз, дейди...

— Яна ейиш-ичиш!— Ашир ака аёлидан юз ўгириб, муштини иягига тираганча деразадан дарахтларга тикилиб ўтирди.— Бошқа айтадиган гапинг йўқ сани!

— Ҳа, ейиш-ичишсиз ҳаёт борми? Сизга уй-жой керак бўлмаса, мансаб, унвон керак бўлмаса! Пул керак бўлмаса! Манга келтириб беринг ўшаларни. Ана, анов бақалоқди хотини...

— Бўлди, манга ҳа деб ўшани!...— Ашир аканинг кўз олдида чопон кўтариб турган ўша кандидатнинг йилтираган башараси кўриниб, гутақиб кетди.— Пеш қилаверма! Бир қарич ҳаром ичагини мазали таом билан тўлдириш учун шунча хийла-найранг ишлатиб, буқаламундай минг тусга киради-я мўлтони! Уят-э, иснод-э, одамлик шаънига!..

Холанинг нафаси ичига тушиб, жим бўлиб қолди. Нима қилсин, у ҳам аёл, латта-путта, уй-жой, унвон, топар-тутарига қараб муомала қиладиган хотин-халаж билан тўйларга, меҳмондорчиликларга борганида тўрга ўтириб, яйраб талтайишни истайди. Эрининг ҳеч кимга кўз-кўз қилиб кўрсатиб бўлмайдиган «ҳалоллиги», «соғлом гўзаси» «аширқония»сини бошига урсинми?

Институтнинг тажриба майдонлари кенг, имкониятлари катта, Пайғамов ходимларни ишлатишни билар экан. Нусратбек бир-икки ойда бунга амин бўлди. Айниқса Ашир акани қомусчиликда айблаган қотма, кўзойнакли ёш Шодмонқул Азизов бошлиқ лаборатория ишлари Нусратбекка жуда маъқул бўлди. Улар деҳқонлар билан ҳамкорликда зараркунанда ҳашаротлар кўпайган майдонларга сунъий равишда урчитилган триходерма ҳашаротларини қўйиб юборишибди. Бунинг фойдаси оддий кўзга ҳам кўриниб турибди: ҳаво тоза, муҳит соф. Тупроқ биоценози бузилмаган. Табиатдаги мувозанат асраб қолинган. Бунинг самараси ўлароқ триходерма қўйилган майдонларда ҳосилдорлик кўтарилган. Оққанот кескин камайган. Ҳозир илмий ходимлар илдиз чириш касалини изчил ўрганишаётган экан. Лаборатория мудири Азизов кўзойнагини тўғрилаб қўйиб, кулди:

— Сизга «қашқирча»лардан бериб юбораман. Маккор, жони темирдан ҳам қаттиқ.— У гугурт қутичасига кўсак қуртини солиб, устидан дуст сепди.— Манг. Уйга борганда банкага солиб қўйинг. Бу сабил заҳархўр бўлиб олибди. Қирамиз деб роса бўрдоқига боқаётган эканмиз.

Нусратбек қутичани қоғозга ўраб, киссасига солди. Азизов ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси, карантинчилардан шикоят қилди:

— Колхознинг қишлоқ атрофидаги пайкаллари бизга ажратилган, биология усулида ҳимоя қиламиз, деб шартнома тузганмиз.

◆ ҚИССА
◆ МАЙСАЛАРНИ АЭС УРМАЙДИ
◆ С. НУРОВ

Юринг, — Шодмонкул Нусратбекни ўша пайкалларга бошлади. Бурнининг учига сурилиб тушаётган кўзойнагини кўтариб қўйди. Шийпон орқасига ўтдилар. — Бу жойлар деярли уч йилдан буён гексахлорон ҳидини билмайди. Сезяпсизми?

— Ҳа, — деди Нусратбек гўзаларга, дала четларидаги дарахтларга синчковлик билан тикилиб. Унинг назари хонқизи, қирпашша, олтинкўз, бешиктерватарларга тушди. Гўза гули устида гўнғиллаб учаётган асалариларни кўрганда севиниб кетди. — Мен кўпдан буён осмонда қушлар, асаларилар учиб юрадиган, ариқларидан ҳовучлаб сув ичса бўладиган далаларни орзу қилиб юрувдим!

— Насиб бўлса, ариқлардан ҳайиқмай сув ичадиган даврлар ҳам келиб қолар, — Шодмонкул Нусратбекнинг сезгир, гапга тушунадиган энг муҳими, икковининг орзуси бир эканидан жуда мамнун эди. — Мен ўз пайкалларимизни кузатиш билан бирга дори сепиладиган далалардан ҳам кўз-қулоқ бўлиб юраман. Ҳисоблаб чиқдик: ўн йил сурункасига заҳарли моддалар ишлатилган майдонларда зарарли ҳашаротлар икки баробар, ўргимчаккана эса минг марта кўпайган. Фойдали ҳашаротлар, қушлар эса деярли йўқ бўлиб кетган. Кўсак қурти, ўргимчаккана, шира заҳархўрликка мослашиб, бемалол урчийверган. Тўғри, уларнинг ҳам бир қисми қирилган. Тирик қолганлари эса жуда тез кўпайган: озиқ-овқат мўл, қушлар, қушанда ҳашаротлар бутунлай йўқ! Биология усулининг фойдаси карга ҳам, кўрга ҳам маълум ҳозир. Лекин буни кўриш, эшитишни истамайдиганлар бор, — Шодмонкул қизишди. Кўзойнаги ўзининг ҳам гашини келтирдими, уни бармоқлари билан кўтариб қўйди. Кейин қўлига олди. Туманли кўзлари билан Нусратбекка қаради. — Бир кун ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясидан асбоб-ускуналарни машинага ортиб келиб қолишди. Жасур Маҳмудович, ҳосилдан қуруқ қоласан, деб қўрқитишганми, у ҳам рози бўлибди. Лекин мен кўнмадим. Эландим, ёлбордим, қани қулоқ солишса! Пайкалга ўтириб олдим: — Мана, олдин мани устимдан дори сепасан, кейин экинларга, дедим. Ўйланиб қолишди. Улар хўжалик ҳисобида ишлайдиган ташкилот. Қолхозларга сотган заҳарли модда миқдори, дориланган майдонлар миқёсига қараб ҳақ олишади. Атроф муҳитнинг ифлосланиши, тупроқ хоссасининг бузилиши, қушлар, хонқизи, олтин кўзларнинг қирилиши билан нима иши бор уларнинг! — Бригадир менга маъноли қараб, босиқлик билан тушунтирди:

— Бизларнинг ҳам бола-чақаларимиз бор, ука. Рўзғор тебратишимиз керак. Биз ҳам сизга ўхшаб яхши яшасак деймиз...

— Яшайверинг! Дориламасдан...

«Қаллам сабил кечикиб ишлайди...» унинг шамасини кейин тушундим. Дориланмаган майдонларга дориланди, деб тузилган актга қўл қўйдим. Раис билан ўзим гаплашаман, дедим.

— Ҳосил камайиб кетса нима қиласиз, ким жавоб беради? — деб сўрашди.

— Мен ўзим! — дедим. — Маошимдан тўлайман, етмаса уй-жойимни сотаман.

Биламанки, ҳосил камаймайди. Кўпайса кўпаяди, камаймайди. Буни уларнинг ўзлари ҳам сезса керак. Ҳар эҳтимолга қарши айтишди. Экинларни эмас, ўзларини кўпроқ эҳтиёт қилишади. Аммо-лекин бу масалани бошлиқлар билан гаплашиб, узил-кесил ҳал қилиш керак. Бир кун бўлмаса-бир кун улар бизни ғафлатда қолдиришлари турган гап.

— Наҳотки! — Нусратбек Азизовнинг елкасига вазмин бўлинг, дегандек қўлини қўйди. — Бўри Мавлонович бор, Маҳмудов бор. Бу пайкаллар эгасиз эмас-ку, ахир?

Нусратбек колхоз идорасида раисни учратмагач, далаларни ўзи айланмоқчи бўлди. Олдин Пайғамов билан кўрган пайкал бошида машинадан тушди. Ҳашарот солинган қутичани кассасидан олиб, очиб кўрди. Ҳашарот дуст остида гимирлаб турарди: «Заҳархўр қашқирлар!» Қўлини ювиш учун ўқариқ бўйига борганда эътиборини шийпон атрофидаги алоҳида-алоҳида эгатларга экилган гулхайри, ўсма, тўп-тўп гулиҳаё буталари тортди. Буталарнинг патсимон узун баргларига қўл тегизиши билан япроқлари «ўралиб», «шалвираб», пуштага ётди-қолди. Нусратбек навдаларни ростламоқчи, баргларни ёймоқчи бўлди. Гулиҳаё «жонланмади».

— Гулларимни сўлитиб кўйибсиз-ку!

Нусратбек овоз келган томонга ўгирилди. Рўпарасида сочлари бошига турмакланган, юзлари дала шамолида бир оз қорайган, бодомқоқ жувон жилмайиб турарди. Эғнида сариқ атлас кўйлак. Нусратбекни бирдан ҳаяжон босди: ёноқлари ял-ял ёниб, киприклари пирпиради. «Гулхайри!.. Иш кийимида далада жуда очилиб кетаркан. Бўри ака, қайнсинглим ҳам шу ерда, деганди...» Нусратбек энди балоғатга етган, биринчи марта учрашаётган ўсмирдай довдираб, шошиб қолди.

— Сиз... Гул-л...

— Ҳа,— жувон шийпон томонга яширинча разм солиб, атлас кўйлагининг этакларини тиззасига тортиб кўйди.— Мен Гулхайриман. Хайрият, танидингиз.

— Гулларингиз нозик экан,— Нусратбек ҳали ҳам шалпайиб ётган гулиҳаёларга ишора қилди.

— Йўқ, жуда чидамли-ю, ҳаёси зўр.

Гулхайрининг бу жавоби Нусратбекни ўзини тутиб олишига имкон берди.

— Менинг кўзим тегдимикан? Яқинига бормасимдан шу аҳволга тушиб қолса бўладими!

— Сизнинг кўзингиз тегса, ундан ҳам ортиқроқ яшнаб кетади ҳали-замон.

Жувон чамаси, энтикди. Унга сари Нусратбек дадилланди:

— Ҳар нарсага шалпайиб қолаверса, уларни қандай парварिशлайсиз?

— Иложсиз нарса йўқ,— Гулхайри кулди.— Маст қилиб...

— Рост. Бу гулнинг асаб системаси бор. Хлороформ буғи таъсир эттирилганда нархозланган одамдай «эс-хушини йўқотиб», шалпайиб қолади. Унга аста-секин таъсир ўтказиб борилса, ташқи муҳитга мослаша боради.

У гапираётганида Нусратбек тикилганча: «Сийрак тишли аёллар кўнгли юмшоқ, меҳрибон бўлармиш» дея кўнглидан ўтказди.

— Юринг, бир пиёла чой ичинг бизлар билан ҳам,— жувон шийпон томонга бошлади. Нусратбек қўлини ўқариқда ювиб, рўмолчасига артганча унинг орқасидан борди.

Гулхайри Нусратбекнинг институтга келганидан, ишларидан яхши хабардор бўлса керак, уни бу ерда учратиб таажжубланмади, ҳеч нарса сўрамади ҳам. Ўз тажрибаларидан гапирди. У экинлар наслини бошқариш, ирсият муаммоларини ўрганаётган экан. Молекуляр биология — «ген инженерлиги» янги, истиқболли соҳа. «Жарроҳлик» йўли билан ўсимликдаги фойдасиз хусусиятлар йўқотилади. Ўсимликнинг тўқималарига сунъий усулда таъсир ўтказилиб, истаган турдаги си қолдирилади. Иш тўғрисида гапирганда Гулхайри вазмин, ўз соҳасини севадиган, билими пухта, мулоҳазали кўринди Нусратбекка. «Гулиҳаёларда жонли мавжудотга хос сезиш хусусиятлари бор»лиги учун уларни ўстираётган экан.

Нусратбек ажабланди. «Мени купеда бир мартагина кўрган эди.

С. НУРОВ. ♦ МАЙСАЛАРНИ АЭС УРМАЙДИ ♦ ҚИССА

Худди кадрдонидай ҳазил-ҳузил билан кутиб олди. Ҳамма билан ҳам шундоқ муомала қилармикан? Дуч келган эркакка табассум ҳадыя этиб кетаверадиган жувоълар бўлади... Жувономикан? Қишлоқда бу тенгилар тўрт-беш бола кўриб, рўзгорга ўралашиб қолади. Довдирроқмикан? Ундай деса фан номзоди, унча-бунча олимлар қўл уришга ҳайқадиган муаммолар устида ишлаётган экан. Нега Мавлонов менга алоқаси бўлмаса ҳам, бу участкани кўриб ўтишни маслаҳат берди?..»

Кулбасига етиб келгунча Нусратбек шунақа саволлар билан хаёли банд бўлиб, у ёқ-бу ёққа қарамабди ҳам. Машинадан тушиб бир нарсани эсдан чиқаргандай ўйланиб қолди. Нима эди? Ҳа, гугурт қутича! Қутичадаги ҳашарот ҳали ҳам тирик экан. Уни дусти билан банккага ағдариб, дераза тоқчасига қўйди.

Ювинди. Тамадди қилди. Яна бориб қаради. Ҳашаротлар кўлдаги балиқдай эркин ғимирлашарди.

Тўшакка чўзилиб ётди: «Қирамиз деб дуст сепиб, уларни боқиб ётган эканмиз-да! — ўзича сўзлаңди. Самолёт қанотини кемириб, бензин ичишга мослашган бактерияларни эслади. — Пахта зарарку-нандалари ҳам «қашқирча»га айланиб, илгаригидан ҳам маккор, хавфли бўлиб кетишибди, — ҳамкасби Шодмонқулни эслади. — Дуруст экан лекин. Тиришқоқ бир оз мағрур бўлса ҳам, яхши, очиқ кўнгил. Гулхайрининг эса турган-битгани сирга ўхшайди!»

...Киноларда ўпишаётганларга кўзи тушса, Нусратбек болаларидан уялиб, жаҳл билан ўрнидан турарди-ю, телевизорни ўчириб қўярди:

— Режиссёрларга шундан бошқа ҳеч нарса қолмабди шекилли кўрсатадиган!

— Томошабинларни қизиқтирмақчи бўлади-да! — дейди кинонинг давомини кўргиси келган Холиса.

— Ана, ҳинд киноларида ўпишишмаса ҳам, ҳамма охиригача кўради-ку мириқиб!

Бўса ҳақида ана шундай ақидада юрган Нусратбекнинг ўзи дала шийпонида Гулхайрини ўпяпти. Жувоъ ҳиқ-ҳиқ йиғлайди. Ёқимли, нозли йиғлайди. Нусратбек йиғининг ҳам ёқимли, назокатли, киши кўнглини ёритадиган бўлишини шунда билди. Уни овутомқчи бўлиб ҳўл киприклари, иссиқ дудоқларидан бўса олди. Шу пайт ёнидан ўтиб кетаётган хотини ва болаларига кўзи тушди. Улар қаердан келиб қолишди бу ерга? Холиса ҳам, болалари ҳам уни танишмади, бегонадек ўтиб кетишди. Шошиб, уларнинг орқасидан югурди. Кўзини очса, ёстиқни қучоқлаб ётган экан. Бошқа ухлолмади. Хаёли болаларига, Холисага кетди. Уялди. Бу шунчаки аҳмоқона туш эканига ўзини ишонтирмақчи бўлса ҳам уят ҳиссидан қутула олмади. Бирон кори-ҳол бўлдимикан? Телефон қоқиши керак!

12.

Кундузи Нусратбек алоқа бўлимига икки-уч марта бориб, уйи билан гаплаша олмади. Тунда алоқа симлари санжоброқ бўлади, деб шомда яна борди. Соат ўн иккиларга яқинлашиб, энди қайтиб кетмоқчи бўлиб турганида туйнукдан, ортидан алоқа чи қизнинг эснаган, уйқули товуши эшитилди.

— Иккинчи кабинага кириб, гаплашинг.

Мембран қалдираб, Холисанинг ҳовлиққан товуши эшитилди:

— Ҳа, нима бало, тинчликми?!

«Салом ўрнига савол!» Нусратбекнинг кўнгли суст кетди:

— Тинчлик. Аҳволларингни билай девдим.

— Одамнинг юрагини ёриб юбордингиз-ку, туф-туф!

Нусратбекнинг ҳафсаласи пир бўлди: жавоб бермай, трубкани қулоғига тутиб турди: «Қишлоқ шароитини тушунмайдиган бўлиб қолибди». Хотинининг тез-тез нафас олишига қулоқ солиб, уйқудан шишган қовоқлари, ёстиқ ботиб, қизартирган оқиш юзларини кўрган-дай бўлди. Нафасидан ҳам валидол, корdiamин ҳиди анқиётгандай

туюлди. Уни ташвиш босди. «Касали яна хуруж қилдимикан?» Шу пайт трубкада ўғилчасининг товуши эшитилди. Онаси нималардир деб койиди. Бола унга қулоқ солмай, трубкани олди:

— Дада, салом!

— Ваалайкўм, яхшимисан?

— Яхши! Той олиб қўйдингизми?

— Опаларинг қаерда?

— Етишибди... Тойчани... — ўглининг қўлидан онаси трубкани тортиб олди шекилли, овози узоқдан эшитилгандай бўлди: — Қачон келасиз? Сиз-з, фақат ўзингизни ўйлармишсиз...

«Сиз фақат ўзингизни ўйлармишсиз!» Нусратбекнинг қулоғига биров сув сепгандек, сесканди. Демак, Холиса ўглини унга қарши Қайрай бошлабди. Нусратбек кейин хотинига нима деди, у қандай жавоб қайтарди, билмайди. Телефончи қизга пул тўлаб, ташқарига отилди. Юраги сиқилиб, танини тер босиб, ҳаво етишмаётгандай оғзини очди. Атрофни тўлин ойнинг совуқ кўкимтир — сариқ шуъласи қоплаган. Ой нуридан оқарган шифер томлар қиров боғлагандай этни жунжиктиради. Бу жонсиз, совуқ шуъла Нусратбекнинг юрагига ҳам сингиб кирган эди. Кўкда муз ушоқларидай сочилиб ётган юлдузлар ҳам ўз совуғидан ўзи титрайди. Нусратбекнинг тепасидан кучли қанотларини силкитиб бойқушми, сақсақми, шувиллаб ўтиб кетди.

Шунча иштиёк, соғинчи билан кун бўйи телефон станциясига қатнаган, кун бўйи болалари, хотинининг товушини эшитишни орзиқиб кутган Нусратбекнинг кўнгли жуда совиб кетди: уйқудан уйғониш, шундоқ ёнгинасида турган телефон трубкасини кўтариш шунчалик малол келипти-да!..

Киссасига қўл солиб, ниманидир қидирди. На гугурт, на сигарета топди. У ҳозир тинчгина ишлаб турган районда, йўқ, бутун оламда кимсасиз етимдай ёлғиз, бахтсиз ҳис қилди ўзини. Хотинига илиқ, ширин гаплар айтиб, кўнглини кўтариб қўйиш учун кун бўйи тараддуд кўрди. Хотинининг шақиллашини трубкада эшитди-ю, унга атаб йиғиб қўйган яхши гаплари тариқдай сочилиб кетди. Бир-икки нордон гап айтиб юборди. Кейин танини беғам ҳорғинлик, ҳафсаласизлик қамраб олди. Атрофга бефарқ қараб, «мажнунтол» куйини ҳиргойи қилиб бораверди. «Советлар уйи» биноси олдидан ўтаётганида ёлғиз бизилдоқнинг мунгли ҳуштагини ҳам, суви эскирган фаввора ҳовузида қурбақаларнинг «вақ-вуқ»ини ҳам эшитмади. Бу товушлар Нусратбекнинг қулоғига кирмади, кирса ҳам, уларни идрок этмади. Нусратбек йўлкаларнинг четига тўдалаб қўйилган ахлатларни ҳам, бинонинг яхлит ойнали катта эшиги олдида столга ўмгагини босганча мудраб ўтирган навбатчи-милиционерни ҳам, асфальт хиёбонларни узун супургиси билан қулочкашлаб супураётган фаррош чолни ҳам пайқамай ўтиб кетди. Кейин хаёлида келинчак либосидаги париваш Гулхайри, шийпондаги дилкаш Гулхайри намоён бўлди... Уни эслади-ю, юрагида чўкиб ётган тош эриб-эриб, юмшади.

13.

Кўсак қурти хуруж қилган майдонларга институт лабораториясида етиштирилган хабрабрагин замбуруғларини тарқатишди. Нусратбек, колхоз раҳбарлари ваҳимага тушиб яна дорилатиб юборишмасин, деган хавотирда бу майдонлардан кўз-қулоқ бўлиб юрди. Кечасига шийпонда қолди. Дим хонасига бормади. Уни кутадигани бўлмагандан кейин бари бир эмасми. Бир ойдан буён уй-жойдан хабар олганим йўқ, деб зорланган қоровулга жавоб берди:

— Боринг, бемалол ётиб келаверинг.

— Барака топинг. Понушта қиламан десангиз, газхонада ҳамма нарса бор. Чойни дамлаб қўйдим, — чол яктагини елкасига ташлаб йўлга тушди.

Нусратбек ариқда оёқларини, юз-қўлларини ювди, артинди. Чорпояда оёқларини осилтириб ўтирганча пиёлага чой қуйди. Иссиқ.

Дим. Осмонда юлдузлар хира милтирайди. Ойнинг кумуш нурлари сув таралган эгатларда кумуш тароқнинг узун тишларидай ялтиллайди. Далалар сокин тунда гўё сочларини тарайди. Чорпоя ёнида тўп-тўп бўлиб ўсган садарайхонларни силкитди. Атрофга муаттар ҳид таралди.

Кўприк томондан шарпа ўтгандай бўлди: «Қоровул қайтиб келдимикан? «Нусратбек ўша ёққа узоқ тикилди. Эти жимирлашди: хаёлида биров таъқиб қилаётгандай туйилди. Бегона жой...

— Ким? — Нусратбек товушининг қалтираб кетганини ўзи ҳам сезди.

— Қўрқдингизми? Мен, — аёл кишининг ҳаяжонли товуши эшитилиб дарахт панасидан чиққан соя яқинлаша бошлади. «гулхайри!»

Нусратбек сакраб тушиб, кўйлагини кийди. Шимининг тиззасигача шимарилган почаларини туширди. Қулоқлари битиб қолгандай эди.

— Келинг...

— Келдим, — Гулхайри ҳеч тортинмай чорпояга чиқиб бир четга ўтирди. Юзи, кўзлари ой нурида нотабиий оқаринқираб кўринди. — Иш билан бўлиб уйга кетолмадим. Шийпонда хотин-қизлар бўлса ётиб қоларман, деб келаётгандим.

Сукунат. Қурбақалар ҳам бўртган кўзларини шийпондаги бу икки сояга тикилиб, қулоқ солишаётгандай жим. «Қоровул билиб қолса, кўнглига бад олмасмикан?..»

Нусратбек тиширчилар эди: нимадир қилиши, керак-ку? Ҳай айтгандай... у газхонага ошиқди. Дастурхон олиб чиқди. Чорпоя устидаги электрни ёқмоқчи бўлаётганида Гулхайри қўймади:

— Ёқманг, пашшалар келади.

Нусратбек Гулхайрига чой қуйиб берди-да, шийпон ёнидаги полизга кириб кетди. Ойдинда помидор, бодринг, қалампир териб келди. Гулхайри ҳам қараб турмади. Ичкаридан тоғорача, пичоқ, туз топиб чиқиб аччиқ-чучук қилди. Уртада бирга баҳам кўришди. Нусратбекнинг оғзида мазаси қолди лекин. У газхонага кириб яна бир чойнак чой дамлаб чиққанида, Гулхайри кўрпачада ёнбошлаб ётарди. Кенг атлас кўйлагини ёриб чиқмоқчидек дўппайган кўкраги кўрпачага тиралган, бўлиқ сонлари ярим очик. Нусратбек кўзларини олиб қочди: «У шийпонда ҳеч ким йўқлигини билиб, атайлаб келган. Қоровулнинг кетганини кўрган, мени кузатган. Ҳадиксирамай ётишини қара! — Ой нури атрофга мўл-кўл қуйилар, япроқларнинг сояси сокин тўлғонарди, қурбақалар яна «вақ-вақ»ини бошлаб юборган эди. Муддаоси нима?! Бола-чақалик экани Нусратбек юрагида бошланган ғалаённи бари бир боса олмади. Чой ичганига қарамай томоғи қақраб, аёлга қўл чўзди:

— Гул-хайри-и... — Жувоннинг иссиқ танидаги титроқ ёқимли олов бўлиб Нусратбекнинг вужудига туташди.

— Қўйинг...

Унинг бутун вужуди атласга ўраб қўйилган ҳарорат. — Дудоғи, бўйинлари терлаб, тўзғиган соч толалари бўйнига ёпишган. Бу ёқимли ҳарорат етилган, гуллаган аёл вужудининг хушбўй ҳиди эди. Титроғи Нусратбекни қарахт қилиб қўйди. Ҳаво яна исиб кетдими, қайдам, терга ботди. Кўзига ой нурида чўмилиб ётган далалар ҳам кўринмай қолди:

— Гулхайри, жоним...

— Айниманг, — Гулхайри дастурхонни йиғиштириб, ўрнидан турди.

Нусратбек мулзам бўлиб, ерга қаради. Гулхайри чорпоядан тушди:

— Юринг, малол келса ҳам совхоз марказигача бирга борасиз. У ёғига ўзим. — Гулхайри Нусратбекни ҳижолатдан халос этиш учун унинг тирсагидан ушлаб тортиди.

Сўқмоқдан жимгина юриб кетишди. Эгатлардаги ғўзалар уларни жимгина кузатиб қолаётгандай эди.

Далаларнинг намхуш, бир оз салқинлашган нафасидан аёл ҳиди келарди...

Тонготарда қоровул шийпонга етиб келганида чорпояда Нусратбек

майкачан ухлаб ётар, кўрпа сурилиб, усти очилиб қолган эди. Бўйни, елкалари қизариб турарди: «Пашша талабди-да, шўрликни». Чол унинг устига кўрпа тортиб қўйди. Гилам устига тушиб қолган аёллар сочига тўғнайдиغان тўғноғични кўрмади. Ёки кўрса ҳам унинг нималигини англамади. Ёғимланиб ётган кўрпача ҳам унга ҳеч нарса билдирмади. У бунақа нарсаларга шубҳаланиб қарайдиган ёшдан ўтиб кетган эди.

Нусратбек умр бўйи излаб юрган нарсасини топган одамдай дили яйраб турди. У шу куни қишлоқ универсал магазинидан катта тошойна сотиб олиб, жиҳозсиз хонасига осиб қўйди. Бунгача у юзининг бир бурчинигина кўрсатадиган кафтдаккина кўзгуга қараб соқолини қириб юрган эди. Хонага файз киргандай бўлди. Онаси, кўзгу бор уй файзли бўлади, дерди. Нусратбек ўқишга кетаётганида, уни ойнага қаратиб: «Йўлинг ойдин, бехатар бўлсин», деб қолган эди. Тўғри экан. Ойнанинг хосияти одамнинг руҳий шодлиги бўлса керак. Шод бўлганда кишининг чиройи очилиб кетади. Шунда ойнага қараб, ўзининг ҳуснидан ўзи қувонади. Нохуш, бетоб одам ойнани эсламайди ҳам, қарамайди ҳам.

14.

Шу орада пойтахтдаги нуфузли журналда Бўри Пайғамов билан Нусратбекнинг катта мақоласи босилиб чиқди. Унда институт коллективи олиб бораётган тажрибалар, кашфиётлар ёритилган эди. Нусратбек бошлиқ лабораторияда очирилган хабрабрагин ва Ашир аканинг аширцония замбуругининг илмий ва амалий аҳамияти мақолани ушлаб турган «мих»лар — шулар эди. Нусратбек ёзганида, Бўри ака билан бирга ўқиб таҳрир қилишганида ҳам Ашир аканинг исми-шарифи бор эди, лекин негадир тушириб қолдирилибди. Ким, қаерда ўчирган — буниси Нусратбекка қоронғи. Бошқа тажриба ва кашфиётларнинг муаллифлари ҳам кўрсатилмай, коллективниқидай умумлаштириб юборилган.

Ҳозир фанлар жуда чуқурлашиб, сертармоқ бўлиб кетган. Илмий ахборотлар кўп. Журнал улардан танлаб-танлаб, энг муҳим, амалий фойдаси катталарнигина босар, гоҳо катта кашфиётлар ҳам сояда қолиб кетарди. Шу сабабли обком ва бошқа нуфузли идоралардан Бўри Мавлоновичнинг дўстлари, танишлари қўнғироқ қилиб, табриклашди:

— Уқидик. Зўр!

— Ҳа, энди бир обзор мақола-да,— дея Пайғамов уларга камтарлик билан миннатдорчилик билдирди.

Область партия комитетининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи секретари ҳам қўнғироқ қилди:

— Яшанг, Бўри Мавлонович, ишларингизни халққа шундай маълум қилиб туринглар, темир сандиққа солиб қулфлаб қўймай. Ҳатто Биринчимиз ҳам «дуруст» дедилар.

Институтда қилинаётган илмий ишларни «дуруст» деганми ёки мақолани мақтаганми — Пайғамов тушунолмади, лекин қайтариб сўраб ўтирмади. Илмий ишними, мақоланими, ишқилиб, Биринчи котиб мақолани «дуруст» дебди-ку.

Унга шунинг ўзи кифоя.

Табриклагани кирган ходимларга эса у: «И-е, чиқибдими-а?» деб қўяди. Юзлари доғ, ёққа ташлаб олинган бўғирсоқдай бақалоқ ходим ўн нусха журнал кўтариб келиб қолди:

— Мана, хўжайин! — Шаҳар тушган эдим. «Союзпечать» дўконида кўзимга чалиниб қолди. Ўзиниям,— у қошларини учирди,— тахтанинг тагидан олиб берди.

— Раҳмат. Институт режалари ҳақида обзор мақола сўрашувди, юборувдик. Беришибди-да.

Нусратбекка бир хил ходимлар ҳасад қилишди, бошқа бировларининг ҳаваси келди:

— Омадли йигит экан! Бировлар ўн йиллаб чанг ютиб, дори

хидлаб, ҳалигача ишини юзага чиқара олгани йўқ. Асли қозонда бор экан-да, ана, чўмичда кўринабошлади.

— Бировларни чўктириб чиқди, — деди Ашир аканинг кўз ойнакли шогирди Азизов.

— Нима бўлса ҳам, қобилиятли экан.

Нусратбек эса Ашир аканинг исми-шарифи тушириб қолдирилганидан кўнгли хижил, бировнинг боғида етилган меваларни узиб, кўлга тушиб қолган кишидек бўлиб, одамларнинг кўзига тик қаролмай юрди. Охири Пайғамовнинг олдига кириб норозилигини айтиб:

— Редакцияга раддия юбораман, — деди.

Директор ўзини оғирликка солиб, уни юпатишга тиришди:

— Утган ишга саловат. Бунда бизнинг ҳеч айбимиз йўқ. Институтда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни хабардор қилдик, холос.

— Ихтироларнинг номини кўрсатиш керак эди-да?

— Биз ҳаммамиз бир одам, ҳамма иш шу институтда, коллектив томонидан қилиняпти. Журнал билан эса алоқани бузиш яхши эмас. Уларда ҳам, жамоатчиликда ҳам институт коллективи ҳақида нотўғри фикр туғилиши мумкин.

Унинг товушида шунча ишонтирувчи куч бор эдики, Нусратбек миқ этолмади: «Шу томонини ўйламабман. Чиндан ҳам коллектив шаънига доғ тушади. Фисқу фасодчи, енгилтак экан, дейишади». Лекин бари бир юрагидаги хижил тарқалмади: «Думи юлинган товукдай қилиб чиқаришди!»

15.

Нусратбекнинг туши билан ҳуши аралашиб кетган. Уларни ўзи ҳам фарқлай олмайди. Бу қиз, бу учрашув унинг ҳаётини алғов-далғов қилиб юборди. Уйда ёлғиз ўтирганида, ишда ҳам Гулхайрининг назокатли боқишлари, ҳароратли лаблари кўз олдидан нари кетмай, юрагига ўт туташади. Сўнг раҳматлик онаси оппоқ либосда ёлбориб келади:

«Ўткинчи ҳавас, деб, уй-рўзгорингни бузма. Холисдай хотинни етти иқлимдан ҳам қидириб тополмайсан. Сабр-бардошли, вафодор, борингга шукр қилиб, йўғингга кўниб, куйдириб-пишириб, кўчага гап ташимай, сени сонга солиб юрган ўша. Бир аёл бўлса шунчалик бўлади-да! Уларни чирқиллатиб қўйма. Бизнинг зотимизда бегона аёлга кўз олайтирган бирон эркак ўтмаган. Сан бундоқ қилиб юрсанг, мен гўримда қандоқ тинч ётаман?»

«Йигитларга осон, улар хоҳлаган қизини танлаб, уйланади, дейдилар. Нотўғри! Масалан, мен ҳеч қачон Гулхайридек дадил ҳаракат қилолмасдим йигит бошим билан, — деб хаёлидан ўтказди Нусратбек. — Унинг ўзи-ку!..»

«Йўқ, — деди онаси маъюс кулиб, — қадим замонларда ҳам қизлар танлаган. Қиз сотиб олган бойларнинг йўриғи бошқа. Шунинг учун қизларни шайтон дейишади. Эҳтиёт бўл, болам.»

«Ҳали ҳеч кимни «чирқиллатиб» кетганим йўқ-ку, — Нусратбек онасининг кўзларига қаролмади. Ўзи ҳам билди номаъқул йўлга кирганини. Холиса билиб қолса... Нима қилсин, ихтиёри ўзида эмас!.. — Уф-ф, қўйинг бўлмаган гапларни!»

«Кўриб турибман икки ўт орасида қоврилаётганингни. Ўзинг инсофга келарсан, ўзинг тийиларсан, деб кутиб юрувдим. Бедов чопиб-чопиб чарчаб, яна ўз охурини топиб боради, деб кутувдим. Пешонангни ажин тутиб, сочларинг оқара бошлаганда энди санга ярашмайди. Болаларингни, Холисани оёқ ости қилма, хўрлама, сани қўлда қўтариб юрадиган аёл-а у. Отанг бўлса-ку қамчи билан савалаб, ҳушингга келтириб қўярди!»

Нусратбек ўзини мункиллаган чол қамчилаётганини кўз олдига келтириб, кулиб қўйди.

«Кулма! Мен сенга майнавозчилик қилаётганим йўқ. Қизнинг

бошини айлантириб қўйиб, яна ўзини гўлликка солишини қара! Онаси қариндошлари оғзингни пойлаб юргандир жавоб кутиб!».

«Уринг бўлмаса,— деди Нусратбек жиддий.— Шояд ақлим кирса! Нима қилай ман ўзи илашса?»

«Аёл кишининг эркакни оёқ-қўл, тилини боғлаб қўядиган найранги кўп. Сан унинг найрангига учаверма. Нима, бошинг йўқми? Аёл-ку шайтонга ҳай бермабди, сан ҳушёр бўлгин-да. Сан рўйхуш бергансанки, у аёл боши билан ёнингга келган. Булбул тиконга эмас, чехраси очик гулга қўнади».

Нусратбекка онаси Гулхайри билан бошқа учрашмасликни буюрянтими? Унинг ноз-карашмаларисиз, унинг висолисиз яшаш-а?

У Холиса билан шунча йил бирга ўтказган кунлари ҳиссиз, совук муносабатлар эканини ўйлаб, хомуш бўлиб қолди.

Шунча йил ухлаб ётган-у, энди уйғонгандай эди. Ҳаётининг бу палласи ҳам мудроқда, ғафлатда қолиб кетмаслиги учун югуриши керак. Ҳозир Гулхайри уни кутиб турган эди: кўзлари жавдираб йўлига тикилган.

Юраги тошиб кетди. Қулоғи кар, кўзи кўр, юраги оташ телба муҳаббат қачон ақлнинг гапига кирган эди! Агар у ақлнинг гапига кирса бу эски дунё ақл бовар қилмайдиган мўъжизалар, жасоратларнинг шоҳиди бўлармиди?! Илон пўст ташлайдиган қабоҳатларни бошидан кечирармиди? Муҳаббат — қудратли, бебош сел, эски ўзандан окмайди, хавф-хатарли жарларга бош уриб кетади. Яхшиям шу телба, буюк, жиловсиз ишқ бор жаҳонда. Бўлмаса доно ота-оналар фарзандларининг бўйнига ақл тизгинини солиб, «мана шу йўлдан чиқма», деб уларни гўдаклигидаёқ кичкина чолга ёки кампирчага айлантириб, циркдаги ром этилган қайвонлардек итоаткор, беозор этиб, дунёни ҳарорат, жасорат, мўъжиза, исёндан бенасиб, жуда ғариб, нотавон, зерикарли қилиб қўйишармиди!

Нусратбек кийиниб, катта ойна олдига борди. Пешоналари қорайган. Соқолини қиртишлаб, «Шифр» суртди. Ташқарига чиқди. Ҳаво мўътадил. Сарғая бошлаган япроқларнинг талх ҳиди келади. Узоқ-узоқларда «универсал»лар бўғиқ гувиллайди. Осмонда оппоқ булутлардан узилиб тушган ипак тасмадай мезон тўрлари сузади. Нусратбек қалбида ширин бир орзиқиш билан маъюс ҳаяжон ҳукмрон. Оёқлари уни таниш далаларга бошлаб кетди. Уқариққа етганда юраги гупиллаб уриб тўхтади. Пайкал четида, ғира-шира қоронғида турган қизни кўрди. Бир ўрим сочи кўкрагида. Атлас қўйлагининг этаклари шамолда елпиниб, тиззаларини силайди. Яқин борди. Қизнинг қоронғида чақнаб турган кўзларига тикилиб:

— Гулхайри, салом,— деди. У Гулхайрини шу ерда учратишига комил ишонч билан келган бўлишига қарамай ажабланди:— Бу ерда турибсиз?

— Кетайми?— Гулхайри бурилаётганида Нусратбек биллагидан ушлаб тўхтатди:

— Юринг, шийпонга. Кечалари шабнам тушабошлади.

Гулхайри қошиқчадай қора туфлисининг учи билан эгат пуштасини шиббалади:

— Қоровул бор...

— Меникига борақолайлик бўлмаса?

Гулхайри аллақандай фироқ билан карашма қилиб ерга қаради.

— Қўрқасизми мендан?

Қиз индамай, бошини кўтарди.

Улар қўл ушлашганларича ариқ ёқалаб кетишди. Сўқмоқ йўл билан колхоз боғининг орқа томонидан чиқиб қолганларини билмай қолишди.

Тепаларидан катта қанотлари билан ҳавони кесиб, укки учиб ўтди. Гулхайри қушларга ҳавасланиб тикилди: «Қушларга маза, улар эркин. Хоҳлаган томонларига учади. Одамга қийин, одам ҳатто

севгисини ҳам ёт кўзлардан пинҳон тутиши керак. Одам ўзини ўзи сон-саноксиз одат, қоида, қонунлар билан чирмаб-боғлаб ташлаган.

— Қушларга маза,— деб юборди Гулхайри ўкинч билан. Нусратбек уни қучоқлаб бағрига босди.

— Кетдик, кетдик!— қиз йигитнинг бағрида типирчиларди. Нусратбек унинг товушидаги изтиробни сезмади.

* * *

*

Нусратбек ечиниб ётди. Уйқуси келмади. Радиоприёмнигини буради. Вальсларни эшиттиришаётган экан. Эшитаётиб, негадир йиғлагиси келаверди. Муҳаббат кишини ақлдан оздиради, деганлари шу бўлса керак. Ўзини шундай кучли сездик, ҳозир унга биров тоғни ағдар, деса афсонавий Фарҳоддай ҳеч иккиланмай ағдарарди. У уйқуси келмагач, туриб чироқни ёқди-да, столга ўтирди. Пахтазорда ўтказаятган тажрибаларига оид кузатувларини ёза бошлади. Руҳланиб ишлади. Гўё бу кеча юлдузлар фақат унинг учун порлади, шабада фақат унинг учун гиёҳлар ҳидини сочиб эсди. Далалардаги сон-саноксиз чаноқлар фақат унинг учун табассум қилди. Штраус ҳам «Чечаклар ракси»ни фақат унга атаб басталагандай эди. Куй оҳангла-рида ям-яшил қирларни, рақсга йўрғалаётган чечакларни кўрди, капалаклар гулдан-гулга қўниб, асаларилар нектар йиғади. Қуёш нурларидан тўқилган арғимчоқда ҳаволаниб учади. Осмон, назарида, ҳеч қачон бундай мусаффо, шамол бундай шўх, хушбўй, ариқлар ҳеч вақт бундай ғазалхон, далалар ҳеч вақт бундай зумрад бўлмаган.

Эрталаб ишга бораётганида ҳам бутун томирларида куй, қўшиқ сузиб юрар, аъзойи баданидан куй сизиб чиқаётгандай эди. Еру осмон, бутун олам шу куйга йўғрилган. Йўқ, бу куй яратилмаган, чалинмаган, у кўзи, қулоғи, қалбини муҳаббат очган одамда ўзи уйғонади, азалдан мавжуд бўлгану мудраб ётган. У уйғонгач, бировга «Гиря», бировга «Чўли ироқ», бировга «Муножот», бошқага «Чечаклар ракси» бўлиб эшитилади. Ҳар бир юрак — бу қадимий куйни ўзича кашф этади. Ҳар бир юрак уни ўз имконияти, қудратига қараб куйлайди. Агар тақдир Нусратбекни Гулхайрига йўлиқтирмаса, бу куйни куйламай, эшитмай, ҳаётдан карлигича кетармиди. Дунёга келиб, қўшиқ айтмай, бировни ўз овозидан баҳраманд қилмай, наволари ёруғ дунёни кўрмай, куй, қўшиғи туғилган ярагида кўмилиб кетган хушовоз кишилар озми?

16.

Бўри Пайғамов эрталабданок хотинининг авзойи бузуқлигини сизди. Дазмолланиб стул суянчиғига илиб қўйилган кўйлагини кийиб, бўйинбоғини тақаётганида хотинига разм солиб, кўнгли бир хил бўлиб кетди: хотини тошойна олдида кўзига ҳафсаласизлик билан сурма тортиб, сийраклашиб қолган сочига улама солди. Бироқ маъқул бўлмади шекилли, жаҳл билан орқасига ташлаб юборди.

— Ҳа, қаёққа?— Пайғамов унинг орқасидан келиб, ойнага қараб бўйинбоғини тўғрилади. Хотини, гапни эшитмагандай, жавоб бермади. Бу унга қаттиқ ботди:

— Уй-жойга қаранг бундоқ кўчада юравермай. Ҳаммаёқни чанг, ис босиб кетибди.

— Ҳа, мен кир ювишу чанг артишга яратилганман! — мўйчинакда терилган қошлари чимирилиб, лаблари пир-пир учди, мулойим аёл бир зумда қайсар, дағал хотинга айланди-қолди. Жаҳл одамни қандай тез хунуклаштириб юборади.

Пайғамов «Нимага яратилгансиз бўлмаса» деб баланд келмоқчи бўлди-ю, хотинининг вазоҳатидан ҳайиқди: Ҳозир бир сўз айтса, у юз-

хотир қилмасдан: «Бола туғиб, она бўлгани!» деб юбориши аниқ. У бу таъналарни ҳар куни хотинининг унсиз боқишларидан сезади, лекин ҳозирча оғзидан эшитганича йўқ. Бу таъналар тилга кўчса оила биноси қулайдигандек даҳшатга тушади. Тўғрироғи, у ўзини аёли олдида айбдор ҳисоблар, тили қисик. Иложи қанча, пуштсиз. Бундан ташқари, қайнанаси ҳам шу ерда. У кичик қизининг «юрагидан урган» одамнинг ким, қанақалигини куёви ёки катта қизидан суриштириб билгани келиб, ошхонада чой ичиб ўтирибди?

Пайғамов меҳмонхонага кириб кетиши билан кампир Малоҳатхоннинг олдида кирди. Катта қизининг бахти кемтиклигидан юраги хун бўлса-да, она «шундай бообрў оила»нинг дарз кетишини истамасди. Ким билади, қизи кейин бундай мартабали эрни топа оладими-йўқми.

— Бундай қош-қовоқ қилиб, ҳадеб эрингнинг жигига тегаверма. Дийдаси қотиб, уйдан безийди. Бир қинғир йўлга кирса, тилингдан асал бериб ҳам қайриб ололмайсан. Ҳар тўқиснинг бир кемтиги бўлади, болам. Сабр қил, худо оҳимизни эшитиб қолар. — Кампир деразадан меҳмонхона томонга қараб қўйди. —...Гулдай тоза, топар-тутари яхши, обрўйи баланд. Ичмаса, урмаса, сўкмаса. Сандан бошқани кўрмаган. Шунчасини берган худойим, бир тирноқни ҳам аямас.

— Майли, урсин эди. Бундоқ юргандан бузуқ йўлга...

— Бас! Тавба қилдим, де!

— Берса шу пайтгача берарди, — Малоҳатнинг лаблари титради. — Мени шу қафасга солган сиз асли! Бундан қаро ерга кирганим яхши эди.

— Ношукрчилик қилма. Қусурсиз оила йўқ, ман санга айтсам. Худованди карим ҳар бир хонадонга жаннат билан дўзахни жо қилган... — Куёвининг меҳмонхонадан чиққанини кўрган кампир ўрнидан турди.

Иш ва уйда ҳамиша жиддий, вазмин, салобатли юрадиган Пайғамов ҳозир хонага жуда мулоғим, меҳрибон ҳатто ялинувчан қиёфада кирди. Хотинининг кўнглини олишга интилиб:

— Ке, қўй, шу уй-жойни. Юр, далаларни айлантираман, кўнглинг ёзилади. Шаҳардан қайтишда тажриба участкасига ҳам кирамиз.

Хотинининг қовоқ-тумшуғи осилиб ўтирганини сездирмаслик учун шоферга жавоб бериб, рулга ўзи ўтирди. Шофер машинани шай қилмасдан келмаслигини билса-да, сўради:

— Мойи, ёнилғиси етарлими?

— Ҳа, — бугун уйда дам олиб, ўз юмушларини қилишидан суюнган шофер на хўжайиннинг, на Малоҳатхоннинг аҳволи руҳиясига разм солди. — Орқада запас балон ҳам бор.

Хотини, қаёққа борамиз, деб сўрамади. Пайғамов дарвозани кулфлаб келган шофернинг қўлидан калитни олди. Йўл-йўлакай қайнонасини уйда тушириб қолдирди-да, машина рулини Тўхтақора-чи этакларидаги Сабзашаҳар йўлига бурди.

* * *

Нусратбек директорнинг «газиги»ни кўриб, таажжубланмади. У тажриба майдонларига ҳафтада, агар вақти жуда зиқ бўлиб, пойтахт ёки бошқа жойга сафарга кетиб қолса, ойда бир келар, тажрибалар, янгиликлар билан қизиқар, ёрдам керак бўлса маблағни ҳам, вақтини ҳам аямасди: ўғит, ишчи кучи, техника, ҳатто сувигача.

Бошида сават шляпа, эгнига этаги шими устига туширилган калта, энгли оқ сурп кўйлак кийган Пайғамов машинадан тушди. Нусратбек унинг истиқболига чаққон юриб бориб кўришди. Машина ҳайдаб келганига қарамай куйлагининг ёқаси оппоқ, шимининг тиззаларида дазмол тахи ёзилмаган. Оёғидаги тумшуғи ингичка, боғичсиз қора туфлисига ҳам деярли чанг юқмаган, ялтираб турарди. «Меҳмондорчиликдан келаётганга ўхшайди», — кўнглидан ўтказди Нусратбек.

Пайғамов у билан қўл бериб кўришар экан, машина томонга ишора қилиб:

— Янганг билан келувдик, — деди-да, кетига ўгирилиб чақирди: — Малоҳат!

У бўлса эрининг чақирганини эшитмагандай машинанинг орқа эшигидан бошини чиқарганча Нусратбекка ўткир тикилиб тураверди. Хотинининг жавоб бермаганидан уялдими, Пайғамов қоп-қора, қаттиқ сочларини кафти билан босиб силади. Энгашиб, усиз ҳам гардсиз почаларини қоққанча ер остидан машина томонга боқди. Бичими Гулхайрига ўхшаб кетадиган, ёшлигида сулувгина бўлганлиги билиниб турган қора хонатлас кўйлакли «янга» бу ёқларга нима мақсадда келганини Нусратбек кўзлари тўқнашгандаёқ пайқаб, юзига қон тепди: «Куёв кўрарга... ёки бола-чақалик катта киши уялмайсизми қиз болани йўлдан ургани, деб таъзирини бергани келдимикан?!»

Малоҳат тикилиб-тикилиб қўйди-ю, ҳартугул индамади. Балки кейинча айтар, айтадиганини. У ҳовуз лабидаги супада қолди. Пайғамов Нусратбекни бошлаб тажриба участкаси томон кетди.

— Янгамнинг тоби йўқми дейман, нохушлар? — шунчаки гап учун сўради Нусратбек.

— Ҳа, бир оз... — Бўри ака хижолатомуз илжайди. Шунда унинг ичига қайрилган майда тишлари садафдай ялтиради. У пайкал четида гуллаб ётган бўйдор ўсимликларга ишора қилиб, гапни бошқа ўзанга бурди. — Гулхайри бор жойда ҳашаротлар рўзага ўтмайди. Барглари-нинг юмшоқ, хушхўрлигидан бўлса керак.

Пайғамов шундай деди-ю, Нусратбекка кўз қирини ташлади. Нусратбек ҳеч нарса сезмагандек ўзини бепарво тутди:

— Ҳа, болалигимизда боғларда ҳам ўсиб ётарди бу ўсимлик. Баргини, тугмадай уруғларини ҳашаротлар илма-тёшиқ қилиб юборди.

Тажриба майдонларини кўриб бўлгач, Пайғамов Нусратбекни ҳам олиб кетди. Узи рулда. Ёнида Нусратбек. Орқа ўриндикда хотини Малоҳатхон.

— Ана шунақа ишлар, Нусратбек! — Пайғамов бир нарсани эсладими ёки хаёлига бошқа нарса келдими, сержун миқти қўли билан рул гардишини урди, — катта умидлар билан эккан экинимиз ҳосилини майда, кўз илғамас ҳашаротлар ярим-ёртисини юлиб кетяпти!...

Нусратбек унга қаради. Пайғамовнинг кўзлари йўлда. «Қаерга, нимага олиб кетяпти мени?!» дея кўнглидан ўтказиб қўйди Нусратбек таажжубланиб.

17.

Иссиқда радиаторнинг суви қайнаб кетди. Бўри ака машинани дарёга етганда тўхтатди. Нусратбек оқ пластмасса челақни кўтариб сув олгани кетди. Ўзаннинг шамоли бор экан: Нусратбек чуқур нафас олди. Қашқақдарё музликдан эмас, Ҳисорнинг қорли чўққиларидан сув олади. Шу сабабли баҳорда қор эриб, жалалар ёққанда сел келади, тўлиб оқади, ёзда эса қуриб қолади.

Нусратбек дарёнинг юзига чиқиб қолган бўлтак-бўлтак қум оролчаларига, қирғоқдаги попукли бўйдор қамишларга тикилиб туриб, Холисанинг: «Товуқнинг оёғи ботмайдиган ўша дарёнгизни мунча мақтайсиз», деб кесатганини эслади. Мақтамай нима қилсин? Боладик хотиралари билан алоқадор бу дарёчани у серсув, тубсиз наҳрларга алишмайди.

Серпук қамиш ортидан кўтарилган ҳаққа «шақ-шақ»лаби, узун думини чўзганча нариги соҳилга учиб кетди. «Яқин-орада ини бор. Мени чалғитмоқчи». Нусратбек зағизғон томонга боқди. Мажмағил толлар ва чангал буталари қоплаган соҳил, қирғоқ бўйлаб таралиб ўсган қамишзорни кўздан кечирди. Уртадаги кечувда бир кўк от сув ичяпти. У ҳаққа кўтарган суронданми, қулоқларини дик қилганча бошини кўтарди. Нусратбекни кўрди. Тинчланди шекилли, яна бошини

сувга эгиб, сув ичмоқчи бўлди. Яқин-орадан кимнингдир қиқир-қиқир кулгани эшитилди. От яна бошини кўтарди. Қулоқлари диккайди. Лабларидан сув томчиларди. Кулги эшитилган томонга — қамишлар орасига тикилиб қолди. Унда авлод-аждодларидан ўтиб келаётган эҳтиёткорлик сезгиси уйғонган эди. Ўтмишда аждодлари сув ичгани келганларида қамишлар орасидан сассиз-шарпасиз отилиб чиққан йўлбарс-у қоплонга ем бўлган. Ҳозир бу ўзанда ундай йиртқичлар йўқ. Бу кўк от уларни умрида кўрмаган, лекин ўша азалий эҳтиёткорлик қонида сақланиб қолган. Нусратбек ҳам ўша қирғоққа қаради. Майин, иссиқ қумда бир йигит билан жувон тобланиб ётарди. Эркакнинг кўзида катта қора ойнак, сочлари кино артистларникидек елкасига тушган. Қалин чакка соқоли мўйловига туташ. Кўкраги жундор, бадани оппоқ. Аёл бошини унинг қорнига қўйиб ётибди. Кўкда чақалоқнинг кафтидаккина сийнабанд. Бели хипча. Оёқ, қўллари ингичка, узун, қизғиш. Пашша, чивин қўнган оёқ-сонларини ҳар замонда «шап-шап» уриб қўяди.

Нусратбек дарҳол улардан кўзини олиб қочди-да, сув олгани энкайди, болалигида тенгқурлари билан дарёга чўмилгани боришганини эслади. Чуқурроқ жойни топиб ёки қумни суриб — гум қилиб чўмилишарди. Қизлар эса кўздан пана жойларга бориб, қип-яланғоч бўлиб чўмилишарди. Болалардан биронтаси шўхлик қилиб, шўнғиб бориб қолса, уларнинг чирқирашиб қочганлари... Сўнг қопга терган ўтин-тезақларни кўтариб уйларига жўнашарди. Анави аёл бўлса... Нусратбек қумни у ёқ-бу ёққа суриб, чуқур қилиб, челақни ботираётганида онасининг гаплари эсига тушди: «Холисадай хотинни етти иқлимни қидириб...» Онасининг руҳини қақшатиб, бокира ва покиза хотинини оёқ ости қилаётганидан изза тортди. Аммо ўзини оқлаш учун шу заҳотиёқ баҳона топди: «Кейинги пайтларда ўзи жуда эринчоқ, одамнинг ғижини келтирадиган бўлиб кетди-да!» Бунга ҳам Нусратбекнинг ўзи айбдор эмасми? Қишлоқда тупша-тузук меҳнатқаш, саранжом-сариптали эди. Уй-рўзғор, мол-қол, бола-чақа — ҳаммаси Холисаннинг бўйнида эди. Ҳатто экин-тикинларга ҳам ўзи қарарди. Нусратбек уни томиридан узиб, ҳамма нарсаси тап-тайёр уйга элтиб тикди-қўйди. Қишлоқни қумсарди, охири янги шароитга мослашиб олди. Қарабсизки, жонининг ҳузурини ўйлайдиган бўлиб қолди...

Узоқда бўлгани ва кўпдан буён кўрмаганигами ёки анави жувонга таққослагани учунми, Нусратбек хотинини ҳозир орзиқиш ва меҳр билан эслади. Челақни тўлдириб, қаддини ростлади. Қум, сувдан йўсин, иод хиди келарди.

Осмондан вариллаб «деҳқон самолёт»учиб ўтди. Малоҳат янга оғзини рўмолчаси билан бекитганча машинанинг очиқ деразасидан кузатиб турган экан, Нусратбекка аразли боқди:

— Энди қидирмоқчи бўлиб турувдик!

— Яна ўргимчаккана пайдо бўлибди,— деди Пайғамов, кўкка бир қараб қўйиб.

18.

«Деҳқон самолёт»ни кўрганими, Нусратбекнинг кўнгли ғаш тортди. У радиаторга сув тўлдириб, қалпогини буради. Челақни юкхонага ташлаб, Бўри аканинг ёнидаги ўриндиққа ўтирди. Дарёдан узоқлашган сари таппот кучаяётгандай эди: юзни куйдирай дейди. Орқа ўриндиқдаги Малоҳатнинг қизарган кўзлари юмилай дейди. У гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга қалқийди, машинада бегона эркак бўлгани учун тортинади. Бўлмаса аллақачон тош қотиб ухларди. Йўл ёқалаб узоқ-узоқларга одимлаб кетган симёғочлар кишини аллалагандай бир маромда ғувиллайди. Пайғамов ҳам терлаган, ҳорғин кўринди. Дарёдан сув олиб чиққанида оёғининг чигили ёзилган, янги таассуротлар билан келган Нусратбек тетикроқ, у машина у устида айланиб, «тарқ-тарқ-тарқ» томоқ қоқиб келаётган сувтарғоқни кузатади. Қушнинг кўнғир тўшлари офтобда мисдай қизғиш товланади. «Қизик, нега

бу қуш одамни кузатиб юради-а? Зерикса керак. Еки одам ўтган йўлда бирон озуқа тушиб қолишдан умидвор бўлармикан?»

Пайғамовнинг терлаган билаклари рул чамбарагига ёпишиб қолгандай. У ўнг қўлини чамбаракдан олиб, Нусратбекнинг тиззасига секин шапатилади:

— Рулда ухлаб қолмайлик, — у приёмникка ишора қилди, — «Машъал»ни олинг-чи, нима бор экан?

Нусратбек приёмник тугмаларини босиб-босиб кўрди. Ғириллашлар, ҳуштак шовқини орасидан Рашид Бейбутовнинг ёқимли овози балқиб чиқди: «Баки, маним Баким...» Малоҳат сесканиб, кўзларини очди. Атлас кўйлаги этагини тортиб, тиззаларини ёпиб ўтирди. Тепадаги кўзгудан уни кузатиб кетаётган Бўри ака томоқ қириб, йўталиб қўйди.

Нусратбек йўлдан бир узоқлашиб, кейин яна йўл ёқасига «югуриб» чиқиб, йўғон, қумли «тирсаги»ни йўлга тираб бурилиб кетаётган дарёдан кўз узмай кетаётгиди. Сув бети қуёш нурида ойна синиқларидай ялтиллаб, кўзни қамаштиради. Баланд қирғоқда гиштин қалъа кўринди. Хўжа бет Жахро' зиёратгоҳи харобалари. Болалигида кўкйўтал бўлганда онаси эшакка миндириб олиб келган. Унда мақбара атрофи обод чорбоғ эди. Пахса деворлари қулаб, қабр сўппайиб қолибди. Дарахтлар ҳам сийраклашибди: тепасидан қурилган икки туп қари тут қолибди. Мақбара гумбазида катта саватдай ин. Учишни машқ қилаётган иккита лайлак боласи бўйнини чўзиб, узун қанотларини ёзиб, рақсга тушаётгандай ҳавога кўтарилишади. Тумшукларини тақиллатиб, вертолётдай яна инга қўнишади. Қирғоқда эса она лайлак. Бир оёғида турганча, кичик бошини елкасига тортган.

Насаф райони чегарасига етганларида йўл четигадаги чой яшик фанерларидан ясалган хужрадан патак соқоли кир, шу иссиқда бошига эски қулоқчин, эгнига брезент ёмғирпўш кийган жиккаккина чол чиқиб, бир учига арқон боғланган ёғоч-кўтарма ғовни тушириб, йўлни тўсди. Шу заҳоти машина ичини қандайдир бадбўй ҳид босди. Малоҳат оғиз-бурнини рўмолчаси билан бекитди. Пайғамов ҳеч нима бўлмагандек машина деразасидан бошини чиқариб, кулумсираганча чолга салом берди:

— Отахон, қўйинг, ўтиб кетайлик.

Чол бир қўли билан арқонни ушлаб, иккинчи қўлини пешонасига соябон қилиб, кичик кўзларини Бўри акага тикди.

— Доқумит! — Соқол-муйллов босган лаблари очилиб, иккита сариқ сўйлоқ тиши кўринди.

— Қанақа документ?! — ҳайрон бўлган Бўри аканинг кулгиси кистади.

— Боқиюп дуқумитсиз бир пишайниям ўтқони қўймо дегон! — Чол мангу олов олдида турган соқчидай жиддий, мағрур эди. — Доқумит!

— Боқиев ким у?

— Билмайсиз-а!? — Чол таажжубланганидан ўсиқ қошлари кўтарилди. — Билмайсиз-мо?! — мени лақиллатолмайсиз, дегандай муғам-бирона кулди. Яна жиддийлашди. — Даватти одами, вилоятта битта Боқиюп! Билмайсиз-а!!!

— Хўш, нима қил дейсиз бўлмаса? — сўради Пайғамов тоқатсизланиб.

— Мошиндан тушиб, анов қипиққа оёғизларди артинглар!

Нусратбек машинадан биринчи бўлиб тушди. Кўпчиб турган нам, қандайдир кислота сасиётган қипиққа брезент этигини ишқалаб суртди: «Қани энди ҳамма ўз вазифасини шу чолдай ҳалол бажарса!» Чолга нисбатан юрагида ҳурмат ҳисси уйғонди. Малоҳат ҳам бир оёғини зинадан узмай иккинчи оёғини қипиққа тегизиб олди. Қўйлаги белида сурилиб, тиззалари очилди. «Гулхайрининг аксига опасининг оёғи косовдай ингичка экан».

Пайғамов машинани ҳайдамоқчи бўлганида чол ёмғирпўшининг

чуқур киссасидан ҳуштак чиқариб, чуриллатди. Қоши устига тушиб турган қулоқчинни кўтариб қўйиб, ғов-ёғоч арқонидан маҳкам ушланганча, машина копоти устига ўмганини босиб ётиб олди. Пайғамов моторни ўчиргач, чол ён томонга ўтиб, машина ичига синчков кўз югуртирди.

— Яхшилаб қаранг! — Пайғамовнинг кўз милклари қизариб, рул гардишидаги бармоқлари асабий титради. — Чанг билан чивинларингизни олиб кетяпмиз.

Пайғамовнинг киноясига чол парво ҳам қилмади. Қовоғини уйиб, киссасидан ғижим, кир дафтар, учи чала чиқарилган калта қалам олиб, машина номерига қаради:

— Сиз тушмадиз, Боқиюпга айтаман. Иштироп солади!

Пайғамов «оббо, отахон-эй» деганича туфлиларининг таг чармини кишиққа тегизиб олди.

Ғов-ёғоч кўтарилди. Машина йўлга чиққач, Бўри ака бир қўлини рулдан олиб, пашша қўнса сирғанадиган даражада кўкартириб қирилган чорси иягини қашиди:

— Баттол экан-ку чол! Шуюм нима хоҳласа қилиб, ҳукмини ўтказди-я! Бунақалар мансабдор, амалдор бўлиб қолсами, — Пайғамов бошини сарак-сарак қилди, — қонингга ташна қилиб юборади!

— Вазифаси шундай, — Нусратбек чолнинг тарафини олди.

— Вазифаси бўлмай кетсин! — Пайғамов Нусратбекка содда экансиз, дегандай нописандлик билан қаради. Шу пайт Малоҳат лабининг икки четини бармоқлари билан сириб, гапга аралашди:

— Яхши эмас билмай туриб бировни ёмонлаш!

— Йўлтўсар, қароқчи бу паҳмоқ соқол шайтон! — яккаланиб қолган Пайғамовнинг жаҳли чиқиб, машинани йўл четида тўхтатди. — Юринглар, — машинани орқасига тислантирди. — Томоқни ҳўллаб оламиз, ҳам чайласини кўрамиз.

Машинадан тушишди. Олдинда Пайғамов билан Нусратбек ёнма-ён, орқароқдан Малоҳат юрди.

Чол чайла эшигини тўсиб, уларга шилпиқ кўзлари билан хавотирли қаради. Елкасидаги милтиқни қайишидан ушлаб, силкитиб қўйди.

— Отахон, — Пайғамов унга ҳеч нарса сезмагандек илиқ муомала қилди. — Томоқлар қақраб, тилимиз танглайда қотиб қолди. Яхна чойингиз бордир?

Чолнинг кўзларидаги хавотир йўқолди:

— Журинглар, — четга ўтиб, уларга йўл берди.

Чайлада оёқ босадиган жой йўқ: қовун-турвуз, қутиларда бодринг, помидор, сават-сават узум. Булар ҳар хил боғ, даланинг ноз-неъматлари эканлиги навларидан, рангидан билиниб турарди. Чол буларни деҳқонлардан хиралик қилиб, «мевангни пители бор», деб олиб қолган, тунда ёки эрталаб бирон машинани тутиб, ўзи ёки ўғиллари бозорга олиб боради.

— Яхши мевалар, юракди муздай қилади.

— Қанчадан?

— Берғонларинг, савдо қип ўтирмайман.

«Деҳқончилик» демади. Нусратбек ҳам бунинг деҳқончилик эмаслигини дарҳол сезди. Пайғамов яхна чойни хотинига берди. Кейин ўзи ичиб, узумга қаради-ю, олмади. Узумни яхши кўрса ҳам олмади. Чанқоқлари босилгач, ташқарига чиқишди. Чайла олдидаги пўстлоғи чала сидирилган симёғоч ғувиллаб турарди. Нусратбекнинг ҳам боши, қулоқлари ғувиллаётгандай туюлди.

— Отахон, милтиқни ким берган? — Пайғамов иягини қашиш баҳонасида лабидаги кулгини яширди. Чол елкасидаги милтиқни виқор билан қайишидан тортди:

— Боқиюп! Битгаям' ер пители бу ёққа ўрмолаб ўтпасин дегон.

— «Ер пители»ни милтиқ билан қўриқларкансиз-да?

— Жўқ, этик, ковушига ёпиштириб ўтагонларни қўриқлайман! Чайла орқасида чипта девор билан ўралган пайкалча. Унда оқжўхори, кунгабоқар одам бўйи ўсиб, гуллаган. Нусратбек, бу экинларни қаердан суғораркан, деб атрофга қаради. Арик, қувур кўринмади. Чол ҳам Нусратбекка разм солиб турган экан:

— Шуйтиб, шўтти овод қип етипиз! «Водовоз» келтиргон сувди бир пягини олиб, қолғонини экинга ағдартаман.

«Мол-ҳоли ҳам кўпроқ экан-да» деб ўйлади Нусратбек. Машинага ўтириб йўлга тушишгач, Пайғамов хотини ва Нусратбекка тегизиб сўради:

— Кўрдизми, «вазифасини бажараётган» чолни?

— Чатоқ экан, — Нусратбек пастки лабини тишлаб, бошини тебратди.

— Чатоқ эмас, даҳшат, — деди Пайғамов йўлдан кўз узмай жиддий. — Ҳозир эҳтиёт бўлинмаса экинларнинг ёви бир кунда ер шарининг ҳамма қитъаларига тарқалиши мумкин. Илгари хашарот, қурт-қумурсқа ўз оёғи, қаноти билан юрган. Бир даладан иккинчи дала, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтгунча, ўн, юз, минг йиллар керак бўлган. Ҳозир кемалар, самолётлар тоғ-тош, уммонлар оша, ҳатто бошқа сайёраларга ҳам уларнинг уруғини бир кунда илаштириб бориши мумкин. Ҳар бир олим ёки деҳқон шўрлик фаранги Леопольд Трувелонинг ҳолига тушиб қолиши осон. Эшитганмисиз, олимнинг фожиасини?

— Йўқ, — деди Нусратбек Пайғамовнинг иштиёқини сусайтирмаслик учун.

Пайғамов хотинига ҳам эшиттириброқ ҳикоя қилабошлади:

— Трувело тут баргидан бошқа япроқларни ҳам танламай ейдиган ипак қурти зотини яратмоқчи бўлган. Пилла қуртига ўрмон баргхўрини чатиштириб, дурагай қурт урчитиш учун Европадан Массачусетсга «ўрмон қароқчиси»нинг уруғини олиб борган. Тунда олим ётган меҳмонхона ҳужрасининг деразаси шамолдан очилиб, урчиётган уруғларнинг бир қисми ташқарига совурилади. Эрталаб профессор оёғи куйган товукдай югуриб «арзанда»ларини қидиради. Тополмайди.

Кейин нима бўлди, денг? «Арзандалари» топилганда ҳам триллион марта кўпайиб топилган. Медфорд шаҳри ва унинг атрофидаги жамийки дов-дарахтларни қип-яланғоч қилган дурагай қуртлар шаҳар кўчалари, томларида ўрмалаб юрган барг қидириб! У қисқа муддат ичида ўн минг квадрат километрдаги дарахтларни қуритган. АҚШ конгресси бу «қароқчи»ларга қарши курашиш учун махсус қонун чиқарган. Шўрлик Трувелонинг яхши нияти, олижаноб мақсади бўйнига тавқ-лаънат бўлиб тушиб, фан оламида абадул-абад бадном бўлиб қолган.

Карантин нозик, қалтис, ўта масъулиятли иш. Шундай иш баъзан ана шундай баттол, фирт оми одамлар ихтиёрига топшириб қўйилади. «Ер пити!» — Пайғамов заҳарханда қилди. — Яна милтиқ ушлаб турганига қаранг.

Нусратбек ҳам, Малоҳат ҳам жим бўлиб қолишди. Бўри ака ҳаётни, одамларни яхши, пухта билиши, мулоҳазалари билан уларни мулзам қилиб қўйган эди.

Лекин... экинларни кўз ўнгингда ҳашарот қириб кетаётганини кўриб, қўл қовуштириб ўтириб ҳам бўлмайди! Ботаётган одам хас-чўп бўлса ҳам ёпишади.

— Экинзорларимизда махфий жанг кетяпти. Йўқ, чинакам уруш. «Правда» газетасида ўқиган эдим: 1973 йилда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашга мамлакатимиз ўн икки миллиард сўм сарфлади. Улуғ Ватан урушида ҳам ҳар йили ҳарбий мақсадларга ўн икки ярим миллиард сўм сарфланган экан.

— Ҳа, — деди Нусратбек миясидаги фикрларни бир нуқтага тўплотмай, — экиннинг ҳимоячиси бўлиши ўрнига, зараркунандаси бўлиб қолдик.

— Танқид қилишга ҳаммамиз ҳам уста. Кимёнинг юзига қоракуя чаплаш ҳам инсофдан эмас. ДДТ ихтирочиси Мюллерга вақтида Нобель мукофоти берилган. Энди «яшил инқилоб» тарафдорлари бу буюк ихтирони инсониятнинг аламли хатоси деб баҳолашяпти. Сирасини айтганда ўзбек пахтаси ҳам шу кимё «соябони» остида жон сақлаб келди; ҳосилдорлиги уч баробар ошди!

— Қўшниларимиз Амунинг нариги бетида дори-заҳарсиз пахта етиштиришяпти-ку?!

Улар баҳсга берилиб кетиб, йўлни ҳам унутдилар. Пайғамов рул гардишини шартли кўникма асосида беихтиёр бошқариб борар, Нусратбек ён-атрофга боқмас, чўлнинг қуруқ, оч-кўк осмонида вижирлашаётган тўрғайларни ҳам эшитмас, қизиқиб кетган эди. Малоҳат ҳам сергак ўтирар, икки қулоғи мунозарада эди. Пайғамов Нусратбекка қараб, кулиб қўйди:

— Иложи йўқ уларнинг. Ҳосилини қаранг: гектаридан уч-тўрт қоп увада пахта олади. Кўрпасига қараб оёқ узатади-да. Агар самолётлари, тракторлари, пулкагичлари бўлса сепеди-я, жа сепарди!

— «Кимё шамшири» табиатнинг мувозанатини бузиб, тарозининг бир палласини босиб кетганини ҳеч ким инкор этолмайди. Бунга ихтисослаштириш ҳам сабаб бўлди. Жуда катта майдонларда бир хил экин...

— Ҳар даврнинг ўз талаби, ўз ҳукми бўлади, — Пайғамов унинг сўзини бўлди. Рулга энгашиб ўтирганидан бўйни, елкалари чарчади шекилли, орқасини суянчиққа тираб, чап қўли тирсагини машина дарчасидан чиқарди. — Шу усулни амалиётда биринчи бўлиб қўллаган кишини биласизми қанча вақт кандидат бўлган? Тўққиз минут! Кандидатлик диссертациясини ёқламоқчи бўлиб, реферати билан олимларни таништираётганда, илмий ишининг азбаройи фойдаси катталигини ҳисобга олган илмий кенгаш ўнинчи минутда унга докторлик даражасини бериб юборган. Ушанда уни олқишлаб, қарсак чалганларнинг кўпчилиги энди унга қарата муштани тугиб юрибди! Шунақа ишлар...

— Бизнинг пахтамыз ҳам ковулдай чидамли, мустаҳкам бўлиши керак. Ковул қуриб кетмаслик учун тошларни тешиб чиқаркан. Янги нав яратаётганда шу томонларни ҳисобга олиб, яхши қилишяпти.

Мудраб ўтирган Малоҳат «Ковул» деган сўз қулоғига кириб сергак тортиди. Унинг қараталоғи касал, дўхтирларга қатнай-қатнай даво топмагач, охири табибга борган, у ковул илдизи қобигидан тайёрлаб берган дори дардига малҳам бўлган эди:

— ... Шундай ўсимликки, даво бўлгандан кейин табиатда кераксиз экин, фойдасиз ҳашарот йўқ экан, деб қўйдим, — гапга аралашди Малоҳат. — Силарни илмий ишларинг ҳам бориб-бориб қош қўяман деб кўз чиқариш бўлиб қолмас, деб хавотирланаман.

— Айтиш осон, қилиш қийин! — Пайғамов қизишди. — Уҳ-ҳс, қон бўлиб кетасан гоҳо, мани ўн йилим кетди кимёвий усулга. Экинлар ёниб, далаларнинг тутуни чиқиб кетаётганини кўрганингдан кейин жим ўтириб бўладими? Биттагина карам бити бир йилда қўйиб берилса, миллиард-миллиард кўпаяди. Шундай бўлгандан кейин устидан заҳар жаласини сочмай иложинг қанча?

— Трихограмма асаларидай қўлга «ўргатилиб», далаларга тарқатиляпти-ку? У бир-икки соатда икки юзга яқин зарарли ҳашаротнинг уруғини қуритяпти.

— Барг, шохларда юрган ҳашаротларга қарши «лашкарча»ларни юбориб, қирдирасиз. Ер ости, илдиздаги, пўстлоқ ораларидагини нима қиласиз?

Мева-чевасини ювмасдан ейдиган, ариқлардан ҳайиқмасдан ҳовучлаб сув ичадиган воҳа водий, далаларни орзу қилиб, шунинг учун бутун билими, кучини сарфлашга аҳд қилиб юрган Нусратбекнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Филлоксера ток илдизларидан илдизга ўтиб, мамлакатлардан

мамлакатларга ёйилиб боряпти-ку? — деди Пайғамов ўзининг фикрларини асослаб. — Унинг урғочиси чатишмасдан ҳам ўзидан-ўзи кўпаяверади. Ичига сўргани — уруғ бўлади, чиқиндиси йўқ. Илига йигирма километр силжийди.

— Ҳашарот брoқи, унинг кушандаси ҳам топилади, — деди Нусратбек ишончсизроқ қилиб.

— Топилгунча заҳар ишлатмасак тоқзорларимиз қуриб битади. Унинг бирдан-бир йўли — олов! Магазиндан тайёр сариқмой, сут, қатик, гўшт, мева-чева олиб, пахта ёғига шубҳа билан қарайдиган бойваччалар буларни билмайди, билишни истамайди, лекин тиллари бир қарич: «Ана, олимлар, агрономлар далаларни, экинларни дорилаб, қушлар, асалари, фойдали ҳашаротларни қириб ташлашди!» деб жар солишади. Ўйламайдики, ўша дастурхондаги ноз-неъматлар баттол ҳашаротларнинг оғзидан «кимё шамшири» билан юлиб олиб қолинган! Майли, одамлар нима деса деяверсин, умарнинг оғзига этак тутиб бўлмайди. Биз, илм кишилари, ўз ишимизни қилаверишимиз керак. Лекин мен сизга айтсам, карантинимиз жуда бўш ҳали: «Ер пити»ни кўрдингиз-ку! — Пайғамовнинг қоровул чолга ёпишиб олгани Нусратбекка унча ёқмади: «Айб ундамикан?»

19.

Машина шаҳарга яқинлашганда Бўри ака тезликни пасайтирди. Йўл четлари, ариқ ёқаларига дори сепилган. Куйиб сарғайган гиёҳлардан қўланса ҳид келади. Малоҳат оғиз-бурниси рўмолча билан бекитиб олди. Нусратбекнинг ҳам кўнгли беҳузур бўлди: «Карантинчиларга баҳона керак. Бир туп зарпечакни кўришса бас, акт тузиб, жаҳонни заҳар-заққумга ботириб юборишади. Аммо ораларида чирмовиқдан зарпечакни фарқ қилолмайдиганлари ҳам бор!» Машина салқин, сокин кўчалардан бирига бурилиб, қатта дарвоза олдидаги кўприкда тўхтади. Нусратбек, Бўри аканики шу ер экан-да, деб турган эди, уйнинг кўчага қараган уч деразасидан бирининг пардаси қайрилиб, кейин ёпилди. Орадан бир пиёла чой ичгулик вақт ўтас-ўтмас қатта дарвоза ланг очилди. Бўри ака машинани асфальт ётқизилган дарвозахонага ҳайдаб кирди. Йўлакда бензин, машина мойи излари бор эди. Тушишди. Малоҳат хонатлас кўйлагининг ёқасидан тортиб тўғрилади-да, ичкари кириб кетди.

Бўри ака машинани қўйиб, дарвозани ёпгунча Нусратбек у ёқ-бу ёққа кўз югуртиришга улгурди: ҳовли уч пахса девор билан ўраб, сомонсувоқ қилинган. Девор ёқалаб кетган гиштин йўлка тўрдаги айвонга бориб туташади. Айвонга ҳаммом, тандир, омбор ҳужралари туташ. Ҳовли каттагина — олмадан тортиб аноргача ўсиб ётибди. Буталмаганидан шохлари бир-бирига чирмашиб, деворлар устига чиқиб кетган. Йўқ, Бўри аканинг ҳовлиси бўлса бундай қаровсиз қолмасди. Лекин идора, ишни яшнатиб, ўз рўзғорига қарашга қўли тегмайдиган бошлиқлар ҳам учраб туради-ку. Нусратбек тўрдаги айвон четига ўрнатилган қўлювгичда қўлини чайётганида биров ўзига тикилиб турганини сезиб, ёзлик ошхона томонга бурилиб қаради. Майда кўк гулли чит кўйлакнинг кенг этагига кўзи тушиб, юраги алланечук бўлиб кетди.

Пайғамов машинанинг юкхонасидан мевали қутиларни олаётиб:

— Чорбоғ қалай? — деб қолди. — Жаннатдай-а? Фақат бирорта уддабурро эркак қўли керак.

Нусратбек бу уй-жой кимникилигини бошлиғининг шамасини эшитган заҳоти тушунди: «Ўзини кўргансан, маконини ҳам кўриб қўй», дебди-да. Демак, буларнинг ҳаммасининг тили бир. Гулхайри билан Нусратбекнинг муносабатларидан хабардор. Малоҳат янгани кўрган заҳоти кўнглига келган тахмини тўғри чиқди. «Ўзи айтганми-кан ёки сезиб қолишганми? Онам ҳам тушимда огоҳландирувди-я: «Қариндош-уруғлари оғзингни пойлаб юргандиров!» — деб. Демак, бу

жой Гулхайриники: онаси билан бирга турса керак. Нусратбек Пайғамовнинг орқасидан меҳмонхонага кирди. Изларидан орик, кичкинагина, сийрак, пахтадай оппоқ сочларининг учи рўмоли остидан чиқиб турган кампир чой олиб келди.

Нон, қанд-қурс, мураббо, мевалар билан батартиб безатилган хонтахта атрофида ўтирдилар.

Кампир пичирлаб фотиҳа ўқиди, хуш келибсизлар, деб чойнакни куёвининг олдига суриб қўйди. Сертомир, орик қўллари билан нон ушатиб, Нусратбекка ўткир, бетакаллуф тикилди: кампир куёвининг унча-мунча одамни кўрпачага, яна тўрға таклиф этмаслигини яхши билар, шу сабабли унинг иззат-ҳурматиға сазовор бўлган бу йигитга қизиқиши ошган эди. Нусратбек уй дарпардасини кўтариб қараган ҳам, ошхонадан тикилган ҳам шу кампир — Гулхайрининг онаси эканини сездди.

Кампир кўпни кўрган, кўзингга қараб ичингдагини, кимлигини билиб оладиганлар хилидан эди. Нусратбекдан кўнгли тўлди шекилли, сийрак қошлари ёйилиб, кўзлари илиқлашди.

Бир пиёладан чой ичишгач, она-бола ошхонага чиқиб кетишди. Пайғамов лўлаболишга ёнбошлаб, Нусратбекка ҳам ёстиқлардан суриб қўйди. Аммо бегона уйда ёнбошлаб ётишга истиҳола қилиб, ёстиққа қўлини тираб ўтирганча уй ичига разм солди. Меҳмонхонанинг кўчага қараган икки катта деразасига қўша-қўша парда тутилган. Парда орасидан тушган ёруғлик пол ва деворлардаги гиламларни товлантириб турибди. Бурчакдаги идиш-товоқ, пахтагулли чинилар, кумуш қадахлар, мис чойнак териб қўйилган жавони чанг босган. Ҳаворанг шифт, катта қандил парда орасидан тушган озгина ёруғда ҳам яшнаб турибди.

— Баҳорда янги экспедиция тузиб, даштга чиқсакми деб турибман, — деди Пайғамов, чой хўплаб туриб. — Маблаг бор. Бизнинг оёғимиз остида турган ҳашаротларни марказий институтлар, академияларнинг экспедициялари келиб, топиб кетишяпти.

Нусратбек шошилмай жавоб берди:

— Тупроқ исиши билан, дов-дарахтлар уйғонмасдан бошлаш керак бу ишни. Ҳашаротларни уйқусида босиш маъқул. Мен бу соҳада бир оз кузатувлар ўтказган эдим.

Пайғамов қандай кузатувлар эканлигини суриштиришга улгурмади. Хонага овқат олиб киришди. Қайнатма шўрва, лаганга дони алоҳида сузилган. Нусратбек, ҳаво иссиқ, дейишига қарамай, Пайғамов армян коньягини очди:

— Қиттай-қиттай олайлик иримиға. Рул эзиб юборди жуда. «Жигули»нинг люксидан бошқа ҳамма машина ҳайдовчини ҳоритади.

Пайғамов чиндан ҳам чарчаган, айниқса ичганидан оғир-оғир нафас олиб, жиққа терга ботди.

Кампир куёвини ҳамиша шундай қуюқ кутар эканми, кетидан димланган жўжа, ош келди.

Идиш-товоқ, шиша, қадахлар олингач, кампир дастурхонни янгилаб, ширинликлар, чиройли кесилган анор, нашвати, қовун келтириб қўйди. Яна тўртовлон жим ўтириб, пиёланинг тагини кўраётгандек секин, оз-оз хўплаб бамайлихотир чой ичишди. Гирдига зарҳал югуртирилган пиёлалар ўзи кичик, Пайғамов унга ҳам беш тийинлик танга ботар-ботмас қилиб чой қуяди. Овқат кучли, ҳаво иссиқ бўлгани учунми, меъёрига етказиб дамланган хушбўй кўкчой Нусратбекка малҳамдек ёқди: «Одамни жуда илҳақ қилиб сузаркан чойни». Нусратбек Пайғамовнинг майдалаб чой қуйиши, кампирнинг қадалган кўзларидан ўзини ноқулай ҳис этди. Деворлардаги ва полдаги қимматбаҳо қалин гиламлар чой хўплаганда чиқадиган товушларни ҳам ютиб юборар, аммо бу жимлик гўё елқадан босиб, мияни толиқтирар экан.

— Олинглар, еб ўтиринглар, куёв, — деди кампир пиёласидаги чойга нон ботираётди. Унинг товуши хирилдоқ, йўғон, нуроний мулойим чехрасига, кичик жуссасига монанд келмас экан. Шу сабабли

буришган лаблари очилганини кўрмаган кишида кампир эмас, бошқа биров гапиргандек таассурот қолади. — Кўзларим ҳам хиралашган, — у кенг ени билан кўз милкларини артди. — Овқатга туззи ҳам тусмоллаб соламан. Шўр ёки камтуз бўлган бўлса гина қилмайсизлар энди, — кампир дастурхонга ёпишиб қолган майда нонушоқ, тикишдан чиқиб қолган ипни қотма бармоқлари билан чимчилаб олди.

— Ҳа! — деди Пайғамов кампирни хурсанд қилиш учунми ёки чиндан ҳам ҳайрон бўлибми, кулгига олиб, — гуруччи орасидаги курмакни, гиламга тушган соч толасини кўрасиз, яна хиралашганмиш кўзиз?!

— Чин, — деди кампир ҳамон дастурхонни бармоқлари билан силаб, — мана шундай қавиқдан чиқиб қолган ипни кўраман-а, дарвозадан кириб келган одамни фарқ қилмай қоламан — соядай хира кўринади! Пайғамов мийғида кулиб, кампирга зимдан қаради: қайнонаси ўзига мурожаат қилса ерга қарамай, доим тик боқиб, очиқ, енгилгина айтарди «куёв» сўзини. Ҳали пиёлага нон ботираётиб, тортиниброқ айтди. Пайғамов Нусратбекка разм солди. У қизармади, оқармади ҳам. Бу сўзлар, бу меҳмондорчиликнинг ўзига сира даҳли йўқдай бемалол ўтираверди. На кампир, на куёви Нусратбекнинг мақсадини билолди. Унинг ўзи ҳам ҳали бирон қатъий қарорга келмаган эди. Пайғамов бунақа мужмал одамларни ёқтирмас, шу сабабли юрагида тўпланаётган ғазабни билдириб қўймаслик учун Нусратбекка бошқа қарамади: «Ё ғирт содда, ё анойи, — деб ўйлади Пайғамов ичида ғижиниб, — ёки аёлларни кўравериб, эти ўлиб қолган писмиқ. Энди кампирга айтиш керак, Гулхайри билан очиқ гаплашсин!»

20.

Нусратбек тонгда уйғонди. Сукунат уйғотди уни. Шамол ҳам ҳали уйқуда, далалар, боғлар ҳам. Бадан тарбия ўрнига уй ёнидаги бир парча ерни ағдариб, текислаб қўйди. Гўнг солади. Қишда кўпчиб ётса, баҳорга чиқиб бирон нарса экар. Терлаб, суяклари ёқимли қақшади. Комендантнинг қизчаси олиб чиққан ярим коса қаймоққа нон тўғраб еди. Косани ювмоқчи бўлаётганда, қизча келиб, «ўзим юваман» деб олиб кетди. Унинг кўнғироқдай товуши, меҳрибонлигидан Нусратбекнинг кўнгли илиди. У ишга отланаётганида, бир ўсмир от чоптириб ўтди. Ўғлини эслади. Бир куни нонушта қилиб ўтирганларида ўғли билан қизи ўртасида бўлиб ўтган гап ногоҳ хаёлига келди:

— Уқишни битирай, — деди ўғли опасига қараб, — шаҳарда бир кун ҳам турмайман. Нима бу, битта от ёки ит боқиб бўлмаса! Чўлга кетаман.

— Қишлоқда ҳам от боқадиган жой қолмагандир, — деди опаси.

— Бўлмаса, дадам билан чўлга кетамиз! Ер кўп, чорбоғ қиламиз. Отимиз, қўйларимиз бўлади!

Укаси чўлга бориб, гўё аллақачон катта боғ қилгандай опаси севиниб кетди.

— Бизлар меҳмонга борамиз! — деди опаси севиниб.

Нусратбек болаларини соғинган эди. Кўргиси, товушларини эшитгиси келди. Бугун, албатта, кўнғироқ қилишни кўнглига тугиб ишга жўнади.

Пешин пайт алоқа бўлимига боришга чоғланаётганида, Пайғамов обкомдаги йиғилишдан қайтиб келиб, ходимларни кабинетига чақиртириб қолди:

— Аҳвол чаток, ўртоқлар, метеорологларнинг айтишича, бу йил совуқ эрта тушар экан. Пахтамининг ҳали кўпи далада. Мева-чева, маккажўхори, озуқа экинлари ҳам. Шу сабабли студентлар ва юқори синф ўқувчилари яна йигирма кунга пахта теримида қолдирилар экан. Шошилич чоралар кўриляпти. Масъул ходимлар район ва хўжаликларга сафарбар этилди. Мен ҳам кетяпман. Бу ерда қолади-

ганларнинг ҳар бири икки кишининг юкини кўтариб туриши керак. Уй-жой, бола-чақани, хотинларимизни бирор ой кўрмасак кўрмасмиз, лекин область партия ташкилотининг бу топшириғини бажаришимиз шарт!

Пайғамов бўлим ва лаборатория бошлиқларини номма-ном айтиб, улар ўз ишларини бўшаштирмаган ҳолда ходимларни шанба, якшанба кунлари пахта теримига олиб чиқишлари кераклигини тайинлади.

Бўри ака шундай жиддий, ишонч билан гапирдики, у ўзи биркитилган районга оёқ босиши билан ҳамма ишлар юришиб, планлар ошиб-тошиб, далалар топ-тоза бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Мажлисни бошқаришни Нусратбекка топшириб, «қисқа, лўнда, ўз бўлимнингиздан гапиринг. Сиз кўрган қуёш, булутларни бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси кўриб юрибди», — деб тайинлади. Мени уялтирмайсизлар деган умидни билдириб, ҳаммаларига жавоб берди.

Қисқа ва лўнда. Бўри аканинг мажлисни бошқариши Нусратбекка ёқди. Ходимлар чиқиб кетишадиганларида Пайғамов Нусратбекни имлади:

— Сиз икки минутга қолинг.

Эшик бекилиб, оёқ товушлари узоқлашганда у:

— Мен гоҳо қаттиқроқ гапириб қўйсам кўнглингизга олмайсиз, Нусратжон, — деб биллагига аста шапатилади. — Ҳозир, ўзиз биласиз, одамларни ишлатиш қийин. Кўнгилчан бўлсангиз — латта дейишади, гапингизга қулоқ солмай қўйишади. Талабчан бўлсанг — золимга чиқариб қўйишади. Тилинг тиш орасида бўлса кўнглинг тўқ, лекин иш оқсайди. Қўшчининг таёғидан, келиннинг оёғидан, дегандай, раҳбарнинг тили-дан.

Пайғамов бу гапларни расмиятчига чиқариб қўймасликлари учун айтганини Нусратбек сездди.

— Бошлиқ бўлганингиздан кейин гапириш эмас, танбеҳ беришга ҳам ҳаддингиз сигади, — деди Нусратбек нима гап бўлса очиқ айтаверинг деган маънода. — Иш бор жойда гап ҳам бўлади-да.

— Баракалло, — Пайғамов иккинчи бор Нусратбекнинг биллагига дўстона уриб қўйди. — Бу ердаги ишларингизни битадиганини битириб, битмайдиганини лабораториянгиздагиларга тайинланг. Эрта жўнаймиз. — Бўри ака секретарига Нусратбек номига ўн кунга командировка ёздириб қўйган эди, ўшани қўлига топширди. — Касса бекилмай бориб, пулни олинг.

— Қандай бўларкин?! — Нусратбек тортинди.

— Соз бўлади! Давлатимиз ишлайдиган одамдан ҳеч нарсани аямайди. Уй-рўзғордан узоқда, етиш-туришда ҳаловат йўқ, жон куйдириб юрибсиз. Ўзингизга бир қаранг. — Бўри ака Нусратбекнинг қорайиб, ориқлаган юзига, юпқа тортган қулоқларига тикилди. — Жувозга қўшилган отдай чўзилиб кетибсиз. Қулоғингиздан кун кўринади! Овқатдан ўзингизни сирманг, пул топилади. Соғлиқдан ажраб қолманг яна.

Нусратбек Пайғамовнинг «жувозга қўшилган от» деган сўзини Гулхайрига шаъма эмасмикан деб бир оз хижолат тортди. Лекин колхозда агроном бўлиб ишлаганида деҳқонлар вакилга ортиқча нонхўрдай қарашганини билади. Шу сабабли гапни бўлди:

— Шу, вакил деган гап менга унча ёқавермайди. Нима каромат кўрсатамиз хўжаликларга вакил бўлиб бориб? Шунча ҳосилни ҳеч қандай вакилсиз етиштирган деҳқон уни усиз йиғиштириб ололмайди-ми?

— Бу ҳам керак, Нусратжон. — Пайғамов амалдорликнинг ҳадисини пухта эгаллаган эди. — Шундай қўзғаб турмасангиз, деҳқонлар машиналарга, ёрдамчиларга ишониб, бепарво бўлишади. Мол-ҳолга ҳашак жамғариш, том шуваш, майиз бостириш, тўйларга берилиб кетишади. Маҳаллий шароитни сиз ҳали яхши билмайсиз.

Нусратбек маошидан ўз харажатига кераклигини олиб қолиб, қолганини хотинига ойма-ой юбориб турар эди. Лекин уйга биронта хат ёзгани йўқ. Болаларнинг ёзги каникули тугаб, ўқиш бошланганига ҳам анча бўлди. На хотини, на болалари хат ёзишади, на бирови келиб кетди. Уларни соғиниб, ўзларини кўрмаса ҳам, товушларини эшитиш учун шомда алоқа бўлимига борди. Алоқачи жувон Нусратбекнинг буюртмасини қабул қилиб, телефон рақамини область марказига айтиб қўйди. Нусратбек бекорчиликдан кутиш зали деворларидаги диаграмма, лавҳаларга такрор-такрор тикилди.

Хавотирланиб, дарча ёнига борди. Бошига зар рўмол ўраб, қалин китобни ўқиб ўтирган қизга тайинлади:

— Синглим, эслатиб қўйинг, унутиб юборишди чоғи?

Қиз китобдан бошини кўтармай жавоб берди:

— Линия банд. Ҳозир пахта пайти-ку, биласиз! Маълумотдан бошқа нарса кирмайди ҳеч кимнинг қулоғига.

«Сийёсат гапирганда иқтисод жим туради, дейишади. Пахта эса ҳам сийёсат, ҳам иқтисод!» дея ўйлади Нусратбек. Яна бўм-бўш зални айланди: «Хат ёзишмаса ҳам соғ-саломат юришган бўлса майли эди. Тушида болаларининг танимагандай ўтиб кетишганини эслаб, юраги музлагандай бўлди.

Нусратбек ҳозир видео эмас, автомат-телефон бўлса ҳам жон дер эди. Қани энди, ўн беш тийинни ташлаб, рақамларни териши билан хотини ёки болалардан бировнинг «лаббай!» деган товушини эшита қолса.

Нусратбек дарча ёнига яна борди. Қиз унинг кўзига қарашга уялиб, ўша жавобини такрорлади:

— Линия банд.

— Яна бир сўраб кўринг, юрагим безовта бўляпти.

Қиз қўнғироқ қила-қила область марказини ололмади. Пешонасини тер босиб, кулча юзлари қизарди.

— Ололмаяпман. Нўмерингиз жавоб бермаётган бўлса керак, бўлмаса улашарди. — Қиз «юраги безовта» Нусратбекни юпатмоқчи бўлдими: — Уйингизда ҳеч ким йўқдир, ҳамма пахтада, — деди шаҳар ҳам қишлоқдай кеча-кундуз пахта билан овора деб ўйлаб.

Жаҳли чиққан Нусратбек орқасига бурилиб кетаётганда, қиз уни чақирди:

— Заказ пулини тўламайсизми?

«Емаган таомга ҳам ҳақми?! Сен тўла мени бекорга шунча куттириб қўйганинг учун!» Нусратбек тангаларни дарча тахига қўяётганида қизнинг кўзига кўзи тушди. Раҳми келди: «Телефон ишламаса бу қизда нима айб!»

Ташқарига чиқиб, ўйланиб турди. Қишлоққа жўнасами? Кеч бўлиб қолди. Магазиндан ярим буханка нон, шакар, сариқмой олиб, кулбасига кетди. Эшикни очиб, даҳлиз чироғини ёқди. Бир нарсани сезгандай полга қаради. Оёғи остида ётган конвертга кўзи тушди. «Холиса билан хайр-хўшламай, дилини сиёҳ қилганим етмагандай, энди хатини ҳам оёқ ости...» Нусратбекнинг эшигига махсус қути қоқиб қўйилмаган. Газета, журнал, мактубларни хат ташувчи тахталари бири-биридан қочиб, очилиб қолган эшик тирқишидан ташлаб кетаверади. Шу сабабли газеталар йиртилиб, полда ётарди.

Холисанинг қўлини дарров таниди. «Почта қутиси сотиб олиб, қоқиб қўяман. Арзимаган нарса». Студентлик йилларидагидек юраги дук-дук уриб, энгашиб хатни олди. Холисанинг ёзган хатларини олганда Нусратбек шундай ҳаяжонланарди. Хатнинг оёқ остида, чангарда ботиб ётганини хотини кўриб тургандек уялди. Қулоғи остида Холисанинг жаҳлдор овози янграгандек бўлди:

«Хадеб мани тергагунча, уйга қаранг сизам! Ким айтади сизни эркак деб?»

«Нима қилай?.. Ким айтади сизни эркак деб» дегани қонини қайнатиб юборарди.

«Бегонасиз бу уйга. Ана, кран оқиб ётибди. Колонка бузилган. Битта михниям қоқолмайсиз!»

Нусратбек хотинининг ҳақлигини билса ҳам, бўш келмасди:

«Нима қил дейсан? Шифтни олиб полга қўяйми?!»

Нусратбек бу оилавий «жанг»ни эслаб мийғида жилмайди. Агар ҳозир Холиса чиндан ҳам шу ерда бўлиб: «Битта хат-қути қоқиб қўйсангиз бўлмайдимиз?» деса:

«Хўп, жоним, хўп, жоним», — деб елкасидан кучган бўларди. Жаҳли чиқмасди.

Конверт четидаги туфли изларини қоқди. Қўлидаги нарсаларни столга қўйиб, чой қайнатди. Қўйлагини ечиб, белигача ювинди. Чойни аччиқ дамлаб, дастурхон ёзди. Хатни очмай, бир пиёла чой ичди. Бу унга одат бўлиб қолган: Холисадан келадиган хатларни очмай, олдин ўзининг сабр-тоқатини синаб кўради. Еқимли дақиқаларни атайлаб чўзиб, хотинининг нималар ёзганини хаёлан ўйлаб топмоқчи бўлади. Хатни ўқишдан ҳам унга шу «кутиш» муддати мароқли. Пиёлага иккинчи марта чой қўйиб, кейин конвертни бир четидан эҳтиёткорлик билан йиртиб, икки букланган қоғозни олди:

«197... 8 октябрь. Т.»

«Ассалом, болаларнинг қадрли дадаси, — Нусратбекнинг ди-моғига хатдан Холисанинг иссиқ нафаси эгандек бўлди. — Сиздан хабар бўлавермагач, хат ёзишга ўтирдим.

Бизлар, ҳаммамиз ҳозир соғ-саломатмиз. Бир оз тумов бўлиб олдик. Ҳавога ишониб бўлмайди. Сиз ҳам иссиқроқ кийиниб юринг. Кир бўлган кийим-кечакларингизни идорангиздаги фаррош ёки қоровулга айтсангиз, бева-бечора аёлларга ювдириб беради... — Шу ерга келганда ҳарфлар нотекис, хурпайгандек чаплашиб кетибди. — Мева-чева еманг, иложи бўлса. Жаҳонни дори босиб кетган ҳозир. «Соғ-саломатлик» журналида ўқидим: Антарктидадаги пингвинлар этидан ҳам биологлар дуст моддасини топишибди. Олимларингизнинг иши ана шунақа, дардисар. Бир нарсани бошлашади-да, сўнг ўзлари, давосини тополмай сарсон. Яна «табиатни муҳофаза қиламиз» деб жар солишади».

Хотинининг бу сўзлари ўзига отилган таъна тошидек қаттиқ тегди. Шу хатда ҳам чимчилаб, ўйиб олибди-я! Бироқ ўйлаб қараганда у ҳақ. У она-ку!

«...Бизнинг қовун-тарвуз, сабзавотларимиз қандай тупроқда ўса-ётгани ўзингизга маълум. Мен ёзда сут-қатик, тухум беришга ҳам қўрқаман болаларга».

— Вой-бўй, мунча ваҳима қилмаса! — Нусратбек кулди. — Иложи бўлса болаларини бағрига босиб, дори қўлланилмайдиган бошқа сайёрага бориб яшаса!

«Бирон нарса керак бўлиб қолса, ёзинг. Ўзингизнинг ишингиз кўп, биламан. Ўзим ёки болалардан бирови бориб келар...»

Уй-рўзгор, болаларнинг ўқишлари тўғрисида ёзиб, кейин Холиса ўзини-ўзи қойибди:

«Мени кечиринг. Хасталиклар таъсир қилганми, юрагим тор: ҳар нарсага сиқиладиган бўлиб қолган. Ишда ҳам рақамларни чалкаштириб юбориб, бошлиқнинг танбеҳига ўпкаланиб юраман. Вақтида тилимни тиёлмай сизни ҳам беҳудага хит қилиб қўяман...»

Хат Нусратбекда икки хил таассурот қолдирди: Холисанинг вазмин мулоҳазалари гиди-бидиларидан устун туриб, айбни ўз бўйнига олгани Нусратбекнинг кўнглида муздай қотиб ётган совуқликни бир оз илитди; хотинига нисбатан меҳр ҳиссини уйғотди. Унинг айбини бўйнига олиб, кечирим сўрагани Нусратбекка ўзининг маданиятли, олижаноб, устунлигини намоён қилгандай туюлди. Айни чоқда,

кўнглида «бўш кела кўрма, зинҳор унга жиловингни берма, тавбасига таянсин, охирида гаҳ десанг қўлингга кўнадиган бўлиб қолади», деган фикр ҳам устиворлик қилди.

Нусратбек баъзан ўзини тутолмай, оғзидан ноҳўя сўз чиқиб кетса, кейинча хотинидан узр сўраб айбни бўйнига олар, эркалаб, хафачиликни кўнглидан чиқариб юборарди. Нега бу дафъа ҳам шундай қилмади? Йўқ, бу сафар ҳам Нусратбек биринчи бўлиб Холисанинг кўнглини олмоқчи бўлди. Лекин у айвонда Нусратбекнинг қўлини силтаб ташлади. Тунда кўнғироқ қилганда илон чаққан одамдай сапчиди...

Хатда Холисанинг хавотирлангани, нимадандир ҳадиксирагани ҳам сезилиб турарди. Нусратбекнинг соғлиги ёки ишидан эмас, йўқ, бошқа нарсадан. У хатда ёзилмаган. Уни сўз билан ифодалаб ҳам бўлмайди. Уни узоқ йиллар давомида бир ёстиққа бош қўйиб, бир-бирини нафас олишидан, қарашиданоқ яхши тушунадиган бўлиб қолган эр-хотинларгина сезиши мумкин.

21.

Тунда томларнинг тунука ва шиферлари нам тортиб, йўллардаги тупроқлар совийди. Комендантнинг ялангоёқ югуриб юрадиган қизалоғи эрталаб калиш киядиган бўлган. Чошгоҳ кун исиб, қизалоқ калишини ечиб ташлайди. Қизиган тупроқда товуқлар «чўмилишиб», қанотларини тозалашарди. Улар кутилмаганда «қо-қо»лаб қочишди: Нусратбекнинг хонаси олдига «ГАЗ» машинаси келиб тўхтади. Ундан кийимларига енгил гард қўнган Пайғамов тушди. Нусратбек қувонганидан нима қилишини билмай, қотиб қолди. Аҳмад бригадирдан кейин уни «мусофир» лигида йўқлаб келган иккинчи киши шу Пайғамов эди. Бошлигининг бу одамгарчилиги Нусратбекнинг кўнглида унга нисбатан илиқ бир меҳр уйғотди. Хонасининг ғариблиги бу азиз меҳмон келганда айниқса ёмон сезилди. Уялиб минғиллади:

— Кечирасиз, мен ҳеч... йиғиштирилмаган... — дераза рахи, стол, стул ва полларда ётган китоблар, дафтарлар, журналларга ишора қилди.

— Ҳечқиси йўқ, биз ҳам сўққабошликни, сиртқи бўлса ҳам студентликни бошдан кечирганмиз, — Пайғамов китоб, журналларга кўз югуртирди. — Энг катта бойлигим ана шулар. Йўлдан ўта ётиб, кўнглим тортиб бир кўрай дедим сизни. — Нусратбекнинг газхонага ўтмоқчи бўлганини сезиб қайтарди: — Овора бўлманг.

— Овораси борми! — Нусратбек кўйлагининг тугмаларини солиб, пойгакда турган туфлисини киябошлади. Пайғамов унинг аҳвол-руҳиясини тушуниб турарди: ўзбегимнинг одати шу, уйига бирон меҳмон, айниқса азиз меҳмон келса, бор-будига кифояланмай, оёғи куйган товукдай югуради, ўзида бўлмаса, қўшнисиникига югуради.

— Багажда у-бу бор, олиб келақолинг. Қудуқ сувида чалоб қилсайиз, бас.

— Хўп-хўп! — Нусратбек меҳмонни, айниқса бундай улуғ меҳмонни ўзи келтирган нарса билан дастурхон тузатиб, жўнатадиган бефаросатлардан эмас. Эски қадрдон дўсти, уйига келиб-кешиб юрган биродари бўлса йўриғи бошқа. Майли, дедию чойи совиб қолган чойнакни Пайғамовнинг олдига пиёла билан келтириб қўйди. Нон, шакар, бир тақсимчада ёнғоқ мағизи ҳам бор эди. Чойни қайтариб, бир қултум ичди. Кейин Пайғамовга қўйиб бериб, ўрнидан турди:

— Мен ҳозир, агар зериксангиз китобларни кўриб туринг. Пайғамов Нусратбекнинг бу гапларидан унинг анча фурсат хаяллаб кетишини англаган бўлса-да, индамади.

Дам олиш куни бўлгани учун комендант ишга бормаган, кажавали мотоцикли эшиги олдида турган экан. Нусратбек калитини сўраб олиб газ босди. Аммо ўт олмади. «Бегона отга ишонма». Нусратбек пиёда кетмоқчи бўлаётганида, комендант чиқиб, ўзи моторни ёқиб берди.

Мотоциклнинг «пат-пати» узоқлашгач, Пайғамов пиёлани четга суриб, ўрнидан турди. Газхонага қаради. Ваннахонага кириб, челақдаги сувдан пиёлада олиб, қўлини ювди. Сочикқа, ванна ичида ётган кир кўйлақларга ижиргангандай кўз ташлади. У Нусратбекнинг кулбасига «аёл киши» келиб юрса керак, деган гумонда эди. Йўқ, гумонсирайдиган ҳеч бир белги тополмади. Сочикнинг тоза жойини танлаб артди-да, хонага қайтди. Чойга қўл урмай, дераза раҳида, полда ётган «Энциклопедия», журналлар, «Ўтган кунлар», «Қўтлуғ қон» романлари, Шукшиннинг ҳикоялар тўпламлари, Саъдий, Навоий, Бобир, Машраб девонлари, Абдулла Орипов мажмуалари, Ўзбекистоннинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига оид рангли китоблар, луғатлар, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» жилдларига кўзи тушди. Ўзбекча йил календари остида турган яшил коленкор муқовали қалин дафтарлардан бирини олди. Очди-ю, шу мисраларга кўзи тушди:

Дариғоки бизсиз яна кўп замон
 Очилиб гулу лола унғай ҳамон.
 Келур қанча қиш, ёз, неча гулбахор
 Биз бўлганда ҳам гишту тупроқ, э ёр.
Саъдий

— Яна бир шойирга йўлиқдим шекилли! — Пайғамов ўзича сўзланиб кинояли жилмайди. Нусратбекдан кўнгли қолгандай бўлди. У шойиртабиат одамларнинг бирон жиддий иш қила олишига ишонмас. Унақалар билан бекорчиликда ҳангомалашиб яхши. Ҳар соҳадан бир шингил билиб, баҳслашиб, суҳбатдошини зериктирмайди. Лекин бир соҳани ош-нон берадиган соҳани чуқур билишмайди. Аслида уларнинг этагидан маҳкам ушлаган тайиқли соҳаси бўлмайди. Қунтсиз, иродасиз, шуҳратпараст бўлади ҳаммаси. Ҳаётга энгил-елпи қарашади, деган ақидада юрарди. Пайғамов ҳақиқий шойрлар жуда инжиқ, ҳар бир сўз, бўғинни қўлида салмоқлаб кўриб, ранги, жилоси, ҳиди, таъмини синчиклаб ўрганадиган: ҳаётнинг туб қатламларини кўрадиган, бошига қилич келса ҳам сўзидан қайтмайдиган ҳақиқатгўй, нозиктаъб заҳматкашлар, фидойилар бўлишини билмасди. Унингча, ёши улғайганда ҳам инжиқ, ўз фойдасини билмайдиган, боладек содда, соф бўлиб қоладиган одамлар — лақма. Шу сабабли ҳам соддадил, нозиктабиат ходимларга ишончсизлик билан кулиб қарар:

— Ҳа, шойир, — деб муомала қиларди.

Афтини буриштириб, кейинги саҳифани очди:

— «Экинлар — жонли термометр. Ҳамма нарсани кўрсата олади, айтолади». Бу сўзлар Пайғамовнинг эътиборини бир оз жалб қилди. «Насаф трипси (сўргувчи ҳашарот): тани оч-сарғиш рангда, мўйловлари қорамтир-кулранг. Қисқичининг учи қорамтир. Ғўза баргидаги шира билан озиқланади. Баргнинг сўрилган жойида кумушранг доғлар қолади. Япроқнинг шу қисмидаги тўқималар аста-секин ўлади».

Пайғамов дафтарни чамалаб кўриб, охириги саҳифага қаради. У иложи бўлса ҳамма саҳифадаги ёзувларни бир йўла «симириб» олмоқчи эди. Яна дастлабки саҳифаларга қайтди:

«Табиат — жуда мукамал. Табиатда кушанда ҳашарот доим зарарли ҳашаротдан кейин урчийди. Агар у олдинроқ урчиб қўйса ёки уйғонса нимани ейди? Тухум очиши билан очлик ва ҳалокатга учрайди. Шу сабабли зарарли ҳашаротларга қарши курашиш учун, айниқса биологик усулда курашиш учун зарарли ҳашаротларнинг тухум қўйиб, далаларга ёйилиш муддатини аниқ билиш жуда муҳим. Шунга қараб лабораторияда «лашкарча»лар ҳисоб-китоб билан урчитилиб, далаларга қўйиб юборилади». Бу сатрлар Пайғамовнинг мияси таркини очиб юборгандай ҳушёр тортди. Нусратбекнинг у кунни қайнасаникида суҳбатлашиб ўтирганда: «Экспедицияни ҳашаротлар уйғонмасдан олдин юбориш керак, уйқусида босилади», деган сўзларини эслади.

«Ненецлар мақоли: «Буғи қашқирни боқади, қашқир буғиларнинг соғлом, кучли ўсишига сабабчи бўлади». Пайғамов саҳифанинг

Ўртасига тушиб қолган бу мақолнинг нимага даҳлдорлигини тушунмай, ҳайрон бўлди. Дафтарни тиззасига қўйиб, ўйланиб турди: Ҳозир диссертацияларга ВАК талаби анча ошган. Айниқса докторлик диссертациялари пухта, эл-юртга амалий фойдаси тегадиган кашфиёт, янгилик, иқтисодий фойда берадиган иш бўлиши керак. Машаққатсиз, мана шунақа изланишларсиз эса кашфиёт бўлмайди. Бундай меҳнатга Пайғамовнинг вақти йўқ, вақт топганда ҳам илми, қунти етишмаслигини ўзи жуда яхши билади. Педагогика институтининг биология-география факультетида сиртдан ўқиган. Таниш-билишлар кўмагида битириб, катта лавозимларда ишлади. Аспирантурада ҳам сиртдан ўқиди...

«196... 20 март.

Бодом гуллаб бўлди. Ўрик шохлари нимпушти. Олманинг айрим шохлари гул кўрсатди. Мажнунтол барг ёзмоқда, гулларнинг хушбўй ҳиди оламни тутиб кетган. Мевали дарахтлар пўстлоғида қишлаган ҳашаротлар ғимирлаб қолишди. Гул, ғунчаларда ҳашаротларнинг излари кўриняпти. Олма ва ўрикда қишлаган урғочи *Phusorevius* уруғлари. Мевали дарахтларнинг шох уриб чиққан қўлтиқларида ҳашаротлар кўп. Кузги арпа илдизларида *Fenedvioniolac* кўртини кўрдим».

Бўри ака ғижиниб, қотиб қолган бўйнини кўтарди: у ёқ-бу ёққа бурди. Унинг лотин ёзувларига унча тиши ўтмас, шу сабабли ёқтирмасди. «Шу номларни ўз тилимизда ёзса бўлмайдими содда қилиб?»

«...Йўнғичқада ҳар хил ёшдаги *Phytomus 21*. 3-ҳашарот капалаклари бедазор устида учабошлади. 22-3. Мурут дарахтида (яна!) *Psulla*.

Бўри ака ҳашаротларнинг номларини чала қолдириб ўқиб кетди. Нининг қишлоқда туғилганлари жонланди.

«22-3. Ўриклар гуллаб бўляпти. Беҳи дарахтлари гулга бурканди. Қайрағочларнинг юқори шохлари бўртиб, ниш урабошлади.

Ҳавода... капалаклар кўпайган...

Мода қорақурт жуфтлашиб бўлгач, нарини ейди. Ўргимчаклари ҳам бир-бирини ейишади». Пайғамов бу нима дегани экан, деб ўйланиб қолди. Кейин дафтарни варақлади:

«24-3. Шафтоли дарахтида *Ptevochlo* нинг энди уруғдан чиққан кўртини кўрдим».

— Уф-ф! — Пайғамов ичига тушиб кетган нафасини ростлади. «Топмай, кўрмай кет-э!» У кундаликнинг лотин алифбесида номлар ёзилган жойларни ташлаб кетмоқчи бўлди:

«29-3. Толларда *Selar...* (Яна!):

«30-3. Тут япроқ ёзди».

«2-4. Иккита вояга етган *Seiaphanites* топдим».

— Ҳе-э, топмай кет! — унинг нафаси бўғилиб кетди. Нусратбек кундаликда Пайғамовнинг жиғига тегиш учун атайлаб ҳашаротларнинг лотинча номларини қалаштириб ташлагандек эди. Бу яхши ош ичидан чиққан тошдек унинг тишига тегарди.

«10-4. Лайлаклар (*Susonia*) жуфтлаша бошлади».

14-4. Кузги арпа гуллаб бошлади. Беҳи тўла гулга кирган. У... уруғлай бошлади».

Бўри Пайғамовнинг ғашига теккан бу лотинча номлар энди унинг жаҳлини чиқара бошлади: Утирса ўрни, турса номи йўқ бу маҳмадана йигит ҳар бир жумлага керакми-йўқми лотинча номларни тикаверибди. Нусратбекнинг ўзига ўхшамаслиги, бошқача фикрлаши, кузатишлари ҳам унинг қаҳрини кўзғади. Бу йигитнинг нафсини тийиб юргани, қаноати ҳам унга ёқмайди. Бошқа ходимлар ер олган, экин-тикин қилади, мол-жони бор... Бу эса ҳеч нима билан иши йўқ. Туриш-турмуши мана шу! Пайғамов қуруқ хонага кўз югуртирди.

«Ўзининг кузатишларимикин ёки бирон манбадан кўчирдимми? Ўзиники. Ана, бирон жойдан олинган ёки бировга тегишли жумла, ҳикматли сўз бўлса, остига ёзиб қўйибди-ку муаллифини. Мен ўзим

шундай кундалик тутсам ёки ходимларимдан бировига топшириб қўйсам бўларкан. Кейин ҳаммасини жамлаб, хулоса чиқарардик. Шу арзимаган нарса хаёлга келмаганини қаранг. Икир-чикир ишлар, ташкилий масалалар кўп-да», деб хаёлидан ўтказди Пайғамов. Кундаликларга шундоқ кўз югуртиришдаёқ фан оламига номаълум биология каталоглари рўйхатида йўқ уч-тўрт ҳашарот номини кўрди. Бунақа кузатишлар билан ҳар қандай нуфузли илмий кенгашда ҳам қўлида иккита туз картаси бор қиморбоздай ишонч билан бемалол ўтириш мумкин. Кейин... Доктор бўлиб олса, бу унвон катта лавозимларга кўтарилишига ишончли зинапоя бўлади. «Унда Бўрибойнинг бурутига ҳеч ким болта уролмайди». Нима, шунча ишларни уддалаб келаётган Бўри Пайғамов обкомга котиб бўлолмайди? Олдин соҳа бўйича, кейин омади юрса... Фанлар академиясининг мухбир ва ҳақиқий аъзолари ҳам Бўри Пайғамовдақа одамлар. Ёки уларнинг шох-бутоғи борми! Суворов айтган экан, генерал бўлишни орзу қилмаган солдат яхши солдат эмас, деб. Бўри Пайғамов-ку, кўпни кўрган полковник, беш минути кам генерал!

«15-4. Анор барг чиқарабошлади. Айрим майдонлардаги йўнғичқаларда фитонимус қуртлари кўринди.

19-4. Туяёнтоқда... пайдо бўлди.

24-4. Лолақизғалдоқлар очилган. Арпазорлар ҳашаротдан зарарлана бошлади.

28-4. Бодом япроқларида... кўпайиб, барглар буралиб-буралиб, сўлиб қола бошлади.

30-4. Чигит эрта экилган майдонларда ғўза униб чиқди.

1-5. Дарёда баҳор тошқинлари пасайди. Қирғоқда бўтана излари кўриниб турибди.

3-5. Кўкқарға бола очди.

13-5. Ғўзада кузги тунлам қуртлари кўринад бошлади.

...

29-5. Эртаки ғўзада илк гул.

196... йил.

—...

21 март. Кун билан тун тенглашди — наврўз.

Наврўз се рўз ба сари тахт мишина,
се рўз падшайи микуна».

Пайғамов яна бир кундалик дафтарни шундай енгил-елпи варақлаб чиқаётганида; «Ҳалол одам — буюк одам — деган иборага кўзи тушди. «Бу нима дегани экан?»

«Асримизнинг эллигинчи йилларида америкалик олим Эдвард Ниплинг гўштнинг ёвуз чивинини йўқотмоқчи бўлди. Чорвадорлар бу чивин дастидан ҳар йили миллион-миллион доллар зарар кўришарди. Олим чивинларни гамманурлар билан нурлантириб, уруғсизлантarmoқчи эди. Чивинларни уруғсизлантириш — «бичиш» осон, лекин уруғсизлантилган ҳашарот табиий усулда кўпаядиганларидан бир неча марта кўп бўлиши керак. Ишни Кариб денгизидаги Кюрасо оролидан бошлади. Икки ойда бу оролдаги чивинлар тўла уруғсизлантилди. Чорвадорлар, бутун Флорида штати уни жуда қўллаб-қувватлаб, фабрикасига маблағ, самолётлар етказиб беришди. Уруғсизлантилган уч ярим миллиард ҳашарот ёрдамида Флорида, Жоржия, Алабама штатлари ва Мексика чегарасидаги вилоятлар ёвуз каллитрогдан халос бўлишди. Эдвард Ниплинг Нобель мукофоти тақдим этилди. Лекин олим, бу усул олдин Москва университети профессори Серебровский томонидан яратилган, мен уни амалда қўлладим холос, деб шундай мукофотдан воз кечди. Бу билан у олимлар кўз ўнгида илгаригидан ўн баробар буюк бўлиб қолди».

Пайғамовни тер босди. Киссасидан рўмолча олиб, юз, кўз, бўйинларини артди. Елпинди. Шоша-пиша бошқа саҳифани очди:

«196... йил.

—.....

1 апрель. Қалдирғочлар учиб кела бошлади. Олма, оқ дўлана пиндик отди. Дарё ёқасида лайлақлар кўринди.

....

20-6. Бозорга ҳандалак чиқди.

22-6. Кунжут фарқ гуллаган.

1-7. Дарё қирғоқларида қамишлар пўпанак ташлай бошлади.

.....
7—8. Кўчкак қора анжири пишди.

.....
4—9. Шимолдан ғоз, турна, ёввойи ўрдақлар учиб ўтабошлади.

11—10. Биринчи изғирин. (Тунда целси билан — 0,3 даража). Қиров...

Пайғамов учинчи дафтарнинг биринчи варағини четидаги ёзувни ўқиди:

— Уят — бу пинҳоний шаклга ўтган ғазабнинг бир кўриниши. (Менинг Х. билан муносабатимда ҳам шунга ўхшаш нарса бор)».

— Х.си ким бўлди экан? — Пайғамов ўйлаиб қолди.

Кейин хаёллари чувалашиб кетди: «Бу йигит бутун бошли бир институт қидираётган ипнинг учини бир ўзи топибди, аммо битириб қўйган бу ишининг маъносига етмаганга ўхшайди. Шу ипнинг бир учидан ушлаб, секин тортаверса, биз қидираётган муаммоларнинг ҳаммаси чиқаверади. Топган-у, ҳали ўзи ишонмай, юраги дов бермаётганга ўхшайди. Қаловланиб юриши, паришонлиги шундан. Бунинг ҳидини бирон жойда чиқармаганмика?»

Дафтарнинг охирги муқовасида К. Маркснинг сўзи:

«Агар олим ўз даражасини ўзи пасайтиришни хоҳламаса жамият ҳаётидаги фаол иштирокини ҳеч вақт тўхтатмаслиги керак ва дон ғамлаб, ўз инига кириб олган сичқон сингари ўз хонаси ёки лабораториясида бекиниб олмаслиги, ҳаёт оқимидан, замондоқларининг ижтимоий ва сиёсий курашидан ўзини четда олиб юрмаслиги лозим».

— «Дон ғамлаб, ўз инига кириб олган сичқон!» — Пайғамов Нусратбекнинг ини — кичик хонага кўз югуртирди. «Топиб айтган экан!» У бу фикрни ақли қабул қилгани билан туйғулари рад этаётганини сизди. Агар бу сўзларни Нусратбек айтган бўлса, унинг ўзини сичқон деб куларди: ўзи яланғоч, на унвон, на мол-дунёси, на лавозими бор, алам қилганидан айтган, дерди. Лекин Марксдай одамга эътироз билдириб, баҳслашиб бўладими!

* *
*

Рестораннинг орқа эшигидан икки тўр халтани яхна гўшт, сир, коньяк, «Тошкент суви», «Боржоми», «Шпрот», кўкпиёз ва помидорларга тўлдириб чиққан Нусратбек уйга келиб, нарсаларни ваннахонага қўйди-да, қўлини ювиб чиқди. Пайғамов яшил муқовали дафтарларни кўриб ўтирган эди. Нусратбек ҳали ниҳоясига етмаган чала-чулпа ишини, айниқса шахсий ҳаётига доир гаплар ҳам қайд қилинган бу дафтарларнинг бегона киши кўришини истамасди: «Бекитиб қўйсам бўларкан», деб кўнглидан ўтказди.

— Зеркиб қолмадингизми?

Пайғамов ўз фикрлари билан бандлиги учунми, бошини кўтариб унга бир қаради-ю, индамади.

— Гадой нон топса, тўрва тополмасмиш! — Нусратбек кулиб, дастурхон ёзиш учун доира столдаги китоб, журналларни дераза рахи, уй бурчакларига олиб қўя бошлади. Столни артиб, помидор, бодринг, кўкпиёз, қатик, коньякни қўйди. «Тошкент суви», «Боржоми»ни очди. Аҳ, шошганда лаббай топилмайди. Нон олиш ёдидан чиқибди! Майли, Бўри ака ҳам бўйдоқ бўлган, ётоқхоналарда турган бир вақтлар. Газхонадан тақсимчада қотган нонни олиб келди. Пиёлаларни минерал сувда чайди:

— Нон олиш эсдан чиқибди.

— Нон қоқиларни сувга бўктириб ейиш яхши-да! — деди Пайғамов «шойир»нинг хижолат бўлганини сезиб.

Нусратбек эса ноқулайликни енгиш учун пиёлаларга шошиб коньяк қўйди-да, қўлига олди.

— Минг раҳмат, мени йўқлаб кулбамга келганингиз учун, Бўри Мавлонович! — деди Нусратбек пиёласини Пайғамовники билан уриштириб.

Пайғамов томчи қолдирмай шимирди. Кўкпиёзни қатиққа ботириб чайнади:

— Бунақа турмушнинг ҳам ўзгача гашти бор. — Пайғамов энди кўзи очилгандай палоссиз яланғоч пол, ҳеч нарса қоқилмаган деворларга қаради. — Латта-путта, тақир-туқир буюмсиз хона хаёлни ўғирламайди, вақтни чанг-чунг артиш, ювишга эмас мутолаага, ишга сарфлайсиз. Студентлар шунинг учун тўрт-беш йилда ўқийдиганини ўқиб, ўрганадиганини ўрганиб олишади-да! Лекин сиз, Нусратжон... ҳозир майли-ку, ҳаво илиқ, қишда музлаб қоласиз бу жойда. У-бу жиҳоз олинг, ё бошқа режалар борми?

Нусратбек, қанақа режа, дегандек елкасини қисиб, Пайғамовга қаради. Унинг кўзлари ялтираб, чехраси юмшаган, бўйни қизариб, пешонаси терлай бошлаган эди. Еши эллиқдан ўтган бўлса-да, сочига оқ ораламаган. Юзи силлиқ. Шишинқираган қовоқлари остидаги кўзлари сергак.

Нусратбек иккинчи марта пиёлани тўлдириб узатган эди. Пайғамов унинг пиёла тутган бош бармоғига чертиб, «балле» деб олди. Охиригача ичди. Катта лавозимдаги одамлар ўзини ичкиликдан тийиброқ юришади. Кези келганда пинҳона жойларда ана шундай симиришади, дейишади. Тўғри экан. Нусратбекка Пайғамовнинг бу ҳаракатлари, самимийлиги ёқди. Пайғамов яхна гўштга қўшиб пиёз чайнади. Чехраси яна очилиб кетди:

— Майли, бир оз заҳмат чекасиз яна. Жон куйдирмасанг жонона қайда, деганлар машойихлар.

Нусратбек қўлига қадаҳни олиб, ичмай, мезбонни элантириб ўтирадиганларни ёқтирмасди. Пайғамовнинг пиёлани тагигача олиши, меҳрибонлигидан хурсанд бўлиб, ўзи ҳам охиригача олиши, меҳрибонлигидан хурсанд бўлиб, ўзи ҳам охиригача ичди. Газагига ҳеч нарса емай, пишаси терлаб турган муздай «Боржомидан қўйиб ичди.

— Раҳмат, Бўри ака! — деди бошлиғининг исмини биринчи марта тилга олиб. — Мен сиздан жуда миннатдорман. Узим кўпдан буён шундай иш, шундоқ жойни орзу қилиб юрган эдим.

Пайғамовга бу миннатдорчиликлар, ходимининг «Бўри ака» дейиши хуш ёқса ҳам, турқи ўзгармай, ўзини сипо тутиб ўтирди:

— Мен вазифамни бажаряпман, холос. Сиз бўлмасангиз ҳам ўрнингизда бошқа биров ишлаши керак-ку бари бир. Лекин манавини, у кундалик дафтарларга ишора қилди. — Яхши ўйлаб топибсиз.

Боши қизиган Нусратбек ўз пиёласига тўлдириб қўйди. Меҳмондорчиликнинг кам-кўстларини шу ичимлик билан андаваламоқчидай эди хаёлида. Пиёла чайқалиб, столга тўрт-беш томчи томди:

— Гоҳо зиқ бўлиб кетиб, зерикканимда шу иш билан овунаман. Ҳали сиз «заҳмат» дедингиз, йўқ, бу чинакам ҳузур! Бундай ҳузур-ҳаловатни, қониқишни инсон ўзи ёқтирган ишидан бўлак, бошқа ҳеч жойдан ололмайди.

Пайғамов Нусратбекнинг боши айланиб, тили каловланаётганини сезди, қармоқ ташлаб кўрди:

— Муҳаббатдан-чи, масалан... аёлдан?

— Уни қўйинг, — Нусратбек мастона қўл силтади. — Биламан, сиз Гулхайрини айтяпсиз. Уни аралаштирманг бу ишга! Илм-фанга нисбатан ҳам қизиқиш, муҳаббат бўлади. Унинг заҳмати ҳам тўлғоққа ўхшаркан. Буларни сиз, Бўри ака, мендан анча олдин бошингиздан ўтказгансиз, биласиз... илм шайдойиси бу йўлдаги тўлғоқ, азоб-уқубатни бир ўзи тортади, бола эсон-омон дунёга келса, ҳаммадан кўп

у қувонади. Мен коллектив фикри, ихтироси деган гапларга қаршиман. Кашфиёт, ихтиро — индивидуал нарса. Туполев самолётлари, Мираҳмедов нави, Шолохов, Қодирий романлари, Ашир аканинг аширқонияси... Чунки у коллективни эмас, маълум бир шахснинг миясида туғилиб, кўз очади. План, графикларга сиғмайди. Ҳар соҳадан бир шингил-бир шингил узиб олинадиган қуроқ қўлланмаларнинг йўриғи бошқа.

Пайғамов унинг гапларидан ўзича хулоса чиқарди: институт ҳамма ҳодимларнинг изланишларини умумий қозонга ташлаб, коллектив ихтироси сифатида илмий тўпламларга, керакли муассасаларга тақдим этади. Бу умумий қозонга чойқошиқлаб ҳисса қўшадиганлар ҳам, чўмичлаб улуш қўшадиганлар ҳам бор. Бу касиблар орасида ҳақиқий олим ҳам ўзлигини йўқотиб қўяди.

— Умум манфаати учун гоҳо кўнгилга ёқмаган ишни қилишга ҳам мажбур бўламиз-да, Нусратжон. Хоҳлайсанми, хохламайсанми, планга кирган, қилиш керак, мажбурсан. Одамларнинг бошини қовуш-тирмай, ўз ҳолига ташлаб қўйсанг, биласизми нима бўлади? Анархия, бебошлик! Нусратжон, қамишни бўш ушласанг, ўз қўлингни кесади, дейдилар.

Бўри ака ҳам ўзича ҳақ, албатта. Нусратбек унга жавоб беролмай қолди.

— Мен тушунтиролмадим фикримни. Маст бўлиб қолдим, шекилли, — Нусратбекнинг чиндан ҳам кўзлари қизариб, елкалари оғирлашган эди. — Ҳаётда планга сиғмайдиган нарсалар ҳам бор. Уларни ақл юритиб тушунилади, қалб билан ҳис этилади...

«Маст одамдан энди бирон маънили гап чиқмайди», — ҳар нарсанинг меъёрини биладиган Пайғамов ўрнидан турди:

— Раҳмат, Нусратжон, энди мен кетай, — ёнига бурилиб, дераза раҳида турган дафтарларга қаради. — Буларни нима қилмоқчисиз энди?

— Бекорга чанг босиб ётибди. Бекор ўтиргунча — бекор ишла, деганларидай агрономлигимда эрмак қилгандим... — Нусратбекнинг кўзлари сузилиб, елкалари қийшайиб ўрнидан турди. — Майли, агар кўраман десангиз қўринг, — у дафтарларни Бўри аканинг қўлига тутқазди. — Бўш вақтингизда...

Бўри ака дафтарларни олгиси келмагандай ўсмоқчилаб сўради:

— Мен шундай нарсани қаердадир ўқигандайман?

— Йўғ-э! — Нусратбек соддадиллик билан ёрилди. — Мумкин эмас! Бу менинг шахсий кузатувларим, ҳали хомроқ. Балки фикр айтарсиз...

Улар дим хонадан чиқишганда ташқари одам одамни танимайдиган даражада қоронғилашиб қолган эди. «Бўри ака қандай яхши одам!» Нусратбек сидқидилдан кучмоқчи бўлиб интилган эди, у кўрмагандай қайрилди-ю, машина эшигини очди. Қўлидаги қалин дафтарларни орқа ўриндиққа қўйди-да, ўзи чиқиб ўтирди.

Нусратбек қўл чўзганча гандираклаб кетди. Бўри Пайғамов равон ҳайдаб кетаётган машина унинг кўзига қийшайиб, гоҳ ўнг, гоҳ чапга ағанаб кетаётгандай туюлди.

(Давоми бор)

Шухрат

САХОВАТ



Гул — шоир

*Қизил гуллар аслида шоир,
Қалби тўла олов ҳис, виқор.
Муҳаббатни тўта билар сир,
Ҳар юракда унинг иши бор.*

*Икки қалбга бўлур таржимон,
Ҳар сатрида севги нафаси,
Бўлсин, дейди, ошиқлар омон,
Нурдан, дейди, умр кўрпаси!*

*Ҳимматингга балли, қизил гул,
Шоирликнинг асли ўзи шул!*

Нам

*Шеърларим гул каби қўлингга тутсам,
Дасталаб олмоққа етарми қурбинг?
Ҳар сатри бағрида кўзимдаги нам,
Шу намлар қадрига етарми қалбинг?*

*Е сенинг ёшинг ҳам қўшилиб кетиб,
Дасталаш имкони бўлмай қолурми?
Е қалбинг тафтида уни қуригиб,
Қўлларинг ардоқлаб бир-бир олурми?*

*Шубҳам бор, ўн йиллар ўтганида ҳам
Дард тўла шеъримдан қуримайди нам.*

* *
*

*Мей гулсиз келибман бугун қошингга,
Хунук ўй келмасин асти бошингга!
Бир гулни узмоқчи бўлгандим, шу он
У деди: — Наҳотки бўламан қурбон!*

Бир гулни йиглагиб, бирин шод этмоқ
Кўнглимга сиғмади, рост айтсам, бу чоқ.
Шу сабаб гулларсиз келдим, азизим,
Уша гул ўрнида қабул эт ўзим!

Бошимни кўксингга боса қол, эй жон,
Бирор гул бемаҳал бўлмасин хазон!!

Ёлғизликда...

Кеч ҳам кирди. Қоронғи тушди.
Қоронғида қолди мавжудот.
Қушлар аста инига учди,
Сукут ичра чўмди бу ҳаёт.

Ҳеч нарсани англамас бу кўз,
Юрагимда алланечук ҳол.
Бирдан кўкда порлади юлдуз,
Девор оша йўғалди бир чол.

Ҳаёт бирдан жонланиб кетди,
Кўзим яшнаб, дил ёниб кетди.

* *
*

Дунёнинг ишлари ранго-ранг ғоят,
«Хайр»дек совуқ, ё «салом»дек иссиқ.
Номард тили эса ҳамиша қисиқ,
Қисиқлик ҳеч кимга бўлмасин одат!

Сен келдинг салом деб, қаршилаб олдим,
Оҳ, энди бир умр «хайр» демасам.
Сен яйраб сўйладинг, мен қулоқ солдим,
Тилингни бир умр қисиқ кўрмасам!

Шу менинг умидим — олий ниятим,
Шу менинг ишончим ва ҳамиятим!

Табиатга

Асал ҳам, заҳар ҳам — сенинг маҳсулинг,
Ҳам сахий, ҳам бахил буюк табиат.
Гоҳ баланд, гоҳ пастлик ўнг билан сўлинг,
Ҳаммаси сен учун азиздир албат.


Инсон-чи, асални истайди фақат,
Сахийлик кутади сендан ҳамиша.
Паст-баланд йўлларга қилмайди тоқат,
Равон йўл излайди чиндан ҳамиша.

Мушқулин осон қил, она табиат,
У сендан қарз бўлиб қолмайди албат!

* *
*

Сен — севгида айтилмаган сўз,
Сен — шеърга тушмаган сатр.
Сен — мунажжим топмаган юлдуз,
Ҳеч бир бўстон билмаган агир.

Уша сўзни мен топиб айтсам,
Уша сатр тушса шеъримга,



Уша юлдуз кўкни бойитса,
Уша атир тўлса еримга, —

Мен беармон яшаб ўтардим
Ва барчасин элга тутардим!

Уйлаб кўр!

Қачонлардир бегона эдик,
Энди эса қадрдон, иноқ.
Гулни кўрсак, «Оҳ, гўзал!» дедик,
Тонгни кўрсак, «Оҳ, қандай порлоқ!»

Йўл олганмиз нурли эртага,
Тилимизда хушнуд алласи.
Кимдир кўриб дейди жўрттага:
«Бир ёнғоқнинг икки палласи!»

Сен ҳам шунга розимисан, ёр?
Уйлаб кўр-а, айти маъно бор!



Севги китоби

Бир сеvgи китоби битказсам, девдим,
Шу йили, ёр, сени ногихон сеvдим!
Сеvдим-у, китобим битилмай қолди,
Юрагим синовдан ўтолмай қолди.

У китоб ҳали ҳам ётади чала,
Гар чўғи кам бўлса, сен ўтин қала!

Шоядки, гуриллаб ёниб кетса у,
Сеvgидан совқотган қўлинг тутса-ю,
Бағрига югурса иссиқлик ва нур,
Ҳа, ўчиб қолмасин, ўзинг қараб тур.

Қора кўзойнак

Нега қора кўзойнак тутиб,
Қора кўзинг мендан яширдинг?
Бевафолар расмини тутиб,
Бегоналар боғига кирдинг.

Ол кўзингдан ойнагинг, эркам,
Еруғ дунё бўлмасин хира.
Еруғ олам қанчалар кўркам,
Бу оламга типпа-тик қара.

Кел, яширма мендан кўзингни,
Бегонадек тутма ўзингни!!

Севмаган қизга

Мен сени унутай дейман-у, лекин
Унутмоқ қўлимдан келмайди, нетай!
Гар билсанг, йўлини ўзинг айт секин,
Майли, мен сен айтган йўл билан кетай.

Кетай-у, дардингдан бўлайин халос,
Ғашингни келтирмай кўзингга тушиб.

Майли, сен ўзга бир боғда чечак ёз,
Майли, мен сув ичай, муз келса, тешиб.


Севилмай севмоқни истамайман ҳеч,
На унда бир завқ бор, на унда севинч!

Муҳаббат шунча қизиқми?

Мен сени ўйлайман, мени аллаким,
Сенинг ҳам кўнглингда аллаким бордир.
Шу ўйсин ўртаниб юрибмиз балким,
Ҳа, муҳаббат гоҳо шундай дажжолдир!

Кўнглини кўнглига мос қилса нетар,
Негади ўртага тушмаса ҳижрон?
Аллаким бир четдан кулиб ҳам кетар.
Бепарво турибди бу қизиқ жаҳон.

Ажабо, муҳаббат шунча қизиқми?
Кимгадир қисқа-ю, кимга чўзиқми?



Ўпич

(Расул Ҳамзатовни ўқиб)

Кир, десанг, кираман ўтга бемалол,
Чиқ, десанг, чиқаман чўққига дадил.
Бўл, десанг, бўламан қирларда шамол,
Бўл, десанг, бўламан, ёвингга қотил!

Ез, десанг, ёзаман шағнингга қўшиқ,
Кез, десанг, кезаман Саҳрои кабир.
«Сафарда толиқиб қолмасин ошиқ»
Десанг, йўл олдидан битта ўпич бер!

Шу бўса йўлимда дармон бўлади,
Йўқ, десанг, ёрлигинг гумон бўлади!

Инжу

Инжуни яратиб қодир табиат,
Чиғаноқ қорнида пинҳон тутибди.
Кишилар фаҳмлаб қолишгач бир вақт,
Денгизнинг қаърига уни отибди.

Шу сабаб — денгизнинг тубида инжу,
Мард йигит денгиздан олиб чиқади.
«Мардлигим бошқалар кўрсин!» дея у,
Севганин бўйнига тизиб-тақади.

Сен қўлдан олдингми, эй пулдор йигит?
У ҳолда бировга кўрсатма, бекит!

Урушдан кейин...

Жанг тугади. Уқ учмас энди,
Қолган ўқлар ўқдонда қолди.
Гумбурлаган садолар тинди,
Бевақт ажал армонда қолди.

Еч! — дедилар, шинелни ечдим,
Ил! — дедилар, қозиққа илдим.
Уч! — дедилар, чўлларга учдим,
Чўлни энди фронт деб билдим.

Жангга кирдим мағрур, мардона,
Хали-хали жангчиман, мана.

Кекса чавандозга

Сен сакраб миңасан отингга ҳамон,
Ҳамон сен эгарда енгил юрасан.
Демакки, кўзингга ёруғдир жаҳон,
Олисни бемалол кўриб турасан.

Манзилинг олисда. Йўлинг паст-баланд,
Довонлар ортида уфқ кулади.
Оппоқ, тик чўққилар худди каллақанд,
Сен юрган сари у яқин келади.

Хали у чўққидан ўтиб кетасан,
Тулпорнинг жilовин узоқ тутасан!

* * *

Содиқ дўст дейсан-у, итни эркалаб,
Юз-кўзин ўпгудек бўласан гоҳо.
Гоҳо етаклайсан сойни ёқалаб,
Тўхтаса тўхтайсан, юрасан гоҳо.

Дейсанки, ақли ҳам бир олам жаҳон,
Сўзингни уқади имодан ҳатто.
Хўш, нега у мени кўргани замон
Ириллаб қолади яниб, беибо!


Ахир мен дўстинг-ку, нега билмайди?
Минг мақта! Итлигин канда қилмайди!

Шоир Абдуллага

Сен борсан, ёзишга бормайди қўлим,
Сен менинг йўлимда катта «тўғаноқ».
Гарчанд-ку йўлингдан бошқача йўлим,
Мен оддий бир шамман, сен улкан чироқ!

Эҳтимол чироқ ҳам, шам ҳам кўп керак,
Нечундир мен журғат этолмайман ҳеч.
Шубҳа гирдобида ёнади юрак,
Ижодга ўтирсам хоҳ кундуз, хоҳ кеч.

Сенчалик оламни ёритмасам ҳам,
Керак-ку ҳаётда ахир оддий шам!



«АЛ-ЖАБР»

— Шаҳри Бағдодга соғ-саломат етиб келганингиз учун беҳад хурсандман, — деди уй эгаси Холид ибн Абдумалик кенг пешонали ёш меҳмон билан қучоқлашиб кўришар экан. — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо жаноблари қачон етиб келар эканлар, деб йўлингизга мунтазир эдик. Алҳамдулиллоҳ, яна дийдор кўришар эканмиз. Минг қатла шукрки, аввалгидек тетик ва бардам экансиз...

— Кўпдан буён кўришмаган икки дўст ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганларидан кейин кўрпачага ўтириб, фотиҳага қўл очдилар. Узун яқтакли, қотмадан келган уй хизматкори уларнинг олдида дастурхон ёзиб, барқашда турли ноз-неъматлар ва икки коса шарбат келтириб қўйди. Соч-соқолига оқ оралаб қолган ўрта ёшли мезбоннинг қўтловлари самимий, хурсандлиги табиий эди: меҳмони хоразмлик, ўзи Марвдан бўлгани учун ҳам мусофир юрtdа икковлари ҳамшаҳардай қадрдон бўлиб кетишган эди.

— Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ, Мусо ибн Шокир ва унинг ўғиллари соғ-саломат юрибдурларми? — дея таниш-билишларни суриштирди ёши ўттиздан ошган қалин қошли меҳмон.

— Алҳамдулиллоҳ, ҳаммалари эсон-омон. Сизни кўришга, суҳбатингиздан баҳраманд бўлишга муштоқдурлар.

Улар дастурхон устида Хуросонда бирга ўтказган кунларини, бошларидан кечирган воқеаларни эслаб, суҳбатлашиб ўтиришди. Мезбон тилининг учиде турган гапни айтиш учун пайт пойлаб, ахйри:

— Кечикиб келишингизнинг сабаби нима? — деб сўради, бир оз ноқулай бўлса ҳам. — Халифа ҳазратлари, на учун Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий кечикди, уни зудлик билан ҳузуримга жўнат, деб Хоразмшоҳга мактуб юборган эдим-ку, деганларини икки маротаба эшитдим. Нима ҳодиса юз бердики, шаҳри Бағдодга қадам ранжида қилгингиз келмади?

— Бунинг сабабини сизгагина айта оламан, — деди меҳмон ўйланқираб. — Маъмун Хуросон қўшини билан Бағдодни босиб олганидан сўнг ўз иниси Аминни қатл эттирганини, Озарбайжонда бошланган зардуштийлар қўзғолонини шафқатсизлик билан бостириб, асирларни ўлдираётганини эшитиб, бу ерга келишга оёғим тортмай қолди. Оташпарастсан, деб беғуноҳ одамларни бола-чақаси билан қириб ташлаш — ўта золимлик-ку!

Холиқ ибн Абдумалик оқара бошлаган бошини қашиб, меҳмонига тегишди:

— Сизга ал-Мажусий деб лақаб қўйганлари бежис эмас экан, оташпарастларга бу қадар хайрихоҳ эканлигингизнинг сабаби энди маълум бўлди.

— Ҳа, бобом раҳматли зардушт дини раҳнамоларидан бири эдилар. Араб саркардаси Қутайба бинни Муслим Хоразмни босиб олганидан кейин ҳаммани зўрлаб ислом динига киритди. Хоразм ёзувини билатурғон одамларни ўлдиртириб, қадимий китобларимизни ёндириб юборди. Эски эътиқодларга содиқ бўлган бобом жон сақлаб қолиш учунгина араб тилида калима келтиришга мажбур бўлган эканлар.

— Ўтган ишга салавот, — деди уй эгаси меҳмоннинг чақнаган

кўзларига қулумсираб қараб: — Айтилган сўзни, отилган ўқни қайтариб бўлмас, деган мақол бор. — Харобага айланган Хоразм яна обод бўлиб, қаддини ростлаб олди, яна билим уруғлари ўсиб чиқа бошлади.

— Юртимизда эски маданият қўри бор эди-да! Қутайба бинни Муслим ёниб турган маърифат ўчоғини сўндиришга уринди, аммо бидъат-хурофот кули остида маърифат чўғлари қолган экан.

— Баракалло, халифа Маъмун саройига тўпланган олимлар яна илм-маърифат гулханига ўт қалаб юбордилар. Хоразм яна олимлар етиштира бошлади, ёпилиб қолган маърифат дарвозаси очилди. Келинг кечаги кунни ёдлаб, бугунги кунни заҳарламайлик. Имкониятлардан фойдаланиб қолайлик.

— Рост, мен ҳам шул мулоҳаза билан йўлга чиқишга мажбур бўлдим, — деди меҳмон қалин қошларини кериб қўйиб.

— Қаерда бўлсангиз ҳам халифа ҳазратлари сизни топтириб келтирар эдилар. Вазири аъзам ал-Фазл ибн Саҳл жаноблари ҳам сизни сабрсизлик билан кутаётган эдилар.

— Ҳа, ул киши Марв шаҳрида сарой вазири бўлиб турганларида менга хайрихоҳ бўлиб, кечалари мендан ҳинд ҳисобини ўрганур эдилар. Шул сабабдан бўлса керак, менга бир мактуб йўллаб, дарҳол пойтахтга етиб келишимни илтимос қилдилар. Шунинг учун тўғри келиб ул кишининг ҳузурларида бўлдим. Сир бой бермасликка уринсалар ҳам кечикиб келганим учун норози эканликлари афтларидан билиниб турар эди. Ҳар қалай мени яхши қабул этиб, икки-уч кун ўтмай ҳовли топиб беришни ваъда қилдилар.

— Меникига кела қолинг. Сиз учун алоҳида хона бор.

— Ташаккур. Сизни безовта қилишни истамайман. Карвонсарой хужрасида ором олиб, ўзимга келиб олай.

Улар аллавақтгача гаплашиб ўтириб, ўтган воқеаларни эсладилар.

Маъмуннинг отаси халифа Хорунарашид ўзининг эроний вазири Жаъфар ибн Яҳёни арзимаган бир гуноҳи учун қатл эттирган эди. Шундан кейин унга қарашли Эрон ва Хуросонда норозилик бошланди, у ер-бу ерда исёнлар кўтарилди. Хорунарашид уларни тинчйтиш учун ўзининг эроний жориясидан бўлган тўнғич ўғли Маъмунни Марв шаҳрига — Шарқий вилоятларнинг марказига катта ҳуқуқлар билан ҳоким қилиб юборади. Маъмун эронийларга имтиёзлар бериб, Хуросон ва Ўрта Осиёда етишган олимларни ўз атрофига тўплай бошлайди. Ҳар тарафдан кўҳна китобларни топтириб, кутубхонасини бойитади. Хоразмлик ёш олим Муҳаммад ибн Мусо унинг буйруғи билан Шарқий Афғонистон, Шимолий Ҳиндистонга боради, риёзат ва астрономияга доир бир талай илмий асарларни олиб келади.

Орадан кўп вақт ўтмай Хорунарашид оламдан ўтади. У иккинчи хотинидан бўлган ўғли Аминни тахт вориси қилиб тайинлаб кетган эди. Отасининг бу ишидан норози бўлган Маъмун тишини тишига қўйиб сабр қилиб туради, секин-аста туркий халқлардан аскар тўплаб, пойтахт Бағдодни босиб олишга тайёрлана бошлайди.

Маъмунга эргашиб Дажла бўйига келган Халид ибн Абдумалик қўрган-кечирганларини баён қилар экан, ал-Хоразмийнинг кўз ўнгидан даҳшатли манзаралар бирин-кетин ўта бошлади.

Бағдод шаҳри бўсағасидаги қонли жанглار, шаҳар қўрғонига шоти қўйиб чиқаётган қийиқ кўзли жангчиларнинг «урҳо-ур» деб қичқиришлари, у ер-бу ердан кўтарилган алангалар, кўксига найза санчилган аскарларнинг инграши, аёлларнинг дод-фарёдлари...

— Ниҳоят халифа Амин енгилиб, шаҳардан қочди. Уни тутиб, акаси олдига судраб келдилар. Эғнида йилтироқ пўлат совут, бошига дубулга кийган ака қиличнинг дастасини чангаллаб, дарҳол укасининг калласини олишни буюрди.

Маъмун Помир тоғларидан Испаниягача чўзилган ўлкаларга ҳукмдор бўлиб, ўзини халифа деб эълон қилганидан кейин бир қўли билан у ер-бу ерда бошланган халқ қўзғолонларини бостирса, иккинчи қўли билан

атрофига олимларни тўплаб, илм-фан учун кўплаб маблағ сарфлади. Байтул ҳикмат, яъни донишмандлар уйини ташкил қилиб, ҳинд, юнон, сурёний тилларида ёзилган кўҳна китобларни йиғдира бошлади.

— ... Абу Абдуллоҳ ибн Мусо ал-Хоразмийдек буюк олимнинг қаторимизга келиб қўшилганидан беҳад мамнунмиз. Марҳамат қилиб Байтул ҳикмат калитини қўлга олсалар... Ёш олимлар ва толибул илмлар у кишининг маслаҳати билан ҳар илмга доир китобларни айрим ҳужраларга жойлаб, рўйхатга олсалар...— деб гапида давом этди тўрдаги фил суягидан ясалган нақшли курси устида ўтирган Маъмун. Шойи, атлас чопон, юпқа жун чакмон қийган, бошлариға оқ салла ўраган олимлар катта уйнинг девори тагига солинган кўрпачаларда қўл қовуштириб ўтирар эдилар. Устидаги зардўз чопони кўзни қамаштирадиган оқ юзли, ранги тоза халифанинг ўнг томонидан жой олган ал-Хоразмий унинг гапини маъқуллаб бош эгиб қўяр эди.— Марв шаҳридан сандиқларда келтирилган ҳинд тилидаги асарлар тартибсиз ҳолда. Улардан энг муҳимларини араб тилига таржима қилишни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо жанобларига, астромуиё ва аструлуҳиёга доир китобларни юнон тилидан таржима қилишни Яҳё ибн Мусога топширсак...— Ёш халифа, оғзидан чиққан баъзи сўзларни тушунмай анграйиб қолган олимларга қараб: — Юнонийлар астранумиё деб илмул фалакни, аструлуҳиё деб илми нужумни айтадилар, астр юлдуз демакдир, — деб қўйди.

Кўпчилик индамай бош эгди.

Ўзидан уч ёш кичик бўлган Маъмуннинг ўз билимдонлигини кўз-кўз қилаётганлигини фаҳмлаган ал-Хоразмий эса ерга қараб қолди.

* * *

Байтул ҳикмат калити қўлига теккандан кейин ал-Хоразмий ёш олимлар билан бирга Ҳиндистон, Эрон, Искандариядан келтирилган китобларни тартибга сола бошлади. У кечкурун чарчаб уйига келар, овқатланиб, мизғиб олгандан кейин ярим кечагача ўтириб ишлар, ҳинд тилидаги кўҳна китобларни мутолаа қилар эди. Икки-уч йил ичида Байтул ҳикматдаги китоблар жой-жойини топди, шундан кейин у хотиржам бўлиб, ҳинд ҳисоби билан шуғуллана бошлади.

«Ҳиндлар сонларни рақамлар билан ёзишни кашф этганлар, аммо «1» сонининг аҳамиятини тушуниб етмаганлар, — деб ўзи билан ўзи гаплашар эди, беш шам ўрнатилган қандил ёруғида ишлаб ўтирар экан у.— Ахир икки — иккита бир, уч — учта бир, тўрт — тўртта бир ва ҳоказо.— Ҳиндлар жорий қилган тўққизлик саноқ тартиби билан катта сонларни қўшиш, айириш, қўпайтириш ва тақсим қилиш амримаҳол...»

Ал-Хоразмийнинг доим тайёр, садоқатли ёш хизматкори хўжайинининг баъзан ярим кечагача ўзи билан ўзи гаплашиб ишлаб ўтирганига ҳайрон қолар: «Нега бунча ўз жонига жабр бермаса?! Кундуз кунлари ишлагани етмасмикин? Халифа шундоғ ҳам маош бериб турибди-ку!» деб ўйлар эди.

II

Теварак-атрофдан деҳқонлар, кўчманчилар келиб, бозор қиладиган Дажла наҳри бўйидаги қишлоқ Абул Аббоснинг ўғли халифа Мансур замонида катта шаҳарга айланган эди. Юз минг қул эртадан кечгача ишлаб, халифа учун шоҳона кўшк ва саройлар, мулкдорлар, амалдорлар учун баланд гиштин иморатлар, савдогарлар учун мағозалар қуриб, шаҳарни икки қават қўрғон билан ихота этган эдилар. Кейин Дажла устига кўприк қурилиб, сўл қирғоғида катта бозор, усти ёпиқ расталар вужудга келди.

Халифа Маъмун эрта баҳорда бошланадиган тошқиндан кейин Дажла бўйидаги сарой боғига чиқиб истиқомат қилар эди.

Шаҳарнинг шимол томонидаги бу боғ қишин-ёзин кўм-кўк ҳурмо, лимун, шамшод ва савр дарахтлари билан қопланган эди. Хиёбонларда

нозланиб юрган товуслар ранг-баранг патларини ёйиб, ўз гўзалликларини кўз-кўз қилар, дарахтлар тагида ўтлаб юрган кийиклар бегона одамни кўрганда пишқириб, кўланқаси қуюқ дарахтлар орасига кириб кетар эдилар.

... Юрт ташвиши, (улуснинг можаросидан чарчаган халифа тўлқинланиб оқаётган Дажла дарёсига қараб, созанда ва хонандаларнинг хонишини тинглаб ўзига келди. Кейин яна юрт ташвиши юрагини кемира бошлади. «Бобак қўзғолани борган сари авж олаётир, бошқа элатлар ҳам озарийлардан ўрнак олиб, исён туғини кўтармасмикинлар? Бизга қарашли мамлакатларга фитначилар кираётганмикин?» деб ўйлади у юраги сиқилиб ва дарҳол чопар юбориб, вазири аъзамни ўз ҳузурига чорлатди.

— Шаҳар тинчми, юрт осойиштами? Нима янгиликлар бор?— деб сўради у, сарой боғига зудлик билан етиб келган ал-Фазлнинг саломига алик олиб.

— Пойтахт тинч, сиздан миннатдор бўлган шаҳар аҳолиси дуойи жонингизни қилиб ётибдурлар.

Маъмун, одат тусига кириб қолган бу гапларни такрорлайверманг, дегандек қовоғини уйиб қўл силтади.

— Юқорига чиқиб, ёнимга ўтиринг. Ҳеч нарсани яширмай мамлакатнинг хорижий ва доҳилий ишларидан мени хабардор қилинг.

Соч-соқолига оқ оралаган бўлишига қарамай ҳали тетик ал-Фазл ибн Саҳл қоматини тиклаб, дарё бўйидаги шийпонга кўтарилди-да, ўзидан анча ёш халифанинг қаршисида тиз чўкди.

— Жанобларига тобе ҳукмдорлар ўз вақтида бож-хирож тўлаб турибдурлар,— деди у нафасини ростлаб,— аммо Ўтрор шоҳи итоат ипини узиб, ўз вазифасини ўташдан бош тортаётир.

— Яъни, бож-хирож тўлагиси келмаётир-а? Ундоғ бўлса чорасини кўриш керак.

Маъмун оппоқ қўлини кенг пешонасига тираганича ўйга толди.

— Афсуски, ҳозир унинг устига қўшин юбора олмаймиз,— деди у бир оздан кейин вазирга қараб.— Аскарларимиз озарийлар исёнини бостириш билан овора. Вақтинча муроса йўлига ўтиш керак. Ҳукмдор ҳар вақт қилич ва қамчинни ишга солавермайдур. Баъзан итоатдан бош тортган тобеъларни яхшилик билан йўлга солишга мажбур бўладур. Сиз Ўтрор шоҳига совға-салом юбориб, бир йиллик хирож сеники, келаси йилдан бошлаб, ўз вазифангни ўташдан умидвормиз, деган мазмунда мактуб йўлланг. Агар бир санадан кейин ҳам оёғини тираб туриб олса, унга қарши қорлиқ хони Жабғуни қайраб солурмиз! Душманни унинг ғаними қўли билан бартараф қилмоқ керак.

— Хўш, яна қандай янгиликлар бор?

— Турк Афшин озарийлар билан жанг қилиб, бир минг асир олибдур.

— Офарин! Афшинни жангу жадалга рағбатлантириш керак. Жанг олиб борган кунлари унга ўн минг дирҳам, уруш бўлмаган кунлари икки ҳисса кам маош тўлаб турмоқ лозим. Асир олинган ўтпарастлар, бола-чақалари билан қиличдан ўтказилсин. Фармонимни ёзиб олинг.

— Бош устига! Сизнинг ҳар амрингизга тобеъ, буйруқларингизни бажо келтиришга тайёрман. Сиздек улуғ ва адолатли халифага хизмат қилганим учун ўзимни бахтли сезаман. Ҳимоятингиз остида маърифат кучлари жаҳолат деворига раҳна солмоқда, илму фан ривож топмоқда...

Вазирнинг хушомадгўйлиги халифага эриш туюлса ҳам негадир ундан юраги ором оларди.

Халифа халқ қўзғонларини бостириш тўғрисида гапирётганида қовоғини уюб, муштини қисар, олимларнинг кашфиётлари тўғрисида гапирётганида кузи ёришиб, ундан нур ёғила бошлар эди. Фурсат топганида илми нужум билан шуғулланадиган ал-Фазл бу ҳолни кўриб «Маъмун жуда мураккаб, бир-бирига зид хислатлардан таркиб топган одам,— деб ўйлади.— Унда нур ва зулмат, латофат ва касофат бор. Шуни тан олиш керакки, олимларга ҳомийлик қилиб, уларни ўз қаноғи остига олган, аҳмоқ ҳукмдорларгина илм аҳлига нисбатан адолатсиз бўладурлар».

Шийпон ёнида қад кўтарган сарв дарахтлари унинг кўнглидан ўтаётган фикрларни илғаб олгандай гўё бош чайқар ва шивирлашар эдилар.

— III

Байтул ҳикматда ал-Хоразмийнинг «Ҳисоби ал-ҳинд» деган асари муҳокамага қўйилган, олимлар қаторида ер ўловчи массоҳлар, муфтилар, уламолар ҳам бу мажлисга қақирилган эди.

Оқ шойи кўйлак устидан узун энгли қизил чопон кийган, тақяси устидан оқсалла ўраган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий катта танобий уйнинг икки чеккасида чордана қуриб ўтирган олимларни ўз асарининг мазмуни билан таништирар эди:

— ... Илгари араблар ва уларга тобеъ мусулмон халқлар ҳисоб амалларини рақамлар билан эмас, сўзлар ёрдами билан бажарар эдилар, — деб гапида давом этди у. — Ҳиндлар эса ҳар бир сонни алоҳида белги, яъни рақамлар билан ифода этадурлар. Мана кўринг. — У ўрнидан туриб, деворга тираб қўйилган узун, энсиз қора тахтага оқ бўр билан тўққизгача бўлган рақамларни ёзиб кўрсатди. Мана буниси бир, бу — икки, бу — уч ва ҳоказо. Биз шу рақамларни баъзи ислоҳлар билан қабул қилиб олиб, ҳисоб амалларини улар ёрдами билан ҳал қилиш йўлига ўтишимиз керак. — У бир-бирлари билан шивирлашиб гаплашаётган шайхулислом билан қозикол куззотга тикилиб қараб турди-да, улар гапдан тўхтаганларидан кейин сўзини давом эттирди. — Ҳиндларда тўққизлик санок тартиби жорий бўлиб, улар «1» рақамининг аҳамиятини тушунмаган эдилар. Менинг ҳинд ҳисобига киритган янгилигим шулки, «1» рақами ёнига бир ҳалқа, яъни сифр¹ қўйиб, уни «ўн» деб ўқидим. — У тахтага «10» рақамини ёзиб кўрсатди. — Ўнлик санок тартиби билан катта сонларни жам ва тарҳ қилиш, зарб ва тақсим этиш осон. — У қора тахтага тўрт хонали сонларни ёзиб, уларни бир-бирига кўпайтириб кўрсатди.²

Олимларнинг баъзилари ҳаяжонга келган эди. Халифанинг сўл томонида ўтирган вазир ал-Фазл беихтиёр ўрнидан туриб кетди:

— Бу — улуг кашфиёт! — деб юборди у. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий жаноблари эшиклари берк илми риёзийнинг калидларини топиб қўлимизга топширдилар. Ҳеч бир араб олими ҳал қилмаган муаммоларни ечиб, бизни ҳинд рақамлари билан таништирдилар. Энди буларни араб рақамлари деб атаймиз, — деди у, қора тахтани қўли билан кўрсатиб.

— Ҳиндлар мажусий ва жодугар халқ! — деб тўнғиллади соқоли кўксига тушган шайхулислом. — Агар бир муслимга уларнинг қўллари тегиб кетса, ювиб тозалаш, берган таомини итга ташлаш даркор. Эшитишимча, ҳиндлар ҳандасий шакллар ва рақамлар билан фол очар эканлар. Бас шундай экан, биз қандай қилиб уларнинг рақамларини қабул қилиб олурмиз? Ал-Хоразмий бизни ҳинд халқи билан яқинлаштириб, уларнинг урф-одатларини сингдирмоқчи. Эшитишимча, ул кишининг ота-боболари оташпараст мажусий экан!

— Рост! — деб унинг гапини тасдиқлади мош-биринч соқолли, икки бети қип-қизил қозикол-куззот. — Шуни айтиб ўтайки, ҳиндлар биз араблар сингари ўнгдан сўлга эмас, сўлдан ўнгга қараб ёзадурлар. Илми ҳисоб уларнинг диний эътиқодлари билан чамбарчас боғланган. Масалан, бир сони — ота, икки сони — икки кўз, уч сони Агний деган «худо»ларининг рамзидир ва ҳоказо. Биз қандай қилиб, бу бидъатчи халқнинг рақамларини араб рақамлари деб атаймиз? Ҳиндлар сеҳргар халқ. Улар сочларини қирдирмай, тирноқларини кесдирмайдурлар, сигир гўштини емайдурлар, аммо баданларига янги сигир тезагини суртадурлар! Рақамларини узун қора тахтага оқ кесак билан ёзадурлар! — шанғилларди у, деворга тираб қўйилган тахтага ишора қилиб.

¹ Сифр — ноль.

² Европада «Алгоритм» (Алхоразм) сўзи ўнлик санок системасининг синоними ўрнида ишлатилади.

Ал-Хоразмий тишини тишига қўйиб, қалин қошларини чимириб индамай ўтирар: «Қозикол куззот ҳинд судхўрлари билан бирга иш олиб боради, деб эшитган эдим, рост экан-да, — деб кўнглидан ўтказди у. — Бўлмаса, ҳинд урф-одатларини қаердан билади? Бу мутаассиб муллолардан ҳар балони кутиш мумкин. Аммо халифанинг менга хайрихоҳлиги чехрасидан маълум...»

Фил суягидан ясалган курси устида пинагини бузмай ўтирган Маъмун уламоларни бу мажлисга чақирганидан ўқиниб ўтирганида Холид ибн Абдумалик сўз олди.

— Илм ўрганиш мусулмон эр ва аёллар учун ҳам фарз, ҳам қарз, — деб гап бошлади марвлик кекса олим титраган овоз билан. — Буни ёдимизда тутмоғимиз лозим. Расулиллоҳ, илмни Чин-мочинга бориб бўлса ҳам ўрган, деганлар. Қолбуки хитойлар ҳам ҳиндлар синга-ри кофир. Ит, илон, калтакесак этини ейдурлар...

Қозикол куззот ўзини тутолмай: «Улар сигир тезагини баданларига суртмайдурлар», демоқчи эди-ю, лекин қовоқларини солиб ўтирган Маъмунга кўзи тушиб қолиб тилини тийди.

— Хитойлар... хитойлар ҳандасий шакллар, рақамлар билан фол очмайдурлар... — деди аста.

— Ҳар бир халқда ҳам яхши-ёмон одатлар бор: бидъат, хурофот бор, аммо шу билан бирга мунаввар фикрли одамлар вужудга келтирган илм-фан ҳам мавжуд. Биз улар яшнатган маърифат гулшанидан илм уруғларини териб олиб ўстирмоғимиз даркор...

Илм учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлган бу кекса олим забардаст уламолардан қўрқмай ҳақиқатни ҳимоя қилар эди.

Халифа чўзилиб кетган тортишувга яқун ясаб:

— Ҳақиқат мунозаралар орқали очиладур, деган гап бор, — деб сўз бошлади. — Ҳар икки томоннинг ҳам фикрларини эшитдик. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг ёзган китоблари, кашфиётлари устида ҳали кўп мулоҳазалар юргизамиз. Аммо биз ўз ишимизда ҳадиёи муқаддасга амал қилиб, ҳар бир халқнинг илм-фанини ўрганишимиз, билим уруғларини бидъат-хурофот балчиғидан тозалаб, аҳли муслимнинг миясига қадашимиз лозим...

У сўзининг охирида мунозарага чиқиб, ўз фикрларини айтган олимлар, уламоларга ташаккур билдирди-да, бу масалани ҳал қилиш учун бир мажлис кифоя қилмаслигини таъкидлаб гапни тамом қилди.

У муллоларнинг калтабинлигига, ҳинд рақамларини қўллашнинг аҳамиятига ақллари етмаганлигига ҳайрон қолар эди.

IV

— Ажойиб лойиха, — деди ал-Хоразмий, тўрт бурчак қоғоздаги шаклларни диққат билан кўздан кечирар экан. — Расадхонанинг катталиги Батлимуснинг «ал-Мажистий»¹ сйда кўрсатилган ҳажмда: уч қаватли, доира шаклида, учинчи қават устида қуёш соати ва бошқа асбоблар учун жой ажратилган.

— Лойиҳани устоз Холид ибн Абдумалик билан бирга тузган эдик, сизга манзур бўлганидан беҳад мамнунман, — деди хурсандлигидан қийиқ кўзлари юмилиб, кулчадек юзи ёришиб кетган Аҳмад ал-Фарғоний.

— Шунинг учун ҳам унинг камчилигини топа олмадим шекилли, лекин ўзингиз Искандария шаҳрига бориб, Батлимус расадхонасини кўриб келсангиз, лойиҳанинг нуқсонларини пайқаб, унга ислоҳ киритсангиз... Агар Мусо бинни Шокирнинг икки ўғли билан Ўрта ер денгизи соҳилига саёҳат қилсангиз, ҳам баҳри дилингиз очилган, ҳам фойдали маълумотлар олган бўлур эдингиз.

— Рост, улуг юнон олими яшаган шаҳарни, расадхонани зиёрат қилиб келишнинг ўзи кишига илҳом бағишлайдур, борганим бўлсин!

— Мен эртага вазири аъзам билан сўзлашиб, сизлар учун керакли

¹ Балтимус — Птолемей. II асрда Александрия (Искандария) шаҳрида астрономия билан шуғулланган олим. Унинг «Алмагест» деган асарини араблар «ал-Мажистий» деб таржима қилганлар.

маблағларни олиб берурман. У киши ҳам, халифа ҳам бу улуг иш учун дирхам ва динарларини аямаслар.

Маъмун Бағдод яқинида, шаҳар чанги ва тутунидан узоқда бўлган «Шамосия» тепалиги устида расадхона қуриш ниятида эди. Олимлар, меъморлар унинг амрини бажо келтириш учун ишга тушиб кетган, усталар тепалик атрофидаги кулбаларни бузиб, ер текислаш билан банд эдилар. Аҳмад ал-Фарғоний икки ёш олим билан Александрия шаҳрига бориб қадимий расадхонанинг ҳар бир бўлагини, ер остидаги қисмини кўриб чиқиб, лойиҳани ниҳоясига етказдилар. Илм-маърифат аҳли улардан беҳад хурсанд, уламолар эса ислом дини ақидаларига қадимги юнон файласуфларининг таъсири кучаяётганидан хавотирда эдилар.

* * *

— Шариат оёқ ости бўлмоқда, Байтул ҳикматда уя қуриб олган жодугарлар динга хилоф ақидаларни, қадимги мажусий олимларнинг маслақларини тарғиб этмоқдалар, — деди бир кўзи юмилиб қолган оппоқ соқолли шайхулислом уй эгасига қийшайиб қараб. У Бағдод шаҳри қозиюл кузотининг уйига меҳмон бўлиб келган эди. — Бу балойи офатнинг олдини олиш мумкинмасмикин?

— Йўқ, — деди сочлари оқара бошлаган тетиккина мезбон. — Сув бошидан лойқа. Халифанинг ўзи бу шаккок одамларга бош бўлиб, шариат булогини лойқатмоқда: қадимий юнон олимларининг асарларини таржима қилдирмоқда. Марв вилоятидаги Сарахс шаҳрида таваллуд этган келгинди ал-Фазл ибн Саҳл — вазири аъзам, хоразмлик Мусо ибн Муҳаммад Байтул-ҳикматнинг бош китобдори, Фарғонаю Марвдан келган муҳандису мунажжимлар — саройда энг мўътабар одамлар. Бағдод шаҳрида юз бераётган бу бебошликни кўриб, бош олиб кетгинг келадур!

— Елғиз сиз билан биз эмас, аъёнлар, аскарбошилар орасида ҳам норозилик бошланган, — деди кекса меҳмон. — Эсингиздами, Хорунарашид замонида ҳам худди шундай аҳвол юз берган, давлат ишларини эронийлар эгаллаб олган эдилар. Марҳум халифа бир баҳона топиб эроний вазирни қатл эттирган, бу билан араб акобирларини тинчитган эди.

— Ҳа, эсимда бор! — Уй эгаси жилмайиб қўйди. — Ҳаммамиз Хорунарашиднинг бу қилган ишидан мамнун бўлган, мамлакат жиловчи яна араблар қўлига ўтган эди. Тарих такрорланадур, деган ҳикматли гап бор. Сабр қилиб турайлик, шояд марҳум халифанинг руҳи мададга келса-ю, Эрону Турон тазйиқидан қутулсак! Кулфатга кўникиб юраверилса, борган сари унинг юки оғирлашур. Ожиз одамларгина ўз қисматларига кўникиб юраверадурлар.

— Аммо эҳтиёткорликни ҳам қўлдан бермаслик керак. Агар биз шул ишга журъат қилсак, Маъмун ғазаб отига миниб, қўлига жазо қиличини олмасмикин?

— Қўрқмасинлар. Халифа ҳеч қачон ўз давлатининг устунларига болта урмайдур, суянчиғи бўлган араб заминдорлари, акобирларига зиён-заҳмат етказмайдур. Ахир бизнинг фойдамизни кўзлаб солиб қуллар, ялангоёқ деҳқонлар исёнини қонга ботираётир! Эшитишимча, Маъмун кечалари илми нужум билан шуғулланиб, давлат ишларини ташлаб қўйган вазиридан ҳам норози экан.

— Таваккал қилган кишининг ишига худо ривож берадур. Етиб қолгандан отиб қолган яхши! — деб юборди меҳмон овози қалтираб. — Яхши гапга ҳам фаришталар «омин» дейдурлар, ёмон гапга ҳам.

Улар дастурхон устида алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Гўё деворларнинг қулоғи бордек, баъзан у ёқ-бу ёққа аланглаб, товуш чиқармай пичирлашар эдилар.

V

Расадхона қурилиши жадал суръатлар билан борар, бош меъмор ҳам, усталар, олимлар ҳам ишнинг боришидан хурсанд эдилар. Диаметри эллик метр бўлган доира шаклидаги уч қаватли расадхона қурилиб битишига оз фурсат қолганда юз берган даҳшатли бир воқеа илм-маърифат аҳлини

саросимага солиб қўйди. Олимларнинг ҳомийси бўлган вазири аъзам ал-Фазл ибн Саҳл ҳаммомда номаълум бир одам томонидан ўлдирилган, суиқасдчилар жинойт ипининг учини беркитиб кетган эдилар.

Қутилмаган бу фожеий ҳодисадан олимларнинг руҳи тушиб, қўллари ишга бормаи қолди. Илм аҳли қазога учраган мунажжим ва давлат арбоби Абу Саҳлни тантана билан дафн этиб, минг хил фикр билан бошлари қотган ҳолда турар жойларига қайтдилар.

Ал-Хоразмий ҳам чуқур қайғуга ботган, олимларнинг ҳомийси бўлган вазирининг ўлимига қисман ўзи сабабчи бўлганини ўйлаб, азоб чекар эди. «У ҳар вақт мени, уламоларга ёқмаган кашфиётимни ҳимоя қилиб келар эди, — деб ўйлар эди. — Қисман унинг ғайрати билан ҳинд рақамлари қабул қилиниб, араб рақамлари деб атала бошланди. Гўринг нурга тўлгур, хуросонлик, Урта осиелик мусофир олимларни ҳимоя қилиб келар эди. Шу сабабдан араб муллолари, акобирлари унинг бошига етдилар...»

У ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирганида Аҳмад ал-Фарғоний келиб қолди. — Э, келинг, келинг, нима қилишимни билмай хуноб бўлиб ўтирган эдим, — деди саломига алик олиб. — Қани бу ёққа чиқинг.

— Мен ҳам бошимни қаёққа уришимни билмай, ўзимни чалғитиб, ғамларимни унутиш учун тўғри сизникига қараб йўл олдим, — қовоғидан қор ёғиб турган ал-Фарғоний меҳмонхона тўрига солинган кўрпачага ўтириб, юзига фотиҳа тортди. — Қандай улуг ва покиза одамдан айрилганимиз энди билинди. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб бекорга айтмаганлар.

Улар марҳум вазир тўғрисида гаплашиб ўтирдилар.

— Халифа жинойтчиларни ушлаб, жазоларини берармикин? Ахир бул ишни шундоқлигича қолдириб бўлмайдур-ку! — деди ёш меҳмон хуноб бўлиб.

Ал-Хоразмий унга қараб туриб, бир оздан кейин:

— Бул ҳодисанинг илдизи чуқур, ул Хорунарашид замонидаги Жаъфар ибн Яҳё фожиасига ўхшайдур, — деди қовоғини солиб. — Халифа бир чора кўришдан олдин ишининг оқибати устида бош қотирар, она уруғини рози қиламан деб, ота уруғини ерга урмас. У етти ўлчаб, бир кесадиган, эҳтиёткор ҳукмдор тоифасидан.

— Тушунарли. У қайнаб турган қозонни ёпиқлигича қолдирса керак, ҳақиқий жинойтчилар жазосиз қолдирилмағай деб ўйлайман.

— Шундоғ.

Бошда саросимага тушган бошқа олимлар ҳам вақт ўтиши билан ўзларига келиб, ўз ишларига бошлари билан шўнғиб кетдилар. Даҳшатли фожиадан бир йил ўтгандан кейин расадхона ҳам қурилиб бўлди¹. Алломалар ўн ҳисса ғайрат билан самовий жисмларни ўрганишга киришиб кетдилар.

Ал-Хоразмий кечаларини юлдузларнинг ҳаракатини ўрганиш билан ўтказар, Птоломейнинг жадвалида хатолар борлигини аниқлаб, унга тузатишлар киритар эди. Бу иш билан боғлиқ бўлган кўп масалаларни ҳал қилишда илми ҳисоб, тўрт амал ҳам иш беролмаслигини пайқаб боши қотар, ер ўлчаш ишлари билан шуғулланувчи массоҳлар, мерос тақсим қилиш каби ишлар билан шуғулланувчи муфтилар ҳам кўп риёзий муаммоларни ечишда қийналиб, ундан маслаҳат сўрар эдилар.

У кечаю кундуз бир типдаги ҳисоб масалаларини ҳал қилиш учун умумий усул қидириш билан банд бўлди. Машаққат чекиб, мушкул ҳисоб масалаларини ҳал қилиш учун номаълум бир сонни тенгламалар орқали топиш йўлини кашф этди. Унинг «Ал-жабр ва ал-муқобала» асари Байтул ҳикматда муҳокама қилинди.

Бу мажлисга халифа Маъмун дин пешволарини чақиртирмади. Ҳақиқий олимларни кўролмайдиган ҳасадгўй мулалар бемаъни гапларни ўртага ташлаб, илм аҳлининг таъбларини хира қилишлари мумкин эди.

Одатдагидай бу сафар ҳам Байтул-ҳикмат мажлисига раислик қилган Маъмун:

¹ 819 йил.

— Абу Абдуллоҳ ибн Мусо янги илм кашф этиб, унга ал-жабр деб ажойиб ном қўйибдурлар. Илгари илми ҳисоб бор эди, лекин самовий жисмлар орасидаги масофани белгилаш, ер ўлчаш, мерос тақсим қилиш ишида учрайдиган мушкул масалаларни ҳисоб илми, тўрт амал ёрдами билан ҳал қилиш мумкин эмасди. Ал-Хоразмий жаноблари бу қийинчиликларни бартараф этганлар, мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун уларга мажхул бир сон киритиб, уларни муодала¹ орқали, ҳарфлар ва сонлар ёрдами билан ечиш йўлини топганлар. Бу шундай улуг кашфиётки, юз йил, балки минг йилдан кейин ҳам одамлар амалий масалаларни ҳал қилиш учун бу илмга мурожаат этгусидирлар. Ал-жабр деган истилоҳ абадий сақланиб қолгусидур... — деди.

— Бу мушкул илмнинг моҳиятини уч-тўрт жумла билан, дунда қилиб таърифлаб берганингиз учун беҳад хурсандман, — Ал-Хоразмий юзи ёришиб, халифага таъзим қилди. — Олимларга хайрихоҳ бўлган ҳукмдорлар давридагина илм-фан олдидаги тўсиқлар бартараф қилиниб, уйқуда ётган ақл-фаросат уйғонгусидир.

— Илми ал-жабр бамисоли тиканли дарахт, жабрга чидаган одамгина унинг устига чиқиб, меваларидан баҳраманд бўлғай, — деб аския қилди ал-Фарғоний.

Олимлар кулиб унинг гапини тасдиқладилар. Улар чўлда юриб, кудук ёнига етиб келган йўловчилардек хурсанд эдилар.

* * *

Орадан асрлар ўтди. Ислом олами таназзулга учраб, илм аҳли бўйнига итоат ҳалқаси тушди. Олимлар вужудга келтирган маърифат хазиналарини чанг босди. Кейинча европаликлар қўлига ўтиб кетди. Уни юзага чиқара бошладилар. Хоразмийнинг «Ал-жабр» деб аталмиш улуг асари XII асрда латин тилида босилиб чиқди. Кейинча французлар уни «алгебра» деб таржима қилдилар. Асрлар бир-бирини қувиб ўтавердилар. Улуг Октябрь алангаси бидъат-хурофотни ёндириб юбориб, янги ҳаётнинг гўзал қиёфасини кўрсатди. Шарқ халқлари ғафлат уйқусидан уйғониб, асрлар тўзони остида қолиб кетган маърифат хазинасини ахтара бошладилар.

«Ал-жабр» илми Ғарбий Европадан Россия орқали «алгебра» шаклида ўзимизга қайтиб келди.

¹ Муодала — тенглама.

Ҳабиб
Саъдулла

НУР ҚАДРИ



Монтёрлар

Монтёрлар ишида ажиб ҳикмат бор,
Уйларга нур олиб киришар улар
Ва лекин шу қўша симда шиддаткор
Нур билан ажал ҳам ёнма-ён юрар.
Элга чироқ ёқмоқ бўлгач муддао,
Улимдан қўрқмагай асло мард киши.
Фидойи одамлар ташийди зиё,
Монтёрликка ўхшар уларнинг иши.

Усмон Носир сўзи

Мен қуёшдай боқийликни
Орзу қилмадим
Е ой бўлиб тунлар бағрин
Еритмоқни ҳам.
Юлдуз каби, мангуликни
Эзгу билмадим,
Мангу яшаб қолган зотни
Кам кўрган бу олам.

Зотан кўҳна тарих учун
Хатто бир аср —
Бир бор мижжа қоқилгунча
Утгувчи фурсат.
Нечун юз йил яшаб юрмоқ
Қалб бўлса басир,
Замин дарди гар кўнглингдан
Бегона турса.

Ачинмайман,
Шундоқ бўлди
Умримнинг йўли,
Вамисоли оний чақмоқ,

Ёндиму ўчдим.
Бир хонада тутамдим
Юз йил шам бўлиб,
Ярқ этдим-у бир лаҳзага,
Оламни қучдим.

Бир лаҳзалик зиё бўлиб
Кирдим қалбларга
Ва бир лаҳза қўрқоқларни
Даҳшатга солдим.
Юрагимни зарра-зарра
Тўқдим дафтарга,
Оний илҳом боҳи айлаган
Шеър бўлиб қолдим.

Она юргга муҳаббатинг
Изҳор этгали
Шарт эмасдир узоқ йиллар
Сўзлаш ҳикоя,
Дилда борин ўз халқингга
Айтиб кетгали
Шойрга бир чақмоқ умри
Қилар кифоя.

Севилим

Агар оддийгина бир аёл бўлсанг,
Тенгсиз соҳибжамол, баркамол бўлсанг,
Шириймақол бўлсанг,
Лафзи бол бўлсанг,
Не бўлсанг ҳам, оддий бир аёл бўлсанг,
Шунча куймасмидим доғингда...

Эртакдаги пари, ҳур бўлсанг, балки,
Лаъли лаб, гишлари дур бўлсанг, балки,
Умримни ёритган нур бўлсанг, балки,
Эртакдаги пари, ҳур бўлсанг, балки
Шунча куймасмидим доғингда...

Йўқ, на соҳибжамол ва на малаксан,
Мени қуришаб турган чексиз фалаксан.
Дарду доғинг билан менга кераксан,
Дунёда боримдан бир хушдараксан,
Ҳаётим тоғлидир хаёл боғингда.

Жонимни йўлингга қўйиб севмасам,
Азобинг роҳатдай тўйиб севмасам,
Ҳижронда жонимдан тўйиб севмасам,
Жонимни йўлингга қўйиб севмасам,
Шунча куйармидим доғингда...

Қадр

Сени йўқотдим-у, бадавлат қалбим
Қиз чиқарган уйдаи бўшади-қолди.
Ҳатто табассумни унутди лабим,
Дардди қўшиғим ҳам ҳатто йўқолди.
Сен ёнимда эдинг,
Сезмабман, ажаб,
Жисмимга жон каби сингиб кетганинг,
Ғолиб юрар эдим бепарво қараб,

Бугун билдим мени енгиб кетганинг,
Шунча юксак экан қадринг, азизам,
Сен туфайли экан қаддим ғозлиги.
Яна сен туфайли мағрур бошим ҳам,
Қайлардасан, менинг нозик нозлигим.
Қизиқ фалсафани кашф этмиш ҳаёт
Олмоқ-чун бепарво қалблардан ўчин:
Топганинг йўқотмоқ шарт бўлса, наҳот,
Оқибат қадрига етмоқлик учун.

«Гап»

Оғда юрганымдан сенга не зарар
Е пидда қолсам сенга қандай наф?
Соядай эргашиб шом ила саҳар,
Нечун ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, «Гап»?

Таъзим бажо этсам хушомадгүй, деб
Салом бермай ўтсам гердайган атаб,
Ҳар бир қадамимни этурсан таъқиб,
Нечун ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, «Гап»?

Хандон давра қурсам дўстларим билан,
Пулдор, бойвачча, деб юрасан айблаб.

Елғиз қолсам зиқна, хасис, деб бирдан,
Яна ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, «Гап».

Менинг-ку қўлимдан келмас ёмонлик,
Яхшилик қилсам ҳам турмайсан қараб.
Қачон топаркинман сендан омонлик,
Нечун ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, «Гап»?

Тирик экан сендан қутилмас одам,
Гўрга ҳам борасан вижирлаб, қайнаб.
Ҳеч ўлмайн, дейман, қолдириб доғда,
Чунки қабримда ҳам тинч қўймайсан, «Гап».

Суюнчиқ

Сен суюнган чинор қулаб ҳам кетди,
Йиқилди бошингда соябон тоғлар.
Боқ, бугун боғаро мағрур қад керди
Сен кўзга иллаган жажжи ниҳоллар.

Бўрон камон каби эгса-да белин,
Боши ерга тегиб тортса ҳам азоб,
Ниҳоллар тикланур ўзига келиб,
Барча қийноқларга бера олғай тоб.

Мангу суюнчиғинг бўлолмас чинор,
Бошинг узра мангу турмагай соя.
Ахир бу ҳаётнинг ўз қонуни бор,
Неки бошланибди — топар ниҳоя.

Курашдан иборат бу ҳаёт боғи
Бўрон, довуллари кўп кўрган, кўргай,
Уртанмайин десанг довуллар чоғи,
Чинорга суюнмай яшаши ўрган.

Маяковский ҳақида ўйлаганингда, энг аввало, шеъриятнинг фаол ижтимоий куч экани хотирингга келади.

Жек ЛИНДСЕН

Чироқ

Танбеҳлар оламан кўпинча
Гоҳ онам, гоҳ эса хотиндан:
— Паришон бўлмасанг, эҳ, мунча,
Чироқни ўчирмай кетибсан.

Ишда ҳам хунобдир ўртоқлар:
— Кор эрур на койиш, на ҳайфсан.
Хонангда ёнибди то саҳар,
Чироқни ўчирмай кетибсан!

Шиорлар ҳайқирар завқ билан
«Тежангиз электр қувватин!»

Мен кирган хонамда шавқ билан
Бурайман чироқлар мурватин.

Эҳтимол тежамкор муҳаррир,
«Тузат» деб босмас ҳам шеғримни.
Шунақа яшадим мен, ахир,
Кечдир таҳрир қилмоқ умримни.

Танишу нотаниш ҳар одам
Шу айбим койигай, негай мен?
Шу тарзда, ҳаттоки, дунёдан
Чироқни ўчирмай кетармен.

Наманган

Низомжон Парда

САФАР САТРАРИ

Атлантика

Дилга тушда меҳринг ўти,
Боқдим севиб қий-қий.
Бош-оёгинг икки қутб,
Бир томонинг Евросий.
Олис қирғоқ кўкаламзор,
Боғ, зироат, яшил майса.
Тиним билмай, бўлиб бедор,
Қишин-ёзин гувиллайсан
Кўш қитғага тираб елка,
Атлантика, Атлантика.

Кундуздан сўнг тун келади,
Тун оқариб бўлар саҳар.
Ҳамон ўша мовий кенглик,
Ҳамон ўша шағарр-шағарр...
Оппоқ сувни айрон қилиб
Сарин, эрка ел шофирар.
Мунча тансиқ, мунча илиқ,
Мунча хузурсан, ёпирай.
Сигмай кетдим бу кенгликка,
Атлантика, Атлантика.

Сийраклашар оппоқ кўпик,
Ўрнин олар хира соя,
Хув ана, не катталашур,
Оролмикин ёки қоя?
Ёки Колумб кечган йўлда

Чечак ёзар қўнғир ўтлар?
Ё бир-бирин қувиб ўтар
Маржон, полип, кит, булутлар?
Ё яқинмиз айсбергга?
Атлантика, Атлантика!

На чўққи-ю, на-да орол,
На яшил, на қўнғир ўтлар,
На айсбергдир бу, эҳтимол,
На-да маржон, кит, булутлар...
Тўғри бўлмас ҳаммавақт ҳам
Уммон тинч деган таъбир.
Балки бунда «Сув ости»лар¹
Ажал орғиб кетмоқдадир.
Қил уларни тилка-тилка,
Атлантика, Атлантика.

Кўкинг узра ҳамишалик
Чарақлаган офтоб бўлсин,
Қишин-ёзин мил-мил сувинг
Ферузадай шаффоф бўлсин;
Оппоқ-оппоқ шаҳарларинг
Соҳил бўйлаб садаф мисол,
Халқларининг толеига
Ҳаво хушбўй ва соф бўлсин,
Ўт тушмасин баҳри мулкка,
Атлантика, Атлантика!

¹ «Сув ости»лар — сув ости кемаларига ишора.

Узун ва кенг
Дарёларнинг
Белида оқ, ёйсимон
Кўприклар, денг,
Бу ерда энг
Мовийдир сув, осмон!

Пештоқи зар
Қаср, кўшклар
Сувда акси ярақлар.
Хатто томда
Нукра жомдай
Қубба-қубба дарахтлар.

Қумри, майна
Ғуж-ғуж, сайрар,
Ворлиқни тугар товуш.
Бўй кўргизар,
Кўлда сузар
Сариқбўйин ақоқуш.

Ҳа, турфа ранг,
Турфа оҳанг
Юксалса-да қуёшга,
Кўнглимни, бас,
Овлай олмас;
Менинг жаннатим бошқа...

Хайр, Париж!

Маршрут нуқтаси белгили,
Қатъий:
Гавр,
Руан,
Париж,
Версал, ҳоказо...
Кўкка,
Худоларга яқин бўлайлик деб,
Баланд уйлар қурган не казо-казо.

Қуюқ ўрмонларда гоҳо кўл бўлар,
Ғарам-ғарам пичан,

ўтин,
тараша.

Тугундай қорайган пастқам кулбалар
Букчайган, эгасига яраша.

Бировларда на у, на буниси бор.
Сўққабош,
Елланиб ишлагай фақир.
Тушига киргани ёпинчиқ, парча нон,
Хайла келгани ижара ҳақи.

Адолатли бўлса дунёнинг иши,
Юртининг эгаси аввало шулар...
Хув анов чорбоққа кирган ҳар киши
Эҳтимол, бу гапга қўшилар:

Тош ҳовуз ёнида кўҳна оқ сарой,
Паст-баланд ҳайкаллар, қўлда найзалар.
Уларнинг пойига бахш этар чирой
Ердай чўкиб ётган қора майсалар.

Майсалар ўрилар,
Кўкарар қайта,
Ўсган сайин яна солинар ўроқ,
Халқ ҳам шулар каби,
Қад тиклаган пайтда
Бўлмагай жаҳонда ундан ҳам зўрроқ.

Яширмоқ на ҳожат,
Эҳтиром ошар,

Тенгин суриштирсак агар хорижда,
Эл севган адиблар шу ерда яшар,
Бир сўз билан айтсак Париж Париж-да!

Лек менга писандмас унинг ҳайбати:
Қўшқават трамвай,
Троллейбуслар,
Пягца,
Мон Парнас,
Гранд Опера,
«Эйфел»га тикилган мастона кўзлар.

Тўғри,
Шиша каби, кўчалар тоза:

Музейан,
Ораста...
Нигоҳ қадалар:
Бири Сталинград, яна бошқаси
Севастополь,
Ленинград дея аталар:

О, тагин товланиб мисоли ёлқин,
Тагин эга тушдинг Ватан — Онажон!
Яша,
Яшна,
Юксал,
Ойдаи тўл,
Балқи,
Бунда ҳам сен ўзинг доврўқли жаҳон.

Шавқинг билан кўнгли кетди ёришиб,
Худди ялт этган нур қувди ғуборни.
Наинки биз,
Хатто гидимиз Мишель
«Катюша» қўшиғин бошлаб юборди.

Қўшиқ кишиларни боғлар эл билан,
Қўшиқни суйганлар билмагай қариш.
Кел,
Хайрлашгум сен суйган тил билан:
Мерси, Мишель, Мерси,
Арцар, Париж!

Ундаги мардонаворлик билан лириканинг, инсонпарварлик билан мурасасизликнинг узвий бирлиги шахсан мени ҳайратга солади.

Эдуардас МЕЖЕЛАИТИС

Баҳодир Муродалиев

ОҚТЎШ

Бостирма остида катта, қора ит олдинги оёғига жағини қўйганча ётибди. Унинг думи ва қулоқлари кесик. Тумшугининг учи, товуклар титавериб майинлашиб кетган тупроққа ботган. Қўзлари ярим юмик, гўё каттароқ очишга мажоли йўқ.

Ит кўринишдан ҳорғин, бепарво бўлса-да, тийрак қарайди. Унинг бутун диққати ҳашарчиларнинг айвондаги пойабзалларида. Пойабзаллар бор-йўғи тўртта: пойлари доимо оғиб турадиган қўнжиси калта этик, боғичсиз икки жуфт қора туфли ва челақ ёнидаги кэда. Булар итга бегона. Унга қарашлилари уч жуфт калиш. Калишлар ҳозир айвонда йўқ. Тонг-саҳар тарқалишади. Биринчи бўлиб Бека кигиздан патак солинганини сигир томонга судрайди. Қиз янги калишни оёғига илиб, пахтазорга жўнайди. Учи салгина йиртилиб, қизғиш латтаси чиқиб қолган калишни эса Хўжайин хирмонга кийиб кетади.

Хўжайин аввал далага этик киярди. Оёғи шишиб кетиб калиш киядиган бўлди. Этиги улкан эди, қўнжилари узун, кенг эди. Ит кучуклигида болалардан қочиб, ана шу этик ичида неча марталаб жон сақлаган. У пайтларда итнинг кўксидаги оқи билинмасди. Юнглари ҳозиргидек тимқора эмас, қизғиш, мушукниқидек майин эди. Болалар тортқилашганида юлиниб ҳам кетарди. Думи билан қулоқлари бус-бутун эди.

Кейинчалик қирқишиб... ўзига егизишган.

Хўжайин калиш киядиган бўлгач, этикка биров қарамади. Анча маҳал чанг босиб ётди, сўнгра қаёққадир ғойиб бўлди. Бу кутилмаганда юз берди. Ит айвонга чиққанида, этикнинг туравериш из бўлиб қолган ўрнига қўзи тушди. Шундагина этикнинг йўқолганини сизди. Искади, аммо қаерга олиб кетилганини билмади. Нарса ердан кўтарилдими, қайта ерга тушмаса, тамом, ҳидини топиш қийин.

Шу-шу айвонда уч жуфт калиш қолди. Ҳашарчиларнинг пойабзаллари булар сафига яқинда қўшилган. Уша куни ит кўнимини йўқотди. Қанча оёқ-кийим кўпайса итга шунча яхши. Ахир, уйга кириб кетганлардан қоладиган бирдан-бир нишона шулар. Шулар ёлғизликни билинтирмайди. Бироқ ҳашарчиларнинг пойабзаллари дастлабки кунларданок пала-партиш ечиладиган, ҳатто ичкарига кириб кетадиган бўлди. Гоҳида қўнжиси калта этик билан кэда калишлар устига чиқиб қолади. Бу — итнинг ғашига тегади.

Оқтўш Оқтўш бўлгандан бери уларникига не-не пойабзаллар келиб кетмади. Лекин ҳеч қайсиси буларчалик кўп туришмаган, бетартиб бўлмаган. Бундай меҳмонларнинг уларникига биринчи боб қўниши...

— Оқтўш!

Ит Беканинг овозини эшитиб, сапчиб ўрнидан турди. Бутун гавдаси билан силкиниб, юнгига ёпишган тупроқ қўйқаларини туширди-да, эчкиникидек бўлиб қолган думини ликиллатиб югурди.

Бека тандирдан узиб ташлаган куйик нон иссиқ эди. Оқтўш бирданига оғзига ололмай норози вингиллади. Нон ҳиди иштаҳани қўзғаб шоширди. У оғзи куйганига ҳам қўникди. Бир-икки ерга тушириб, бўлса-да, бостирма остига олиб келди. Остига яримта гишт қўйилган устун ёнига ташлаб, курсиллатиб ея бошлади.

Ит оч эди. Тонгда қизни пахтазорга кузатиб келгандан кейин ҳам туз тотмаганди. Одатда йўлдан нимадир топиларди. Айниқса, ҳашарчилар келгандан буён гўшт, суяклар, чала ейилган нон бурдалари учраб турарди. Бу гал ҳеч нарса йўлиқмади.

Оқтўш нонни еб битиргач, яланди, у ёқ-бу ёққа яна умидвор қаради. Кўзга илинадиган бирор нарса йўқ. Ноилож турди, олдинги оёқларига тиришиб узун керишди. Устига шифер ёпилган уйчаси олдидаги ялогига қаради. Қуп-қуруқ. Яна яланди ва чанқоғини бостириш учун тунукадан ясалган товуклар сувдони томон лўкиллаб кетди.

Ит идишдан бош кўтараётганида маккажўхориси йиғиб олинган томорқадан нимадир ярақлади. Ит зудлик билан у ерда ҳозир бўлди. Бўш шишани кўриб, бўшашиди. Лекин бари бир ҳидлади. Бадбўй ҳиддан кўнгли ағдарилиб, бостирмага қайтди.

Ит нима ялтираб кўринса, албатта, ўша ерга боради. У қачонлардир чала ейилган консерва топиб олган. Ўша-ўша ялтироқ нарсаларни консерва фараз қилади. Томатли балиқларнинг мазасини туйиб бораверади, ҳидлайверади.

Оқтўш олдин бундай нарсаларнинг ҳидини ҳам билмасди. Хонадоннинг бисотини тинчгина кўриқлаб юрарди. Овқатни эгаларнинг қўлидан ерди. Ўзга қўлга қарагулик қилмаган. Ҳаммаси ҳашарчилар келгандан кейин бошланди. Булар келди-ю, Хўжайин ҳам, хўжаликнинг тутуми ҳам ўзгарди. Тоза турадиган ҳовлида сигарет қолдиқлари, бўшаган шишалар, консерва қутилари пайдо бўла бошлади. Чироқлар кеч ўчадиган бўлди. Кирди-чиқдининг меъёри бўлмай, хонадон оёқ остида қолди. Олдинга ит бу янги муҳитга кўниқолмади. Ҳашарчиларнинг уй-анжомларидан бемалол фойдаланишлари, турфа хил одамларнинг вақт-бемаҳал кириб келаверишлари итга алам қиларди. Гўё ўзиники билан бегонанинг фарқи қолмаётгандек эди. Ким бўлса чақирмай-нетмай бостириб кириб келаверса, уларни киритмасликнинг иложи бўлмаса, бирор нарсани кўриқламаса итлиги қаерга борди бунинг?! Унга ҳам қийин эди...

Кун илиб, Оқтўшни пашшалар талай бошлади. Мудради дегунча, кўзининг жиякларига, бурнининг тешикларига қўнади. Ҳол-жонига қўймайди. Тоқати тоқ бўлган ит катта кўкиш пашшани пойлади. Рўпарасига келганиданок, панжаси билан урди. Мўлжал хато кетиб, чанг кўтарилди. Ит аламидан бошини иккинчи қўлига олиб, кўзини юмди.

Чанг босилгач, қаергадир ғойиб бўлган кўкиш пашша яна визиллаб қолди. Оқтўш кўзини салгина очиб, пашшани киприклари орасидан кузатди, тумшугига қўнишини кутди.

Пашша итнинг тумшугига энди қўнмоқчи эди, улгурмади. Оқтўш оғзини очган кўйи унга ташланди. Пашша бу гал ҳам чап берди. Итнинг оғзига бошқа бир чирков кириб кетди. У чирковдан қутулиш учун ютинди. Чирков эса ичкарига ўтмай танглайга ёпишиб қолди. Оқтўшнинг танглайи қичимсираб йўталди, аммо оғзидан чирковни чиқаролмади. Тили танглайга етмади. Бошини сарак-сарак қилиб вингшиди, қисқа-қисқа пишқирди, бўлмади. Ўрнидан туриб ғўзапоя ғарами томон чошиб кетди.

Ғўзапоя айвон ёнидаги ялангликка босилган. Ит пашшалардан безор бўлганида ҳамиша шу ерга келади. Айниқса, ғарамнинг моллар қашланавериб ёйдек ўрлатиб юборган томонида умуман пашша бўлмайди.

Оқтўш шу ерга келиб ётди. У ҳамон бошини силкитар, ўқчир, олдинги оёқлари билан тумшугини силаб, ночор вингширди.

Ит чирковдан қутулганида, Бека тандирдан иккинчи марта нон узди. У саватдаги нонини уйга ташлаб чиққач, ҳашарчилар ётган пардасиз хонани тақиллатди. Ичкаридан овоз бўлмади. Мушти билан урди. Эшик очилиб, остонада елкасига қора тўн ташлаган йўғон киши кўринди. Бу қўнжиси калта этикнинг эгаси эди. Бека унга қўшни кўрсатиб нималардир деди. Ҳашарчи бош силкиди ва оёғига этигини илиб, саҳн четидаги газ балонига бориб ўтирди. Оғзини катта очиб эснади ва Оқтўшга кўзи тушиб, «Ху-у-ут» деганча пўписа қилди. Ит унинг дағдағасидан норози тўлғанди. Осилиб тушган устки лаблари пир-пир учди. Аммо ўрнидан турмади.

Оқтўшнинг қимир ётмаганидан дарғазаб бўлган «барзанги» тош қидирди. Буни пайқаган ит зипиллаганча ғарамнинг ён томонига ўтди ҳамда ғўзапоя чўплари орасидан уни кузатди.

Ит юрак олдириб қўйганди. Унинг авжини Хўжайин қирққан. Ҳашарчиларга хурди дегунча, ҳайдаб солди. Ҳатто бир гал мўйлов йигитни катак томонга ўтказмаганига учи синган ўроқ билан урган ҳам...

Пардасиз хонадан бошқа ҳашарчилар ҳам бирин-кетин чиқиб келишди. Олдинда иккала кўзойнакли, ортидан мўйловли ёш йигит. Кўзойнаклилар қора туфлиларнинг эгалари. Улар беозор. Бўш бўлди дегунча, тахтачадаги доначаларга термилишгани термилишган. Кэданинг эгаси мўйловли йигит эса шўх. У ҳам қўнжиси калта этикнинг эгаси сингари тунлари уйда бўлмайди. Ундан ҳамиша бадбўй ҳид анқийди.

Олдинда Оқтўш, орқада елкаларига этакларини ташлаган тўрт ҳашарчи узун-қисқа бўлиб йўналганларида анҳор ёқасидаги йўл ҳувиллаб қолганди. Йўлда фақат теримчиларнинг ҳамда тонгда ўтиб кетган қишлоқ подасининг излари. Пахтазорда эса хирмондаги арава ва қаққайиб турган ҳашарчилар. Қишлоқликлар бош кўтармай теришаётгани учун кўзга ташланавермайди. Уларнинг бор-йўқлиги ҳам билинмайди.

Улар одатдагидек, Учтепа этагидаги чимзорга боришди. Чимзор пастқам-роқда, кўтарма қилиб қурилган йўл, қишлоқ томонни тўсиб туради. Ҳашарчилар келасолиб ўтиришни бошлаб юборишди.

Оқтўш анҳордан чиқарилган лойқа уюми устида чўнқайиб ўтирибди. Кўзлари дастурхонда, нимадир ташланишидан умидвор. У колбаса бўлинаётганда тинчини йўқотди. Бир-икки тамшанди, чапиллаб яланди. Яна тилини осилтирган кўйи бир текис нафас ола бошлади.

Оқтўш интилганча бор эди. У колбасанинг таъмини биларди. Юмалоқлаб тайёрланган хуштаъм гўштни ит худди шу ерда тотиган... Дастлабки ташланган колбаса ёғлироқ эди. Ит ирганиброқ ялади. Мазасини тотиб кўргач, яна кутди, лекин улар бошқа беришмади. Зиёфат охирида эса ёғлисини ҳам, ёғсизини ҳам Оқтўшга иргитишди. Бироқ энди қоронғи эди. Кўпи исроф бўлди. Оқтўш ҳидлаб топганларнигина еди. Нечтаси анҳорга тушди, нечтасини топиб бўлмади. Аслида ҳашарчилар билан бригадир бу ерга тушдан кейиноқ йиғилишганди. Пода қайтганда туришмоқчи эди, бир-бирини тортишиб ўтириб қолишди. Бу орада мўйловли йигит қишлоққа бир тушиб чиқди. Нарсаларга кўз ўтмай қолганда, ўринларидан туришди. Шу-шу булар пахта теришмайди. Кунни чимзорда кеч қилишади...

Оқтўш ҳам улар билан бира. Баъзида улар нишхўрдлардан ташқари катта-катта колбаса бўлақларини инъон қилиб туришади. Бугун негадир эътибор беришмаяпти. Қўнжиси калта этикнинг эгаси бошига тўнини кўйиб ухляпти. Кўзойнаклилар шахмат ўйнапти. Мўйловли йигит томоша қиляпти.

Оқтўш уларни кузатишдан, кутишдан зерикди. Орқа оёғи билан калта қулоғини қашиди-да. Учтепа ортидаги пахтазорга қараб кетди.

Теримчилар яқинда бу картадан чиқишгани учун атроф кимсасиз ястаниб ётарди. Эгатларга терим машиналарининг излари муҳрланган. Шохлари синиб ёнларига осилиб қолган ғўза туллари бебарг, бефайз. Бу мажруҳ қора чўпларнинг бир пайтлар гуркираб ўсганига ҳам, барг ёзиб гул тукканига ҳам ишонгинг келмайди.

Ит ана шу қора чўплар орасидан қуруқ барглари қисирлатганча босиб борарди. У майдонни қоқ иккига бўлган ариқчадан ўтиб, ғўзаси ола экилган жойда тўхтади. Қисқа-қисқа исқади, пишқирди. Турган жойида айланиб қолди. У безовта эди.

Оқтўш бу ерга келганида тинчини йўқотар, баъзида узун-узун увлаб ҳам оларди. Ит бу ерга қаётидаги унутилмас хотиротни туйгани келарди. У ўз хотиротини тиклаётганида кўз ўнгиде оқиш паға ранг пайдо бўлар, бу ранг бора-бора итга айланарди. Оқ итга... Секин аста ўша Оқ итнинг оч жигарранг тумшуги, тийрак кўзлари, бўйнидаги титилиб кетган чилвири, ихчамгина жуссаси гавдаланарди. Кейинчалик ўша Оқ ит ортига қайрилиб, Оқтўшнинг қулоқларини пушти тиллари билан ялаётгандек, эркаланиб бўйнига бўйинини суйкаётгандек, юзларига илиқ, ёқимли нафаси урилаётгандек бўларди. Ҳамда бирданига гуриллаган овоз, димоғни ёргудек бадбўй ҳид ёпирилиб келарди. Итнинг кўзи тиниб боши айланарди, кўнгли ағдариларди. Оқтўш шунда бу ширин ва аччиқ хотирот исканжасидан қутулиш учун ортига қайтарди.

Оқтўшга хотирот бўлган воқеа тундан бошланди. Улар кўп йўл босишди. Чарчоқ нималигини билишмади. Ҳамон югуришарди. Олдинда бўйнига чилвир боғланган Оқ ит. Ортида гала, гала. Гала тобора кўпайиб борарди. Оқ итнинг хидини билганлар келиб қўшилишаверди, қўшилишаверди.

Гала сувни кечиб ўтмай, канал ёқасидан йўл солди. Шунда Оқтўш пайтдан фойдаланиб гала бошига шудгор орқали кесиб чиқди. У ҳалитдан буён чилвирли итга ҳеч қайси итни йўлатмаётган Олапарга етиб борди. Уни кўкраги билан суриб, ўрнига ўзи ўтди. Олапар ириллади, аммо хужум қила олмади. Оқтўшнинг йўғон гавдасидан, ўт чақнаб турган кўзларидан ҳайқиди, четлади.

Энди Оқтўш Оқ ит билан ёнма-ён борарди. У Оқ итга янада яқинлашаркан, унинг қулоқларини беозор тишлади. Тумшуги билан тумшугига, бўйнига турткилади, искаланди. Қулоқларининг остини ялай бошлади, ялай бошлади. Шундай яладики, унинг мулойим майин юнгида хузурлини кетди. Оқтўшнинг иссиқ нафасига, гуркираб ураётган балоғат ҳидига чилвирли ит бардош бера олмади. Оқтўшга ён берди ва уни бошқалардан ажратиб эргаштира бошлади.

Шунда галада бесарамжонлик пайдо бўлди. Итлар тўхтовсиз ҳуриб, Оқтўшга ҳужум қилдилар. Улар Оқ итни қизганишмоқда эди. Ҳужумни Олапар бошлади. У вовиллаганча Оқтўшнинг орқа сонига ташланди. Бироқ тишлашга улгуролмади. Унинг ноҳўя ҳаракатини пайқаган Оқтўш зудлик билан ортига қайрилди-да, Олапарга бостириб борди. Олапар ўзини ўнгла-гунча, Оқтўш унинг қулоғи аралаш бўйнидан тишлашга улгурди ҳамда уч-тўрт силтаб ёнига отди. Олапар гандираклаб туриб қолди ва ақиллаб орқага тисарилди. Бу билан Оқтўшга ташланиш тарадудиди бўлган бошқа илиққан итларнинг ҳам авжи қирқилди.

Оқтўш ер титиб ириллар, бирорта итни чилвирли Оқ ит томонга ўтказмасди. Ўзи эса тислана-тислана унга яқинлашиб борарди.

Уларни бир неча итлар таъқиб қилиб келди. Кейин сийраклашаверди, сийраклашаверди. Битта-битта ортда қолаверди.

Оқтўш чилвирли Оқ ит билан мана шу ғўзаси ола экилган мадонга тонг отмай етиб келишди. Дуркун ғўзаларнинг барглари ҳўл, ҳаво салқин, муздек сувни симирандек бадан-баданингни яйратарди. Атроф тинч, юракни ҳаприқтириб юборадиган даражада осуда. Ҳеч нарса халақит бермасди...

Қуёш Учтепадан мўралаганида уларнинг тинчи бузилди. Қовоғаридек ғўнғиллаган овоз келди. Бирданига овоз тобора яқинлашиб кучайиб борди. Улар талвасага тушиб қолишди. Қочишга улгуришмади. Осмондан улар томонга қанотларини кериб бир нарса бостириб келарди. Бу нарса жуда баҳайбат ва қўрқинчли эди. У еру кўкни ларага солиб, борлиқни қар қилгудек ўкириб келарди. Оқтўш ҳар хил овозларга ўрганган, лекин бундай овозга илк бор дуч келиши эди. Осмондаги махлуқ бир зумда булар томонга шўнғиди. Келаётган бу фожиадан ҳамма нарса титрарди. Оқ ит дағ-дағ қалтирарди. Қалтироқ Оқтўшга ҳам ўтди. Улар қўрқувдан овоз чиқаришолмасди. Шу лаҳзада махлуқ уларни босиб кетадиган даражада пастлаб, ҳайқирганча ўтиб кетди. Бу жуда тез рўй берди. Итлар уни тузукроқ кўриша олмади ҳам.

Ғўзалар бош тебратиб шовуллаб юборишгандагина, уларнинг гарангсигани тарқади. Вангиллашиб қочиб қолишди. Улар қаёққа кетишаётганини билишмас, фақат югуришар, тинмай югуришар, мана шу ваҳима қучоғидан қутулишса бас эди. Ўта нордон, бадбўй ҳиддан Оқтўшнинг боши айланиб кўзи тинаверди, оёқлари чалкашди, жуфти ҳам шундай бўлмоқда эди. Улар бутунлай бўшашиб, баданлари ўзларига бўйсунмай пир-пир учарди. Югураётгандек бўлишарди-ю, бадбўй ажал муҳитининг чети кўринмасди, уларни таъқиб этаётгандек эди. У сарсиз-сарҳадсиз эди. Ҳавога тарқаган ҳид нафас олишган сайин бурунларини куйдирар, томоқларини шилиб юборгудек ачитиб, азоб берарди. Кун иссиқ, ғўзаларнинг барглари қалин, дим, ғир этган шаббода йўқ, ҳаво оғир, нафас олиш борган сари қийинлашарди. Уларнинг мадорлари қуриб, қолдан тойишди. Ажралишолмади ҳам. Сербарг ғўзаларга суянишиб ётиб қолишди.

Оқтўш баданларига ботаётган ғўза новдаларини ва ўзининг ҳаёт эканини сезди. Сўнгра қаердандир ғўнғиллаган овоз эшитилди. Бу овоз ҳали ҳам икки-уч марта қулоғига элас-элас чалинганини туйди. Лекин буниси анча узоқдан эди.

Атрофдаги қурт-қумурсқалар ҳаракатини тўхтайтиб қотиб қолишган. Пашша, чивинлар шалпайган барглarga осмондан ёғилгандек ёпишган. Жуфти — Оқ ит эса қаергадир ғойиб бўлганди.

Оқтўш бадбўй ҳидни сезмаётганига ажабланди. Тез-тез ҳидлаб кўрди. Билмади. Аммо ўзининг ниҳоятда вазминлашиб қолганини, бошини кўтаришга қурби етмаётганини сезди...

Оқтўш ўша-ўша бўйнига чилвир боғланган Оқ итни бошқа учратолмади. Унга ўша кундан тез-тез бўлиб турадиган бош оғриғи ва ана шу унутилмас воқеа хотирот бўлиб қолди. Унинг ғўзаси ола экилган майдонда ҳар гал туядиган хотироти ҳам мана шулар эди.

Айвондаги қада ҳар кунгидан олдинроқ ғойиб бўлди. Энди фақат қўнжиси калта этик қолди. Бу ҳам музыка тинмасдан қаергадир гумдон бўлади. Итга ҳамроҳ бўлиб қоладиган пойабзаллар одатдагидек икки жуфт қора туфли, ўзига қарашли калишлар.

Уйлардаги чироқлар сийраклашди. Дастлаб Хўжайин билан Беканинг хонасидаги, кейин қиз ётадиган хонанинг чироғи ўчди. Атроф қоронғилашди. Айвондаги чироқ нурсиз. Музыка ҳамон авжида. Чигирткаларнинг чирқиллаши тинмаган.

Оқтўш ғўзаси ғарами ёнида бетоб ётибди. Унинг бош оғриғи хуруж қилди. Эски дарди қўзғаб қолди. Олдин оёқлари увишди, елкаларига, бўйнига ўтди. Бўғинлари қақшади. Секин-аста бошига оғриқ кирди. Бир лаҳза борлиқ

қоронгилашди, ҳеч нарсани илғамади. Ғарам ёнига амаллаб етиб олди. Кейин нима бўлганини, қанча маҳал ётганини билмайди. Мана энди, оғриқ енгиллашиб кўзи очилди.

Қиз ётган хона томондан нимадир қисирлади-ю, ит оғриқни унутди. Урнидан туриб ўша томонга юриб кетди. Муюлишга етмасидан дераза очилди, ичкаридан Қиз осилиб тушди. Оқтўш уни қаршилаб искаланди, эркаланди. У итга парво қилмади. Деразани сассизгина ёпти-да, қўлидаги калишини кийиб, оёқ учиди уйнинг ортига ўтди.

Хожанинг кийимлари бугун бошқача эди. Юрганида шитирларди, ёқимли бир ҳид таратарди. У авваллари тунда ташқарига чиқмасди. Чиққанида ҳам узоқ турмасди. Музыка эшитилаётган томонга қараб қоларди, кўпроқ тургудек бўлса, онасининг овози эшитиларди-ю, чуқур хўрсиниб, ноилож хонасига кириб кетарди.

Қиз ўйин майдонидагиларни тандир ёнидаги туйнукдан, Оқтўш эса маккапоё ғарами ёнидан кузатди. Ўйинчилар орасидан биринчи бўлиб кэданинг эгаси кўзга ташланди. Унинг узун бўйни ва қора мўйлови бошқалардан кескин ажралиб турарди. Хожя ҳар дамгидек унга берилиб қараб қолди.

Қиз ҳашарчилар келган кунданоқ шунақа эди. Уни тинимсиз кузатарди. Баъзан Оқтўшга тинчлик бермасди. Уни лойқа уюмидан қувиб, ўрнига ўзи чиқарди, чимзорга тикиларди. Ҳатто унинг дордаги ювилган кўйлаги остидан ўтаётганида ҳам тўхтар, юзларини кўйлакка бир зум тегизиб, суйкалиб ўтиб кетарди. Атрофда ҳеч ким бўлмаса, айвондаги кэдасини қийиб кўрарди, бир икки қадам босарди ҳам.

Мана бугун терган ҳамма пахтасини чимзорга элтиб, шу мўйловли ҳашарчининг ётагига ағдариб берди. Энди туйнукдан кузатяпти. Аммо мўйловли Йигит Хожанинг унга интиқлигидан беҳабар, у сочи қирқилган кизни бағрига сингдириб юборгудек қучоқлаб, куй оҳангига мос тебранади...

Оёқ шарпаси Оқтўшнинг диққатини ўзига тортди. Дарҳол тандир томонга қаради. Хожя туйнукдан узоқлашиб, уй томонга кетаётганди. Ит унинг ортидан юрди. Хожанинг боши эгик, елкалари дитрарди. Унинг бояги шашти, юришларидаги чаққонлиги йўқ эди.

Улар яна уйларнинг орқаларидан юришди. Оқтўш тракторчи қўшнининг уйи ортидан ўтаётганида тўхтаб қолди. Унинг димоғига таниш пойабзал ҳиди урилганди. Лекин қайси пойабзал ҳиди эканлигини ит билмади. Олдинга юрди, ортга қайтди. Ит искаб бораркан, Хожаси ўз хонасига кириб кетганини пайқамади. Ҳид қадам-бақадам янгиланиб борарди. Қадамлар катта, масофалар тез босиб ўтилганди. Из ўзларининг ҳовлиларидан чиққанди. Ит изнинг ҳидидан адашмади. Ҳид уни айвонга, пойабзаллар турадиган жойга бошлаб келди. Пойабзаллар орасида қўнжиси калта этик йўқ эди. Оқтўш ортига қайтди. Ҳид тракторчи қўшнининг уйи орқасига келганида бирданга изсиз йўқолди. Атрофла дов-дарахт йўқ. У тумшугини шаббода эсаётган томонга тутди. Ҳидини тутолмади. Аланглади ва деворнинг юқорироғидаги деразага кўзи тушди, ҳамда олдинги оёғи билан дераза раҳига тирмаши-да, искади. Таниш ҳид. Раҳда қўнжиси калта этикнинг изи бор эди. Ичкарига барзанги ҳашарчининг киргани шубҳасиз. Бироқ деразага оппоқ парда тортилган. Ичкари эса тимқоронғи, ҳеч нарса кўринмайди.

Оқтўш токчага чиқмоқчи бўлди. Лекин чиқишга қурби етмади. Токчани фақат қитирлатди, холос. Унинг тирноқлари бетон токчага ўтмай зирқираб оғриди. Ит норози гингиллади. Шунда ичкаридан қорароқ сояга ўхшаш нарса кўзга илинди. У гингиллашини бас қилиб, сояга тикилди. Сўнгра яна таталади, интилди. Соялар қуюқлашиб, аниқ бир жуфт сояга айланди ва дераза ойнасига яқинлашди. Оппоқ парда енгил тебранди. Ит қаттикроқ таталаб, ириллади. Соялар бунга бардош беришолмади, секин узоқлашиб қоронгилликка сингиб кетди.

Оқтўш ноилож пастга тушди. Тез-тез бояги изларни искади, дераза томонга қараб вингшиди, вингшиди, лекин вингшишдан ўзи қоникмади. У парда ортида қандайдир ёмон бир нарса бўлаётганини билди. Йўл томонга чўнқайиб улий бошлади.

Ит йўлга қараганча увлаяпти. Йўлда маржондек юлдузлар тизмаси борапти. (Улар аслида юлдузлар эмас, заводга пахта олиб кетаётган транспортларнинг чироқлари). Юлдузларнинг бир жуфти уйнинг эгасиники. Ит шуларни ўзига чорляпти. Қанийди ўша бир жуфт юлдуз шу томонга бурилса, тезроқ бурилса. Ҳов анави дарахтнинг ёнига келганиданоқ қаршисига югурарди. Қўшни йигитнинг кабинадан эпчиллик билан тушишини кутарди. Оёғи ерга текканиданоқ этигига ёпишарди. Доимо мой ҳиди келадиган этигига. Маҳкам қучоқлаб оларди, вингширди, вингширди. Уйига тезроқ киришини, у ерда

ножўя иш содир бўлаётганини, барча-барчасини билдирарди. Тезроқ бурилса эди, ўша бир жуфт юлдуз. Одатдагидек тонгга яқин эмас, ҳозироқ бурилса, ғайрининг деразадан ошиб кирганини билса. Бурилса, бурилса. Йўқ, бурилмайди, бурилмайди. Улар жимирлайди, холос, жим-ғулайди. Юлдузлар фақат жимирлайди, ўзларига чорлайди. Чорлаганинга келмайди, келмайди.

Ҳашарчилар кетганига ҳам мана анча кун бўлди. Улар кетди-ю, ҳаммаёқ ҳувиллаб қолди. Яна хўрозларнинг қичқирришлари, тунлари итларнинг ҳуришлари қишлоққа ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Ҳамма нарса олдинги ҳолига қайтгандай бўлди-ю, Оқтўшнинг аҳволи ўзгарди. У қаттиқ оғриди. Уч кундан буён туз тотгани йўқ. Ялоғидаги нон тўғралган сутга ҳам қарамади. Кўнгли ҳеч нарса тусамади.

Дард бу гал кутилмаганда бошланди. Бадани умуман увушмади. Бирданига кўзи тиниб, оёқлари ўзига бўйсунмай қўйди, йиқилди. Кечга яқин Хўжайин тўшакка солиб, уйчасига судраб олиб келди. Шу ётганча ётди. Кеча кечкурун кетмоқчи эди, кетолмади. Бу ерда қолиб ҳам бўлмас эди. У ниманидир яқинлашиб келаётганини ва шу нимадир уни олиб кетишини тобора аниқроқ биларди.

Чироқларнинг ўчишини кутди. Ҳаммаси кўнгиладигидек бўлгач, зўрға ўрнидан турди. Урнидан туришга турди-ю, кўзи тиниб чайқалиб кетди. Оёқлар туриш берди. Ўзини тутди. Энди бутун гавдаси қалтирарди. Айниқса, тўрт томонга тиралиб турган оёқлар шундай қаттиқ қалтирардики, эгилиб, жуссани ерга тушириб юборадигандек эди.

Ит юрмоққа ҳозирланди. Ўнг оёғини ердан салгина узганди, мувозанати бузилиб, оға бошлади. У дарҳол оёғини жойига қўйиб, мувозанатни сақлашга улгурди. Ит тикка қолди. Аммо қалтироқ баттар авж олди. Дармонсизликдан тумшуғининг учини тер босди. Еру кўк чирпирак бўла бошлади. Оқтўш кўзларини чирт юмиб, оёқларига таянди. Бор умид оёқларда қолди. Афсуски, вақт ўтган сайин оёқларидан ҳам мадор кетиб борарди. Ит узоқ тик туролмаслигини билса-да, ётмади. У кетиши керак эди. Яна олдинга қараб интилди. Бу гал ўзини ўнглаёлмади. Гавдаси оғирлик қилди. Чап томонга оғиб йиқилди ва ҳушдан кетди.

Тонгга яқин ўзига келди, туш кўрди. Тушига Оқ ит кирди. Оқ ит уни қаергадир эргаштириб кетарди. Оқтўш Оқ итнинг изларини босиб борарди. Излар, олдинги оёқларини орқа оёқлар такрорлайди. Улар тезроқ юришди. Қадамлар ҳамон бир-бирини такрорлайди. Яна тезлашишди, югуришди, чопишди. Улар чопишгандагина оёқлар бир-бирини такрорламай қўйди. Тўртгала оёқ ўз ҳолича туша бошлади. Улар учиб боришаётгандек чопишарди. Юнглари ҳавода силкинарди. Қадамларининг товуши эшитиларди. «Дукур-дукур, дукур-дукур, дукур-дукур, дукур-дукур». Кейин бирданига оёқ товушлари жуда ҳам кўпайиб тартибсиз ва қаттикроқ эшитилди. Шундоқ қулоғининг остида дукурлади. «Дукур-дукур-дукур-дукур». Ит уйғонди. Товуш ўнгида ҳам ердан эшитиларди. Оқтўш кўзини очди. Катакдан чиқарилган товуқлар экин майдони бўйлаб югуришарди. Оқ хўроз қанотларини қоқиб қичқирди, товуқлар, қанотларини керишди.

Шу пайт қўшнингнинг хўрози шитоб билан югуриб келди-да, товуқлардан бирини қувиб кетди. Оқ хўроз қуқ-қулаб ер титиш билан овора эди. Буни кўрмади. Оқтўшда эса бегона хўрозни қувиш истаги бўлмади.

У бу можарога бефарқ тикилиб ётаверди. Оқтўш ҳашарчилар келиб кетганидан сўнг кўп нарсалардан жудо бўлганди. Биринчи бўлиб эғалик туйғусидан, албатта. У авваллари қарамоғидагиларга ҳукмондек бўлиб юрарди. Хонадон бисотига бегонани яқинлатмасди. Энди у ҳам оддий бир уй ҳайвони эканини, мана шу миясиз товуқлардан, сузик кўзларини унга бақрайтириб турган сигирдан, бурни кертилган қора эшакдан ўзини фарқсиз бўлиб қолганини шу дамда чуқур ҳис қилди.

Товуқларга дам сочиб бўлган Хўжайин Оқтўшга яқинлашди. Ялоғига назар ташлаб, рўпарасига ўтирди.

— Оқтўш, сенга нима бўлди?

Ит номини эшитиб кўзларини Хўжайинга тикди. Хўжайин унинг бошини силади.

— Касал бўлиб қолибсанда-а? Қанийди, сен жониворнинг қаеринг оғриётганини билсам...

Оқтўш Хўжайиннинг раҳми келаётганини, лекин иложсиз эканини тушунди. Ит бу меҳрибончиликка бардош бера олмади. Кўзларига ёш қалқди.

Хўжайин унинг бошини яна силади. Сўнг тиззаларига таяниб ўрнидан турди-да, оғир-оғир қадамлар билан уй томонга кетди.

Тушга яқин Бека ювинди кўтариб келди. У ҳам итга ачиниб-ачиниб қайтди.

Оқтўш Хожаси — қизни қоронғи тушгунча кутди, келмади. У негадир уч-тўрт кундан буён кўринмасди. Қаергадир кетган.

Бугун ҳаво кечагидан совуқ эди. Осмонда юлдузлар, хонадонларда чироқлар милтираб қолди. Оқтўш энди йўлга тушиши керак, албатта. Агар бугун кетмаса эртага кеч бўлади...

Ит аранг ўрнидан турди. Энди юриши керак. У кечагига нисбатан, ўзини яхши сезди. Шундай бўлса ҳам у оёқларига ҳамон ишонмасди. Аммо кетиши шарт, бу ерда қолиб бўлмайди, қолиб бўлмайди. Оқтўш ишонқирамай аста қадам босди. Кейин яна, гна. У секин ва бир текис юриб кетди. Ит аввал ҳовлини айланиб чиқди. Ўзи учун қадрдон нарсалар ва буюмлар олдида оз-оз тўхтади. Улар билан боғлиқ бўлган хотираларни эслади. Сўнгра йўлга чиқди.

Ит чимзорга келганида ҳарсилаб қолди. Етса туролмаслигини билди. Тик турганча нафасини ростлади. Бу ёғи энди шудгор. Қорайиб турган шудгорнинг устки қисми юпқа музлаган. Остки қисми эса юмшоқ. Йўлга қараганда шудгорда юриш оғир. Бунинг устига ер текис ҳайдалмаганди.

Оқтўш чуқурроқ ҳайдалган бир жойга келганида ўзини ўнглаёлмай қолди. Олдинги оёқлари бир зумда юпқа музламани синдириб тупроққа кириб кетди. Оёқларини ердан чиқариб улгуролмади. Тумшуги тупроққа ботди. Ит бу ерда кўп овора бўлди. Бурнидан чиқаётган ҳовурдан музлама эриб, нафас олиши қийинлашди. Дастлабки уриниши зое кетди. Оёқларини бирданига ердан суғуролмади. Кейин яна қаттиқ интилди. Бу гал оёқлари чиқишга чиқди-ю, тиззалаб қолди. Энди тиззалар тупроққа чўкиб борарди. Ит бор кучини тўплаб яна уринди, туриб олди. Йўлида беҳол давом этди.

Оқтўш Учтепа ортидаги гўзаси ола экилган жойга қараб борарди. Ҳозир ер ҳайдалиб, у жойни топиш мушкул эди. Аммо ит у ерни тахминан топиб борди. Бир дақиқа тупроққа беланган тумшугини юқори кўтариб, ҳавони искади ва ётди. Бу гал у ҳаётида биринчи ҳамда охириги марта жағини қўлининг устига эмас, шундоқ музлаган кесакчалар устига қўйди ва чуқур хўрсиниб юборди.

Ҳаво совуқ. Осмонда юлдузлар бодрайди. Учтепанинг шундоқ устидан тухумнинг сариғидек ой балқиб турибди. Оқтўш эса шу ҳаётга ташна кўзларини тикканча ётибди.

Асад Асиллов

АРМОНЛИ УМР

Эсимни танибманки, оймнинг остона ҳатлаб узокроқ жойга кетганини, борган жойида тунаб қолганини билмайман. Ахир қандай қилиб у ёқ-бу ёқка чиқа олсин: уйда ўн уч бола: «ош, нон» деб барабар оғиз очиб турган бўлсақ! Онажонимиз қўлига енгликча кийиб, рапида билан кунора ўттиз-кирк нон ёпарди. Қўшни, хеш-акрабою ҳамқишлоқларнинг оймга тегишли гаплари қулоғимга чалиниб қоларди: «Бир этак бола билан умри ўтиб кетяпти. Қизилоёк кўпайиб, қизил юзидан айрилди, бояқиш. Фариштадек нарса-ю, қадрига етмайди, эр эмас — қаро ер...»

Мен тушунардим: қизилоёқлар — бизлар, фаришта — ойм, унинг қадрига етмаётган эса дадам. У қилдан қийик ахтариб ойнажонимизни аямай сўқар, урар, тепкиларди. Ҳаммадан ҳам меҳмон келишидан безиллаб қолгандик. Дадам оғбор мудури экани учунми ёки оғзига оғзига «теккач» хотамтой бўлиб кетишиданми, казо-казолардан тортиб, қаланғи-қасанғиларгача бизникидан аримасди. Улар ярим тунгача улфатчилик қилишар, улфатлари кетиб, дадам бир ўзи қолгач, оймни ёмонотликка чиқариш ва калтаклаш учун дарров баҳона қилди: «Овқат олиб кирганингда фалончига нега ер тагидан қараб қўйдинг?! Пистончиминан нега кўз уриштирддинг?! Чакирганимда эшитмаган киши бўлиб кетаверишни қаёқдан ўргандинг?! Ойм бечора шапалок ва тепкиларга индамай чидар, жонидан жуда ўтиб кетгандагина уввос тортиб йиғлар эди: «Онажон, мен бахти қарони ташлаб қайга кетдингиз?! Тезроқ ёнингизга чакирсангизчи?!...»

Дадам эса шахтидан тушмай:

— Ҳа, ўйнашдан бўлган, девонани соғиндингми, Туятепада ётган манжалакиннинг ёнига жўнатайми ҳозир! — деб бўкирганча баттарроқ савалашга тушиб кетарди. Ўн уч бола барабар қий-чув йиғлашардик. Тўнғич бўлганим учунми, дадам кўпинча менга хезланарди:

— Унингни ўчир, сути бузук, каллангни нақ сапчадек юлиб ташлайман!

Калтак зарбидан сочлари тўзиб кетган ойм бўлса, бор гавдаси билан бизни тўсиб оларди-да, ҳолсизланиб шивирларди:

— Кўйинг, бой бўлгур, болаларимга тегманг, ўрнига мени ура қолинг. Жим бўл, Раҳматиллажон, йиғламанглар, болажонларим...

Маишат, калтаклаш, бўкиришдан ўлардек чарчаган дадам уст-боши билан тўшакка таппа ташлаб ухлаб қолгач, ойим судралиб юриб бизга жой солиб берарди. Кейин маҳзун, ғарибона овоз билан алла айтиб, укаларимни ухлатарди:

**Йўл бошида бувинг бор-о, болам-о,
Мундин қандоқ ўтасан-о...
Йўл бошида онанг бор-о, болам-о,
Мундин қандоқ ўтасан-о...**

Тонг билан дадам чикиб кетарди. Ойим шу захоти ховлимизнинг орка томонидаги катта тепа этагига бориб, кўзларида дув ёш билан тиловат қиларди. Дуони ҳам негадир кўрқиб, эшик томонга қараб-қараб кўйиб, энг мухтасаридан ўқирди.

Бир куни йўлдан тасодифан изига қайтиб қолган дадам Туятепага қараб дуо ўқийдиган ойимни кўриб қолиб, ҳар доимгидан баттарроқ тепкилади. Кейин узун сочларини бураб, ёнғок шохига осмоқчи бўлди. Биз хадеб ойижонлаб додлайверганимиз учунми, уйга судраб кирди-да, икки қўлини белига тираганча, ойимнинг тепасида оёқларини кериб тўхтади ва тупуқлари сачраб ўшқирди:

— Мен йўғимда қасофат онангни бахона қилиб, гўрковминан дон олишар экансан-да, а?!

Ойим аранг кўзғалиб, тиззалаб ўтирди, икки қафтини очиб, дадамга эмас, негадир осмонга қараганча ҳазин товуш билан фарёд чекди:

— У девона отам-ку, ахир! Сизга хиёнат қилган бўлсам, агар шу ишни хаёлимга келтирсам...— Ойим ҳеч қачон қасам ичмасди. Бизларни ҳам бу йўлдан қайтарарди. «Елғончи, диёнатсизлар айбини қасам билан яширади, улар қасамхўр бўлишади, бунга асло ўрганманглар», дерди қайта-қайта. Энди бўлса ўзи.— Икки дунёйим кўйиб кетсин, дўзахдан жой топилмасин, хозирок тил тортмай ўлай!— деб устга-уст қасам ичиб юборди.

Қасам ҳам ўрнида керак бўлар экан. Бу гапларни эшитган дадам анграйиб қолди, дахшатли вазоҳати аста-секин юмшаб, одамбашара тус олди. Яна урса-я, деб кўрққандим, у эшик кесакисига суянганча анча вақт серрайиб турди-да, бир-бир босиб кўчага чикиб кетди.

Биз дарҳол ойимнинг атрофида гирдикапалак бўлиб, уни ўзига келтиришга ҳаракат қилдик. Бир вақтлар беркитиб кўйиб, ҳар замонда мужиб юрадиган «қаллақанд»имни чойга солиб ичирдим, қўл-оёқларини силаб, укаладим. Ойим тушга яқин аранг ўрнидан турди-да, охиста одимлаб айвонга чикди, бир-икки ўхчиб туфлади. Тупук қон аралаш эди! Мен кўрқиб кетдим, ойимни суяб кириб ичкари уйга ётқиздим. Юрагим ховлиқар, қандайдир фалокат рўй берадигандек туюларди. Югуриб-елиб ўзим билганча хўрда пиширдим, товоққа қўйиб қатиқ қўшдим-да, ойимни ичишга ундадим. Ойим эса кўнглим учун бир-икки қошиқ ичган бўлди. Шунда мен номаълум дахшат тафсилотини бутун қалбим билан туйдим: ойимдан айрилиб қоладиганга ўхшаймиз!! Онажонимизнинг чехрасига кўрқинч билан тикиламиз, волидамиз кўзлари юмук, бемажол, бир ҳол, бир шаклда ётибди. Бизларга қараса беихтиёр кўзларидан ёш оқиб кетяпти.

Минг хил хаёл билан гаранг бўлиб укаларимни овутиб юрган эдим, бир маҳал дадам қайтиб келди-да, ойимни сўради. Мен жавоб беролмадим, бошимни эгиб туравердим. Дадам, ховликиб, ойим ётган хонага кириб кетди. Анча вақтдан сўнг ранги ўчиб қайтиб чикди ва бизларга ғамгин назар ташлаб олгач, кўчага қараб югурди. Тушга яқин Тоғани бошлаб келди. Улар индамасдан, ойим ётган хонага ўтдилар. Аввал секин-секин гаплашишди, бора-бора овозлари кўтарилиб, баралла эшитила бошлади.

— Шу қилмишингиз учун сизни хозирнинг ўзида ҳар нарса қилса арзийди! — дерди зардали товушда Тоға. Манави жўжалариям ўзидай сағир бўлиб жовдираб қолмасин, дейман-да! Инсон боласиниям шунчалик хўрлайдими киши?! Париштадай хотинни, манави қорақўзларни сизга худо бериб қўйибди-ку, яна нима керак?! Боқолмаётган бўлсангиз, беринг менга. Еруғ дунёда қолган бирдан-бир илинжим шу! Бу гапни яхшилиқча айтяпман, бошқа қайтармайман: қизимга озор берманг, эй инсофини бўри еган!

— Хўп, тавба қилдим, Тоға,— деди дадам бўғиқ товушда.— Омборчиликни-ям, ичишниям ташлаганим бўлсин...

— У ёғини ўзингиз биласиз,— ўрнидан турди Тоға,— эртага доривор гиёҳ келтириб бераман...

Дадам эса, гўё туришга чоғи келмагандек, ўтирган жойида ўтириб қолди. Тоға берган доривор ўтларни қайнатиб ичгач, ойим сал тузалди-ю, бари бир, вақти-вакти билан йўтал тутадиған, қон туфлайдиган бўлиб қолди.

Буни қаранг, шу кунги воқеадан кейин ойим бечорага ҳам ёруғ дунёнинг ёруғ кунлари насиб этди. Бўлар-бўлмас меҳмонлар ҳам даримаё кўйди. Энди дадам ойимни тепа этагида кўрса ҳам индамасди, гўё азобли кунлар бутунлай ўтмишга айлангандек, кўнгилсизликлар ҳеч қачон қайтиб келмайдигандек эди. Лекин ойимнинг Туятепага, девона қария — Тоғага қанақа яқинлиги борлигини билмасдим, юрагимда бир ғашлик пайдо бўлганди.

* * *

Қишлоғимизнинг қўшни қишлоқлардан унчалик фарқ қиладиган жойи йўқ. Ўзи тоғ этагига, сойликлар бўлиб-бўлиб ташлаган майдонларга жойлашган. Шунданмикин, номи ҳам Сойлик. Қишлоқни қок бўлиб ўтган анҳордан тарқалиб, айланма йўлларнинг чеккалари бўйлаб чўзилиб кетган ариқчаларнинг ёқаларида тол ва тераклар саф тортган. Бу ариқчалар кўп жойларда қок-қоронғи омбирларга кириб ғойиб бўлади-да, ҳовлининг адоғидан тешиб чиқиб, яна йўл ёқалаб давом этади.

Ховлимизга туташ ўша баланд тепа эса фақат бизнинг қишлоқда бор. Катта ва чўзиқ бу тепаликнинг қок ўртаси туртиб чиққанлиги учунми, уни Туятепа деб атайдилар. Биз у ерда «полка», «эшакминди», «чиллак» ўйнардик, чарххўроз учирардик, олиш қилардик. Тоғанинг битта гапидан кейин Туятепага оёқ босмайдиган бўлдик.

Ёши бир жойга бориб қолган бу кишини қишлоқдаги ёшу қари Тоға дейди. Қишлоғимиз гўркови. Сўққабаш. Доим оқ сурпдан яқтак ва иштон кийиб, ялангоёқ юрарди. Боқишларидан сира табассум аринмасди, кимни учратса: «Барақалла, жиян, завол кўрманг, жиянтойларим», деб қўярди. Туятепадан ўтаётганда эса Тоғани бирдан ғам босиб, хомуш тортиб қоларди. Бу жойга яқин келиши биланок одимлари ўз-ўзидан секинлашарди-да, ажрик устига чўкка тушиб, дуо ўқирди, узун-узун беўхшов панжалари билан аламзада йиллар, тартибсиз ажин солган юзини эринмай сийпаларди.

Болалигимизда уззукун тепаликда ўйнаб юрсак ҳам Тоға индамасди. Бўйларимиз чўзилиб, мўйловимиз сабза урди ҳамки, тепадан тушмадик. Бир куни тепада тўпланишиб тургандик, Тоға тиловат қилиб бўлгач, бизларни ёнига чақирди.

— Ассалому алайкум, Тоға! — салом бердик унинг теварагига тўпланишиб.

— Ваалайкум ассалом, жиянтойларим, — ҳар галгидек бажонидил алик олди Тоға. Бирок қандайдир изтироб қўланкаси юзига соя ташлаганди. У бир оз тараддулланиб тургач, муҳим гапи бордек қалин ажрик устига чордана қуриб ўтирди. Мўйсафиднинг катта-катта оёқлари ёрилиб, қадоқ боғлаб кетган эди. Қўллари тўрлаган қовун пўсти каби тарс-тарс ажраб ётарди. Бошқаларни билмадим-у, Тоғага менинг жуда раҳмим келиб кетди, ночор аҳволини кўрмаслик учун бошимни қуйи эгдим.

— Жиянтойларим, гапнинг мағзини чақадиган катта йигит бўб қолдинглар, сизлардан бир сўровим борида, — деди Тоға товуши қалтираб. Унинг киприқлари сийраклашиб қолган тимқора кўзлари ёшланди.

Усти юпун, кулбаси тор, аҳволи ночор эса-да, шу дамгача Тоғанинг бировга муҳтож бўлганини, ялинганини ёки зорланиб гапирганини ҳеч ким эшитмаган. Қайтанга Тоғага бошқалар суяниб қолишган: томи босган, девори кулаган, ҳатто сигирининг танглайига зулук қирган бўлса ҳам шу кишига югуришарди. Бундай пайтда Тоға доим ёрдамга шай, жонини аяб ўтирмайди, тиканзор, тошлок ёки балчик демай, ялангоёқ тикка босиб кетаверарди... Бу киши жонини хатарга қўйиб, қишлоғимизни не-не фалокатлардан қутқариб қолган экан. Шундай оғир кунларнинг бирида — тоғдан бостириб келаётган селни сойга буриб юбориш чоғида уни бўтана ўраб кетибди. Оқиб бориб-бориб четга аранг чиқиб қутулиб қолган Тоға бир-икки ой дард тортиб ётибди. Соғлигини сўраб келган одамлар ўшанда Тоғанинг қулбасини қайта тиклаб, эски кўрпа-тўшакларини янгилла бермоқчи бўлишибди. Тоға эса қатъиян рад этибди. Нега бундай қиласиз, нима учун азиз жонингизни қийнайсиз, деганларга чол бир хил жавоб бераркан: «Жоним ширин деб авайлаган саринг ширинроқ кўринаверади. Уни аяш ўрнига қийнаш кеф ак, шунда роҳатнинг кадрига етасан».

Бола-чақаси йўқлиги учунми, Тоға айниқса бизларга меҳрибон эди. Гўр қазишми ё бирон муҳим юмуши чиқиб қолмаса, кўп вақтини болалар даврасида ўтказарди. «Жиянтойларим, қўзичоқларим», деб эркалар, биз суюлиб, баъзан ҳаддимиздан ошиб кетардик — Тоғага ўринсиз ҳазиллар ҳам қилиб қўярдик. У бундан ранжимасди, балки ҳузурланиб, ҳар битта бўлар-бўлмас талабимизни қувониб-севиниб ўрнига қўярди. Туя юриш қилинг, десак, чол баланд бўйини эгиб, белини букрайтирганча, катта яланг оёқлари билан тупроқни попиллатиб босарди. Бия бўлиб йўрғаланг, деган заҳотимиз шипиллаганча жўнаб қоларди.

Бундан чолнинг ўзи ҳам, бизлар ҳам қотиб-қотиб кулардик. Тоға қаёқдандир келаётган бўлса, уни «Ассалом» дея қарши олардик. У кулбаси томон ўтиб кетиб, кўздан ғойиб бўлгандан кейин ҳам биз «Ассалом алайкум» деб баравар бақирамиз-да, жим туриб жавоб кутамиз. Узоқдан Тоғанинг «Ваалайкум ассалом»и қулоқларимизга элас-элас етиб келади...

Шундай одам келиб-келиб биз, тирранчаларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолдикмикин?! Қўлимиздан келадиган иш бўлса жон-жон деб кўмаклашамиз албатта! Иши тушади-ю, биз йўқ дермидик!..

Тоға гапини янаям ялинчокроқ товушда давом эттирди:

— Ўтинчим шуки, жиянтоларим, бундан буён Туятёпа устига чиқманглар. У ерда марҳумлар ётибди...

Тоға гапини давом эттиролмади. Ҳаммамиз лол қолгандик. Буни қаранг, Туятёпа мазорат экан-да! Биз бўлсак... Барчамизнинг номимиздан Устакарим жавоб берди:

— Тоға, бу жойнинг мазорат эканини билмасдик, энди сираям қадам босмаймиз!

Дадил-дангал гапирётган бу жўрамизнинг Тоға билан алоҳида қадрдонлиги бор эди. Тоға аввал Устакаримга, сўнг бизларга сўз орқали ифодалаб бўлмайдиган меҳрли нигоҳ билан термилди. Бу тепанинг қадамжо, мўътабар жой эканини эшитгач, мен ҳам тилимни тийиб туролмадим:

— Биз-ку, чиқмасмиз, лекин эшаклар, қўй-эчкилар подасидан ким қўриқлайди уни, атрофини ўраб қўйишнинг илоҳи йўқмикин?!

Бу луқмам Тоғани баттар хомуш қилиб, ўйлантриб қўйди. Шу гапни гапирганим учун ҳатто пушаймон ҳам бўлдим. Тобора ғамга ботиб бораётган Тоғанинг тепасида томошабин бўлиб туриш ноқулай эди. Биз битта-битта тарқалиб, муюлишдан бурилиб кетар чоғимизда беихтиёр ўгирилиб қарадик: Тоға чордана қурганча ўтирар, баланд гавдасига номутаносиброқ кичкина боши кўксига эгилиб тушганди. Унинг ёнида эса, катталарга ўхшаб, қўлларини бир-бирига чалиштирганча Устакарим турарди...

Пичан, сомон тўплаш аини қизиган палла. Тенг-тўшларнинг гузарда тўпланишимиз, кечқурундан то ярим кечасигача қўшиқ, аския, латиқалар айтишимиз, Тоғанинг суҳбатларини тинглашимиз энди ўз-ўзидан барҳам топди. Кўча-кўйда, Туятёпада санкиб юрадиган эшакларнинг беўхшов овозлари ўчди. Бебош юрган эшакларга эгалари тўқим уришиб, пичан ўримиға миниб чиқишар, тунлари қанорларда сомон таширдилар.

Дадам ҳам, гўё бурнимдан ип ўтказиб олгандек, мени ҳеч қаёққа кеткизмай ишлата бошлади. Сал бўш қолгудек бўлсам: «Раҳматилла, қоронғи уйга кириб ухлаб ол, ҳали-замон сомонга жўнаймиз», деб қўярди.

Кейинги пайтларда уриш тугул, оғзидан сўкиш чиқмаса ҳам дадамдан ҳайиқардим. Уйқум келмайди-ю, кўзларимни чирт юмиб ётавераман. Чақириши билан, энди уйқудан турган киши бўлиб, кўзларимни ишқалаб-ишқалаб чиқиб келаман.

Тунда сомон ташишнинг гашти ҳам, азоби ҳам бор. Дадам иккаламиз икки яйдоқ эшакка миниб олганча, қоронғилик қаърига кириб кетамиз. Борар жойимиз «Шайтонтепа» атрофи. Эшаклар ҳар замонда пишқириб, қулоқларини шапиллатганча, йўлни топиб кетаверишади. Осмон тўла юлдуз. Мен «Сомон йўли»га тикилиб хаёл сураман: «У ердагилар ҳам сомон таширмиканлар?»..

Биз сомонга эл кўзи учунгина тунда борамиз. Аслида, дадамни қоровуллар жуда сийлашади. «Шайтонтепа» далаларига келишиб, сомон сероб жойларни ўзлари кўрсатиб беришади. Бошқаларнинг қанорларини тортиб олиб, ўзларини идораларга қақиртириб, изза қилишади.

— Қоровуллар сизга нега индашмайди? — деб сўрасам, дадам эшакка иккинчи ёнбоши билан гердайиб ўтириб олади-да, менга қарамай мақтаниб қўяди:

— Омборчи бўлиб юрганимда нафим теккан-да! Қоқ тунда ёки тонгга яқин «нормани битириб», уйқуга ётишдан олдин:

— Узумдан узиб чиқ, бир томоқнинг чангини ювиб ташлайлик, — деб қўяди дадам. Карсилдоқ узумни ўртага қўйиб, маза қилиб еб оламиз. Дадамнинг бинойидек бўлиб қолганига ишонгим келмайди. Арақни ҳам, ўша одатларини ҳам ташлагани рост бўлсин-да! Агар доим шундай одам бўлиб юрсалар, кеча-кундуз тинмай ишлатса ҳам майли, ишқилиб, оймни хўрламаса бўлгани. Шу орзу сира хаёлимдан кетмас эди.

Нихоят, мўлжалдаги сомонни ғамлаб, пичан ташишни ҳам охирлатиб қўйдик. Бугун тушга қадар икки эшакда икки марта пичан келтирдик. Дадам бир оз салқинлаш учун ички хонага кириб кета туриб, имлаб мени ёнига қақирди. Югуриб бордим.

— Ойингга қарашиб юр, ўғлим, соғлиғи сал ночорлашиб қолибди, бир нима буюрса йўқ дема, — деб шивирлади ички бир дард билан.

«Орзум амалга ошди-ёв!.. Шу одам дадамми? Епирай-ей!»

— Раҳматиллажон, — чакириб қолди ойим шу он заиф товуш билан.

— Лаббай, ойи?

— Манави нон билан ошни Тоғага обориб бергин, савоб бўлади.

«Дадам билиб қолса-чи», деган маънода мўлтиллаган эдим, ойим:

— Бор, боравер, дадангини ўзлари айтдилар, — деди майин жилмайиб.

Эҳ, жуда яхши! Мен севишиб, кастрюлкадаги ош билан рўмолчага ўралган иссиққина нонни кўтарганча Тоғанинг кулбаси томон чопқиллаб кетаётган эдим, ойим ортимдан тайинлаб қолди:

— Кулбасига эмас, Туятапага обор, Тоға девор уряпган эмиш...

Угирилиб қарадим. Ойимнинг заъфарон юзи янаям саргайиб кетган, менга тикилиб турган мунис кўзлари жуда ҳолсиз эди.

Туятапага яқин бориб, ҳайрон қолдим. Тепанинг ҳамма тарафига пахса девор айлангирилибди. Этак қисмида, пахса ичкарасида кичкина уйча тикланибди. Чамаси, Тоға кечаю кундуз бу ерда, тунларни шу уйчада ўтказарди. Пойдеворига яхшилаб тош терилган биринчи пахса битиб, иккинчиси ҳам яримлаб қолибди. Тенгқурларимдан уч-тўрттаси лой пишитиб турибди, Устакарим қирқиб узатяпти, Тоға пахса уряпти.

— Ҳорманглар, ассалому алайкум, Тоға!

— Ваалайкум ассалом, жияним, овқат обкелдингми, бекор овора бўпсан-да!

Тоға гуноҳкор одамдек жавдиради, мен нима қилишимни билмай лол қолдим. Бечора, куни бировларга қолганидан яна хижолат тортяпти шекилли.

Мен ҳам пайтдан фойдаланиб, шу ондаёқ енг ва почаларимни шимариб, лойга тушиб кетдим. Қун богунча иккинчи пахсани ҳам битирдик. Тоғага қарашганимдан кўнглим яйраб, ғоят шод ҳолда уйга қайтдим.

Эшикдан кирдим-у, бир тўда укаларимни овутиб ўтирган дадамнинг мўлтиллаб турган кўзларига кўзим тушди.

— Уғлим, дарров ичкари кир, ойингнинг яна тоби қочиб ётиб қолди, — деди у йиғламоқдан бери бўлиб. Ростини айтсам, дадамга биринчи марта раҳмим келди. Отилиб хонага кирдим-да, кўзлари ич-ичига ботиб кетган ойимнинг ёнига оҳиста чўқдим. Бир кундаёқ меҳригиё онамизнинг ёноқ суяклари туртиб чиқиб, лаблари қуруқшаб кетганди. Нон ёпиш чоғида куйиб тўмтоқлашган қош-киприклари қайта ўсиб, майинлашиб қолгандек эди. Назаримда ойим ёшараётганга ўхшарди-ю, қандайдир даҳшат юрагимни гижимлаб-гижимлаб ўтарди.

— Ойижон, мен келдим, — шивирладим бурнимни тортиб.

Ойим кўзларини очди-да, мажолсиз қўлларини зўрга кўтариб, мени бағрига босди:

— Отам, отагинам! Кимсасиз бир ғариб эдим, номимни элга танитадиган туёқларим, худойим сизларни ўз паноҳида асрасин...

Ойимнинг кўзларидан сизиб чиққан ёш икки томчига айланиб, икки чаккасидан думалаб кетди. «Энди тушундим, ойим бечоранинг болаларидан бошқа ҳеч қими йўқ экан-да. Ҳар қанча ситам ва аламларга, ҳақорат ва хўрликларга чидаб келаётгани сабабини мана энди тушундим! Аразлаб қаёққа борарди онаизорим, кимдан ҳам паноҳ топарди. Ҳамма дард-аламларни ичига юта-юта адойи тамом бўлибди-ку ойижоним! Айтганча, Тоға-чи? Дадам билан гаплашганда: «Бирдан-бир илинжим шу» деганди-ку!» Ойимнинг мисдек қизиб турган пешонасига ҳўл сочиқ қўйдим. Бундан мамнун бўлган меҳригиё онам менга хиёл жилмайиб:

— Озгина сув бергин, болам, — деди. Сувни ичиб бўлгач, «Сувдек азиз, сероб бўл, болагинам. Ҳеч қими йўқ мен етимчанинг бахтимга омон бўлинглар», — деб шивирлаб, яна кўзларини юмди. Мижжаларидан сизиб чиққан ёш ёстиққа думалади. Мен кўрқиб кетдим: «Онажонимни гапга чалғитай, ишқилиб кўзларини юммаса бўлгани...»

— Ойижон, — дедим титроқ товушда, — Тоға мени жудаям яхши кўради-я, у киши бизларнинг кимимиз бўлади?

Ойим шошиб кўзларини очди. Унинг боқишлари безовта эди. Бу саволимдан каттиқ пушаймон бўла бошлагандим, гўё шуни сезгандек ойим мени юпатди:

— Тўғри сўрадинг, болагинам, — ойимнинг товуши бора-бора изтиробли тус ола бошлади. — Сен тўнғичимсан, эсинг кириб, катта йигит бўб қолдинг, ҳамма гапни айтишим керак, яна умр бўйи юрагингдан шу армон аримай юрмасин...

Ойим толиқиб, бирпас жим қолди. Мен киприк қоқмай ўтирибман.

— Қишлоғимиз кишилари орасида бир эртақ айланиб юради, уни хали сен ҳам эшитиб қоларсан, қўзим, — майин ва паст товушда гапини давом эттирди ойим. — Айтишларича, бир маҳалладик икки гўдак — ўғил бола билан кизалоқ кичиклигидан бирга ўсган эканлар. Ота-оналарим уларнинг иноқлигидан қувонишаркан. Одам боласининг бошига не кулфатлар тушмайди, болам, очарчилик, ўлат йиллари иккаласиям ота-оналаридан айрилишибди. Бўй етиб қолишган экан, йигит бир бурда нон излаб, тентираб кетибди. Қизни ўзига тўқроқ бир хонадон боқиб олибди. Қизнинг ойдек ҳусни, ақл-хушини кўрган бу хонадон соҳиблари уни бир қошиқ сув билан ўғлига никоҳлаб қўйибдилар. Тентираб кетган йигит жонини жабборга бериб, қаерлардадир ишлаб, турмуш учун ул-бул топиб келиб қараса, қиз турмуш қуриб, бир болали бўлган экан. Шу йили фалокат устига яна оғирроқ фалокат юз берибди, бехосдан келган дард ёш эр-хотинни-ю, шу хонадондагиларнинг барини олиб кетиб, бир яшар чақалоққина омон қолибди. Биласанми, болам, у пайтларда ўлганларни мазоратга элтиб кўмишга ҳам одамларнинг қурби етмас экан. Уша йигит шу йили гўрковликни бўйнига олиб, ўлганларни Туятепага кўмибди, чақалоқни бўлса ўз боқимига олибди...

— Уша йигит — Тоға, у билан бирга ўсган қиз — сизнинг энангиз, чақалоқ бўлса сиз экансиз-да!

— Ҳа, болам, мени катта қилиб, турмушга узатган ҳам шу киши. Сен Тоғани сира ташлама, ҳурмат қил...

— Нима учун унда дадам...

— Даданг эмас, арақ, ёнидаги бевурд улфатлари айбдор эди. У киши Тоға туфайли инсофга келиб қолди, энди рўшнолик кўрармиз, болам... — ойимнинг юзлари ёришиб, нурланиб борарди. Товуши ҳам тетик эшитила бошлади. — Бор, дадангни чақириб юборгин, — деди менга термилиб. Ойимнинг шу сўнгги нигоҳи ёдимда бутун умр муҳрланиб қолди. Менга тўймай тикилганини қалбим сезганди-я ўшанда!

— Болаларингни кимга ташлаб кетдинг-а?!..

Дадамнинг ўқирган овозини эшитган заҳоти миямга бир чақин урилиб, донг қотиб қолибман.

* * *

Ойимни дафн этиш маросимида Тоға бел боғлаб, дадамнинг ёнида ҳасса тутиб турди. Дадам бошини ердан кўтаролмас, Тоғанинг юзига қараёлмасди. Ойимнинг маъракаси ўтказилаётган биринчи ҳафтада Устакарим одамлар орасидан ўтиб келди-да, қулоғимга секин шивирлади:

— Тоға оламдан ўтибди...

«Эҳ, аттанг! Ойимнинг васиятини бажаролмадим-а!»

Ҳамма одам Туятепа томон шошилиб жўнади. Тоға кейинги умрини шу жойда қуриб олган уйчасида ўтказиб келарди. Бордик. Туятепа атрофини одам тутиб кетибди, қишлоғидан бутун ёшу қариси тўпланибди.

— Веш олтита йигитни мазоратга юборинглар, гўр қазिशсин, — деди қариялардан бири.

— Гўрни Тоғанинг ўзи қазиб қўйган, — жавоб берди кутилмаганда Устакарим, ҳаммани оғзига қаратиб, — ана, Туятепанинг устида. «Одамларга айтгин, мени, албатта, шу жойга қўйишсин», деб васият ҳам қилганди...

«Марҳумни қарзи бўлса тўлашни ким зиммасига олади?», деган сўроққа: «Мен!» деди ҳеч иккиланмай Устакарим.

— Йўқ, ўғлим, бу вазифани мен зиммамга олай, марҳумнинг ҳамма маросимини ўзим ўтказай, зора кўнглим таскин топса, гуноҳларим бир оз енгиллашса, — дея ўртага чиқди дадам. Унинг гапига ҳеч ким эътироз билдирмади. Тоғанинг жасадини лаҳадга ҳам дадам қўйди...

Ун уч болани дадам ўқитди, уйлантирди, уйли-жойли қилди. Ҳозир ҳаммамиз ишли, бола-чақали — бадастирмиз. Фақат дадамнинг кўнгли ҳануз таскин топмаганга ўхшайди. У ўзи каби кичрайиб ва букчайиб бораётган Туятепага, ундан мазоратга қатнагани-қатнаган. Кўчат экади, сув қуяди, гулзорларни ўтоқ қилади. Хуллас, қабристонга қатнашни канда қилмайди.

Умр ўткинчи бўлганидек, ҳар қандай оғир дард-алам ҳам эскириб, унутилиб боради. Одам боласи ҳамма нарсага кўникади. Аммо дадам ўзининг нохуш ўтмишини умр бўйи унутолмайди, чамаси. У кулги-хурсандчилик бор жойга дярли йўламайди, тўй-томшаларга камдан-кам боради, доим тунд, хаёлчан, гўё кеч очилган кўзлари бепарво дунёни алам билан кузатаётгандек...

УСМОН АЗИМОВ

* * *

Қор кечани ютмоқда —
Қор ютмаса, тонг ютар.
Биров сени кутмоқда,
Аммо мени ким кутар?

Ийглама, ёшнингги арт,
Рўмолингги тузатгин.

Айрилиқ-кўп совуқ дард —
Иккимизни музлатди.

Қор учқунлар. Алвидо.
Ох, соғиндим баҳорни!
Сўнг бор кўлингдан ушлаб,
Упаман оппоқ қорни...

Самандар

(Эллигинчи йиллар балладаси)

Қишлоғимиз теграсида
Мунгайган харобазор.
Қарғаларга ошён бўлиб
Боғлар ётар беага.
Менинг у пайт саволим кўп,
Саволим қатор-қатор...
— Бу боғларнинг эгалари
Ташлаб кетишди нега?
— Болам, уруш, — дейди бобом,
Кўзи ёшсиз милтирар.
Нимадандир жунжиккандай
Қалтирайди овози.
Кеч куз. Қорнинг ҳидин сезиб
Қарғалар даврон сурар,
Боғлар узра айланишар
Қаро дилларин ёзиб.
Бу боғларнинг егимлиги
Кузда билинади, оҳ!
Пуштага лол йиқилади
Токларнинг новдалари.
Қисматларин фожесини
Дарахтлар англар ногоҳ,
Кичраяр шўрликларнинг
Бужмайган гавдалари.
Бобом оғир «уф» тортади;
— Анов, Аҳмаднинг уйи,
Беш ўғлини қайтмас қилиб
Уруш ютди комига.
Узи бўлса ўлиб қолди,
Қўш ҳайдаб юрган кўйи,
Жаллод — очлик зомин бўлди
Кампирининг жонига.
Бу дунёси қурисин-эй! —
Юборгинг келар бўзлаб,
Хувиллаган анов девор
Шарофатнинг кулбаси.

У қишлоқдан чиқиб кетди,
Парча қора нон излаб,
Бир кўлида невараси,
Бир кўлида тўрваси.
Ху-ув, у чорбоқ Ҳамдамники —
Омборчи одам эди.
Уч кило ун ўғирлабди
Хужжатни чалкаш ёзиб.
Аммо қадри баянд эди,
Номуси олам эди,
Эртасига тут шохига
Ўзини қўйди осиб.
Бу боғларда униб-ўсган
Нордай йигитлар қани?
Қаерларда қаро ернинг
Тағида ётар улар?
Бу ер сира тўймас экан!
(Бобом ерни тепади),
Харобазор боғ устида
Қарға қағиллаб турар.
Тирик каби кўринади,
Бу харобот кўзимга,
Чордевордан липиллайди
Ажалнинг башараси,
Лойқа селдай тошқинланиб
Кирар менинг кўнглимга,
Савдоси кўп бу дунёнинг
Чигалли моjarоси.
Нажот излаб тикиламан
Бобомнинг кўлларига.
Қадоқ кўлдан ишонч тарқар —
Дилда бўшашар кадар.
Бобом шунда ноҳос дейди:
— Ғам ема, бўйларингдан!
Бу юрт сира кам бўлмайди,
Бу юрт асли Самандар!

Урушдан ўттиз етти йил кейин ёзилган марсия

Момоннинг — у ҳали ўттиз ёш жувон, —
Қучоғи йиғи ва нурга тўлади.
Момо, шу чақалоқ — шу бир парча жон,
Қирқ бешда Берлинга бориб ўлади.

Ўшанда сиз буғдой ўрасиз йиғлаб,
Кўк рўмол ўрайсиз оқ сочи бошга.
(— Болам, қайтмайсанми ноламни тинглаб,
Болам, кетиб қолдинг ўн саккиз ёшда!).

Тинмайсиз — гуссани тинмаган енгар —
«Воҳ, болам» — кўкларга етар оҳингиз.
Қуёш чиқар... Ботар... Кун ўтар... Ўтар... —
Армонлар ичидан бўлар роҳингиз.

Ҳеч ким сўз очмайди шаҳид ҳақида,
Сиз ўчоқ бошида йиғлайсиз пинҳон.
Хаёлда — ям-яшил дарахт тагида,
Қор ва қон устида ётар бир ўғлон.

Кетар чоғингиз ҳам ёруғ дунёдан,
Ўша ғам дилингиз айлайди беҳуд,
— Мен-ку, мен ўлсам ҳам, сиз бор — қўрқмайман,
Фақат шўрлик Норбой бўлади унут!

Норбой? Қандай йигит эди у Норбой?
Кўрикда айтганди мўйсафид дўхтир:
— Қолавер, уруш ҳам тугар, ҳойнаҳой,
Еш бола, сениз ҳам ўлганлар кўндир.

Норбой? Қандай йигит эди у Норбой?
Йўқ, у чекинмади имондан тониб.
— Сиз Ватан хонин экансиз, бобой, —
Деганди ғазабдан кўзлари ёниб.

Чол ғамгин кулганди. Кетганди ўғлон...
Хувиллаб қолганди Бойсун боғлари...
Моможон, қийналиб ўйлайман — ёмон
Фақат эсда тутсак хуррам чоғларни.

Номаълум аскарнинг мазори, мана,
Гул қўйдим. Бир умр ҳурматим бордир.
«Унутдинг», деб, момо, қилманг ҳеч таъна,
Сизнинг қабрингиз ҳам, ушбу мазордир.

Баллада

Бир тарафда сахро — безабон,
Бир тараф тоғ — қушлар ўтолмас.
Бир тарафда музгўлқин уммон,
Бир тарафда олов ёнар маст.
Оёқ босгин — ер йўқ пойингда,
Учай десаг осмонлар тоңдир.
Елғизлик — бу дўзах ичида
Қолиб кетган бир ғариб бошдир.

Шундай ғариб кечдим кўйингда,
Соғинчимни шеърга кўчирдим.
Узун хатлар битиб ўйингда,
Ғоз бўйнига боғлаб учирдим.
Баҳор келди чалиб шағн созлар,
Ғозлар ўтар. Чорлагин шодон.
Минг йилларки, саводсиз ғозлар
Адресингни тополмай сарсон.

Дадахон Ҳасанов

* *
*

Тўрғай одати бор шоир аҳлида,
Бир умр кўкларга талпиниб яшар.
Қилча ноҳақликдан бўзлар гоҳида,
Қилча яхшиликдан қасида бошлар.

Тўрғай одати бор шоир аҳлида,
Самога ёзмоқчи бўлар исмини.
Парвоз этса ҳамки, осмон тоқида,
Шу она тупроққа кўмар жисмини.

* *
*

Ўпақлаган қамишни ўриб олдик биз,
Кўзин очиб, бағрига разм солдик биз.
Суюб қора кўзларин, бўсалар олсак,
Куйлаб берди дилнавоз, ҳайрон қолдик биз.

Тоғлар

Тоғлар нечун муаззам,
Салобатли, пурвиқор?
Хушхаво, бағри тоза,
Чўққисида биллур қор?
На зилзила, на бўрон
Кор қилади уларга.
Эътибор бермас бир он
Пойин ювган сувларга.
Замонлар ўзгарар-у,
Улар-чи, ўша-ўша,

Азалий собит, сулув
Бу қадим, асил гўша.
Ечолмай бу жумбоқни,
Турардик лолу ҳайрон.
Гумбурлатиб ҳар ёқни
Бир садо келди шу он:
Тоғлар характерида
Буюк қудрат яширин,
Чунки-улар ҳар ерда
Суюб яшар бир-бирин.

Ёдгор Обидов

* *
*

... Кенг бедазор,
Тонготар чоғи.
Туман аро мудроқ уватлар.
Чимирганча турар қулоғин,
Болалигим орзуси — отлар.

Туш кўрарлар
Оёқда туриб,

Тушларига кирар қанотлар.
Хогирамни кўзгар пишқириб,
Хогирага айланган отлар...

...Бу кунларнинг орзуси ўзга,
Уйғонмиш у мудроқ уватлар.
Айланмоқда қанотли сўзга
Умрида бир учмаган отлар...

* *
*

Сим-сим ёмғир ёғар шивалаб...

Мен бораман, эгним шалаббо,
Қаршимда тик, яшил тепалар.
Майсалар-чи, қилгандек имо,
Аввал кўкка, сўнг ерга қарар.

— Ёмғир билан олган тиллашиб, —
Деб оҳиста кулиб ўтаман.
Бахтим билан завқим илашиб
Томчиларга юзим тутаман.

...Сим-сим ёмғир ёғар шивалаб...

Учкур-учкур тоғ еллари, қанотингиз сўрайман,
Гар берсангиз, меҳрим қўшиб орзу ила ўрайман,
Қалбим ўртар армонларим қолиб кетсин тубанда,
Хавасларим каби тиниқ юксакларга қарайман.

Гард қўнмаган юксакларга уча-уча етгим бор,
Тепаларда хаёл суриб кўкка боқиб ётгим бор.
Ахир умрим ўтар шаффоф орзуларнинг бағрида,
Туйгуларим ёғдусини тиниқликка элтгим бор.

У манзилга элтаолсам тиниқ тортиб кетарман,
Ой киприги узра умид-ўйларимни битарман.
Умид билан ўйларимдай оқ нурларга қўшилиб,
Она тупроқ қучоғига меҳрим тортиб қайтарман.

Кўнглим қолиб орзуларга ҳар лаҳза эрк бергайман,
Ва уларнинг оғушида истиқболим кўргайман.
Она тупроқ меҳрин олиб кенгликларга учганда,
Учкур-учкур тоғ еллари, сиздан қанот сўрайман.

Темур Норбек

Дўст ҳақида баллада

Кенжа ўғли Аббосни бир кун
Сафар бобо чақириб, деди:
— Олтмиш учга кираман бугун,
Сафар вақтим яқиндир энди.
Мана сенга бир хумча олтин,
Дуёни кез — тўрт ёнингга боқ.
Дўстсиз яшаш жуда ҳам қийин,
Содиқ дўст топ ўзингга тезроқ...
Ота қилди ўғлини дуо,
Ийигит чиқди йўлга бир шаҳар.
Утовларда ётиб қолди гоҳ,
Гоҳо юрди шаҳарма-шаҳар.
Хар жойда иш берди ҳамёни,
Кўплар билан ўлтирди-турди.
Олтинлари тугаган они
Ота уйи сари юз бурди.

Деди уйга етгани ҳамон:
— Қирқта жўра топдим, дадажон!
— Етмиш учда, ҳаммаси бўлиб,
Бир яримта дўст топдим, холос.
Оз фурсатда сен қандай қилиб
Қирқта жўра тополдинг, Аббос?!
Дўстларингни етти бор сина,
Сўнг уларга дил боғла фақат.
Содиқ, пок дўст — иқболга зина,
Сохта дўстлар — кони мусибат!

... Бир қўчқорни сўйиб, нимталаб,
Чол халтага солди бир замон.
— Энди ўғлим, менга тур қараб,
Дўстларингни этгум имтиҳон!

Бўлди улар йўлга равона.
Оқ халтадан томчилайди қон.
Бир дарвоза чертилди, мана,
Ундан чиқди мўйловдор мезбон.
Аббос билан қучоқлашди у,
Ота эса кузатди зимдан.
Юрагида туғилди ғулу:
«Дўстликлари эканми чиндан?»
— Уғлим, — деди маънос боқиб чол,
Бир дард билан келдик, қулоқ сол!

Қизимни бой ўғирлаб қочди,
Уғлим бойнинг қонини сочди.
Эл билмасдан, халтага солдик,
Сендан нажот сўраб йўл олдик.
Иккинг шуни тун оғани дам
Кўмсанг... сезмай бирорта одам.

Содиқ дўстинг экан-ку, Аббос,
Шу балодан айлағил халос!
Дарвозасин зарб билан мезбон,
Меҳмонларнинг юзига ёпди:
— Мардлик қилиш эканми осон,
Чидаганга чиқарган, депти!
— Лойи пастдан чиқмас сира мард,
Қалбаки дўст — мисоли сароб.
Оғир кунда суйсанг, номард
Сени, ўғлим, айлағай хароб.
Шу боисдан, — депти отахон, —
Бор дўстингни этгум имтиҳон!

Елкасида оқ халта Аббос
Хаёл суриб, ташлайди қадам:
— Ҳа, бошингга иш тушса бехос,
Содиқ дўст ким — биларкан одам.
Ногоҳ тушди эсига Исом,
Йўл олди шу дўстин уйига:
Мардлик қилиб, озмунча пулни
Сочганмиди унинг тўйига!
Сўнов қилди ота уни ҳам
Ва эшитди: — Кечиргил, Аббос,
Қилолмайман бу ишда ёрдам,
Балки сенга қор келар Ғиёс!
Ғиёсдан ҳам олиб рад жавоб,
Уйлар: «Булар дўстми ё сароб?»
Йўл юрдилар неча кун ва тун,
Қирқта дўст ҳам бўлди имтиҳон.
Имтиҳонга ясалди яқун —
Дўстликлари чин эмас, ёлгон.
Чол дедик: — Бу ҳам бир мактаб,
Асил дўстни ажратмоқ қийин.
Одам кўзи очилиб борар
«Гирдоблар»га тушгани сайин...
Яхши жўрам уйига энди

Олиб бораи, ўғлим, зеҳн сол.
Кўк дарвоза чертилган эди,
«Марҳамат!» деб кўринди бир чол.
Салом-алик.
Сўнг меҳмон деди:
— Ердан айла, сен суянч тоғим.
Ўғлим бойни чопиб ташлади,
Нажот бергин ўчмай чирогим.
— Аввал дам ол чиқиб сўрига, —
Дея мезбон халтани олди
Ва яшириб ховли тўрига,
Меҳмонларга дастурхон солди.

Қозон осиб, сузилди таом,
Уринлади дўстлик ҳурмати.
Ширин суҳбат этаркан давом,
Сафар бобо аста туради:
— Кечир, — дейди оқиб кўз ёши, —
Бу ўғлимга эди бир мактаб.
Покиза дўст — умр кўёши,
Дўстлик деган кўёшга шараф!
Халтадаги кўчкор, азизим,
Қозонга бос, яна яйрайлик!
Чин дўстликка қилайлик таъзим
Ва шуҳратин элга тарайлик.

Уммат Тўйчи

Манзара

Қайга жўнар нортуюдай кулранг булут?
Елда хивчин ўйнатарди тол, олмурут,
Шойисмон товланиб боғ, этар ярқ-ярқ.

Соябондир бошда турган азим фалак,
Кўкдаги у беқасамми ё камалак?
Осмоним, сен мунча кўркам, чиройга ғарқ?

Виқор билан кўкда лайлак қанот қоқар,
Учан сувда беҳи қувлаб беҳи оқар,
Эманлардан учиб тушди сап-сарик барг.

Ғоятда улуғ инсонпарвар, интернационал, халқаро тинчлик ва дўстликни
улуғловчи, ватандош инқилобий шоиримиз В. Маяковский коммунизм
қураётган қудратли халқимизнинг улуғ сафида ҳаминша барҳаёт бўлиб қолади.
Ғафур ҒУЛОМ

У, менинг тасаввуримда, ҳаёт билан шеърят бириккан сиймо.
Леонид МАРТИНОВ

Маяковский шеъряти, худди унинг ўзи сингари улкан ва мардона
туғёнлар мужжасамидир.
Евгений ЕВТУШЕНКО

В. В. Маяковский


ҚАНДАЛА

ТУҒҚИЗ КУРИНИШДАН ИБОРАТ
ДАБДАБАЛИ КОМЕДИЯ

ҚАТНАШУВЧИЛАР

ПРИСИПКИН — Пьер Скрипкин — собик
ишчи, собик партия аъзоси, ҳозирги
куёв.
ЗОЯ БЕРЕЗКИНА — ишчи аёл.
ЭЛЬЗЕВИРА ДАВИДОВНА — келинчак —
сартарошхонанинг маникюрчиси,
кассири.
РОЗАЛИЯ ПАВЛОВНА — сартарош — она.
ДАВИД ОСИПОВИЧ — сартарош — ота.

— Ренесанслар
ОЛЕГ БАЯН — туғма талант, соҳиб хона-
донлардан.
МИЛИЦИОНЕР
ПРОФЕССОР
ҲАЙВОНОТ БОҒИ ДИРЕКТОРИ
УТ УЧИРУВЧИЛАР БОШЛИҒИ
УТ УЧИРУВЧИЛАР
КУЕВТУРА
РЕПОРТАЖЧИ
АУДИТОРИЯ ИШЧИЛАРИ
ШАҲАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ
НОТИҚ
ТАЛАБАЛАР
БАЙРАМ МҶТАСАДДИСИ



Шаҳар совети президиуми, овчилар, болалар, чоллар.

Уртада универмагнинг айланиб турадиган улкан эшиги, икки биқинидаги ойнаванд витринага моллар териб қўйилган. Одамлар қуруқ кириб, тугун, бўхча кўтариб чиқиб туришади. Театр атрофида чаканачи савдогарлар изғиб юришади.

ТУГМАФУРУШ. Тугмани деб уйланиш ақлдан эмас, тугмани деб ажралиш аҳмоқнинг иши! Бошбармоқ ва қорамалдоқ билан шундоқ босиб қўйилса бас, одамларнинг шими ҳеч қачон тушиб кетмайди.

Голланд тугмаси,
Узи тикилиб,
Узи қадалгувчи тугма бу,
Олтитаси 20 тийин...
Кеп қолинг, мусью!

ҚУҒИРЧОҚФУРУШ. Уйнар, балет мактаби,
Ўқитган раққос каби.
Бўлмас бундан зўр эрмак
Хоҳ уй, хоҳи чорбоғда,
Ўйнаб кетар у бирдак
Нарком буюрган чоғда.

ОЛМАФУРУШ. Ананаслар!...
Йўқ...
Бананлар!
Йўқ...

Антонов олмаларнинг 4 донаси 75 тийин.
Буюрсинлар, гражданочка!

ҚАЙРОҚФУРУШ. Мана
герман қайроқтоши,
худди метиндан,
Қай бўлагин
олманг,
бари ўттиз тийиндан.
Ҳар оҳангда
чархлаб берар,
Ҳар бир дидга мос,
Устараю
пичоқларни
баҳслашишга тилларни ҳам
чархлаб берар —
бу рост!
Олиб қолинг, гражданлар!

ҚАНДИЛФУРУШ. Қандилларнинг
турфа-турфа
хилларидан бордир бунда.
Яшил қандил
шинам қилар,
қизили шавқ берур тунда.
Сотаману кетаман!

ШАРФУРУШ. Қолбаса нусха шарлар
Хавф-хатарсиз учарлар.
Генерал Нобиледа
бўлса эди
шундай шар,
Улар қутбда
узоқроқ
қолишарди муқаррар.
Қуруқ қолманг, гражданлар...

БАЛИҚФУРУШ. Республика селёдкасин
энг яхшиси
мана шу-да,
Қуймоқ билан,
ароқ билан
йиглаб кўришади жуда!

А Т Т О Р Х О Т И Н.

Юнгдай юмшоқ сийнабанд бор,
Юнгдай юмшоқ сийнабанд бор!

Е Л И М Ф У Р У Ш

Бизда
Ҳамда чет элларда,
ҳамма-ҳамма жойда яъни,
Гражданлар
ташлашворар
идишларнинг синганини.
Уша машҳур,
Экцальзиор,
Уша машҳур кукун-олим
Елимлайди
тувакни ҳам,
ҳатто Венеранинг қўлини,
Ёқадими, хоним, сизга?

А Т И Р Ф У Р У Ш.

Коти атри,
фаранг атри,
бир мисқол!
Коти атри,
фаранг атри,
бир мисқол!

К И Т О В Ф У Р У Ш. Уйда эри бўлмаса, хотин нима иш қилади? Собиқ граф Лев Николаевич Толстойнинг 105та ичакузди латифалари, бир сўм йигирма тийин ўрнига — ўн беш тийин.

А Т Т О Р Х О Т И Н. Юнгдай юмшоқ сийнабанд бор,
Юнгдай юмшоқ сийнабанд бор!

Присипкин, Розалия Павловна, Баян кириб келадилар.

А Т Т О Р Х О Т И Н. Сийнабандлар...

П Р И С И П К И Н (*ҳавасланиб*). Аслзодаларга муносиб мана бу қўшалоқ қалпоқчаларни қаранг...

Р О З А Л И Я П А В Л О В Н А. Қанақасига булар қалпоқча бўларкан, ахир булар...

П Р И С И П К И Н. Нима, менинг кўзим йўқми? Агар бизда эгизак туғилса-чи? Америкалик опа-сингил киноактрисалар Дороти ва Лилианга ўхшаб? Мана буниси Доротига, мана буниси Лилианга... Мен ҳозирданоқ эгизакларимизга аслзодаларга хос, кинолардагидек от қўйишни кўнгилга тугиб қўйдим... Иккиси бирга ўйнаб юришади, Шунақа! Менинг уйимда ҳамма нарса сероб бўлиши керак. Олаверинг, Розалия Павловна!

Б А Я Н (*қиқиллаганча*). Олаверинг, олаверинг, Розалия Павловна! Уларнинг калласида разиллик, бемазалик бор дейсизми? Улар ёш синф, улар барини ўзларича тушунишади. Улар ўзларининг қадимги доғ тушмаган пролетарча келиб чиқиши ила касаба союз билетини уйингизга олиб келишяпти-ю, сиз пулингизни аяб ўтирибсиз! Уларнинг уйда ҳамма нарса сероб бўлмоғи лозим.

Розалия Павловна хўрсинганча харид қилади.

Б А Я Н. Мен олиб бориб бераман... улар жуда енгил, уриниб юрманг... ўша пулнинг ўзига...

Қ У Ғ И Р Ч О Қ Ф У Р У Ш. Уйнар, балет мактаби

Уқитган раққос каби...

П Р И С И П К И Н. Менинг авлод-авлодим, бўлғуси болаларим жуда ҳам диди нозик бўлиб тарбияланмоқлари керак. Шунақа! Олаверинг, Розалия Павловна.

Р О З А Л И Я П А В Л О В Н А. Уртоқ Присипкин...

П Р И С И П К И Н. Мени ўртоқ деманг, гражданка, сиз ҳали пролетариат билан қариндош бўлганингизча йўқ.

Р О З А Л И Я П А В Л О В Н А. Бўлажак ўртоқ гражданин Присипкин, ахир бу пулга, мўйлов ва бошқа майда-чуйдани ҳисобга олмаса, нақ ўн бешта одам соқолини олдириши мумкин-а. Ундан кўра тўйга яна беш-ўнта пиво олсак яхшимасми, а?

П Р И С И П К И Н (*қатъий*). Розалия Павловна! Менинг уйимда...

Б А Я Н. Унинг уйда ҳамма нарса сероб бўлиши лозим. Уйин-кулги ҳам, пиво ҳам булоқдай қайнаб туриши керак, токи ҳамма нарса мўл-кўл бўлсин.

Розалия Павловна харид қилади.

Б А Я Н (*тугунларни олиб*). Ўзингизни уринтирманг, ўша пулнинг ўзига...

Т У Г М А Ф У Р У Ш. Тугмани деб уйланмас ақлли киши!

Тугмани деб ажралиш — аҳмоқнинг иши!

П Р И С И П К И Н. Бизнинг қизил хонадонимизда ҳеч қанақа мешчанларча турмуш, шим туфайли кўнгилсизликлар бўлмаслиги керак. Шунақа! Олаверинг, Розалия Павловна!

Б А Я Н. Ҳозирча сизда касаба союз билети йўқ, унинг гашига тегманг, Розалия Павловна. У — музаффар синф, йўлида нима учраса лавадай шип-шийдам қилиб кетади. Ўртоқ Скрипкиннинг шимлари ҳам бадастир бўлмоғи керак.

Розалия Павловна хўрсинганча харид қилишда давом этади.

БАЯН. Уринманг, мен ўзим олиб бориб бераман ўша...

БАЛИҚФУРУШ. Республика шўр балиғин

энг яхисини

мана шу-да:

Сизга айтсам,

ароқ билан

йиғлаб кўришади жуда!

РОЗАЛИЯ ПАВЛОВНА. *(барчани четга суриб, баланд овозда, хўрсанд)* Селёдка — бу бошқа гап! Буни олсангиз, тўйнинг бир кам-кўстига яраб кетади! Буни албатта оламан! Утинг, мосёё, эркаклар! Бу қилька неча пул?

БАЛИҚФУРУШ. Бу лосось балиғи, килоси 2 сўм 60 тийин туради.

РОЗАЛИЯ ПАВЛОВНА. Мана шу чавақининг килоси 2 сўм 60 тийинми?

БАЛИҚФУРУШ. Нима деяпсиз, хоним, салкам осетра балиғи-я, бу!

РОЗАЛИЯ ПАВЛОВНА. Шу сиркаланган қоқ суяклар 2 сўм 60 тийинми?

Эшитяпсизми, ўртоқ Скрипкин? Сиз подшони гўрга тикиб жаноб Рябушинскийни ҳайдаб юбориб тўғри қилган экансиз! Эҳ, бу имонсизлар! Мен ҳали совет давлат жамоат кооперациясидаги ўзимнинг гражданилик ҳуқуқларим билан шўр балиғимни топиб оламан!

БАЯН. Шу ерда кутиб турамиз, ўртоқ Скрипкин. Сизга бу майда буржуазия савдосига аралашиб, сельдларни баҳо йўли билан харид қилишнинг нима кераги бор? Агар менга ўн беш сўм билан бир шипа ароқ берсангиз, сизга қулинг ўргилсин тўй ташкил қилиб бераман.

ПРИСИПКИН. Ўртоқ баян, мен мешчанларча икир-чикир рўзгор тутишга мутлақо қаршман... Мен яхлит нарсаларга ишқивозман... Анави ойнаванд шкафни кўзлаб турибман...

Зоя Березкина гапирётганларга урилиб кетай дейди, гапга қулоқ солганча ҳайрон бўлиб ортига қайтади.

БАЯН. Сизнинг тўй кортэжингиз қачон?..

ПРИСИПКИН. Нималар деяпсиз? Қанақа картёж?

БАЯН. Мен кортэж деяпман. Ўртоқ Скрипкин, чиройли чет тилларда ҳар қандай, айниқса мана шунақа тантанали тўй сафарини кортэж дейилади.

ПРИСИПКИН. А! Е тавбангдан кетай!

БАЯН. Гап шу, кортэж етиб келганда, мен ўзим Хименейга бағишланган тўй ёр-ёрини айтиб бераман.

ПРИСИПКИН. Нима деб валдираяпсан! Тағин қанақа Ҳимолайлар улар?

БАЯН. Ҳимолай эмас, тангри Хименейга бағишланган кўшиқни айтипман. Юнонларда шундай севги худоси бўлган, ҳозирги сариқ, қутурган муросачи Венипелосларда эмас, балки қадимги республикачи юнонларда.

ПРИСИПКИН. Ўртоқ Баян, мен ўз пулимга қизил тўй бўлишни талаб қиламан, ҳеч қанақа худо-пудонинг кераги йўқ! Тушундингми?

БАЯН. Нима деяпсиз, ўртоқ Скрипкин, тушуниш ҳам гапми, ҳатто Плеханов айтганидек, марксчилар тасаввуроти қудрати билан сизнинг синфий, кўтаринки, нафис ва сафоли тўйингизни ойнада кўргандек кўриб турибман!.. Келинчак соявон аравадан тушади — қизил келинчак... Ҳамма ёғи қизил — демак, иссиқда бугриқиб кетган бўлади; уни вакил ота, бухгалтер Ерикалов егаклаб тушади; у буюртиргандек семиз, қизил, бу ерда турган куёвнавкарлар ҳам, қизил, улар сизни дастурхонга бошлашди, стол қизил ветчина ва қизил бошли шпшаларга тўлдириб ташланган.

ПРИСИПКИН. *(ёқиб кетиб)*. Шунақа! Шунақа!

БАЯН. Қизил меҳмонлар «горько, горько» деб қичқирашади, шунда қизим *(энди қайлиқ)* сизга қараб қизил, кип-қизил лабларини чўзиб келади...

Зоя *(ўзини йўқотиб иккаласининг энгларидан ушлайди)*. Иккиси ҳам чанг тозаллагандек унинг қўлини силтаб ташлайди. Ваня! У нималар ҳақида гапиряпти? Ана у галстук боғлаб олган маймоқ нима деб алжияпти? Қанақа тўй? Кимнинг тўйи?

БАЯН. Бу қизил меҳнат никоҳи, яъни Эльзевира Давидовна Ренесанс билан...

ПРИСИПКИН. Мен бошқани севдим, Зоя, қисқаси

Қадру назокатда эрур у ортик,

Шундай боқсанг, латофатли нимчаси

Кўкрагини таранг туради тортиб.

ЗОЯ. Ваня! Мен-чи? Буни қандай тушунмоқ керак:

Кўнгиш хушлаб, кетдим ташлаб деганлари шуми?

ПРИСИПКИН. *(олдинга чўзилган қўлларини тортиб олиб)*.

Айрилишдик, денгиздаги

Кемалардек биз...

РОЗАЛИЯ ПАВЛОВНА. *(бош узра балиқ кўтарганича магазиндан чиқиб келиб)*. Кит-балиқлар! Дельфинлар! *(Балиқфурушга)*. Қани, опкел-чи, бир шиллиқ қуртинга солиштириб кўрай! *(Солиштиради, балиқфурушнинг сельди катта келади, чапак чалиб юборади)*. Думиға катта эканми? Биз нималар учун курашганимиз, а гражданин Скрипкин? Биз нималар учун подшо императорни асфаласофилинга жўнатиб, жаноб Рябушинскийни қувиб солдик, а? Сизнинг совет ҳокимиятингиз мени гўрга тикмай қўймайди... Қаранг бир думга, бутун бир думга катта экан-а!..

БАЯН. Ҳурматли Розалия Павловна, бош томонидан солиштириб кўринг — унинг балиғи фақат бошига катта холос, бошини нима қиласиз — уни еб бўлмаса, кесасизу ташлаб юборасиз-да.

ҚАНДАЛА
◆
В. В. МАЖОВСКИЙ

РОЗАЛИЯ ПАВЛОВНА. У нима деганини эшитдингларми? Бошини кесиб ташлаш керак эмиш. Сизнинг бошингизни кесиб ташлаш керак, гражданин Баян. Бу билан ҳеч нарса қамаймайди, аммо балиқнинг боши кесилса, килоси ўн тийин туради. Қани! Уйга кетдик! Менга қасаба союз билети уйимда жуда ҳам зарур, бироқ қизим сёрдаромад муассасида ишлайди — бу ҳам ҳазилакам гап эмас.

ЗОЯ. Бирга яшамоқчийдик, ишламоқчийдик... Демак... тамом.

ПРИСИПКИН. Гражданка! Бизнинг севгимизга барқам берилди. Хур гражданлик туйғуга ҳалақит берманг, аке ҳолда милицияни чақираман.

Зоя йиғлаганича, Присипкиннинг енгларига ёпишади. Присипкин юлқинади. Розалия Павловна икковларининг орасига туриб олади, харид қилган нарсалари бирин-бирин ерга тушиб кетади.

РОЗАЛИЯ ПАВЛОВНА. Бу хотинга нима керак экан ўзи? Нега менинг куёвимга ёпишасиз?

ЗОЯ. У меники!

РОЗАЛИЯ ПАВЛОВНА. А-а!.. Ҳали ундан бола ҳам бор дегин! Ҳали сенга нафақа ҳам тўлаб туради, шуни билиб қўйки, мен сенинг тумшугингни эзиб қўяман-а?
МИЛИЦИОНЕР. Гражданлар, бас қилинглар бу бемаза машмашани!

II

Еш-яланглар ётоқхонаси. Ихтирочи бурнини тортиб нималарнидир чизади. Йигит чалқанча ётади, каравотнинг бир чеккасида қиз ўтирибди. Кўзойнакли, китоб ўқишга муккасидан кетган. Эшиклар очилганда, кўп эшикли далон ва чироқлар кўриниб туради.

ЯЛАНГОЕҶ ИЙГИТ (бақуриб). Этигим қани? Яна этигимни тинчитиб кетишибди. Нима қилай, бундан буёқ қўл ва оёқ юкларимни асраб бериш камерасига топширгани Курск вокзалига бораман шекилли?

ФАРРОШ. Уларни кийиб олиб, Присипкин ўзининг байтали билан учрашувга жўнаб қолди. Сўкина-сўкина кийди ўзим. Охиргиси дейди, кечқурун эса, дейди мутлақо янгилаиб менинг янги ижтимоий ҳолатимга мос келадиган бўлиб қайтаман.

ЯЛАНГОЕҶ ИЙГИТ. Аблаҳ-ей!

ЕШ ИШЧИ (агрофни йиғиштириб). Буни қарангки, қолдирган ахлат ҳам қандайдир олижаноб, табиатли кўринмоқда. Авваллари-чи? Пиводан бўшаган шиша-ю, шўрбалиқнинг думидан бўлак нарсани кўрмасдингиз, энди бўлса, мана бундай хориждан келган банклару камалак нусха тасмалар...

ҚИЗБОЛА. Қўйинг-э, йигит бор-йўғи битта галстук сотиб олипти-ю, уни Макдональдга чиқариб сўкасишлар.

ИЙГИТ. Макдональднинг худди ўзгинаси! Гап галстукми, йўқ, гап шундаки, галстук унга эмас, у галстукка боғланган. Ҳатто ўйламайди — калласини кимирлатишга ҳам қўрқади.

ФАРРОШ. Йиртигини лак билан бекитади; шошилди, қараса, пайпоғи йиртилиб оёғи кўриниб қопти. Юриб қета туриб ўша ерни сиёҳ қалам билан бўяб олди.

ИЙГИТ. Оёғи бўямаса ҳам ўзи қора.

ИХТИРОЧИ. Балки у ери қора эмасдир. Пайпоғини қайтадан кийиб олса бўлармиди.

ФАРРОШ. Дарров ихтирочи ҳам топила қолди. Патент олвол. Ҳазир бўл, тагин ғоянгни ўмариб кетишмасин. *(Қўлидаги латта билан столни тозаламоқчи бўлиб шاپиллагиб уради, латта столдаги қутичага тегади, қутичадаги карточкалар ерга эллиғичдай сочилиб тушади. Териб олиш учун эгилади, ёруққа олиб боради, ўргоқларини аранг чақуриб, хаҳолаб кулади.)*

БАРЧА (қайта-қайта ўқишиб, такрорлашиб). Пьер Скрипкин. Пьер Скрипкин! **ИХТИРОЧИ.** У ўзига шундай фамилия ихтиро қилди. Присипкин. Хўш, Присипкин дегани нима ўзи? Қани, айтинг-чи? Нимага Присипкин? Қанақа Присипкин? Кимга Присипкин? Пьер Скрипкин. Бу энди фамилия эмас, балки қўшиқ!

ҚИЗ (хаёлчан) Ростданам шундай; Пьер Скрипкин — жуда ҳам нафис ва ажойиб. Сизлар бу ерда гап сотиб ётибсиз, балким, уйда маданий инқилоб қилаётгандир.

ИЙГИТ. Афти-башарасига қарасанг у Пушкиндан ҳам ўтиб кетган. Чакка соқоли итнинг думига ўхшаб осилиб туради, ювмайдиам — тарашга қўрқади.

ҚИЗ. Немис киноактери Гарри Пильда ҳам шу маданият, бутун башарасини босиб кетган.

ИХТИРОЧИ. Буни унинг соч бўйича устози ривожлантормоқда.

ИЙГИТ. Хайронман, бу устозининг сочларини нима тутиб тураркин: боши ҳеч нарсага арзимаиди-ю, ҳамма ёғини... Намгарчиликдан шунақамикан, хайронман?

КИТОБ УҚИЕТГАН ИЙГИТ. Йў-у-йўқ. У — ёзувчи. Нима ёзганини билмайману, лекин жуда ҳам номи чиққан! У ҳақда «Оқшом» уч марта ёзиб чиқди: Апухтиннинг шеърларини, дебди, ўзиники қилиб сотган. У роса хафа бўлгач, раддия ёзди. Аҳмоқлар, дейди, гапларинг ғирт ёлғон. Мен уларни, Надсондан кўчириб олгандим! Улардан қайси бири ҳақ — билмайман. Энди унинг нарсаларини газетада босишмайди, у эса энди жуда машҳур — ёшларни ўргатади. Бирига шеър ёзишни, бирига қўшиқ айтишни, бошқа бирига эса рақс тушишни, яна қайси бирига шунчаки... пул қарз олишни.

СУПУРГИ ТУТГАН ИЙГИТ. Қадоқни лак билан кетказиш бу ишчининг иши эмас.

Гапнинг ярмида шўралаб кетган чилангар кириб келади, қўлларини ювиб ўгирилиб қарайди.

ЧИЛАНГАР. Унинг ишчига ҳеч алоқаси йўқ, бугун ҳақини ҳисоб-китоб қилиб

олди, сартарошнинг қизига уйланмоқда — у қиз ҳам кассир, ҳам маникюрчи. Энди унинг тирноғини Эльзевира Ренесанс хоним тозалаб қўядилар.

ИХТИРОЧИ. Эльзевир деган шунақа ҳарф бор.

ЧИЛАНГАР. Ҳарф-парфни билмайману, лекин қомати кетворгани рост. Ҳисоб-китобни тезроқ қил деб бухгалтерга варақа кўрсатаётганда кўзим тушувди.

Бу мўъжиза, мана жонон:

Ҳар кўкраги икки пуддан.

ЯЛАНГОЕҚ. Жойини топибсан!

ҚИЗ. Аҳа! Ҳасад қиялпсанми?

ЯЛАНГОЕҚ. Нима қилги, мен ҳам технорук бўлганимда, ҳар куни этик қияман, тузукроқ бир квартирача излаб топаман.

ЧИЛАНГАР. Сенга битта маслаҳат бераман: ўзингга бир дарпарда қилиб ол. Пардани очдинг — кўчага қараб оласан. Пардани ёпдинг — порани ёнга урасан. Елғиз одамга ишлаш зерикарли ҳолос, аммо, товуқни бир ўзинг еганингга не етсин. Тўғрими? Бунақалар оқоплардан ҳам қочиб қолганда бошлаб адабини берганмиз. Қани, туёғингни шикиллатиб қол-чи!

ЯЛАНГОЕҚ. Шикиллатсам шикиллатавераман-да. Нега энди сен ўзингни Карл Либкнехт фаҳмлайсан? Агар сенга ҳам деразадан гул кўрсатиб имлашсин, оёғингни кўлингга олиб югуриб қоларсан... Қаҳрамон-ей!

ЧИЛАНГАР. Ҳеч қаёққа бормайман. Сен менга бу увадаю, сассиқ хид ёқади деб ўйлайсанми? Йўқ. Қўриб турибсизки; бизлар кўпчиликмиз. Варчамизга ҳам мана шундай бойвучча қизларни етказиб беролмайсан. Уйларни қуриб олайлик, кейин ёппасига қимирлаймиз... Бирданга ҳаммамиз. Аммо биз ҳеч қачон бу оқопнинг туйнугидан оқ байроқ билан чиқмаймиз.

ЯЛАНГОЕҚ. Ҳадеб оқопни чайнайвераркамми. Энди ўн тўққизинчи йил эмас. Одамлар ҳам одамдай яшасам дейди.

ЧИЛАНГАР. Оқоп бўлмай, нима?

ЯЛАНГОЕҚ. Елғон!

ЧИЛАНГАР. Ҳамма ёқни бит босиб ётибди...

ЯЛАНГОЕҚ. Елғон!

ЧИЛАНГАР. Овозсиз ўқ билан отишади.

ЯЛАНГОЕҚ. Елғон!

ЧИЛАНГАР. Мана Присипкинни қўштиғдан отиб қўйишди.

Кийлавериб абжағи чиқиб кетган ботинкани ишидан ушлаганча қора амирқон туфли кийиб олган Присипкин кириб келади. Қўлидаги Ялангоёққа отади. Баяннинг қўлида харид қилинган нарсалар. Скрипкиндан чилангарни пана қилади.

БАЯН. Сиз, ўртоқ Скрипкин бу қўпол рақсларга қараманг, улар янги пайдо бўлаётган нозик дидингизни бузади.

Етоқхона ёшлари тескари бурилишади.

ЧИЛАНГАР. Эгилаверма ҳадеб? Ҳассани синдирасан!

БАЯН. Мен сизнинг аҳволингизга тушуниб турибман, ўртоқ Скрипкин: уларнинг қўпол жамиятида бу юмшоқ кўнглингиз билан яшашингиз мушкул, мумкин эмас. Бу бардошингиз билан яна бир ибрат бўлинг. Ҳаётингиздаги энг масъулиятли қадам — никоҳдан кейинги биринчи фокстрот. Бир умрга етадиган таассурот қолдирмоғи лозим. Қани, хаёлий хоним билан юриб кўринг-чи. Худди Биринчи Май парадида юргандек нега тақиллатасиз?

ПРИСИПКИН. Ўртоқ Баян, ботинкани ечиб қўяман: биринчидан, қисяпти, иккинчидан, босилиб кетяпти.

БАЯН. Ана, ана! Шундай, шундай, аста қадам ташланг, гўё ойдин кечада орзулар ва молихулёга берилиб, пивоходанан қайтмоқдасиз. Шундай, шундай! Намунча гавдангиз титраб-қақшайди, ахир сиз вагонетка эмас, хонимни етаклаб кетяпсиз. Ана шундай, ана шундай! Қўл қани? Қўл! паст.

ПРИСИПКИН (хаёлий елкани силаб). Қўлим ҳавода турмаяпти.

БАЯН. Сиз-чи, ўртоқ Присипкин, аста тимискилаб, сийнабандни топинг ва, гўёки кўнглини ёзмоқчидай, бош бармоғингизни сал ботириб олинг — бу хонимга ҳам хуш ёқади, ўзингиз ҳам энгил тортасиз, бошқа қўлингизни ҳам эсдан чиқарманг. Нега елкаларингиз титрайпти? Бу энди фокстрот эмас, сиз шимми рақсини намойиш қиялпсиз.

ПРИСИПКИН. Йўқ. Мен шунчаки... юриб кетаётиб қашиндим.

БАЯН. Ахир шундай қилиш мумкинми, ўртоқ Присипкин! Агар завқ-шавқ билан рақс тушаётганингизда шундай бир ҳодиса рўй берса, сиз гўё хонимни рақш қилаётгандай кўзингизни олайтиринг, испанчасига девор ёнига боринг-да, бирон бир ҳайкалга сурқалинг. (Сиз бўлиб турадиган дабдала жамиятда бундай ҳайкалу вазалар тўлиб-тошиб ётади). Сурқалинг, тортиқиланг, кўзларингизни чақчайтиринг-да, бундай денг: «Мен сизни билиб олдим, маккорра, сиз мени майна қилмоқдасиз... аммо...» Кейин яна рақсини давом эттирасиз ва шу йўсинда аста-секин ўзингизни босиб оласиз.

ПРИСИПКИН. Шунақами?

БАЯН. Офарин! Зўр! Истеъдод бор сизда, ўртоқ Присипкин! Буржуазия қуршови ва бир мамлакатда социализм қурилиши шароитида истеъдодингизни гуллаётганга жой йўқ. Ахир бизнинг Средний Козий жинкўчамиз сизга муносиб майдон бўла оладими? Сизга жаҳон инқилоби даркор. Сиз Европага чиқиб бормоғингиз керак, сизга фақат Чемберлену Пуанкареларни йиқиш ярашади. Сиз Париждаги Мулен-Ружи ва Пантеонларда чиройли рақсларингиз, ҳаракатларингиз билан қойил қолдирасиз. Шу ҳаракатни яхши эслаб қолинг. Шу лаҳзада тўхтанг. Жуда зўр! Мен энди кетдим. Бу куёвжўраларга кўз-қулоқ бўлиб турмасанг бўлмайди, тўйгача фақат бир стакан ва ундан шабнам томчисича ҳам кўп эмас, ишни ўринлатишгандан кейин эса, майли, шишаси

билан отишсин. Оревуар. (*Эшикдан қичқирганча кетади*). Бир вақтда иккита галстук тақманг, айниқса ҳар хил ранглисини. Охорли кўйлакни шимга тикмай кийиб юриб бўлмайди!

Присипкин янги сарпони кийиб кўради.

И И Г И Т. Ванька, бу ортиқча юкни ташла, сенга нима бўлди, бу қадар такбирингдан адашиб қолдинг?

П Р И С И П К И Н. Э, сизнинг неча пудлик ишингиз бор, ҳурматли ўртоқ! Нима учун курашдим мен? Мен яхши турмуш учун курашдим. Мана ўша турмуш менинг изимда: хотиним бор, уйим бор, иззат-ҳурматим жойида. Мен керак бўлса, ўз бурчимни ҳамиша адо эта оламан. Кимки жанг қилган бўлса, сўлим дарё бўйида дам олишга ҳаққи бор. Ана шунақа! Балки мен бутун синфимни ўзимнинг фаровонлигим билан юксақларга олиб чиқаётгандирман. Ана шунақа!

Ч И Л А Н Г А Р. Жангчи! Суворов! Жуда тўғри!

Баланд юрдим,
гоҳ паст юрдим,
Социализмда кўприк қурдим,
Кўприк битмай
ҳориб-толдим,
Ўлтирдим-у,
сўнг дам олдим.
Кўприк олдин босди ўтлар,
Кўприк узра қўйлар ўтар,
Шу соҳилда
ётиб андак
Ҳордиқ ёзмоқ —
бизнинг истак...

Шунақами?

П Р И С И П К И Н. Сени қара-ю! Бошқа кимсага қил, бунақа дағал ташвиқотларингни... Ана шунақа! (*Каравотга ўтиради, гитара чалиб, хиргойи қилади.*)

Луначарский кўчасида бор
Кўҳнагина битта иморат.
Зиналари зўр, панжарадор,
Дарчаси ҳам нафисдир гоят.

Ўқ овози эшитилади. Эшикка отиладилар.

И И Г И Т (*эшик орқасидан*). Зоя Березкина ўз-ўзини отиб қўйди!

Ҳамма ўзини эшикка уради.

И И Г И Т. Эҳ, энди ячейкада бошлаб адабини беришади.

О В О З Л А Р. Тезроқ,...

Тезроқ...

«Тез ёрдам»ни...

«Тез ёрдам»ни...

О В О З. Тез ёрдам! Тезроқ! Нима? Ўзини отиб қўйибди! Кўкракдан! Тешиб ўтиб кетибди. Средний Козий кўчаси, 16.

Присипкин ёлғиз, нарсаларини шошилич йиғиштиради.

Ч И Л А Н Г А Р. Сени касрингга, пахмоқ соч расво, шундай хотин ўлиб кетди! Йўқол бу ердан! (*Присипкинни пиджагидан тугиб, эшик томон отиб юборади, орқасидан унинг нарсаларини итқитади.*)

Ф А Р Р О Ш. (*врач билан бирга чопиб келар экан, мункиб бораётган Присипкинни тугиб қолади ва қаддини кўтариб қўяди, ичкаридан учиб чиқаётган шляпани илиб олиб бунга беради*). Сен, йигит синфдан шундай ажралиб бормоқдасанки!

П Р И С И П К И Н (*гескари ўгирилиб, бақиради*). Извошчи, Луначарский кўчаси, 17-уйга! Нарсалар билан!

III

Каттагина сартарошлар хонаси. Икки томонида тошойналар. Ойналар олдида қоғоз гуллар. Сартарош столи устида шишалар. Авансценанинг чап томонида «огзи» карракдай очик рояль, ўнг томонида карнайи бутун хона бўйлаб айланиб чиқиб кетган печь. Хона ўртасида тўйга ясалган доира стол. Стол атрофида: Пьер Скрипкин, Эльзевира Ренесанс, куёвжўралар, келин янгалари, келиннинг отажони ва онажони — Ренесанслар. Вакил — ота — бухгалтер ва вакил — она. Олег Баян ўртада залга орқасини ўгириб, тўйни бошқаради.

Э Л Ъ З Е В И Р А. Бошлаймизми, Скрипочка?

С К Р И П К И Н. Кутамиз.

Пауза.

Э Л Ъ З Е В И Р А. Скрипочка, бошлаймизми?

С К Р И П К И Н. Кутамиз. Мен рисоладаги тартибда, яъни ҳурматли меҳмонлар, айниқса завком котиби муҳтарам ўртоқ Лассальченконинг иштирокида уйланишни истайман... Шунақа!

М Е Х М О Н (*чопиб кириб*). Ҳурматли келин-куёвлар, кечикиб қолганим учун бир

қошиқ қонимдан кечасизлар, аммо мен ҳурматли доҳиймиз Лассальченконинг никоҳ тилақларини сизларга етказишга вакил этилганман. Эртага, дейди, черковга бор десангиз ҳам боравераман, аммо бугун дейди, ҳеч келолмайман. Бугун, дейди, партиявий кун, истасанг-истамасанг ячейкага бормоғинг керак дейди. Шундай қилиб, навбатдаги ишга ўтаверамиз.

ПРИСИПКИН. Тўйни очик деб эълон қиламан.

РОЗАЛИЯ ПАВЛОВНА. Мусье ва ўртоқлар, марҳамат, еб-ичиб ўтиринглар. Мана бунақа чўчкаларни ҳозир қандай топасиз? Мен сурланган, бу пешнобни уч йил аввал Греция ёки Польша билан уруш бўлиб қолса бирор кунга яраб, деб олиб қўйгандим. Аммо... ҳалигача урушдан дарак йўқ, пешноб бўлса бузилиб қоладиган. Мусье, енглар.

БАРЧА (*қадаҳларни кўтариб*). Горько! Горько!

Эльзевира билан Пьер ўпишадилар.

Горько! Го-о-о-рь-к-о-о!

Эльзевира Пьернинг бўйнига осилиб қолади. Пьер ўз синфий қадрини англаган ҳолда қайлиғини виқор билан ўпади.

ВАКИЛ ОТА — БУХГАЛТЕР. Бетховендан чалинг!... Шакеспардан...! Бирон нима, ҳам — ўйин-кулгими — бўлсин-да! Сизларнинг юбилейларингизни ҳар куни бекорга байрам қилмаймиз ахир!

Рояльни судраб келадилар.

ОВОЗЛАР. Тагидан кўтаринг, тагидан! Уҳ тишларини қаранг, тишларини. Қани энди даранглашиб боссан!

ПРИСИПКИН. Рояльнинг оёғини ишдан чиқариб қўйманглар тагин.

БАЯН (*ўрндан туриб гандираклар кетади, қадаҳдаги май чайқалиб тўкилади*). Мен бахтлиман, ўртоқ Скрипкиннинг курашлар билан йўрилган йўли ниҳоясига етганини кўриб турганимдан ушбу дақиқаларда жуда бахтиёрман. Тўғри, у бу йўлда битта хусусий партия билегини йўқотди. Лекин унинг ўрнига давлат займи билетларидан кўпини қўлга киритди. Биз синфий ва ҳар хил қарама-қаршилиқларни келтиришга, тинчитишга муваффақ бўлдик, бунда марксча қарашлар билан қуроолланган ҳар қандай одам инсониятнинг авом тилида социализм деб аталадиган истиқболни бир томчи сувда кўргандек кўрмаслиги мумкин эмас.

БАРЧА. Горько! Горько!

Эльзевира билан Скрипкин ўпишадилар.

БАЯН. Биз оила қурилиши йўлида қандай салобатли қадамлар билан олға бормоқдамиз! Ахир сиз билан биз Перескоп ёнида ўлиб-тирилиб ётган вақтимизда, кўплар эса ўлиб ҳам кетди, ахир биз ўшанда мана бу атиргулларнинг пайт келиб гуллаб-яшнаб, ушбу лаҳзада бўй таратишини ақалли тасаввур қила олармидик. Ахир биз самодержавие зулми остида нола чекиб ётган вақтимизда, жилла қурса бизнинг улуг устодлар Маркс, Энгельс тахминий хаёл ёки хаёлий тахминлардан фойдаланиб номнишонсиз, аммо улуг меҳнат билан мағлубу мафтункор капитални муҳаббат ришталари ила боғлашимиз мумкинлигини тасаввурга сиғдира олишармиди?

БАРЧА. Горько! Горько!

БАЯН. Ҳурматли граждандар! Гўзаллик — бу тараққиётни юргизувчи куч! Оддий меҳнаткаш сифатида мен нима бўла олардим? Вочкин бўлардим, холос! Вочкин сифатида нима бўлардим? Шундан бўлак иш келмасди кўлимдан! Баян сифатида эса ҳамма нарса кўлдан келади!

Масалан: Олег Баян
бахтдан пиён.

Мана энди Олег Баян ва мен жамиятнинг тенгҳуқуқли бир аъзоси сифатида маданиятнинг барча неъматларидан баҳрамандман ва сўка оламан, йўқ, яъни сўқолмайман, лекин ақалли қадимги юнонлардай: «Эльзевира Скрипкина, бизга балиқчаларни узатиб юборинг», деб гапира оламан. Шунда бутун мамлакат, аллақандай трубадурларга ўхшаб, менга жавоб қайтаради:

Томоғин сал ҳўлламоқ учун

Нафосату фароғат дея,

Қултум арақ ва балиқ думин

Биз Олегга этамиз ҳадя.

БАРЧА. Офарин! Ура! Горько!

БАЯН. Гўзаллик — бу онадир...

КУЕВЖҶУРА (*қовоғини солиб ўрндан сакраб туради*). Она! Ким «она» деди? Келин-куёвлар олдида сўкмасдан гапиришларингизни илтимос қиламан.

Кувжжўрани олиб кетишади.

БАРЧА. Бетховендан бўлсин! Лапардан бўлсин!

Баянни рояль ёнига судрайдилар.

БАЯН. ЗАГС олдида трамвайлар тўпланди —

Бўлган эди бу гўшада қизил тўй...

БАРЧА (*жўр бўлишиб*). Кувёв тўра кийиб олмиш коржом,

Чўнтагидан чиқиб турар профбилет!

БУХГАЛТЕР. Тушундим! Барини тушундим! Бу, шундай дегани:

Саломат бўл, Баянчик ўртоқ,

Жингалак юнгли кўзичоқ...

САРТАРОШ (*қўлидаги вилка билан вакил онани туртиб*). Йўқ, хоним, чинакам

жингалак сочлари йўқ энди, революциядан кейин, йўқ, Шинъон гоффри бундоқ қилинади... Қисқичлар олинади (*вилкани айлантиради*) паст оловда қиздирилади (*қисқични печдаги ўтга тиқади*), сўнг сочни бошга пахмайтириб хурпайтириб қўйилади.

ВАКИЛ-ОНА. Мени она сифатида ва қиз сифатида ҳақоратлаясиз... Қўйворинг... Итвачча!!!

КУЕВЖУРА. Ким у «итвачча» деган? Келин-куёвлар олдида сўкмасдан гапиришларингни сўрайман!

Бухгалтер, касса сечиги дастасини шарманкага ўхшатиб айлантирганча бурашга уриниб, хиргойи қиларкан, ажратади.

ЭЛБЗЕВИРА (*Баянга қараб*). Оҳ! Чалинго, оҳ! «Макаровнинг Вера Холоднаяни соғингани» вальсини чалинг! Оҳ, бу петит истуар¹, оҳ бу худди шарман²нинг ўзгинаси...

КУЕВЖУРА (*гитарани ўқталиб*). Ким у «шарманда» деган? Келин-куёвлар олдида...

Баян уни ажратиб қўяди ва клавишларга ёпишади.

КУЕВЖУРА (*қараб туриб, дўқ билан*). Нега сен фақат қора тугмаларда чаляпсан? Пролетариат учун, демак, ярмида, буржуазия учун ҳаммасида экан-да?

БАЯН. Нималар деяпсиз, гражданин, қўйсангиз-чи! Мен айнан оқларида яхшироқ чалишга уриняпман-ку!

КУЕВЖУРА. Демак, гапингга қараганда, яна оқлар яхши экан-да? Ҳаммасида чал!

БАЯН. Мана, ҳаммасида чаляпман-ку!

КУЕВЖУРА. Демак, оқлар билан бирга дегин, муросачи экансан-да!

БАЯН. Уртоқлар... Ахир бу... цедура³.

КУЕВЖУРА. Ким у «дура» деган? Келин-куёвлар олдида... Мана сенга! (*гитара билан Баяннинг гарданига туширади*).

Сарторош вакил-онанин сочларини вилкага ўрай бошлайди. Присипкин бухгалтерни хотинидан нари итаради.

ПРИСИПКИН. Нимага сиз ҳадеб шўрбалиқни хотинимнинг кўкрагига тикапсиз? Бу сизга гулзор эмас, кўкрак, қўлингиздаги хризантема эмас, балки шўрбалиқ!

БАХГАЛТЕР. Сиз бизга лосось қовуриб бердингизми? Меҳмон қилдингизми? А? Ўзингиз эса бақиряпсизми-а?

Мушшлашишда оқ ҳарир кийимдаги келини печга итариб юборадилар, печь ағдарилиб кетади, аланга, тутун кўтарилади.

БАҚИРИҚ — ЧАҚИРИҚ. Ёняпмиз!!! Ким у «ёняпмиз» деган?.. Ут кетди! Лосось балиғи... ЗАГС дан трамвайлар тарқаб кетди...

IV

Қоп-қора тунда яқиндаги алангадан ўт ўчирувчининг қалпоғи ялт-юлт қилади. Бошлиқ ёлғиз. Ут ўчирувчилар қилинган ишларни айтгани келиб-кетиб туришади.

1-УТ УЧИРУВЧИ. Уддалаб бўлмаяпти, ўртоқ бошлиқ! Икки соатдан бери ҳеч кимдан садо чиқмайди-я... Маст расволар!! Худди порох омборидай ёняпти! (*Кетади.*)

БОШЛИҚ. Нимага ёнмас экан? Ургимчак уяси-ю, спиртдан иборат бўлса.

2-УТ УЧИРУВЧИ. Учиб боряпти, сув қаводаёқ ўтга сингиб кетяпти. Ертўлани яхмалакдагидан ҳам текислаб сувга тўлдирдик. (*Кетади.*)

БОШЛИҚ. Жасадаларни топдингларми?

3-УТ УЧИРУВЧИ. Биттасини топдик... одам афти йўқ, Устун-пустуннинг тагида қолганми, билмадим. Тўғри моргга жўнатдик. (*Кетади.*)

4-УТ УЧИРУВЧИ. Битта куйиб кетган, бошида вилкаси бор эр-хотинлиги номальдум жасад ҳам юборилди.

1-УТ УЧИРУВЧИ. Печканинг тагидан бир хотин киши ҳам топилди, бошида, энса суякларига симдан тўқилган баргаги бор экан.

3-УТ УЧИРУВЧИ. Келбати урушдан олдинги одамларга ўхшаб кетадиган биттасининг жасади ҳам чиқиб қолди, қўлида хасса ушлаб олган — тириклигида, каллакесар ўғри бўлган бўлса керак.

2-УТ УЧИРУВЧИ. Тириклар орасида ҳеч ким йўқ... Жасадалар ичида эса битта етмаяпти, топилмаётганига қараганда — майда-чуйдасигача ёниб кетганми дейман.

1-УТ УЧИРУВЧИ. Ҳаммаёқ бирам ёп-ёруғки! Театр деса ҳам бўлади, фақат иштирок этувчиларнинг бари ёниб кул бўлган.

3-УТ УЧИРУВЧИ. Қизил хочли, битта арава.

Тўйдан элтар уларни, мана.

Горьчи ўт ўчирувчиларни чақиради. Саф тортадилар. Театр бўйлаб, бақиршиб марш қилиб борадилар.

УТ УЧИРУВЧИЛАР. Уртоқлар ва граждандар,

арақ — бу заҳар,

Маст дастидан

республика

кулга айланар!

¹ Петит истуар (французча) — кичик ҳодиса.

² Шарман (французча) — ажойиб, мафункор.

³ Цедура — французча «це-дур» сўзининг бузилган, до-мажор каби музика оҳангларидан бирининг номи.

Печка ёки примусга
 боқсангиз беғам,
 Куйиб битгай
 уйларингиз
 ва ўзингиз ҳам!
 Ногоҳ
 Уйқу —
 ёнгинларнинг сабаби шундоқ, —
 Кечга
 Надсон ва Жаровни
 ўқиманг, ўртоқ!

V

ҚАНДАЛА
 В. В. МАЯКОВСКИЙ

Ҳайҳотдай мажлислар зали, амфитеатр шифтга чирмашиб борган. Одамлар овози ўрнида — радиокарнайлар, ёнида худди автомобилдан чиқиб турган қўлга ўхшаш темир «қўллар» осилиб кўринади. Ҳар бир карнай устида рангли электр чироқлари ёниб турибди, шифтнинг тагида — экран. Уртада микрофон қўйилган минбар. Минбарнинг икки ёнида овоз ва ёруғликни тақсимлагувчи, тартиблагувчи асбоблар қўйилган. Чол ва йигит — икки меҳаник — қоронги аудитория ичида куймаланиб юришади.

Ч О Л (патлардан қилинган пахмоқ чўтка билан карнайлар чангини қоқиб). Бугун муҳим овоз бериш бўлади. Деҳқончилик районларининг овоз бериш асбобларини текшириб, мойлаб қўй. Охири марта сал ишкали чиқиб қолди. Зўрға, аранг овоз беришди.

И И Г И Т. Деҳқончилик районлариникими? Яхши! Марказийларини мойлаб кўяман. Смоленск карнайларининг бўғзини ағдарма чарм билан артаман. Ўтган ҳафтага келиб тагин хириллаб қолишди. Пойтахт хизмат штатларининг «қўллари» ни сал бураб қўйиш керак, бўлмаса бир-бирига оғиб кетади, ўнги чапига ёпишиб оляпти.

Ч О Л. Урал заводлари тайёр. Курс металлургия заводларига улаб қўямиз, у ерда Запорожье электростанциясига қарашли иккинчи группанинг олти икки минг овозли янги аппарати ўтказилди. Бу томон яхши, иш осон кўчяпти.

И И Г И Т. Сиз эсласангиз керак, илгарилари қандай бўлганини? Жуда ҳам кулгили бўлган бўлса керак?

Ч О Л. Бир марта онам мени мажлисга кўтариб олиб борганди. Одамлар жуда оз, мингтача йиғилган, текинхўрлардай ўтиришиб гапларга қулоқ солишади. Қўйилган масала қандайдир муҳим ва дабдабали эди, бир овоз билан ўтди. Онам қарши эди, лекин овоз бера олмади, чунки қўлида мени кўтариб олганди.

И И Г И Т. Албатта-да! Ҳунармандчилик!

Ч О Л. Илгари бунақа аппарат иш бермас эди. Агар бириңчи одам ҳамма кўрсин учун қўл кўтариши керак бўлса, у қўлини раиснинг бурни тагига олиб борар, иккинчи қўлини ҳам қўшар, ўзининг юнон маъбудаси Йзида каби сеҳрга эга эмаслигидан афсусланар, чунки ўн иккита қўлини ҳам кўтарарди-да! Кўплар қўгулиб қолишарди. Аллақандай жуда муҳим баҳс кетаётган пайтда то баҳс тугагунча ҳожатхонадан чиқмаган биттасини гапириб беришганди. Овоз беришдан кўрқиб шундай қилган экан. Кўзига мансабидан бошқа нарса кўринмаган-да.

И И Г И Т. Мансабини сақлаб қолибдими?

Ч О Л. Сақлаб қолибди!.. Фақат бошқа мутахассислик бўйича тайинлашибди. Қарашса, унинг ҳожатхоналарга иштиёқи баланд, — совуну сочиқлар бўйича бошлиқ қилиб тайинлашибди. Тайёр бўлдимми?

И И Г И Т. Тайёр!

Пастга, тақсимлагувчи тахта ва сямлар томонга чошиб тушадилар. Кўзойнак таққан соқолли одам, эшикни ланг очиб, тўғри юриб сахнанинг оддига чиқиб келади, аудиторияга орқа қилиб, қўлини кўтаради.

НОТИҚ. Федерациянинг барча районлари ёппасига улансин!

Ч О Л В А И И Г И Т. Хўп бўлади!

АУДИТОРИЯНИНГ ҚИЗИЛ ЯШИЛ ВА ҚУҚ ЧИРОҚЛАРИ БИРДАНИГА ЕНАДИ.

НОТИҚ. Алло! Алло! Инсонларни тирилтириш институтининг раиси гапиради.

Масала телеграммаларда эълон қилинди, муҳокамалардан ўтди, у жуда содда ва равшан. Собиқ Тамбов шахрининг 62-кўчаси билан 17-проспекти чорраҳасида пойдевор қовлаётган бригада етти метр чуқурликда кўмилиб кетган, музлаб қолган ертўла топди. Муз ичидан музлаган одам жасади кўриниб туради. Институт бундан эллик йил муқаддам музлаб қолган одамни тирилтириш мумкин деб ҳисоблайди.

Турли мулоҳазалардаги фарқларни тартибга соламиз.

Институт ишчининг ҳар бир ҳаётидан охириги дақиқаларгача фойдаланилмоғи лозим, деб ҳисоблайди.

Музлаган одам ёритиб кўрилганда, унинг қўлларида, ярим аср муқаддам меҳнаткаш белгиси саналган қадоқ борлиги аниқланди. Эслатиб ўтамиз, дунёни бало-офатдай ямлаган урушлар, граждандар урушларидан кейин барпо қилинган замин федерациясида 1965 йил 7 ноябръ декрети билан инсон умри дахлсиз деб эълон қилинган. Дикқатингизни собиқ Россиянинг собиқ махлуқлари вужуд-вужудини тўлдириб юборган бактериялар тарқалиб кетади, деб кўрқувчи эпидемия станциясининг эътирозига қаратмоқчиман. Бутун масъулиятни ҳис этган ҳолда масалани ҳал қилишга киришмоқдаман. Уртоқлар, ҳамisha ва ҳар қачон шуни ёдингизда тутинг, асло унутманг.

Биз башар ҳаёти учун
 Овоз берамиз!

Чироқлар ўчади, кўнғироқ қулоқни қоматга келтириб даранглайди, экранда нотик такрорлаган қарор сўзлари ёнади.

«Ишчи инсониятнинг меҳнат малакаларини тадқиқ этмоқ учун, турмушни кўргазмали-қийёсий ўрганмоқ учун тирилтиришни талаб этамиз».

Радиокарнайлардаги овозларнинг ярни: «Тўғри, қабул қилинсин!» овозларнинг бошқа қисми: «Йўқолсин!» Овозлар бир лаҳзада тинади. Экран ўчади. Иккинчи кўнғироқ чалинади: янги қарор сўзлари ёнади. Нотик такрорлайди.

«Донбас металлургия ва кимё корхоналари санитария-назорат пунктлари қарори. Йигирма тўққизинчи йил учун характерли бўлган лаганбардорлик ва такаббурлик бактериялари тарқалиб кетиш хавфи борлигидан музлаган одамни тирилтирмасликни талаб қиламиз».

Радиокарнайлардан «Йўқолсин!», онда-сонда: «Тўғри!» деган овозлар эшитилади. Яна қарорлар ва қўшимчалар борми?

Учинчи экран ёнади, нотик такрорлайди.

«Сибирнинг деҳқончилик районлари кузда тирилтиришни сўрайди, чунки далада ишлар поёнига етади, хоҳловчиларнинг кенг оммаси уни кўриш имконига эга бўлади».

Радиокарнайларнинг кўпчилигидан: «Йўқолсин!», «Рад қилинсин!» деган садолар янграйди. Чироқлар ёнади.

Овозга кўяман: ким биринчи қарорни ёқласа, қўл кўтарсин!

Темир қўлларнинг кўпчилиги кўтарилади.

Туширилсин! Сибирликнинг тузатишини маъқуллаганлар қўл кўтарсин!

Битта-иккита қўл кўтарилади.

Федерация мажлиси: «Тирилтирилсин!» деган қарор қабул қилди:

Радиокарнайлар «Ура!..» деб қичқиради.

Овозлар тинади.

Мажлис ёпиқ!

Икки очиқ эшиқдан репортажчилар отилиб кирадилар. Нотик хурсандчилигидан ҳар томонга ҳайқирганча уларни ёриб ўтиб боради.

Тирилтирилсин! Тирилтирилсин! Тирилтирилсин!!!

Репортажчилар жўнтақларидан микрофон олиб, шоша-пиша қичқирадилар.

1-РЕПОРТАЖЧИ. Алло! Алло! 472 метрли тўлқин... «Чукотка ахбороти». Тирилтирилсин!

2-РЕПОРТАЖЧИ. Алло! Алло! 376 метрли тўлқин... «Витебск оқшом ҳақиқати»... Тирилтирилсин!

3-РЕПОРТАЖЧИ. Алло! Алло! Алло! 211 метрли тўлқин... «Варшава комсомоли ҳақиқати»... Тирилтирилсин!

4-РЕПОРТАЖЧИ. «Армавир адабий душанбалиги». Алло! Алло!!!

5-РЕПОРТАЖЧИ. Алло! Алло! Алло!!! 44 метрли тўлқин... «Чикаго совети ахбороти»... Тирилтирилсин!

6-РЕПОРТАЖЧИ. Алло! Алло! Алло! 115 метрли тўлқин... «Рим қизил газетаси»... Тирилтирилсин!

7-РЕПОРТАЖЧИ. Алло! Алло! Алло! 78 метрли тўлқин... «Шахсий камбағаллари»... Тирилтирилсин!

8-РЕПОРТАЖЧИ. Алло! Алло! 220 метрли тўлқин... «Мадридлик батрак хотин»... Тирилтирилсин!

9-РЕПОРТАЖЧИ. Алло! Алло! Алло! 11 метрли тўлқин... «Қобул пионери»... Тирилтирилсин!

Газетачилар кўлларида газеталаридан нусха, отилиб кирадилар.

1-ГАЗЕТАЧИ. Ҳов музлаган одамни

Эритсинми, йўқми, ё?

Насрий — назмий бош мақола
шу ҳақдадир мутлақо!

2-ГАЗЕТАЧИ. Жаҳон фикри қуйида

анкетага йиғилмиш:

Хушомад касалига

яксар қарши чиқилмиш!

3-ГАЗЕТАЧИ. Қадим гитара,

романс

ҳақида мақолалар:

Одамни

лақиллатиб,

бошга ғалва солалар!

4-ГАЗЕТАЧИ. Энг сўнги янгиликлар! Интервью! Интервью!

5-ГАЗЕТАЧИ. Илмий ахбор деб билинг,

бундан асло қўрқмангиз,

Чаппараста сўкишлар

рўйхатини кўрсангиз!

6-ГАЗЕТАЧИ. Радионинг сўнги ахбороти!

7-ГАЗЕТАЧИ. Тарихий масалага

гар ёндашсак назарий:

Улдирулурми

филни

папироснинг захари?

8-ГАЗЕТАЧИ. «Алкоголик» сўзининг

маъносини англасанг,

Биқинда санчиқ туриб,
кўз ёшни тийгунг аранг!

Хира ойнади қўш табақа эшиқ, девор орасидан медицина асбобларининг темир қисмлари кўриниб туради. Девор олдида кекса профессор билан Зоя Берёзкинага хос характер белгилари ҳамон сақланиб қолган қари ассистент аёл. Икковлари ҳам шифохонанинг оқ халатида.

З О Я Б Е Р Е З Қ И Н А. Уртоқ! Уртоқ профессор, илтимос, шу тажрибани ўтказманг. Уртоқ профессор, тагин тўпалон бошланади...

ПРОФЕССОР. Уртоқ Берёзкина, сиз хотираларга қаттиқ ўралашиб қолибсиз, гапларингизга сира тушуниб бўлмапти. Нукул йўқолиб кетган сўзларни ишлатасиз. «Тўполон!» дегани нима? (*Луғат тиккилайди*). Тўполон... Тўполон... Тўполон... Тўрачилик... тангрипарастлик... тешиккулча, ташландиқ... Тўполон — бу инсон фаолиятининг ҳамма хилига халал бергувчи фаолиятнинг бир тури...

З О Я Б Е Р Е З Қ И Н А. Бундан эллик йил илгари унинг мана шунақа «фаолият» и деб, нақ у дунёга равона бўлишимга сал қолувди. Мен ҳатто... ўз-ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлганман.

ПРОФЕССОР. Ўз-ўзимни ўлдирмоқчи бўлганман? «Ўз-ўзини ўлдириш» нима дегани? (*Луғат титади*). Ўз-ўзига солиқ солиш... ўз-ўзини мақташ... ўз уйига одам кўйиш... ўз-ўзини заҳарлаш... «Ўз-ўзини ўлдириш» ни тоқдим. (*Ажабланиб*). Сиз ўзингизни отганмисиз? Ҳукмга кўрами бу? Суд бўлганмисиз? Ревтрибунал ишими?

З О Я Б Е Р Е З Қ И Н А. Йўқ... Мен ўзим.

ПРОФЕССОР. Ўзингиз? Эҳтиётсизликданми?

З О Я Б Е Р Е З Қ И Н А. Йўқ... Муҳаббатдан.

ПРОФЕССОР. Бўлмаган гап... Севиб қолганда кўприклар қуриб, болалар туғмоқ керак. Сиз бўлсангиз... Ҳа! Ҳа! Ҳа!

З О Я Б Е Р Е З Қ И Н А. Мени бўшатинг, мен чинданам удалолмайман.

ПРОФЕССОР. Мана шу-да... Ҳалиги айтганингиз... Тўполон. Ҳа, ҳа! Ҳа, ҳа! Тўполон! Жамият сизга эллик йилдан бери музлаб ётган субъектни максимал даражада осонлик билан яхдан тушириш учун бутун ҳис-туйғуларингизни намоён қилишингизни тавсия этади. Ҳа, ҳа, шундай! Сизнинг иштирокингиз жуда ҳам муҳим. Мен сизнинг топилганингиз ва келганингиздан бениҳоя хурсандман. У — эркак, сиз бўлса — аёл! Айтинг-чи, унинг киприклари майинмиди? Яхдан тез тушираётганда синиб-нетиб қолса, билиб қўйиб деб сўраяпман.

З О Я Б Е Р Е З Қ И Н А. Уртоқ профессор, мен эллик йил олдинги киприкларни қандай эслай олай ахир...

ПРОФЕССОР. Нима? Эллик йил олдинги? Бу кечаги гап!.. Мен бундан ярим миллион йил олдин яшаган мостодонтнинг думи қандай рангда эканлигини эслай оламан-ку? Ҳа, шундай! Сиз эслолмайсизми, — у ҳаяжонли анжуманларда нафас олганида бурун катакларини қаттиқ керармиди?

З О Я Б Е Р Е З Қ И Н А. Уртоқ профессор, қандай қилиб эслай?! Мана ўттиз йилдирки, бундай ҳолларда ҳеч ким бурун катакларини кермайди.

ПРОФЕССОР. Шундай! Шундай! Шундай! Сиз, ошқозону жигарга қанча нарса сиғишини биласизми, ошқозонга арақ тўлдирган одам нафас чиқарганда нафасида бор спирт ҳаводаги етарли электр қувватидан лов этиб ёниб кетиши мумкинлигидан ҳабардормисиз?

З О Я Б Е Р Е З Қ И Н А. О, эсимда қолибдими дейсиз, ўртоқ профессор! Қандайдир қоринни эслайман, холос...

ПРОФЕССОР. Э-ҳе, ҳеч нарсани эслай олмайсиз, ўртоқ Берёзкина! Ақалли, у эҳтирослимиди?

З О Я Б Е Р Е З Қ И Н А. Билмадим... Бўлса бордир, лекин мен бундан мутлақо холиман.

ПРОФЕССОР. Шундай! Шундай! Шундай! Биз уни яхдан туширамиз, лекин сизни яхлатиб қўймасак, деб кўрқаяпман. Ҳа! Ҳа! Ҳа! Қани ишга киришайлик.

Кнопкани босади, шиша девор оҳиста иккига ажралади. Уртада жарроҳлик столида одам бўйи келадиган руҳланган яшик ярқираб кўринади. Яшикда жўмрақлар, жўмрақлар тагига пақирлар қўйилган. Яшикка электр симлари уланган. Цилиндр нусха кислородли идишлар. Яшик атрофида оқ халатли бамайлихотир кайфиятда олтита врач туришибди. Яшик ёнида, сахна олдида олтита фонтаннамо умивальниклар. Кўзга кўринмас дорга, олтита сочиқ ташлаб қўйилган: сочиқлар худди ҳавода муаллақ тургандек кўринади.

ПРОФЕССОР (бир врач ёнидан иккинчи врач ёнига ўтиб, биринчисига). Менинг ишорам билан ток улансин.

(*Иккинчисига*)

Ҳароратни 36,4 га чиқаринг — ҳар ўн беш секундга ўн даража тўғри келсин.

(*Учинчисига*)

Кислородли ёстиқлар тайёр турсин.

(*Тўртинчисига*)

Сув аста юборилсин, муз ҳаво босими билан алмаштириб турилсин.

(*Бешинчисига*)

Қопқоқ дарҳол очилсин.

(*Олтинчисига*)

Кўзгуда тирилиш босқичлари кузатиб борилсин.

Врачлар, ҳаммаси равшан, деган маънода бош эгадилар ва ўз жойларига тарқаладилар.

Бошлаймиз!

Электр токи уланади, ҳароратга назар ташлашади. Сув томчилади. Яшиқнинг кўзгу ўрнатилган ўнг томонига бир доктор қадалиб қараб туради.

6-ВРАЧ. Табиий ранг пайдо бўлмоқда!

Жимлик.

Муздан халос қилинди!

Жимлик.

Кўкраги титрай бошлади!

Жимлик.

(Қўрқиб)

ПРОФЕССОР. Нотабий жўшқин ҳаракатига эътибор беринг...

ПРОФЕССОР (*яқин келиб, тикилади, хотиржам ҳолда*). Ҳаракатлари меъёрида, қашиняпти, — афтидан бундай шахсларга хос текинхўрларга жон кирапти.

6-ВРАЧ. Профессор, ғалати ҳол: чап қўли ҳаракати билан танадан ажралапти...

ПРОФЕССОР (*тикилиб қараб*). Музика унинг жони-ди! Эди, уни шунинг учун ҳам «сезгир қалб эгаси» дейишарди. Қадимда Страдивариус ва Уткин деганлар яшаган. Италиялик скрипкасос Страдивариус скрипкалар ясаган, бунга эса Уткин ясаган, уни гитара дейишарди.

Профессор қон босимни қайд этадиган термометр билан аппаратни кузатади.

1-ВРАЧ. 36,1.

2-ВРАЧ. Томир уриши 68.

6-ВРАЧ. Нафас олиши текисланди.

ПРОФЕССОР. Ҳамма жой-жойига!

Врачлар яшиқ олдидан кетадилар. Бир лаҳзада қопқоқ кўтарилди, яшиқдан сочлари ҳурпайган Присипкин ҳайрат билан чиқиб келади, гитарани қучоқлаб олганича, атрофга олазарак бўлиб қарайди.

ПРИСИПКИН. Роса уйкуга тўйибман-да! Кечирасизлар, ўртоқлар, маст бўлиб қолганлигим рост! Бу ер қайси милиция бўлими?

ПРОФЕССОР. Йўқ, бу ер мутлақо бошқа бўлим! Сиз совуққа олдирган терини муздан ажратадиган бўлим бу!

ПРИСИПКИН. Нима? Сиз ўзингиз совуқ олдиргансиз. Ҳали кўрамиз, қайси биримиз маст бўлган эканмиз. Сизлар, мутахассис-докторлар сифатида ўзларингиз ҳаминша спирт олдига ўралашасизлар. Мен эса, шахс сифатида, ҳаминша эс-хушим жойида. Хужжатларим ёнимда. (*Сакраб туриб, чўнтақларини ағдаради*). 17 сўм 60 тийин пулим ёнимда. МОПР¹га дейсизми? Тўлаб қўйганман. Осовиахимми?² Тўлаганман. «Битсин саводсизлик?!» Марҳамат. Мана бу нима бўлди? ЗАГС қозғидан кўчирма! (*Хуштак чалади*). Ахир мен кеча уйлангандим-ку! Энди қаердасиз, бармоқларингизни ким ўпади? Уйда бошлаб таъзиришни беришадиган бўлдида! Кўвжўраларнинг тилхати ҳам шу ерда. Касаба союз билети ҳам шунда. (*Календарни кўриб қолади, кўзларини арганча, қўрқувдан олазарак бўлиб*). 1979 йил 12 май! Касаба союз билетига тўламаганимга ҳам кўп бўлиб кетибди-ку! Эллик йил-а! Справка керак, справка сўрашади! Губотдел сўрайди! Марказий Комитет сўрайди. Ё парвардигор! Хотиним ҳам справка дейди!!! Қўйворинглар! (*Атрофдагиларнинг қўлларини қисади, эшик томон отилади.*

Унинг орқасидан хавотирланганча Берёзкина чиқади. Докторлар профессорни ўраб олишади. Олти врач ва профессор ҳаёлга чўманларича қўлларини ювадилар.

ХАММА БАРАВАРИГА. У қўллари билан нимага ишора қилди! Пеш қилиб, силкитди, силкитиб, пеш қилди...

ПРОФЕССОР. Қадимда шундай тозаликка хилоф бир одат бўлган.

Олти врач ва профессор ҳаёлга чўманларича қўлларини ювадилар.

ПРИСИПКИН (*Зояга тўқнаш келиб*). Умуман, граждандар, сизлар қандай одамларсиз? Мен кимман ўзи? Қаердаман? Мабодо сиз Зоя Берёзкинанинг онажони эмасмисиз?

Присипкин сирена чинқирғидан шарт ўгирилиб қарайди.

Қаёққа тушиб қолдим? Қаерга келтириб қўйишни мени? Нима ўзи бу?.. Бу ер Москвами, Парижми? Нью-Йоркми? Извозчи!!!

Автомобиль сиреналари чинқирғи эшитилади.

На одамлар бор, на отлар! Автодорлар³, автодорлар, автодорлар!!! (*Эшикка кифтини тираб, елкаси билан қашинади, панжалари билан қичишган жойни қидиради, орқасига ўгирилганда, ёқасидан оппоқ деворга ўрмалаб ўтаётган қандалага кўзи тушади*).

Қандала, қандалача, қандалагина! (*Гитарани чертиб, куйлайди*). Кетма, менинг ёнимда бўлгин... (*Қандалани беш панжаси билан тутиб олади; қандала ўрмалаб қочиб қолади*). Айрилишдик, денгиздаги кемалар мисол... Ўрмалаб кетди!.. Елғиз! Тагин менга жавоб йўқ, танҳоман тагин... Танҳо! Извозчи, автодорлар... Луначарский кўчаси, 17! Юкларсиз!!! (*Бошини чангаллайди. Хушидан кетади, эшикдан югуриб чиқаётган Берёзкинанинг қўлига йиқилади*).

VII

Саҳнанинг ўртаси — хиёбоннинг, учбурчак ери. Хиёбонда учта сунъий дарахт. Биринчи дарахтнинг яшил, тўрт бурчак катта япроқларида катта ликоплар, ликопларда мандаринлар. Иккинчи дарахтда — қоғоз ликоплар, ликопларда олмалар, Учинчиси

¹ МОПР — революция курашчиларига ёрдам бериш халқаро ташкилоти.

² Мудофаа ва авиация химия қурилишига ёрдам бериш жамияти.

³ Автомобиль транспорти, трактор ва йўл ишларига ёрдам бериш жамияти.

яшил дарахт бўлиб, ундаги арча гурраларида оғзи очик атир шишалар. Ён томонлар — уйларнинг ойнавад деворлари. Учбурчакнинг ҳар тарафида узун скамейкалар. Репортажчи, унинг ортидан эркак ва аёл тўрт киши — кириб келишади.

РЕПОРТАЖЧИ. Уртоқлар, бу ёққа, бу ёққа! Сояга келинглар! Мен сизларга бу машъум ва ғаройиб ҳодисани бир бошдан айтиб бераман. Биринчидан... Менга мандариндан узатиб юборинглар. Шаҳарнинг ўз-ўзини бошқарувчилари буни тўғри қиладилар, бугун дарахтлар мандаринлашибди, бўлмаса кеча ҳаммаси нок эди, тагин десангиз сувсиз, бемаза, танага сингмайдиган...

Қиз дарахтдан мандарин тўла ликоп олади, ўтирганлар репортажчи томон қизкичиб қараб уни тозалайдилар, ейдилар.

1-ЭРКАК. Теарок, э ўртоқ, ҳаммасини бир бошдан батафсил гапириб беринг. **РЕПОРТАЖЧИ.** Шундай қилиб... Қаранг, бир бўлаги оғизни шарбатга тўлдирди-я! Ёгиларинг келмаяптими? Бўпти, бўпти мана гапира бошладим. Бесабр бўлиш яхшимас. Албатта, репортаж пири сифатида менга кўп нарса аён... Хўш, кўряп-сизларми, кўряпсизларми?..

БИР ОДАМ ДОКТОРНИНГ ТЕРМОМЕТР ТУЛА ЯШИГИНИ КЎТАРГАНЧА ШИПИЛЛАБ УТИБ ҚОЛАДИ.

Бу — мол доктори. Эпидемия тарқалапти. Ёлғиз қолдирилган бу тирилтирилган жонвор, мана бу осмонўпар уйнинг ҳамма ҳайвонларига қўшилишга киришди, энди барча итлар қутуриб кетди. Бу жонвор итларга орқа оёқда туришни ўргатди. Итлар ҳурмайди ҳам, ўйнашмайди ҳам, фақат хизмат қилишади. Ҳайвонлар овқатлана-ётганларга хиралик қилишиб суйқалишади, ялтоқланишади. Врачларнинг айтишича, бундай ҳайвонлар тишлаб олган одамлар ўзларида эпидемик лаганбардорликнинг барча аломатларини сезар эмишлар.

УТИРГАНЛАР. Ухў-ў-ў!!!

РЕПОРТАЖЧИ. Қаранг, ана қаранг!

Пиво шишаларига тўла саватлар кўтариб олган бир одам гандираклаб ўтади.

УТУВЧИ (*хиргойи қилиб*).

Ун тўққизинчи асрда, ҳай-ҳай,
Яшагани одам одамдай —
Ичган арақ, пиво қурғурни,
Олча каби қизариб бурни.

РЕПОРТАЖЧИ. Қаранглар, адои тамом бўлган, бемор одам! Бу иккинчи медицина лабораториясининг бир юз етмиш бешта ишчисидан биттаси. Иккинчи яшап палласи осон кўчсин учун врачлар тирилтирилган жонворларга, кўпайиб кетса заҳарлайдиган, оз бўлса чидаб бўлмас даражада бемаза бир қоришмани ичиришни тавсия этадилар. Қоришмани пиво деб аташади. Терлаганда чиққан заҳарли тердан уларнинг бошлари айланибди, шунда билмасдан ушбу муздакқина қоришмадан озгина тотиб қўйишибди. Шундан бери ишчиларнинг учинчи гуруҳи алмаштирилиши. Беш юз йигирмата ишчи касалхоналарда ётибди, аммо Трехгорний вабосининг дахшатли эпидемияси баттар кўпирмоқда, қайнамоқда ва оёқлардан олмоқда.

УТИРГАНЛАР. А-а-а-а!!!

ЭРКАК КИШИ (*хаёл суриб, орзиқиб*). Мен илмга жонимни ҳам тикишга тайёр эдим, майли, менга шу сирли дардни юктира қолишсин...

РЕПОРТАЖЧИ. Тайёр! Бу ҳам тайёр бўлди. Жим... Мана бу ойшараст қизни чўчитиб юборманг...

Оёқларини фокстрот ва чарльстон оҳангида ўйнатганча бир қиз ўтади, олдинга чўзилган қўлида икки бармоқда бир китобча ушлаб олган, китобчадан ўзича шеър ўқийди. Бошқа қўлининг икки бармоғидаги хаёлий гулни бурнига тегизиб, ҳидлаб-ҳидлаб қўяди.

Шўрлик, мана бу қутурган жонвор билан ёнма-ён яшайди, қарангки, бир куни кечаси, бутун шаҳар уйкуга кетганда, унинг қулоғига девор орқасидан аввал гитара садолари эшитилибди, кейин ўтакани ёрадиган, нафас олиб-чиқарганда ҳосил бўладиган ҳуштакнамо товушлар, оҳангдор энтиқишлар бошланибди. Бунинг отини нима дейишди? Романо эди шекилли? Кейин — баттари юз беради, бечора қиз ақлдан оза бошлабди. Бу кўргуликдан эсанкираган ота-онаси врачларни кенгашга чақирибди. Профессорлар, бунинг бари қаттиқ «севиб қолиш» хуружлари, дейишди — инсоннинг бутун умрига расамади билан тақсимланган жинсий қувват битта ялғиланиш жараёнида, бирданга тезлик билан бир ҳафтага тўпланиб, беихтиёр бетизгин қилмишларга олиб борадиган шундай касаллик бўлган қадимда.

ҚИЗ (кўзларини қўли билан бекитиб). Мен яхшиси қарамайман, аммо, ҳавода муҳаббатнинг бу дахшатли микроблари қандай учиб юрганини ҳис қилиб турибман.

РЕПОРТАЖЧИ. Тайёр! Буниси ҳам тайёр бўлди. Эпидемия ёйилиб бормоқда...
30 ТА ҚИЗ РАҚС ТУШИБ УТАДИ.

Мана бу ўттиз бошди олтмиш оёққа бир қараб қўйинг! Е тавба, мана шунақа оёқ кўтаришни (*аудиторияга қараб*) санъат деб аташарди-я!

Фокстротга рақс тушаётган жуфт пайдо бўлади. Эпидемия етиб борди... етиб борди... нимага етиб борди? (*Луғат титқилайди.*) Авж нуқтасига, хўш... Бу энди икки жинсли тўрт оёқ.

Ҳайвонот боғининг директори кичкина шиша қутичани кўтарганча югуриб киради. Унинг орқасидан дурбиннамо карнайчалар, фотоаппаратлар, ёнгин нарвонлари билан қуролланган оломон эргашиб киради.

ДИРЕКТОР (*барчага*). Кўрдингларми? Кўрдингларми? Қани у? Эҳ, сизлар ҳеч нарса кўрганларинг йўқ!!! Овчилар отряди чорак соат аввал уни шу ерда кўришганини хабар қилди; у тўртинчи қаватга имиллаб чиқиб бораётган экан. Агар соатига бир ярим

метр юришини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳали узокқа кетолмаган. Уртоқлар, зудлик билан деворларни текшириб чиқинглар!

Кузатувчилар скамейкалардан туришиб дурбиннамо карнайчаларни кўзларига тутшиб қидира бошлайдилар. Директор одамларни гуруҳларга бўлади, қидирув ишларини бошқаради.

ОВОЗЛАР. Уни топиб бўларканми!.. Яланғоч одамни тўшакка ётқизиб деразага қўйиш керак, — у одамга ишқивов...

Бақирманглар, кўрқитиб юборасиз!!!

Ҳаддинг сирмайди: у ҳамманинг мулки...

ХУРСАНД ОВОЗ. Топдим!!! Ана! Урмалаб кетяпти!..

Бинокль ва карнайчалар бир нуқтага қаратилади. Сукунатни фотоаппарат ва кинокамераларнинг «Чиқ! Чиқ!» овозларигина бузиб туради.

ПРОФЕССОР (*бўғиқ овозда шивирлаб*). Ҳа... Бу ўша! Пистирма қўйинг, соқчи тайин қилинг. Ут ўчирувчилар, бу ёққа!

Тўр кўтарган одамлар ўша жойни ўраб оладилар. Ут ўчирувчилар нарвонларини ёзадилар, одамлар турнақатор бўлиб чиқа бошлайдилар.

ДИРЕКТОР (карнайчани кўзидан олиб, йиғи оқангида). Кетиб қолди... Қўшни деворга ўтиб кетди... Дод, йиқилиб тушса ўлади! Мардлар, тангилар, қаҳрамонлар!!! Бу ёққа!!!

Нарвонларни ёзиб иккинчи деворга қўядилар, тирмашиб чиқадилар.

Тошоабинлар қотиб қолишади.

ЮҚОРИДАН ХУРСАНД ОВОЗ. Тутиб олдим! Ура!!!

ДИРЕКТОР. Тезроқ!!! Эҳтиёт бўлинг!!! Қўйиб юборманглар, бирон ери лат емасин тагин...

Нарвондаги одамлар жониворни қўлма-қўл узатадилар. У директор қўлига етиб келади. Директор жониворни қутичага солади ва қутичани боши узра кўтаради.

Раҳмат сизларга, фаннинг камтар заҳматкашлари! Ҳайвотот боғимизни бахтиёр қилдинглар, уни битта дурдона билан бойитдинглар. Биз асримиз бошида жуда машҳур бўлган, эндиликда эса йўқолиб кетган ҳашаротнинг ноёб нусхасини тутиб олдим. Шаҳримиз фахрланса арзийди — энди туристлар ва олимлар шаҳримизга оқиб келади... Қўлимда тирик «қандалиус соғломус»нинг ягона нусхаси. Ўзингизни орқароққа олинг, граждандар! Жонивор ухлади, мана панжачаларини бир-бирига қўйиб олди, у ҳордиқ қилмоқчи! Мен ҳаммангизни зоопаркка, тантанали очилиш маросимига тақлиф этаман. Қўлга туширишнинг энг муҳим, энг ташвишли жараёни ниҳоясига етди!

VIII

Силлик, шаффоф ойнаванд деворли хона. Тепадаги пештоқдан бир тутам яшил нур тушиб турибди. Чапда катта дераза. Дераза олдида чизмачилик столи. Радио экран. Уч-тўртта китоб. Унга девордан чиқиб турган каравот, каравотда топ-тоза адёлга ўраниб олган кир-чир Присипкин. Шамолпаррақлар ишлаб туради. Присипкин атрофлари ирқит ва ифлос. Столда папирос қолдиқлари, тўнтарилган шичалар. Лампачирок устига пушти қоғоз парчаси ташлаб қўйилган, Присипкин инграб ётибди. Врач хонада асабий кезиб юрибди.

ПРОФЕССОР (*киради*). Беморнинг аҳволи қалай?

ВРАЧ. Беморнинг аҳволини билмайману, ammo менинг аҳволимни сўраманг. Агар ҳар ярим соатда бизларни алмаштириб турмасангиз, ҳаммамизга касалини юқтиради. Ҳар нафас чиқарганида, оёқларим букилиб кетади. Нафасини ҳайдаш учун етита шамолпаррак қўйдим.

ПРИСИПКИН. О-о-о!

Профессор присипкин томон ошиқади.

ПРИСИПКИН. Профессор, о профессор!!!

Профессор нафас оларкан, боши айланиб ортга

чекнади, ҳавони қўллари билан тутмоқчи бўлади.

ПРИСИПКИН. «Бошоғриқ» қа бирон нарса...

Профессор стаканга озгина пиво қўйиб узатади.

ПРИСИПКИН (*тирсакка суяниб сал кўтарилиб, гина қилиб*). Тирилтиришиб... масҳара қилишмоқда! Бунинг менга нима бўлади, филга лимонад бергандай гап-да!..

ПРОФЕССОР. Жамият сени инсоний даражага етказаман деб умид қилади.

ПРИСИПКИН. Сизни жамиятингизни бошимга ураманми! Мени тирилтиринглар деб ялинганим йўқ эди-ку! Қайтадан музлатинглар мени! Шунақа!!!

ПРОФЕССОР. Нималар деяётганингни тушунмаяпман! Бизнинг ҳаётимиз коллективники, на мен, на бошқа биров — ҳеч ким бу ҳаётга хўжайинлик қила олмайди.

ПРИСИПКИН. Севган қизингнинг суратини хатто кнопка билан деворга қоқиб қўя олмасан, шуям ҳаёт бўлгани?! Кнопка лаънати ойнага қадалиб синиб кетяпти... Уртоқ профессор, «бошоғриқ» қилиб олай...

ПРОФЕССОР (*стаканга қўйиб*). Фақат мен томонга қараб нафас чиқарманг.

Икки боғлам китоб кўтариб Зоя Берёкина кириб келади.

врачлар у билан шивирлашиб гаплашади, сўнг чиқадилар.

ЗОЯ БЕРЁКИНА (*Присипкиннинг ёнига ўтириб, китоблар боғламани ечиб*). Билмадим, буларнинг нафи тегиб қолармикан. Сен сўраган нарсалар эса йўқ, биров билмайди ҳам. Атиргуллар ҳақида фақат боғдорчилик дарсликларида ёзилган, рўёлар эса фақат тиббиётда, тушлар бўлимида таърифланган. Мана иккита энг қизиқ китоб, ўша

йилларга яқин келади. Инглизчадан таржима. Хувернинг «Қандай қилиб президент бўлганим ҳақида» китоби.

ПРИСИПКИН. (китобни олиб, бир четга отади). Йўқ, бу юракка малҳам бўла олмайди, китоб бўлса, ўқиганингда бор вужудингни чулғаб олса...

ЗОЯ БЕРЕЗКИНА. Мана, иккинчи китоб, қандайдир Муссолини деган одамники. «Сургундан маътублар» деб аталади.

ПРИСИПКИН (китобни олиб, итқитади). Йўқ, бу кўнгил очадиган китоб эмас. Қуруқ ташвиқотингизни нари олиб бering. Шу, юрагингни қитиқласа-да...

ЗОЯ БЕРЕЗКИНА. Нима дегани экан бу? Чулғаб олса, юрагингни қитиқласа... қитиқласа, чулғаб олса...

ПРИСИПКИН. Бу нима деган гап? Нималарни деб биз жонимизни жабборга бердик, қон тўқдик? Бу қанақаси, мен гегемон синф вакили бўла туриб ўз жамиятимда янгича бир рақсни ўрганиб, ўйнай олмайманми?

ЗОЯ БЕРЕЗКИНА. Мен сезинг гавда ҳаракатларингизни ҳатто ҳаракатлар марказий институтининг директорига ҳам кўрсатдим. Унинг айтишича, бундай ҳаракатларни у эски Париж откриткаларида кўрган экан. Ҳозир бу ҳақда сўраш ҳам мушкул, чунки биладиган одамнинг ўзи йўқ эмиш. Иккита кампир бор экан, шуни эслашармиш, аммо бод туфайли кўрсатиб бериша олмасмиш.

ПРИСИПКИН. Унда мен нима учун нафис илмларни, рақсларни ўқиб-ўргандим? Меҳнат қилишни революциягача ҳам билар эдим.

ЗОЯ БЕРЕЗКИНА. Мен сени эртага ўн минг эркак-аёл ишчи қатнашадиган рақсга олиб бораман, улар катта майдонда ҳаракат қилишади. Бу дала ишлари янги системасининг хушчақчақ машқи бўлади.

ПРИСИПКИН. Уртоқлар, мен норозилик билдираман!!! Сизлар мени қоқи қилинглр деб яхдан тушганим йўқ ахир! (Адёлни тортиб ташлайди, иргиб туради, қоғозга ўралган китобларни олиб, ўрамини ёзмоқчи бўлиб силкита бошлайди. Қоғозни йиртмоқчи бўлади, бирдан ҳарфларга кўзи тушиб, уларни бир чироқдан иккинчи чироққа солиб кўра бошлайди). Қаердан олдингиз? Сиз буни қаердан олдингиз...

ЗОЯ БЕРЕЗКИНА. Кўчада ҳаммага улашишяпти... Чамамда, кутубхонада китобнинг ичига солиб қўйишган шекилли.

ПРИСИПКИН. Қутулиб қолдим!!! Ура!!! (Қоғозни байроқдай кўтариб, эшикка отилади).

ЗОЯ БЕРЕЗКИНА. (Елғиз). Мен эллик йил олдин яшадим, аммо мана шундай маразни деб эллик йил илгари ўлиб кетишим мумкин эди.

IX

Ҳайвонот боғи. Уртада, шоҳсупа устида алвонлар ва байроқлар билан безатилган қафас. Қафас орқасида иккита дарахт. Дарахтлар орқасида фил ва жирафаларнинг қафаслари. Қафаснинг чап томонида минбар, ўнгда фахрли меҳмонлар учун баланд жой. Ҳаммаёқда созандалар. Томошабинлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб туришади. Еқаларига лента тўғнаб олган мутасаддилар келганларни — касблари ва бўйларига қараб жойлаштирадидилар.

МУТАСАДДИ. Уртоқ чет эл мухбирлари, бу ёққа! Минбарга яқин келинглр! Сал сурилинглр, бразилияликларга жой беринглр! Уларнинг аэрокемаси ҳозир марказий аэродромга қўнаётир. (Бир четга чиқиб, ҳавас билан кузатади).

Уртоқ негрлар, чиройли қизил танли группалар бўлиб инглизлар билан аралашиб туринг, инглиз-саксон оқлиги сезинг зайтуний сарғиш-кўкимтир рангингизни яна ҳам бўрттириб кўрсатади... Чап томондаги толиби илмлар, олдингизга юз ёшликлар итти-фоқидан уч кампир билан учта чол юборилди. Улар профессорларнинг гапларини кўрган-билганларнинг ҳикоялари билан тўлдирадилар.

Аравачаларда чол-кампирлар кириб келадилар.

1-**КАМПИР.** Худди ҳозиргидек эсимда...

1-**ЧОЛ.** Йўқ — ҳозиргидек менинг эсимда турибди!

2-**КАМПИР.** Сиз ҳозиргидек эслайсиз, мен бўлсам илгаригидек эслайман.

2-**ЧОЛ.** Мен бўлсам илгари қандай бўлганини худди ҳозирдек хотирлайман.

3-**КАМПИР.** Мен эса, ундан ҳам олдингисини эслаб ўтирибман.

3-**ЧОЛ.** Мен-чи, ҳам ҳозиргидек эслайман, ҳам илгаригидек.

МУТТАССАДДИ. Жим, шоҳидлар, гапни чайнаманглр! Йўлни бўшатинг, ўртоқлар, болаларга йўл беринг! Уртоқлар, бу ёққа! Тезроқ! Тезроқ!

БОЛАЛАР. (Саф тортиб, куйлаганча, одимлашади).

Бизлар	йўлбарс ва филга
аъло ўқиймиз,	Энди
Ўқишимиз	борамиз
соз бўлур!	бизлар!
Шундан	Бунда яшар
хурсанд ўйнаймиз,	кўп ҳайвон.
Қоматимиз	Биз —
ғоз бўлур!	сафларда бўлиб жам,
Ақл билан	Ҳайвонот
ечилган	боғи томон
Игреклару	Борамиз
икслар.	илдам,
Қўрқмай,	илдам!

МУТАСАДДИ. Тирик экспонатларнинг кўнглини олай ва улардан илмий мақсадларда фойдаланай, деган граждандлар диққатига дозаларга бўлинган экзотик озиқ-овқатлар ва илмий асбобларни марҳамат қилиб фақат ҳайвонот боғининг расмий хизматчиларидан олажақларини ўтинамиз. Агар ҳамма нарсани ўлчаб, аниқ қилмасангиз ҳайвонлар ҳалок бўлиши мумкин. Фақат марказий медицина институти билан шаҳар аниқ механика лабораторияси ишлаб чиқарган озиқ-овқатлар ва асбоблардан фойдаланишинингизни илтимос қиламиз.

ҲАЙВОНОТБОҒИ ХИЗМАТЧИЛАРИ. Боғ ва театрни оралаб юришади.

1-ХИЗМАТЧИ. Дўстлар, кафтни дурбин қилиб
кўрилмас микроб!

Қўлингизга
лупа олинг
ёки микроскоп!

2-ХИЗМАТЧИ. Тупук тегса,
ёнингизда
бўлсин карболка

Шуни
бизга таъкидлайди
доктор Тоболкин!

3-ХИЗМАТЧИ. Экспонатларни боқиш —
о, нақадар соз!
Алкоголь ва

никотиндан
олинглар оз-оз!

4-ХИЗМАТЧИ. Ҳайвонлар ҳам
адо бўлмай
кайф қилса агар,

Мия эриб,
бод қутуриб,
эригай жигар.

5-ХИЗМАТЧИ. Чиннигулдай алангаю
атиргул — тутун

Миянгни айлантиргай
ғалвирга бутун.

6-ХИЗМАТЧИ. Ҳазир бўлинг,
қулоғингиз
асранг яхшироқ,

Тақиб юринг
Бад сўзларни ўтказмас
қопқоқ.

МУТАСАДДИ (*шаҳар совети минбарига йўл очиб*). Уртоқ раис ва унинг яқин ходимлари муҳим ишларини қўйиб, қадим давлат марши оҳанглари остида бизнинг тантанамизда иштирок этмоқ учун келдилар. Азиз ўртоқларни муборакбод этамиз!
Ҳамма қарсақ чалади, портфелли кишилар гуруҳи атрофдагиларга улугворлик билан бош ирғаб, хиргойи қилиб ўтиб боради.

БАРЧА. Хизмат,

ташвиш,
ташвиш

Қаддимиз буколмас,
Бор вақтни

олар иш,
Роҳат-чи —
бир нафас.

Салом дер
шаҳрингиз,

Мард овчи,
зўрсиз-ку!

Сиз бизга
фаҳрсиз, —

Доруға
сўзи бу!

РАИС (*минбарга чиқади, байроқни силкитади, ҳамма жимиб қолади*). Уртоқлар, тантанамизни очиқ деб эълон қиламан. Умримиз теран изтироблар ва ички тўлғанишлар билан тўдиб-тошгандир. Ташқи ҳодисалар кам учрайди. Утган воқеалардан энка-тинкаси қуриган инсоният бир ҳисобда нисбатан бу осойишталикдан мамнун ҳамдир. Бироқ биз кўринишидан ғаройиб бўлган, бу асъас-ю дабдабали томоша замирида чуқур илмий маъно кўрамиз ва уни кўришдан ҳеч қачон ҳеч тортмаймиз. Иккита текинхўрнинг шаҳримизда бўлишига эҳтиётсизларча йўл қўйилиши натижасида юз берган машғум ҳодисалар менинг шижоатим ва жаҳон тиббиёти кучи билан бартафат этилди. Аммо бу ўтмишни ҳол-беҳол эслатиб тургувчи ҳодисалар мағлуб бўлган вақтнинг даҳшатга тушганини ҳамда ишчи инсоният маданий курашининг ҳам қудратли, ҳам мушкул эканлигини янада бўрттириб кўрсатади.

Ушбу машғум мисоллар орқали ёшларимизнинг жон-танлари тобланаверсин!

Мен ғалати ҳодисалар маъносини ечган, ҳалокатли ҳодисалардан илмий ва

хушчақчақ вақт ўтказга олган машхур директоримизга сўз бериш билан айна бир вақтда унга миннатдорчилик билдирмай ҳам иложим йўқ.

Ура!!!

Ҳамма «ура» деб қичқиради, муборакбод музикаси чалинади, ҳайвонот боғининг директорлари ҳаммага бош ирғаб салом берганча минбарга чиқиб келади.

ДИРЕКТОР. Уртоқлар! Сизлар мени бунча диққат-эътиборингиз билан бағоят мамнун қилдингиз ва уялтирдингиз. Узимнинг бу ишдаги иштирокимни ҳисобга олган ҳолда, ҳар қалай, овчилар союзининг фидойи заҳматкашлари — «ов»нинг бевосита қаҳрамонларига, шунингдек музлатувчи ўлимни енган тирилтириш институтининг муҳтарам профессорига миннатдорчилигимни изҳор этмай ўтолмайман. Албатта, ҳўрматли профессорнинг биринчи хатоси маълум фалокатларга билвосита сабабчи бўлганлигини айтиб ўтмай чорам қанча? Ташқи ўзгарувчан аломатлар, — қўлдаги қадоқ, кийим ва бошқа нарсаларга кўра — муҳтарам профессор муздан чиққан жониворни «гомо сапиенс»га — яъни фикрланувчи одамга, ҳатто фикрланувчи одамларнинг энг юксак тури — ишчилар синфига мансуб деб топди. Мен бу борадаги ютуғимни узоқ вақт ҳайвонлар билан ишлаганимдан, ёки улар психологиясини яхши билганимдан бўлди, деб ҳисобламайман. Менга тасодиф ёрдам берди. Шубҳам, ноаниқ бир илинж менга: «Эълон бер, маъқул қил!» деб тинчлик бермади. Мен мана шундай эълон бердим:

«Ҳайвонот боғининг принципларидан келиб чиқиб, боғимизга олинган янги жониворни нормал сифатларда асраш ва ўстириш мақсадида мунтазам чиқиб туриши учун ҳамда уни тўйдириб туриш учун тирик одам танаси талаб қилинади».

ОЛОМОН ИЧИДАН ОВОЗ. Вой, даҳшатни қаранг-а!

ДИРЕКТОР. Даҳшатлигини биламан, бу гапларнинг бемаънилигига ҳам ишонаман. Аммо, бирдан... бир махлуқ пайдо бўлди! У сиртдан деярлик одамга ўхшайди... Худди, сиз билан мендақа...

СОВЕТ РАИСИ (*кўнғироқ чалиб*). Уртоқ директор, мен сизни тартибга чақираман.

ДИРЕКТОР. Узр, узр! Мен, албатта, зудлик билан кўпчиликдан сўраб, қиёсий ҳайвоншунослик ёрдамида шундай фикрга келдимки, биз қошимизда мудҳиш одамнусха муғомбиру мўлтони махлуқни кўриб турибмиз ва бу ниҳоятда ҳайратга солгувчи текинхўрдир. Мен тафсилотларга берилиб ўтирмайман, устига-устак, бунинг бари ҳозир том маънода ҳайрагланарли қафас ичида ўзингизга ҳам намоён бўлади-қўяди.

Улар ўзи иккита, катта-кичиклиги ҳар хил, аммо моҳият эътиборан бир хил бўлган паразитлардир. Бир машхур «қандалаиус соғломус», иккинчиси «бекорчиус вулгарис». Иккиси ҳам замоннинг бўрсиган, заҳлаган кўрпа-тўшакларида учрайди.

«Қандалаиус соғломус» бир одамнинг танасига ёпишиб олади, қонини сўриб семиради, сўнг каравотнинг тагига йиқилади. «Бекорчиус вулгарис» бутун инсоният танасига ёпишиб олиб, семиради-да, каравотнинг устига йиқилади. Бор-йўқ фарқлари шу холос!

Революцион инсоният меҳнаткашлари ўзларидаги чанг, гард, маразларни кириб-қиртишлаб, тараниб-тозаланишгаётган пайтларида булар ана шу чанг, гард ва маразлар устига уя ва уйлар қуриб олишди, хотинларини савалашди. Бебель номидан қасам ичишди, галифе шимларини қаппайтириб, чодирларда айшларини суришди. Аммо «бекорчиус вулгарис» хавфлироқ. У ўзининг ғаройиб ўзгарувчанлиги ва мослаша олиш қобилияти билан гоҳ қофиялар тўқигувчи чигирткага гоҳ эса романслар куйлагувчи қушга ўхшаб олади. У пайтларда ҳатто кийимлари шунақа ўзгарувчан қушнусха — қанотли пальто-ю, думли фрак бўлиб, фракнинг кўкраги оппоқ бўларди. Бундай қушлар театрлар ложаларига уя қуришарди, интернационал оҳанглари остида оёқларини оёқларига уриб қаққанишиб балет ўйнашарди, Толстойни Маркsgа ўхшатиб тарашлашди, чидаб бўлмас даражада бақриб-чақиринишди... кеңирасизлар-у, илмий доклад кетяпти... ҳамма жойга ўтириб ташлашади, лекин буни қушларнинг ахлати деб бўлмайдди. Уртоқлар! Мана, ўз кўзингиз билан кўра қолинг!

Имо қилади, хизматчилар қафасни ҳар томондан очиб ташлайдилар, шохсупада қандала қафаси, унинг орқасида икки кишилик каравот қўйилган баландик. Каравотда қўлида гитара, Присипкин. Қафаснинг тепасида сариқ қандили лампа осилгич. Присипкиннинг бошида шуълавор чамбар — откриткалар елпигичи. Тепада ва пастда шишалар туради, полда юмалаб ётади. Қафас атрофи тупукдонлар билан ўралган. Деворлардаги қафаслар тагида ёзувлар, ён томонларда — филътрлар, озонаторлар. Ёзувлар:

1. «Эҳтиёт бўлинг — туфлашлари мумкин!»

2. «Докладсиз кирилмасин».

3. «Қўлоғингизни асранг — сўкишлар бўлади!». Музика «муборакбод»ни чалиб юборади; бенгалча ёритгич нури, оломон тошқини яқинлашиб келади, ҳаммаси ҳайратдан дол.

ПРИСИПКИН. Луначарский кўчасида бор
Кўҳнагина битта иморат.
Зиналари зўр, панжарадор,
Дарчаси ҳам нафисдир ғоят.

ДИРЕКТОР. Уртоқлар, яқинроқ келинглар, қўрқманглар, бу махлуқ жуда ювош. Кеб қолинглар, кеб қолинглар! Хотиржам бўлинглар: ён томонлардаги тўртта сувгич ифлос сўзларни қафасдан сиртга чиқармайди, ташқарига муносиб ибораларгина чиқади холос. Сувгичлар ҳар куни противогаз кийган махсус хизматчилар тарафидан тозалалаб турилибди. Қаранг, ҳозир «чекиш» деган нарса юз беради.

ОЛОМОН ИЧИДАН ОВОЗ. О, қандай даҳшатли-я!

ДИРЕКТОР. Қўрқманг, ҳозир «илҳомланиш» деган нарсани кўрасиз. Скрипкин, қани бир отворинг!

Скрипкин арақли шишага чўзилади.

ОЛОМОН ИЧИДАН ОВОЗ. Эҳ, қўйинг, керакмас; бечора хайвонни қийнаманг!

ДИРЕКТОР. Уртоқлар, бу ҳечам қўрқинчли эмас, у қўлбола! Мана қаранглар, мен уни ҳозир минбарга олиб чиқаман. (Қафас томон юради, қўлқоп кийиб, тўппончаларни текширади, қафас эшигини очиб, Скрипкинни чиқаради, уни минбарга чиқариб, фахрий меҳмонлар турадиган жойга қаратиб қўяди.) Қани, қисқароқ қилиб одамларга ўхшатиб бирон нима деб юборинг-чи?!

СКРИПКИН (игоаткорона бўйсунди, йўғалади, гитарани кўтариб, бирданига орқасига ўгирилиб томоша залига назар ташлайди. Скрипкиннинг чехраси ўзгаради, қувончли тус олади. Скрипкин директорни нари итариб, гитарани итқитиб юборади ва томоша залига қараб бақиради). Гражданлар! Оғалар! Узимизникилар! Туғишганлар! Қаердасизлар! Кўпчиликмисиз!? Сизларни қачон яхдан туширишди? Нега мен бир ўзим қафасдаман, жигарларим, оғаларим, менга шафқат қилинглр! Менга бу азоблар нечун? Гражданлар!..

МЕҲМОНЛАР ОВОЗЛАРИ: — Болаларни олиб кетинг, болаларни...

— Нўхталаш керак уни, нўхталаш...

— Эҳ, қандай даҳшат!

— Профессор, бас қилинг!

— Оҳ, фақат ота кўрманглр:

Директор қўлида шамолпаррак, икки хизматчи эса унинг орқасида, саҳнага югуриб чиқадилар. Хизматчилар Скрипкинни судраб кетадилар. Директор минбарни шамоллатади. Музыка «Муборакбод»ни чалади. Хизматчилар қафасни ёпадилар.

ДИРЕКТОР. Кечирасизлар, ўртоқлар... Кечирасизлар... Махлуқ чарчаб қолди. Шовқин-сурон, ранг-баранг нурлар шўрликни эсанкиратиб қўйди. Ташвиш тортманглр. Ҳеч нарса бўлмайди. Эртага ўзига келиб қолади. Жим, гражданлар, тарқалинглр, эртагача.

Музика, марш чалинсин!

Тамом

1928—1929

Владимир Маяковскийнинг шеърлари бутун жаҳон поэзиясига момақалдиरोқ каби ларза билан кирди.

Петрусь БРОВКА

* * *

Владимир Маяковский ўз вақтида туғилган шоир, шунинг учун ҳам у вақтнинг инъикоси эмас, ўзидир...

Давид КУТУЛЬТИНОВ

Асқад Мухтор

МАЯКОВСКИЙ САБОҚЛАРИ

Маяковскийга ўхшаган буюк шахсларни, албатта, буюк давр яратади. Бундай давр адабиётининг ўзи ҳаммавақт новаторлик адабиётидир. Шу билан бирга, бунда ноёб талантларнинг ҳам хизмати катта. Демак, давр хизмати бор, талант хизмати бор. Уларнинг уйғунлигини бахтли тасодиф ҳам дейиш мумкин. Давр янгича ижод учун объектив импульс, имконият ва муҳит яратса, талант кашфиёт яратади. Уларнинг иши бус-бутун. Бундай даврда индивидуал новаторлиқнинг ҳам роли буюк, унда революцион сифат ўзгариши, янгиликнинг оммавийлашуви намоён бўлади. Мен, социалистик реализмнинг муҳим элементлари ҳам шу тарзда шаклланган бўлса керак, деб ўйлайман.

Маяковский новаторлигининг муҳим томонларидан бири — келажак интуицияси. Бу ҳақда ўйлаганимизда, Владимир Владимировичнинг ўз сўзлари ёдга тушади: ўртамиёна назмчилар бир воқеа ҳақида ёзиш учун ўша воқеанинг ўтиб кетишини кутадилар, деган эди у, катта истеъодлар эса ўша воқеанинг нишонларини олдиндан яхшироқ кўриш учун келажакка интиладилар.

1918 йили Маяковский «Мистерия — Буфф» пьесасининг сарлавҳаси тагига: «Революция йўли. Бу йўлдан кетаётганимизда бизга қандай тўсиқларни портлатишга тўғри келишини ҳеч ким аниқ айтолмас керак... Бугун миллионлар иродаси коммунага интилмоқда, ярим асрдан кейин эса коммунанинг ҳаво кемалари узоқ планеталарга интилса ажаб эмас», деб ёзган эди.

Совет космик кемаларининг, совет космонавтларининг афсонавий парвозларига гувоҳ бўлган бизнинг авлод учун Маяковскийнинг бу башорати айниқса қадрли ва изоҳсиз ҳам тушунарлидир. Келажак нишонлари. Революциянинг йўли. Булар ҳақида тарихий перспектива туйғуси бўлган ва инсоният келажаги ҳақидаги орзуларини социалистик революция билан боғлай олган шоиргина ўйлаши ва сўйлаши мумкин. Биринчи совет пьесаси «Мистерия — Буфф» ҳақида А. В. Луначарский бундай деган эди: «Бизнинг революциямиз таъсирида яратилган бу пьесанинг мазмуни замонанинг ҳақиқий ва мислсиз ҳаяжонларидан иборат. Бу революция уфқлари ҳақидаги асардир».

Революция уфқлари! Уни ҳар ким ҳам кўрабилмас эди!

Агар биз адабиётдаги новаторликда давр хизматинигина тан олиб, талант хизматини етарли баҳоламасак, давр янгиликларини тилга олган ҳар бир шоирни новатор деб аташимиз керак бўларди. Буюк ижодий шахснинг уфқларни кўрабилиши унинг халқ орзу-армонларини чуқур ҳис этиши билан боғлиқ. Шунинг учун Маяковскийга ўхшаш талантлар том маъноси билан халқчил бўлади. Улар одат бўлиб қолган инерцияни енгиб ўтадилар. Уларнинг бош йўли поэзиянинг халқ ҳаёти билан батамом яқинлашуви жараёнини, революциянинг умуминсоний, тарихий ва фалсафий аспектдаги бутун стратегиясини намоён этади. Уларнинг новаторлиги поэтик ижоднинг барча компонентларига даҳлдор бўлади.

Маяковский — ижтимоий-поэтик ҳодиса сифатида биз шоирлар учун революция билан тенг. Унинг новаторлик мактаби барча қардош республикаларда ўз издошларини юзага келтирди. Кўп миллатли катта поэзиямизга бутун руҳи билан, буюк эпик қудрати билан таъсир ўтказди. Бу оташин революцион руҳ, граждандлик руҳи, шаклий изланишлар, янгиликлар руҳи халқчиллик, партиявийлик қудратидир. Маяковский поэзиясининг миқёслари барча республикаларда давр нафаси билан, даврнинг долзарб ташвишлари билан яшаган ёрқин талантлар ижоди орқали юзага чиқиши эди — Маяковский инқилоби эзгу ва асрий орзу-армонларнинг қайнаб-юзага чиқиши эди — Маяковский поэзияси шу қайнашнинг софловчи тафтидек, барча миллий поэзияларга ўз оташин нафасини уфурди. Бу баракали таъсирнинг миқёсларини қамраш учун жуда кўп шоирларнинг (Ҳамза, Чаренц, Турсунзода, Вурғун, Ҳамид Олимжон, Тоқтош...) ижодларини, ҳамма адабиётлардаги янги муҳим тенденцияларни, новаторлик мактабларини таҳлил қилиш керак бўларди. Поэзиямизда инқилобий авлод бош жарчисининг товуси ҳамон янграмоқда. Мен бу ўринда унинг Ғафур Ғулом шеърияти тақдиридаги ўрни ҳақидагина жиндак тўхтаб ўтмоқчиман.

Ғафур Ғулом 80 йиллигининг Маяковский юбилеи арафасида байрам қилинганлиги рағзий маънога эга: У оташин устозидан ўн ёшгина кичик, яъни унга том маъноси билан замондош ва бевосита шогирд эди.

Мен бу шоғирдлик ҳақида гап кетганда «зинапоёли» сатрлар, тақлид ва тематик ўхшашликлар ҳамда бошқа юзаки белгиларни пеш қилишга мутлақо қаршиман. Ғафур Ғулом Маяковскийга ҳеч қачон тақлид қилган эмас, у ёшлиқданоқ устоз мактабининг моҳиятига етди ва шунинг учун унинг шоғирдлиги ҳақиқий ва теран бир адабий ҳодисадир.

Маяковский замона талаби билан ва шеъринг нотиклик мақсадларида поэтиканинг «қўл-оёғини эски занжирлардан бир оз бўшатган» бўлса ҳам, аслида рус классик (Пушкин, Некрасов) поэтикасидан узоққа кетган эмас: унинг «зинапоёли» сатрлари, аслида, вазн-қофия қондаларига жуда аниқ риоя қилади. 20-30-йилларда туркий тиллар поэзиясида кенг тарқалган «сочма» (Ҳоди Тоқтош, Нозим Ҳикмат, Ғафур Ғулом, Самад Вурғун) поэтиканинг Маяковскийга унча алоқаси йўқ. У ҳам давр руҳининг тақосоти билан юзага келди, аммо «занжирлар» дан қутулиш ташналиги, табиий, Шарқда кучлироқ бўлиб, бу баъзиларни шунга олиб келган эдики, вазн-қофия, яъни шеърининг асосий мусиқий қондалари барбод бўла бошлаган эди. Шунинг учун бўлса керак, Маяковский «зина»лари яшамоқда, «сочма» эса поэтикадан мустаҳкам ўрин ололмади. Ғафур Ғулом ҳам кўп ўтмай «сочма»дан кечиб, «Маяковский ритмидаги мардона ораторлик кучини, интонацияни, истиораларнинг дадиллиги ва муболағаларнинг мукамаллигини» ўрганди.

Буни мен шунинг учун эсламоқдаманки, поэзияда Маяковский мактаби ҳақидаги адабиётда бу масала анча чалкаш ёритилади. Агар Ғафур Ғулом шоғирдлигининг ташқи жиҳатларини таъкидлаш зарур бўлса, мен бу «сочма» ва «зинапоёли»ларни эмас, давр юзага келтирган янги типдаги шоирларни, Ғафур аканинг Маяковскийга шахс сифатида яқинлигини, унинг маънавий активлиги, гурури, жозибали минбарий нуқти, эрудицияси, гигант талантининг ўта халқчилиги ҳақида гапирар эдим. Лекин кичик мақолада бу мушкул бўлса ҳам, мен бу шоғирдликнинг туб моҳияти ҳақида жиндек гапирмоқчиман.

Масаланинг моҳияти — гражданлик поэзиясининг эстетик кредосини ўзлаштиришда, 20-йилларда бу масалада қали традиция ҳам йўқ, яқдиллик ҳам етишмас эди. Аммо Маяковский ҳам, Ғафур Ғулом ҳам ҳақиқий давр фарзандлари эдилар. Давр эса энг революцион, энг ишчан ва порлоқ ғоя-Ленин ғоялари билан яшамоқда, ишчи синфи ва бутун меҳнаткаш халқ биринчи марта ўзини жаҳон тақдирига масъул, тарих микёсида етакчи куч деб таниган пайт эди. Адабиёт умумпролетар ишининг муҳим бир қисми эканлиги ҳақидаги Ленин таълимоти ўз синфининг кўз-қулоғи бўлган ёш шоирларга жуда ҳам тушунарли эди, бу янги совет поэзиясининг гражданлик руҳини белгилаб берди.

Шахсий руҳий ҳолатларни қарлаштираверадиган интим мунгликлар ўрнини умумманфаатлар, ижтимоий мотивлар, халқ тақдири ҳақидаги ўйлар, замон чақириқлари, миллионлар онгини банд этган порлоқ ғоялар эгалламоқда эди. Халқнинг катта ҳаётига, курашига яқин ва ундан манфаатдор бўлган сезгир талантлар буни бутун қалби билан ҳис этди. Ғафур Ғуломнинг матбуотда эълон қилинган биринчи шеърдаёқ гўзаллигининг ижтимоий таърифи берилди: овоз ва ҳалол меҳнат яратган ҳамма нарса гўзал, ишчи ва соҳибкорлар — гўзаллик ижодчилари; шеър эса бонинг булбули ёки кўнгил эрмаги эмас.

Бу эстетик кашфиёт эди. Эҳтимол, Ғафур Ғуломга бу қийин бўлмагандир, чунки унинг кўз ўнгиде Маяковский ва унинг маънавий сафдоши — Ҳамза намунаси бор эди. Ғафур Ғулом буюк рус устозининг «Шеър ўрнига боғу дўмбоқ, жимжима» деган кинояли сатрларини кўнглига нақадар яқин олганини «Гўзаллик нимада» шеърдаёқ кўрсатган эди.

Поэзияда гражданлик руҳининг хусусиятларидан бири шуки, у ижодга умрбоқийлик муҳрини босади. Маяковскийнинг, узун-чучмал муҳаббат баёнидан кўра беш йилликнинг блокнот варағига илинган бир кичик факти афзалдир, деган оддий сўзлари худди шу бугун айтилгандек. Ҳақиқатан, унинг қайси бир сатрини эскирган дейиш мумкин? «Ҳавас қилинг, мен Советлар юртининг гражданиман!», «Ленин десак партияни англаймиз!», «Қалами найзага тенгланг!», «Партия — ишчилар синфининг умуртқа суяғидир!» — совет кишисини буюк замон билан чамбарчас боғлайдиган бундай сатрлар эскиб қолиши мумкинми?! Ўзбек поэзиясида ҳам «қантарилган кўнгил созлари» ёки ёлғизлик ноалари эмас, яловбардорлик ҳайқириқлари билан Турксиб қурилиши суронлари, Шарқдан келаётган курашчан шоир наъралари ҳамон янграмоқда. Халқ — мангудир. Поэзиянинг ҳаётгилки сири — халқ билан яқдил бўлишда.

Поэзиянинг гражданлик руҳини таҳлил этишда учрайдиган энг хавфли нарса социологизмдир. Ғафур Ғулом поэзияси янграқ гражданлик пафоси билан бирга, самимий инсоний ҳисларга шу қадар бойки, кўплар бу жиҳатни таҳлил қилиб ўтиришни ортиқча деб биладилар. Ғафур Ғулом поэзияси ширага тўлган олмадек, ҳис билан лимлим. Жанговар гражданлик руҳи ва инсоний ҳислар бойлиги — бу катта поэтик талантининг икки қудратли қанотидир. Унда ижтимоий салмоқ ва ҳиссий бойлик бир-бирининг манбаи, бир-бирининг давомидек юзага келади. «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Вақт» каби шеърларида бу икки жиҳатни ажратиб таҳлил қилиш ҳам мушкул, тўғрироғи — ажратишга уриниш гуноҳ. Чунки гоҳо бу бирлик муқаддасдек туюлади.

Маяковский бу ҳақда шундай деб ёзган эди:

Қайда бўлди бу, ажабо,
Жангчилар сафидами,
Мамлакатим ҳаётида
Ёки менинг қалбимда?!

Дарҳақиқат, етим гўдакка меҳри ва душманга халқ ғазаби, қиз лабида сабуҳий шабнаму ота мерос ғолиб келажак, бир зумлик маъсуд бўса ва буюк курашчан давримизнинг қадри — бу тушунчалар гоҳо шу қадар табиий тарзда бир сатрининг ўзида омихта бўладикки, буни поэтик ижодда мўъжиза деб аташ керак.

Поэзияда гражданлик руҳининг муҳим хусусиятларидан бири ҳаётнинг фалсафий таҳлилидир. Умуман Шарқ поэзиясига хос бўлган бу жиҳат бизнинг замонда, айниқса Ғафур Ғулум поэзиясида ёрқин кўринади. Бунда, албатта, Шарқ классикаси, Хайём, Навоий, Бедил мутолааси катта ўрин тутса ҳам, янги совет поэзиясининг асосчиси бўлган Маяковский йўналиши, хусусан унинг «Замона ва ўзим тўғримида» деб эпиграф қўйиш мумкин бўлган эшик поэзияси («В. И. Ленин», «Жуда соз», «Хайқирик») Ғафур Ғулумгагина эмас, бутун бир авлод аълодига нақ олий мактаб бўлди. Фалсафий таҳлил айниқса унинг Ленин муқофотига сазовор бўлган сўнги туркумларига характерлидир. Бунда шоирнинг алломага хос чуқур билими, катта ҳаётий ва ижодий тажрибаси, табиий заковати ва донишмандлиги катта роль ўйнайди. Кабутарнинг ку-куви, камалак товланиши, илк бинафша таъзими, қатрадаги офтоб — булар бари «порлаб», замон ҳақидаги, туз тоғимча муборак ҳаёт, умрзоқ коинот ҳақидаги катта фикрларга айланади: табиат, нафосат, ажиб ҳислар — кенг қамровли гражданлик руҳининг кўринишлари, сарчашмалари.

Поэзияда минбар нутки, ҳозиржавоблик, доимий тематик саринлик гражданлик руҳининг аён белгиларидир. Унинг моҳияти эса ижтимоий салмоқ, юксак ҳасослик ва тафаккур теранлиги омихта бўлган жойда ва буларнинг ҳаммаси партиявий ҳамда халқчилик принципларига бўйсундирилганида тўла очилади. Ғафур Ғулум буюк устоздан мана шу нарсани астойдил ўқиб-ўзлаштирган эди. Бу сабоқ унинг ижодидаги асосий тематик магистрални ҳам белгилаб берди. Унинг бош тематик йўналиши — Ленин ва Шарқ мавзуи эди. Бизнинг замондошларимиздан ҳеч ким поэзияда бу темани Ғафур Ғулумчалик чуқур ва кенг ишламаган. Шоир Ленинга садоқат «осиёлик шеърининг қонида» бўлиши керак деб билар, ўзининг, халқининг, шеърининг тақдирини Ленин партияси билан боғлиқлигини Маяковскийча таъкидлар эди:

**Лениннинг ўзи — улуг партиям,
Бу рубоб пардасин ўзинг ўрнатдинг!**

Маяковский ва Ғафур Ғулум сингари халқ ишига содиқ талентлар туфайли поэзиямизнинг бош йўли гражданлик пафоси бўлса, бу йўлда ватанпарварлик, интернационализм каби жанговар темалар биринчи ўринда туради. Ғафур Ғулум поэзиясида бу мавзунинг юксак ифодаси китобхонага маълум, буни исбот қилиб ўтиришга эҳтиёж ҳам бўлмаса керак.

Албатта, гражданлик поэзиясини яратишда Ғафур аканинг устози фақат Маяковский бўлган, дейиш нотўғри бўлар эди. Ҳар бир оддий талабанин ҳам мактабда бир неча муаллими бўлади. Шоирнинг бутун ижодидан биламизки, Навоийнинг:

**Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,
Ҳам жонларига моюн дармон бўлгил!**

деган жуда муҳим васияти Ғафур акага бир умр раҳнамо бўлди. «Поэзияга хизмат қилиш — машмашани ёқтирмайди» деган пушқинча ҳикмат ҳам унга доим ёд эди. «Шоир бўлмасанг майли, граждан бўлишинг шарт», деган буюк Некрасовни Ғафур ака ўз шеърига қондош деб билар, уни севиб таржима қилар эди. Ниҳоят, халқ — унинг буюк устози. У халқдан неки олган бўлса, таълим-тарбиями, эртак ё ривоятми, ҳурмат ва муҳаббатми — барини поэтик саҳоват билан қайтариб халққа берди; ҳақиқий санъаткор ўлароқ, ҳар бир кашфиёти қувончини миллионлар билан ўртоқлашди. У устозининг «Тахминан юз йилга чидамли, мустаҳкам мисралар ёзиб қолдиринг», деган сатрларидаги нақзини адо этди. Энг яхши поэтик асарларининг умри боқийлигини Ғафур ака ўзи ҳам билар эди.

**Тириклик чоғимда айтолганим сўз,
Балки умрларга қилур кифоя...
Улимни билмаган дўстларим сифат
Мени ҳам юз йиллар қилур ҳикоят.**

деган эди у. Унинг ажойиб поэзиясидаги жанговар гражданлик руҳи, юксак ва инсоний ҳислар ва тафаккур теранлиги бунга гаровдир.

Мен буюк Маяковскийнинг таржимонларидан бири бўлганим билан фахрланаман. Бу ҳақда мендан кўп сўрашади: бу қандай юз берган, нима туртки бўлган, қандай қийинчиликларга дуч келгансиз, бу ишнинг моҳияти, сабоқлари нимада?

50-йилларнинг аввали эди. Бу даврга келиб, ўзбек адабиёти ва унинг ўқувчилари Маяковский поэзиясининг юксак моҳиятига етган ва унинг энг асосий, энг мураккаб асари «Владимир Ильич Ленин» поэмасини ўзиникидай қабул қилишга батамом шай эдилар. Уруш йилларида поэзиямизнинг жанговарлик, гражданлик руҳи янада ошди, унинг Маяковскийнинг бевосита шоғирдлари ҳисобланган Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум сингари намоёндалари мамлакат миқёсида қад ростлаган, Лениннинг поэтик образини яратиш йўлида муваффақиятли уринишлар кўзга ташланган, Маяковскийнинг буюк поэмаси Мақсуд Шайхозода томонидан бир марта таржима ҳам қилинган эди.

Мен поэма устида ишлаб бошлаганимнинг конкрет вақтини айта олмайман, чунки бу бирдан бўлган эмас. Авваллари бундай иш ҳақида сўзлаш тугул, ўйлашга ҳам журъғатим етмас эди. Тўғри, ўша вақтдаёқ Маяковскийни ўзимга яраша тушуниб, севиб қолган эдим; менинг таржимамда унинг Америка туркумидаги шеърлари, «Совет паспорти» ҳақида шеър»и, «Ким бўлсам экан» ва «Хайқирик» дostonлари матбуотда босилиб чиққан эди. «Владимир Ильич Ленин» поэмасидан баъзи парчаларни эса, ўзим учун, тўғрироғи, куч синиш ниятида анчадан бери таржима қилиб юрардим. Кейин уларнинг баъзиларини бостирдим. Бу ишга мен журъғатсизроқ бўлса ҳам, дил амри билан ҳамон тинмай

яқинлашар эдим. Унга мени ҳаммага маълум бўлган нарсдан ташқари, қандайдир номаълум, сеҳрий бир куч ҳам тортиб турарди.

Ҳаммага маълум бўлган нарса шуки, «Владимир Ильич Ленин» совет классик поэзиясининг шоҳ асари, коммунистик ғоявийлик ва юксак бадийликнинг ёрқин намунаси. Поэмадаги Революция образи, Халқ ва Доҳий образлари янги совет поэзияси намояндасининг ҳақиқий ижодий жасоратидир.

Бу асарнинг мукамал таржимаси ҳар бир халқнинг бадий ривожидида йирик воқеа бўлиши турган гап.

Аммо олдимида турган бу масъулиятли ишда мени бундан ташқари яна қандайдир бир жозоба ўзига тортарди. Бунинг нима эканини бир сўз билан айтиш қийин: поэзияда конкретликни, поэтик тафаккурда моддийликни қўмсап десаммикин... Поэмани қайта-қайта ўқиб, моҳиятига яқинлашган сари мен ўша пайт ижодимизда ҳали ҳам кўп ҳолларда учраб турадиган «чиройлилик»ларга, шакарғуфторлик ва баландпарвозликка, заминдан узилган, ҳаёт ҳароратидан маҳрум «юксак назмбозлик»ка тобора салбий қарай бошладим. Бу даврдаги баъзи шеърӣй асарларнинг риторик характери балки жуда катта ғалабамизга эмоционал акс садо сифатида йўқолиб кетган, аммо баъзан, айниқса кўпгина коллектив шеърӣй мактубларда маълум маънодаги қасида услуби ўзининг бутун дабдалаби жимжимадорлиги билан сақланиб келар эди. Ваҳоланки, Пушкин бир юз эллик йил аввалоқ «қасида поэмачиликнинг энг қуйи босқичларида туради...» деб айтиб кетган.

«Владимир Ильич Ленин» поэмаси ва «Ҳайқириқ» устида ишлаб, мен Маяковскийнинг поэзиядаги худди мана шу дабдалаби қасидачилик ва қуруқ риторикага қарши исён кўтарганини, поэтик сўзнинг реалистик маънодорлиги, аниқлиги ва моддийлиги учун кураш очганини, шеърда қўшпа-қуруқ шеърӣй шалдирокларга қарши чиққанини чуқур хис этдим...

Поэзиямизнинг ўша даврдаги муаммолари билан безовта яшар эканман, Маяковскийни бу жиҳатдан шундай англадим: ғалабаларимизнинг улугворлиги ва ҳаққонияти — уларнинг реаллигида, конкретлигида, оддийлигида. Бу улугворликни сохта дабдала билан эмас, «1500000» поэмасида Маяковскийнинг ўзи айтганидай, «Оддийлик гурури» билан куйлаш керак. Уша поэмада шоир бундай ёзган эди:

**Жимжимакор шоирлар
Масхарабозлик қилади...
Инқилоб эса —
оддий!**

Ҳа, Инқилоб оддий: у — халқ иши, халқ ҳаёти. Биз уни халқнинг кундалик қахрамонона ишларида кўра билишимиз керак, ўлмас жасоратнинг «пароходларда, сатрларда ва бошқа ишларида» намоен бўлиб яшаётганини пайқашимиз керак, меҳнатдаги ҳаётнинг чинакам моҳиятини туманлаштирувчи қалбаки ритсриканинг сарқитларидан батамом воз кечишимиз зарур.

Поэмада инсоний образи яратилган Владимир Ильич Лениннинг ўзи риторик услубни ҳеч қандай реал ва объектив маънони ифодалолмайдиган «гапдонлик», «бекорчи сурон» деб атаб, шафқатсиз фош этган эди. Ленин буни «ҳақиқий борлиқдан кўз юмиш» деб жуда аниқ таърифлаган эди.

Шеърӣятимиздаги «чиройли гапдонлик», баландпарвоз лексика ўша йиллардаёқ қаттиқ танқид остига олинган, аммо инерцияга қарши, феодал даври поэзиясидан кўчиб ўша йилларда қандайдир озуқа топган шакарғуфторлик анъаналарига қарши кураш давом этар эди.

Шунинг учун, Маяковский поэмаларини таржима қилар эканман, ўша даврда мен ўзимни иш столида ишлаётгандеккина эмас, поэзиямиз тараққиёти проблемаларини ечишда, унинг йўлидаги баъзи тўсиқларни енгиб ўтишда ҳам қатнашаётгандек ҳис этар эдим.

Иш қийин эди. Қайси сатрни олманг — халқ орасида афоризм, қанотли ибора, ҳикмат бўлиб кетган. Ўзбек тилида улар дастлабки даврда, табиийки, бундай куч ва таъсирга эга бўлолмайди. Маяковскийнинг обрўси, албатта, таржимонга ҳам куч, журъат бағишлайди, аммо, иккинчи томондан, унинг ҳамма нарсада ғайри оддий ва салобатли таъсирчанлиги мени чўчитар эди.

Устознинг таржима ҳақидаги ўз сўзларини ҳаммиша ёдда тутдим: «Менинг шеърларимни таржима қилиш яна шунинг учун ҳам айниқса мушкулки,— деган эди Маяковский,— мен шеърӣятга оддий суҳбат тилини олиб кирдим... Бундай шеърлар фақат тил қурилишини тўлалигича ҳис этганингдагина тушунарли бўлади».

Ҳа, унинг тил қурилишини тўлалигича олганда ҳис қилиш мумкинки, халқчил суҳбат нутқи поэзияни риторика ҳас-ҳашакларидан тозалайди. Аммо авторнинг буни камтарлик билан «суҳбат тили» деб аташи масалани бир оз жўнлаштиради. Аслида поэма тилининг қурилишида авторнинг қатъий, ишончли, кескин нутқи, лирик ўйчанлик, ораторлик санъати, сиёсий даъват, маиший манзаралар, патетик монолог сингари кўп, хилма-хил стилистик приёмларни учратамиз. Шу таразда юксак ва оддий, суҳбат ва ноғиқлик услубларининг мисли кўрилмаган қоричмаси юзага келади. Шу билан бирга, поэтик образ ва бадий сўз ҳаммиша бир бутунликда. Тасвирийлик ва фикр бир бутунликда. Образлилик тил материалнинг ўзида ҳам намоен бўлади. Поэманинг бу хилдаги тили, бадий системанинг маълум воситаси сифатида, шоирни поэтик тафаккурнинг ниҳоятда конкрет ва моддий сезимлигича олиб келади. Бу маънода менга, ўша давр ўзбек поэзиясининг қатордаги бир вакили сифатида, Маяковскийнинг ҳар бир строфаси устида ишлаш ҳали тез-тез учраб турган шеърӣй риторикани тўғридан-тўғри емиришдек туюлар

эди. Энг муҳими, Маяковский жуда мушкул ва масъулиятли ишда: Ленин образини яратиш жараёнида шунга эришган эди.

Авторнинг дохий сиймосидаги халқчиллик, инсонийлик ва оддийлик сифатларини алоҳида уқтириб кўрсатиши, менга, таржимон сифатида, кўпроқ тил материалида сезилар эди. Ленин «илоҳий заво» ёки «пайгамбар» эмас, «энг дунёвий», «энг инсоний» инсон. Сатрларда миллиард, шахмат, ҳатто «жомашов» каби энг оддий сўзлар пайдо бўлади. Аммо тафаккур кўзи билан Ер куррасини бирдан қамрай оладиган буюк инсон бир зум ҳам кўз ўнгингиздан кетмайди...

Поэмада буюк шоирнинг ўз сиймоси ҳам ҳамisha кўриниб туради. Энг қийин мавзуларни ечиши ҳам у кўпинча самимий лирик чекинишлардан бошлайди. Поэма-нинг бош темаси — дохий билан халқ бирлиги мавзуини ҳам шоир халқдай буюк қудратнинг бир зарраси бўлганлигидан бахтиёр эканлигини ифодаловчи лирик чекиниш билан бошлайди. Таржима жараёнида мен аниқ сездимки, поэма-нинг бундай лирик интонацияси ҳам катта сийсий мавзуларни ишлаганда учрайдиган шеъринг риторикани фаол равишда емириб боради.

Маяковский вазиларининг қонуниятини тушунтириш ҳам осон эмас. Бу ўринда рус классик шеър тузилишининг жуда кўп, хилма-хил ритмик-интонацион турларини, уларнинг хусусият ва имкониятларини билиш ва ҳисобга олиш зарур. Шукри, бизнинг устозларимиз, Ҳамза, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Миртемир, Уйғунлар ўзбек назмининг вазн эркинлиги, шаклий хилма-хиллиги ва бойлигини таъминлашда кўп иш қилганлар. Бу катта тажриба биз таржимонларга Маяковский шеърининг «асосий энергияси» бўлган новаторлик ритмини англаб ўзлаштиришда жуда қўл келди. Гоҳо вазннинг қутилмаган ўзгаришлари, урғуларнинг кўчиши, зинали ва узун-қисқа сатрларнинг зарбли оҳанги ва умумий раволиги ўзбек шеър қурилишига эндиликда бегона эмас эди. Баъзан бир сўзли сатр зарурати туғилганда ҳам, мен буни дадил қўлладим ва бу янгилик қийинчиликсиз қабул этилди ҳам ўзлашиб кетди.

Маяковскийдан қилинган таржималарда шеър шаклидаги кўпгина оддий қоидаларни бузиб ўтилди. Унинг поэмаларида одат бўлиб, сийқаланиб кетган, эскидан қолган «тўла» қофияларни (омон-замон, салом-калом) ишлатавериш энди қандайдир ноқулай ҳам туйилади. Маяковский ғайриоддий, мураккаб, «қулоқ» қофияларини талаб этади (ҒАЗАБИ — ЁЗАДИ, КИРПИГА — СИРТИДА, БАҚИРДИ — ҒАЛАБА ҚИЛДИ, ҚОЛСИН — ҚУЖУМКОР СИНФ).

Уша йиллардан бери бундай шаклий изланишлар шоирларимиз учун оддий иш бўлиб қолди ва шеъринг тилнинг ифода воситаларини янгилаш ва кўпайтириш учун имкониятлар беҳисоб эканлиги яна аниқ бўлди. Албатта, Маяковский ижоди ва айниқса «Владимир Ильич Ленин» поэмасининг ўзбек адабиётига таъсири бундай шаклий изланишлардагина эмас, бундай таъсир бу таржималардан анча олдин бошланган эди. Миллий адабиётлардаги поэтик лениниана совет поэзиясининг бош жарчиси Маяковскийнинг бевосита ижодий таъсири остида яратилди. У туфайли лениниана саҳифалари чинакам тарихийлик, юсак бадийлик руҳида ривожланди. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Зулфия, Миртемир, Мирмуҳсин, кейинроқ эса Ҳусниддин Шарипов, Эркин Воҳидовларнинг Ленин мавзуида яратган шеъринг цикл ва поэмалари бунинг мисолидир. Мен ҳам ўзимдан мамнунманки (бу камдан-кам насиб қилади), Маяковскийнинг буюк поэмаси менинг таржимамда чорак аёр давомида кўп марталаб қайта нашр этилди ва бу ишдан сўнг «Мангуликка даҳлдор» поэмалари ёзиб, ўзбек поэзияси лениномасига камтарин бир улус қўша олдим.

Мен Маяковскийни севаман, жуда севаман...

Расул РИЗО

* * *

Маяковскийнинг шеърлари гўзал кашфиётлар сирасига киради...

Валерий БРЮСОВ



Шароф Убайдуллаев

МОЛГУЗАРДАН КЎРИНГАН ҚУЁШ

«Кўрмаяпсанми ахир, Шош бу шаҳарнинг
турк тилидаги номидан олинган, аслида эса
«Тошкент», яъни тош шаҳар демакдир».

Абу Райҳон БЕРУНИЙ
(X аср).

«Шош — бу шаҳарнинг номи. Унинг асл
номи Тошкент — тошдан қурилган шаҳар
демак».

Маҳмуд КОШҒАРИЙ
(XI аср).

Ш инсон дунёга келишда уч нарсадан, — дебди донишманд, — вақт, макон, ота-она танлаш ҳуқуқидан истиснодир... Тошкентдан бир неча чақирим нарида, гўзал пойтахт бутун улғуворлиги билан кўзга ташланиб турган Молгузар тоғи бағридаги Кўрпасой қишлоғида дунёга келишимни — тақдир инъом этган толенм деб биламан. Ажабо, хариталарга тушиб улгурмаган Молгузар қадимий шаҳарлар — Тошкент ва Самарқандни қок иккига бўлиб туради...

Илк гўдақлик тасавури инсон фарзандининг қонида бир умр яшайди. Балки, шу сабабдандир, инсон гўдақликда кўрганни, ўрганганини асло унутмайди, бутун ҳаёти давомида қумсайди. Она қишлоқ абадулабад тушларимизга кириб, ўзига чорлайди. Она юрт, она меҳри, илк бор давра қурган, кўча чангитган дўстларимиз маъсум орзуларимиз канотида учиб юради. Бу ҳиссиёт барчада баробар бўлса керак.

«Дунёни кўрмоқчи бўлсанг-Молгузарга чик», деган ибора бизнинг Кўрпасой ва тоғ атрофидаги қиркка-яқин катта-кичик қишлоқларда кўп маънони ўзида мужассамлаштирган бўлса керак. Биринчи маъноси, у катталарга тобе болалиқдан мустақил йигитликка ўтиш имтиҳони эди. Молгузарнинг асосан уч чўккиси бор. Улар қишлоқ рўпарасида бўлса ҳамки, қояларнинг беҳад тиклиги билан осмоннинг ярмини тўсар, гоҳ булултарни тепага ёриб ўтиб, янада сирлироқ манзара кашф этарди. Рўпарадаги бу чўкқилар ёш юракларни ўзига тортар, гўё гўдақлик туйғуларини йигитлик имтиҳонига чорларди. «Молгузарга чиқибдими, демак йигит бўлибди», деганларича бор эди, албатта.

Илк бор, еттинчи синфни тугаллаган (унда дастлабки шаходатнома бериларди) бир гуруҳ дўстларим билан Молгузарга, унинг энг баланд чўкқисига кўтарилганимиз ёдимда. Биз ўшанда тонг ёришмай йўлга чиққандик. Тошлардан тошларга тирмашиб ўтдик, арчалар оралиб, харсанглар ёқалаб кетдик. Гоҳо бир тошдан иккинчи тошга ўтиш учун албатта кимнингдир мадади керак: бир-биримизга суянамиз, олдинга силжиган одам орқадан келаётганларга қўл чўзиб туради. Кейин ҳам Молгузарга кўп чиқдим, ундан катта тоғларда ҳам бўлдим. Бирок Молгузарга қилган ўша биринчи сафарим ёдимда муҳрланиб қолди. Назаримда, у менинг тақдиримни ҳаёлда йўқ, тушимга кирмаган шаҳарга буриб юборганга ҳам ўхшайди...

Молгузар чўкқисидан бутун бир бошқа олам, янги дунё кўриниб турарди. Одатда биз — тоғ болаларига ёшлиқдан «дунё кўриш» кўпам насиб этавермайди. Бошқа жойларда қандай, билмадим, мен буну ўз қишлоғим мисолидан олиб айтяпман. Темир йўл, магистраль тош йўллар тоғ оралиғидаги қишлоғимни четлаб ўтганди. Табиий шароитлар ҳам одамларнинг умумий тасаввурига таъсир ўтказмай қолмайди, албатта. Чунончи, биз аэропландан кўра поездни анча кеч кўрганмиз. Энди ўйласам, икки буюк шаҳар ўртасидаги ҳаво йўли Кўрпасой устидан ўтгани учун ҳам мен ва менинг тенгқурларим аэроплан овозини тез англаб етган бўлсак керак... Ҳарҳолда тоғ болалари нимадандир орқадан қолиши мумкин, бироқ уларда орзу, талпиниш қучлироқ бўлади.

Биз токка — кадрдон Молгузарнинг энг баланд чўккисига талпинардик. Болаликни тарк этишга ошиккан овози дўриллаб қолган бир тўп гўр йигитчаларни орзу чўккиси ўзига тортарди. Мана шу ҳолатда биз ёзу киш қор аримайдиған чўккилардан ниманидир қутардик, шу сафардан сўнг қандайдир қатъий ўзгариш бўлиши керак деб тушунардик.

Чўккиннинг энг тепасида беш-ўн киши давра қуриб ўтирса бўладиган — улкан харсанг тошининг ва атрофдаги катта-кичик тошларнинг бетида чегаланган ёзувлардан деярли бўш жой қолмаган. Бу ерда нималарнинг акси ва сурати йўқ, бироқ бизни сеҳрлаган фақат булар эмасди. Қуёш кўтарилган тарафга боқамиз: ана шаҳар! Қуёш гўё ўша шаҳар қучоғидан отилиб чиққандай... Шаҳарми? Оташ-қу! Оташ-қон! Қуёш тонгда Тошкент қучоғидан кўтарилиб, бизнинг назаримизда, тунда Самарқанд қучоғига ботгувчи эди...

Чўккидан қуёш кўтарилаётган Тошкент томонга термилиб хайқирган мурғак овозлар саси ҳамон қулоғим остида жананглайди:

— О, менинг Қуёш шаҳри!

Кунботар тараф — Самарқандга ўгирилиб эса, булутлар билан бас бойлашган минораларда қуёш жилвасининг оймисол сузишини кўриб, барабар кичкирардик:

— О, менинг Ой шаҳри!

Болалик довоини тарк этиб, йигитлик чўккисига интилган ва, аини пайтда, энг муҳими, ўз уйи ҳамда юз хонадонлик қишлоғидан нарини кўрмаган бир тўда ўсмирнинг икки буюқ шаҳар салобатига ҳайрати, маъсум ва беғубор тасавури эди бу! Бамисоли гўдак хайқириғи эди бу! Гўдакларгина шундай хайратлана олиши мумкин. Бу ҳеч қандай тайёргарликсиз ўз овозимиз, ўз баҳоимиз эди. Уртада тоғ — яъни биз, бир томонда Қуёш шаҳри, иккинчи томонда Ой шаҳри! Бироқ асрий дунё қошида инсон ҳар қандай ёшда ҳам аслида гўдак ҳолида намоен бўлмайдими?..

Нисбий гўдаклик ўтиб, тақдирим Тошкент билан туташган йиллар давомида ҳам бу буюқ шаҳарга ҳамон ўша илк назар — Молгузар чўккисидоғи кўз билан боқаман. Шу шаҳарда университет таълимини олдим, устозларга шоғирд тушдим, дўстлар орттирдим. Шаҳар кўчаларида илк сеғги ҳисларим қолди... Мен ҳамон бу буюқ шаҳарга ўша гўдакчилигим кечган чўккидан қанот қоқиб келгандай ҳис қиламан ўзимни.

Тарихда Осиёни босган бирон-бир бўрон йўқки, у Тошкент устидан ўтмаган бўлса. Тошкент археология экспедициясининг раҳбари Маргарита Филанович фикрига кўра, Шоштепа, Мингўриктепа, Октепа, Хонободтепада олиб борилган археологик изланишлар Тошкент тарихи эраимиздан аввалги VI—IV асрлардан бошланганини исботлайди. Бу даврда Урта Осиёда қадимий аждоларимиз — сақлар, массагетлар, сўғдлар, дахлар яшаган. Форслар Урта Осиёни сақлар ватани деб билишган. Грек тарихчилари боболаримиз аждодини скифлар деб аташган. Қадим Эронда ҳукм сурган Ахмонийлар сулоласидан шох Доронинг Нақши Рустам дараси макбарасидаги тошга ўйилган ёзувларда худди шу сақлар тилга олинади. Улар Сирдарё ортида, Чоч территориясида яшаганлиги кўрсатилади.

Урта Осиё эраимиздан аввалги VI асрда (519 йил) форслар қўлига ўтди. Сақлар Эрон ва Греция жанглирига тортилди. Эраимиздан аввалги 490 йилда Эрон билан Афина давлати ўртасидаги беаёв жангда, айниқса машҳур Марафон жангида форслар мағлубиятга учраган бўлса-да, олдинги қисмда турган сақлар жасорати туфайли дастлаб форслар қисман муваффақиятга эришганини тарихчилар қайд этадилар.

Сақлар жасорати ва урф-одатлари ҳақида тарихда маълумотлар оз бўлса-да, улардан мантиқий ҳулосалар чиқади. Милоддан аввалги II асрда юнон тарихчиси Полиэн ўзининг «Харбий хийдалар» китобида олдий сак чўпонининг жасоратини ифодоларди. Широқ афсонасини ёзиб қолдиради. Афсонада таъкидланишича, сақлардан чиққан отбоқар Широқ ўз қабиласи озодлиғи учун курашга отланиб, харбий хийла ишлатади. У Эрон шоҳи Доро ҳузурига бориб, қабилалошларидан «ўч олмоқчи эканлигини» айтади. Доро қўшинларини қалғитиб сувсиз саҳрога бошлайди ва душманни ҳалокатга учратади. Ўзи ҳалок бўлади, лекин ўз қабиласини душман ҳужумидан асраб қолади.

Геродот ёзиб қолдирган қаҳрамон аёл Тўмарис — Урта Осиё аёлларининг тарихдаги буюқ жасорати, урнини узида акс эттиради. Модомики, кўхна Тошкент қаламга олинар экан, улуғвор момоларимиз аждоди бўлмиш Тўмариснинг қаҳрамонлиқларини алоҳида тилга олмаслик мумкин эмас. Буюқ юнон тарихчиси ўзининг «Тарих» асарида хикоя қилишича, Эрон шоҳи Қуруш (Кир) Урта Осиёга ёвуз ният билан бостириб қиради. Йигитлар сон-саноксиз босқинчиларга қарши оёққа турадилар, бироқ уни даф этиш осон бўлмайди. Массагетлар қабиласининг маликаси Тўмарис йигит кийимида майдонга чиқиб, душманга қарши мардонавор курашади. Бу жангда (эраимиздан аввалги 529 йил) Қуруш қўшинлари енгилди. Унинг ўзи ўлдирилади, Шунда Тўмарис Қурушнинг танасидан жудо қилинган бошини қон тўлғазилган мешга ташлаб, шундай хитоб қилади: «Сен бир умр қонга тўймай ўтдинг, мана энди тўйгин! Сени қон билан суғорганим бўлсин. Сенинг қисматинг эса бировларнинг юртига зўравонлик қилиб бостириб қирувчиларга сабоқ бўлсин!»

Тўмарис ана шундай олижаноб аёл, босқинчиликнинг ашаддий душмани, тинч ва осуда ҳаёт тарафдори бўлган. Ўзбек онаси — Тўмариснинг ўзбек сиймоси тасвирий санъат соҳиблари томонидан кўркам монумент шаклида яратилса ва у жонажон Тошкентимиз қошида салобат тўкиб турса қандай яхши бўларди!

Ўзбекнинг узок ўтмишдаги ботир фарзандлари ҳақида сўз борганда Муқанна ва у бошқарган кўзғолон ҳақида гапирмасдан ўтолмаймиз. Муқанна кўзғолонида Мовароуннаҳрда Араб ҳалифалигининг ҳукмронлигига қарши халқ ғазаби жунбишга келиб, унда Тошкент-Шош аҳолиси ҳам фаол қатнашди. Тарихда Муқанна кўзғолончилар «ок кийимликлар» номи билан ҳам машҳур. Улар балки халқ кўзғолонининг ҳаракат йўли ҳақиқат — оқлик ва поклик руҳига мослиги учун шундай ном олишгандир. Халқ ичидан етишиб чиққан Муқанна (унинг асл исми Ҳошим Ҳаким ўғли) араб қўшинларига қақшатқич зарбалар берди. Ҳалифа Абу Жаъфар Муқаннага қарши бутун лашкарларини ташлади, Озарбайжондаги энг сўнги кучларигача Мовароуннаҳрға қайтарди. Жаброил ибн Яхё

бошлик ҳалифа кўшинларини кўзғолончилар тор-мор этдилар. Халифанинг 10 минг аскар билан Жаброилга ёрдамга етиб келган Уқаба ибн Салим бошлик саркардаси ҳам кўзғолончилардан енгилди. Кейин халифанинг 14 минг кишилик янги кўшини ҳам халк кўзғолончилари ҳужумига дош беролмай, тумтарақай қочишга мажбур бўлдилар. Натижада Мовароуннахрнинг Нахшаб ва Чағониён водийлари бутунлай кўзғолончилар кўлига ўтди.

Муканна кўзғолони тез орада кенгайиб, 716 йилда Самарқанд ва Бухоро халк кўзғолонининг марказига айлана борди. Бирок Муканна кўзғолонининг иштирокчилари илк ўрта аср жамиятининг турли табақаларидан ташкил топган, маслаклари турлича эди. Чунончи, меҳнатқаш халк беаёв зулмга қарши курашган бўлса, маҳаллий феодал табақа кўзғолончилар кучи билан араблар ҳокимиятини тугатиб, ўз салтанатини бошлашни орзу қиларди. Маҳаллий феодал табақанинг жирканч сотқинлиги муканначилар бошлаган озодлик ҳаракати галабасига раҳна солмай қолмади. Маҳаллий феодал ҳукмдорларининг сотқинлигидан устомонлик билан фойдаланган араб кўшинлари кўзғолончилар эгаллаган кўрғонларни ойлаб қамалда тутта бошладилар. Ана шу қамалга дош беролмаган Муканна-нинг укаси Қабзам 3000 кишилик кўшини билан таслим бўлди. 3300 кишилик кўнгилли армияга кўмондонлик қилаётган Сарҳама Сом тоғидаги (Муканна улар билан эди) узоқ қамалдан сўнг араб халифалигига кўрғон дарвозаларини очиб берди. Бирок Сом кўрғонига от кўйиб кирган араб кўшинларининг Муканнани тирик тутиш орзуси рўёбга чикмади. У душман кўлига тирик тушгандан кўра ёниб турган алангада кўйиб кул бўлишни афзал кўрди.

Тошкент тупрогининг тили бўлса бизгача етиб келмаган қанчадан-қанча афсонавий жангу жадаллар, юрт озодлиги йўлида тўқилган қонлар ҳақида ривоятлар сўзлаган бўларди. Археологларнинг зукколиги шундаки, улар тарихнинг асрий чангини қоккан мисол, тилсиз тупроқни, жонсиз тошларни, тошқотган буюмларни «сўзлатади»лар.

Сақлар, массагетлар, сўғдалар, дахлар — бу ўша: Александр Македонскийнинг қуролланган юз минглик кўшинига қарши оёқяланг бош кўтарган Спитамендир. Бу ўша, Турк ҳоконлиги, араб халифалиги, мўғул истилочиларига қарши кўкрак кериб турган мард аждодларимиз — томри томиримизга туташ Широқ, Тўмарис, Муканна бўлиб тарихда қолган ўзбеклардир. VI асрда Ўрта Осиёнинг Турк ҳоконлиги томонидан эгалланиши тарихда Абрўй кўзғолонини келтириб чиқарган бўлса, VIII асрда арабларга қарши халк миллий озодлик ҳаракати жунбишга келди. Аждодларимиз ўзларининг озодлик тарихини қон билан ёздилар. Самарқандда Турк кўзғолони (710), Панжакентда Дивашти кўзғолони (712), Мовароуннахрда Абу Муслим кўзғолони (749), Бухорода Шарик кўзғолони (750-751) Муканна кўзғолонига уланиб кетди. Уларнинг жасорати, халк озодлиги йўлидаги афсонавий қахрамонликлари ҳақида айтарлик ёзма манбалар қолмади. Кўзғолон тўқиллари ҳоконлар, халифалар ва султонлар салтанати томонидан қанчалар бешафқат бостирилган бўлса, улар хотираси ҳақидаги ҳар қандай ёдгорлик излари ҳам шундай шафқатсизлик билан ўчирилди. Бирок уни халк қалбидан на куч билан, на фармойиш билан ўчириб бўлади! Қахрамонлар ҳақидаги афсона ва ривоятлар тилдан тилга, қалбдан қалбга кўчиб яшади, яшамокда, яшайверади...

Тошкент асрлар синовидан мардонавор ўтди. Географик, табиий ва иқтисодий жиҳатдан қулай ва бой шароитдаги воҳанинг марказига жойлашган Тошкент шаҳри ўтрок дехқончилик ва кўчманчи чорвачилик районларининг туташган қисмида бўлгани учун ҳам эллар ва давлатлар ўртасида савдо-сотикнинг маркази сифатида гуркираб ривож топди. Айниқса унинг буюк ипак йўлида жойлашганлиги Европани Осиё билан, хусусан Ҳиндистон ва Хитой билан боғларди. Бирок унинг бой табиий шароити тарихда ўз халқининг бошига озмунча қулфатлар келтирмади. Октепа ва Мингўриқтепада олиб борилган археологик қазималар VI — VIII асрларда турклар ва араблар шаҳарини бутунлай вайроonga айлантирганларини тасдиқлайди. IX асрда шаҳар ўрни Бўзсув канали этагига кўчди. IX—X асрларда Сомонийлар давлати, X—XII асрларда Қорахонийлар ва Қорахитойлар давлати қўл остида бўлди. XIII аср бошида Қоразмшоҳ Чингизхон йўлига гов солиш мақсадида Тошкентни забт этди ва шаҳарга бутунлай ўт кўйиб, уни харобага айлантирди. Темурийлар даври — XIV асрда қўлдан-қўлга ўтиб турди. XVI аср бошида уни Шайбонийхон эгаллади. Худди шу даврда кўпгина йирик қурилмалар, жумладан, Бароқхон ва Қўқалдош мадрасалари қурилди.

XVIII аср ўрталарида Тошкент тўрт даха — Себзор, Бешёғоч, Қўқча, Шайхонтовурга бўлинса-да, шаҳар нисбатан марказлашган киёфага кирди. Бу даврда шаҳарнинг 12 дарвозаси (Лабзак, Тахтапўл, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Қўқча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўқон, Қашкар, Қўймас) тунда бир пайтда ёпилар ва тонгда бир пайтда очиларди. Тонггача шаҳарга ҳеч ким киритилмасди. Кейинчалик Шайхонтовур ҳокими Юнусхўжа тўрт даха ҳокимиятини ўз кўлига олди.

XIX асрда Тошкентни Қўқон хонлиги ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди ва бу ҳокимият Чор Россиясининг Ўрта-Осиёга кўшин тортиб келишига қадар давом этди.

Тошкент ўзининг асрлар бўйи давом этган тарихида 1865 йил биринчи марта Россияга кўшиб олинди. 1867 йилда Тошкентда Туркистон генерал-губернаторлиги тузилди.

Тошкентнинг Россияга ўтиши ва кейинчалик Ўрта Осиёнинг Россия составига кўшиб олиниши тарихий-ижтимоий аҳамияти жиҳатидан Тошкент тақдирда янги давр очди. Тошкент кўп миллатли Туркистон ўлкасининг маъмурий-сиёсий марказига айланди. 1905 йилда Оренбург-Тошкент темир йўлининг ишга туширилиши туфайли Ўрта Осиёнинг Россия билан савдо-сотик, иқтисодий ва маданий алоқалари йўлга қўйилди. Чор Россияси Ўрта Осиё ва унинг бош шаҳри — Тошкентни қолоқ ва мустамлақа ўлкага, иқтисодий манбага айлантириш учун ҳарчанд уринмасин, айни пайтда, ҳаётнинг табиий ва диалектик қонуниятлари асосида рус пролетариатининг, жамиятнинг илғор қучларини ташкил этган ишчилар синфининг демократик қарашлари — инқилобий таълимот ва тафаккур йўлларини тўсиб қололмади.

Гарчанд Тошкент кўзғолонлари (1892, 1916) тарихда рус генерал-губернаторлиги

томонидан шафкатсизларча бостирилган бўлса-да, улар айти пайтда подшо ҳукумати ва эксплуататор синфга қарши ҳаёт-мамот жангига бел боғлаган рус пролетариати ва илгор фикрли ишчилар синфининг умумроссия ҳаракати билан ҳамоҳанг эди. Бу, ўз навбатида, Россияда етилиб келаётган инқилобий дунёқарашнинг илдирилари Россиянинг энг чекка ўлкаларида ҳам теран илдиригидан далолат бериб турарди.

Подшо зулмига қарши тарихда «Вабо исёни» деб ном олган биринчи Тошкент кўзғолони 1892 йилнинг 24 июнь куни бошланди. Подшо ҳукуматининг вабога қарши тартибларини амалга оширишда оксоқол Маёқуб томонидан тутилган сиёсат бу кўзғолонга туртки бўлса-да, аслида у халқнинг ҳам Чор Россияси, ҳам маҳаллий эксплуататорлар томонидан бўлган зулм ва шафкатсизликларга қарши исёни эди. Кўзғолончилар (улар 600 кишидан ортиқ эди) полиция маҳкамасига бостириб кириб, Маёқубни ўз қўлларига топиришни талаб қилишди. Бу талаб қондирилмагач, Маёқубнинг уйига ўт қўйишди... Полиция ва унга ёрдамга келган жазо отряди кўзғолоңчилардан шафкатсиз ўч олди. 10 га яқин киши отиб ўлдирилди, чекинганларни эса тепаликдан Анхорга улоқтиришди. Эртасига, Анхордан 80 кишининг жасади топилди...

Тошкент кўзғолонлари орасидаги вақт роппа-роса 24 йилни ташкил этса-да, мустамлакачилик сиёсати ва адолатсизликка қарши бардош қосади тулган халқ ғазоби изчил давом этган эди, дейиш мумкин. 1916 йил 25 июнда подшо Николай II томонидан имзоланган «Мардикорликка олиш» тўғрисидаги фармойиш халқ ғазоби алангаси учун учкун берди, холос. Подшо фармойишидан ғазабланган халқ 11 июль куни Бешёғоч полицияси маҳкамаси олдига тўпланди. Полиция ўт очиш билан кўркимтоқчи, халқни таркатмоқчи бўлди. Кўзғолончилар полиция биносига ёпирилдилар. Бирок қуролсиз аҳолидан шафкатсизчиларча ўч олинди. Генерал-губернаторнинг қазақлардан тузилган отлик отряди, Орифхўжа бошлиқ маҳаллий бойлар яна адолат йўлини тўсиб чиқдилар. Бешёғоч майдонида кўзғолончилардан 11 кишининг жасади қолди, 15 киши оғир яраланди...

Бу Тошкентда ва, умуман, Туркистон ўлкасида етилиб келаётган инқилобий ҳаракатга ич-ичидан чириб, емирилган бораётган Чор Россияси ва унинг маҳаллий кучлари узган сўнгги ўқлар эди. Октябрь куёшининг ёркин шўбласи кўзга ташланиб қолганди.

Октябрь куёши бутун Туркистонга, шу жумладан Молгузарга ҳам илк бор Тошкент уфқидан нур сочганини, Бешёғоч майдонида тик туриб ўлган кўзғолончилар қонида қоним борлигини энди мён яхши тасавур қиламан. Мен ва менинг авлодларим томирида Тўмарис ва Широк, Спитамен ва Муканна, Темур Малик ва Намоз ботир, Абдулла Набиев ва Ҳамза қони уфуриб турганлигига ким шубҳа қилади?! Мен ҳеч иккиланмай, Октябрнинг муқаддас алвон байроғида ҳам улар қонининг шаффоф ранги бор, дея оламан! Бу байроққа қадар бўлган йўлни ҳеч бир халқ, ҳеч бир юрт, йигирма аср умр кўраётган Тошкент ҳам осонликча босиб ўтмади. Октябрь инқилоби бутун мамлакат сингари Тошкент тарихида ҳам энг буюк воқеадир. Шаҳарнинг йигирма асрлик тарихи бутун моҳиятига кўра шу сана нуқтасидан икки қирғоққа бўлинади, инқилобга қадар ва инқилобдан сўнг!

Тошкент ўзининг энг гўзал масканлари — хиёбонлари ва майдонлари, кўчалари ва ишлаб чиқариш корхоналари, дорифунун ва мактаблари номини Улуғ Октябрь ва унинг асосчиси Владимир Ильич Ленин номи билан абадулабад боғлар экан, бу ҳам тарихнинг муқаддас бурилиш нуқтасига бўлган таъзим ва ташаккур рамзидир. Шаҳарнинг энг серфайз райони, гўзал хиёбони, кўркам проспект ва неча ўнлаб корхоналари, маҳаллалари Улуғ Октябрь номи билан аталади. Шаҳарнинг бош майдони эса Владимир Ильич Ленин номи билан юритилади. Худди мана шу майдонда Улуғ Дохийнинг мамлакатдаги энг юксак — бўйи 28 метрлик монументи (архитектор С. Одилов, хайкалтарош Н. В. Томский) ўрнатилган. Туркистоннинг бош дорифунуни (1920 йилда В. И. Ленин имзолаган Декрет туфайли очилган), республиканинг бош саройи — СССР халқлари дўстлиги қошонаси (Съездлар саройидан сўнг Иттифокда иккинчи ўринда туради, 1981), Тошкентнинг бош проспекти Улуғ Ленин номи билан боғланган. Шаҳарнинг мармар билан қопланган қошонасида В. И. Ленин музейи жойлашган бўлиб, унинг остонасидан зиёратчилар аринмайди.

Улуғ Ватан уруши йилларидан Тошкент нон шаҳри, тошкентликлар эса сахий қалбли, бағри кенг, мурувватли инсонлар сифатида қайтадан қашф этилдилар. Тошкент икки фронтда — уруш тақдири хал бўлаётган жанг майдонида ва фронтни озик-овқат, кийим-бош билан таъминлаётган, қурол-яроғ етказиб бераётган, айти пайтда, жанубга эвакуация қилинган юз минглаб ватандошларни бағрига олган марду майдон шаҳар бўлиб танилди. Бу ерда бомба ва замбарак овозлари эшитилмаса-да, урушнинг даҳшатлари мунтазам келиб турди. Ярадорлар Тошкентдан малҳам топдилар, ота-онасини йўқотган юз минглаб гўдақлар тошкентликлар бағридан жой олдилар. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад ака ва унинг рафиқаси Баҳри опа 14 етимни фарзандликка қабул қилдилар. Бугунги кунда Халқлар дўстлиги майдонида уларнинг кўп миллатли оиласи шарафига қўйилган монумент Тошкент муруввати, Совет турмуш тарзининг ёркин намунаси бўлиб турибди. «Сен етим эмассан!» Ленин муқофоти лауреати, академик шоир Фафур Фуломнинг шу номли балладаси ҳар бир тошкентликнинг қалбидан отилган жўшқин нидонинг шеърый ифодаси эди. Кейинчалик шу номдаги кинофильм мамлакат олқишига сазовор бўлди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг Шомаҳмудовлар оиласини кенг полотнода ифодалаган «Ҳазрати инсон» романи Тошкент касидаси бўлиб жаҳон узра янгради.

1966 йил, 26 апрель... Ўша тонгтордарда Тошкентнинг барча осма соатлари бир пайтда — соат 5 дан 22 минут-у, 52 секунд ўтганда табиатнинг қалтис ҳазилидан танг қотиб қолгандек тўхтаб турарди. Бирок Тошкент ва тошкентликлар ҳайратдан бир зум ҳам қотиб қолишмади. Шаҳар ҳаётининг бирон-бир бўлаги, на зилзила маркази бўлган Қашқар маҳалласи (ҳозир бу ерда Россия Федерацияси қурган икки мухташам квартал — М—4 ва М—5 жой олган), на ўша тунда меҳнат постиди бўлган бирон киши саросимага тушди. Зилзила кетма-кет Тошкент ва тошкентликлар бардошини, иродасини синаб кўрди. Зилзила бора-бора тошкентликларнинг қойхонада айтиладиган латиғасига айланиб қолди. Зилзила Тошкентни минг мартадан

ортик тебратди-ю, бирон-бир тошкентлик иродасини буколгани йўк. Аксинча тоблади. Тошкент — Совет Иттифокининг дўстлик кучи мужассамлашган Дўстлик шахрига айланди. Тошкент бағрида, тарих кўрмаган кисқа муддатда, ўзига хос ихчам шахарчалар кад кўтарди. Улар ҳақли равишда ўларнинг ижодкорлари номи билан аталди: Москва, Ленинград, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Грузия... Тошкент зилзила арафасига қадар шахар қурилиши ва тарихий тараққиётнинг объектив сабабларига кўра иккига — эски шахар ва янги шахарга бўлинганини ҳеч ким инкор этмайди, албатта. Зилзила маркази эса худди «буюртма»дай улар ўртасида эди. Зилзила арафасидаги Тошкент билан бугунги Тошкентни киёслаш қийин. Қурилишдаги бурилиш нукталарини шундай киёслаш мумкин: чунончи, зилзилага қадар мавжуд энг баланд бино 9 қаватдан иборат бўлса, бугунги шахар биноларининг бўйи 23 қаватга етди. Шахар территория жиҳатидан 10 баравар кенгайган бўлса, тураржойлар ҳажми 15 баравар ошди. Тошкент ҳозир йилига 1 миллион квадрат метр уй-жой қурмоқда. Зилзиладан кейин тошкентликлар ҳеч иккиланмай ер қаърига дадил кириб бордилар — оқибатда Урта Осиёда илк бор метрополитен ишга тушди. Ҳозир унинг 12 станцияси ишлаб турибди, яна 4 станцияси ишга тушиш арафасида, 8 станциясида қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Тошкент-бу йил икки қутлуг воқеа арафасида турибди: бири — сентябрь ойида жаҳон уни 2 минг йиллик ёши билан қутлайди. Иккинчиси — 2 миллионинчи граждани дунёга келади... Бу бахт қайси она, қай бир хонадон, туғуруқхона чекига тушаркин? Улар эғизак бўлса-чи? Айтишларича, шахар ижрокомида бунинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Хар куни шахарда ўртача 120 туғилишнинг беш-еттиси эғиз бўлар экан-да! Шахарнинг бир кунлик ташвишлари орасида нималар бор-у, нималар йўк? Шахарнинг бир кунда минг ташвиши бўлса-да, мен ҳамон унга Молғузардан боккан каби маҳлиё боқиб, хайкиргим келади. Ҳамон ўша илк бор токка чиққаним кўз олдимга келади: Куёш Тошкент тарафдан кўтарилиб шуъла сочар, кўзимга бу шахар куёшдай ловиллаб кўринарди. Не ажабки, болалиқдан буён неча ўн йиллар ўтиб, Тошкент ҳақида минг йиллик тарихий ёзувларни титқилаб ўқиб чиқсам-да, унинг номи оддий тошга киёс этилганига иқрор бўлгим қелмайди. Ҳамон хаёлимда илк тасаввур жўш уради. Илк тасаввур эса илк муҳаббатдай кучли ва айрилмас бўлади. Минг йиллар бурунги аждодларимиз, у балки қонга тўймас Қуруш йўлини тўсган Тўмарисдир, у балки Муқаннадир, ҳамон назаримда улар Молғузар чўкқисидан бу улуг Куёш шахрига назар ташлаб кичкириб юборгандай туюлади:

— Оташ-кон! О-таш-ко-он!!!

Куёш эса ерда пайдо бўлган илк олов-оташнинг буюк рамзи эмасми? Оташ, бу — ердаги куёш-ку! Хаёлан мен Молғузарга чикаман-у, ўнгу сўлга назар ташлайман: бир томонда Куёш шахри — Тошкент, бир томонда Ой шахри — Самарқанд намоён бўлади. Гоҳ Куёшга, гоҳ Ойга — боболардан қолган буюк меросимизга талпинаман:

— Ассалом, Куёш шахри!

— Ассалом, Ой шахри!

Фикрим исботига нажот истаб, кўхна Самарқандга — унинг илк Сўғдиёна бўлиб жаҳонга танилган тарихига хаёлан шўнғийман. Оташ Тошкент жилваси эса унинг кўзни қамаштирувчи осмонўпар миноралари юзида ҳамон ойдеқ сузиб юрганга ўхшайди... Яна таъриф-тавсифда беъазир бўлган боболарнинг асрлар тилсимотига айланган хаёлини укқандек бўламан: ер юзида бир-бирига бунчалар туташ ва яқин икки буюк шахарнинг ёнма-ёнлиги мени ром этади.

Машҳур юнон географи ва астрономи Птолемейнинг «География бўйича қўлланма» номли асарида Урта Осиёда «Тош қалъа» деб номланган шахар мавжудлиги кўрсатилган. Птолемей Урта Осиёда бўлмаганлиги учун «Тош қалъа» шахрини Пўмир тоғларида жойланган, деб тасвирлайди. Бу масалага машҳур энциклопедист олим Абу Райхон Беруний ўз асарларида маълум аниқлик киритган. «Бинқант, — деб кўрсатган эди у, — Аш-Шошнинг пойтахти бўлиб, турк тилида Тош-қант, юнон тилида «Тош қалъа» деб аталади».

...Маъсум гўдаклик орзулари ўзига қорлаганда, мен бот-бот Молғузарга қайтаман. Бинобарин, Абдуллаҳон даврида (XVI аср) бу ораликни (Молғузар — Тошкент) яёв бир ҳафтали, отда уч кунли масофа деб таърифлаган бўлсалар-да, эндиликда у бор-йўғи бир ярим соатли йўл. Гоҳ дўстлар билан, гоҳ танҳо Молғузар чўкқисига қўтарилиб, Куёш чиккан тарафга — Тошкентга маҳлиё термиламан.

Бу чўқкидан боқилганда, унинг Куёш шахри эканлигига шубҳа йўк. Буни қандай исботласа бўлади? Мен аминманки, тарихга нувоҳлик берувчи олимларда далил-исботлар — қоғозлар мўл бўлади. Менинг кўнглим исботсиз туйғуларга тўла-ю, бироқ қўлим бўм-бўш. Олимлар бир-бирига суянгандек, қоғозлар ҳам бир-бирини ёқлайди...

Мен далил-исботда ёлғизман, деб қайғурмайман. Хайрият, маъсум ва гўзал ёшлик туйғусининг буюк ва ишончли таянчи — Молғузар чўққиси бор, харҳолда. Хар сафар шу чўққига чикқанимда, Молғузар қулоғимга аждодларнинг армонли кўшиғини шивирлагандек, юрагим тез-тез уриб кетади:

— О-таш-кон!

— О, Куёш шахри!

ТОШКЕНТ МАДҲИЯСИ

Узбек халқи маданияти ва классик адабиётининг бир қатор намоёндалари, шунингдек, қардош ва қўшни халқларнинг кўпгина мутафаккирлари, шоирлари ва сайёҳлари кўҳна Тошкентимизнинг тарихи, географияси, иқлими, табиати, одамларнинг касб-кори, сиёсий, ижтимоий аҳволи ҳақида шеърлар, достонлар, саёҳатномалар, қимматли тарихий-илмий асарлар ёзиб қолдирганлар.

Шарқнинг буюк донишмандлари — Абу Райхон Берунийнинг «Хиндистон», Махмуд Кошғарийнинг «Девои лугатит турк» китобларида, шунингдек, Фирдавсийнинг «Шохнома»сида ҳам Тошкент Шош, Чоч тарзида тилга олинган. Зайниддин Восифий (XV—XVI аср) эса Тошкентнинг табиати, оби ҳавоси, шифобахш маъдан сувлари, чаманзор боғ-роғлари ва «гўзаллар тиллақошларига қадайдиган садафдек тошлари»ни илҳом билан мадҳ қилиб, уни афсонавий жаннат боғи — боғи эрамга қиёслайди:

**Сўз атайа Тошканд мадҳида бул кун,
Сўзим забт айласун қалбингни мулқин,
Кўзинг олғуси ҳар лаҳза жамоли,
Ким эй, сийрат бил анга эл камоли.
Тубида тошлар мисли садафдур,
Гўзаллар тиллақошига қадабдур.
Агар шаббодаси кимга раводур,
Анинг минг дардига, балки даводир.**

Рус шарқшуно олими В. В. Бартольднинг Туркистон тарихига оид айрим асарларида, татар олимлари ва сайёҳларидан Ш. Маржанийнинг «Турфатул-ал ҳавоқин» (1864), З. Бигеевнинг «Мовароуннаҳрга саёҳат» (1893), К. Биккуловнинг «Туркистон» (1908) тарихий-географик очерк ва хотираларида, саёҳатномаларида Ўрта Осиёдаги қадимий Самарқанд, Бухоро шаҳарлари қатори Тошкент тарихи ҳам кенг ёритилган. Айниқса, рус шарқшунос олими Е. Т. Смирновнинг «Ҳозирги Тошкентнинг қадимийлиги» (1896) китобида, татар сайёҳи Бурхон Шарифнинг «Тошкентга саёҳат» («Вакт» газетаси, 1910, № 578) очеркида Тошкент тарихий манбалар, ҳаётий кузатишлар асосида тасвирланади.

Бу даврда Туркистонда яшаётган айрим рус ва татар шоир-ёзувчилари, ўзбек ижодкорлари — Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермухамедовлар Тошкентнинг колониал тузум шароитидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, халқнинг оғир ҳаёти, маориф-маданият соҳасидаги қолоқликларга ачинаш руҳидаги асарлар ҳам ёзиб, бу ижтимоий иллатлардан қутулиш йўлларини ахтардилар.

Жумладан, маҳаллий рус шоири Н. С. Грязнов ўзининг «Русский Туркестан» газетасининг 1902 йил 2 февраль сонида босилган «Тошкентда ким яхши яшайди?» поэмасида Тошкентдаги ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизликларни пичинг йўли билан қаттиқ

танқид қилиб, бу ердаги камбағалларнинг оғир ҳаёти ва бойларнинг текинхўрликларини тасвирлашга интилди. Ўзбек адабиёти тарихи тадқиқотчилардан профессор Фулом Қаримов ва Анвар Ҳожиаҳмедовларнинг фикрича, бу асар «Некрасов поэмасига таклидан ёзилган бўлиб, шоир унда Тошкентдаги ижтимоий ҳаётни ҳажвий планда акс эттиришни мақсад қилиб қўйган. Гарчи ундаги ҳажв тиғи «Россияда ким яхши яшайди?» поэмасидагига нисбатан кучсиз бўлса ҳам, асар Тошкентдаги ҳаёт картиналарини анча кенг кўрсатиб бера олади» («Рус — ўзбек адабий алоқалари тарихи очерклари», Тошкент, 1967 йил, 88-бет).

Оренбургда чиқадиган татар газетаси «Вакт»нинг муҳбири Ш. Муҳаммадёрров 1916 йилда Тошкентнинг гўзал манзараларини Фарбнинг Париж каби марказий шаҳарларига қиёслаб, шундай ёзади: «Мен Тошкентдагидай беадад соя-салқин дарахтларни, кўчаларнинг ҳар икки ёнида шарқираб оқиб турувчи муздай ариқларни дунёнинг бирор ерида учратиш мумкин эмас, деб ўйлайман. Мен Парижнинг бульварларини кўрдим, Тошкентниқига ўхшатолмадим». (Бегали Қосимов. «Тошкент тарих саҳифаларида», «Тошкент окшоми» газетаси, 1983 йил, 19 февраль)

Октябрь революциясидан кейин бутун мамлакатимизда, хусусан Тошкент қиёфасида ҳам катта сиёсий, ижтимоий, маданий ўзгаришлар юз берди. Тошкент шаҳрининг барча иттифокдош республикаларнинг пойтахтлари, марказий шаҳарлари билан иқтисодий ва маданий алоқалари ҳар томонлама ривожланди. Қардош республикалар адабиётларида Тошкент ҳақида янги-янги бадий асарлар пайдо бўлди. Бу ўринда рус адибларидан А. Неверовнинг «Тошкент — нон шаҳри» (1922) повести, Н. Тихоновнинг «Ўзбекистондаги Бобил» (1926) очеркини, А. Адалиснинг Ўрта Осиё шаҳарларига оид баъзи асарларини, Абубакир Диваевнинг «Тошкент ҳақида» (1918) номли мақоласини эсламоқ жоиз.

Н. Тихонов ва А. Адалиснинг қайд этилган асарларида Тошкентнинг қадимий меъморчилик ёдгорликлари завқ-шавқ билан тасвирланса, А. Неверовнинг «Тошкент — нон шаҳри» повестида шаҳарнинг граждандар уруши давридаги манзаралари мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишда катта таянч бўлган интернационал совет шаҳри сифатида ёритилган. Россияда боқимсиз қолган етим болаларнинг Тошкентга келиши, бошпана ва нон билан таъминланиш воқеаларини самимий тасвирлаш орқали асарнинг ғояси очилади. «Тошкент — нон шаҳри» повести, — ёзади бу ҳақда адабиётшунос Л. Гранина, — йигирманчи йиллардаги совет адабиётининг энг яхши асарларидан бири эди. Бу китоб бизнинг мамлакатимизда бир неча марта нашр этилган, француз, инглиз, немис, италия ва бошқа тилларга таржима қилинган...»

Асримизнинг 30-йилларига келиб Тошкент янги саноат ва маданий марказлардан бири сифатида ўз жамолини намойён қила борди. Шаҳарнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама юксалиши ўзбек ва қардош адабиётлар вакилларининг ижодида акс этди. Тошкент мавзuida яратилган бир қатор ўзбек ижодкорларининг асарлари билан бирга та-ниқли татар шоири Хасан Тўфоннинг «Тошкент боғларида» (1939) номили шеъри ҳам алоҳида қиммат касб этади. Шоир Советлар Россияси бўйлаб яёв саёхатга чиққани, Урта Осиё республикаларини кезгани, Тошкентда бўлиб, бу ерда рўй берган чуқур ижтимоий ўзгаришларни ўз кўзи билан кўргани ва қойил қолганини шеърда хаяжон билан тасвирлайди.

Мазкур шеър Гафур Ғуломга бағишланган. Унда ижодкор дўстга муҳаббат туйғулари билан бир қаторда Тошкентнинг боғу роғлари, гўзал табиати ҳам шоирона мадҳ қилинган. Халқларнинг ленинча дўстлиги туйғайли турли шаҳарлар, юртлар, элларнинг бир-бирлари билан яқинлашиб бораётганлигини куйлаш шеърнинг мағзини ташкил қилади:

Соғиндим.

Йўлчини тортар ўзига

Саҳрода дуч келган боғдай бу диёр.
Мен Одиссей каби чарчаган эдим,
Гўзал чаманингни этдим ихтиёр,
Билар эдим, аммо кўриб эмас,
Шеърий садоларда кўп эшитгандим,
Даштлар, йўллар, тоғлар ортида,
Бор экан деб бир жигарбандим.
Авлод-аждодимиз бўлган бегона,
Тилдош-дилдошини кўрмай ўтилган,
Хозир ўшалар ҳам бизнинг сингари,
Балки биз туйғайли қардош тутинган.

Келинг, кўтарайлик дўстона қадаҳ,
Шу Ленин асрининг шарофатига.

(Асқад Мухтор таржимаси)

Улуғ Ватан урушининг оғир синовларида ҳам Тошкент ҳақида қатор шеър ва мақолалар ёзилди. Мазкур асарларда Тошкентнинг жанг йилларида мамлакатимиз ичкарасидаги муҳим иқтисодий, маънавий таянчлардан бири сифатидаги ўрни, уруш туйғайли эвакуация қилинган мингларча турли миллат кишилари ва боқимсиз болаларни қучоқ очиб кутиб олгани, уларга кўрсатган химмати улуғланди.

Рус совет шоири В. Луговской «Тошкент» шеърда урушнинг оғир йилларида фронт учун, ғалаба учун завод-фабрикаларда кечаю кундуз ишлаётган Тошкент ишчиларининг бардош ва матонатини меҳр билан тасвирлайди.

Атокли рус совет ёзувчиси А. Толстой бу даврда Тошкентда яшаб, Ойбек, Гафур Ғулом, Шайхзода, Хамид Олимжон, К. Яшин, Уйғун, Иззат Султон ва бошқа ўзбек адиблари билан ҳамкорликда иш олиб борди. У шаҳардаги кўплаб завод ва фабрикаларда бўлди, турли йиғилишларда оташин нутқлар сўзлаб, кишиларимизни ғалабага илҳомлантирди. Адибнинг, айниқса, Ўзбекистон Марказий Комитетининг 1942 йил 29 январдаги «Шимолий Тошкент каналини қуриш» ҳақидаги қарорининг аҳамияти тўғрисида фикр юритилган «Ажойиботлар яратаётган халқ» номили публицистик мақоласи диккатга сазовордир. «Ўзбек халқи, партия ва ҳукумат иродаси билан Бўзсув анхори ўз окимини ўзгартириб, чўл

ерларни ҳосилдор этади. Шимолий Тошкент каналидан сув ичадиган ерлардан Ўзбекистон қолхозчилари ҳар йили миллионлаб пуд дон, мева ва सबзавотлар етиштирадилар», деб ёзган эди у.

Уруш йиллари А. Толстой, В. Луговской, С. Сомова, Э. Огницвет ва бошқалар билан бирга Тошкентда эвакуацияда бўлган машҳур рус шоираси Анна Ахматова ҳам самарали ижод этди. У ўзбек шоир ва ёзувчилари билан яқин алоқада бўлди, уларнинг асарларини рус тилига катта маҳорат билан таржима қилди. Шоира шу пайтларда ёзилган «Тошкент таассуротлари» шеърда шаҳарнинг хушманзара жойларини, тарихий обидаларини, дўстларининг таниш қиёфаларини мисралар замирига сингдиради.

Уруш йилларида Тошкентда Иттифоқимизнинг марказий шаҳарларидан келган кўплаб ёзувчи, олим, театр ва санъат ходимлари маҳаллий ёзувчилар ва санъаткорларнинг жуда яқин дўсти, биродарига айландилар, ягона совет оналаси туйғусининг юксак намуналарини кўрсатдилар. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек адабиёти ва маданияти арбоблари учунгина эмас, балки бу ерда вақтинча яшаб ижод этган бошқа қардош санъаткорларнинг ижодий ва илмий қучлари ривожланишига ҳам ижобий таъсир қилди.

Шунинг учун ҳам СССР ФАнинг мухбир аъзоси, машҳур адабиётшунос олим Н. Пиксанов кўп миллатли совет адабиёти ва маданияти вакилларининг Тошкентдаги ўзаро ҳамкорликда ўтган қизғин ижодий фаолиятига катта баҳо бериб: «...Ўзбекистон республикасининг пойтахти Тошкентда эвакуация йилларида кўп миллат вакилларидан иборат ёзувчилар жамоатчилигининг олиб борган ишлари, шубҳасиз, катта тарихий аҳамиятга эгадир,» деб ёзган эди. Урушнинг уч йили ичида Тошкентнинг ерли аҳолиси бўлган ўзбеклар ва бунда тургун русларга кўчириб келтирилган руслар, украинлар, белоруслар, молдаванлар, яҳудийлар ва бошқа халқлар группаси қелиб қўшилди. Тошкент Иттифоқимизнинг халқи кўп шаҳарларидан бирига айланди ва аҳолисининг состави кўп миллатли бўлиб қолди. Кўчирилганларнинг кўпчилиги юкори квалификацияли маданий-маориф, фан, адабиёт ва санъат арбоблари эди...

1941—44-йиллар мобайнида Тошкентда адабиёт, санъат ва фан арбобларининг бажарган ишларини, мен совет маданиятининг уруш йилларидаги муҳим воқеаси деб биламан» (Н. Пиксанов. Уруш йилларида турли миллат ёзувчилари Тошкентда. «Шарк юлдузи» 1946, № 4, 5, 143—144, 148—151-бетлар).

Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида Тошкент ҳақида қардош халқлар адабиётларида ҳам кўплаб янги асарлар яратила бошлади. Улар ғоявий-бадий жиҳатдан ҳам ҳар томонлама бойиди. Шаҳарнинг мамлакатимиздаги муҳим иқтисодий ва маданий ўчоқлардан бири сифатида янада юксалиши, хақиқий дўстлик ва қардошлиқ ўчоғига айланиши кенг тасвирланди. Бу жиҳатдан, айниқса, ўзбек адабиётида яратилган Максуд Шайхзоданинг «Тошкентнома», Уйғуннинг «Тошкент руҳи», Миртемирнинг «Фидель Тошкентга», Саида Зуннунованинг «Тошкент», Эркин Воҳидовнинг «Палаткада ёзилган дoston» (1966) каби шеърлари ва дostonлари алоҳида ажралиб туради. Рус шоирларидан Ю. Андрионовнинг «Тошкентни ўйлаб», Ю. Друнинанинг «Тошкентга», белорус шоири

П. Бровканинг «Тошкентни эслаб», бошқирд шоири Ф. Рамазоновнинг «Тошкент — 1966, 26 апрель», доғистон шоири Р. Ҳамзатовнинг «Тошкент жамоли», уйғур шоири Рўзи Қодирийнинг «Янги Тошкент кўшиғи» каби шеър, баллада, дostonларида ҳамда кўплаб публицистик мақолаларда ҳам пойтахтимизда амалга оширилаётган улугвор ишлар кўйланади. Осиё, Африка мамлакатлари билан маданий алоқаларнинг кенгайиб, ривожлана боришида Тошкент шаҳри муҳим роль ўйнади. Шунингдек, 1966 йилги Тошкент зилзilasидан кейин қардош республикалар кўмағида шаҳар қайтадан тикланди ва дўстлик, қардошлик шаҳри сифатида қад кўтарди. Бу улугвор воқеалар адиблар, санъаткорларга янги асарлар учун мавзу ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди. Рус шоираси Юлия Друнинанинг Тошкент зилзilasидан кейин ёзилган «Тошкент» шеърда дўстлик, қардошлик-ғоялари кенг ва ёрқин бўёқларда тасвирланади. Тошкентдаги бағри кайнок одамларнинг оғир уруш йилларида ўз ватандошларига кўрсатган ғамхўрлик ва меҳрибончиликлари, қардошлик кўмағи шеърда миннатдорчилик билан эсланади. Шоира табиий офат кунларида барча қардош халқлар ва шаҳарлар қўлни қўлга бериб, ўз биродарлари бўлган Тошкентга ёрдам беришга отланганлигини фахр билан тилга олади:

**Билиб кўй, Тошкент ҳеч эмасдур танҳо,
Шамоллар ўкириб ногора чалар:
Учади байроқдек яшил япроқлар
Тошкентга! Тошкентга!
Тошкентга чорлар...**

**Бу ерда Москва, Минск,
Ленинград,
Амур ҳам, Днепр,
Енисей, Волга
Ердамга келади бирдек улугвор.
Шаҳарлар беришида кўлини
кўлга.
Мардларнинг сафида Тошкентимиз бор!**

Белорус шоири Петрус Бровканинг шеъри ҳам ана шу ғоя билан сўғорилган. Тошкент қардош республикалар ва шаҳарлар ёрдамида тезда янгидан қад кўтарди. Зилзilадан вайрон бўлган эски бинолар ўрнига янги-янги тураржой массивлари ва кўп қаватли замонавий бинолар, янги-янги санъат ва маданият саройлари, Урта Осиёда биринчи метрополитен — хашаматли ер ости қасри, Халқлар дўстлиги номли санъат саройи, кўп қаватли «Ўзбекистон» ва «Москва» меҳмонхоналари, кенг ва ёруғ асфальт йўллар қурилди. Шаҳар сўнгги йилларда чинакам қардошлик рамзига айланиб кетди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўрток Шароф Рашидов бу ҳақда фахр билан шундай деган эди: «Ўзбекистон пойтахтида зилзила бўлиб, табиий офат авжига миниб, шаҳар кулфатда қолганда бутун мамлакат тошкентликларга мададкор бўлди. Қайта тикланган Тошкент шаҳри эндиликда совет халқларининг бузилмас қардошлигини гавдалантирувчи улугвор монумент бўлиб, ленинча партияимиз Марказий Комитетига ва жонажон совет ҳукуматига Ўзбекистон меҳнаткашларининг чексиз миннатдорчилиги рамзи сифатида абадий қад кўтариб туради» («Совет Ўзбекистони» газетаси, 1971, 2 апрель).

Тошкентнинг Иттифок, бинобарин жаҳон микёсида ортиб бораётган шон-шухрати, бутун дунёда тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар ҳамкорлиги учун курашдаги мавқеи, шубҳасиз, қардош адабиётлардаги Ўзбекистон ва Тошкент мавзусини ҳам ғоявий-тематик жиҳатдан бойиши, мазмунан чуқурлашишига олиб келади. Натижада авваллари кўпроқ пахтакор ўлка, дўстлик диёри, қондош шаҳар, туғилган эл, меҳрибон макон сифатида тасвирланган Тошкент (Х. Сеидов. «Туғилган эл», С. Қудаш. «Тошкент шеърлари», Ж. Мўлдағалиев «Тошкент билан учрашганда», Ж. Оймирзаев «Тошкент овози») энди мамлакатимизнинг шарқдаги йирик дўстлик ва қардошлик машъали, қадимий ва замонавий меъморилик йотуқларининг синтезига айланган шаҳар, бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт учун олиб борилаётган совет халқлари курашига улкан ҳисса қўшаётган маскан сифатида ҳам кенг тараннум этила бошланди. (Масалан, арман шоираси С. Капутикянининг «Тошкент кўргазмасида», тожик шоири М. Раҳимийнинг «Тошкент кўшиғи», белорус шоири П. Бровканинг «Тошкент устида байроқлар», «Соатни тўғрида Тошкент вақтига», уйғур шоири Рўзи Қодирийнинг «Тошкентим» каби шеър ва поэмалари, машҳур совет адиби Н. Тихоновнинг «Тошкент руҳи — дўстлик руҳи», А. Вознесенскийнинг «Тошкент ҳақида таассуротлар», С. Баруздиннинг «Тошкент ва тошкентликлар мафтуниман», К. Қўлиевнинг «Тошкент — мўъжизалар шаҳри» сингари мақолалари ва бошқалар.)

Сильва Капутикян «Тошкентдаги кўргазмада» шеърда дўстлик тарихига саҳаёт қилади, арман халқининг ўтмишдаги айрим фожиали дамларида ҳам тошкентликлар бағрига кенглик билан уларга бошпана берганлигини миннатдорчилик билан қайд этади. Тошкентда яшовчи бир арман қизи Ўзбекистон харитасини акс эттирувчи ғилам тўқиб, кўргазмага қўйган эди. Шеърнинг яратилишига шу воқеа, шоиранинг ватандоши арман қизи туртки беради. Шоира арман қизи Алиханьян Шушага мурожаат орқали ўзбек ва арман халқларининг азалий дўстлигини, социалистик Тошкент жамолига мафтунлигини тараннум қилади. Болқар шоири Қайсин Қўлиев «Тошкент — мўъжизалар шаҳри» (1982) мақоласида адабиёт ва санъат йотуқлари билан дунёга машҳур бўлган Тошкентнинг бугунги кундаги гўзал қиёфаси, кекса ва ёш адабий кучлари, қардошлик меҳри ва алоқалари, меҳмондўстлиги ҳақида фахр билан қалам тебратеди. Мазкур мақоламизни атоқли шоирнинг дил сўзларини келтириш билан якунлаймиз:

«Мен Тошкентни, унинг атрофини машинада ҳам, пиёда ҳам кезиб чикдим. Нақадар улкан, бағри кенг шаҳар. Тошкент чинакамига интернационал пойтахт. Москва, Ленинград, Пушкин ва Руставели кўчалари борлиги, қардош халқлар адабиётининг улкан намояндаларига ҳайқал ўрнатилганлиги, улар номидидаги кўчалар кўплиги учунгина эмас, шу билан бирга, Тошкент эндиликда халқро анжуманлар, кинофестиваллар, адабий учрашувлар марказига айлангани билан ҳам том маънодаги интернационал шаҳардир. Тошкент ана шу бағри кенглиги, меҳмондўстлиги билан ҳам тинчлик ишига, жаҳон халқларини бир-бирига яқинлаштириш, дўстлигини тобора мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда».

Йўлдош ТЕШАБОВЕВ

ЯНГИ ҲАЁТ ЙЎЛИДА

Уфқ оқара бошлади. Сал ўтмай борлиққа қуёш ўзининг заррин нурларини сочди. Тўрғайга ўхшаш, патлари чиройли қушчалар ўтлар орасида, дарахт бутокларида, осмонда вижир-вижир сайрашади. Майин эсаётган шабада майсаларни, ёввойи гулларни енгил чайқайди. Елиб бораётган машинада Ангола ерининг бу сўлим табиатидан завқланиб ўтирардим. Енимда вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Мануэл Борж ва янги госхоз директори Кортеж Гаспар де Са.

Биз Совет Иттифоқининг иқтисодий-техникавий ёрдами билан ташкил этиладиган госхоз (давлат хўжалиги) ерларини кўргани кетяпмиз. Мезбонлар ўзбекистонлик бир гуруҳ совет мутахассисларини жуда яхши кутиб олишди. Биз учун Табка шаҳарчасида жой ҳозирлаб қўйишган экан. Нарсаларимизни жойлаштиргач, анголалик дўстлар билан суҳбат қилиб кетди. Вилоят комиссари Жасинто Фортунато, Мануэл Борж ва Гаспар де Са билан қилинадиган ишлар тўғрисида гаплашиб олдик. Бу ерда — Луанда вилоятининг Иколо ва Бенго муниципалитетидаги Онга-Занга посёлкаси яқинида 500 гектар майдонда пахта етиштирадиган госхоз тузишимиз лозим. Госхоз илгари деҳқончилик қилинмаган ерларда ташкил қилинаётгани учун ҳамма ишни бошидан бошлаш керак эди.

Бирдан манзара ўзгарди. У ер-бу ерда вайрона, ҳувиллаб ётган фермалар кўзга ташланди. Далаларни бегона ўт босган. Бутазор, чангалзорлар. Баҳайбат баобаб дарахти шохлари тарвақайлаб ағанаб ётибди. Бу манзара кўнгилдими ғаш қилди. Савол назари билан қараганимни кўриб, Мануэл Борж изоҳ берди:

— Беш юз йиллик мустамлакачиликнинг асорати бу. Португалия мустамлакачилари юртимиздан кета туриб, экинларга ўт қўйишди, далаларни пайҳонлаб, биноларни портлатишди, машина-механизмларни йўқ қилишди.

— Жанубий Африка республикасининг ирқчилари, шунингдек озодлигимиз душманлари бўлган турли унсурлар ҳам аблаҳона бу ишлардан четда қолишмади, — деб кўшимча қилди Гаспар де Са. — Чорвамизни ҳайдаб кетишди, ғалламизни тортиб олишди. Илгаридан бир бурда нонга, кийим-кечак манбаи — бир сиқим пахтага зор халқимиз оч-яланғоч қолди.

— Яхшиямки дўстларимиз бор экан, — суҳбатни давом эттирди Мануэл Борж елкамга қўл ташлаб, — мана, сиз — совет кишилари, кубалик, болгариялик ва бошқа социализм мамлакатлари халқлари ёрдамга келдингиз. Еримиз унумдор, йил бўйи деҳқончилик қилиш учун табиий шароит бор. Бу ташландиқ майдонлар сизнинг кўмагингиз билан гулистонга айланади...

Мануэлнинг чақнаган кўзларига боқиб, Ангола Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик министри Пакавиранинг сўзларини эсладим. «Ангола ўз ерининг маҳсули билан 150 миллион кишини боқа олиши мумкин. Лекин атиги олти миллион кишидан иборат мамлакат аҳолиси мустамлакачилик асорати сабабли очликдан азоб чекиб келди. Деҳқончилик учун яроқли майдоннинг атиги 3 фоизда экин етиштирилди. Энди халқимиз озодликка чиқди ва у социализм йўлидан бориб, нималарга қодирлигини кўрсатади, албатта», деганди у.

Совет мутахассисларининг ҳисоб-китобига қараганда, Ангола яқин йиллар ичида йилига 80 минг тонна «оқ олтин» етиштириши мумкин. Ваҳоланки, мустамлакачилар даврида энг серҳосил йилда атиги 48 минг тонна пахта етиштирилган. Умуман, Анголадаги 12 вилоятдан 9 тасида пахта етиштирилган. Бу ерларда асосан «Дельта пайн-16» ва «Каролина-куэн» навлари экиб келинган. Ҳосилдорлик эса гектарига 10 центнердан ошмаган. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистонда «Топкент», «108-Ф» каби навлардан гектарига 40—45 центнердан ҳосил олинмоқда, деган сўзларимга анголаликлар унчалик ишонқирамадилар.

Совет Иттифоқидан юборилган машина-механизмлар, бульдозерлар Луандадан Онга-Зангага келтирилди. Шу куни посёлкада байрам бўлиб кетди. Кўчма электростанция ўрнатилгач, уйларда ва кўчаларда электр чироқлари порлади. Илгич чироқлари фақат уйларнигина эмас, асрлар давомида эзилиб келган, эндигина озод ҳаётга эришган анголалик дўстларимиз кўнглини ҳам нурафшоқ этди.

Ўзлаштирилиши лозим бўлган ерлар тўқайзор, бутазорлар эди. Шу сабабли

бульдозерлар, экскаваторларни мутахассисларимиз ишга шайлай бошладилар. Бульдозер моторини текшираётган Муҳаммадшоҳид Одилов билан суҳбатлашаётганимизда анголалик икки йигит бизга яқин келиб, мароқланиб қараб турди. Биттаси тракторнинг у ер-бу ерини сийпалаб ҳам кўрди. Муҳаммадшоҳид бульдозерни юргизиб, у ёқ-бу ёққа тупроқ сура бошлади. Унга йигитларнинг жуда ҳаваси келаётганди. Улардан бири бульдозерни кўрсатиб, менга нимадир деди. Таржимонимиз Эшмамат Рўзикуловнинг тушунтиришича, Сеза ва Антонио исмли бу йигитлар, бульдозер ҳайдашни ўргансак бўладими, деб сўрашяпган экан.

— Нега бўлмас экан? Марҳамат, келинглар, Муҳаммадшоҳид сизларга ўргатади, — дедим мен хурсанд бўлиб.

Улар дарҳол кабинага чиқиб, Муҳаммадшоҳиднинг ёнига жойлашишди-да, ўртоқларига мамнун боқишди. Бульдозерлар гуриллаб ишга тушишди. Буталар, қалин чангалзорлар бир чеккага суриб ташлана бошлади. Майдоннинг у ер-бу ерида снаряд парчалари илма-тешик қилиб юборган, қуриб қолган баобаб дарактлари бор эди. Бу баҳайбат дарактнинг диаметри 3—4 метр бўлиб, 3—4 сотиқ майдонни эгаллаб ётарди. Майдонни текислаш учун бу дарактларни олиб ташлаш керак эди. Бу ишни фақат бульдозер ёрдамида амалга ошириш мумкин. Шунда маҳаллий ўртоқлардан бири қишлоққа бориб, Мигель исмли тракторчи йигитга мурожаат қилишни маслаҳат берди. У жуда уста даракт ағдарувчи сифатида ном чиқарган экан. Уни излаб топдик. Дарҳақиқат, Мигель жуда барваста, полвон йигит экан, вужудидан куч ёғиларди. Мигель ўша захотиёқ иш бошлади. У олдин даракт илдизларини бульдозер лемеҳи билан узиб ташлади. Сўнг даракт атрофини кавлай бошлади. Баҳайбат баобаб ёғжирлаганча бир томонга қараб сал қийшайди. Шунда Мигель бульдозерни тез юргизиб келиб, қаттиқ туртган эди, даракт қулаб тушди. Шу тариқа Мигель диаметри 3 метрлик дарактни тўрт соатда ағанатиб берди. Бироқ ағанатган дарактни четга чиқариш ҳам осон бўлмади. Уни учта бульдозер ёрдамида суриб, арра, болталар билан бўлаклардик. Тайёр саржинларни қишлоқ аҳолисига совға қилдик. Айрим дарактларни порлатиб ағдардик. Хуллас, майдонни текислаш иши анчага чўзилди. Бу орада мутахассисларимизга шогирд тушган анголаликлар сафи ҳам кўпайиб қолди. Бир куни Сеза яна бир ўртоғини бошлаб келди. Қотма, серҳаракат бу йигитчанинг исми Желверзе экан. У экскаваторчига шогирд тушди. Шу тариқа анголалик ёшлар бирин-кетин бизга ишга кела бошладилар. Техникани ўрнаётганлар орасида хотин-қизлар ҳам бор эди. Онга-Зангада механизаторлар мактабига асос солинди. Бу ерда биз тракторчилар, шоферлар, экскаваторчилар тайёрлай бошладик. Сал ўтмай, совет мутахассислари билан ўттиздан ортиқ анголалик ишлай бошлади. Улар техникани ишлатишни иштиёқ билан ўрганишарди. Айниқса Желверзе-нинг қувончи чексиз эди. Бу йигит уқувли чиқиб қолди. Тез орада экскаваторни ўзи мустақил бошқарадиган бўлди. Желверзе посёлка кўчасидан экскаваторини мағрур ҳайдаб ўтганида, кўпчилик унга ҳавас билан қараганини сезардим.

Бу ерларда асосан лалмикор деҳқончилик билан шуғулланишган. Биз эса Ангола тарихида биринчи марта пахтани суғориладиган ерда етиштиришимиз лозим эди. Бунинг учун сал нарироқда жойлашган кўлдан сув келтириш мўлжалланганди. Текислаш ишлари билан бир вақтда кўл бўйига насос ўрнатиш учун майдонча тайёрлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Желверзе эрта тонгдаёқ ўша ерда пайдо бўлар, буйруқ кутмай ишга тушарди. Мутахассисларимиз уни ёқтиришарди. Биров сигарета билан меҳмон қилар, бошқаси магнитофон қўйиб берарди.

Бир кун тушликдан кейин мажлис ўтказаяётганимизда Желверзе ҳовлиқиб югуриб келди. Кўзларида ҳадик, ранги ўчган. Унинг пойма-пой сўзларидан экскаватор сувга ағанаб кетганини билиб олдик. Желверзе кўл томонга чошиб кетди. Биз тросс, арқон, бульдозерларни олиб, тезда етиб бордик. Майдонча тайёрланаётганда тупроқ яхши шибаланмагани учун экскаватор орқасига тойиб, сувга тушиб кетипти. Бульдозерлар ёрдамида экскаваторни тортиб олишга киришдик. Ерли аҳоли, ҳатто хотин-қизлар ҳам қий-чув кўтариб, ёрдам беришарди. Қуёш аёвсиз куйдиришига қарамай, ҳамма тиришиб ишларди. Саккиз соатлардан кейин балчиққа беланган экскаваторни бешикаст тортиб олдик. Аммо Желверзе кўринмас эди. Кейин маълум бўлишича, у қўрқиб, шаҳарга қочиб кетибди. Айтишларича, бундай вақтларда португалиялик мустамлакачилар «гу-ноҳкор»ни аёвсиз калтаклашар экан. Желверзе бизларни ҳам шундай қилади, деб ўйлаган, шу сабабли уни қанчалик юпатмайлик, тушунтириб, таскин бермайлик, бари бир қочиб кетганди.

Қизиғи шундаки, янги госхоздаги дала ишларига кўпинча аёллар актив қатнашишарди.

Эски турмуш, мустамлакачилик сарқитлари ҳали ҳар қадамда учраб турарди. Янги ҳаёт қийинчиликлар билан мурасасиз курашда ўз-ўзига йўл очиб борарди. Бунда биз ҳар жиҳатдан анголаликларга ўрнатилган бўлиш учун ҳаракат қилардик. Мутахассисларимиздан М. Одилов, Р. Саъдуллаев, В. Баукун ва бошқалар ишни ҳам, муомалани ҳам жуда ўрнига қўйишарди. Хусусан, таржимонимиз Эшмамат Рўзикулов анголаликлар билан кўп суҳбатлашар, уларга мамлакатимиз, кўп миллатли халқларимизнинг дўстлиги тўғрисида завқ билан гапириб берарди.

— Биз ҳам социализм қура олармиканмиз? — дейишарди баъзи ангола ишчилари орзу қилишиб. — Ҳали мамлакатимиз жуда қолақ...

— Албатта қурасизлар, фаровон ҳаётга эришасизлар. Буларнинг барчаси ўзингизга боғлиқ. Совет Иттифоқи ҳам янги ҳаётни хароба, вайроналар ўрнида бунёд этган, — дердик биз далда бериб.

Асрлар давомида бир-бирига ниобатан гиж-гижлаб келинган, қабилавий низолар ҳукм сурган ўлка кишилари учун булар тамоман ҳайратда қоларли янгилик эди. 1977 йил декабрда бўлиб ўтган МПЛАнинг I съезди қабилавий низоларга барҳам бериш,

оммада бирлик руҳини тарбиялашни, социализм ҳақидаги таълимотни кундалик ҳаёт билан боғлашни энг муҳим йўналишлардан бири сифатида илгари сургани бежиз эмас, ахир!

27 май куни «Ташсельмаш» маркали иккита терим машинаси иш бошлаб юборди. Бунда қишлоқ хўжалик министри Мануэл Педро Пакавира, Иколо ва Бенго муниципалитети комиссари Жасинто Фортунато, госхоз директори ва бошқа кўпгина ўртоқлар қатнашишди.

Биринчи куни 5 тоннага яқин «оқ олтин» териб олинди. Министр қўлларини бир-бирига ишқар, жуда шод эди. У бизнинг ишимизга юқори баҳо берди ва госхозни кенгайтириш тadbирлари ҳақида таклиф ва мулоҳазаларимизни ёзиб беришни илтимос қилди. Меҳмонлар мамнун бўлиб жўнаб кетишди.

Терим қизгин давом этди. Машиналар билан бир қаторда госхоз ишчилари этак боғлаб, далага чиқдилар. Бу вақтга келиб, маҳаллий аҳолидан 60 дан ортиқ киши госхоз аъзоси бўлиб меҳнат қилаётган эди.

Теримчилар ўртасида мусобақа уюштирдик. Ғолибларни дўппи билан мукофотлардик. Машинада пахта тераётган анголаликлар орасида дўппи кийганлар кўпайиб борди.

Илгарилари Онга—Занганинг лалмикор ерларида мавсум давомида ҳаммаси бўлиб атиги 50 тонна пахта олишган экан. Биз эса 15 кун ичида 50 тонна «оқ олтин» топширдик. Пахта қабул қилувчилар шошиб қолишди. Зеро, анголалик дўстларимиз бунчалик мўл ҳосил олинишни кутмаган эдилар. Бултур, бу ерга дастлаб келганимизда, гектаридан 40—45 центнердан ҳосил олинади, деган гапларимга ишонишмаган анголалик дўстларимиз энди ўз ерида етиштирилган тоғ-тоғ «оқ олтин»ни кўриб ҳайратда қолдилар. Биринчи йили 280 гектар майдонга «Тошкент-1», «108-Ф» навлари экилган, 95 кундан кейин эса ангола ерида ўзбек пахтаси қийғос очилган эди. Гектаридан 42 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди.

— Илгари бизда энг юқори ҳосил гектарига 7,3 центнерни ташкил этган эди, — деди анголалик тажрибали пахтакор Григорио Гаета. — Шунинг учун ҳам бу йилги ҳосил гўё афсонадек бўлиб туюляпти...

Дастлабки ҳосил қувончидан кўзлари порлаётган анголалик ўртоқларимизни, улар билан шодлигини баҳам кўраётган мутахассисларимизни кўриб, йил бўйи чеккан заҳматларимиз эсдан чиққандек бўлди. Жаҳонни кийинтирибгина қолмай, тажрибасини қардошлари билан баҳам кўрган, «оқ олтин» етиштиришда бегараз ёрдам қўлини чўзган фидойи халқимга нисбатан илиқ ва аллақандай нурли туйғулар билан қалбим лиммолим тўлди.

Гоҳо Маяковскийни севмайман, деган одамларни учратаман. Уларга ачинаман. Бундай одамлар менга негадир ғарибдай кўринади...

Роберт РОЖДЕСТВЕНСКИЙ

Таниқ ва адабиётшунослик

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ ЯГОНА, КЎП МИЛЛАТЛИ АДАБИЁТ

Ўтган йилнинг ёзида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленияси секретариати-нинг Сирдарё ва Жиззах областларида сайёр мажлислари бўлиб ўтди. Иккала янги кўриқ областда бу тадбирнинг ўтказилиши бежиз эмас эди. Чунки бу ерда ривожланган социализм даврига хос энг муҳим социал, иқтисодий, демографик жараёнлар кўзгусида гавдаланган муҳим ўзгаришларни яққол кўриш мумкин. Ана шу боисдан республикамиз сўз санъати усталари бепоён кенгликларда тўнғич чўлқуварнинг пойқадами муҳрланган кундан бошлаб азамат деҳқонлар билан қалин дўстлашиб, кўриқ ўзлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бу галги учрашувлар ҳам янги ташкил этилган колхоз ва совхозларда, хушманзара посёлкаларда, кундан-кун ободонлашиб бораётган район ва шаҳар марказларида, пахтакорлар, ишчилар, ирригаторлар, партия ва совет ходимлари, зиёлилар даврасида бўлиб ўтди. Кўриқ ерларни ўзлаштириш ишлари ҳар доим интернационал коллективларнинг аҳил меҳнат аҳли томонидан амалга оширилмоқда. Учрашувларда диққатни ўзига жалб қилган характерли хусусиятлардан бири — чўлни яшнатаётган ўзбек, рус, қozoқ, татар, украин, молдаван ва бошқа миллат вакиллари — кўп сонли китобхонлар нафақат ўзбек адабиёти, балки кўп миллатли умумсовет адабиёти ҳақида зўр марoқ билан ўз фикрларини, таассуротларини баён қилдилар. Юксак савияда ўтган бу фикр алмашувларга, китобхонлар бадиий дидининг кенглигига, уларнинг дадил муҳокамаларига айрим танқидчилар ҳавас қилса арзийди...

Учрашувларнинг учинчи кунида биз Жиззахдан Зоминга қараб йўл олдик. Зоминни республикамизнинг хушманзарали масканлари ичида энг кўркеми, дилрабоysi деса бўлади. Шаҳардан узоқлашиб борарканмиз, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Сарвар Азимов ҳозиргина чўлқуварлар билан бўлиб ўтган суҳбатимизни давом эттиргандек оҳиста сўз бошлади:

— Кўп йиллар чет элда бўлиб, Ватанга қайтганим ҳамон, аввало, ота юртимни кўришга отландим. Ҳамқишлоқларим, болалигим ўтган жойларни соғиниб қолган эдим. Далаларга обихаёт таратаётган арик, сойларнинг жилдираб оқишини, уйимиз тепасида, Ётимтоғ ёнбағри кўкаламзорларидаги қушларнинг нағмаларини қўмсаб қолган эдим. Кўзга тўтиёдай кўринган жонажон далаларни, тоғ ёнбағирларини айланиб чиқдим, ҳамқишлоқларим билан суҳбатлашдим. Шу йиллар ичида бу ердаги ҳамма нарса: далалар ҳам, одамлар ҳам олдинги йиллардагига ўхшамас эди. Ҳа, одамлар ер қиёфасини фидокорона меҳнати билан ўзгартириб, ўзлари ҳам шунга монанд камолат касб этиб бормоқдалар.

Жиззах авваллари жазирама чўл эди. Дарвоқе, бу ерларни текшириб, изчил ўрганган айрим тадқиқотчилар юртимнинг номини ана шу маънода тушунтирган эдилар. Улар бу ернинг шафқатсиз табиий шароитига нисбат бериб, ана шу фикрга келган бўлсалар керак... Ҳа, оталаримиз, акаларимизнинг қураши беиз қолмади, тенгдошларимиз, ҳозирги ёшларимизнинг қаҳрамонона меҳнати катта самаралар бермоқда...

Таниқи адибнинг бу фикр-мулоҳазалари ҳаммамизга яқин ва тушунарлидир. Ҳозирги кунда Жиззах — жазирама чўл эмас, балки бахтлар водийсига, яшнаган масканга айланди.

Кўриқ Жиззах диёридан ер тилини мукамал билган деҳқонлар, ўз ишининг миришкорлари, қурувчи-бунёдкорлар, сеҳни ўткир олим ва ёзувчилар авлоди ҳаётга йўлланма олдилар. Кейинги йилларда республикамиз харитасида ана шундай гуллаб-яшнаган олтига водий барпо этилди. Бу кўркем чаманистонни бунёд этишда бир ёқадан бош чиқариб, ягона мақсад йўлида астойдил меҳнат қилган азаматлар — кўп миллатли, жондош-қондош замондошларимизнинг хизмати беқиёс катта бўлди. Ана ўшалар қадим-қадимдан бери қақраб ётган бепоён чўлларга обихаёт келтирдилар. Магистрал қаналлар қазиб, тўғонлар, қудратли насос ва электр станциялари қурдилар. Эндиликда кўриқ ерларда барпо этилган манзиллар аввало янги замонавий қишлоқ ҳаётининг

тимсолига айланди. Шунингдек, улар фақат қишлоқ билан шаҳар орасидаги фарқнинггина эмас, балки қачонлардир мавжуд бўлган мамлакат марказий районлари билан чекка ўлкалардаги миллатлар орасидаги кескин тафовутларнинг йўқола боришининг ҳам намунаси бўлиб қолди. Гарчи бу жараён анча мураккаб кечса-да, доно ленинчи партиямиз раҳбарлигида бу иш муттасил амалга оширилмоқда, миллий ва интернационал фазилатлар тобора бир-бирини тўлдириб, бойитиб бормоқда. Интернационализмнинг ҳаётбахш қудрати боис бирин-кетин йирик пахта заводлари, тоғ ёнбағирлари ва тепаликларда янги-янги колхоз ва совхозлар, боғ-роғлар, тоқзорлар, мевазорлар барпо этилди, саноат шаҳарлари, обод қишлоқ посёлкалари қад кўтарди. Қўриқ ерларда турли миллат вакиллари бир сафда туриб меҳнат қилмаган биронта участка топилмади. Ушбу мақолани «Ягона, кўп миллатли» деб атаганимизда социалистик миллатларнинг ягона тараққиёт жараёни билан бирга воқелигимиз тантанасини тўла ифода қилувчи адабий жараённи ҳам назарда тутган эдик.

Ҳозирги кунда совет адабиёти асарлари СССР халқларининг 74 тилида яратилмоқда. Адабиётларнинг ягоналиги, миллий маданиятларнинг ўзаро бойиб бориш жараёни бағоят кучайиб, чуқурлашиб бормоқда. Бу процесс ҳаётнинг ҳамма томонларини ўз ичига олади, аynи пайтда, у ҳам кенг қамровли, ҳам индивидуал белгиларга эгадир. Негаки, фақат адиблар гуруҳиғина эмас, балки ҳар бир ёзувчи ҳам кўп адабиётларнинг тарихи ва эътибор доирасида ижод қилади. Эндиликда ҳар бир китобхонага жуда олисда яшовчи халқларнинг ёзувчилари яратган асарлар ҳам етиб келади, масалан, колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес ёки африкалик Алекс ла Гума каби адибларнинг китоблари бизнинг китобхоналаримизга яхши таниш. Демак, гап маънавий узоқлик эмас, балки географик масофа ҳусусида бориши мумкин. Инсонпарварлик ғоялари, олий мақсадларнинг ягоналиги барча халқларнинг илғор адибларини бирлаштиради.

Бу мулоҳаза, айниқса қардош совет адабиётларига тааллуқлидир. Совет халқлари маданиятининг бир-бирига сингишиб, бойиб боришига истаганча мисоллар келтириш мумкин, бу ҳодиса одат тўсига кириб қолди, бироқ, маданиятларнинг турли-тумандлиги ва кадр-қиммати бу билан камайгани йўқ. Машҳур бастакор Дмитрий Шостакович Ўзбекистонда бўлган вақтида, «Правда Востока» газетасининг муҳбири билан қилган суҳбатда мана буларни айтган эди: «... Мен сизнинг ўзбек музиканигини ҳаминша зўр эътибор билан кузатиб борганман. Кутубхонамда Ўрта Осиё республикалари халқларининг миллий асарлари ёзилган анчагина музика тўпламлари бор. Дарвоқе, Тўққизинчи ва Ун биринчи симфонияларимда сизнинг халқ оҳангларингизга асосланган шарқ мавзулари мавжудлигини эслаш кифоя». Йўқ, бу оҳанглар улуг бастакорнинг чинакам замонавий, қудратли музикасининг умумий оқимида беиз йўқолиб кетмади, аксинча, бу оқимга узвий равишда хос тушиб, улар жаҳон музика санъатининг мулкига айланди.

Раҳмат Файзий «Ҳазрати инсон» номли машҳур романида уруш йилларида ўндан ортиқ миллат бодаларини ўз бағрига олиб тарбиялаган оддий ўзбек оиласининг кишини ҳаяжонга солувчи тарихи билан иттифоқ ва чет эл китобхоналарини таништирди. Ойбек ва Шароф Рашидовнинг 60—70-йилларда яратган роман ва повестларининг қаҳрамонлари — Улуг Ватан уруши жангчилари, урушдан кейинги йиллар пахтакорлари, ирригаторлари ҳам ягона интернационал отрядни ташкил этади.

Халқлар дўстлиги, интернационализм мавзуси Шароф Рашидовнинг «Дил амри» деб номланган янги повестида ўзига хос оригинал равишда тасвирланган. Бу қисса ўз мазмуни, композицион қурилиши, услуби жиҳатидан муаллиф ижодида янгиликдир. Негаки, доимий янгиланиш ва аynи пайтда теран, ривожланиб борувчи ботиний яхлитлик, Шароф Рашидов ижодида хос хусусиятдир. Бунга адибнинг ўз романлари устида олиб борган кўп йиллик ижодий меҳнати туфайли эпик муқаддиманинг, қамровнинг, долзарб масалаларни кўтариб чиқиш санъатининг ривожланиб борганлиги ҳам мисол бўла олади. Хуллас, кўтаринки маънавий руҳ, қайси давр ҳақида, қандай материал асосида ёзилганидан қатъи назар, Шароф Рашидов каламига мансуб бўлган ҳамма асарларга ҳам хос хусусиятдир.

Энди асар материали ҳақида. Аввало, уруш мавзуининг Шароф Рашидов ижодида кенг планда ва яхлит тасвир қилинганини қайд этмоқ лозим. Иккинчидан, атоқли ўзбек адибининг янги қиссаси ўзга миллат ҳаётидан олинган материал асосида ёзилган, унинг бош қаҳрамонлари рус кишилари эканлиги ҳам алоҳида эътиборга молик. Лекин, ўйлаб қаралса, бу хусусиятларнинг бари совет ёзувчиси учун, демак, Шароф Рашидов учун ҳам бегона эмаслиги аён бўлади. Маълумки, ўзбек қишлоғининг урушдан кейинги йиллардаги тикланиши, янада тараққий этишига боғлиқ жараёнлар таҳлил этилган адибининг роман ва қиссаларида ҳам рус кишилари фаол қатнашганлар, ўзбек қардошлари билан елкама-елка туриб меҳнат қилганлар. Бу улугвор ишларда таниқли партия ва давлат арбоби, Шароф Рашидович Рашидов шахсан иштирок этгани ҳам равшан, албатта. Ёки унинг янги қисса воқеалари бўлиб ўтган жойларда жанг қилганлигини, таржимаи ҳолининг комсомол-жангчи сифатидаги саҳифалари шу ерларда битилганлигини олайлик. Қолаверса, таниқли назарийчи ҳамда жамиятимизнинг қудратли кучи бўлган интернационализм ғояларининг оташнафас тарғиботчиси Ш. Рашидовнинг бутун дунёда тинчлик ва адолат учун курашдаги публицистик фаолияти ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Қиссаси, ҳарбий мавзу ҳам, интернационалистик руҳ ҳам ўзбек адибининг шахсий ва адабий фаолияти учун мутлақо хосдир, Шу боисдан ҳам «Дил амри» деб бежиз номланмаган бу қисса ёзувчининг кўнгил изҳорини баён этиш ҳуқуқини яна бир бор исботлайди. Зотан, ҳақиқий ижод — бу доимо замондошнинг ўз замондошлари олдидаги кўнгил изҳоридир ҳамда бунга фақат эстетик қарашлари эмас, балки партиявий, гражданлик ва ҳаётий позициялари орқали эришилади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Шароф Рашидовнинг янги асари, шубҳасиз, кўп миллатли совет адабиётининг ажойиб анъаналарини бойитади, сўз санъаткорлари

яратган қахрамонлик асарлари жумласига киради. Айни вақтда, энг замонавий, эстетик ва ижтимоий-сиёсий масалаларни қамраб олади.

Шароф Рашидовнинг янги повести кўп миллатли совет адабиётининг ажойиб анъаналари, Н. Островский, А. Фадеев, Б. Горбатов асарларидаги қахрамонлик хислатларини ўзига жо қилгани ҳолда, айни пайтда, унинг энг замонавий, энг актуал эстетик ва ижтимоий-сиёсий масалалари билан чатишиб кетади.

Ана шу тариқа асарга интернационализм ва совет ватанпарварлиги мавзулари кириб келади.

Бу муштараклик ҳозирги замон адабий жараёнининг туб хусусияти эканлиги, совет адабиётининг қон-қонидида интернационаллик кучи ҳеч маҳал заифлашмаганлиги, аксинча, тобора кучайиб бораётганлиги тўғрисида гапирар эканмиз, бу ҳодисанинг манбаларини яна равшанроқ тасаввур қилишимиз лозим. Аввало, бунга сабаб воқелигимизнинг ўзидир, ўша воқеликни ҳаққоний ва юксалишда акс эттиришга даъват қилинган адибларнинг ҳаёт билан алоқаларининг кенгайиб боришидир. Интернационализм тушунчасини икки маънода, яъни кенг маънода — ҳаёт, илғор бадиий тафаккур асосларини идрок этиш маъносиди ва конкрет маънода, яъни айрим ёзувчига, унинг гражданлик позициясига нисбатан қўллаш мумкин. Бироқ иккала ҳолатда ҳам бу тушунча ёзувчининг ҳаётга фаол аралашувини тақозо этади.

Бу масалага бошқача ёндашиш ҳам мумкин: санъатдаги интернационаллик миллийлик ва ижтимоийликнинг, эстетика ва гражданликнинг бирлигидир. Совет ёзувчиларининг халқимиз ҳаётида шу жиҳатдан иштироки сезиларли равишда кучайиб бораётганлигини таъкидламасдан ўтиб бўлмайди. Шароф Рашидовнинг ёрқин партиявий публицистикаси, Сарвар Азимовнинг «Правда», «Литературная газета» саҳифаларида, Наазир Сафаров, Шукрулло, Саид Аҳмадларнинг «Тошкент оқшоми», Уткир Ҳошимовнинг «Ўқитувчилар гасетаси» саҳифаларида чиқишлари, ёзувчиларнинг халқ контроли органларининг рейдларидаги иштироки жамоатчилик ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Шу билан бирга ҳам жамоат ташкилотларининг, ҳам ёзувчиларнинг обрўси, матбуот сўзининг таъсирчанлиги ошиб бормоқда. Бу, албатта, аввало ёзувчининг энг муҳим фаолияти — бадиий асар яратиш жараёнига тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида»ги қарориди бундай дейлади: «Социалистик реализм санъати учун совет турмуш тарзини, коммунистик ахлоқийлик нормаларини, одамлар бахт саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, интернационализм, ишмизнинг тарихий ҳақлигига ишонч каби маънавий фазилатларимизнинг гўзаллиги ва улўғлигини қарор топтиришдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ».

Мана шунинг учун ҳам ёзувчининг турмушга фаол аралашуви қандайдир навбатдаги мавсумий иш бўлмасдан, совет кишисига муносиб юксак ҳаётий мақсадларни қарор топтирувчи асарлар яратишни, воқелигимизнинг муҳим социал муаммоларига мурожаат қилишни тақозо этади.

Шу муносабат билан ёзувчи мақсадларининг кўлами, гражданлик позицияси даражаси унинг асари, барча ижодининг ватанпарварлик, интернационаллик кучига бевосита мосдир, дейиш мумкин. Шундай бўлиб қелган, айниқса, шахсий ва ижтимоий манфаатлар қўшилиб кетган бизнинг давримизда шундай бўлмоқда.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётида талайгина салмоқли прозаик ва поэтик, драматик ва танқидий асарлар яратилганини айтиш лозимки, улардан баъзилари қардош халқлар тилларига таржима қилинди. «Бугунги адабиётимизда, — дейди Ю. И. Суворцев, — ҳужжатлилик кутбидан то фантасмагория кутбигача бадиий услуб ранг-баранглигининг тобора кенгайиши рўй бермоқда: санъаткорларда серқирра ҳаётнинг асосий оқимларини синтезлаштириб кўрсатишга, замонавийликни кенг кўламда кўришга интилиш кучайиб бораётганлигини, айниқса, қўллаб-қувватлашни истар эдик».

Ҳа, адабиётнинг тасвир имкониятлари бойимокда, ИТР даврида адабиёт тобора иxtисослашиб бормоқда. Сюжет тўқиш, композиция қурилмаларида маҳорат ва топқирлик, услубий изланишлар тақомиллашмоқда. Бироқ биз шаклнинг ўз чегарасидан нарига ўтмайдиған мақсад эмаслигини, фақат катта мазмун ҳақиқий маҳоратга олиб келишини биламиз.

Таржимаи ҳолни тасвирлашнинг ўзи асарга ишонарли оҳанг, самимийлик, воқеликни жонли идрок этиш фазилатларини бахш этади ва буни фақат табриклаш мумкин. Санъаткорнинг шахсий тажрибаси унга доимо ўз даврининг социал-ижтимоий вазиятини, ахлоқий-эстетик масалаларини чуқурроқ тадбиқ қилишга ёрдам берган. Бироқ актив ҳаётий позиция ўз ўрнини тор, интим маънодаги таржимаи ҳол тасвирга бериб қўйиши каби ҳодисалар ҳам анча учрайдики, бу нарса ёзувчини реалликдан, халқдан узоклаштириб, асар мазмунини ҳам, муаллифнинг тасвирлаш воситаларини ҳам чеклаб қўяди. Зотан, «совет халқининг янги авлодига руҳан яқин, бадиий кашфиётдек идрок қилинадиган, халқ тақдирини акс эттирадиган ижобий қахрамон керак».

Адабий маҳоратни гражданлик фаоллиги, чинакам интернационаллик билан омухта қилмай туриб, воқеликнинг, тарихий жараённинг объектив қонунларини, ўзгаришларини кенг кўламда мушоҳада этмай туриб, миллионлар қалбига яқин бундай қахрамонни яратиб бўлмайди.

Мен шу ўринда Ўрта Осиё ва Қозоғистон ёзувчилари яратган романларнинг ҳозирги аҳволига тўхталиб, бу соҳадаги янги фикрларнинг бизда қай ҳолда юзага чиқарилаётгани хусусида мулоҳаза юритмоқчиман. Кейинги даврда бизнинг региондаги мавжуд адабиётларда романиннг жанрий ва услубий жиҳатлари анча мураккаблашди. Масалан, роман-диалог, роман-портрет, роман-хроника, роман-мулоҳаза, роман-ўйлар, мифологик романлар пайдо бўлди.

Менимча, бизнинг регионда романга хос етук тафаккур тарихий романларда теранроқ намоён бўлмоқда. Халқларнинг ўзаро муносабатлари совет тарихий прозасининг негизларидан биридир ва бу масала умуман муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Бунга мустаҳкам ва илмий далилланган ягона асос бор, у ҳам бўлса, миллатлар ва уларнинг тарихий тараққиёт жараёнларини тўғри ёритиб берган марксизм-ленинизм таълимотидир. Шунинг учун тарихий асар халқларни бир-бирдан ажратиб, яккалаб қўйишга эмас, балки уларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилиши керак. Маълумки, Октябрь революциясига қадар меҳнат аҳли ўртасида низолар, тўқнашувлар чиқиб турган. Худди шунингдек, бойлар, беқлар турли-туман хонлар томонидан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида авж олдирилаётган бу низоларнинг ижтимоий, синфий маъноси ҳам бизга яхши аён.

Ижтимоий низоларни миллий нифоққа йўйишнинг ҳожати йўқ, асарларда тасвирланган ўша замонлардаги зиддиятлар ва ўзаро урушлар кўпинча қабиливий асосда келиб чиққанлиги, халқлар эса кейинги даврларда шакллана бошлаганлиги бизга маълумдир. Тарихий ҳақиқат ана шундайдир ва тарихий мавзуда қалам тебратган ёзувчининг ундан чекиниши мумкин эмас. Акс ҳолда бир ёқламаликка, тарихий ҳақиқатни, ижтимоий жараённинг ўзини нотўғри талқин қилишга, социалистик миллатларнинг, қардошлик интифоқига эришган халқларнинг дўстликка, ҳамкорликка асрлар давомида интилишини эсдан чиқариб қўйишга муқаррар равишда йўл қўйилади.

Ҳозир бизнинг узоқ тарихимиздаги мураккаб ва ўхшаш жараёнлар шарқнинг кўпгина қўшни мамлакатларида ҳам юз берапти. Ёзувчиларимизнинг ўз тарихини тўғри баҳолай олиши муайян даражада халқро аҳамиятга эгадир...

Ҳа, биз узоқ даврлардаги халқлар ва воқеалар силсиласидан бугунги кунимизга ҳамонангликни излаймиз. Худди ана шу тенденциялар Одил Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», «Кўҳна дунё», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Комил Яшнинг «Ҳамза», Назир Сафаровнинг «Момақалдирик», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романларида намоён бўлди. Бу асарлар кўп миллатли китобхонлар қалбидан жой олди. Миллийлик ва интернационалликнинг муштараклиги санъатнинг барча тур, жанр формаларини, ижодкорларнинг ижодий интилишларини ўз ичига қамраб оладиган негиз ҳисобланади.

Ҳар бир миллий адабиётнинг гоя, мазмун ва услуб соҳасидаги муваффақияти адабиётнинг умумий бойлигига айланаётган ва айланган шарт бўлган ҳозирги кунда таржима масаласи хусусида қайта-қайта гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Бугунги адабиётларнинг ўзаро алоқасига зарурият ҳар қачонгидан кўра катта, у тобора ошиб бормоқда. Буни шунчаки табриклаб қўя қолмай, балки уни яқинлаштирувчи жараёнларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш лозим. Бунда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, сифатни сонга қурбон қилмасликни эслатиб ўтмоқчиман. Ахир кўп миллатли китобхон, қардош республиканинг адаби бемаза, юзаки ағдармани эмас, балки бошқа тилда қайта яратилган ширали, нафис таржимани кутади.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир ҳалол ёзувчи ва танқидчи эндиликда оригиналнинг сифати хусусида оғиз очмасдан, барча хусусиятларни таржимонга тўнкаш борасида пайдо бўлаётган фикрларга қатъиян эътироз билдиришлари зарур. Бундай позиция бизнинг умумий йутқларимизга сира тўғри келмайди. Айни чоқда таржимон масъулияти юксак бўлиши лозим ва у оригинални танлаб олишдан бошланади. Таржимачилик сингари олижаноб ишга таъмагирлик билан ёндашиш зарарли иллатдир.

Таржима масаласи жуда мураккаб ва уни бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Бирок, масалан, баъзи шоир ёки ёзувчиларнинг: «Янги асар ёзгандим, у босилиб чиқди, жамоатчилик ҳам яхши кутиб олди. Қаранг-а, таржимон тополмайман», ёки: «таржимонлар бор-у, бироқ менинг омадим ҳамон келмапти...» қабилидаги тез-тез қулоққа чалинаётган нолишлари устида ўйлаб кўриш лозим. Афсуски, баъзан шундай ҳоллар юз бериб туради. Мана, яқинда таниқли шоирларимиздан бирининг: «Биз ҳали ўз таржимонларимиз билан қам ишлаяпмиз», деганини эшитдим.

Ҳа, гапнинг рости шунақа! Муаллиф ўз асарини бировар ихтиёрига ташлаб қўймай, омадим юришадими, юришмайдами, деб тасодифга эрк бермай, таржимон билан турлича шаклларда, албатта, бирга иш олиб бориши зарурлигига имоним комил.

Замонавий асарни таржима қилиш — оригинал асар устида ижодий меҳнатнинг давом эттирилиши, иккала адабнинг ижодий ҳамкорлик қилиб ишлаши эканлигига аминман. Жаҳонда энг яхши таржимачилик мактаби кўп жиҳатдан ана шу йўсинда вужудга келган-ку, ахир. Бундай самарали ижодий ҳамкорликка сўнги пайтлардаги асарлардан янги мисоллар келтириш мумкин: Владимир Солоухин ва Шукрулло, Юрий Суровцев ва Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубовлар, Римма Казакова ва ўзбек шоиралари ўртасидаги кўп йиллик алоқалар шулар жумласидандир. Александр Довженко: «Халқлар дўстлиги конкрет тушунча, у аввало умумий иш бирлаштирган одамларнинг дўстлигидир», — деган эди. Фақат ана шу хил ижодий алоқалар иккала томонни ҳам бойитади. Энг муҳими, тўлақонли таржима асарлари пайдо бўладими, уларда интернационалик, умумийлик, ўзига хос миллийлик, нафосати, жозибаси қайта яратилади. 30-йилларнинг бошидаёқ Максим Горький фахр билан шундай деган эди: «Турли элатлар адабиёти, турли тиллардаги барча республикаларимиз адабиёти ягона бўлиб олга босмоқда».

Зотан, бизнинг маданиятимиз ўзининг мустаҳкам ички бирлиги билан қудратлидир. Тинчлик ва тараққиёт байроқдори — Улуғ мамлакатимизнинг бирлиги, халқларимизнинг бирлиги, адабиётлар бирлигида ана шу қудрат мавжуд. Сўз санъаткори, адабиётшунос, танқидчи олдида турган энг олижаноб вазифа — сўз қуроли билан ҳаётимизнинг кундалик воқеаларини тадқиқ ва тарғиб қилишда, уни мустаҳкамлашда фаол иштирок этишдан иборат.

Йиллар, хўжасайлар, Воқеалар

Адҳам Акбаров,
тарих фанлари кандидати

БРИГАНТИНА КЎТАРАР ЕЛКАН

...Подмосковье электричкаларидан бирининг вағони лиқ тўла. Биз, талабалар, бир-биримизга тиқилишиб, тик турибмиз. Кийимларимиз, очигини айтиш керакки, унчалик эмас. Бировда чанги костюми, бошқа биров уринган свитер, Гена Новиков эса қаердандир топилган жомакор кийган. Ҳаммамиз ҳам куни бўйи чарчаганмиз, лекин кайфиятимиз тетик. Володя Войко қандайдир кулгили воқеани ҳикоя қилади, қулоқни қоматга келтирадиган қаҳқаҳамиз бир зум бутун вағонни бошга кўтаради.

Комсомоллар «картошка»дан қайтмоқдалар. Москва университети область колхозларидан бирини оталиққа олган, шу сабабдан биз ҳар йили кузда колхозчиларга картошка кавлашда ёрдам бергани борамиз.

Кутилмаганда тамбур эшиги очилиб, вағонимизга яна бир гуруҳ йигитлар кириб келишди. Булар — географлар, география факультетининг талабалари. Улардан бири — қорачадан келган, унниққан гимнастёрка кийган йигитнинг қўлида гитара.

— Қани, журналистлар, бир қўшиқ айтайлик!— деди у.

Лора Синякова майин ва оҳиста куйлай бошлади:

**Жонга тегди баҳслару сўзлар,
Толғин кўзга тикилмоқ кўпдан...
Қароқчилар денгизи узра
Бригантина кўтарар елкан...**

Қандай қилиб бу қўшиқни унутдик? Ахир ётоқхонамиздаги бирор кечамиз усиз ўтмайди-ку! Романтик бригантина ҳақидаги бу қўшиқда қандайдир бир мўъжизавий сеҳр бор. Уни куйлар экансан, орзу қанотида йироқларга учгандек бўласан киши. Бу қанот бригантина елканидир. Қўшиқ бизни ҳали номаълум оролларни очишга, лоқайдликка, мешчанларча калтафаҳм хотиржамликка нафрат билан қарашга ўргатади.

**Ким жирканса аянч оромдан,
Кел, ичайлик улар шаънига,—**

деб куйлаймиз биз жўр бўлиб ва қандайдир бир муддатга ўзимиз ҳам денгиз қароқчисига, дайдига, романтикка айланамиз. Ҳозир, ҳақиқатан ҳам, эски свитерларимиз ва лойга боғган чанги курткаларимиз билан уларга ўхшаб кетамиз...

Атрофимиздаги йўловчилар самимий жилмайишди. Қўшиқ уларга ҳам ёқибди. Шляпали кекса киши газетасини тахлаб, чўнтагига солиб қўйди. У бизни ўйчан тинглар экан, кўзларида сокин бир қайғу ялтиради. Афтидан, кўшиқ унда қандайдир хотирларни уйғотди.

— Яхши қўшиқ,— деди хўрсиниб литвалик Петя Дигрис «Бригантина»нинг сўнгги банди жаранглаб бўлгач.— Қизиқ, уни ким тўқиган экан?

— Бу бизнинг қўшиқ, географларники,— деди қатъий ишонч билан гитарачи йигит.— Эхтимол, уни қайдадир экспедицияда тўқигандирлар. Ҳозир у факультетимизнинг гимнига айланган.

— Бўлмаган гап,— қаршилиқ билдирди бизнинг ҳамкурсимиз Катя Воробьёва.— «Бригантина»— туристларнинг қўшиғи. Уни туристларнинг ўзлари ёзган.

Кекса киши гапларимизга диққат билан қулоқ сола бошлади.

— Сизлар ноҳақсизлар,— деди Лора Синякова Катя ва гитарачи йигитга қараб. «Бригантина»ни филология факультетининг талабалари тўқишган. Мен улардан сўраганман, улар, биз тўқиганмиз, дейишган...

Кекса киши жилмайди. Гитарачи йигитнинг елкасига қўлини қўйиб, оҳиста деди:

— Сизлар беҳудага баҳслашяпсизлар, йигитлар. Албатта, бу қўшиқ филологларга ҳам, геологларга ҳам, туристларга бирдек тааллуқли. Лекин уни ҳозир ўзи йўқ ёш йигитча, сизларнинг тенгдошларингиз тўқиган. У фронтда ҳалок бўлган. Уни Паша Қоган деб атардилар...

Биз ҳамсухбатимизга ишонинқирамай қарадик. У «Бригантина» муаллифи ҳақида қаёқдан ҳам бирор нарса билсин?

— Суҳбатингизга аралашаётганим учун кечирасизлар мени, йигитлар. Аммо гап шундаки, мен Павел Коганни яхши билар эдим...

Биз ҳамсуҳбатимиз атрофини ўраб олдик, бу кўшиқни тўқиган йигит ҳақида ҳаммасини гапириб беришни илтимос қилдик. У секин гап бошлади:

— Бу воқеа урушгача, ўттинчи йилларнинг энг охирида бўлган эди. Биз Москвада, Тарих, фалсафа ва адабиёт институтида ўқирдик. Уша пайтларда шунақа институт бўларди, қисқартириб ТФАИ дейишарди. Унда ҳозирги машҳур шоирларнинг кўпчилиги ўқирди. Институтнинг ўша пайтлардаги энг истеъдодларидан бири Павел Коган эди...

Кека кишининг ҳикояси бир маромда оҳиста оқади. Биз уни нафасимизни ичимизга ютиб тинглаймиз. Ҳаётини Ватанга бағишлаган минглаб совет ёшларидан бири, оддий москвалик йигитча, ҳал қилувчи соатда Октябрь ғалабаларининг ҳимоясига отланган комсомол ҳақида ҳикоя. Унинг таржимаи ҳоли хаёлимизда бутун авлодининг таржимаи ҳоли билан уйғунлашиб кетади...

* * *

...Подмосковье электричкеси вагонидagi ўша учрашувдан кейин кўп йиллар ўтди. Кека кишининг ҳикояси бир умр ёдимда қолди. Мен МДУнинг журналистика факультетини тугатиб, адабий танқид билан шуғулланишга киришганимда, Павел Коган ҳаёти ва ижоди ҳақида иложи борича кўпроқ нарса билишга ҳаракат қилдим. У билан бирга ўқиган одамларни кўрдим, суҳбатлашдим. Ҳозир ҳам Москвада яшаётган ота-онасини топдим, унинг тўләмаддий — майда ҳарфлар билан ёзилган, бандлари ўчириб жўнатган шеърлар қўла оқдирди — файдаларни варақларини кўрдим, фронтдан ташланган мактубларини ўқидим. У ҳақда кўп нарса билдим. Лекин фақат у ҳақдагина эмас. Зотан, Павел Коганнинг тақдири унинг ўзига ўхшаш истеъдодли ёшлар тақдири — бугунги кунимизни ўз кўкраги билан ҳимоя қилган шоирлар тақдирига чамбарчас боғлиқдир. Мана, улардан баъзиларининг номлари: Николай Майоров, Михаил Кульчийский, Всеволод Лобода, Борис Смоленский... Истеъдодли ёш грузин шоири Мирза Геловани ҳам жангда қаҳрамонона ҳалок бўлди. Осетиялик истеъдодли комсомол йигит Хазби Калоев ҳаётини Ватанга бахш этди. Мардонавор шоир-жангчи Султон Жўра ҳам энди ҳеч қачон ўз юртига, жонажон Ўзбекистонига қайтмайди. У ёшлик йилларидаёқ ёрқин, ўзига хос шоир сифатида танилди, уни улкан келажак кутарди. Бироқ бу режаларни амалга ошириш унга насиб этмади...

Уларнинг ҳаммаси жўшқин, ҳаётга ташна қалб билан яшадилар. Елкан кўтарган бригантинга ҳақидаги сатрлар уларнинг шоири бўлиши мумкин эди. Худди ўзар бригантина каби қийинчиликларни енгиб, курашда тобланиб, сабот билан олға интилдилар. Улар ўз қаҳрамонона замонасининг, ўз даврининг содиқ фарзандлари эди. Ленин комсомоли тарбиялаб вояга етказган бу ёшлар унга содиқ қолдилар.

Павел Коганнинг болалиги Москвада ўтди. Еш совет мамлакати ўз индустриал қудратининг асосини яратаётган, қишлоқ тўжалигини соҳиблик соҳиблик қайта кураётган йилларда у оддий мактаб ўқувчиси эди. Жингалак соч болалар тевақатрофта рўй бераётган воқеаларни ҳайратланиб кузатардилар. Уларнинг фикрида жаҳон инқилоби ҳақидаги олий орзу чарх урарди, байрам намойишларида катталарга ёнма-ён маршур қадам ташлардилар, улар учун бутун дунё намоишига — «қизиллар» ва «оқлар» га бўлинган эди. Йиллар ўтгач, Павел Коган шеърларида болалигини эслайди, тенгдошлари билан кўчани тўлдириб, мамлакатимизни дунёдан бутунлай ажратиб ташлайман, деб дўқ урган, янги интервенция орузида ҳадидан ошган лорд Керзоннинг латта-путадан ясалган тимсолини кўтариб қандай чопган пайтларини хотирлайди. Мамлакат манфаатлари уларнинг шахсий манфаатлари эди, шу сабабдан ҳам бу ўқувчилар Днепр-ГЭСнинг ишга туширилиши ҳақидаги, Магнитогорск «Комсомольская» домнасининг илк пўлати тўғрисидаги газета мақолаларини ҳаяжон билан ўқирдилар. Москва кўчалари бўйлаб АМО заводида (ҳозирги Лихачёв номидаги автозавод) яратилган дастлабки совет юк машиналари тантана билан ўтганда, чексиз қувонишар ҳам бу. Болалар автотранспорт кетидан югурардилар, қизил байроқларини силкиб, бўғилгунча қийқордилар, қувноқ хойхойлашиб, юк машиналари бортларига осилардилар. Бу кунлар ҳақидаги хотиралар Павел Коган талқинида рамзий аҳамият касб этади. Мана, унинг машҳур бўлиб кетган, болалик хотиралари уфуриб турган ва бўлажак урушни ҳис этиш туйғулари сингиган сатрлари:

Эски камзул кийган болалар,
Оёқларда кўҳна пиймалар,
Трубалардан қулоқлар батанг,
Кичик, шавқли, баджаҳл улар,
Шамоллаган, асаби таранг...

Қудратли ва буюк коммунизмга ишонч туйғуси Павел Коган тенгдошлари нафас олган ҳаво эди. Ешлик доимо романтикага интилади, бироқ бу сурур ҳар бир авлод учун ўзига хос бўёқ касб этади. Коганни яхши билган шоир Сергей Наровчатов шундай деган эди: «Павел Коган мансуб бўлган авлод романтикани граждандар урушининг алангали ёғдуларида кўрар эди. Комиссарларнинг чарм куртқалари ва будённичиларнинг қиличлари — мана, ўша пайтлардаги болалар қалбини ҳаяжонга солган теран туйғуларнинг ташқи ифодаси».

Улар романтик эдилар, лекин ҳеч қачон беғам, хаёлпараст бўлган эмаслар. Улар мамлакатда нимаики рўй бераётган бўлса, уни ўз кўзлари билан кўришга интилар, буюк

қурилишларнинг иштирокчилари сафларида туришни истар эдилар. Павел Коганнинг отаси Д. В. Коган мактабдаги таътил кунларидан бирида ўғлининг ўзига:

— Эртага мен Москвадан кетаман. Пийёда. Мен қишлоқларни кезиб, коллективлаштириш қандай бораётганини ўз кўзим билан кўрмоқчиман, деганини сўзлаб берди.

Хайратда қолган ота билан она ўн уч яшар болани ўзларининг наздида хатардан холи бўлмаган бу саёҳатдан қайтаришга уринадилар, лекин Павел айтганида қаттиқ туриб олади ва гапини ўтказди. Кейинги таътилда ҳам у Россия бўйлаб яна саёҳатга чиқади. Мана шу мисолнинг ўзиданоқ унинг қатъиятли, эҳтиросли, саркаш феъли нақадар эрта шаклланиганини кўришимиз мумкин.

Павел Коганнинг ўша ўқитувчилик йилларида Харьковдаги мактабларнинг бирида Михаил Кульчицкий ҳам ўқир эди. Улар ҳали бир-бирларини билмасдилар, фақат талабалик йилларидагина танишдилар, бироқ уларнинг таржимаи ҳолларида жуда кўп ўхшашликлар бор. Матонат, инқилобий фикрларга содиқлик, жасоратга тайёрлик, инқилоб тантанаси учун ўлимдан ҳам қайтмаслик уларнинг яшаш тарзига айланганди. Михаил Кульчицкийнинг сеvimли қаҳрамони граждaнлар урушининг афсонавий лашкарбошиси Николай Шчорс эди. У Шчорс ҳалок бўлган кун (1919 йил 30 августда) туғилган. Бу тасодифий ўхшашликда Кульчицкий ўз тақдири белгисини кўргандек эди, у Шчорсга ўхшашини истарди, унинг ишини давом эттиришни орзу қиларди, ўзини қаҳрамоннинг вориси деб ҳисобларди. Ҳали мактабдалик пайтларидаёқ у «Шчорс ҳақида кўшиқ» шеърини ёзди. Гарчанд шёур Эдуард Вагрицкийга тақлид тарзида ёзилган бўлса-да, лекин Кульчицкийнинг ёш дўстларини ҳаяжонга солган ва унга мактабда «биринчи шоир» шухратини келтирган эди.

Бундан бирмунча муддат аввал «Вопросы литературы» журналида (1969 йил, 10-сон) Михаил Кульчицкийнинг ўқувчилик даври кундаликларидан саҳифалар эълон қилинган эди. Бу кундаликлар 1936-1937 йилларга, Миша Харьковдаги 30-мактабнинг 9-10-синфларида ўқиб юрган пайтларига тааллуқли. Унинг саҳифаларидан уруш олди даври авлодининг жонли овози янграб туради. Кульчицкийнинг қизиқишлар ва интилишлар дунёси уларда ҳаяжонли ва ёрқин намоён бўлади. Кундалик олиб борилган йиллар мамлакатимиз ҳамда чет элларда рўй берган қаҳрамонона ва қайгули воқеалар билан тўлиқ эди. Европа устида фашист свастикасининг қора сояси пайдо бўлган эди. Гитлерчилар дунё маданиятининг энг буюк асарларини топтардилар. Берлинда Карл Маркс, Генрих Гейне, Николай Островский асарлари гулханга ташланарди. Испания ўт ичида қолган эди. Ҳар бир совет кишиси, совет ёшлари хаёлан ўзини Светлов куйлаган афсонавий Гренадада кўрарди, испан халқи озодлигини ҳимоя қилаётган жангчи-интернационалистлар билан бир сафда ҳис қиларди. Мана, 1936 йилнинг 24 октябрида битилган ёзувлар:

«Мадрид мудофаага тайёрланмоқда. СССР аралашди, бир нима чиқса керак». Ёнмаён бошқа қайд: «...Ҳарбий кундабларга қабул қиладиган ҳарбий комиссариатга бордим ва у ерда саккизга кириш синовалдан ўтиш зарурлигини билдим...»

Ўсмирнинг кундаликларидаги бу қайдлар орасида бевосита алоқадорлик бор. Кульчицкий ва унинг дўстлари бугунми, эртами, албатта қўлга қурол олишга тўғри келишини билар эдилар. Улар ўзларини Испанияга кўнгилли сифатида олмасликларини, бунга ёш жиҳатидан тўғри келмасликларини тушунардилар, лекин ҳар бири ўз Мадриди, ўз жанглари, ўз жасоратлари бор эканлигини олдиндан яхши англайдилар.

«1936 йил, 14 сентябрь. ПВХО ўн кунлиги. Ўқитувчилар дарсга противогазда кирадилар. Синфда ҳаммага сумкалар тарқатилди ва математика дарсининг охирини противогазда ўтказдик. Қизлар противогазни ечишган эди, муаллим баҳони пасайтирмади, деб нўписа қилди.

1 октябрь. Ҳарбий иш ўқитувчиси Иван Ильич Морозов бошқараётган мактаб ўқчилар тўғарагига ёзилдим. Морозовнинг қора петличкаси ва хочнамо артиллериячилар нишони бор. Дурадгорлик устахонасида кичик калибрли милтиқдан отдик».

Ёш Кульчицкийнинг тенгдошлари уруш бўлишини билар эдилар. Бутун дунё уруш нафасини ҳис этиб турарди. Улар ҳарбий комиссариатга борар, ҳарбий мактабларга илинишга интилар, қаттиққўл медицина комиссияларида иложи борича қувлик қилар эдилар.

«Партадошим Егоровни ҳарбий мактабга қабул қилишмади. Унинг кўзлари хира кўради. Врач 20 минутча ташқарида бўлган пайтда, у жадвалнинг учинчи, майда қаторини ёдлаб олди. Унг кўз бўйича саволларнинг ҳаммасига жавоб берди, лекин чап кўзи билан ўқиши лозим рақамларни унутган экан. Врач бақириб берди».

Ёш комсомоллар юрагидеги жасоратга чанқоқлик инқилоб ва граждaнлар урушининг сурурий хотираси билан йўғрилган эди. Мактабда дарсдан қочиб улар кинога югурардилар, «Максимнинг ёшлиги», «Чапаев» фильмларини кўрардилар. «Пўлат қандай тобланди»ни, «Тор-мор»ни ютоқиб ўқирдилар. Испаниядаги воқеалар улар учун оталари иштирок этган жанглар хотираси билан узвий боғлиқ эди.

«1937 йил, 25 май. Айтишларича, Испанияда «Чапаев» фильми кетаётган пайтда «Фашистларга ўлим!» деб қичқиршар ва экранга қараб ўқ узишар экан. Томошабинларни «Ҳозир уларни ўлдиришади», деб тинчлантиришар эканлар.

23 июнь. «Максимнинг ёшлиги». Мана бунди фильм деса бўлади! Революция!»

Михаил Кульчицкийнинг ўсмирлик кундаликларидан кўпгина қизиқарли нарсаларни топиш мумкин. Уларни ўқир экансан, 30-йилларнинг комсомоллари нақадар бой, нақадар ёрқин ҳаёт билан яшаганликларини аниқ кўриб турасан киши. Улар ўзларини воғга етказган социалистик Ватандан, Советлар мамлакатидан миннатдор эдилар. Улар бу Ватаннинг қаҳрамонлари, халқ озодлиги ва бахти учун курашган жангчилар хотирасини муқаддас деб билардилар. Ҳар борада уларга ўхшашга ҳаракат қилардилар.

Улар ёшлик пайтлариданоқ ўзларига нисбатан ниҳоятда талабчан, қатъий.

принципиал бўлганлар. Улар учун ижод эрмак эмас, балки ҳаётий мақсад эди. Кульчицкий кундалижларидаги қисқа қайдлар унинг шоирона «маҳорат сирлари»ни эгаллашга нақадар қатъият-ла интилгани, ўзи ҳақида шафқатсизларча фикр юритгани, биргина зарур сўзни қандай азоб-ла излаганидан далолат беради.

«Токи сўзлар тош босадиган, бўй таратадиган, ўт сочадиган бўлсин... Мана:

Бизни ёшлик бошлади
Қиличбозлар сафига.
Бизни ёшлик ташлади
Кронштатднинг яхига...

Қуйма мисралар. На сўз кўша оласан, на ўзгартира оласан».

Айни мана шу сатрларнинг бошловчи шоирга юксак шеърят намунаси бўлиб туюлиши тасодиф эмас. Эдуард Вагрицкийнинг инқилобий романтизми Кульчицкий, Коган ва уларнинг дўстлари авлодига яқин эди. Вагрицкийнинг ҳаракатчан, жанангдор шеърияти ёш ўқувчилар юрагида қаҳрамонликка чанқоқлик уйғотар, уларнинг гражданлик, ватанпарварлик туйғуларини руҳлантирар эди. Кульчицкий кундаликларида Пушкин ва Маяковский ҳақида ёниқ муҳаббат билан ёзади.

Бу номлар Павел Коганнинг ўқувчилик қайдларида ҳам учрайди. Ҳалок бўлган шоирнинг квартирасида мен унинг дафтарларини — тригонометрия, алгебра, немис тили бўйича оддий совет ўқувчисининг дафтарларини кўздан кечирдим. Уларнинг хошияларида гоҳ унда, гоҳ бунда сеvimли шоирлар шеърларидан кўчирмалар учрайди. Маяковский, Есенин, Вагрицкий сатрлари. Кульчицкий каби у ҳам, агар кундалик тутганида, эҳтимол, «Тушларимда шеърни кўраман», деб ёзиши мумкин эди.

Ёш шоирлар жаҳон адабиёти дурдоналарини сабот ва меҳнатсеварлик билан ўзлаштириб бордилар. Павел Коган ўқувчилик йилларида ўзи учун ижодини ўрганишга аҳд қилган шоирлар рўйхатини тузган. Мен ўша рўйхатни кўрдим. Унда юқорида тилга олинган шоирлардан ташқари Пушкин, Фет, Тютчев, Блокнинг номлари бор. Ун беш-ўн олти яшар ўсмирнинг адабиётга тушуниб ва пухта ўйлаб ёндашиши характериининг жиддийлигидан, ўз мамлакатининг теран билимли, фикрловчи граждани бўлиб етишиш учун матонат ва чанқоқлик билан интилганидан далолат беради.

...Бошқа бир шоир — Николай Майоров ҳақидаги хотираларни ўқир экансан, унинг характеридаги Коган ва Кульчицкий билан яқин бўлган томонларга диққат қиласан киши. Майоров ҳам улар каби шеърятга эрта меҳр қўйди. Майоров ҳам улар каби саркаш ва мағрур, матонатли ва меҳнатқаш эди. Иваново шаҳридаги 33-мактабнинг мажлислар зали саҳнага ўнинчи синф ўқувчиси Коля Майоров чиққанида нақадар жимиб қолишини дўстлари яхши эслайдилар.

Николай Майоров кўп ёзарди. Лекин, шунга қарамай, шоир бўлмоқчи эмасди. У алоҳида, ниҳоятда истеъдодли кишигина ёзувчи бўлиши мумкин, деб ўйлар, ўзини бундай кишилар сирасига қўшмасди.

...Орадан қисқа вақт ўтади, улар энди талабалар. Кульчицкий Харьков университети филология факультетида, Коган — ТФАИда ўқийди. Майоров эса, ўзи хоҳлаганидек, Москва университети тарих факультетининг талабаси бўлади.

Мен қаламга олган кишилар ўша йилларда барча талабалар қандай яшаётган бўлса, шундай яшардилар. Уларнинг ўша йилларда ёзган шеърлари ҳам ёш йигитнинг хилма-хил ҳиссиётларини — гражданлик ва чуқур шахсий туйғуларини акс эттирар эди.

Павел Коганни таниганларнинг ҳаммаси унинг тонг қоларли даражада ҳаётий севиши ва эҳтирослиги ҳақида гапиришади. Лоқайдлик унга ёт эди. У ўзгалардан ҳам, ўзидан ҳам барча нарасада — шахсий ва жамоат ишларида аниқлини талаб қиларди, гражданлик ва ахлоқий позициянинг қатъийлигини истарди. У силлиқ табиатли «ўртачи»ларга, ўз нуқтаи назарларига эга бўлмаганларга нафрат билан қарар, бундай кишиларни «аросатдагилар» деб атар эди. «Мен тушунолмайман, овоз бериш пайтида қандай қилиб «бетараф» қолиш мумкин,— деган экан у бир пайтлар ўртоқларидан бирига. — Менга қолса, бу формулани бутунлай тақиқлаб қўярдим. Сен ё маъқулланинг ёки қарши туришинг керак».

«Менинг мавзуйим — коммунизм». Бу сўзларни Павел Коганнинг 1938—1941 йиллар мобайнидаги бутун ижоди учун эпиграф қилиб олиш мумкин. У келажак ҳақида кўп ўйлайди, янги турмуш ва кишилар онгидаги янги томонларни очади, социалистик қурилиш ҳақида шеърлар ёзади. Унинг шеърларини ўқирканмиз, кўз ўнгимизда замоннинг жонли қиёфаси гавдаланади.

Павел Коган шеърлари давр алангасида тобланган. Бу фикр кўпроқ унинг «Учдан биринчи» деган шеърый романига тааллуқлидир. Роман кўп жиҳатлари билан автобиографик асардир. Шоир унда ўз авлоди — инқилобнинг манглайдор болалари» авлодининг қандай шаклланганлиги, вояга етганлиги ва кучга тўлганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Павел Коганнинг «Учдан биринчиси» романи тугалланмай қолди. Ҳозир у тўрт марта нашр этилди — П. Коганнинг «Момақалдироқ» (1960) китобига, «Вақтни парчалаб» (1964), «Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган совет шоирлари» (1965) тўпламларига ҳамда 1966 йили чиқарилган «Павел Коган. Шеърлар. Шоир ҳақидаги хотиралар. Мактублар» китобига кирган. Бу нашрлар асарнинг бизнинг кунларда жуда катта қизиқиш билан ўқилаётганлигидан дарак беради. Бу қизиқишнинг сабаби тушунарли. 70-йиллар ёшлари катта авлод тажрибаларидан баҳра олишга, улардан инқилобий чиниқишни, фидокорона матонатни чанқоқлик билан ўрганишга интилмоқдалар. Улар учун Павел Коган романи — урушгача бўлган беш йилликлар даврининг ёрқин ҳужжати, Октябрь ишига нисбатан сабот ва садоқатга эҳтиросли, самимий таронадир.

...Коган романини ёзган пайтларда у аллақачон ТФАИдан Горький номидаги Адабиёт институтига ўтган эди. Бу вақтларда Михаил Кульчицкий ҳам Харьковдан шу институтига келган эди. Николай Майоров эса, МДУ тарих факультетининг студенти бўлиши билан бирга, айни пайтда, Адабиёт институтида ҳам шуғулланарди.

Павел Коган сингари Михаил Кульчицкий ҳам дарҳол институтнинг суякли талабаларидан бирига айланди. У билан бирга ўқиган кишилар учун Кульчицкий ўз тенгдошлари орасидаги энг етук шоирлардан бири ҳисобланарди. Ташқи киёфасиёқ уни бошқа ўртоқларидан ажратиб турарди. Баланд бўйли, шўхчан, кулли ва ҳазилни яхши кўрувчи Кульчицкийни доим студент дўстлари даврасида кўриш мумкин эди. Дўстларининг эслашича, у кўпларда энгилтабиат; беташвиш кишига ўрхшаш таассурот қолдирар экан. Лекин, аслида, ҳаммаси бутунлай бошқача эди. Ташқи шод-хандонлик остида жуда катта меҳнатқашлик ва шеърятга ҳаёлий даражадаги садоқат яшириниб ётарди. У кечаю кундуз шеър ҳақида ўйларди. Рус ва украин тилида ёзарди, иккала тилни ҳам мукаммал биларди. Бир пайтнинг ўзида немис ва инглиз тилини ўрганарди, у Шекспир, Киплинг ва Гётеги аслнусада ўқизишни истарди. У нашр эттириш учун эмас, ўзи учун, «кўнгли суйсиниб» таржима қилишни яхши кўрарди. Шеърят унинг учун ҳамма нарса эди, у турмуш қийинчиликларига эътибор бермай, институт берадиган озгина стипендияга қаноат қилиб, шеърятга ҳаётдаги энг муқаддас нарса деб қарар эди.

Кульчицкийнинг энг йирик асари — мамлакатимиз халқлари дўстлигини улугловчи, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишини аччиқ киноя ва қатъият билан фош этувчи «Энг муҳими» поэмаси. «Европа ҳаробалари устида» бор бўйича қад кўтарган улуг Ватандан фахрланиш ҳисси билан суғорилган. Рус ва украин халқлари дўстлиги — мана поэманинг бош мотиви. Турли мамлакатлар халқларининг жипслашувида ёш шоир ер юзидаги тинчлик ва бахт гаровини кўради.

Михаил Кульчицкийнинг бутун шеъряти ички бир қудрат, нотинчлик, кураш ва жасорат билан суғорилган. Унинг қахрамонлари ҳам кучли, қудратли кишилар — Котовский, Шчорс, Маяковский...

...Залворли сўзларни мен севиб қолдим...» — шеърларидан бирида Николай Майоров ана шундай деган эди. Унинг босиқ, қатъиятли шеърятисида ёш шоир характери жуда аниқ ифода топади. У камсўз, ниҳоятда камсуқум одам эди, ташқи киёфасидан шоир эмас, кўпроқ ишчига ўхшарди. У ўзини доимо табиий ва содда тутар, ҳар қандай олифтагарчилик, кибру ҳаводан йироқ эди. Шеърларини ҳам худди металл детални силлиқлаган слесарь каби — ҳар бир ҳаракатни, ҳар бир чизиқни ўлчаб, солиштиргандек ёзарди. Унинг ижод ҳақидаги шеърларида «уддалаш», «маҳорат», «меҳнат» сўзларининг тез-тез учраши бежиз эмас. У шеърятнинг ўжар заҳматкаши эди, ўлиmidан сўнг қолган ҳажман унча кўп бўлмаган асарлари ўзининг тугаллиги, фикрларнинг теранлиги, муаллиф позициясининг муайянлиги ва аниқлиги билан диққатни тортади. Николай Майоровнинг ўлиmidан сўнг чиққан китоби «Биз» деб номланган. Унинг сатрлари бугунги кунда гўё васыятдек ёқаранглайди. Шоир яқинлашиб келаётган қонли жангни, унинг кўп кишилар ёстигини қуритишини биларди, бироқ шеърда жиндек ҳам мунг оҳанги сезилмайди, у ҳаётбахш шеър. 30-йиллар совет йигити, талаба, эртанги политрук, авлодларга, бизга биргина ўтинч билан мурожаат қилади — халқнинг келажакка очган йўли қанча меҳнат, қахрамонлик, қандай қурбонлар эвазига амалга ошганини унутмасликни сўрайди. Шоир бизни, 60—70-йиллар ёшларини Октябрь қахрамонлари ва биринчи беш йилликлар қурувчилари хотирасига содиқ қолишни, инқилобнинг юксак ақидаларини муқаддас билиб, унга хизмат қилишга чорлайди.

...Коган, Кульчицкий ва Майоровнинг адабиёт майдонига илк қадамларини қўйган чоғида камбағал ўзбек дехқонининг ўғли Султон Жўра ҳам ўзининг кўпгина шеърларини эълон қилган, оч-яланғоқ болалик, аччиқ етимлик йиллари орта қолган эди. Инқилобга, ёшлигиданок, у бой эшигида хизмат қилди. Ота-онасини эрта йўқотган саводсиз боланинг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Октябрь Султон Жўра ҳаётида ҳамма нарсани ўзгартириб юборди. 1927 йили у етти йиллик мактабни тугатиб, Бухоро педагогика билим юртига кирди. 30-йилларнинг бошида эса у ўқитувчи бўлиб ишларди.

Шеърят Султон Жўрани ёшлигиданок ўзига тортиди. Навоий, Пушкин, Маяковский, Ҳамза унинг маънавий тарбиячилари ва устозлари бўлди. Шоир уларга меҳр тўла мисраларини бағишлади. Ер юзида ҳақиқатнинг тантанаси тўғрисидаги Навоийнинг орзулари эҳтиросли ёш шоир қалбига яқин ва тушунарли эди. «Ҳақиқатнинг тугилиши», «Жаннат» сингари шеърларида у халқи бошига тушган бахтсизлик ва камситилардан изтироб чеккан улуг мутафаккир ва санъатюр образини тасвирлайди. «Ҳақиқатнинг тугилиши» да Султон Жўра одамларга ёрдам қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шоир изтиробларини алам билан сўзласа, «Жаннат» да унинг асрларни ёриб ўтиб, овоз ва бахтиёр Советлар мамлакатисида амалга ошган орзуси ҳақида ҳикоя қилади. Совет йигити Султон Жўра асрлар қоялари оша ўтмишнинг даҳо санъаткорига қўл чўзади, уни неча юзлаб йиллар мобайнида сувсиз бўлган, эндиликда эса овоз инсонлар томонидан гулистонга айлантирилган далалар бўйлаб етаклайди, миллионлаб фарҳодлар меҳнати билан бунёда келган ўзгаришлар самарасини ғурур ва ифтихор билан кўрсатади.

Ёш шоир учун улуг Пушкин ҳам эъзозли — эрксеварлиги, овозликка ташналиги ҳар бир сатрида аксини топанглиги боис қадрди. Рус шоирига бағишланган шеърларида Султон Жўра гўзаллиқни англай билиш қувончини китобхон билан ўртоқлашади, лекин гўзаллик унинг учун ўз-ўзича мавжуд эмас; фақат инсон қалбида қудрат ва ғурур, келажакка умид, зулмат устидан зиёнинг ғалабасига ишонч уйғотадиган нарсанига ҳақиқий гўзалликдир. Унинг шеърларида («Олтинқўллик Кумушхон», «Пушкинга») Пушкин образи совет китобхони кўз олдида бир замондошдек, янги инсонни камол топтириш учун курашаётган сафдош ўртоқдек гавдаланади.

Кўзгулар тиниқлиги

Уктам Усмонов. Сирли соҳил.
«Еш гвардия» нашриёти,
Тошкент — 1981.

Дунёдаги энг баланд тоғлар пасаяди, энг чуқур дарёлар саёзлашади, асов тўлқинлар, пўртаналар тинчийди, гулистонлар сахрога, чўллар гулистонга айланади... Авваллари табиатни абадий дейишарди. Энди эса, табиат гўзалликларини асраш ҳам қийинлашиб борапти. Афсуски, баъзи ёшлар юксак идеаллардан айрилиб, ё мол-дунё, ё маънаб-обрў ортиришга қизиқиб кетишяпти, ёки турмуш икир-чикирларига ўралашиб, маънавий гўзалликларини бой беришяпти.

«... Эҳтимол, севги ҳам одамлар сингари қариб, вақт ўтиши билан у ҳам ўз кўркини йўқотар?» Уктам Усмоновнинг «Сирли соҳил» ҳикояси қаҳрамони бундай қайғули фикрга, маънос, тушқун кайфиятга қандай қилиб келди? Бунинг тушунтириш учун, бошқаларга тушунтириш учун ёзувчи қаҳрамони ҳаётини, тақдирини ўрганибгина қолмай, балки унинг рўҳига кириши, маълум маънода унинг ҳаёти билан яшаши керак.

Аслида бу ҳикоя севги ҳақида эмас. У инсон ҳаётидаги бахт, шодлик каби туйғуларнинг нисбийлиги, ўткинчилиги ҳақида. Хусусан, севгининг ҳам, болаликда, ёшликда одамни ўраб турган олам манзараларининг барқарор эмаслиги ҳақида.

Мана, қаҳрамон илк муҳаббат туйғулари сурурини тоғиб, ўзини бахтиёр ҳис қилганда гўзал, хушманзара жойларда кезади. Орадан йиллар ўтиб, афсуски, мана шу гўзал жойлардан асар ҳам қолмайди. Бу хушманзара жойлар пухта ўйланган режалар асосида сув омбори — денгиз остида қолиб кетади. Ҳикоя қаҳрамони муҳаббат ёшида қалби боғланиб қолган бу сўлим соҳилнинг йўқолиб кетгани учунгина афсусланмайди. Йигит ўша пайтдаги сирдошига аталган нозик, нафис энтиқишларини, хаяжонларини ҳам йўқотади.

«Сирли соҳил» ҳикояси инсоний, пок муносабатларнинг омонатлиги билан оламнинг абадийлиги ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларга бой. «Ахён-ахёнда тўлқинлар қирғоққа шалоплаб урилади... Биз бўлсак, табиатнинг мана шу туранмас, мумтоз жамоли қаршисида зифирдакина нуқтага ўхшаймизу... аммо кўнглимиздаги ташвиш-

лар баъзан шу кўхна оламга ҳам сизмайди-гандек туюлади... Чарақлаган осмон остида, миллион йиллардан бери хаёл сурганча қотган анави оқсоч тоғлар тагида қумурсқадек бўлиб ётибман-у, юрагим эса ғаш...»

Уктам Усмонов бу ҳикоясига Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисраларини беҳудага эпиграф қилиб олмаган:

У дунёга келиб ташвишнинг
Орқасидан елиб-югурди.
На сўнггига етолди ишнинг,
На дунёни англаб улгурди...

«Сирли соҳил» ҳикоясининг қаҳрамони ҳаётидаги яхши-ёмон кунлари ҳақида, ўзини ўраб турган дунё ҳақида тез-тез ўйлайди, хаёл суради, табиат ва жамият сирларининг тагига етишга уринади. Кечагина севгилиси Шохистанинг ҳар бир ҳапти-ҳаракатидан, имо-ишорасидан, ҳар бир қарашидан чексиз меҳр ёғиларди, бугун эса нафрат... «Наҳотки, кечаги Шохиста ўша Шохиста?! Орадаги бунчалик фарк, бунчалик ўзгариш қачон ва қандай юз берди?! Миямга кетма-кет савол ёғилиб келарди. Бегубор туйғулар оғушида яшаб, ёруғ дунёдан, тириклигимиздан, қисмат иккаламизни бир-биримизга дуч қилганидан энтиккан онларимиз қани? Шохистанинг рўмолини оқизиб кетган ўша ҳазилкаш, тошқин дарё ўзани ҳозир қаерда тиниб ётганикин? Ярим танаси қуриган, аммо биз тўйиб-тўйиб мевасидан еган анови ўрик дарахти-чи?.. Шуларни ўйларканман, кўзимга ёш қуйилиб келди...» Шу тариқа ҳикоя қаҳрамони оламда севги, шодлик, бахт ҳам ўткинчи, беқарор, ўзгарувчан, деган аччиқ ҳақиқатга келади. Уларни асраб-авайлаш эса осон иш эмас.

Уктам Усмонов тўпламидаги бошқа ҳикояларда ҳам инсон ҳаётининг мазмуни, моҳияти кенг ва теран бадиий тадқиқ этилади. Жамиятда муҳим мавқени эгаллаган, аммо оилада келинлик бурчини ўрнига қўёлмасдан бахтини туғиб қололмаган Райҳон Самадованинг жажжи қизчаси саволларига тайинли жавоб беролмай қийналишлари («Нотинч кеча»), вафодор умр йўлдошининг ўлимидан сўнг азоб чекаётган қизчасини авайлаб, иккинчи турмуш қуришга қийналаётган Камолиддиннинг ташвишлари («Яна келган бахт»), масъума, меҳнаткаш, оққўнғил, ҳеч кимга заррача оғирлиги тушмаган, урушда эридан айрилган Манзура опанинг фарзандлари томони-

дан ҳам аста-секин унутилиб, дунёда яккаланиб қолган чоғларидаги маъюсланишлари («Аёл»), дугонасидан рашк қилиб, севгилисидан айрилиб қолган ва узоқ йиллардан кейин муносиб ёр толдим, деганда хўрланган Мамлакатнинг қалб изтироблари («Шудринг») — буларнинг ҳаммаси Уктам Усмонов ҳикояларида инсонпарварлик оҳанглари йил сайин кучайиб, чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

«Сайрибоғ қушлар» да эса ёзувчи бирига ўхшамайдиган, аксинча икки кутбни ташкил этадиган аёлларни кўрсатади. Булардан бири — вафодорлик тимсоли, ёшлик гўзаллигини, роҳат-фароғатини олим эрининг бахти, саодати учун фидо этган, ўзини ўйламай, ҳамisha ўзгаларга яхшилик тилайдиган Маърифат опа. Унинг эри, адабиёт муаллими Даврон Бакировичга барча талабалар ҳавас қилади. «Айниқса, қизларимиз Даврон Бакировичнинг кийинишига, озодалигига беш кетишарди. У ўзи асли келишган одам эди, бунинг устига шу қадар дид билан кийинардик, домлаларимиз ичида унга тенг келадигани топилмас эди».

Ҳикоя воқеалари ривожини шу ерга борадики, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган мана шу Даврон Бакирович жуда ачинарли аҳволга тушиб қолади. Қайси воқеа-ҳодисалар, қайси ва қандай одамлар уни бу аҳволга туширдийкин? Муаллиф ёки лирик қахрамоннинг изҳор қилишича, Даврон акага канот бўлиб, унга парвоз бағишлаб турган одам — боя айтганимиз, фидойи аёл Маърифат опа экан.

Ҳикояда лирик қахрамон барча воқеаларни бир тугунга бирлаштириб туради. Уктам Усмонов бу қахрамон тақдирдан ҳам бир шингил гапириб, уни ҳикоя гоёсига бевосита алоқадор шахс даражасига кўтаради. У талабалик чоғларида Маърифат опанинг дафн маросимида қатнашганлигини, бу қайғудан юраги қаттиқ эзилганлигини ҳикоя қилгач, ўзининг кейинги ҳаёти ҳақида бундай дейди: «Ҳамма нарсанинг давоси — вақт. Йиллар ўтиши билан бу хиссиётларимиз аста-секин эсдан ҳам чиқди. Шу орада институтни битирди, ҳар қайсимиз ҳарёққа сочилиб кетдик. Дастлабки йилларда бир-биримизга хат ёзишиб турдиг-у, лекин кўздан йироқ-меҳрдан йироқ, деганларидек, охири бу ишимиз ҳам ўз-ўзидан қолиб кетди. Мен Фарғонадаги бир мактабга хизматга жўнадим. У ерда еттинчи йил ишлаётганимда студентлик пайтимданок мен мақолалар ёзиб қатнашиб юрадиган газеталардан бири ишга таклиф қилиб қолди. Хотиним ва икки боламни олиб, Тошкентга келганимга ҳам мана олти йилдан ошди. Ҳозир комсомол газетасида бўлим мудириман...» Бир қарашда бу гапларнинг ҳикоя қахрамони Даврон Бакирович тақдирига қандай алоқаси бор?» деб ажабланишингиз мумкин. Аввало, бу гаплар шунинг учун керакки, билимлари, юриш-туриши ва мавқеини ҳамма ҳавас қиладиган Даврон Бакирович ва унинг заҳматкаш хотини Маърифат опа ҳикоячининг дилкаш суҳбати туйфали қалбимизга яқин бўлиб қолди. Шунинг учун бизда ҳикоячи шахсига табиий қизиқиш уйғонади. Қолаверса, ёзувчи ҳикоячи тилидан Даврон Бакировичнинг кейинги хотини Шоира ва қизи Лобар ҳақида муайян тасаввур беради. «Замонанинг зайли билан

бу йил бизга ҳам путёвка тегиб қолдию... Қарабсизки, ярим ойдан бери Ялтадаман» дейди ҳикоячи. У ижодкор одам, обрўли газетанда ишлайди. Шунга қарамай, ўн уч йилда бир марта Ялтага путёвка олганидан хурсанд. Касб-корининг унчалик тайини йўқ, сайрибоғ қушлардай, қаер яхши бўлса ўша ерга кўчиб, жонининг ҳузурини ўйлаб, мешчанларча яшайдиган Шоира опа билан унинг гўзал қизи Лобар учун Қора денгиз бўйидаги курортда дам олиш одатдаги ҳол. Шундаям, булар ўзларининг чиройи (ташқи чиройи, муқоваси, албатта — М. М.), бўйнидаги дур, гавҳарлари билан ҳамманинг ҳавасини келтириб, курортнинг эркаси бўлиб юришади. Ҳикоячи ҳам аввалига бу икки дилбар аёлни хайрихоҳлик билан тасвирлайди. Аммо, кейинроқ, бу аёллар ҳаётда меҳнаткаш, мушфик, фидойи Маърифат опанинг ўрнига қолганлигини билгач, қаттиқ изтиробга тушади. «Лекин, бари бир, кўнглим хижил эди, — дейди ҳикоячи. — Аёлларга кўзим тушиши билан негадир гашим келарди. Назаримда, улар бошқа одамларни оёқ ости қилаётгандек, ўзгалардан ажралиб, ахлоқимизга эриш туюлган мешчанча таннозлик билан кун кечираётгандек кўринишарди кўзимга».

Ҳикоячимиз курортдан қайтгач, кундалик ишга қатлиб, санаторийда кўрганларини унута бошлайди. Аммо ҳаёт уни яна Даврон Бакировичга учраштиради. Устозини ночор аҳволда кўриб, шундай ўйларга берилади: «Кимнингдир кўнглида зебу зийнат, айшу ишрат хирси аланга олса, у ерда инсоф, одамгарчилик кас ўрнида ёниб, кимларнидир ўз ўпқонига тортиши турган гап». Аммо, яхшики, ҳикоячимиз ҳаётга аралашмай, уни узоқдан кузатувчи — мушоҳадачи файласуфлигича қолиб кетмайди. Энди у сайрибоғ қушларни эслатувчи, ташқаридан гўзал, лекин маънавияти пуч ва хунук, аммо ўзларини жамиятимизнинг гуллари деб ҳисоблайдиган айрим кимсаларни рад этади ва Даврон аканинг ҳамма ҳавас қилган пайтларини, Маърифат опанинг фидойилигини ҳаёлида ардоқлаб яшайди. Шундай қилиб, воқеаларга самимий муносабатини билдирувчи ҳикоячи ҳам фаол қахрамон даражасига кўтарилди.

Ёзувчининг ижтимоий ҳаётнинг турли қатламларини бадий тадқиқ этиш соҳасидаги ижодий дадиллигини бошқа ҳикояларида ҳам кўриш мумкин. Одатда ахлоқий мавзуларга бағишланган ҳикояларнинг воқеалари асосан оила даврасида юз берар, бир оила аъзолари (ота, она, эр, хотин, ака-ука, фарзандлар)нинг феъл-атворлари, характерлари ва уларнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиған қисматлари кўрсатилар эди. Уктам Усмоновнинг юқорида тилга олинган «Нотинч кеча», «Яна келган бахт», «Аёл», «Сирли соҳил» ҳикояларида шу ҳолни кузатамиз. Буларга яна қўшимча қилиб «Икки кўнгли» ҳикоясини кўрсатиш мумкин. Унда ўзидан йигирма уч ёш кичик талаба қизга уйланган профессор Файзулла Умаровичнинг қисмати тасвирланади. Баъзилар, ҳаётда жуда кам учрайдиган бундай воқеа ҳикоя юқини кўтаролармикин, деб ўйлаши мумкин. Аммо ҳикоя учун замин бўлган воқеа ёки қахрамоннинг ҳаётда кам ё кўп учраши ҳал қилувчи масала эмас. Ана шу воқеа ижтимоий ҳаётнинг бирор муҳим ҳодисаси даражасига кўтарилганми, ҳаётда

кам учрайдиган қахрамоннинг характери, руҳий олами, кечинмалари яхши очилганми ёки йўқми — асосий гап мана шунда. Чунончи, Стефан Цвейгнинг «Ваҳима» (Нурбек таржимасида «Изтироб») ҳикоясида яхшигина эри бор гўзал аёлнинг, энг қизиғи, енгилтак бўлмаган, эсли-хушли гўзал аёлнинг тасодифан ўзига хуштор орттириш воқеаси жуда нозик қилиб тасвирланган. Бундай ишларни бир-икки қилиб юрмаган покиза аёл ўзини дўзахга тушаётгандай ҳис этади. Аммо, бари бир, кўнгли бўшлиқ қилади. Хуштори, машҳур скрипкачини бошқа аёл билан ҳамдам бўлганини кўргач, «Сени деб ўзимни ўтга уриб юрибманми, бу кунимдан ўлганим яхши» деб, алтгадан заҳар олади. Хотинининг изтиробларидан хабар топган эр сира ваҳима кўтармай, нозик фаҳм-фаросат билан уни ўлимдан сақлаб қолади. Стефан Цвейгнинг бу ҳикоясида (бошқа кўпчилик ҳикояларида ҳам) ана шундай тасодифий воқеалар кўп учрайди. Шунга қарамай, бу ҳикояларда инсон руҳиятининг нозик товланишлари жуда теран тасвирлангани учун улар жаҳон адабиёти хазинасига кирган. Уктам Усмоновнинг «Икки кўнгил» ҳикоясида ҳам ҳаётда кам учрайдиган воқеа қаламга олинганга қарамай, қахрамонларнинг руҳий ҳолатлари яхши очилган. Ҳикояда профессор Файзулла Бозорович нега элик ёшга чиққунча уйланмаганлиги сабаблари муаллифни қизиқтиради. Сўнг талаба қиз Барнонинг ўзи тенги йигитнинг севгисига парвосиз қараш, онасининг далилларига ишонishi кўрсатилади. Ҳикояда термизлик йигитнинг севгиси ҳақида фақат маълумот бериб ўтилади. Аслида бу воқеага теранроқ қаралса, ҳикоянинг ижтимоий маъно қуввати кучайиши турган гап эди. Чунки, яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи оналар ўз фарзандларини узоқ областларга келинликка беришга осонлик билан рози бўлишмайди, бу оналик меҳридан келиб чиқадиган табиий ҳол. Бунинг устига, улар куёвларининг яхши, мард, софдил одам бўлишидан кўра, бой-бадавлат бўлишни хоҳлайдилар. Афсуски, бу хислат ҳозир бошқа жойлардаги оналарга ҳам тарқалаяпти. Хуллас, ёзувчи муаммонинг бу томонига эътибор бермайди. Уни асосан қари куёв билан ёш келин муносабатлари қизиқтиради. Бу асар мавзу жиҳатидан Абдулла Қаҳҳорнинг «Тўйда аза» ҳикоясини эслатади. Аммо унда воқеа ҳажвий бўёқларда тасвирланган бўлса, бу ерда ёзувчи жиддий реалистик йўлдан боради.

Қари куёв ёш келинни хурсанд қилиш учун Қримнинг жанубий соҳилидаги санаторийга олиб боради. Сайр-саёҳатлар пайтида кекса куёв хато иш қилганлигини пайқай бошлайди. Охири ёш хотинига тенг келаман, деб инсультга учрайди ва касалхонага тушиб қолади. Ҳикояда муҳим маънавий-ахлоқий масалалар самимият билан тасвирланган.

Аммо Уктам Усмоновнинг шундай ҳикоялари борки, улар ахлоқ, оила мавзуида бўлса ҳам, жамиятимизда учраган айрим жиддий иллатларни фош этишга қаратилган. «Номус» ҳикоясининг қаҳрамони профессор Бозор Ҳамроевич зиммасига жуда оғир вазифа юклатилган. Институтларнинг дархоналарида ва маҳалладаги тўй-ҳашамларда ҳаммага ҳалол яшашдан насиҳат

қилиб келган йирик олимнинг ўз ўғли аблаҳ бўлиб чиқади. У хотини, болалари бўлатуриб, талаба қизнинг бошини айлантириб, номусини ўғирлайди. Ҳаммага намуна бўлган бахтиёр, оиланинг тинч сувиға биров тош отгандай, бир кунда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб, осойишталик барҳам топади. Ҳикояда ёзувчи бир-бирига ўхшамаган турли характердаги одамларнинг манфаатларини тўқнаштириб, қадам-бақадам ҳақиқатни аниқлай бошлайди. Профессорнинг хотини Иқболхон ўзини ва эрини жамиятнинг хўжайинларидан деб билади, у истаса ҳамма нарсани, хатто бировларнинг ор-номусини ҳам бемалол пулга сотиб олиш мумкин, деб ўйлайди. Иқболхоннинг бундай хатти-ҳаракатлари оналик меҳрининг одамгарчиликдан ажралган хунук қирралари сифатида намоён бўлади. У ўғли Фаррухни уруш йиллари қийинчилик билан ўстирган. Ҳа, ўстирган, лекин тарбия қилмаган. Отаси фронтдан қайтгач, илму истеъдоди туйфайли жамиятда катта мавқе топади. Аммо илму фанни деб, у ҳам фарзанди тарбияси билан иши бўлмайди. Оқибатда хунук воқеа юз беради. Ҳикоя сюжети бошидан охиригача профессор Бозор Ҳамроевичнинг жабрдийда қизнинг отаси ҳузурига бориш учун йўлда кетаётган пайтидаги ўйларидан иборат. Тўғри, Бозор Ҳамроевич жамиятда каттароқ мавқени эгаллаб, бошқаларни оёқ ости қилиб яшовчи баъзи кимсаларга ўхшамайди. У фарзанднинг жиноятини заррача бўлсаям оқламайди. У виждонли одам, лекин чорасиз аҳволга тушиб қолади. У ўзини аямайди, ўзига шафқатсизларча талабчан. Аммо фарзандидан яхши одам бўлишни талаб қилмаган. Фарзанди Фаррух эса отасининг обрўйига, молу давлатига ишониб, бировнинг қизини йўлдан урган. Уктам Усмонов ҳикоясида асосий айбдор Фаррух асар марказига қўйилмайди. Асарда бош қаҳрамон — мана шу ижтимоий ҳодисанинг ўзи. Ёзувчи бу ҳодисанинг сабабларини чуқур таҳлил қилишга интилади. Бир қарашда профессор Ҳамроевда айб йўқдай туюлади. У бутун умр машаққат билан, ҳалол меҳнати туйфайли мартабаларга эришган. Жамиятимиздаги ҳамма одамларнинг ҳалол яшашини истайди. Лекин ота-оналарининг машаққатли ҳаётидан, ҳалол меҳнатидан ибрат олиш ўрнига уларнинг соддалигидан кулагидан, текинхўрлик билан фаровон яшашни кўзлайдиган ёшлар ҳам, афсуски, оз эмас. Бу ёшларнинг шундай маънавий қашшоқ бўлиб қолишига ким айбдор? Фаррух маънавий қашшоқ бўлмаса, ўзида ор-номус бўлса, бировнинг ифратини ўғирлармиди? Жамиятда обрў-эътиборни, мавқени, ҳурмат-муҳаббатни, шон-шухратни ҳалол меҳнат ўрнига эгри йўллар билан топишга интилиш каби иллатларга қарши энди ваъз-насиҳат йўли билан курашиб бўлмайди. Бу иллатларга қонун йўли билан зарба бериш керак. Ҳикояда ана шу руҳ яққол сезилади.

Афсуски, кейинги вақтларда одамгарчилик нималигини билмайдиган, фақат буйруқ билан иш тутадиган, тўғриси, ўзининг ақлини заррача ишлатмайдиган темиртан кишилар тоифаси пайдо бўлди. Улар яхши инсонларнинг нозик дилини вайрон қилиб, завқланишади. Уктам Усмонов «Мактаб деразаси» ҳикоясида ана шундай робот одамларни кўрсатади. Мактабнинг робота

деразаларини бир кунда артиш қийинлигини важ қилган бир бошлиқ уларни тез синдириб, ўрнига янги ойна солишга буйруқ беради. Давлатнинг неча минг сўмлик бойлиги совурилиши билан буларнинг иши йўқ. Эсингизда бўлса, Сайёрнинг «Чинор» ҳикоясида ҳам минг йиллик дарахтни кесиб ташламоқчи бўлган бир тўда робот одамлар қиёфаси яхши кўрсатилган эди. «Мактаб деразаси» ҳам, «Чинор» ҳам ана шу юраксиз ва ақлсиз югурдакларнинг қулоғига қаттиқ тарсаки бўлиб урилиб, уларнинг кўзларини очишга хизмат қилади.

Шу тариқа, «Номус», «Мактаб деразаси» ҳикоялари бизни оила, мактаб чегарасидан олиб чиқиб, кенг ижтимоий муаммолар сари етаклайди. «Бировга қолган кунинг» ҳикояси ҳам «Номус»га яқин туради. Ҳатто реалистик услуб жиҳатидан эса ундан баркамолроқ. Райижроком раиснинг муовини Фаттоҳ Улмасбоев ҳузурига келган одамларнинг дард-ҳасратини эшитавериш, дийдаси қотиб қолган. Уларнинг ҳаммаси раҳбарнинг кўзига омадсиз, ношуд, ёмон одамлар бўлиб кўринади. Улмасбоев уларнинг дардини енгиллатиш ўрнига қўполик билан ранжитиб чиқаради. Экканингни ўрасан, дегандай, ўзи оғир дардга чалиниб, касалхонага тушиб қолади. Унинг раҳбарлигини ҳисобга олиб, алоҳида шароитлар яратиш

беришса ҳам, дарди енгиллашмайди. Кўзига ҳамма врачлар ҳам лоқайд, ношуд одамлар бўлиб кўринади. Энди у ҳамма нарсадан умидини узиб, ўлимини пойлаб ётади. Езувчи Фаттоҳ Улмасбоев характери тайёр ҳолда тасвирламайди, унинг яхши раҳбардан ёмон раҳбарга айланиши эволюциясини кўрсатади. У, бошқа баъзиларга ўхшаб, порахўрлик қилмайди, мол-дунё йиғмайди, ойлик маошига яшайди. Лекин негадир узок йиллар муовинликда ўтириб қолади. Усмайди. Лекин шундай масъул жойда ишлаб, кўпчиликка яхшилик қилиш қўлидан келатуриб, хайрли ишлар қилмаслик ҳам ёмонда. Хуллас, Уктам Усмоновнинг бу қаҳрамони ҳаётда кўп учрайдиган, аммо ҳали адабиётимизда етарли ифодасини топмаган ижтимоий тоифага мансуб. Аслида райижроком муовини бўлмаса ҳеч кимни қизиқтирмайдиган бу одам ҳикояда характер сифатида ҳам, ижтимоий тоифа вакили — тип сифатида ҳам қизиқарли тасвирланган.

Уктам Усмонов ҳикоячиликдай мураккаб, сув ва ҳаводай зарур соҳада ҳам бараклари ижод этиб келаяпти. Биз унга уйқусиз тунлар, янги-янги ҳаяжон, илҳом тилаймиз.

Маҳкам МАҲМУДОВ,
филология фанлари кандидати

Камолот пиллапоялари

Адабиётимиз майдонида 30 йилдан ортиқроқ хизмат қилиб келаётган, Жуманиёз Жабборов шеър ва дostonлари, драма ва таржималари билан ўқувчиларга танилган заҳматқаш, лекин камсуқум ижодкорлардан бири. Унинг илк шеърлари матбуотда 1950 йилда пайдо бўлган, илк тўплами эса 1953 йилда босилган эди. Оралиқ вақтда у юзлаб шеърлар, қатор поэмалар эълон қилди. Драматик асарлар эди. Қардошлар ижодидан, жаҳон классикасидан таржималар қилди. Истеъдодли шоир ва драматург, нозик дидли таржимон сифатида танилди. Яқинда унинг икки жилдлик асарлари босмадан чиқди. Таниқли ижодкор асарларининг бир қадар тўла ва мукамал мазкур нашри муаллиф ижодининг муайян босқичини озми-кўпми яқунлайди ва у ҳақда кенгроқ фикр юритиш, айрим умумлашма ва хулосалар чиқариш имконини беради.

Икки жилдликда асосий ўринни шеърлар эгаллайди. Дарҳақиқат, Жуманиёз Жабборов кўпроқ шеърлари билан таниқли. Унинг дилқаш, серзавқ қўшиқларини, ўйчан, мулоҳаза ва муҳокамага бой шеърларини ўқувчилар яхши биладилар. Атоқли шоиримиз Миртемир бир муносабат билан шундай ёзган эди: «Эркин, Абдулла, Жамол Камол, Ҳусниддин, Баротбек ва Муҳаммад Али ҳам улардан сал улугроқ бўлган Жуманиёзнинг шеърларини мириқиб, завқ билан, рози бўлиб ўқийсан, хурсанд бўласан».

Ҳақиқатан ҳам Жуманиёз Жабборовнинг талай шеърлари бугунги поэзиямизнинг «мириқиб», «завқ билан» ўқиладиган сирасига қиради. Шоир меҳнати ва азму шижоати билан элни янада фаровон, юртни эса обод этаётган ва шу жараёнда ўзи ҳам мукамаллашиб бораётган замондошларимизнинг бунёдкорликларини ўз кўзи билан кўриш ва кўрсатишга уринади.

Инсон — табиат фарзанди. Бу — азалий ҳақиқат. Шунинг учун ҳам унга сир-саноат билан тўла борлиқ-мавжудот бегона эмас. Булоқдаги сувнинг оҳиста қалқишидан уммонлардаги тўлқиннинг асов галаёнигача тақир даштнинг саратондаги заъфар манзарасидан сўлим баҳордаги ранглар жилвасигача унга ошна. У моддий оламнинг бир зарраси сифатида ўзининг бетимсол мутаносибликда яралган она табиатга мансублигини ҳаммиша ҳис этади. Унинг ҳаммиша кўркам ва мусаффо, бегард ва беуқс бўлишини табиатдаги масъулияти олдингисидан баландроқ. Жуманиёз Жабборов шеърлари орасида табиат тасвирига бағишланганлари анча. Лекин табиат ҳам конкрет тушунча, албатта. Ҳар бир шоир унга мурожаат қиларкан, қалбига яқин муайян бўлаги, лаҳзасини танлаб олади. Жуманиёз Жабборовнинг ёшлиги Қарши даштининг қоқ ўртасидаги Пўлқтида кечди. Бинобарин, кенгликнинг шоир ижодида образ даражасига кўтарилиши «Сайланма»даги сўзбоши муаллифи Иброҳим Ғафуров қайд этганидек, бежиз эмас. Шоир

¹ Ж. Жаббаров. Сайланма. Икки жилдлик. Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 1981.

бепоён даштнинг эрта баҳорини таъриф этганда, лолақизғалдоқлар базмидан оҳиста чайқалган беҳудуд кенгликлар кўзингизни яшнатиб юборгандек бўлади. Чучмома ва кўзигулларнинг ёқимли, майин ҳиди димоғингизни қитиқлайди. Кўклам нафасидан маст дуркун кўзичоқларнинг ўйноқи, жаранг овози эшитилиб кетади.

Баҳор кечалари эса янада тароватли. Анвойи кўкат хиди борлиқни қоплаб олади. Овул ва отарлардан сизга беиҳоя таниш сут хиди таралади. Бироқ табиат кўксига ғулгула солувчи ҳамал ойи тугаб-тугамай, офтоб зарбига олади. Чўл унинг қаршисида ожиз ва улугвор сукутга чўкади. Қарши чўли асрлар бўйи мана шундай тақдир измида келди. Эҳтимол, табиат қонунлари жиҳатидан бунда маълум бир мутаносиблик бордир. Лекин шоир жамият фарзанди сифатида чўлнинг бундай қисмати билан чиқиша олмайди. Табиат гўзаллиги унинг гултожи инсон манфаати, олижаноб интилишлари нуқтаи назаридан талқин қилинади. Шу сабабли шоирга эл меҳнатининг самараси бўлган, унга ризқу рўз берувчи «офтобга солинган духоба»дек «мавжлан»ган, «товлан»ган «майсалар» кўпроқ завқ беради. Унингча, табиат гўзаллиги инсон қалби гўзаллигидан биргина заррадир. Бу қалб назокатда гул япроғидан нозикроқ, салобатда Помир тоғидан ортиқроқ. Шу сабабли чўл бағрида бўлаётган буюк ўзгаришлар, шаддо Амунинг жиловланиб даштга етакланиши шоирга бир олам қувонч бағишлайди. «Ложувард сохилда маҳлиб» тураркан, Қарши даштига сув келтиришдек «энг саркаш хаёл»ни рўёбга чиқарган «Совет замони»га, «Улуғ партия»га шараф-шон ўқийди. Шундай қутлуғ диёрга, бунёдкор халққа фарзандлигидан ифтихор этади.

**Нимдон чакмонингни елқадан ташлаб,
Баҳоринг либосинг кийиб чик, даштим.
Алпдай ғурурланиб, келиндай яшнаб,
Сур бугун мусаффо тўлқинлар гаштин.
Асрий чанқоқликка ва чарчоқликка
Сўнг нуқта қўяроқ ўйноқлаб тикка —
Қарши воҳасига сув келаётир,
Аму келаётир!**

(«Сув келаётир»)

Дарҳақиқат, фақат социалистик тузумгина табиат ва жамият муносабатларини ўзаро ҳамкор ва ҳамдаст асосларга қура олади. Биргина Мирзаҷўл ёки Қарши воҳасинигина эмас, бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистонни янада кўркам, обод, элни эса фаровон қилиш режаларини дадил кўтара олади. Ва бунинг илмий-техник ҳисоб-китобидан табиат ҳамда жамият мутаносиблиги билан боғлиқ масалаларгача, оқибатларигача кенг ва атрофлича муҳокамага қўя олади.

Жонажон дашт тақдири, ундаги кишиларнинг ташвиш ва қувончлари Жуманиёз Жабборов шеъриятидаги доимий ҳамроҳ оҳанглардандир. Бу — табиий ҳол. Лекин яна бир ҳақиқат аниқки, чинакам шоир ҳеч қачон биргина туғилган юрти ташвишлари билан яшамайди. Шу сабабли Жуманиёз ака вояга етган гўзал Тошкент, дилбар Фарғона, кўҳна Хоразм — ҳамма-ҳаммаси унга дилбанд. Унинг деразаси «Кремль юлдузларига рўбарў». Буюк Октябрь унга СССРдек муаззам ватанга фаранд бўлишдек бахт насиб этди. Бу юрт шундай бепоёнки, унинг бир четида тонг отаётганда, иккинчи четида кун боғаётган бўлади. Унинг бағрида бир йилнинг тўрт фаслини ҳам қуватиш мумкин. Бу шундай эътиборли юртки, уни бутун прогрессив инсоният ўзига сарват билади. Унда кишилик жамиятининг асрий орзу-идеаллари, «энг саркаш хаёл»лари ҳақиқатга айланмоқда. Мана шундай ватандан ифтихор ва шукрона, уни янада яшнатиш, томондошларини баркамол этиш туйғуси Жуманиёз Жабборов шеърларининг энг кучли томонини ташкил қилади. Шу маънода унинг шеърлари юсак гражданлик руҳи билан, чинакам коммунистик эътиқод билан йўғрилган шеърлардир. Шу сабабли шоир дунёда юз бераётган воқеаларга бепарқ қараб тура олмайди. Аср байроқдори бўлган коммунист сифатида Африкадаги ҳурлик учун курашаётган «чақин дилларнинг дарду мардлиги» ўзини «шерик» ҳисоблайди («Африка алангаси»). «Инқилоб минбарларидан Ленин шиорларин ҳайқирган», унинг ғояларига камарбаста бўлган Димитровни «устод» деб атайди («Димитров мақбарасида»). Гоҳ Абу Заабалда, гоҳо Сонгмида Бухенвальд фожияларини кумсаб қолган космик аср ваҳшийларидан бизни огоҳ қилади («Бухенвальд»). Калькуттадаги «риксичоқ»ни кўнглига яқин тутайди («Калькутта кечаси»). Шу тариқа унинг шеърларида, бир томондан, куррамиз кўксига қарор топаётган абадий баҳор нашъасидан мамнун бўлгани иккинчи томондан эса, кўздаги ёшдай қалқиб турган жаҳон учун унинг икболи учун ўзини масъул тутган лирик қаҳрамон — коммунист шоирнинг бой маънавий дунёси намён бўлади. Дарвоқе, шоирнинг шеърият олдига қўйган талаби ва масъулияти унинг шеърларидаги бу муҳим жиҳатларни англашга ёрдам беради.

Шоирнинг вазифаси табиатнигина куйлашдан иборат эмас. У гўзал табиатга муносиб ва мувофиқ инсонни, «ўт қалбли пўлат қўл ватандошларнинг меҳнат-муҳаббатини» ҳам куйламоғи, сўйламоғи лозим. Бу унинг «буюк бурчи». У «ўтли сўз» билан кишилар юрагида ўт ёқмоғи керак. Шоир бу гапни 1956 йилда айтган эди. 60-йилларда эса шеърнинг қудратли восита эканлигига диққатни қаратади. Фикрнинг қамровини кенг олади. Халқлар, мамлакатлар миқсига кўчиради. Бутун ер курриси бағрида азалий кураш — эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адоват ўртасидаги жангга буради. Уни даврнинг шиддати, зарбкор руҳи билан боғлайди. Заминнинг байроқдори бўлган совет кишининг, коммунистнинг ундан четда туришга ҳаққи йўқ деб билади. Бинобарин:

Қаламинг — қуролинг пок бўлсин зангдан,
 Шуни талаб этар Ватан, халқимиз.
 Шеър керакки,
 Нондай азиз бўлсин у,
 Саратонда сувдай чанқоқ қондирсин.
 Шеър керак, қўлларда у бўлсин байроқ,
 Таҳ-батаҳ кўтарсин диллар кўригин.
 Шеър — эрмак эмасдир, қудратли яроғ,
 Адо этсин виждон ва давр йўригин.

(«Тонгдаги ҳислар»)

«Адабиёт» ҳамиша «абадиёт» билан ёнма-ён юради. Унинг рутбаси шу қадар улуғ. Шоирлик, бу — ҳамиша уйғоқ виждон билан яшамоқ. Оламдаги заррача ноҳақлик унда момақалдироқдек акс-садо беради. Шоир кўнгилдаги энг пинҳон сирни билиши мумкин бўлган ягона махрам. Шоирлик — Прометей фидойилиги. Унинг ватани туғилган уйдан инсоният аталмиш яхлит бир вужуд қароргоҳи курраи замингача. Заррадан қўёшга қадар унинг тинсиз нигоҳида. Унинг ташвишлари гўдакнинг йиғисидан нейтрон ларзасигача. Шунинг учун ҳам севинч ва ғам, қувонч ва малол унга доимо йўлдош. «Шоир» шеъри кишида шундай хаёллар кўзгайди.

У мана шундай бениҳоя пок ва олижаноб ният билан дунёга дунёвий, инсонга инсоний тилаклар тилайди:

Қўйчибон яйловда, лочин самода,
 Денгизчи уммонда бўлсин саломат.
 Келинлар ёрларин кутсин маъвода,
 Тилаб бир-бирига соғлиқ ва омад.
 Сувлар тоза бўлсин, нонлар мўл бўлсин,
 Она Ер ҳавоси бўлсин бегубор.
 Яхшига кўз тиккан ёниб кул бўлсин,
 Боғимиздан сира кетмасин баҳор.
 Мардлик — мангуликни мадҳ этсин қалам,
 Яшасин саодат, йўқолсин алам!

(«Ният»)

Жуманиёз Жабборов истеъдоди табиатига кўра ижтимоий-эстетик идеалини асосан ҳаётнинг нурли томонларини тасдиқлаш орқали ифода этувчи ижодкорлардан. Ундаги ёруғ, олижаноб туйғулар турмушдаги мавжуд покизалик ва бокираликни теран ҳис қилиш замирида туғилади. Шу сабабли унда ҳамиша тасдиқ ва таъриф биринчи ўринда туради. Лекин бу шоир ижодидаги услубий хусусиятигина бўлиб, ҳаётдаги иллат ва камчиликларни танқид ва инкор этишга мутлақо халақит бермайди.

Классик шеъриятга ошнолик, ундаги башарий фикрлардан, образ ва ифодадан завқ ҳамда озиқ олиш, умуман тарих бағридаги нурлардан бахрамандик Жуманиёз Жабборов шеърларида хусусият даражасига кўтарилади. У арузни яхши ҳис қилади. Ҳазаллари анча мукамал. Назира ва мухаммаслари қаноат ва мамнунлик ҳосил қилади. Унда классик поэтика арсеналидан фойдаланиш, масалан, ҳатто талмеҳ аталмиш санъат — бирор машҳур воқеа, рамзи айланган шахсга ишора орқали муайян фикрни англатиш кабилар тез-тез учрайди. Кўҳна тарихга кўз ташлаганда, унинг бугун билан боғлиқ нуқталарини яхши илғайди. Тожмаҳал мўъжизасида, Шохизинда обидасида дилларнинг мухрланган муҳаббатини кўради. Бобир абадитини шеъриятдан излайди. Фан ва маданият даҳоларини асрлар тафаккурини бир-бирига уловчи ҳалқалар сифатида талқин қилади. Тарихий мавзу унда ҳамиша бугунги давр масалалари билан теран боғланган бўлади.

Жуманиёз Жабборов «Гулшан», «Сахро санами», «Она Ер қўшиғи» «Тоғлар садоси», «Йўлдаги ўйлар», «Қишлоқдаги ҳайкал», «Толлимаржон достони» каби йирик асарлари билан ўзбек поэмачилиги ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиб келаётган шоирдир. Поэзиянинг эътиборли билимдонларидан Озод Шарафиддинов «Лirik поэма» мақоласида партияимизнинг XX съезидан кейинги 4—5 йиллик давр ичида майдонга келган асарлар ҳақида фикр юритар экан, шоирнинг «Она Ер қўшиғи»ни адабиётимизда жиддий ҳодиса деб атаса бўладиган» поэмалар қаторига киритган, «Гулшан»даги «психологик мураккаб ситуация»га алоҳида диққатни қаратган эди. Таниқли адабиётшунос Салоҳиддин Мамажонов эса «Қишлоқдаги ҳайкал»ни 70-йиллар поэмачилигининг «мавзу доираси, нигоҳи, қамрови кенгаётганлиги»га далил сифатида келтиради. Мехли Сафаров «Чўлдаги ўйлар» достонидаги оригиналликни таъкидлаган ҳолда, уни шоир ижодидагина эмас, умуман ўзбек дostonчилигида «янгилик» деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, Жуманиёз Жабборов ўз поэмаларида бой ва сермазмун социалистик воқелигимизни бутун ранг-баранглиги билан ифодалаш, замондошларимизнинг тўлақонли образларини яратишда кўзга кўринарли ютуқларни қўлга киритмоқда. Шаклий, услубий изланишларда муваффақиятли тажрибалар ўтказмоқда. У уруш туфайли севганидан ажралиб қолган оддий қишлоқ қизи, пахтакор Гулшаннинг иккинчи муҳаббат қаршисидаги мураккаб, изгиробли кечинмаларини тасвир этганда ҳам, Моцарт ва Сальбернинг азалий баҳсини эсга туширувчи Саттор — Қаршибоев («Тоғлар садоси»), Зайниддин — Самандбек («Муҳаббат наққоши») муносабатларини қаламга олганда ҳам ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолишга уринади. Ва яна муҳими, буларнинг ҳаммасида

самимият бўртиб туради. Шу жиҳатдан Озод Шарафиддиновнинг бундан 20 йил олдинги «Автор поэмада «мен» орқали ўз туйғуларини, ўз ниятларини ифодалар экан, ҳамма ўринда бу туйғуларнинг табиийлигига эришади. Биз поэманинг бирон жойида ҳам зўрма-зўракиликни, кучаниб айтилган гапни кўрмаймиз» деган ва биргина «Тоғлар садоси» муносабати билан билдирган фикри муаллифнинг кейинги йирик асарларига ҳам мос тушади ва бинобарин ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмасдан келади.

Жуманийэ Жабборовнинг драматик асарлари, хусусан, «Ўжарлар» музикали комедияси ўзбек драматургиясини тематик жиҳатдангина эмас, бу соҳанинг кўзга кўринган мутахассиси Ҳафиз Абдусаматов таъкидлаганидек, қурилиш соҳасида Озодаҳонга ўхшаш янгича типдаги хотин-қизлар образини яратганлиги билан ҳам бу жанрни бойитди.

Буларнинг ҳаммаси Жуманийэ Жабборовнинг бугунги адабиётимиз тараққиётида ўзига хос ўрни бор эканлигини яна бир марта таъкидлайди ва шоир асарларининг икки жилдлиги ижодини кенг ва атрофлича тадқиқ этиш ва бу орқали ҳозирги адабий-бадиий жараён ҳақида ҳам муайян мулоҳазалар билдириш учун муҳим материаллар бера олишига бизни ишонттиради.

Бегали ҚОСИМОВ,
филология фанлари кандидати

Эртақчилик анъаналари

Худойберган Эгамов, «Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилиги анъаналари алоқалари тарихидан очерклар». «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1982.

Ўрта Осиё халқлари оғзаки ижоди асарларини тўплаш, уларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш борасида сўнгги йилларда жиддий тадқиқот ишлари юзага келмоқда. Айниқса, туркий халқлар фольклорига доир эпик жанрларнинг назарий ва методологик масалаларини ёритишга бағишланган илмий ишлар ҳамда монографиялар диққатга сазовордир. Профессор Н. Маллаев, Қ. Мақсетов, М. Саидов ҳамда Т. Мирзаев, С. Турсунов, С. Қасқабасов, Б. Саримсоқов, К. Имомовларнинг тадқиқотлари халқ оғзаки ижоди, хусусан, дoston ва эртақларга хос айрим муаммоларини у ёки бу халқ тарихига боғлиқ ҳолда ўрганилиши билан ажралиб туради.

Бироқ туркий халқлар фольклори эпик жанрлари, анъаналари, айниқса эртақларнинг типологик хусусияти ва ўзига хослиги, сюжет ҳамда образларининг генезиси, ранг-баранглигини тарихий-қиёсий жиҳатдан регионал ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотлар юзага келганча йўқ эди. Чунки ҳар бир миллий маданият, шу жумладан, фольклор жанрлари ҳам ўз тараққиёти жараёнида бошқа қардош халқлар маданияти, оғзаки ижодидан баҳраманд бўлади. Шунинг учун ҳам фольклор асарлари мазкур халқларнинг ҳаёти, тарихи урф-одатлари, психологияси назаридан, умумий ва миллий ўзига хосликлари эътироф этилган ҳолда, мавжуд фольклор анъаналари билан боғлаб тадқиқ этилиши зарур. Бу мураккаб жараён тадқиқотчидан туркий халқларнинг тарихи, психологияси, этнографияси, ва тилларини яхши билишни, уларнинг мада-

ний юксалиш босқичлари, фольклори тараққиётини эса бир-бирини камситмаган ҳолда умумий ва ўзига хос томонларини тўғри кўрсатишни тақозо этади. Эндиликда республикамызда бундай муҳим масалаларга дадил қўл уриб, ўзига хос бир тарзда халқ қилишга уринаётган ёш тадқиқотчилар сафи кенгаймоқда. Илмий жамоатчилик эътиборини тортаётган ана шундай тадқиқотчилардан бири филология фанлари кандидати, доцент Худойберган Эгамовдир. У бир неча йиллардан бери туркий халқлар эртақларини тарихий-типологик жиҳатдан ўрганиш борасида тадқиқот олиб бормоқда. Туркий халқлар оғзаки ижодига қизиқиб, фольклористика фани эришган ютуқларни ва туркий халқлар тилларини қўнт билан ўрганиш натижасида муаллиф эртақшуносликнинг айрим масалаларига оид «Поэтик асарлар тилини ўрганиш» (1973), «Ранг-баранг олам» (1979), «Сайёр сюжетлар» (1980) каби китоблар, шунингдек, ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ тилларида қатор мақолалар чоп эттирди. Бу рисодалар ва мақолалар мутахассислар томонидан илиқ кутиб олинди, матбуотда яхши баҳоланди. Ниҳоят, ёш олим бу борадаги ишларини умумлаштириб, «Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилиги анъаналари алоқалари тарихидан очерклар» номли кенг қўламдаги ишини якунига етказди. Муаллиф бу ишни амалга ошириш жараёнида Б. Н. Путилов, Х. Кўрўғли, И. Мегрелидзе, С. Қориев, Қ. Мақсетов каби мутахассис олимлар билан мулоқотда бўлди. У эртақ жанрини ўрганаётган экан, бу ҳақда махсус ёки бирор муносабат орқали фикр билдирган В. Н. Жирмунский, Е. М. Мелетинский, Б. Н. Путилов, В. П. Аникин каби совет олимлари, шунингдек Х. Т. Зарифов, М. Аvezов, М. А. Сакали, М. Афзалов, М. Саидов, Т. Мирзаев, А. Набиев, С. Қасқабасов, К. Имомов, Қ. Мамбетназаров каби Ўрта Осиё республикалари олимларининг асарларини кенг қўламда таҳлил этади, ютуқ ва камчиликларини

хोलисона баҳолайди ва тегишли хулоса чиқаради. Асарда ўзбек эртаклари туркман, қозок, озарбайжон, қорақалпоқ, қирғиз халқ эртаклари билан қиёслаб таҳлил қилинади. Муаллиф миф, фантастика ва тўқималарнинг эртакларни вужудга келишидаги роли, миллий эртакчилик анъаналарининг форма ва методлари, поэтик хусусиятлари ҳақида асосли фикр юритади.

Миллий эртакчилик анъаналарининг шаклланиши, айни пайтда ўзаро ҳамкорликни ҳам англатади. Бу ҳодиса бир неча асарларни қамраб оладиган жараёндир. Эртаклардаги кўҳна сюжет, мотивлар шу даражада «маҳаллийлашиб» кетадики, уларнинг ўзга халқдан қабул қилинганлигини гапиришнинг ўзи бир қадар эриш туюлади, Урта Осиё халқлари этник яқинлиги, улар яратган халқ озаки ижодининг эса жамяят социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий раванқига бевосита алоқадорлиги масаласи китобда тўғри ёритилган. Олим ўз асарида ижтимоий-иқтисодий турмушнинг бир хил кечганлиги, дунёқарши ва психологиясидаги умумийлик туфайли туркий халқлар фольклори асарларида, хусусан эртакларда ўхшаш сюжет, мотив, образлар юзага келганлигини ҳамда сеҳрли-фантастик эртакларнинг ўзгарувчанлик табнати, муайян тарихий-географик шароит, миллий, маданий муҳитнинг таъсири туфайли уларда ўзига хос миллий хусусиятлар ҳам пайдо бўлганлигини исботлашга интилади.

Масаланинг бундай кенг ва жиддий қўйилиши сабаби шундаки, сеҳрли фантастик эртаклар туркий халқлар эртак эпосининг ажралмас таркибий қисми сифатида қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганилмаган эди. Шу боисдан ҳам тадқиқотчи ўзбек эртаклари ҳақида ёки қозок, туркман, қорақалпоқ эртаклари тўғрисида сўз юртаркан, масалага умуминсонийлик ва миллий ўзига хослик нуқтаи назаридан ёндашади.

Х. Эгамов асарнинг «Совет шарқи туркий халқлари фольклори эпик жанрлари типологияси ва алоқалари тарихидан» деб номлаган биринчи бобида эртак ва дoston жанрлари мисолида туркий халқлар эпик анъаналари, эртакона тасвир услубининг умумийлиги ва ўзига хослиги ҳақида, эртакларни тўплаш ва илмий ўрганишнинг форма ва методлари борасида фикр юритади.

Муаллиф эртакларнинг ҳар бир турига хос бўлган ички хусусият аниқ бир таъриф ва тасниф ҳанузгача яратилмаганлигини уқтиради. Шу борада у рус, совет фольклоршунослари В. Я. Пропп, Л. Я. Померанцева, В. П. Аникин, Е. М. Мелетинский, Б. П. Кирдан, Б. Н. Путилов ва Урта Осиё олимларининг эртаклар таснифи ва таърифи ҳақидаги тадқиқотлари муҳим назарий ва методологик қимматга эга бўлганлигига қарамай, уларни туркий халқлар эпик жанрига, жумладан ўзбек эртакларига тўла татбиқ этиб бўлмашлигини айтади.

Х. Эгамов шунинг назарда тутилган ҳолда Европа, рус, совет фольклористикасида эртак эпосининг ҳанузгача барчига маълум бўлган учта: ҳайвойлар ҳақидаги, сатирик, сеҳрли-фантастик каби таснифи қўлланилиб келишини таъкидлайди. Бу терминология шартли бўлиб, унда кўпгина чалқашликлар мавжуд. Жумладан, сеҳрли эртакларда кўпгина маиший, реалистик элементлар,

ҳажвий эртакларда уйдирма воқеалар, ҳайвойлар ҳақидаги эртакларда фантастик ва маиший проблемалар мавжудлиги хусусида муаллиф тўғри фикр юритади.

Х. Эгамов туркий халқлар эртакларини ўз ички қонуниятлари асосида тасниф этади ва асослаб беришга интилади. Бу йўл халқ эртакларининг эстетик қимматини, миллий ва интернационал хусусиятларини тўғри очиб беришда жуда муҳимдир.

Х. Эгамов китобнинг «Сеҳрли-фантастик эртаклар сюжетларининг ранг-баранглиги ва туркий халқлар эртакчилик анъаналарининг бирлиги» номли бобида туркий халқлар эртаклари сюжет ва мотивларининг бойлиги, шунингдек, соф миллий ҳамда интернационал хусусиятлари ҳақида кенг фактик материал асосида фикр юритади. Диққатга сазовор томони шундаки, автор мотивларни вазифасига кўра тасниф қилиб, уларнинг янгиликларини алоҳида ном билан атайди. Бир халқ (масалан, ўзбек) эртакларидаги бир хил ўхшаш мотивларни — ички типологик ўхшашликлар, бир неча халқлар (масалан, ўзбек, туркман, озарбайжон, қорақалпоқ, қозок ёки монгол, эрон, славян халқлари) эртакларидаги ўхшаш мотивларни эса ташқи типологик ўхшашликлар, деб номлашни тавсия этади. Масалан, «Вулбулигўё», «Миср подшоши», «Вадал қароқчи» каби ўзбек эртакларидаги ички ўхшаш мотивларни — монотив мотивлар деб, қозоқ эртаги «Қора уйрек», туркман эртаги «Подшонинг уч ўғли», озарбайжон эртаги «Малик Мамад», қорақалпоқ эртаги «Уч оғайни йигит», ўзбек эртаги «Кенжа ботир»лардаги худди шундай ўхшаш мотивларни эса интертип мотивлар термини билан номлаши ва уларнинг атамасига аниқлик киритиши олимнинг эртакларни чуқур таҳлил қилганлигини кўрсатади. Шунингдек, автор туркий халқлар сеҳрли-фантастик эртаклари мотивларини рус фольклоршунослигида унумли фойдаланилаётган структурал-типологик метод асосида қиёсий ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, уни тадқиқот ишларида кенг қўллашни тавсия этадики, бундай изланиш масалага янгича ёндашиш сифатида диққатга сазовордир.

Айниқса, авторнинг Совет Шарқи туркий халқлари эртакларидаги умумий ва фарқли томонларни аниқлаб, уларнинг типологик хусусиятларини кўрсатиши, шу асосда мазкур халқлар эртакларидаги персонажлар ва предметлар кўрсаткичини тузганлиги ва уни ушбу китобда илова тарзида бериши ишнинг диққатга сазовор томонларидан биридир. Тўғри, монографиянинг барча бобларини ҳажми, услуби ва чиқарилган хусосалари жиҳатдан баравар деб бўлмайди. Айрим ўринда умумтуркий халқлар фольклорига оид хусусиятлар ўзбек халқ эртакларига айнан нисбат берилди.

Автор эртаклар поэтикасида турғун қоидалар бўлишини эътиборга олмайди. Эртаклардаги эпизод ва мотивлар асрлар давомида активлашади ёки пассивлашади, ўзгаришда бўлади, деб қарайди. Шунингдек, тадқиқотда эртакларнинг мифлар, қўшиқ, ривоятлар билан алоқасига кам эътибор берилган. Урта Осиё халқлари эртаклари Яқин Урта Шарқ ҳамда Олтой, Сибирь халқлари билан қиёсланса, архив материалларига кўпроқ эътибор берилса, мазкур

тадқиқот бойиған бўларди. Айрим бобларда таҳлил талаб ва мунозарали сатрлар ҳам учрайди. Бироқ фольклор жанрларини типологик ўрганиш энди бошланаётганлигини, автор ўз тадқиқотида кўтарган масалаларнинг деярли аксариятига жавоб тошганлигини назарда тутуб, мазкур илмий асар

туркий халқлар эртақларини қиёсий-типологик тадқиқ этиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб айта оламиз.

Малик МУРОДОВ,
филология фанлари доктори
Ғайрат ЖАЛОЛОВ,

филология фанлари кандидати, доцент

Тил тарихини жонлантирган китоб

Олим Усмонов, Шафиқ Ҳамидов.
Ўзбек тили лексикаси тарихидан.
«Фан» нашриёти. Тошкент, 1981.

Ўн тўққизинчи асрнинг охири ва йигирманчи аср боши ҳозирги ўзбек адабий тили лугат бойлиги ривожланишида катта роль ўйнади. Кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек классик адабий тилини демократлаштириш жараёни бу даврга келиб янада кучайди. Ўзбек демократик адабиёти вакиллари ўз асарларида китобий адабий тил лексикаси билан бир қаторда халқ оғзаки сўзлашув тили воситаларига ҳам тез-тез мурожаат қила бошлади. Ўзбек тилида вақтلىқ матбуот — аввал газета, кейинчалик журналлар нашр этилиши ўзбек адабий услубининг шаклланиши учун қулай шарт-шароитни вужудга келтирди. Адабий тил доирасида бу услубнинг қарор топиши янги қатлам — ижтимоий-сиёсий термин ва сўзлар лексик қатламининг тез суръатлар билан ўсиб боришига йўл очди. Бу лексик қатламнинг бойишида, умуман ўзбек адабий тилининг XIX аср иккинчи ярмидан кейинги тараққиётида рус тилидан, рус тили орқали бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошидаги ўзбек тили сўз бойлигини ўрганиш тилшунослик фани учун ғоят муҳим масала эканлигини кўрсатади.

Бу муаммо бир неча марта тилшуносларнинг диққатини ўзига тортиди. Таниқли олим А. К. Боровков «Ўзбек адабий тили 1905—1917 йилларда» номли йирик асар ёзди. А. Шомақсудов Муқимий ҳажвиёти, А. Аҳмедов Фурқат шерьятининг тили бўйича кандидатлик диссертациялари ҳимоя қилишди. Бу тадқиқотларда мазкур давр ўзбек адабий тили лугат бойлигининг маълум томонлари ёритилди. Бироқ ушбу мавзуга бағишланган илмий ишларнинг биронтасида ҳам XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги ўзбек адабий тилида содир бўлган ўзгаришлар тўла ўрганилгани йўқ.

Яқинда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти филология фанлари кандидати, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Олим Усмонов билан илмий ходим Шафиқ Ҳамидовнинг «Ўзбек тили лексикаси тарихидан» номли асарини чоп этди. Қарийб 26 босма табакдан иборат бу улкан асар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги ўзбек тили лугати таркибида юз берган ўзгаришларни, хусусан рус тилининг ўзбек тили тараққиётига

кўрсатган таъсирини ёритиш масаласига бағишланган; у ушбу мавзуга бағишланган бошқа илмий асарлардан мукамаллиги ва материалга бойлиги билан ажралиб туради.

Асар муқаддимасидан маълум бўлишича, тадқиқот учун материал қарийб бир аср давомида яратилган бадий асарлар, қўлёзма манбалар, Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар чиққан газета ва журналлар, турли ёзишма ва расмий ҳужжатлардан олинган.

Асарнинг лугат қисмини муаллифлар «гlossарий» деб аташган. Ўзбек тилшунослигида сўнги йилларда қўллана бошланган бу ифода асарда изоҳланган лугавий материал характери жуда тўғри ифода этади. «Ўзбек тили лексикаси тарихидан» асарида XIX аср охири ва XX аср бошида ўзбек тилида ишлатилган сўзларнинг ҳаммаси эмас, балки бир қисми, яъни ўзбек тилида янгидан пайдо бўлган, қўлланиш доираси чегараланган ёки янги маънода қўллана бошлаган сўзларгина берилган.

Тўпланган материални талқин этиш, изоҳлаш жараёнида муаллифлар қатор муаммоларга дуч келгани сезилиб турибди. Ана шундай муаммолардан бири — рус тилидан ёки рус тили орқали бошқа тиллардан олинган сўзларнинг маъноларини изоҳлаш масаласидир. Агар бундай сўзларнинг маънолари асл нусха асосидагина изоҳланса, ўзлашма сўзлар талқини гимназия — гимназия, патрул — патрул тарзида оддий тақрордан иборат бўлиб, мазкур ўзлашмалар ўша даврда ўзбеклар онгида нималар билан боғлангани, қандай тушунчалар билан муносабатга киришгани очилмай қолади. Шунинг учун муаллифлар ўзлашма сўзлар маъноларини уларнинг ўша даврдаги ўзбекча тавсифлари асосида изоҳлашга ҳаракат қилиб, тўғри йўл тутишган. Юқорида келтирилган ўзлашма сўзларнинг маънолари «гlossарий»да «гимназия деган мадраса, мадраса-гимназия», «патрул, яъни қоровул сарбоз» тарзида изоҳланган. Асар муаллифлари ўзлашма сўзларнинг асл манбаи, яъни уларнинг бевосита қайси тилдан олингани ҳақида маълумот беришни ҳам эсдан чиқаришмаган. Масалан, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбекча манбаларда учраган **камитет**, **кангрис** сўзлари бевосита рус тилидан, бу сўзларнинг **қўмити**, **қўнгира** шакллари бевосита озарбайжон ёки турк тилидан олингани кўрсатилган.

Ўзлашма сўзларнинг бундай талқин этилиши XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек тилига бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш жараёни қандай йўсинда содир бўлганини аниқроқ гавдалантириш имконини берган.

Бу китобнинг муҳим фазилатларидан яна бири шуки, унда изоҳланган сўз ёки терминнинг маъносини ёки фонетик вариантыни тасдиқлаш учун ўша даврнинг турли босма ва қўлёзма манбаларидан олинган мисоллар хронологик тартибда келтирилган. Бу эса изоҳланаётган сўз ёки терминнинг маъно ёки фонетик ўзлашиш жараёнини, унинг ўзбек тили луғат таркибига сингиш жараёнини аниқроқ гавдалантиришга имкон берган. Масалан, асарда институт сўзига келтирилган мисоллардан маълум бўлишича, бу сўз XIX асрнинг охириларига мансуб ўзбекча манбаларда «институт деган мадраса», «институт деган мактабхона» тарзида маълум изоҳлар билан биргаликда учраса, XX асрнинг бошларига оид ўзбекча манбаларда у одат тусига кирган сўзлар каби изоҳсиз, якка ҳолда учрайди: «Умумтуркистон учун институт очилмоқ қарор берилмиш» гапида ишлатилгани каби.

Ўзбек тили доирасида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида юз берган ўзгаришлар муайян йўл-йўриқсиз, стихияли равишда амалга ошгани илмий адабиётда бир неча марта қайд этилди. (Ю. Д. Дешерев. Закономерности развития и взаимодествия языков в советском обществе. М., 1966, стр. 119.) Бу ўзгаришларнинг стихияли характери маълум тушунчаларни ифодаловчи маъно жиҳатидан мос сўзларнинг кўпайиб кетишида, рус ва бошқа тиллардан олинган сўзларнинг хилма-хил фонетик шаклда берилишида намоён бўлди. Муаллифлар буларнинг ҳаммасини «глоссарий»да имкон борича тўла акс эттиришга ҳаракат қилишган. Масалан, русча станция сўзи XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги ўзбекча манбаларда **истанса, истансия, станса** каби шаклларда, русча солдат сўзи саллот, салдат каби шаклларда, русча ярмарка сўзи **ярмарка, ёрмонка, ярминка, ярминка** бозори каби кўринишларда учрайди. «Глоссарий»да бу вариантларнинг ҳаммаси қайд этилган. Бу хилдаги сўзларнинг фонетик томондан унификациялашуви ва турғунлик касб этиши ўзбек тили тараққиётининг кейинги даврида содир бўлган.

Асарда келтирилган ўзлашма сўзларнинг анча қисми асл нусхага яқинлиги билан ажралиб туради. Масалан, **бульвар, доска, депутат, дипломат, капитал, паргня** типидagi сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашувида фонетик хилма-хиллик деярли кузатилмаган.

Ўзбек тили луғат таркибига мансуб сўзларнинг рус тили таъсири остида терминологик маъно касб этиши, ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида янги-янги термин ва сўзлар ясалишига оид материаллар «глоссарий»дан анча кенг ўрин олган. Масалан, **ишчи, ишчилар синфи, элчи, элчихона, тинтув, тергов, терговчи** типидagi сўзлар бўйича келтирилган материал XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида қарор топган тарихий вазият ва рус тили таъсири остида ўзбек тили ички ва ташқи имкониятлар ҳисобига қандай бойиб борганлигини яққол кўрсатади. Ўзбек тилига форс-тожик ва араб тилларидан ўзлашган сўзларнинг янги маъно ва янги контекстда қўлланиши бўйича келтирилган материал тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин.

Асар айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Муаллифлар рус ва бошқа тиллардан олинган ўзлашма сўзлар билан бир қаторда маълум маъно ўзгаришларига учраган ўзбекча сўзларни ҳам «глоссарий»га киритишгани юқорида кўрсатилди. Лекин бундай ўзгаришга учраган ўзбекча сўзларни чегаралаш, танлаш принциплари муаллифлар томонидан охиригача ўйлаб кўрилмаганга ўхшайди. Масалан, «глоссарий»да **ишчи, ишчилар синфи, иш ташламоқ** сўзлари берилган, лекин **иш сўзи** берилмаган.

Сўз ўзлаштиришда юз берган товуш ўзгаришлари асарда анча тўла акс эттирилган. Лекин ўзлашма сўзларнинг мазмунида юз берган ўзгаришлар масаласига етарли эътибор қилинмаган.

Асарнинг номи уч хил тахрирда берилган. Муқовада «Ўзбек тили лексикаси тарихидан», титулда «Ўзбек тили лексикаси тарихидан материаллар (XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошлари), русча таржимаси «Из истории лексики узбекского языка (вторая половина XIX, начало XX вв.)». Такризчилардан О. А. Азизов, СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси дейилган, аслида у — СССР Педагогика фанлари академияси мухбир аъзоси.

Камчиликлардан қатъи назар, О. Усмонов билан Ш. Ҳамидовнинг «Ўзбек тили лексикаси тарихидан» номли асари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги ўзбек тили сўз бойлигини илмий ўрганишга қўшилган жиддий ҳиссадир.

Иристой ҚУЧҚОРТОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ҳамкорлик

Ильгиз Асфандияров. Русский язык в Узбекистане в условиях развития социализма. Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1982.

Ривожланган социализм шароитида мамлакатимиз халқлари тилларининг ўзаро таъсири ва бир-бирларини бойитиб бориши, рус ва миллий тиллар ўртасидаги икки томонлама таъсирнинг янада ривожланиши каби масалаларни

ўрганиш совет тилшунослигининг муҳим проблемаларидан бири бўлиб қолмоқда.

И. У. Асфандияровнинг яқинда УзССР «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган китоби ана шундай масалаларга бағишланган йирик тадқиқотдир. Унда ҳозирги Ўзбекистон шароитида рус тилининг вази-фаси, ўзбек тилининг ривожланиши ва бойиб боришидаги ҳиссаси, рус ва ўзбек тиллари ўртасида бўлаётган икки томонлама таъсир масалалари бой материаллар асосида ёритилган.

Совет даврида ўзбек тили, муаллиф таъ-

кидлаганидек, социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг характери, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси ҳамда рус тилининг таъсири туфайли янада ривожланди. Советлар мамлакатидagi турли халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши натижасида миллатлараро алоқа воситасига эҳтиёж туғилди, бу вазифа рус тили зиммасига юклатилди. Масалан, биргина Ўзбекистонда яшаётган юздан ортиқ миллат ва халқ вакиллари бир-бирлари билан рус тили орқали фикр алмашдилар. Рус ва миллий тиллар асосидаги икки тиллиликни юзага келтирувчи омиллар китобда кенг ёритилган.

И. У. Асфандиёровнинг тадқиқотида бу масалалар асосан лексика ва сўз ясалиши доирасида ёритилган. Китобнинг иккинчи ва учинчи бобларида шу хусусда гап боради. Иккинчи бобда лексик ўзлашмалар масаласи кўрилган. Бу бобнинг биринчи бўлимида ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган сўзлар тахлил қилинган.

Ўзбек тилига ўзлашган русча-интернационал сўзлар кўпдан бери тадқиқот объекти бўлиб келади. Бир қатор ишларда вақтли матбуот материаллари асосида ўзбек тили лексикаси таркибидagi русча-интернационал сўзларнинг процент нисбати ҳам аниқланди. Шунга қарамай, русча-интернационал лексик ўзлашмалар соҳасида ҳали етарли даражада ўрганилмаган масалалар кўп. Буни И. У. Асфандиёровнинг тадқиқоти яна бир бор тасдиқлайди. Жумладан, авторнинг русча-интернационал сўзлар миқдори аниқлаш билан бирга, уларнинг сифатига, ўзбек тилидаги вазифаси ва семантикасига ҳам эътибор бериш кераклиги ҳақидаги фикри диққатга сазовордир. Масалан, унинг аниқлашича, ўзбек тилига ўзлашган бир қатор русча-интернационал сўзларнинг маъноси торайган бўлса, баъзи бирларининг маъноси кенгайган. Қиёсланг: рус тилида уч хил маънони ифодаловчи **демократия** сўзи ўзбек тилида икки маънода («бошқариш формаси», «бошқариш принциплари»), рус тилида уч хил маънони ифодаловчи **дистанция** сўзи ўзбек тилида бир маънода («оралиқ» маъносида) қўлланади. Аксинча, рус тилида биргина маънога эга бўлган **самовар** сўзи ўзбек тилида икки маънода қўлланади («чай қайнатиш учун белгиланган буюм», «чайхона»).

Рус тилининг таъсири натижасида **жихоз**, **нисбат**, **омбор**, **бозор** каби сўзларда янги терминологик маънолар юзага келгани, рус ва ўзбек тилларининг баробар иштироки билан пайдо бўлган **арматурачи** (арматурщик), **активлик** (активность), **активлаш** (активизация), **музикали** (музыкальный), **автокорхона** (автопредприятие), **киносаяхатчи** (кинопутешественник), **механик-ҳайдовчи** (механик-водитель), **темир-бетон** (железобетон) типидagi ярим калькалар каби масалаларга ҳам тадқиқотчи алоҳида эътибор берган.

Ўзбекча ва русча-интернационал сўзлардан ҳосил бўлувчи **гурух** — **группа**, **режа** — **план**, **кўргазма** — **выставка**, **Зухра** — **Венера**, **талаба** — **студент**, **асаб** — **нерв**, **мавзу** — **тема** типидagi синоним сўзлар масаласида тилшунослар ўртасида ҳозиргача бирлик йўқ. Бу масалада биз тадқиқотчининг позициясини маъқуллаймиз. Унинг таъкидлашича, бундай сўзларнинг ҳар иккаласи ҳам

тилда яшаши керак. Чунки булар қўлланилиши, маъно бўёқлари ва бошқа томонлари билан бири иккинчисининг ўрнини босолмайди. Авторнинг бу борадаги фикрлари ва хулосалари бой материаллар билан асослаб берилган.

Шу бобнинг иккинчи бўлимида рус тилидаги ўзбекча лексик ўзлашмалар тадқиқ қилинган. Рус тилига туркий тиллардан сўз ўзлаштирилиши узоқ тарихга эга бўлиб, бу масалани ўрганиш ҳам маълум анъанага эга. И. У. Асфандиёровнинг тадқиқотида эса миллий республика ва областларда рус ва миллий икки тиллилик жараёни ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда рус тилига миллий тиллардан сўз ўзлаштириш ва рус тили лексикасининг бойиб боришида миллий тилларнинг иштироки масаласи ёритилган.

И. У. Асфандиёров тадқиқот учун материал тўплашда Ўзбекистонда рус тилида нашр қилинаётган республика ва област газеталарига, рус тилида олиб борилаётган республика радиоэшиштириш ва телевидение кўрсатувларига, марказий матбуот, радио ва телевидение материалларига, Ўзбекистонда ижод этаётган рус ёзувчиларининг ҳамда ўзбек ёзувчиларининг Москвада нашр қилинган асарларига, ҳар хил тилдаги лугатларга мурожаат қилган. Бу ҳол муаллифга рус тилидаги ўзбекча лексик ўзлашмаларни атрофлича тахлил қилишга имкон берган, хулосаларнинг асосли бўлишини таъминлаган.

Рус тилидаги ўзбекча лексик ўзлашмалар, китобда кўрсатилишича, хилма-хил гуруҳлардан иборат бўлиб, буларнинг ҳаммаси ҳозирги Ўзбекистоннинг маданий, иқтисодий ва ҳўжалик хусусиятларини ифодаловчи қатламни ташкил этади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи буларни, келиб чиқishi жиҳатидан қайси тилга алоқадор бўлишидан қатъи назар, рус тилига ўзбек тилидан ўзлашган сўзлар сифатида қараган.

Рус тилида қўлланаётган айрим ўзбекча сўзлар икки хил кўринишга эга. Булардан бир гуруҳасини рус тилида эквиваленти бўлмаган сўзлар ташкил этади (**манты**, **гузапоя**, **кусак**, **нарын** каби). Бундай сўзлар рус тилига таржима қилинмайди. Ўзлашмаларнинг иккинчи гуруҳасини ташкил этувчи (**кетмень**, **дувал**, **арык** каби) сўзлар маҳаллий шароит билан боғлиқ бўлган миллий колоритни ифодалайди. Шунинг учун уларни ҳам рус тилига таржимасиз берилиши маъқул. И. У. Асфандиёровнинг кузатишлари ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Қўлланиши маълум регион билан чегараланган жуда кўплаб сўзларнинг кейинги вақтларда умумрус тилига ўзлашиб бораётгани ва бу ҳол ривожланган социализм шароитида қонуний жараён эканлигини муаллиф ўзбек тили мисолида кўрсатиб берган.

Китобнинг навбатдаги бобида русча-интернационал лексик ўзлашмалардан ўзбекча аффикслар ёрдамида янги сўзлар ясалиши ҳамда русча ва ўзбекча сўзлар иштирокида қўшма сўзлар ҳосил бўлиши масаласи кўрилган. Тадқиқотнинг кузатишига кўра, русча-интернационал сўзлардан янги сўз ясашда қирққа яқин ўзбекча аффикс қатнашади (буларнинг бир қисмини форсчатожиқча ва арабча аффикслар ташкил этади). Русча-интернационал сўзлардан ян-

ги сўзлар ясашда иштирок этиши натижасида **-чи, -ла, -ли, -сиз, -лик, -ча, -соз, -шунос** каби бир қатор аффикслар яна ҳам активлашган, функцияси кенгайгандир. Масалан, **-чи** аффикси ўзбек тилида шахс оти ясаш вазифасини бажаради. Русча-интернационал сўзлар доирасида эса бу аффикснинг маълум бир ишни, жараёни бажарувчи машина, қурол маъносини билдирадиган сўзлар ясаш функцияси ҳам юзага келган. **бензозаправкachi** (бензозаправщик), **бомбардимончи** (бомбардировщик), **корректловчи** (самолет-корректировщик) каби.

Китобда ўзбекча аффикслар ёрдамида русча-интернационал лексик ўзлашмалардан янги сўз ясаш йўллари бундай сўзларнинг маънолари атрофлича таҳлил қилинган. Ўзбекча ва русча сўзлар иштирокида қўшма сўзлар ҳосил бўлиши масаласи ҳам янги материаллар асосида ёритилган.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими ўзбекча сўзларга русча ясовчи формантлар қўшилиши билан сўз ясалиши масаласига бағишланган бўлиб, бу процесснинг ҳозирги рус тилидаги барча кўринишлари фактик материаллар асосида таҳлил қилинган.

Китобнинг тўртинчи бобида рус тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан рус тилига ўзлашган сўзлар табиқида юз берадиган морфологик ва фонетик-орфографик ўзгаришлар ҳақида гапирилган ва буларнинг сабаблари изоҳлаб берилган.

Китобнинг бешинчи бобида рус ва ўзбек тилларига қабул қилинган сўзларни ўзлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида гап боради (132-152-бетлар). Ўзбек тилида **экспериментал** ва **эксперименталь**, **техник-иқтисодий** ва **техникавий-иқтисодий** типидagi сўзлар ва сўз бирикмаларининг ёзилишида бир хилликни таъминлаш зарурлиги, **лифтчи-лифтер**, **лифтчилик-лифтерлик**, **спортчи-спортсмен**, **тренерчи-тренер**, **агрохимия-агрохимё** каби дублет шаклларнинг қўлланишини тартибга тушириш лозимлиги ҳақидаги мулоҳазалар ва таклифлар ўринли. Рус тилига ўзбек

тилидан ўтган сўзларни ўзлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан ҳам олим қизиқарли кузатишлар олиб борган ва муҳим хулосалар чиқарган.


Китобда баъзи бир ноаниқликлар, жузъий нуқсонлар ҳам бор. Жумладан, рус тилидаги лексик ўзлашмалар республиканинг маданий, иқтисодий ва хўжалик хусусиятларини ифодаловчи лексик қатламни ташкил этади. Шунинг учун ҳам муаллиф буларни этимологиясидан қатъи назар ўзбек тилидан ўзлашган сўзлар сифатида қарайди. Бу тўғри; албатта. Лекин баъзан бундан истисно бўладиган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, тадқиқотчининг рус тилидаги **падишах** сўзи ўзбек тилидаги **подшоҳ** сўзининг элентеза йўли билан ўзлашган формасидир (129-бет), деган фикри ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки бу сўз форс тилига алоқадор бўлиб, шу тилнинг ўзила **падишах** (подешоҳ) кўринишида қўлланади. Шундай экан, бу сўз рус тилига шу формада ўзбек тилидан эмас, балки форс тилидан ўзлашган бўлади.

Олимнинг «чужой», «посторонный» маъносигаги **бегона** сўзи туркий **бек** («правитель», «господин») сўзига форсча **-она** аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган (**бек — она бегона**), деган фикри тўғри эмас. **Бегона** сўзи асли форсий бўлиб, унинг туркий **бек** сўзига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Китобда такрорлар, манбалардан керагидан ортиқча мисоллар келтирилган ўринлар ҳам бор.

Бу хилдаги жузъий нуқсонлар китобнинг ижобий баҳоланишига ҳалақит бермайди. Китобнинг маъсул муҳаррири, СССР ФА мужбир аъзоси Ф. П. Филиннинг кириш сўзида таъкидланганидек, И. У. Асфандиёровнинг ушбу монографияси ривожланган социализм шароитида рус тили билан СССРдаги миллий тилларнинг ўзаро муносабати ва бир-бирларини бойитиб бориши қонуний жараён эканини намоён қилувчи жиддий илмий тадқиқотдир.

Шамсуддин ШУКУРОВ,
филология фанлари доктори



Ҳожиакбар
Шайхов

ОЛМОС ЖИЛОСИ

Илмий-фантастик қисса

«Қора туйнук»лар хусусида шу нарса маълумки, улар ҳақида умуман ҳеч нарса маълум эмас.

(Халқаро астрономик конгрессдаги маърузадан)

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

Ниҳоят, ишлар битди, энди у бемалол дам олиши мумкин. Тўғри, Азизов ухламоқчи эмас эди. Асабларни қақшатовчи шундай оғир ишдан кейин дарров ухлай қолишига кўзи ҳам етмасди. У фақат ўз каютасида дам олиб ётмоқчи ва бугун бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир хаёл тарозисига солиб чиқмоқчи эди, холос. Бироқ ўзи ҳам кутмаган ҳолда ҳеч қандай туш кўрмасдан роппа-роса олти соат ухлади.

Уни ҳеч ким безовта қилмади. Афтидан, улар қутқарган ва кейинги икки йил давомида илк марта тўла хавфсизликка эришган «Позитрон»нинг экипажи ҳам уйқу оғушида эди.

Азизов кўзларини очди, туриб кетмоқчи бўлди-ю, лекин беихтиёр юмшоқ каравотида пича ўтириб қолди. Кўксини аллақандай илиқ ва майин ҳислар чулғаб олганди. Узинг қутқарган ҳамкасб дўстларингнинг қўшни каюталарда сен билан ёнма-ён мириқиб хуррак отиши нақадар лаззат бахш этади кишига!

Азизов бўшашиб коридорга чиқди, кенг иллюминатор орқали ташқарига тикилди. Пастда Реянинг қорамтир-қизғиш баркаши аллақандай салобат касб этиб сузиб бормоқда эди. Хўш, наҳотки сайёрада ноорганик ҳаёт топилган бўлса? Эки бу қандайдир ўзига хос физикавий, ё кимёвий жараёнмикин? Эртадан улар батафсил тадқиқот ишларига киришишади. Ҳозир уларга фақат осойишталик керак. Рея, Годво ва космос ҳақида ҳам бир оғиз гап бўлмаслиги лозим, вассалом. У қувноқ кайфиятда ҳуштак чалганча, Марказий пулт жойлашган хонага кирди. Бу ерда Шаҳбоз Муродов навбатчилик қилаётганди. Ҳозирги навбатчилик оддий бир расмиятчиликдан бошқа нарса эмаслигини яхши тушунган Азизов Шаҳбозга яқинлашди, у ўтирилган пайтда елкасига дўстона қоқиб қўймоқчи бўлди-ю, лекин дарров ниятидан қайтди. Чунки йигитнинг чехраси ташвишли кўринди.

— Нима гап? — паст овозда сўради у гўё вужудида қолган жиндек уйқуни сирқитиб чиқариб ташламоқчидай елкасини асабий учуриб.

— Шошилиңч космограмма, командир. Ҳозиргина қабул қилиб олдим.

Азизов космограммани қўлига олди-да, ҳайратдан кўзлари катта-катта очилиб кетди:

«Олмос» фазо кемаси, Азизовга.

Дарҳол Ерга учишга ҳозирлик кўринг. Қўшимча кўрсатмамиз етиб бориши билан старт олишингиз керак.

Ер, Космик Марказ. Бородкин».

Азизов ўйга толди. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку! Е Радий Артурович эски улфатига шунчаки ҳазил қиляптими? Умуман, буни қандай тушунса бўлади? Ахир, улар аниқ режа асосида иш олиб боришаётганди-ку? Икки ойдан сўнг Ердан янги фазовий кема келиши кутилаётганди. Бу вақт ичида эса, Азизовнинг экипажи Пит Старкнинг командаси билан бирга Реяни тадқиқ этмоқчи... Кейин, умуман, «Ерга учишга ҳозирлик кўринг», дегани нимаси? Ахир «Олмос»да ўн бешта экспрессканал мавжудлиги, фазогирларнинг сони эса, қутқарилганлар билан бирга ўн еттита экани Ергагиларга беш қўлдай аён-ку? Йўқ, иккинчи кема келмасидан бурун Ерга қайтиш мумкин эмас. Пит Старк ва унинг одамлари қилган узлуксиз меҳнат-чи? Ахир, ниҳоясига етмаган тадқиқотлари-чи? Айниқса, қора тошлар — «қурт»ларнинг сири сирлигича қолаверадими?

Азизов эски одатига кўра, энгагини силади: қаттиқ интизомга ўрганган, ўзида масъулият ҳиссини мужассамлаган фазогир мантиқсиз буйруқ олганда, бунга қатъиян изох талаб қиларди.

— Балки бизнинг ахборотимизни улар нотўғри қабул қилишгандир? — мавҳум бир умид билан сўради у Шаҳбоздан. — Менимча, ерда ниманидир чалкаштириб юборишган.

— Бундай бўлиши мумкин эмас! — қатъий жавоб берди ёш фазогир. — Тўғри қабул қилганлари ҳақида, мана, космограмма ҳам юборишган.

Азизов хўрсинди.

— Яна бир бор алоқа боғлашга тўғри келади. Жин урсин, доим шу: қанчадан-қанча энергияни бекордан-бекорга сарфлаганимиз-сарфлаган! Майли, аппаратни ишга сол.

Космограммани у Ерга юборилган ҳар бир сўз — беҳисоб энергияга баробарлигини ҳисобга олган ҳолда, иложи борица мухтасар тузишга интилди. Энергия эҳтиёжлари эса «Олмос»да жуда оз қолган эди.

«Ер. Марказ. Бородкинга.

Ерга учолмайман. Иккинчи кемани кутяпман. У етиб келгунча, Реяни ўрганамиз. Келажак мақсадлари учун...

Азизов.»

Буни жўнатгач, командир ўзини анча босиб олиб, яна ўйга чўмди. Йўқ, бирор жиддий сабабсиз Ер бундай буйруқ бермаган бўларди. Азизов Бородкинни яхши билади. Уни ҳаддан зиёд эҳтиёткор деб бўлмайди. Айни пайтда... «Олмос» — аъло кема, техник жиҳати ҳам жуда маромида. Иккинчи юлдузкезар кема Реяга бор-йўғи икки ойдаёқ етиб келади. Космик миқёсларда бу жуда ҳам арзимаган муддат. Бу вақт ичида нима ҳам юз бериши мумкин, ахир?

— Балки иккинчи кемага бирор нима бўлгандир? — тахмин қилди Шаҳбоз худди фикрини уқиб олмоқчидай командирга синчков тикилиб.

— Кеманинг нима алоқаси бор! — қўлини силтади Азизов.

— Унда нима бўлиши мумкин?

— Мен ҳам шуни билмоқчиман-да!

Шу пайт таниш шиғиллаган овоз эшитилиб, алоқа қурилмаси ишга тушди. Бородкин янги хабар йўллаётганди.

Азизов товуш чиқариб ўқиди:

«Сизлар «Олмос»ни Реянинг тортиш зонасидан олиб чиқиб кетишингиз керак. Қуйидаги координатларга... — шу жойда қатор рақам ва белгилар ёзилди. — «Бўрон» кемаси билан учрашувга ҳозир бўлинглар. Уни кутиб олганингиздан кейин, экипажни икки кемага тақсимлаб, ўша заҳоти Ерга старт олишингиз шарт. Батафсилроқ маълумотларни кейинроқ жўнатамиш. Бородкин.»

Азизов жойида айланадиган курсига ўтириб, гоҳ у, гоҳ бу томонга чайқалганча салкам чорак соат сукут сақлади.

— Шаҳбоз! — деди у, ниҳоят, ёш фазогирга ҳорғин нигоҳ ташлаб. — Илтмос, бу ҳақда вақтинча ҳеч кимга индамай тур. Энди Питни чақир. Маслаҳатлашиб олайлик.

II

«Қора қурт»лар томонидан ғажиб ташланган «Позитрон» кемасининг командири Пит Старк сўнгги икки йил мобайнида ilk марта ўзига эрк берган, осуда уйқуга кетган эди. У туш кўрди. Бундай туш кўришни авваллари жуда истар, айни пайтда ундан жуда қўрқарди ҳам. У юлдузлардан она-Ер бағрига қайтаётган эмиш. Қуёшнинг ёрқин ва заррин нурларида чўмилаётган космодромда уларни одамлар ва гуллар денгизи кутиб олганмиш. Одамларнинг гушнуд чехралари ҳам, ёрқин ранглар ҳам гўё туманга чулгангандай эмиш. Фақат Лена билан болаларигина аниқ кўринармиш. Утган икки йил ичида хотини заррача ҳам ўзгармаганмиш ва бундан унинг кўнгли бир оз хижил бўлармиш. «Наҳотки, у айрилиқ йилларини қижрон азобсиз ўтказган бўлса?» деб ўйлармиш. Буни яна у ҳозирги замон косметикасига йўярмиш.

Пит унинг ялпиз ҳиди анқиб турган лабларидан қаттиқ ўпганмиш-да, ўзини фарзандлари — ўғли Артур ва қизи Алиса томон отганмиш.

У болаларининг бошларини меҳр билан кўксига босаркан, ўтган икки йилнинг бутун соғинчнини чинакамига ҳис қилганмиш.

... Кутилмаганда унинг кўз олдида янги манзара намоён бўлганмиш: гўё энди у Ерга қайтганидан буён бир неча кун ўтганмиш. Ҳали ҳам хотини ва болаларига яхши кўниқолмаган Пит Старк улар билан бирга ясси қора тошлар ётқизилган хилват тоғ йўлида очиқ автомобилда кетишаётганмиш. Кутилмаганда ҳайдовчи кескин сигнал берганмиш. «Нега сигнал беряпсан? — сўрармиш ундан Пит. — Йўлда ҳеч ким йўқ-ку? Ҳайдовчи галати илжайиб жавоб берганмиш:

«Олдимизда хавф бор, катта хавф бор!» Сўнг яна сигнални босганмиш. Шу чоқ Пит уйғониб кетди ва чақирув сигнали чалинаётганини англаб етгунига қадар кўзларини очганча бир неча дақиқа қимирламай ётди. Фаройиб тушидан олган таассуроти худди тумандай ёйила бошлаганига ачиниб, шахд ўрнидан турди ва қаюта эшигини очди.

Бўсағада Шаҳбоз турарди.

— Бизга нима хизмат бор, йигит? — сўради у.

— Кечиринг, командир. Олмос Азизович зудлик билан радиорубкага киришингизни сўради. Муҳим масала юзасидан гаплашмоқчи, шекилли. Пит спортчиларга хос чаққонлик билан ўзи яхши кўрайдиган иссиқ свитерини кийиб, бармоқларини тароқ қилиб сочларини тўғрилади-да, коридорга чиқди.

Азизов ретранслятор олдида ўйчан ҳолда тик турарди. Қўлларини орқасига чалиштирган, кучли бармоқлари асабий ўйнарди.

Питнинг қадам товушларини эшитиб, у орқасига ўтирилди ва курсига ишора қилиб:

— Кечир, оғайни, дам олишга ҳам қўймадим, — деди айбдор бир қиёфада.

— Ҳечкиси йўқ...

— Рубкага чақиртирганим учун ҳам узр. Тушунасанми, ҳар бир дақиқада Ердан шошилинч хабар келиб қолиши мумкин...

«Олмос» командири гапининг жиддий оҳанги Питни энди бутунлай ўзига келтирди.

— Ўйлашимча, мени бу ерга фақат кечирим сўраш учун чақиртирмагандирсан.

— Йўқ, — деди Азизов ва унга Ердан келган сўнгги хабарлар ҳақида батафсил гапириб берди.

Пит тажрибали фазогирлардан эди. Энг оғир вазиятларда фақатгина совуққонлик ва бардош эмас, юмор ҳиссини ҳам сақлаб қолишга қодир эди.

— Биласанми, Олмос, Марказдагиларнинг ҳаммасини ҳам ўта билагон деб аташ ҳақиқатдан узоқ гап, — тўнғиллади у. Пит шундай жиддий қиёфада гапирдики, Азизов беихтиёр жилмайишдан ўзини тия олмади. — Шаҳсан менда Ер билан тез орада учрашмасликка ҳеч қандай баҳона ҳам йўқ. Бироқ... жин урсин! Ҳамма нарсани бундоқ мантиқ тарозисига солиб, жиддий ўйлаб кўрсак дейман...

— Мен ҳам сени худди шу мақсадда чақиртирдим, — ҳамкасбининг фикрини қувватлади Азизов.

— «Бўрон» Реяга қачон етиб келади?

— Икки ойдан кейин, ўзинг ҳам биласан-ку буни.

— Агар биз Реянинг гравитацион майдонини ортда қолдириб, очиқ фазода изғийдиган бўлсак, бу ҳол бари бир «Бўрон»нинг вақтлуроқ етиб келишига ёрдам беролмайди, тўғрими?

— Жуда тўғри.

— Ҳазимиз... биргина кема билан Ергача етиб боролмаймиз. Чунки ҳаммамиз ўн етти кишимиз, ўтиш-экспресс камераларимиз эса ўн бешта. Истасак ҳам, истамасак ҳам «Бўрон»ни кутишга мажбурмиз. Шунга розимисан?

— Шу жойгача ҳаммаси мантиқ доирасида, — дея гапнинг давомини кутди Азизов.

— Энди бу ёғини эшит: икки ой очиқ фазода ғирт бекорчиликдан жинни бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Тасаввур қиляпсанми, бу — даҳшат-ку?! Нега энди биз «Бўрон»ни Реяда кутиб ололмаймиз? Бир неча қизиқ тажриба ўтказамиз, ҳаммасини мўлжаллаб қўйганман. Қарабсанки, вақт ҳам ўтади, фойдали иш ҳам қиламиз.

— Сенингча, буларга ақлим етмайdimи?

— Унда гап нимада, ахир?

— Мантиқ ўз йўлига, Пит, лекин буйруқ буйруқ-да.

— Агар буйруқ мантиққа зид бўлса-чи? — истехзоли кулимсиради Пит.

— Биз бундай деб қатъий айтолмаймиз: масаланинг моҳияти бизга қоронғи.

— Лекин гапни қанча айлантирма, бари бир «Бўрон» икки ойдан илгари келмайди.

Реянинг гравитацион майдонидан эса, биз икки-уч соатдаёқ чиқиб кета оламиз! — деди Пит.

«Позитрон»нинг собиқ командири гарчанд вазмин одам бўлса ҳам, баъзан қизишиб кетарди. Афтидан, ҳозир ҳам унинг асаблари таранглашиб, ўзини туюлмай қолганди.

— Сен нима дейсан билмадим-у, лекин бу — қип-қизил гўралик! Марказда кимдир ҳар эҳтимолга қарши ҳаддан зиёд эҳтиёткорлик кўрсатиш пайида бўляпти-ю, сен билан биз бу ёқда саргардон... Чеховнинг ҳикояси ёдингдами, ишқилиб бир нима юз бермаса гўрга эди, дегандай...

— Узингни бос, Пит, — илтимос қилди Азизов. — Уларни тушуниш қийин эмас. Ахир, бизнинг ҳаётимиз учун қайғуришяпти-да.

— Мен эса, ҳеч қандай хавф йўқ деяпман! Тўғри, «қора қурт»лар кемамизни ғажиб ташлашди. Бу ғайритабиий ҳол бошқа такрорланмади. Энди эса, «қора қурт»лар каламушлардан ҳам хавфсизроқ экани аён бўлди. Мен икки йил Реяда яшадим, икки йил! Яна икки ой қолишга ҳам розиман! Лекин фақат Реяда! «Бўрон»ни орбитада кутишни

истамайман, тушундингми, истамайман! Ишончим комилки, йигитлар ҳам бу фикримга қўшилишади. Биз — кўпчилигимиз!

— Нима ҳам дердим...— дея Азизов энди гап бошлаган эди, одатдаги майин гириллаш овози эшитилиб, алоқа қурилмаси яна ишга тушди.

Бугуннинг ўзидagina олинган учинчи хабар ҳамма нарсага аниқлик киритди: «Рея, «Олмос» кемаси. Азизов ва Старкка.

Бош Ҳисоблаш Ахборот Марказидан ҳозиргина олинган маълумотларга қараганда, Рея сайёрасига даҳлдур Годво планета буржи бирмунча вақт илгари «Оққуш — X — 3» юлдуз секторидаги кучли гравитацион массанинг таъсир майдонига кириб қолган. У ўз ҳаракат йўналишини ўзгартириб, мазкур юлдуз сари катта тезланишда учиб бормоқда. Информатор берган кўпёқлама маълумотлар бўйича, жами Годво планета буржи 300 йилдан сўнг гравитацион масса областига кириб боради. Қатор асослар бизга «Оққуш — X — 3» юлдуз секторида «қора туйнук» мавжуд, деган тахминга имкон беради.

Сизлар мазкур космограммани олишингиз биланоқ дарҳол барча ишларни тўхтатиб, Годвонинг тортиш майдонини холи қолдиришингиз ва «Бўрон» билан учрашиш учун фазонинг аввалдан белгиланган нуқтасига кўчиб ўтишингиз лозим.

Космик Марказ, Бородкин.»

— Ана холос!— деб хуштак чалиб юборди Пит Старк. Азизовнинг столи узлуксиз чертаётгани асабийлашаётганидан далолат берарди. Чинданам ҳозиргина олинган хабар уни саросимага солиб қўйди. Пит билан бу ҳақда қандай баҳс бошлашни ҳам билмасди.

— Мана сенга хушхабар!— столга мушт туширди Пит. Кейин ўтирган жойида қаддини ростлаб, бирдан ташвишли қиёфага кирди.— Олмос,— ботиний хавотирлик билан секин мурожаат қилди у,— демак, сайёрадаги ноорганик ҳаёт барҳам топар экан-да, а? Эҳ, аттанг...

— Валким... Валким...— паришонхотирлик билан жавоб берди Азизов.

— Бу қанақаси...— Пит бесўнақай қўлларини ёзди.— Ахир, бу антиқа, қолаверса, ўта ноёб ҳаёт шакли-ку!..

— Виламан, биламан!— Азизов Питга синчковлик билан тикилди.— Лекин фазода сайёра буржининг ҳаракатини ўзгартириш бизнинг қўлимиздан келмайди. Демак, буйруқни бажаришга мажбурмиз...

У «Ойнаи жаҳон» экрани олдига келиб, бир зум ўйчан қиёфада туриб қолди.

— Менга қара, Олмос,— хомуш гап бошлади Пит,— «қора қурт»ларнинг бир неча тоннасини ўзимиз билан бирга олиб кетсак... Кейинроқ бирор астероидга қўйиб юборармиз. Улар яшаб қолиши керак, ахир! Фан учун эса бутун бошли бир ҳазина-ку!

— Қани энди... яхши бўларди...— мингирлади Азизов ҳамон паришон бир ҳолда.

— Кемамизнинг хавфсизлиги ҳақида қайғурмасанг ҳам бўлади. Биз тошларни пластик қутиларга солиб, икки қават магнит майдони билан ўраб чиқамиз. Олмос, Олмос! Нималар деб гўлдираяпсан?

Азизов чиндан ҳам нималарнидир ўзича пичирлаётганди. Пит улардан «қора туйнук» деган сўзнигина ажратиб олди, холос.

Шу чоқ у Питга кескин ўгирилди, кўзларида аллақандай қувноқ учқун чақнаб кетгандай эди.

— Пит! Оғайни!.. Миямга бир фикр келди!— хитоб қилди у.

— Хўш-хўш?!

— «Бўрон»ни орқага қайтарамиз.

— Эсинг жойидами ўзи?

— Аввал гапимни эшит! Кейин кулаверасан. Хуллас, «Бўрон»ни қайтарамиз. «Олмос» Ерга ўн тўрт ёки ўн беш экипаж аъзоси билан қайтади. Икки ёки уч киши Реяда қолиб, «қора қурт»ларнинг энг кўп йиғилган жойини аниқлаймиз...

Пит курсидан ирғиб турди.

— Тушундим!— дея унинг гапини бўлди.— Ер бу пайтда «қора қурт»ларни ташишга мослашган бир неча кема тайёрлайди...

Пит мамнуният билан Азизовнинг қўлини қисди.

— Олмос! Йшавор! Қачондир «қора қурт»лар сенга хайкал ўрнатишади. Агар табиат уларга ақл ато қилган бўлса, албатта.

— Ҳечқиси йўқ, бизга бу ишнинг шон-шухрати ҳам етади,— ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Азизов.

Пит томоғини қириб, ўсиқ қошларини чимирди.

— Улгурармикинмиз? — сўради у шубҳаланиб.— Реянинг гравитацион тортиш кучи кун сайин ортиб боради. Икки-уч ойдан кейин кемаларимиз шу кучни енгиб уча олармикин?

— Ўйлашимча, уча олади. Реянинг ҳаракат тезлиги яқинда оша бошлаган. Дарвоқе, буни миямизни ачитиб ўтирмай, ЭҲМда ҳисоблаб кўрсак ҳам бўлади...

У дарров машинага зарур параметрларни киритди. Кўп ўтмай индикаторлар милтиллаб, таблода ҳисоб-китоб натижаси акс этди.

— Кўряпсанми, ҳали ихтиёримизда бир йилча вақт бор экан!..

— Агар ҳеч қандай фавқуллодда ҳодиса юз бермаса...

— Лекин икки-уч ойгача қўрқмасдан кафолат бериш мумкин. Аслини олганда, ҳали ҳаммасини бошқатдан аниқлаб чиқишимиз керак. Бугун бутун экипаж билан бирга ишга киришамиз...

Урага узоқ ва оғир жимлик чўкди. Иккала фазогир ҳам бир нарса ҳақида ўйга толган эди. Биринчи бўлиб Питнинг бардоши тугади.

— Ким қолади?— сўради у негадир овози хириллаб.

— Мен, — хотиржам жавоб берди Азизов.

— Нега энди сен қолишинг керак?

— ...

— Мен қолсам-чи?

— Бахслашишга ўрин йўқ, дўстим, — эътироз билдирди Азизов, — сен чарчагансан. Яхшилаб ҳордиқ чиқаришинг керак... Реяда мен қоламан. Сен эса, «Олмос»нинг командири сифатида Ерга жўнайсан.

Пит бошини қўйи солди.

— Мен билан бирга сенинг экипажингдан яна бир одам қолади, — гапида давом этди Азизов. Лекин у «қора қурт»лар ҳақида ҳамма нарсани биладиган ва Ерга бир оз кечикишдан чўчимайдиган одам бўлиши лозим. Кимни тавсия қила оласан?

Старк қатъий бош ирғади:

— Адамни! Уни фазо жинниси деса ҳам бўлади.

Азизов афтини буриштирди.

— Мен жинниларга ҳеч қачон қойил қолган эмасман.

— Йўқ, гапимни нотўғри тушундинг, — деди Пит жонланиб. — «Жинни» деб ижобий маънода айтганман. Дарвоқе, кемамизни «қора қурт»лар ғажий бошлаганини биринчи бўлиб худди шу йигит пайқаган. Агар бу бўлмаганда ҳолимиз нима кечарди, тасаввур қиласанми?

— Нима ҳам дердим. Агар Адам қўнса, менинг эътирозим йўқ, — жавоб берди Азизов. — Аммо бизни экипаж қўллаб-қувватламаса, режаларимиз режалигича қолаверади.

— Мен ўзимизникилар учун кафолат бераман! — хитоб қилди Пит яна жонланиб.

— Мен ҳам ўзимнинг экипажим учун... Шунга қарамай, бари бир гаплашиб олишимиз керак. Умумий йигин сигнални бераман, — шундай дея Азизов ўйчан ҳолда пультадаги тугмалардан бирини босди. Унинг чехрасига балққан аллақандай ички севинчни дарров пайқаган Старк:

— Сенга нима бўлди? — деб сўради.

— Биласанми, мен ёшлигимда «қора туйнук» назарияси билан шуғулланиб, бир илмий рисола ҳам ёзганман.

— У билан ким ҳам шуғулланмаган дейсан! — хўрсинди Старк, кейин пича ўйланиб тургач, қўшимча қилди: — Мен эса, яна бир таклиф киритмоқчиман: менимча, «Бўрон»нинг рейсини қолдиришга ҳожат йўқ. Ҳар эҳтимолга қарши у келаверсин. Яна нима бўлишини ким билади? Худди ўша кемада махсус аппаратура келтириб, Реяда қолдириш ҳам керак. Чунки сайёранинг «қора туйнук»ка яқинлашуви давомида у фазо ва вақт хусусиятларининг ўзгаришига доир Ерга ахборот узатиб туради...

Эшиклар очилиб, хонага бирин-кетин энди уйқудан уйғонган фазогирлар кириб кела бошлади. «Ойнаи жаҳон» экранида акс этаётган осмон зулмат қўйнига чўмган, ҳамма юлдуз ва сайёраларни «қора туйнук» гўё ўз қаърига ютиб юборгандай эди.

III

«Лочин» блоки ғор яқинига қўнди. Қўниш олдидан «қора қурт»ларни ҳайдаш мақсадида кучсиз электромагнит майдони йўналтирилди. Ҳозир улар сал нарида Годвонинг иссиқ нурларига ўзларини тоблаб, «Лочин»ни бир бошдан паққос еб қўйиш мақсадида куч майдонининг йўқолишини кутишаётганди.

Олмос Азизович ва Адам ташқарига чиқдилар. Улар Реяда ўн ҳафтани ўтказишлари керак эди.

— Хўш, иш бошлаймизми бўлмаса? — сўради командир.

— Бошлаймиз!..

Агар Азизов сиртдан вазмин ва камсуқум кишидай туюлса, Адам «ичимдан топ» ва ҳамиша ўз ўйлари билан банд одамдек таассурот қолдирарди. Унинг тик қадди-қомати, озгин чехраси, қоп-қора, ёниб турувчи кўзлари киши эътиборини дарров ўзига тортарди. Айни маҳалда йигитга қизиққонлик ва асабийлашиш ҳам хос эди. Аммо Адамнинг узок йиллик тажрибага эга, етук фазогирлардан бири эканини унутмаслик керак. Зотан, фазо ҳар бир сўзни тарозига солиб ишлатишни тақозо қилади...

— Юкларни туширамизми?

— Аввал «кулба»ни юриб келайлик.

Пит Старк бошлиқ фазогирлар ғорнинг ичида «Позитрон» кемасининг қолдиқларидан қурилган пластик ўйни «кулба» деб аташарди.

Шу пайт алланиманинг жаранглагани эшитилди. Қўниш блокнинг қўйи локидан икки бесўнақай темир қўл кўриниб, сал ўтмай «Себарга — 3012» оғир гавдасини салмоқли тебратиб, сакраб ерга тушди. Бу — ичи позитрон ва электрон техника билан лиммо-лим тўлдирилган янги типдаги робот эди. У бу кунгача беш-олтита фазовий сафарда қатнашган ва шунинг учун ўзини коинотнинг пихини ёрган зўр сайёҳларидан ҳисобларди. Кимдир унга фель-атвори Реяга қилинган илк сафарда Олмос Азизовичга ҳамроҳ бўлган фрунзелик хушчақчақ ва ҳазилкаш фазогирнинг табиатига ўхшагани сабабли, Беганас деб ном қўйган эди.

Ерда роботларга айнан одамларга ўхшаган кўриниш беришдан аллақачон воз кечишганди. Бир пайтлар бу нарса гўё энг муҳимдай саналарди. Кейинроқ масаланинг энг рационал ечими топилди, маиший роботларга ўзига мос оддий характерлар бахш этилиб, «мультипликацион» шакл берилди. Роботлар жисмоний ишларнинг катта қисмини бажарибгина қолмай, одамларга эрмак тариқасида, уларнинг кайфиятларини кўтариб, илҳом бағишлайдиган тарзда яратила бошлади.

Пит Старк Азизов билан Адамга шерик қилиб Беганасни бежиз қолдирмаганди.

Беганас ғоят очик кўнгил, аини вақтда муғамбир ва маҳмадона робот эди. У ўсмирларга хос дўриллаган овоз билан чўзиб гапирар, кўпинча, аҳмоқона саволлар берар, кўзлари кулгили бир тарзда қинидан чиқиб кетгудай бўлар, манглайини оғир бармоқларида жон-жаҳди билан қашиб қўяр, аини пайтда, ўзини севинган, жуда ҳайрат ёки даҳшатга тушгандай қилиб кўрсатишга уста эди.

Беганас тажрибали, обрўли фазогирларга «амаки», ёшларга «акажон» деб мурожаат қиларди. Агар бирданига бир неча фазогир билан мулоқот қилишга тўғри келса, у айёрона кўллариини ёзиб: «Азиз биродарларим! Оғайнилар!» дея хитоб этарди. У кўримсизгина кўринса-да, қирққа яқин касбни қойиллатар, бундан ташқари электрон-ҳисоблаш машинаси, иккинчи даражали информатор ва бибколлектор вазибаларини ҳам бемалол уддалай олар эди.

Ҳозир Беганас «қора туйнук»ка бўладиган саёхатга ўзининг ҳам иштирок этишини билиб, севинганидан терисига сизмай кетди. Унга «қора туйнук» деган сўзнинг ўзи ҳам жуда ёқарди. Зотан, унда қандайдир мавҳум ва сирли бир нима бордек эди.

— Эҳ, оғайнилар, мен тентакман, тентакман!— зорланди у ўзининг антиқа башарасини Азизов ва Адамга буриб.

— Намунча ўз-ўзингни бунақа танқид қилиб қолдинг?

— «Болалигим»да астрофизикага сира қизиқмаган эканман. Мана шунинг учун ҳам пушаймон бўлиб, ўзимни койяпман-да.

Азизов беихтиёр жилмайди.

— Бу — жуда тўғри танқид. Лекин ана шу хатойингни тузатиш, яъни ҳали ўқиб олиш учун кеч эмас.

— Айниқса, астрофизикани ўқиб олиш учун, кечлик қилмайди,— қўшиб қўйди Адам.

— Ростдан-а? Наҳотки?!— хурсанд бўлиб кетди Беганас.— У ҳолда ҳозироқ савол берсам майлими?

— Марҳамат.

— Фақат мендан кулмасаларинг бўлди, хўпми?

— Қулмаймиз, Беганас, саволингни бемалол беравер.

У фикрларини гўё жамлаб олмақчидай, кўзларига ўйчан тус бериб, томоғини бир қириб қўйди-да, бидиллаганча:

— «Қора туйнук» нима дегани ўзи?— деб сўради.

Азизов ҳам, Адам ҳам жавоб ўрнига кулиб юборишди.

— Мендан кулманглар деб илтимос қилмабидим?

— Бошқа осонроқ саволинг йўқми?

— Майли, тахминан бўлсаям тушунтириб беринглар-да,— ўжарлик қилди Беганас.

— Адам, кел, унга тушунтириб бера қол,— илтимос қилди Азизов.

— Биласанми...— ўйчан ҳолда гап бошлади Адам,— иккинчи космик тезлик

нималигидан сенинг хабаринг бўлса керак-а?... Масалан, Ойнинг тортиш кучини енгиб, фазога кўтарилиш учун секундига уч километрдан сал кўпроқ тезликда учиб кифоя. Хуллас, шундай физик қонуният бор: фазовий жинс қанчалик катта бўлса, унинг тортиш зонасидан чиқиб кетиш учун тезлик ҳам ошиб бориши шарт. Энди кўз олдинга келтир: фазода шу даражада мисли кўрилмаган улкан массали жинслар борки, улардан очик фазога чиқиб олиш учун секундига 300 минг километр — нур тезлиги ҳам камлик қилади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай жинс ўз сатҳидан ташқарига ёруғлик нури ҳам, нурланиш тўлқини ҳам, умуман, ҳеч қандай ахборот чиқармайди. Мутлақо кўринмайдиган бу фазовий жинсларга «қора туйнук» деб ном берилгани ҳам ана шундан. Тушунарлими?

— Бай-бай! — Беганас худди даҳшатга тушгандай, кўллариини юзига қоплади. — Яна савол берсам бўладими?

— Тортилма, Беганас, сўрайвер.

— Демак, «қора туйнук»лар жуда улкан бўлишаркан-да?

— Йўқ, бундай бўлиши шарт эмас. Масалан, ўзимизнинг Ер шари ҳам «қора туйнук»ка айланиши мумкин, агар...

— Нима «агар»?

— Агар уни бир сантиметр радиусли шар шаклига келгунча тиғизлаб зичланса. Коинотда жуда кичик: фазовий жинслардан тортиб оддий нуқтагача ва ҳатто ундан ҳам кичикроқ «қора туйнук»лар ҳам учрайди.

— Йўғ-е? Қандай қилиб? Қанақасига?...— Беганаснинг фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетди.— «Қора туйнук»лар кўзга кўринмаса, уларнинг мавжудлигини қандай аниқлашган, ахир?!

— Аввало уларнинг борлигини назарий жиҳатдан аниқлашган. Тажрибада эса... Одатда «қора туйнук»лар жуда кучли тортиш майдонига эга бўлади: фазовий жинсми, моддами, нурланишми — ҳамма нарсани ўзига тортиб олаверади. Кейин... иккиламчи юлдуз туркумлари ҳам бўлиб, уларнинг ёруғи — гигант юлдуз, нурсизи — «қора туйнук»дир. Одатда, «қора туйнук» гигант юлдуз қобигидаги газларни ўзига торта бошлайди. Газ қатламлари «қора туйнук» сари спирал шаклда оқади ва бир-бирига ишқаланиб, миллион даражагача қизиб кетади, натижада улардан кучли рентген нурланиши чиқа бошлайди. «Қора туйнук»лар борлигини ана шу нурланишдан билиб олса бўлади. Уларни топшининг бошқа усуллари ҳам бор...

— Энди айтинг-чи,— завқ билан яна гап қўшди Беганас,— мен қаердадир ё ўқигандим, ё эшитгандим: «қора туйнук» — бу гўё аксил оламга дарвоза эмиш, шу тўғрими?

— У-хў!

Азизов Адамга маъноли қараб қўйди.

— Ҳм... Беганас биз ўйлаганчалик содда эмас!
— Жин урсин! Ҳали сен бизни лақиллатаётган бўлмагин?..
— Йўқ-э! Мен ўзим... шунчаки сўрадим-да, билмасдан. Ишонмайсизми, а? — Беганас Олмос Азизовга юзланди: — Амаки, сиз ҳам ишонмайсизми?
— Майли, Адам. Унга тушунтириб берақол, — кўзини қисди Азизов шеригига.
— Бош устига, — деди ёш фазогир лутф билан ва аини пайтда истеҳзо аралаш оҳангда. — Агар билсанг, муҳтарам Беганас, ҳатто эраминдан аввал ҳам кўпчилик олимлар ўзаро параллел дунёлар борлиги ҳақида фаразлар айтишган. Масалан, қадимги юнон файласуфи Анаксагор...

— Анаксагорни мен яхши биламан! — деди севинч билан робот.
— Анаксагорнинг ёзишча, — гапида давом этди Адам худди унинг луқмасини эшитмагандай, — биз яшаб турган олам жуда кўп элементар заррачалардан ташкил топган, улар ўз навбатида яна ҳам майдароқ заррачаларга бўлиниши ва бу чексиз давом этиши мумкин. Анаксагор фазо хусусиятларини ўзида жамлаган бундай системаларнинг ҳар бирида жонли мавжудотлар истиқомат қилишини айтади. Улар ўзларининг осмони, кўёши, юлдузларига эга эканини ҳам назардан қочирмайди. Кейинчалик Жордано Бруно, Лейбниц каби кўпгина олимлар, гарчанд бошқачароқ шаклда бўлса ҳам, бу ҳақда ёзиб қолдиришган...

Адам ўз нутқини баландпарвоз ва нимистеҳзо билан бошлаган эса-да, энди ўзи ҳам сезмагани ҳолда илҳомланиб, кўзларида жонланиш, овозида самимият ва ҳаяжон пайдо бўлганди.

— Бироқ кўп ўтмай, бу ғояларнинг ўта содда ва жўнлиги аён бўлди, — давом этди Адам. — Кўплар уларнинг устидан ошқора кулди. Ниҳоят, йигирманчи асрнинг охирига келиб, бари бир ўша параллел оламларнинг кўпчилиги ҳақидаги фаразларга қайтилди. Альберт Эйнштейн кашф этган нисбийлик назариясининг айрим хулосалари ана шу фикрга теран мазмун бағишлади.

— Э-э, акажон, параллел оламлар ҳақида Эйнштейн ҳам гапирганига ишончингиз комилми? Умуман, бу нима дегани ўзи? — сўради робот. Амма Адам Беганаснинг луқмаларига заррача ҳам эътибор бермай кўйганди. Фазогир энди гўё ўз-ўзини нимагадир ишонтироқчи бўлаётгандай қизишиб сўзларди:

— Мисолоғ оддий шарни олайлик. Агар билсанг, шарнинг сирти — икки ўлчамли дунё. Бу олам ёпиқ, аини пайтда чексиз ҳам, негаки, унинг юзасида яшовчилар бирор тўсиққа дуч келишдан хавфсирамай, истаган йўналишда юраверишлари мумкин. Бу мавжудотлар учун ўз дунёларининг чекланганини тасаввур қилиш осон эмас. Улар фақат математик формулар воситасидагина тадқиқ қилинадиган қандайдир мавҳум уч ўлчамли дунёни тасаввурларига сиғдиришлари мумкин.

Биз яшаётган уч ўлчамли олам ҳам аслида чексиз, шунингдек, фақат шартли йўсинда тасаввур қилинадиган тўрт ўлчамли оламга нисбатангина чеклангандир. Маъкур оламда яшовчилар эса, ўз дунёсининг ёпиқ, яъни чеклангани ва ўзларига чексиз туюлган бу оламдан ташқари худди ўшанга ўхшаган сон-саноксиз дунёлар мавжуд эканини ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Агар билсанг, бундай ёпиқ оламлар бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддилар. Улар орасида ўзаро ҳеч қандай алоқа ҳам йўқ. Ҳар бир ёпиқ оламда яшовчи мавжудотлар учун гўё бутун коинот танҳо уларнинг ўз оламигагина қарашли: бошқа дунёлар умуман табиатда мавжуд эмасдек... Бинобарин, улар бир-бирларини бевосита кузатиш имконидан ҳам маҳрум.

Эйнштейн назарияларининг давомчиси Фридмон тенгламаларининг ечими, агар билсанг, ана шундай хулосаларга олиб келган.

Кейинчалик, йигирма учинчи асрда юзага келган экспериментал астрофизикадаги қатор кашфийтлар Фридмон хулосаларининг, асосан, тўғрилигини исботлади. Астрономлар гипертелескоплар ёрдамида Галактикамизда уларнинг бир қанчасини кўриш шарафига ҳам муяссар бўлдилар! Коинот қаърида юлдузлараро ўзидан аллақандай оқиш туман тарқатиб турган тим қора нуқта фотосурати телегазеталарда илк марта пайдо бўлганида, жаҳон аҳлининг қанчалик ҳаяжонга тушганини билсанг эди!..

Орадан яна бир неча аср ўтди. Инсон катта-кичик «қора туйнук»ларга улкан қизиқиш билан қараб, назарий жиҳатдан тадқиқ ўтказаверди-ю, лекин бевосита унга юзма-юз бўлишга журъат этолмади. Ахир, мисли кўрилмаган гравитация кучларининг нималарга қодирлиги унга яхши маълум эди-да!..

Беганас кулгили тарзда яна чаккасини қашиди, картошқасимон бурни яна ҳам чўччайгандек туюлди.

— Виласизми, акажон, буларнинг ҳаммаси, гарчанд чалқаш бўлса-да, жуда қизиқ, — мингирлади у, — лекин мен Анаксагору ўша ҳар хил оламлар билан «қора туйнук» орасидаги боғлиқликни сира илғай олмаяпман?

— Нимасини илғайман? — изоҳ берди Адам. — Айрим олимларнинг тахминларига кўра, «қора туйнук»лар ҳар хил ўлчамга эга параллел дунёлар орасида «ёшиқ» вазифасини ўташар экан.

— Йў-ге! — роботнинг бу сафар чиндан ҳам ҳайратга тушгани аниқ эди.

Адамга энди Азизов мурожаат қилди:

— Биз бу тахминларнинг ҳар қачонгидай оддий фаразлар эканини унутмаганимиз маъқул. Ҳозирча муаммо муаммолигича қолиб келяпти.

— Лекин, уларни бутунлай инкор қилишни ҳам ҳеч ким урдасидан чиқолмаган.

— Шунинг учун ҳам фараз дейдилар.

— Яна ким билади дейсиз... — шивирлагандай секин гапирди Адам.

Гапга яна Беганас аралашди:

— «Қора туйнук» сари йўналган ҳар қанақа жисмини унинг гравитация кучлари

юмалоқ-ёстиқ қилиб «ютиб» юборар экан, бу фаразларнинг ҳақиқатга яқинлигини қандай текшириш мумкин?

— Мутлақо ундай эмас, хомкалла! — Адам бирдан яна қизишиб кетди. — Агар «қора туйнук»нинг атрофига биз яшаб турган оламнинг қонунлари мутаносиб бўлганда, албатта, юмалоқ-ёстиқ қилиб ташларди. Ҳамма гап шундаки, «қора туйнук»ка яқинлашганинг сари фазо ва вақтнинг хусусиятлари ҳам кескин ўзгариб боради. «Қора туйнук» қаърига ҳеч қандай зарар кўрмасдан кириб бориш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Тўғри, ҳали бу ҳам фараз... — Адам командирга зимдан қараб қўйди.

— Э йўқ, акажон! — қўлларини ёзди Беганас. — Мен бунақа «ўйин»га қўшилмайман. Сизларга ҳам маслаҳат бермайман. Менинг «қора туйнук» салтанатига бориш ниятим йўқ!

— Ҳовлиқма, хомкалла! — хитоб қилди иккала фазогир бараварига. — У ёкка боришга ҳеч кимнинг кўзи учаётгани йўқ.

Иккаласи ҳам бирдан ўзларига келгандай бўлишди.

— Адам, бас қил! — деди Азизов қатъий овозда қаддини ростлаб. — Энди ишга киришайлик. «Кулба»ни текшириб чиқишимиз лозим. Сен эса, оғайни, юкларни туширавер. Лекин эҳтиёт бўл. «Қора қурт»лар сен билан «қора туйнук» ҳақида суҳбат куриб ўтиришмайди.

— Бўлмаса нима ҳақда суҳбат қуришади?

— Уларнинг гуруннга тоби йўқ. Еб қўйишади, вассалом.

IV

Пит Старкнинг экипажи икки йил яшаган пластик уй ёрнинг ичкарасидаги катта залда жойлашган эди. Адам гид вазифасини ўтади. Ҳарқолда бу ғорда икки ойча яшашлари керак эмасми, Азизов майда-чуйда нарсаларга ҳам синчковлик билан эътибор берад, сўраб-суриштирар эди. Залга қўлида навбатдаги юк солинган тўрвани кўтариб, бот-бот Беганас кириб-чиқарди. Девор ёнига у анча-мунча юкларни уюб улгурганди.

Одамлар «Лочин»дан олиб тушилган ашёлар ва озик-овқатларни яна бир бор ўз назоратларидан ўтказишди, сўнгра бир дақиқа дам олиш учун қўлбола тахта ўриндикларга ўтиришди. Командир Адамга мурожаат қилди:

— Пит сени Реядаги ҳамма ишлардан хабардор деган эди.

— Ҳа. Аслида унчалик эмас.

— Ҳечқиси йўқ. Ҳар қалай, ҳеч нарсани унутмадингми?

— Йўқ.

— Энди «Олмос» билан хайрлашамиз. Йигитларни тутиб туришимиздан фойда йўқ.

Улар ўринларидан туриб ғордан ташқарига чиқишди. Реяда гунафшаранг қуюқ оқшом соч ёзган эди. «Қора қурт»лар кун бўйи таналарига ютган ёритгич нурларини гўё ҳазм қилишаётгандай, тўда-тўда бўлиб қимир этмай ётишарди. Серўрқач тоғ тизмаларининг чўққилари оқшом зулмати қўйнида худди эриб кетаётгандай ғира-шира кўринарди. Қорамтир осмонда «Олмос» кемаси ўзидан майин нур таратар, унга аллақачон уфққа ботиб кетган Годвонинг шуъласи ҳамон тушиб тургани аниқ эди. Узоқроқдан қараганда, кема сув ости оламитра истиқомат қилувчи ажиб бир мавжудотга ўхшарди. Кема бу ердан бир неча ўн километр масофада сузиб юрар, лекин унинг биргина шу кўриниб туришиёк, фазогирларга беқийс куч, ишонч ва умид бахш этмоқда эди.

Бир неча дақиқадан сўнг кеманинг коинот бағрида ғойиб бўлиши ва Реянинг тунги осмонини фақат олисдаги юлдузларгина ёрита бошларини хаёлидан ўтказганда Азизовнинг дилини ғашлик, гулгулага ўхшаш бир ҳис кемираётгандай туюлди.

У Адам билан бирга қўниш блокнинг кабинасига кирди. Азизов «ойнаи жаҳон»нинг қулогини буради, экранда Пит Старкнинг ташвишли қиёфаси кўринди.

— Биз ҳамма ташкилий ишларни битказдик, оғайни, — деди Олмос Азизович.

— Сизлар... яна бир қарра яхшилаб текшириб чиқинглар, — маслаҳат берди Пит, — ҳеч нарсани унутмадингларми? Шошиладиган жойимиз йўқ...

— Сустрекчиликнинг ҳам ҳожати йўқ. Ёдингга бўлсин, мен сени ошхўрликка таклиф қиламан.

— Қанақа ошхўрлик яна?

— Узбекларнинг сеvimли таоми — паловхўрликка. Хуллас, роппа-роса ярим йилдан кейин соат кундузги тўртда мен сени Тошкентда кутаман.

— Нима, келмайди деб ўйлайсанми? — фақат лаблари билангина кулимсиради Пит. — Шундоқ чопиб келайки... Улфатчилик зўрроқ бўлиши учун йигитларимдан ҳам олиб бораман.

— Бош устига!... Кўришгунча хайр, Пит!

— Хелло! Тошкентда соғ-саломат юз кўришгунча, яхши қолинглар! Хайр, Адам!

— Хайр, хўжайин! — деди ёш фазогир тушқун овозда.

— Ҳой, йигит, сенга нима бўлди? — бақириб берди Старк. — Қўтар бурнингни! Адам маънос жилмайди.

— Кечирасиз, хўжайин. Ҳарқолда сизлар билан икки йил...

— Йигиштир бунақа гапларни, — тўнғиллади Пит. — Боплаб таъзиригнни берардим-у, олисдасан-да. Хайр, майли! Бардам бўл, йигит! Жанговар кайфият сени ҳеч қачон тарк этмасин!

— Мен ҳозир ҳам сиз айтгандайман, хўжайин.

— Хўп, кўришгунча хайр!

Старк сўнгги дақиқада беихтиёр экрандан кўзларини олиб қочганди. Лаҳза ўтмай,

у пультга ўтириб, буйруқ беришга киришди. Тасвир аввал пича титраб хиралаша бошлади. Сўнгра бутунлай кўздан ғойиб бўлди. «Олмос» старт олаётганди.

Азизов «ойнаи жаҳон»ни ўчирди.

— Адам, чарчаган бўлсанг, хордиқ чиқар.

Иигит бош чайқади.

— Чарчаганим йўқ, ўртоқ командир.

— Унда жуда соз. Қани, Реядаги саргузаштларингиз ҳақида бир чеккадан гапириб берсангиз.

— Бажонидил, — деди Адам. Буларни гапиришдан аввал мен сизга қизиқ бир ҳодисани кўрсатмоқчиман, ўртоқ командир. Ушанда сиз ҳикоямни ҳам, Рея планетасини ҳам яхшироқ тушунасиз.

— Бунинг учун қаёққадир боришимиз керакми?

— Ҳа.

V

Адам командирни тоғ тизмалари этагига бошлади. Годво аллақачон уфқ ортига яширинган, Рея сокин зулмат қўйнига чўмган эди. Фазогирлар йўлни жажжи чироқлар ёрдамида ёритиб боришарди. Беганас ғорда навбатчи бўлиб қолган эди.

Осмонда сон-саноксиз бегона юлдузлар осуда милтиллашар, Азизовга уларнинг бири сайёрадан ҳамон узоқлашиб бораётган «Олмос» кемаси бўлиб туюларди. Аслида бундай эмаслигини у яхши биларди. Кема аллақачон бир неча миллион километр масофани босиб ўтганди. Аммо, бари бир, «Олмос» ҳақида ўйламай туролмасди.

Йўлда бот-бот «қора қурт» уюмлари кўзга ташланар, афтидан, улар ухлашаётганди. Паршонхаёл Азизов уларни икки марта босиб олди ҳам. Лекин Адамнинг улар орасидан хушёрлик ва эҳтиёткорлик билан ўтаётганини кўриб, командир ҳам ўзини қўлга олди. Адамнинг эҳтиёткорлиги хавфсираш, ҳайқиш туфайли эмас, балки ана шу ғайриоддий жонли мавжудотларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туфайли эканини Азизов ҳис қилаётганди.

— Қарамоғимизда бирор учиб аппарати у ёқда турсин, на вездеход, на планоход ва на бирор мотор бор эди, — дея йўл-йўлакай гапириб борарди Адам. — Шунинг учун биз фақат ғорга яқин районларнигина тадқиқ этдик ҳолос. Биз турган район эса шимолий параллелга жойлашган. Годвонинг нурлари бу ерга хийла катта бурчак остида келиб тушади. Ҳисоб-китобларимиз бўйича, экваторнинг ҳар бир квадрат метрига ёритгич нурлари уч баравар кўпроқ тушади. Шунинг учунми, у ердаги «қора қурт» лар йирикроқ.

— Шошилма, дўстим, ҳали экваторга ҳам қадам ранжида қиламиз.

— Лекин бу ерда ҳам ғайройиб нарсалар йўқ эмас. Агар омадимиз келган бўлса... — у гапини тугатмай, тез олдинлаб кетди.

Улар ўзаро гурунглашиб, ғордан анчагина узоқлашиб кетишган эди. «Лочин»нинг чироқлари гўё олис уфққа сингиб кетгандай заиф милтиллайди. Катта-катта тишдор қоялар камёб юлдузларнинг ожиз ёруғида ғира-шира кўзга ташланади. Кутилмаганда икки қоя орасидаги майдондан учқунлар сачраётгандай бўлди.

Азизов беихтиёр тўхтаб қолди. Адам нигоҳида севинч порлаб, унга ўгирилди:

— Э-ҳа, бошланди.

— Нима бошланди? Бу нима ўзи?

— Тезроқ юринг!

Адам қоялар орасидан йўл топиб, Азизовни тоққа бошлади. Афтидан, бу жойлар унга яхши таниш эди. Улар кўп юришмади. Азизов тўхтаб қолган Адамнинг кўзларига қараб, манзилга етиб келишганини пайқади. Ҳаммаёқда зулмат, ҳеч нарсани англаб бўлмасди.

— Адам, биз қаердамиз ўзи?

— Ҳозир, Олмос Азизович... Бир зум... — шивирлади ёш фазогир.

Кутилмаганда ҳаммаёқни нурафшон қилиб, электр ёйини эслатувчи олов пайдо бўлди.

Азизов тўрт томони баҳайбат қоялар билан қуршалган текис майдончани кўрди. Унда икки йирик «қора қурт» ёнма-ён ётарди. Чор-атрофга кўзни олгудек учқунлар сачратиб ёнаётган «электр ёйи» ана шу икки «қурт» оралиғида зоҳир бўлаётганди.

«Ёй»нинг тобора эгилиб бораётгани шундоқ кўриниб турарди. Сал фурсатдан сўнг олов елпигич шаклида саккиз метрча юқорига отила бошлади. Шитирлаган овоз эшитилди. Ерга шитоб билан келиб тушаётган қип-қизил учқунлар бир лаҳзадаёқ, йирик қора нуқталарга айланарди. «Қора қурт» ларнинг ҳажми эса мисли кўрилмаган тезликда кичрайиб борар, гўё улар оловнинг қайноқ ҳароратидан муз янглиғ эриётгандай туюларди. Мана, баҳайбат электр «ёйи» и сўнги бор алангаланди-да, бир зумдаёқ ўчди-қолди. Чор-атрофга тимқоронги зулмат чўкди. Адам дарров фонарни ёқиб, майдончани ёритди. Энди ерда майда-майда қора тошчалар сочилиб ётар, икки йирик «қора қурт» афтидан, ёниб тамом бўлганди.

— Бу табиий ҳодисанинг сирини аниқлаганмисизлар? — сўради Азизов ҳаяжон ичида.

— Бу табиий ҳодиса эмас, — кулумсиради Адам. — Биз Реяда истиқомат қилувчи мавжудотларнинг дунёга келиш жараёнини кузатдик.

— Нима, нима?! — ҳайратга тушди Азизов. — Демак, сенингча...

— Ҳа, бу ўз-ўзидан кўпайиш. Кўпайиш эса, фақат жонли мавжудотларга хос нарса.

Олмос Азизович шу тоғда ўз ҳаяжони ва ҳайратини яширолмайд қолган, яширишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Сукут ичида улар ёнма-ён юриб, сўқмоқлар оша яна тошлоқ майдонга чиқишди.

— Мени даставвал бу ерга олиб келиб жуда тўғри иш қилдинг, Адам, — деди командир. — Очигини айтсам, мен сўнгги соатгача ноорганик ҳаёт мавжудлигига сира ишонмаётган эдим.

«Лочин»нинг таниш чироқлари энди уларнинг рўпарасида милтилларди.

VI

Беганас вақтини беҳуда ўтказмади: у қўниш блокадаги юкларнинг ҳаммасини ташиб қўйди, «кулба»ни дезинфекция қилди, ҳамма хоналарни йиғиштириб, саранжом-саришта ҳолга келтирди, ҳаво тозалаш тармоғини сошлаб ишга туширди, дам олиш хонасини жиҳозлади ва ниҳоят, кечқурунга фазогирлар учун ширин таом тайёрлаб қўйишга ҳам улгурди.

Беганасни — электрон телескоп анча ўйлантириб қўйди. Уни ёр яқинидаги қоялардан бирининг чўққисига ўрнатиш лозим эди. Лекин Беганас нодир асбобнинг у ерда «қора қурт»ларга тайёр ем бўлишидан хавотир олди. Шунинг учун аввал одамлар билан маслаҳатлашиб кўриш мақсадида кўтиб турди. Айни пайтда бу яна ўша «қора туйнук»лар ва Рея сайёрасининг ғаройиб жумбоқлари ҳақида суҳбатлашиш учун баҳона ҳам бўлади. Робот чуқур ўйга толди; фазогирларнинг кўнглини очадиган бирор нарса ўйлаб топса яхши бўларди, ахир, улар чарчаб келишади-да.

Аммо фазогирлар «кулба»га тетик ва ҳаяжонланган бир кайфиятда қайтишди. Чамаси, Беганас билан гаплашишга ҳам вақтлари йўқдай эди. Улар иштаҳа билан овқатланишди. Беганас яна гапни баҳсга бурмоқчи бўлган эди, улар очикдан-очик нариги хонага чиқиб туришини илтимос қилишди. Телескоп масаласига келганда — эртага шуғулланишларини билдиришди.

— Тиним билмай тиришасан, тиришасан, раҳмат у ёқда турсин зиғирча ҳурмат ҳам йўқ, — тўнғиллади Беганас норози бўлиб.

Овқатдан сўнг Олмос Азизович билан Адам суянчиқлари «О» ҳарфи шаклидаги ўриндиқларга ўтиришди.

— Чой ичасизларми? — ёлғизлик юрагини ғаш қилган Беганас яна улар ўтирган хона эшигидан мўралаб сўради.

— Бир пиёладан бўлса, майли.

— Менга қаҳва олиб келгин, — илтимос қилди Адам.

— Важонидил.

... Адам қўлидаги пиёладан икки ҳўплам қаҳва ичгач, шопилмай ҳикоясини бошлади.

— Шундай қилиб, экспедициямиз... — у шу заҳоти гапига тузатиш киритди, — мен Пит Старкнинг «Позитрон»даги экспедициясини назарда тутяпман, албатта... Биз бир қанча хатоларга йўл қўйгандик. Айниқса, Реяга қўниш маҳалида. Тўғри, бизда бирор хавфдан ҳайқишга ҳеч қандай асос бўлмаган, планетада ҳаёт йўқлиги аниқ эди. Шу тариха унга бамайлихотир қўндиг-у, автомат-вездеходимизни разведкага жўнатдик. Ўзимиз эса, сайёра саҳнига чиқиш учун ҳозирлик кўра бошладик... Чор-агрофимизда жимлик ва осойишталик ҳукмрон эди. Кутилмаганда вездеходга бир нима бўлгандай туюлди. У қўққисдан тўхтаб, лаҳза ўтмай корпуси бир неча бўлакка ажрала бошлади.

Пит Старкдан бу воқеани бир неча марта эшитган бўлса ҳам Азизов ёш фазогирнинг гапларига ҳаяжон билан қулоқ соларди.

— Ҳайратдан нима қилишимизни билолмай қолдик. Худди шу пайт «позитрон» турган жойида қимирлаб, ток ургандай титрай бошлади. Гўё кимдир уни гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга оғдириб, ағдариб юбормоқчига ўхшарди.

— «Қора қурт»лар бўлса керак-да?

— Ҳа, лекин биз бунга ҳали билмас эдик-да. Мен инженер-механик эмасманми, кеманинг техникавий жиҳатига жавобгар эдим, шунинг учун дарров «позитрон»нинг остига тушдим-у, унга ясси қора тошлар зич қолда ёпишиб олганини кўрдим. Кеманинг чақирилмаган меҳмонлар ёпишган жойларини зумда занг ва қурум босиб, корпус тошлар билан бирга ичига ботиб бораётганди. Уларни тошлар ямлаб ютаётганини, буларнинг оддий тошлар эмаслигини, биз илгари мутлақо дуч келмаган қандайдир ғайриоддий кушанда — «қурт»лар эканини дарров пайқадим.

— Демак, ўша «қурт»лар вақтни қўлдан бой бермай, кемани ғажигга киришишди-ми?

— Уларни металлдан бошқа ҳеч нарса мутлақо қизиқтирмасди. Бизнинг скафандримизда ҳам металлдан қилинган қисмлар оз эмас эди. Шунинг учун ҳам ўзимизни қўлга олишга улгурмасданок икки фазогиримиз — Эд ва Люкни бериб қўйдик. Шу пайт алоқа узилиб, чироқ ҳам ўчиб қолди, энергия билан таъминланувчи ҳамма тармоқлар ишдан чиқди. «Қора қурт»лар энергоблокни ғажиб улгуришгани аниқ эди... Уларга қарши лазер қуролларимизни ишга солиб кўрдик, лекин бу жаҳаннамий нур «қора қурт»ларга кор қилмади.

Биринчи бўлиб командир ўзини қўлга олди. Пит хавф нимадалигини сезгандай эди. «Ҳамма кема ичига кирсин! — қичқирди у. — Биз кема ичида металлдан холи бўлган деворлардан уйча қуришимиз керак!»

Ўша заҳоти ҳаммамиз ўзимизни яна «Позитрон»га отдик. Ёдингизда бўлса, командир, «Позитрон» пластик деворлар ёрдамида бўлмаларга бўлинган, лекин унда ҳамма хоналар, даҳлизлар ва тажрибахоналар катта тик металл ўққа маҳкамланган эди... Умуман, кеманинг бутун таши металлдан ясалганди... — Адам кескин ҳаракат билан пиёлани оғзига қийлаштириб, қаҳвадан бир ҳўплади-да, ҳикоясини давом эттирди. — Биз Пит Старкнинг кўрсатмаси билан меҳмонхонани ўзимиз учун бошланага айлантирдик. Пит «қора қурт»ларнинг пластик материалларга мутлақо «совуққон»

қараётганларини кўриб, пол ва шипга уч қават пластик плиталар ёпиштиришни буюрганди.

Адам ўша даҳшатли кунни бутун икир-чикирларйғача эслашга уринаркан, беихтиёр кўзларини ярим юмди.

— Даставвал биз ҳамма кислород эҳтиёжларимизни, турли асбоблар, аккумулятор, микрофильм ва китобларни ташиб келтирдик. Ошхонамиз учинчи қаватда, меҳмонхона эса олтинчи қаватда жойлашган эди. Транспортёрлар ишдан чиққан, «қора қурт»лар ярмини еб қўйган роботлар ҳам ҳаракатдан қолишганди. Фақатгина ҳали «қурт»ларга ем бўлиш навбати келмаган Беганаснигина сақлаб қола олдик. У биз билан бирга меҳмонхонага яширинди. Хуллас, ҳамма нарсани қўлда ташишга тўғри келди.

«Позитрон»нинг даҳлизларида юриш хавфли бўлиб қолганда, мўлжаллаган нарсаларимизнинг атиги йигирма фоизини ташиб улгургандик. Ҳаммаёқ илма-тешик бўлиб кетган эди. «Қора қурт»лар шопилмай, кема корпусини бир бошдан кемириб, аста-секин олға жилишарди. Кема ҳамон титраб, гоҳ у, гоҳ бу ёнига оғар, айни пайтда паства чўкиб борар эди. «Қора қурт»лар кемамизнинг асосини ғажий бошлаганини ҳам пайқадик. Нарсаларнинг кўп қисмини ташиб бўлгач, меҳмонхонага қамалиб олдик. «Қора қурт»лар ҳамма металларни еб бўлганидан сўнг бошқа материалларни ҳам ямлашга киришади, деган хавотирда эдик. Бунақанги саросимали ўйлардан савдой бўлиб қолиш ҳеч гап эмас эди, албатта. Бахтимизга Пит Старк ҳеч биримизни ишсиз қолдирмади. Даставвал эҳтиёжларимизни ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Ғамлаб қўйган кислород ва озик-овқатларимиз беш-олти йилга етиши мумкин эди. Энг ёмони — Ер билан алоқамиз буткул узилиб қолган эди. Техникага келганда... Ер неча аккумуляцион қурилма, асбоб-ускуналар, ўн чоқли лазер-автомат ва Беганас — бор арсеналимиз мана шулардан иборат эди, холос...

Ўз исмини эшитган робот тагин остонада пайдо бўлди.

— Яна чой ичасизларми? — сўради у.

— Бир пиёладан чой келтир-да, кейин дамингни олавер.

— Менинг дам олишга эҳтиёжим йўқ, — мағрур жавоб берди. Беганас ва ўзи учун тузилган программага бўйсунса-да, бари бир уни тан олгиси келмаслигини билдирмоқчи бўлди. — Наҳотки, менга бирор муҳимроқ топшириқ беришга ожиз бўлсангиз?

— Яхши. Бўлмаса боргин-да, осмондаги юлдузларни бирма-бир санаб кел.

Беганас чой келтириб, уларни холи қолдиргач, Адам ҳўқоясида давом этди:

— «Позитрон» сурункасига йигирма соат титраб чўкишда давом этди. Биз саросима ва таҳлика ичида иллюминаторларнинг барчасига ҳам пластик материаллар ёпиштириб ташладик, энди ташқарида нима юз бераётганидан умуман беҳабар эдик.

Қачондир мўртгина қўриқхонамиздан ташқари чиқишимизга тўғри келишини аввалдан билиб, скафандрларни шароитга мослашга, яъни металл қисмларини изоляцион материаллар билан алмаштиришга киришдик. Айниқса, гермошлемлар устида жиддий бош қотиришга тўғри келди. Ниҳоят, ун солинадиган пластик қўтини олиб, унинг бир томонига махсус ойнак пайванд қилди-у, ташвишдан ҳам қўтилдик. Умуман, йигитларимиз «қора қурт»лар гуж-гуж бўлиб ётган планета юзасига чиқишимиз учун яроқли скафандрлар тайёрлашда беҳад ихтирочилик ва топқирлик кўрсатишди. Пировардида, кийимларни ўзидан бир оз қўланса ҳид анқитадиган ярақловчи, сап-сарик лак билан уч қайта бўядик. Энди бу кийим-бошларда бемалол ташқарига чиқишимиз мумкин эди.

Ниҳоят, «Позитрон» титрашдан ва ҳар томонга оғишдан тўхтади. «Қора қурт»лар ўз ишларини ниҳоясига етказишганини пайқадик. Ташқарига чиққанимизда, кўз олдимизда ғоят ачинарли манзара намён бўлди. Бугун бошли кемадан бир уюм изолятор ва пластик материалларгина қолган эди холос. Ҳами металл қисмлари — двигателлар, метеоритлардан муҳофазалаш тармоғи, вездеходлар, вертолёт ва бир қанча асбоблар кемириб ташланган эди. «Позитрон»нинг қолдиқлари атрофини ҳам «қора қурт»лар тўдаси ўраб олганди.

... Яна эшик очилиб, остонада Беганас кўринди.

— Хўш? — унга ўгирилди Азизов ғижиниб.

— Мен бир нарсани аниқлаб олмақчи эдим, фақат юлдузларнигина санайми, ё планеталарни ҳамми?

— Планеталарни ҳам! Астероидларни ҳам! Кометаларни ҳам! Ҳатто метеоритларни ҳам!..

— Мана кўрдингизми, демак, мен сизни бежиз безовта қилмабман, — мамнуният билан таъкидлади Беганас. — Ана энди жуда соз бўлди! — робот секин эшикни беркитди.

Адам суҳбатнинг бир дақиқа бўлиниб қолганига эътибор бериб ўтирмади. Хотиралари уни ҳаяжонга солган, нафас олиши тезлашган, кўзларида эҳтирос учқуни яллиғланарди.

— Биз ўзимизга яхшироқ бошпана излаб топишимиз лозимлигини дарров тушундик. Кемамиз эгри-бугри тизмалари ястаниб ётган тоғ яқинига қўнган эди. Катта-катта қоғлар остида кўллаб ғорларнинг оғизлари қорайиб кўринарди. Биз энг аввало ана шуларни синчиклаб ўрганишга қарор қилдик. Уч киши разведкага отланди. Қўлбола пластик «кулбамиз»дан чиқаришдан аввал уларнинг кийим-кечакларини яна бир бор яхшилаб текшириб кўрдик, чунки бирор металл қисми унутиб қолдирган бўлишимиз мумкин эди-да... Ҳамкасб дўстларимизнинг ҳар бир қадамни ҳаяжон ичида кузатдик. «Қора қурт»лар шу даражада кўп эдикки, разведкачиларимизга уларнинг устидан бир-бир босиб ўишларига ҳам тўғри келди. Ҳар қаёғ, ғорларга омон-эсон етиб олишди. Икки соатдан кейин эса разведкачиларимиз соғ-саломат қайтиб келишди.

Олинган маълумотлар руҳимизни кўтариб юборди: ғорда «қора қурт»лар йўқ экан.

Умуман, кундуз кунлари улар соя жойлардан қочишар экан. Разведкачиларимиз ғорларнинг бирида катта «зал» борлигини аниқлашибди. Биз яшаш учун мана шу биз ўтирган «залга» кўчиб ўтишимиз мумкин эди, — Адам қўли билан «кулба»нинг деворларига ишора қилди. — Ҳалоқатга учраган «Позитрон»дан ғоргача салкам уч юз эллик метр келарди. «Қора қурт»лар ғуж-ғуж босиб ётган бу масофани қандай босиб ўтишни ўйлаб, бошимиз қотди. Металлдан ишланган баъзи ашёларимизни ва Беганасни ҳам ўзимиз билан бирга ташиб ўтишимиз лозим эди. Ғорда металл пайдо бўлганини сезган «қора қурт»лар хуруж қилиб қолишса-чи?

Хуллас, металл кушандаларига қарши энг ишончли ҳимоя воситасини топишимиз керак эди. Ҳали айтганимдек, лазер иш бермади. Гравитацион майдонни ҳам ишга солиб кўрдик, бўлмади, ҳатто палаж этувчи паралитик майдонга ҳам радиацияга заррача эътибор қилишмади. Ниҳоят, ичимиздан кимдир уларга энг оддий электромагнит майдони билан таъсир қилиб кўришни айтиб қолди. Ана ўшандаги натижани бир кўрсангиз эди! Олдинги қатордаги «қора қурт»лар кескин орқага тисланишди, бир-бирларининг устига чиқиб юмалоқ-ёстиқ бўлишди, кўп ўтмай турли томонга тумтарақай «қоча» бошлади.

— Демак, улар чаққон ҳаракат ҳам қила олар экан-да? — сўради Азизов.

— И... йўқ... — жавоб берди Адам ўйчан ҳолда. — Мен сал ноаниқ гапирдим, чамаси. Уларни қандайдир кучли тўлқин ўзи билан бирга суриб кетгандай тассурот қоларди кишида. Қизиғи шундаки, орқарокда турган «қора қурт»лар ҳам чекина бошлаган эдилар.

Бу кашфиёт ҳаммамизни руҳлантириб юборди: биз роғулкалар яшашга киришдик. Адам ўрнидан туриб, дарров меҳмонхонага кирди ва у ердан узун таёқ кўтариб чиқди.

— Мана элтўп, яъни электр тўппонча. Кўриб турибсиз, тузилиши жуда оддий. Дастасида — электр манбаи иккита мис сим, манави жойида — реостат. Бундай қурол билан биз энди Реяда бемалол юраверишимиз мумкин эди, — у элтўпни Азизовга узатди, ўзи катта-катта одимлар билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Пийда шу захотибёқ янги ғоя тугилди. У кемадан то ғоргача икки параллел сим тортиб, уларни токка улашни тақлиф этди. Энди биз ана шу узун коридор орқали, «қора қурт»лар ҳужумидан чўчимай, бемалол нарсаларимиз ва озиқ-овқатларимизни ташиб олишимиз мумкин эди. Шундай қилдик ҳам.

Ҳамма ишларни ўз кучимиз билан бажаришга тўғри келди. Мана шу «кулба»ни ва бир неча қатор ҳимоя воситаларини қуриб, лабораторияни созладик. Афсуски, асбоб ва қурилмаларимиз жуда оз қолган эди. Бахтимизга, кутубхонада «Ўзинг яса!» туркумидаги бир неча китоб бор экан. Ҳар хил ҳунарларни ўрганишга киришдик. Йигитларнинг бир қисми алоқа манбаини тиклаш билан банд бўлди. Бошқа гуруҳ Реяни тадқиқ қилиш билан шуғулланди. Яни бир гуруҳ эса, Ердан келадиган кемани кутиб олишга тай-ёргарлик кўришни лозим эди. Бизни Ердан излаб келишларига заррача ҳам шубҳа қилмасдик. Ғор қаршисидаги тошлоқ майдонга қўлбола ойнақларни ўзаро шундай жойлаштирдикки, натижада уларга тунги пайт электр нурлари юборилса, бу нурларнинг туташувидан ўта ёрқин, яхлит нур дастаси ҳосил бўлар ва уни Рея сатҳидан бир неча минг километр масофадан пайҳаш мумкин эди. Шунингдек, биз осмонни оддий кўз билан кузатишни ҳам ташкил этгандик, ҳатто навбатчилик графиги тузгандик...

— Шунга қарамасдан...

— Ҳа, — жилмайди Адам, — шунга қарамасдан ақл бовар қилмайдиган иш бўлди. Биз сизларнинг учиб келганингизни пайқамай қолдик. Чунки бизни анча кейинроқ излашадди, деб ўйлагандик-да.

— Лекин сизлар ҳам бизни жуда боппладингизлар, — жилмайди Азизов, — кейин маълум бўлишича, «қора қурт»лар ғажиб ташлаган «Позитрон»нинг ва сирли равишда йўқолган икки вездеходимизнинг изларини қидиришдик, кутилмаганда тошлоқ майдонда ерлик одамларга мутлақо ўхшамаган сап-сарик, ялтироқ скафандрли уч тирик жонни кўрганимиздаги аҳволимизни бир тасаввур қилгин-а!... Булар — сизларнинг экипаж аъзоларингиз эканига ақлимиз етгунча, озмунча дорфа хаёлларга бордик-ми?!... — командир ўйга толди ва бир хўрсиниб қўйди-да, давом этди: — Хўп, майли. Охири бахайр бўлди. Демак, «қора қурт»ларни бир мунча ўрганибсизлар. Бирор аниқ хулосага келдингизларми ўзи?

— Унчалик аниқ эмас. Мана, — Адам командирга жигарранг муқовали журнални узатди, — бу ерда ҳаммаси ёзилган.

Азизов журналнинг бир неча тўлдирилган варағини кўздан кечириб чиқди.

Шу пайт хонага шовқин солиб, тантанавор бир қиёфада Беганас бостириб кирди.

— Тошпириқ бажарилди! — мамнуният билан рапорт берди у. — Лекин бу осонликча ҳал бўлмади. Аини пайтда менинг оптик системам еттинчи юлдуз ўлчамига эга ёриткичларни қабул қила олишини ҳам эслатиб ўтмоқчиман. Табиийки, мендаги техникавий ва бошқа имкониятлар Ер шароитига мосланган. Шунинг учун Рея атмосферасининг анча мусаффолигини ҳисобга олиб, мен саккизинчи ўлчамли юлдузларни ҳам санашга муваффақ бўлдим. Шундай қилиб, сизлардан тошпириқ олгач...

— Жуда яхши! — унинг гапини бўлди Азизов. — Натижаларни хотира ячейкага ёзиб қўй. Мен кейин кўриб чиқаман.

— Яхши... — тўнгиллади Беганас димоғи билан ва хафа бўлганини яширмай, бир бурчакка бориб турди.

Азизов бирпасдан сўнг уни чақирди:

Робот энди ўзини эшитмаганга солди.

— Беганасжон...

— Хўш, нима?

Х. ШАЙХОВ ◆ ОЛМОС ЖИЛОСИ

— Қани, ҳисоб-китобингни кўрсат-чи, кейин бизга бир шиша яхши винодан келтир, — деди Азизов қатъий ва сўнгра Адамга юзланди: — Чамаси, сен ҳам бунга қарши бўлмасанг керак?

— Йўқ...

Беганас энди очикдан-очик таажжуб ва ҳайратга тушганди.

— Яхши, Мен уни олиб келишим мумкин... Лекин, ахир, винонинг турган-битгани заҳар эканини наҳотки сиз билмасангиз?...

Адам жилмайди.

— Вино ичишни сунистеъмом қилинсагина, у заҳарга айланади. Бугун бизнинг кичкина байрамимиз, тушуняпсанми, Беганас?

Робот хўрсинди.

— Ҳа, билиб олдим: сиз, одамлар, табиатан ўзингизга-ўзингиз ўта қарама-қарши мавжудотларсиз. Шу сабабли мен учун ҳам худди шунақа қарама-қарши программа тузгансиз... — Беганас афсуслангандек бош чайқганича, вино олиб келгани жўнади.

VII

Рейда тонг отмоқда. Осмон тиник, ғир этган шабада йўқ. Олис тоғлар оша Годвонинг тўқ жигаранг баркаши кўтарилиб келарди.

Ерлик фазогирлар чор-атрофни кузатишаркан, планетанинг ўзига хос табиат манзараларига мафтун бўлиб қолишди.

— Вазифамиз, чамамда, аниқ, — деди Азизов Адамга. — «Қора қурт»лар энг кўп тўпланган жойларни, уларнинг турларини аниқлашимиз, айти пайтда ташиб кетиш учун мосларини саралашимиз лозим. Реянинг ўзига хос ҳамма хусусиятларини тадқиқ этишимиз керак. «Бўрон» бу ерга етиб келгач эса, махсус аппаратлар воситасида «қора тўйнуқ»ни ўрганишга киришамиз.

— Вазифа-ку аниқ, лекин анча тер тўкишимизга тўғри келади. Ахир, Рея, худди Меркурийдек улкан сайёра, биз эсак, Беганас билан уч кишимиз, холос.

— Бизда вездеход ҳам, учиш аппарати ҳам бор. Икки ой — ҳарқолда катта муддат. Астойдил ҳаракат қилсак, менимча, қўлимиздан анчагина иш келади.

— Бугун тошлоқ майдонни синчиклаб ўрганиб чиқамиз. Эртага жанубий кенгликларга сафар қиламиз.

Адам «Лочин»дан унча катта бўлмаган, ихчам танкни эслатувчи «Бургут» типидаги вездеходни шайлади. Вездеход жуда катта қувватга, кучли ҳимоя воситалари ва тик тепалик ва пасткам жойлардан ҳам ўта оларди. Зарур бўлиб қолганда: уни осонгина самолётга ҳам айланттириш мумкин эди. Лазер қурилмаси, зичлагич ва доирасимон совутиш камераси машинага тоғ қатламларини ёриб ўтиш имконини берарди. Вездеходнинг сув остида ҳам юриши учун унинг мукамал герметизация тармоғини ишга солиш кифоя эди, холос. Машинада доимо анчагина кислотод, сув ва озик-овқат бўлиб, ихчам курсилар ухлаб дам олишга ҳам мослаштирилган, худлас, мазкур машинада бемалол узоқ сафарга чиқавериш мумкин эди.

Азизов Беганасга «кулба»ни йиғштириб, унга пойлоқчилик қилиб туришни тайинлади-да, кабинага ўтирди. Вездеход ўша заҳоти олга интилди.

Тошлоқ майдон худди асфальт қилингандай, теп-текис эди. Майдоннинг диаметри ўн километрга яқин бўлиб, ён-тевараги пурвиқор тоғлар билан қуршалган ажойиб бир «воҳа»дан иборат эди. Унча баланд бўлмаган тоғлар асрлар ўтиши билан емирила бошлаган қадимий қалъаларни эслатарди. Баҳайбат қояларнинг гоҳ у, гоҳ бу чеккасида катта-кичик ғорлар қорайиб кўринарди.

— Ғорларнинг пайдо бўлиш сабабини аниқлашга уриниб кўрмадингизларми? — сўради Азизов.

Адам боши билан тасдиқ маъносини билдирди:

— Ғорлар ишқорланиш ва эрувчан жинсларнинг ювилиши натижасида пайдо бўлган.

— Нима, бу ерда сув кўпми?

— Сув Реянинг ёш сайёралик даврида бўлган. Кейин унинг атмосфераси йўқола борган, айти пайтда асрлар мобайнида сув ҳам буғланиб кетган.

— Атмосфера бу ерда буткул йўқолмаган-ку?

— Тўғри, йўқолмаган. Сув эса, ер остида ҳали ҳам бор. Аммо, афтидан, «қора қурт»лар унисига ҳам, бунисига ҳам муҳтож эмас.

— Уларнинг нимага муҳтож ёки муҳтож эмаслиги масаласида янглишаётган бўлмайлик тагин?

— Мен аниқ айтишим мумкин: агар «қора қурт»ларни ёруғлик нуридан холи бирор ёпёқ хонада, масалан, ғорда икки кун ушлаб турилса — ҳалок бўлишади.

— Наҳотки? — яна ҳайратга тушди Азизов. — Демак, сен тирик «қора қурт»ни ўлигидан ажрата олар экансан-да?

— Бундан осони борми! Тиригининг ҳарорати бўлади. Ўлганларини эса, жазирама офтоб нурлари остига қўйилса ҳам муздайлигича қолавереди.

— Ҳм...

Фазогирлар «кулба»дан тобора узоқлашиб боришарди. Уфқда ястаниб ётган қоялар анча яқинлашиб қолганди. Улар неча ўн минглаб «қора қурт»лардан ташкил топган катта-катта тош уюмларини айланаб ўтишарди.

Вездеход ичида, фазогирларнинг шундоқ орқасида хийла катта ялтироқ шар қўйилган бўлиб, бу — Реянинг кичрайтирилган нухаси эди. Унда тошлоқ майдон ҳам акс эттирилганди. «Бургут»нинг корпусига ўрнатилган ихчам телекамераларга туташган

фиксатор «қора қурт»лар тўпланган жойларни шар сиртига белгилаб, уларнинг тахминий сотини ҳам ёзиб қўймоқда эди.

— Сен уларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшашларига эътибор қилдингми? — сўради Азизов.

— Албатта, худди чумолилар ёки ариларга ўхшаб... — тасдиқлади Адам.

— Қара-я, ёлғиз юрган бирорта ҳам «қора қурт» кўринмайди. Бу нима ўзи — жўн коллективизми? Аслида ожизлар кучли душмани энгиш учун мана шундай жипслашишади. Афтидан, «қора қурт»ларимизнинг ҳам душманлари борга ўхшайди.

— Ҳарқолда Раяда икки йил яшаб, «қурт»ларга кимдир ёки нимадир бирор хавф солганини сира кўрмадик, — Адам навбатдаги қора тошлар уюмини айланиб ўтиш мақсадида вездеход рулични кескин ўнгга бурди.

— Чумолилар уяси ёнида бир неча йил яшаб, уларнинг душмани нималигини билмай кетавериш ҳам мумкин, — эътироз билдирди Азизов.

— Умуман, гапингизда жон бор...

Аммо шу заҳоти унинг миёсида бошқа фикр уйғонди:

— Балки улар учун мана шунақа гуруҳ-гуруҳ бўлиб, «овқат» излаш қулайроқдир?..

— Балки... — Азизов унинг фикрини тасдиқлаган бўлди.

... Фазогирлар тошлоқ майдонни ярим кун айланишди. Бир неча марта ташқарига ҳам чиқишди, «қора қурт»ларни синчиклаб кузатишди, ўрганишди. Афтидан, майдондаги ҳамма қора тошлар бир турга мансуб, фақат катта-кичиклиги билангина ўзаро фарқ қилишарди.

Азизов «қурт»лардан бирини ердан узиб, кўтариб олмоқчи эди, уdda қилолмади.

— Уни, бўрон у ёқда турсин, ракета ёрдамида ҳам жойидан жилдириш амримаҳол-ку! — деди яна ҳайратга тушиб.

— Бўронлар кейинги ойдан бошланади, — вазмин жавоб берди Адам. — Ушандан кейин нима дейишингизни кўрамиз.

Улар тошлоқ майдондан ҳеч қандай янгилик топишолмади. Адам вездеходни қоялар этаги бўйлаб ҳайдар, Годвонинг қайтадан қонталаш рангга кирган баркаши энди уфққа оғиб, Раяда оқшом чўкмоқда эди. Тошлоқ майдонни забт этдик, десак ҳам бўлади, — бугунги ишларига якун ясади Азизов.

Рўпарада Ердаги «ўлик шаҳар»лар харобаларини эслатувчи катта-кичик қоялар кўзга ташланди.

— Анави қояларга қарагин-а! — хитоб қилди командир ўзини тутиб туролмай, у тигдор қояларни бир зум диққат билан кўздан кечирди. — Сен маҳаллий рельефга хос гайритабиий манзарани пайқаяпсанми?

— Бу — шамолнинг иши, Олмос Азизович. Уша, мен сизга айтган бўронларнинг иши.

— Бунга фақатгина бўронлар сабабчи бўлмаса керак, деб ўйлайман. Манави чуқурликка қарагин-а! Виласанми, у менга нимани эслатапти? Ахир, бу Урта Осиё тоғларидаги суви қуриб қолган сойнинг худди ўзгинаси-ку! Менга қара, Адам, чамамда, «Бургут» бу сой бўйлаб бемалол юра олади. Бир юқорига чиқиб кўрмаймизми?

— Чиқсак чиқдик-да, командир!

Сой ўзани хийла кенг бўлишига қарамай, анча эҳтиёткорликни тақозо қиларди. Адам вездеходни жуда эпчиллик билан ҳайдаб борарди. Соё худди илондек буралиб-буралиб, гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб, тобора тоғ ичкараси томон юқорилаб кетган эди. Соё сохилларида қад кўтарган, баҳайбат қоялар зилзила ёки бўрон турса ҳам босиб тушади-гандай таассурот қолдирарди.

— Бу — сойдан кўра кўпроқ йўлга ўхшайди-ку, — деди Адам.

«Йўл» ҳаддан зиёд торайган жойларида лазерни ишга солишга тўғри келди. «Қора қурт»ларнинг сиртидан фарқли ўлароқ, тоғ жинслари жаҳаннамий нур таъсирида дарров парчаланаверди.

Уларга жуда узоқ йўл босгандай туюлди, аслида вездеход жуда секин ўрмалаётганди. Машинадаги яшил индикатор ёса экинаж сафарга чиққанидан буён атиги ўн беш минут вақт ўтганини кўрсатиб турарди.

Ниҳоят, қоялар орқага чекингандай бўлди. Соё энди бир оз кенгайиб, охири уфққа бориб туташган водийга айланди.

— Анавилар ким?

Адам машинани кескин тўхтатди. Иккаласи ҳам ирғиб пастга тушишди.

«Қора қурт»ларга сира ўхшамасган тўртбурчак шаклидаги қора тошлар водий бўйлаб узун «занжир» ҳосил қилган, улар орасидаги оралик беш-олти метр масофадан ошмас эди.

— Худди гиштларга ўхшайди-я! — ажабланди Адам.

— Ҳа, — деди Азизов ва сўнгра илтимос қилди: — Вездеходдан электрон термометрни келтир-чи.

Адам вездеходга бориб келгунича, Азизов гиштнуса қора тош яқинида энгашиб, унга разм солиб, кўздан кечирди. Гиштнуса қора тошлар худди махсус дастгоҳларда симликлангандек бўлиб, тупроққа бирмунча ботиб ётарди. Бир-бирларига қарама-қарши томонларида ёса нималигини англаб бўлмайдиган ҳар хил тасвирлар туширилган эди.

Адам тез қайтди. Тошларнинг ҳароратини ўлчаб кўришгач, фазогирлар ачиниш билан хўрсиниб қўйишди. Афтидан, бу тошларнинг Раядаги жонли мавжудотларга алоқаси йўқ эди.

— Уларнинг шаклига қарагин-а! Бу табиатнинг одатдаги ўйинларидан эмас! — хитоб қилди Азизов.

— Узаро жойланиши-чи? Бу ерда тасодифга умуман ўрин йўқ. Кўряпсизми, улар идеал даражадаги тўғри чизик ҳосил қилишган.

— Ҳарҳолда бу чизиқнинг қаёққа олиб боришини аниқлашимиз зарур.
Фазогирлар иштиёқ билан тезгина вездеходга чиқишди-да, ўзига хос чизиқ бўйлаб олға силжишди. Шу тариқа бир неча километр йўл босишди. Ниҳоят, водий икки тоғнинг этагига бош уриб борган эди. Фазогирлар ғиштнусха қора тошлар бурилган жойдан вездеходни ҳам қайириб, бир оз юришгач, янги манзара қаршисидан чиқиб қолишди. Энди чор-атрофи оқиш туман оғушидаги чўққилар билан қуршалган бошқа бир катта водий ястаниб ётар, аммо бу ерда эътиборни тортадиган янги бирор нарса кўринмас эди. Қора тошларнинг эса, нариги учи уфққача бориб туташган эди.

— Бурилишдан кейин тошлар нисбатан анча зичроқ жойлашганига эътибор бердингизми? — сўради Адам командирга мурожаат қилиб.

— Менга қара, ҳозирча ҳамма нарсани қайд этиб бораверайлик, таҳлилни кейин қиламиз. Ўйлашимча, Реядаги ҳаёт биз дастлаб ўйлаганимиздан кўра анча мураккаб ва бойроқ эканига ҳадемай ишонч ҳосил қиламиз.

Аллақачон оқшом чўккан эди. Гунафша рангига чулганган водий фазогирларга ҳали кўриниб турарди. Аммо ўн минут ўтар-ўтмас, кечки шафақ зулмат кўйида буткул ғойиб бўлди.

Вездеходнинг ўткир чироқлари водийнинг кичик бир қисминигина ёритарди. Нурнинг янада қувватини ошириш ва ҳатто бирваракайига чор-атрофни ҳам ёритувчи фараларни ишга солиш мумкин бўлса-да, ҳозирча бунга эҳтиёж йўқ эди.

Азизов ўзини одатдагидек хотиржам тутарди.

— Тўхта! — буюрди у. — Орқага бур. «Кулба»га қайтамиз.

— Нега энди? — хитоб қилди Адам. — Охиригача борайлик-да энди!.. — унинг бурун катаклари керилиб, кўзлари ёнарди; ўзининг айнаи шу пайтдаги кўриниши билан узок йиллар давомида тажрибалар олиб бориб, ниҳоят, масаланинг моҳиятини англаб етган ва оламшумул натижага эришган тадқиқотчини ёслатарди у.

Азизов уни яхши тушунар ва ҳатто ўзи ҳам қизишиб кетганди. Умуман, барча жумбоқларнинг бирданига тагига етиш нақадар мароқли! Шундай имконият улар учун энди туғилгандек эди.

— Йўқ, бугун биз у ёққа бормаймиз, — командир «бугун» сўзига алоҳида урғу бериб гапирди.

— Нега, ахир?!

— Чунки ҳозирча хавф билан юзма-юз бўлишга ҳаққимиз йўқ.

— Бу ерда ҳеч қандай хавф йўқ-ку?

— Сен ҳам, мен ҳам буни билмаймиз.

— Агар биз эҳтиёткорлик қила бошласак, мўлжаллаган ишимизни бир йилда ҳам бажариб улгуролмаймиз, — деди Адам энди пича жаҳли ҳам чиқиб.

— Агар эҳтиёткорлики унутиб қўйсақ, ихтиёримиздаги икки ой муддатдан ҳам ажралиб қолишимиз мумкин, — эътироз билдирди Азизов хотиржам оҳангда. Сўнгра ёш фазогирга хайрихоҳлик билан тикиларкан қўшимча қилди: — «Кулба»га кетдик, Адам. У ерда Беганасдан бошқа ҳеч ким йўқ. Уни эса, ўзинг тушунасан, узок муддатга ёлғиз қолдирмаганимиз маъқул.

Командирнинг вазмин гап оҳанги бир оз бўлса-да Адамнинг ҳовурини босди. У вездеходни кескин орқага бурди. Бугунги иш шу билан тугаган эди.

— Ҳечқиси йўқ, биз эрта-тонгдаёқ бу ерга қайтиб келаемиз.

VIII

Беганас шошилмай «Лочин»нинг атрофида у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Яқинлашиб келаётган вездеходни кўриши биланоқ «Лочин»нинг юк тушириладиган люкни тезгина очиб, фазогирларга кулгили бир тарзда салют берди.

— Ишлар қалай? — сўради Азизов роботдан.

— Аъло.

— «Қора қурт»лар ҳужум қилишмадими?

— Яқинимга ҳам келишмади. Мендан қўрқишди шекилли, — тахмин қилди Беганас.

— Эҳтимол... — Азизов ўз ўйлари билан банд эди. — Дарвоқе, вездеходда бизнинг бу сафаримиз ҳақида баъзи маълумотлар бор. Хотира ячейкаларингга кўчириб ол. Кейин... бизга овқат бер. Улгудай қорнимиз оч.

Робот одоб билан томоқ қириб, мўлзам бўлган одамдай чаккасини қаший бошлади.

— Нима бало, ҳали овқат тайёр эмасми? — сўради Азизов.

— Мен айбдор эмасман, — ўзини оқлашга тушди Беганас. — Қачон қайтишингизни ўзингиз айтмагандингиз. Мен, албатта, сал аввалроқ дастурхон тузашим мумкин эди, лекин овқат совиб қоларди-да... Майли, ҳечқиси йўқ. Мен ҳозир қирк минутдаёқ...

— Бизни зап бошладингиз-ку! — ранжиди командирнинг кетидан етиб келган Адам.

— Масъулиятсизликнинг оқибати-да! — Азизов ўзини худди жаҳли чиққандай кўрсатиб, шеригига кўзини қисиб қўйди.


Беганас ўзини тамом йўқотиб қўйди: тараддудга тушиб, ҳижолат чека бошлади.

— Кел, яхқиси нон билан пишган ғўшт олиб кел-да, чой дамлаб қўяқол, — деди Азизов.

Беганас эса буйруқни бажаришга негадир шошилмади.

— Сизларни огоҳлантириб қўйишни бурчим деб биламан, — гап бошлади у яна, — бундай енгил-елпи овқатланиш ошқозон-ичак йўллари... — у яна нималардир айтмоқчи бўлди, аммо бир хўрсиниб қўйди-ю, қўлларини ёзганча ошхонага йўл олди.

Ўзининг, яъни одамларнинг ўзлари томонидан ўйлаб чиқилган бебаҳо панд-насиҳатлари тағин эътиборсиз қолдирилаётганига қарамасдан, бечора захматкаш робот ғоят хурсанд эди. У фазогирларнинг сафардан негадир қувноқ ва мамнун кайфиятда қайтишганини кўриб, суюниб кетганди.



Лекин у уч дақиқа ичидаёқ емакларни аравачага ортиб, меҳмонхонага кирганида, фазогирлар негадир сукутга чўмишган эди.

Командир ҳатто Беганаснинг кириб келганини ҳам сезмай қолди.

— Менга қара, «қора қурт»лар қаерда тунашаркин?— деб сўради у Адамдан.

— Назаримда, тоғларда бўлса керак.

— Шу аниқми?

— Аниқ маълумотлар бизда йўқ. Уларни эса кечаси кузатишга журъат қилмадик.

— Хўш... Хўш...— Азизов ирғиб ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.— Демак, сизлар кечаси тошлоқ майдонда нима содир бўлишидан беҳабар эдингизлар, тўғрими?— У ёш фазогирга юзланди:— Балки ҳамма гап ана шундадир?

Адам ҳам ирғиб ўрнидан туриб кетди. У командирнинг нимага шама қилаётганини англаб етган эди.

— Кетдикми?

— Ҳозирок... Кузатамиз-у, қайтамиз.

Фазогирлар шошилиб, ташқарига отланишди.

— Овқат-чи?— сўради ҳайратга тушган Беганас.

— Вақтимиз йўқ!— қўл, силтади Азизов.— Дарвоқе, Адам, йўлга бирор нарса олсакмикин...

— Кераги йўқ. Нон-пон «Бургут»да ҳам бор.

— Майли!..

— Ҳеч бўлмаса қачон қайтишларингни айтиб кетинглар!— ёлворди Беганас.—

Иссиқ овқат таяёрлаб турайми ёки...

— Билганингни қил. Муҳими, «кулба»га кўз-қулоқ бўлиб тур.

... Беганас катта чойнак ва турли енгил овқатлар қўйилган ўзижорар столга тикилганча, оғир хўрсинди:

— Уфф! Дунёда одамзоднинг кўнглини овлашдан ҳам машаққатлироқ иш бўлмаса керак...

Робот одамларнинг баъзи бир хатти-ҳаракатларидан норози бўлсада, бари бир, ўзини шундай яратганларидан рози эди. Чунки ўзи ҳам худди одамзод сингари ўта мураккаб тузилишга эга эканини яхши билар ва ҳатто фахрланиб юрарди.

IX

Қуюқ зулматдан ўзга ҳеч нима кўринмас, ерликлар тахмин қилинган мавжудотларнинг эътиборини тортмаслик учун катта фаралардан фойдаланмай, яқин-атрофни ёритувчи чироқларнигина ёқиб қўйишган, вездеходнинг фақат рўпарасигина ёритиб борилаётганди холос. Шунинг учун секин юришга тўғри келарди.

Азизов кундузи «қора қурт»лар гуж жойларга махсус белгилар қўйилган харитани қўлига олиб, шеригидан боя юрган маршрутлари бўйлаб ҳайдашни илтимос қилди. Улар хийла узок йўл босишди, лекин ҳеч қаерда энди «қора қурт»лар кўринмасди. Наҳотки, Реянинг бу гаройиб махлуқоти ўзларининг махсус тунайдиған жойларига эга бўлишса? Бордию шундай бўлса, уларни қаердан қидириш мумкин?

— Тошлоқ майдонда «қора қурт»лар йўқ, — деди Адам ишонч билан.

— Наҳотки?... Хўш, унда қандай таклифинг бор?

— Бир йўла «домино»ларнинг ҳам ўз жойида бор-йўқлигини текшириб кўрсак, зарар қилмасди.

— Майли, — деди Азизов.

Улар таниш «сой»га ҳам етиб келишди. Адам торгина жарлик бўйлаб машинани бемалол ҳайдаб борарди. Кўп ўтмай, вездеходни тўхтатишга тўғри келди.

Бутун сойлик «қора қурт»лар билан лиммо-лим эди. Фазогирлар синчиклаб тикилиб, ясси тошларнинг сойлик бўйлаб юқорига худди сувдек «оқиб» бораётганини кўришди.

— Орқаларидан юравер, — буюрди Азизов.

Бироқ «қора қурт»лар ҳаддан зиёд имиллаб силжишаётгани. Шу тарика юришса, улар водийга камида бир соатсиз етиб боришлари амримаҳол эди.

— Энди учини ҳолатига ўтсак қалай бўларкин, командир? — сўради Адам кайфи чоғ тарзда кўзлари чақнаб.

— Майли. Фақат эҳтиёт бўл. Бу «қора қурт»ларнинг худди лавага ўхшаб жилишини қара-я! Бугун бирор сирнинг тагига етамиз чоғи...

Адам машинани яна тошлоқ майдон сари бурди. Бир неча тугмани босган эди, вездеход қанотларини эди, сўнгра қўйруғидан қушнинг думидек стабилизатор «ўсиб» чиқди. Тикка учини турбиналари гувиллаб, ҳамма йўналишлар бўйича тўсиқлардан огоҳлантирувчи локатор чироклари милтиллаб ёнди.

«Бургут» оҳиста кўтарилиб, қоялар оша водий томонга учиб кетди. Чор-атроф тимқоронғи. Фазогирлар эҳтиёткорлик шартидан фараларни ёқишмади. Фақат видео-экранига ишлаб турар, ҳозир унда зулмат қўйнидаги баҳайбат қояларнинг оқиш чўққилари гира-шира кўзга чалинади.

— Қара-қара! — бирдан хитоб қилди Азизов.

Адам иллюминаторга ўгирилди.

Бутун водий ёқалаб узун ва ёрқин оловли чизик чўзилиб ётарди. Бу чизикнинг «домино»лар бўйлаб ўтганига шак-шубҳа қилмаса ҳам бўларди.

Адам вездеходни янада юқорилади, оловли чизик янада узайгандай туюлди. Афтидан, у бир неча ўн, эҳтимол, бир неча юз километр масофага чўзилиб кетгани.

— Чизик бўйлаб ҳайда! — буюрди Азизов.

Оловли чизик тўқ сарик рангда бир текис товланиб турар, у олисдан чўғланиб кўринган узун ва йўғон симни эслатарди. Айни пайтда «сим» яхлит эмас, у худди ўша қора тошлар уюлиб ётган баъзи жойларда узилишлар ҳосил қилганди.

Азизов инфракизил нур ёрдамида тунги телескопга бир зум тикилиб тургач, бирдан хитоб қилди:

— Менга қара, ахир, у тўппа-тўғри ўша «домино»ларнинг симметрия ўқи бўйлаб ўтган-ку?!

— Қизик, унинг иссиқлик даражаси қанча экан?

— Ҳозир биламиз.

Электрон термометр узок масофадан ҳам ҳар қандай жисмнинг ҳарорат даражасини аниқлай оларди. Азизов асбобнинг шкаласига қараб, беихтиёр қуштак чалиб юборди:

— Ўн беш минг даража!

— Ахир, бу — плазманинг иссиқлик даражаси-ку?!

— Ҳа...

— Тошлар-чи?

— Ҳозир. Бир оз тўхтат. Ие. мутлақо қизимаган. Ҳавонинг ҳарорати билан баробар.

— Демак, «домино»лар жуда антиқа электр ўтказгич экан-да?

— Ҳа. Афтидан, бу — ниҳоятда улкан миқдорда энергия узатувчи электр тармоғига ўхшайди.

— Қизик, уни кимлар, қаёққа узатишаётган экан?

— Бу — жумбоқ-да!..

Фазогирларнинг ҳайрати ошар, Рея энди яна сирли бўлиб туюларди. Улар ҳалигина «қора қурт»ларни Ердаги қашарот ёки шунга ўхшаш бирор жонивор билан қиёслашаётганиди. Лекин беқиёс миқдордаги энергиянинг олис масофага узатилиши... Худди шу мақсад учун махсус барпо этилган электр трассасини айтмайизми? Йўқ, бундай ишларга фақат онгли мавжудодларгина қодир! Демак, қора тошларда тафаккур қобилияти мавжуд экан-да?

— Сенинча, энергия қайси томонга оқяпти? Тошлоқ майдондан водийгами? Е аксинчами? Бу — жуда муҳим, — деди Азизов.

— Тошлоқ майдонга бўлса керак. Янглишмасам, «қора қуртлар»га энергия озлик қилган-у, шунинг учун улар қўшимча қувватни ер остидан олишга жазм этишган.

Азизов ўйчанлик билан бош ирғади, лекин индамади.

Адам вездеходни оловли трасса бўйлаб ҳайдади.

— Командир! — Адам ҳаяжон ичида Олмос Азизовичнинг елкасига ногаҳон қўл ташлади. — У ёққа қаранг-а! — шундай дея у вездеходни доира ясаб, айлантира бошлади.

Унг томонда қоялар аро бир неча юз газ нарида яна бир оловли чизик — энергия трассаси ловиллаб кўринганди.

— Яна бир неча минг метр юқориласак-чи, Адам.

«Бургут» бир оз тебранганича, яна юқорилай бошлади. Тахминан ҳар юз метр

балаңдлашганда, уларнинг остида янгидан-янги оловли чизиқлар пайдо бўлар, гўё бутун планета ўзаро ҳеч қаерда кесишмаган ана шундай бир-бирига ёндош чақноқ трассалар билан тўлиб-тошгандай эди. Автомат-ахборот буларнинг ҳаммасини ўз хотира ячейкаларига ёзиб борарди.

— Нега биз буларни илгари кўрмагандик?— сўради Адам ажабланиб.

— Хайрон бўладиган жойи йўқ, «Олмос» сайёранинг Годво атрофида айланишига мослашиб, нуқул унинг кундузги осмонида сузиб юрган. Сизлар эса тошлоқ майдон чегарасидан нарига ўтмагансизлар. Бу оловли трассалар бўлса, чамамда, фақат кечаларни ишга тушади.

— Қаранг-а, трассалар бизнинг майдондагина эмас, бошқа жойлардан ҳам ўтган. Наҳотки, у ерларда ҳам «домино»лар мавжуд бўлса?

— Эҳ, Адам, Адам... Фавқулодда янгиликлар шу қадар кўпки!.. Буларнинг моҳиятига етиб, сўнг Ерга узатишга қурбимиз етармикин?..

Пультда сигнал чироғи ёниб, айни пайтда, майин жиринглаган овоз ҳам эшитилди. Кутилмаганда берилган сигналдан иккала фазогир ҳам беихтиёр чўчиб кетди.

Беганас уларни алоқа ўрнатишга чорлаётганди.

— Амаки, бошласам бўладими, мен шуни билмоқчи эдим?

— Нимани?

— Нимани бўларди, овқат тайёрлашни-да.

— Фақат шунинг учун бизни безовта қилдингми?

— Йўқ, буни шунчаки сўраялман. Асосийси, Ердан хабар келди. Инструкция бўйича мен бу ҳақда зудлик билан ахборот беришим керак.

— Вой, каллаварам-ей! Гапни шундан бошлаш керак эди! Уқи тезроқ!

— Ҳозир... Мана... «Азизовга. «Бўрон» мўлжалдагидан икки ҳафта олдин етиб боради. «Қора қурт»лар истиқомат қила олиши мумкин бўлган астероидларни изла-япмиз. Уларнинг 20 минг тоннасини юклаб жўнатишни тавсия қиламиз. Космик Марказ. Бородкин».

— Йигирма минг тонна!— истеҳзоли кулимсиради Азизов.— Нақадар арзимаган миқдор...

Шу ондаёқ у шеригига юзланди:

— Адам!

— Лаббай, командир?

— Суткасига неча соат ухлайсан?

— Беш соатга яқин...

— Мен ҳам. Лекин энди иккаламызга ҳам камроқ ухлашга тўғри келади. «Бўрон» олдинроқ келаркан. Биз Реяни ҳали ўрганиб улгурганимизча йўқ. Бунинг устига бор-йўғи икки кишимиз холос.

— Яхши, командир, — жилмайди Адам, — камроқ ухлайверамиз. Лекин биз иккита эмас, уч кишимиз. Беганас ҳам Ер фарзанди, ахир!

— Дарвоқе, Беганас ҳақида... Сен унинг чизмасига баъзи ўзгаришлар киритсанг. Питга Беганасни юмор ҳисси билан таъминлагани учун раҳмат айтишимиз керак, албатта. Лекин робот ҳаддан зиёд маҳмадона, жиртаки...

Адам бир неча фурсат ўйланиб турди-да, жавоб берди:

— Майли, мен ҳаракат қилиб кўраман.

— Ҳа-ҳа, ўйдаб кўр энди, «кулба»га қайтамиз. Бу зулмат қўйнида бари бир бирор сирнинг тагига етишимиз қийин. Яхшиси, трассани эртадан бошлаб ўрганамиз.

X

Баҳайбат қоялар узра Годвонинг илк нурулари таралиб улгурмасиданоқ, ерикларнинг водийга етиб келишганини батафсил тасвирлаб ўтирмайлик. Азизов даставвал оловли трассаларнинг манбаини аниқлашни таклиф қилди. Видеоёзувлар бўйича, манбалар тоғ тизмалари этагидан бошлангани аниқ эди.

Фазогирлар вездеходдан тушишди. Тўртбурчакли қора тошлар худди кечаги тартибда тизилиб ётишарди. На тошлар ва на уларнинг атрофида бирор ўзгариш бор эди. Кечаси бу ерда оловли чизиқ ёнганига сира ақл бовар қилмасди.

— Тунда калламга бир фикр келди, — деди Азизов ўйчан ҳолда.

Адам командирга савол назари билан қаради.

— «Қора қурт»лар — онгли мавжудотлар бўлиши мумкин эмас, — гапида давом этди Олмос Азизович. — Онгли мавжудотлар ҳеч қачон ўзга цивилизация кemasига тўғридан-тўғри хуруж қилмаган бўлишарди. Акс ҳолда улар «Позитрон»ни тап тортмай ғажиб ташлашмас эди.

— Инсоният коинотдаги онгли мавжудотларнинг ўзига хос, турли-туман шакллари-ни тобора кашф этипти-ку.

— Адам, ҳар қандай олий тафаккур, қандай қобикқа ўралганидан қатъи назар, мантиқ қонуниятларини четлаб ўтолмайди.

— Дарвоқе, командир, бир эътибор қилинг-а, «қора қурт»лар «Позитрон»ни очикдан-очик ғажиб ташлашди, «Лочин»га бўлса, ҳатто яқин йўлашмади. Ахир, унда ҳам металл қисмлар етарли-ку!..

— Хўш, бу билан нима демоқчисан?— деб сўради Азизов.

Адам ўйланиб қолди:

— Назаримда, «қора қурт»лар ниманидир тушуниб етишган-у...

Олмос Азизович шубҳа билан бошини чайқади.

— Балки «қора қурт»ларга шундай команда берилгандир?

— «Позитрон»га ҳамми?

— «Позитрон» Реяга қўққисдан келиб қолган. Балки, бу сайёра тарихида ўзга планета кемасининг биринчи бор қўнишидир.

— Ким бундай команда бериши мумкин, ахир? Ким «қора қурт»ларнинг ҳулқ-атвори га таъсир қилади? У ҳолда «қора қурт»ларнинг ўзи нима?

— Мана, кара...

Фазогирлар антиқа қора тошлардан иборат трассадаги биринчи тошнинг яқинига келишди. Ҳажми ва рангига қараганда бошқа тошлардан сира фарқ қилмасди. Умуман, ҳамма тошлар қандайдир сирли устахонада бир қолипдан чиққанга ўхшарди.

Биринчи тош баҳайбат қоя этагидан етти метр берида жойлашганди. Қоянинг бағри ботик, гарчанд ботик юза айтарли силлиқ бўлмаса-да, унинг шакли табиий эканига ишониш қийин эди.

Қоя деворида, трасса тугаган жой рўпарасидаги бир неча туйнук бирдан фазогирларнинг эътиборини ўзига тортди. Гўё қояга бир неча туйнукли улкан темир-бетон плита махсус ўрнатиб кўйилгандай эди. Командир Адамга худди мана шу туйнуқларни кўрсатди.

— Бу туйнуқларнинг табиий йўл билан юзага келмагани аниқ,— деди Адам ҳаяжонланиб.

— Ҳа,— деди Азизов бош ирғаб,— нима дейсан: булар «қора қурт»ларнинг тунги уялари эмасмикин-а?

— Топдингиз! Улар худди шу ерда энергия йиғишса керак...

— Ёки куни бўйи йиққан энергияларини узатишса керак...

— Буни қандай аниқласа бўларкин?

Азизов ғалати «темир-бетон» плита олдида чўккалаб ўтирди.

— Эсингдами, кечаси сенга калламга бир фикр келди, деган эдим.

— Ҳа. Лекин қанақа фикр?

— Чамамда, «қора қурт»лар ердаги сигирларга ўхшашади. Улар ёритгич нурлари тушган «ўтлоқ»ларда ўтлаб энергия тўплашади, кейин бу энергия ёрдамида ер қаъридан ўзларига керакли моддани олишади. Кечаси эса, тўплаган қувватларини «соғдириш» учун манави плитанинг қошига келиб энергия трассаси орқали уни «омбор»га узатишади. Хуллас, бизнинг тошлоқ майдонимиз ана шу «сигир»лар боқиладиган яйловлардан бири бўлса керак.

— Командир, сиз — даҳосиз! — хитоб қилди Адам яна ҳаяжонга тушиб. Чиндан ҳам, фақат ақл-заковатдан маҳрум «сигир»ларгина «Позитрон»ни осмондан тушган метеорит чоғлаб, маъдан қисмларини еб қўйишлари мумкин эди.

— «Сигирлар» мавжуд экан, демак, подачилар, «сут соғувчи»лар, энергия тармоқлари қурувчилари ва умуман, фазовий «сут истеъмолчи»лари ҳам бўлиши керак-да?

— Агар ёдингизда бўлса, қадимги замонларда кристалларни тадқиқ этишган одамлар, кўпинча, уларни жонивор деб ўйлашган. Ҳарқолда улар ҳақида худди жонли нарсалар гапиришган.

— Қизик...

— Эҳтимол; икки маъданшуноснинг ўзаро суҳбатлашганини ҳеч эшитмаганмисан, Адам? Улар металл кристаллининг чарчагани, қариши, дам олиш қобилияти, ортиқча «юк» қўйилган пайтда сас чиқариши ҳақида гапиришади. Ёки геологларнинг ўзаро гурунгни олайлик. Улар кўпинча маъданнинг хотираси, ташқи шароитга «оқилона» мослашиб олиши ҳақида сўз юритишади. Лаборатория ёки цехда сунъий кристалл яратувчиларининг наздида эса кристаллар ўсади, ўзига қандайдир аралашмалар — озуқалар қабул қилади, насл қолдиради.

— Жуда қизик...

— Яна бир далил, Адам. Маълумки, кристалл юзаси ғадир-будир бўлиши мумкин. Улар одатда табиий ёки сунъий йўл билан юзага келади. Борди-ю, ғадир-будирлар сунъий ҳосил қилинса, бу кристаллга ёқмайди. Натижада унинг юзаси «тирилиб», атомларнинг диффузион ҳаракатлари туфайли сунъий ғадир-будирлар ўз-ўзидан йўқолади.

Ҳатто кристалл ўз юзасидаги энергияни камайтириш учун «терлайди» дейишади, яъни юққа суюқлик қатлами билан қопланади. Кейин, ишонасанми, кристаллар хотирага эга бўларкан. Қайсидир монографияда ўқигандим, масалан: тош тузи кристаллининг қачонлардир бирор ёриқ жой бўлса, йиллар ўтиши билан бу ёриқ бирлашиб кетса-да, бироқ хотира сифатида кристалл юзасида сира ўчмайдиган излар қоларкан.

Олмос Азизович бир оз ўйга чўмиб, яна фикрини давом эттирди.

— Хуллас, Адам, чамамда, Реянинг аборигенлари шаклан ўзимизнинг Ердаги кристалларга ўхшайди...

— Уларни қидириб топиб, мулоқот ўрнатиш қўлимиздан келармикин?


— Келади, Адам. Қолаверса, сайёранинг фожиали келажигидан уларни огоҳ қилиш ҳам бизнинг инсоний бурчимиз!..

— Эҳтимол, уларни бу ҳалокатдан қутқариб қолишга эришарми! — Адамнинг кўзларида энди умид учқунлари пайдо бўлди. — Командир, тездан Ерга хабар йўлласак, бошқа транспорт кемалари ҳам жўнатишса.

Азизов бошини чайқади.

— Албатта, Ерга биз мазкур муаммо ҳақида бугуноқ хабар жўнатамиз... Лекин биз улар билан қанузгача мулоқот ўрната олмадик. Мулоқот йўллари қидиришимиз, узлуксиз қидиришимиз лозим!

Кичиккина экипажнинг вазифалари гоёт мураккаблашиб борарди. Эндиликда тараққиёт поғоналарида анча юксакликка эришган ўзига хос бутун бир цивилизацияни сақлаб қолиш муаммоси кўндаланг турарди. Ердаги инсониятнинг Реядаги иккитагина



вакили елкасига ана шундай мисли кўрилмаган оғир вазифа юкланган эди. Фазогирлар ўзаро кенгашиб, бу ерда ғаройиб абorigенларни учратиш умидида трассанинг нариги чеккасини тадқиқ этишга қарор қилишди.

Вездеход қоялар оша юқорига кўтарилди. Улар қоратошлардан иборат чизик бўйлаб учиб кетишди. Ниҳоят, трассанинг охирига етай деб қолишганда, спидометр тўрт юз етмиш олтинчи километрни кўрсатиб турарди. Адам машинани тошлоқ ерга охишта қўндирди. Фазогирлар кабинадан ирғиб тушишди-ю, синчковлик билан олға юра бошлашди.

Аммо бу ерда ҳам айтарли ҳеч қандай ғайритабиий нарсага дуч келишмади. Ғиштсимон тошлар улкан қоягача тақалиб келган ва бу ерда ҳам катта «темир-бетон» плита маҳкамлаб қўйилганди. Лекин бу плиталарда туйнуклар йўқ, фақат унинг ўртасидагина кулчадеккина қора доирача бор эди.

— Чамамда, у ёқда, тоғлар остидаги қатламларда ўзига қувват тўпловчи ва уни ўзгартирувчи қурилмалар яширинган, — тахмин қилди Азизов.

— Ноорганиклар-чи? — Адам бирпасда Реянинг онгли мавжудотларига мос келадиган терминни айтиб юборди. — Наҳотки, улар ҳам ер остида истиқомат қилинса?

— Эҳтимол...

Фазогирлар ғиштин трасса тугаган жойнинг чор-атрофидаги ҳар бир тошгача диққат билан кўздан кечириб чиқишди. Лекин ҳеч қандай хулосага келишолмади.

— Ҳеч нарса йўқ... — деди Адам хўрсиниб.

— Биз бирданига ҳаммасини билиб олишни истамаепмизми? Ахир, эндигина сайёранинг кичик бир нуқтасини тадқиқ этишга киришдик-ку... Бугун, эрта ёки индинга нималарга дуч келишимиз ҳали бутунлай қоронғи...

— Урток командир, экипажимиз Реяда икки йил яшади. Агар ноорганиклар мавжуд бўлишса, нега биз билан мулоқот ўрнатишга бирор марта ҳам уринишмади?

— Сиз-чи?..

— Йўқ, биз уларнинг мавжудлигини ҳаёлимизга ҳам келтирмагандик.

— Ана, кўряпсанми! Биз ерликларга эса, ноорганик ҳаётнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд экани ҳақида хулосага келиш анча осонроқ. Космосда сайр қила бошлаганимизга кўп йил бўлди, кўп нарсаларни ўргандик, билдик. Борди-ю, ўзимизни реяликларнинг ўрнига қўйиб кўрсак-чи? Уларнинг тасаввурича, ҳаёт фақат ноорганик кўринишда бўлиши керак. Шунинг учун улар бизнинг экипажини эмас, кўпроқ «Позитрон»нинг ўзини жонли мавжудот сифатида қабул қилишгандир.

— Балки улар мулоқот ўрнатишга уринишган-у, буни сизлар пайқаманган бўлишингиз ҳам мумкин.

— Очигини айтганда, бу ҳақда бош қотиришга вақтимиз ҳам йўқ эди. Биз учун энг муҳими, қандай бўлмасин ўзимизни «қора қурт»лардан муҳофаза қилиш эди.

— Балли. Энди эслашга уриниб кўр, сира ғайритабиий бирор ҳодиса юз бермадими? Айниқса, сўнгги ойларда?

— Буни дарров хотирлаш қийин, — деди Адам бош чайқаб. — Лекин бир ўйлаб кўрай-чи.

Улар яна қоя ёқалаб юришди. Ғиштин трассани ҳисобга олмаганда, олий онг фаолиятининг ҳеч қандай излари кўринмасди.

— Энди бошқа трассаларни ҳам бир кўздан кечирсак бўларди, — таклиф қилди Азизов.

— Майли. Нариги томонда узунроқ трассалар ҳам борга ўхшайди.

Улар кабинага киришгач, оловли чизиклар қайд этилган глобус устига энгашиб, керакли йўналишларни аниқлаб олишди.

«Бургут» яна қоялар узра парвоз қилди. Қоронғи тушгунча, улар кичикроқ яна икки трассани ва деярли экваторгача чўзилган энг узун «чизик»ни ўрганиб чиқишга улгуришди. Аммо ҳеч қандай янгилик топиша олмади.

«Кулба»га ярим тунда қайтишаркан, пастда оловли трассалар чақнаб кўринарди.

Фазогирлар ҳозирча Реянинг арзимаган бир қисминигина ўрганиб улгуришган, тўғриси, уни фақат сиртдангина кўздан кечириш билан чекланишганди, холос. Ҳозирча жумбоқ жумбоқлигича қолмоқда эди.

— Йўқ! — деди, ниҳоят, Азизов қатъий. — Бутун бир сайёрада энергия трассаларидан бўлак ҳеч нарса йўқлигича сира ишонмайман. Биз планета сатҳининг ҳеч бўлмаса асосий қисмини тез кунларда кўздан кечириб чиқишимиз керак. Бугуноқ «Лочин»ни стартга тайёрлаш керак. (Вездеход ярамайди: у жуда секин учади). Мен чамалаб кўрдим, агар биз ёришиб турган ярим шар бўйлаб ҳаракат қилсак, бутун сайёрани икки кунда айланиб чиқишимиз мумкин. Фикримга қўшилсанми?

Адам жавоб бермади.

Азизов унга таажжуб билан тикилди. Механик ўйга ботган, ботинида зўр бериб, мулоҳаза юритаётганга ўхшарди. Командирнинг ўзига ҳамон тикилиб турганини сезгач, негадир тарадудга тушиб, беихтиёр жилмайди:

— Кечиринг, Олмос Азизович, сиз менга бир нима дедингиз, шекилли? Хаёлим қочибди...

— Мен «Лочин»ни бугун стартга тайёрлаш керак, дедим. Орбитадан туриб сайёра саҳнида бошқа цивилизацияга даҳлдор қурилмалар бор-йўқлигини аниқлаймиз.

— Яхши. Эртага эрталаб «Лочин» учишга шай бўлади.

XI

Азизов ўз одатига кўра, барвақт уйғонди. Ҳали қоронғи эди. У соатига қаради, «Адам пича ёта турсин, — ўйлади у, — кеча «Лочин»ни стартга тайёрлайман деб, роса

чарчаган». Командир ўрнидан туриб кийинди-да, ташқарига чиқди. Тошлоқ майдонда Беганас ивириб юрарди.

— Амаки, нонушта қиласизми?— сўради дарров робот.

— Раҳмат, иштахам йўқроқ.

— Акажон ҳам доим шунақа,— намойишкорона хўрсинди Беганас.— Айтмоқчи, мен унга одамларнинг: «Нонуштани ўзинг е, тушликни дўстинг билан баҳам кўр, кечки овқатни душманингга бер», деган қадимий нақлини эслатдим. У менга қандай жавоб берди денг?— робот томоқ қириб қўйди.— Айтишга ҳам уяламан...

— Демак, Адам ҳам уйғонибди-да?

— Бўлмаса-чи.— Робот бошини қашиб, муғамбирона жилмайди.— Ғордан чиқа солиб, вездеходга ўтирди-да, қаёққадир жўнаворди.

— Жўнаворди дейсанми? Бир ўзи-я? Қачон?— Азизов ҳайратини яшира олмади

— Ҳозир айтаман. Ҳар эҳтимолга қарши хотира блокмига ёзиб қўйганман. Мана: бир соат, қирқ минуту ўн икки секунд аввал. Тўғри, бу гапни айтгунимча яна саккиз секунд ўтиб кетди. Шундай қилиб...

— Худо хайрингни берсин, Беганас, камроқ гапир!

— Ким хайрингни берсин дедингиз?

— Бўлди, бас!

Командир ҳеч нарсага тушунолмади. Кеча кечаси Адам билан бугун бажаришлари лозим ишларнинг барчасини аниқ режалаб чиққан эди. Бир ярим соатдан кейин «Лочин» старт олиши керак.

Азизов «Лочин»нинг радиорубкасига кириб, пеленгаторни ишга солди. «Бургут»га махсус радиоқурилма ўрнатилган бўлиб, у вақти-вақти билан эфирга радиосигналлар тарқатиб турарди. Мана шу сигналлар ёрдамида вездеход турган жой координатларини аниқлаш мумкин эди.

Ҳозир сигналлар одатдагиқа кўра ўта ожиз бўлиб, бунга вездеходнинг баҳайбат қоялар билан қуршалган жарликда иш олиб бораётгани сабаб эди. Командир ЭҲМга янги вазифа топширди. Бир неча секунддаёқ таблода натижа акс этди. Демак, Адам биринчи гал боришган трассанинг энг охирида экан. У ердан «кулба»гача бир соатга яқин учиш керак.

Азизов вездеход билан бевосита алоқа ўрнатиш тугмасини босиб, совуққон овозда микрофонга:

— Сени кутяпман, Адам,— деди-да, ўша захоти радиоузатгични ўчириб қўйди.

Адамнинг ўзини оқлаб айтадиган сўзларини эшитиб ўтиришни истамади.

Одамлардаги мустақилликни қўллаб-қувватлагани ҳолда, ўзига бино қўйиб шошма-шошарлик қиладиган, етти ўлчаб бир кесмайдиган, бирор ишни ҳиссиётларига таяниб бажарадиган кишиларни Азизовнинг жини ёқтирмасди. Адам командирни одамгарчилик нуқтаи назаридан ҳам қаттиқ ранжитган эди. Чунки Реяда улар бор-йўғи икковлон. Шунга қарамай ҳар бири ўзбошимчалик билан иш тутаверса... Азизов Адам қайтиб келиши биланоқ эътирозларини рўй-рост унга айтиб қўйишни кўнглига тугиб қўйди.

Командир яна «кулба»га қайтиб кириб, Пит Старк экспедицияси вахта журналини варақлашга тушди. Гарчанд журналдаги ёзувлар унга деярли ёд бўлиб кетган бўлса-да, ҳар гал янги бир фикр уйғотар, ҳар бир вазиятга мантик кўзи билан қарашга мажбур қиларди. Азизов журнал саҳифаларини шитирлатиб аста варақларкан, бир соат ўтиб кетганини ҳам пайқамай қолди. Хаёлида Адам қайтиб келгандай туюлди. Командир ўрнидан туриб, ҳозир анча-мунча ёқимсиз гаплар бўлишини хаёлида туйиб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Эшик ортида кимнингдир журъатсизгина томоқ қиргани эшитилди. Афтидан, Адам киришга ботинолмаётганди. Ниҳоят, эшик очилди. Остонада патнис кўтарган... Беганас турарди.

— Кечирасиз, амаки,— деди робот кўзларини милтилатаркан, айни пайтда филнинг хартумига ўхшаш бурнини ҳам қимирлатиб,— гарчанд сиз безовта қилишни таъқиқлаган бўлсангиз ҳам, ҳузурингизга киришга мажбурман. Негаки, ёритгич чиқишига ярим соат қолганда, нонушта келтириш ва икки одам учун икки кунлик озиқ-овқат ва махсус асбоблар ғамлаб қўйишни менга шахсан ўзингиз буюргансиз.

— Яхши,— жавоб берди Азизов зўрға тоқат қилиб,— ҳаммасини бажардингми?

— Ҳа.

— Унда асбобларни столга қўй-да, Адамни чақир.

Маҳмадона робот бу гал ҳеч нарса демай, оғирлигини бир оёғидан иккинчисига олди.

— Нима, Адам ҳали ҳам келмадимми?

— Ҳозир етиб келади. У жуда интизомли йигит. Ҳозирча чой ичиб туринг, командир.

Мен сиз учун аччиқ қилиб дамладим. Бу анча ҳовурни босади.

Азизов тез-тез одимлаб «Лочин» сари юраркан:

— Жин урсин ҳаммасини!— дея минғирлади.

Стартгача атиги йигирма саккиз минут қолганди. Агар улар мўлжалланган вақтда учишмаса, бутун учиш программасини бошқатдан ҳисоблаб чиқишга, координатларни ўзгартиришга тўғри келарди. Вақтдан эса яна бир неча соат ютқазиллари мумкин эди. Кеча ярим кечагача ЭҲМга программа тузиб, энг оптимал учиш маршрутини аниқлаб чиқишган. Наҳотки, Адам вазиятни чуқур тушуниб етмаган бўлса?

Радиорубкада у кескин ҳаракат билан узатгични ишга солди, вездеход пеленгини аниқлади. Адам ҳамон трассанинг охирида — қоялар қуршовидаги жарликда эди. Бу ҳол Азизовнинг хунобини оширди.

— Адам!— дея чақирди у овози титраб.

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. «Бургут»дан ҳамон ожизгина радиосигналлар келаётганди, холос.

— Адам! Адам! — кичкирди вужудида даҳшатли бир шубҳа уйғонган Азизов жон қолатда.

Радиоузатгичдан эса, ҳамон ўша ожиз «пи-пип»дан бўлак ҳеч қандай овоз эшитилмасди.

Азизов кемадан шошиб ташқарига чиқди.

— Беганас! Беганас!

— Лаббай! — жавоб берди содиқ робот. Сафарга тайёрлан. Саёҳатга чиқиб келамиз.

— Бош устига. Аммо... Йўлга нималар олай?

— Адамни кидиришга борамиз. Хавф билан юзма-юз келишимиз ҳам мумкин.

Қурол ол.

Командир ўша заҳоти бурилиб, «Лочин»га, унинг юк бўлинмасига қайтиб кирди. Бу ерда «Митти» деб аталган яна бир вездеход бор эди. Ун дақиқа ҳам ўтмай, Азизов уни кемадан тошлоқ майдонга олиб ўтди. Робот йўлга шай бўлиб пастда кутиб турарди. Азизов «Митти»ни чўққилари Годвонинг ёрқин алвон нурларида товланган тоғ тизмалари узра ҳайдаб кетди. Қоялар орасидаги жарликларда ҳали зулмат ўз чодирини йиғиб улгурмаганди. Агар ҳозир вездеходда рассом бўлганида, қорамтир туманлик оғушида гўё сузиб бораётгандай қад ростлаган ранг-баранг қоялар силсиласидан иборат фантастик манзарани кўриб, ўша заҳоти илҳоми жўш ураб у қўлига мўйқалам оларди.

Гарчанд гўзалликни туйиш хисси Азизовга ҳам ёт бўлмаса-да, лекин ҳозир маҳаллий манзаралар билан завқланишнинг мавриди эмас эди.

У радиоузатгични доимий тартибда ишлатиб қўйган ва Беганасга Адамни узлуксиз чақиришни буюрганди.

— Акажон! Адам! Азизим Адам! Сиз билан Беганас гаплашмоқчи. Қаердасиз, жавоб беринг!

Аммо ҳамон жавоб йўқ эди.

Бир пайт улар, ниҳоят, трассанинг охирига етиб келишди, Годво анча тикка кўтарилган ва энг чуқур жарлик ва сайҳонликларни ҳам тўла ёиритиб турар эди.

Фазогирлар унча юксакликда учишмаётгани ва ҳавонинг одатдагича шаффофлиги туфайли «Бургут»нинг шарпасини олисданоқ илғашди.

Азизов хўрсиниб қўйди. Хайриятки, вездеход бут экан; у машинани «қора қурт»лар гажиб ташламаганмикин, деган хаёлга борганди. Аммо «Бургут»нинг шундоққина қоя олдида қийшайиб туришида қандайдир ғайритабиийлик бордай эди.

«Митти» оҳиста унинг ёнига қўнди.

— Вой, амаки! — хитоб қилди Беганас. — Ишлар чатоқ-ку!

Бу гал робот юз фоиз ҳақ эди. Буни Азизовнинг ўзи ҳам кўриб турарди. У Адамнинг мақсадига бир лаҳзадаёқ тушуниб етганди.

Адам лазер нури воситасида ноорганиклар яшайди деб эҳтимол қилинган ер ости салтанатига кириш учун лаҳим қовлашга қарор қилган, «Бургут» тош қаърига қарийб уч метрча кириб борган, кейин эса нимадир юз берган эди. «Адам тирикмикин?» Ҳозир Азизовни хавотирга солаётган бирдан-бир фикр мана шу эди.

Вездеходнинг орқа томонидаги эҳтиёт люкни очиб учун электрон шамширни ишга солишга тўғри келди. Беганас бу ишни жуда эҳтиётлик ва эпчиллик билан бажарар, лекин Азизовнинг назарида у тоқат қилиб бўлмайдиган даражада имиллаётганга ўхшарди.

Ниҳоят, люк очилди. Азизов кабинага суқилиб кирди. Беганас ҳимоя майдони йўналишини унга қаратиб, ўзи орқада қолди. Вездеходнинг тумшуги пачоқ бўлган, видеокузгуси синиб кетган эди. Кема қобигида ҳосил бўлган ёриқ орқали командир вездеход қавлаган уч гаэлик лаҳимни кўрди, ундан нарида эса аллақандай ялтироқ металл қалқон турганини пайқади. Афтидан, қалқон унча қайин бўлмаса керак, чунки ер остида қандайдир минглаб қудратли машиналар ишлаётгандақа шовқин ва гувиллаш овози эшитиларди.

«Бургут»нинг кабинаси айтарли зарар кўрмабди. Радиомаёқ ҳамон ишлаб турибди. Командирга вездеход нега ожиз сигналлар узатаётгани энди аён бўлди: машина гўё тошдан ясалган қопнинг ичига тушиб қолган эди. Ҳамма асбоблар ва тадқиқот воситаларига зиён-заҳмат етмаганди-ю, фақат лазер қурилмаси ҳамда уни энергия билан таъминловчи тармоққина ишдан чиққан эди. Агар ерликларга фақатгина мана шу тармоқларни ишдан чиқариб, қолганларини эса бут қолдиришдек антиқа вазифа топширилса, уни ҳар ҳолда маҳаллий шароитда бажара олмасликлари турган гап эди. Адам курсида ҳушсиз ётарди. Азизов унинг томир уришини текшириб кўриб, кўнгли бир оз жойига тушди. Сўнгра йигитни курси билан бирга орқа лок сари суриб, Беганасга узатди.

Робот жаврашдан ўзини тийиб туролмади.

— Булар ҳаммаси унинг вақтида нонушта қилмагани сабабли юз берган, амаки!

Азизов пачақланган вездеходни холи қолдираркан, беихтиёр ёриққа яна бир бор кўз ташлади. Вожаб! Лаҳимнинг тўрида энди ҳеч қандай ялтироқ металл қалқон кўринмасди. Вездеход оддий қояга тақалиб турар, ер остидан ҳеч қандай товуш ҳам эшитилмай қолганди.

Аммо ҳозир тадқиқот билан шуғулланишнинг вақти эмас. Адамни иложи борица тезроқ «кулба»га олиб бориб, унга тиббий ёрдам кўрсатиш лозим эди.

Азизов Адамни Беганас кўмагида «Митти»га жойлади. У роботга «Бургут»даги кейинроқ асқотадиган нарсаларнинг ҳаммасини ташиб киқини буюрмоқчи бўлдию, лекин дарров бу фикридан қайтди. Беганасга бирор шикаст етишидан хавфсиради. Ахир, у бўлмаса, «кулба»даги шунча ишни бир ўзи қандай эплайди. Шунингдек, Адамнинг қачон ўзига келиши ҳам номаълум. «Бургут»нинг қўлдан бой берилганига, афтидан, кўниқишга тўғри келадиганга ўхшайди.

Азизов «Митти»ни учирришга журъат қилмай, Годво нурлари аёвсиз ёгилиб турган водий бўйлаб ҳайдади.

Беганас командирни ўта таажжубга солиб, анча жойгача сукут сақлаб борди. Лекин водий орқада қолгач, у бирдан тилга кириб, мамнуният билан қайд этди:

— Саксон тўққиз минг олти юз тўқсон уч!

— Нима?— сўради Азизов ҳеч нарсага тушунмай, хавотир билан Адамга нигоҳ ташлаб қўяркан.

— Анави ғиштга ўхшаган қора тошлар сонини айтяпман. Мен уларни ҳар эҳтимолга кўра санаб чиқдим. Бунга ўзимнинг ақлим етди! Шунақа!

XII

Тиббий диагностизатор Азизовни анча хотиржам қилди. Адам мианинг асаб томирларига берилган қандайдир ташқи таъсир туфайли ҳушидан кетганди. Бу — асабни вақтинча шол этувчи биоэлектр майдон ёки шунга яқин нимадир бўлиши мумкин эди. Унинг ўзига келиши учун тиниқиб ухлаш ва электр массажи зарур эди.

Азизов сабот ва чидам билан беморни даволашга киришди. Садоқатли Беганас ҳам кечаю кундуз «акажон»нинг бошида парвона эди.

Командир ва роботнинг икки кунлик куйди-пишдисига қарамай, Адам ҳалиям ўзига келмасди. Унинг юрак уриши маромида, нафас олиши мўътадил, лекин ҳамон ҳушиёз эди. Азизов ҳатто то «Бўрон» етиб келгунча, уни анабиоз камерада сақлаб турсакмикин, деган хаёлга ҳам борди.

Аммо учинчи кунни мўъжиза юз берди. Адам худди уйқудан уйғонаётгандек кўзларини очиб, қаттиқ эснади, сўнгра тирсакларига тиралиб, ўрнидан турди. У хонага кўз югуртириб, «кулба»ни тиббий асбоб-анжомлар тўлдирганини кўрди-ю, ҳижолатдан қип-қизариб кетди.

— Адам! — секин чақирди уни командир овози титраб. — Адам! Гапимни эшит-япсанми?

У охишта бошини буриб, нам кўзларини Азизовга қадади.

— Командир, мен кўндан бери шу ердаманми?

— Унчалик эмас. Кейин айтаман, Адам. Ўзинг тузукмисан?

Механик оғир хўрсинди.

— Мени кечиринг, командир. Худди ёш боладай иш тутдим. Ноорганиклар ҳузурига ўзим бораверибман... Ҳиссиётларга берилиб кетибман...

— Икром бўлганингдан хурсандман, — босиқлик билан жавоб берди Азизов. — Аммо... ўзингни қандай ҳис қиляпсан?

У ўрнидан шаҳд туриб, деди:

— Мана, тўрт мучалим соғ... Айтмоқчи, вездеходга нима бўлди?

— Визда «Митти» бор.

— Демак, ишдан чиқибди-да?

— Қайгурма, Адам. Майли, бўлари бўлди.

Адам иккала қўли билан сочларини чангаллади.

— Қандай бемаънилик! Яна ҳеч нарса эслолмайман. Бор-йўғи лазерни ишга солганим ёдимда. У ёғини эса... Ҳа-ҳа, мен қояда туйнук очиб, ер остида нима борлигини қояни осонгина теша бошлаган эди. Бирданига қандайдир портлашлар юз берди, аллақандай ғалати нур кўзимни қамаштириб юборди... Вездеходнинг нурдан ҳимоялаш тармоғи ишдан чиққанини пайқаганим ҳамона миям карахт бўлиб қолди. Қолганини ҳеч эслолмайман...

— Яхшиямки, радиомаёқни ишлатиб қўйишга ақлинг етибди, — деди Азизов, — ҳар ҳолда биз сени қаердан кидиришимиз лозимлигини билиб олдик.

— Йўк, мен уни ишлатмаганим-ку! — деди Адам ҳайратланиб.

— Ростданми? Яхшилаб эслаб кўр!...

Адам кафти билан пешанасидаги терни артди.

— Бўлса бордир... Лекин энди нима қиламиз, командир?

— Билмадим. Яхшиси, ҳозирча трасса атрофида кўринмаганимиз маъқул.

Адам хомуш кўринар, Азизовнинг олдида қаттиқ ҳижолат чекарди.

Командир шеригини оувтгиси, кўнглини кўтаргиси келиб, унинг елкасига қўлини қўйди:

— Хафа бўлма, Адам. Бу хатомиз ўзимиз учун сабоқ...

— Хатомиз эмас, менинг хатом. Хатогина эмас, ҳатто буни ғирт аҳмоқлик деса ҳам бўлади! — деди алам билан ёш фазогир.

— Бўпти-бўпти. Икковимиз ҳам бир-биримиздан қолишмаймиз, — командир энгашиб овозини пасайтирди: — Умуман, биз ўз камчиликларимизни унча бўрттирмаслигимиз керак, йўқса, Беганаснинг олдида обрўйимизни йўқотиб қўямиз.

— Дарвоқе, Беганас ҳақида... — Адам Азизовга илтижоли бери нигоҳ билан қаради. — Эсингиздами, командир, сиз мендан унинг чизмасига баъзи ўзгартишлар киритишни илтимос қилгандингиз... Афсуски, қўлим бормади. Ахир, Беганас билан икки йилдан бери бир экспедициядамыз...

Азизов Адамнинг мақсадини дарров тушунди. Рост, агар роботга кўниқиб қолган бўлсанг, унинг «хулқ-атвори»ни ўзгартириш — уйингдаги севган итинг ёки мушугингни ҳайдаб юборишдай бир гап.

Командир унинг елкасини қучиб қўйди.

— Мени кечир, Адам, бу ҳақда сира ўйламаган эканман. Ваҳоланки, командир сифатида ҳамма нарса ҳисобга олишим керак эди. Майли, Беганас Беганаслигича қолаверсин.

— Раҳмат, командир!

Шеригининг тездан оёққа туриб кетгани ҳам, унинг ўз айбига дилдан икром бўлиб, азият чеккани ҳам Азизовни мамнун этганди. «Иўқ, биз бемалол бирга ишлай оламиз, — деган қарорга келди командир. — Бундан кейинги ҳамма ишларни қойил қилиб бажарамиз ҳали. Фақат Адам яна озгина ўзига келиб олса, бас. Азизов ҳамкасбининг сўлгин чехраси, киртайган кўзлари ва бир оз ингичка тортиб қолган узун бўйнига тикиларкан, Пит Старкнинг Адамнинг «одамови ва ичимдагини топ феъли» ҳақидаги гапларини эслади. Кўнгли бўшаб, йигитга яқинроқ ўтираркан, майин жилмайди:

— Ерда севган қизинг борми?

— Иўқ, — қовоғини солиб жавоб берди Адам.

— Иўқ-ей.. — шундоқ келишган йигитнинг, а?.. — Азизов қуюқроқ жилмайди.

Адам гўё бу мавзуда гапни давом эттиришни истамаганини намойиш этмоқчидай. бошини девор томонга ним ўтирди. Шу кўйи бир оз сукут сақлагандан кейин аста гап бошлади:

— Синфимизда бир қиз ўқир эди. Иси — Зарина. Унга ёкишимни ўзим билардим. Ўртамиздаги муносабат соф, дўстона эди. Тўғри, у ёнимда бўлганида мен ўзимни қушдай енгил, тоғни урса талқон қиладиган паҳлавондек ҳис этар, айни пайтда ёш боладек ҳовлиқиб, тарадудга тушиб қолардим. Лекин бу нарса менга табиий ҳолдек туюлар, ҳар қандай йигит ҳар қандай гўзал аёл қошида ўзини доимо шундай сезса керак, деб ўйлардим. — Адам хўрсиниб, тин олди-да, яна гапида давом этди: — Мен мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ фазогир бўлишни орзу қилардим. Отам ҳам, онам ҳам умрларининг кўп йилини фазовий экспедицияларда ўтказишган эди... Негадир, мен доимо ҳали ўзим унчалик теран ҳис этмаган самовий бир муҳаббат ҳақида кўп ўйлардим. Масалан, фазонинг қаеридадир ниҳоятда гўзал одамлар яшайдиган бир сайёрани кашф қиламан-у, бу сайёранинг энг сулув ва энг соҳибжамол қизи мени севиб қолади. Бутун коинот бизнинг муҳаббатимизга ҳавас қилади. Ҳамма галактикаларнинг инсон зоти яшайдиган сайёраларининг энг яхши шоирлари бизга бағишлаб дostonлар битишади...

— Бу масалада жуда ям янгича йўл тутганман, деб ўйламай қўя қол, — деди Азизов яна жилмайиб.

— Мактабни тамомлагач, Кривев университетининг юлдузкезар кемаларни таъмирлаш факультетига ўқишга кирдим. Бир неча ойдан сўнг ота-онам ҳам Кривевга кўчиб ўтишди ва мен Зарина яшайдиган Острадага бошқа қайтиб бормадим. Дарвоқе, ўша йили Зарина ҳам Киевдаги Медицина институтига ўқишга кирди... Ҳаётим жуда қайноқ ва серташвиш ўтарди — ўқиш, амалий машғулотлар, театр, гимнастика, мушоира



кечалари... Аммо ниманидир бой берганим, ҳаётимдаги энг муҳим алланимани ёнлаб ўтиб кетганимдан изтироб чекардим. Йўқ, гап бу ерда менинг болалиқдаги содда, беозор орзуларим ва фазовий севгимдан ўшандаёқ воз кечганимда эмас, албатта... Бу — табиий ва конуний ҳол... Лекин менда, бари бир, нимадир етишмасди...

Адамнинг жиддий тус олган чеҳрасида аллақандай майинлик, ўйчан бир ифода акс этди. У ўзининг сурурли ёшлик йилларига қайтгандай эди...

— Менинг юлдузларга қилган биринчи саёҳатим унча узоққа чўзилмади. Чунки Ерни қаттиқ соғиниб қолдим. Олис юлдузлардан кўҳна сайёрамизга илк бор қайтган вақтда уйғонадиган туйғулар ўзингизга ҳам маълум...

— Гапингда давом этавер, Адам, — Азизов самимий жилмайди.

— Ўшанда Ер саҳнига қўндик... Карантин... Тиббий текширувлар... Яхши кайфият билан рентгенолог хонасига кирдим-у, қоққан қозикдай туриб қолдим. Не кўз билан кўрайки, қаршимда оппоқ халат кийган Зарина турарди!.. Аввал унинг кўзларига, катта очилган қаҳваранг ёниқ кўзларига нигоҳим тушди. Худди ўшанда, бир дақиқа ичидаёқ сўнги йиллар мобайнида менга нима етишмаганини пайқаб қолдим. Фазовий севи ҳақидаги ўсмирлик орзуларим ундан минг чандон гўзалроқ ва чароғонроқ муҳаббатимни тўсиб қўяёган эди. Биз бир-биримизни саволларга кўмиб ташладик. Ҳаммадан ҳам мен унинг маҳбуби бор-йўқлигини билишни истардим. Лекин сира журъат қила олмасдим. «Бор», деб жавоб беришидан қўрқардим. Ахир, орадан қанча йиллар ўтиб кетганди-да. Афсуски... у «йўқ» деб жавоб берди.

Адамнинг ўйчан чеҳрасига табассум югурди. Азизов эса, энди жиддийлашган, бу ҳикоянинг ниҳояси маънос бўлажагини аввалдан сезгандек эди.

— Биз бир-биримизни севардик. Эртақлар оламида уч йил яшадик...
 — Кейин... ажрашиб кетдингларми?
 — Агар тақдир шуни раво кўрмаганда...

Афтидан, ҳикоянинг ниҳояси фақат маъносина эмас, балки фожиали ҳам эди.

— Зарина дельтапланеризм билан шуғулланар эди. Спортнинг бу кўҳна тури ёдингизда бўлса керак?

— Албатта...
 — Машқ пайтида у ҳаво уюрмасига дуч келиб, чирпирак бўлиб пастга қулаганида, мен экспедицияда эдим. Камдан-кам юз берадиган ҳодиса... Унинг жасадини уч кундан кейингина жарликдан топишибди.

Адам, гарчанд хотиралари бир-бир тикланиб, туғён ураётганига қарамай, командирнинг кайфияти бузилганини пайқамай қолмади. Шу туфайли пича ўнғайсизланиб турди. Сўнгра мавзунни ўзгартиришга ўзида куч топди:

— Мен сизнинг рафиқангизни билардим.
 — Клараними?
 — Билишимга келганда... Мен бир вақтлар ҳаваскор рассомларнинг кўрғазмасида бўлгандим. Менимча, рафиқангиз катта истезод эгаси эди...

Азизов Адамнинг нима мақсадда гап бошлаганини пайқади.

— Лекин мен аёлларга шу пайтгача дабдурустдан мақтов гаплар айта олмайман. Ҳатто ўз рафиқамга ҳам.

— Кўрғазмада сиз ҳам рафиқангиз билан бирга эдингиз.
 — Демак, Клара зўрлаб олиб борган.
 — Тасвирий санъатни ёқтирмайсизми?
 — Мен асосан классикани ёқтираман.
 — Аммо кўрғазмада худди рафиқангиз каби сиз ҳам жуда бахтиёр кўрингандингиз.

— Ҳа, бу гапинг рост, — майин оҳангда жавоб берди Азизов бирор ноўрин гапи билан Адамнинг кўнглини оғритмасликка ҳаракат қилиб. — Мен жуда бахтли эдим ўшанда. Мана, ёшим элликка ҳам бориб қолди. Кларани мен бундан йигирма беш йил аввал учратгандим. — Командирнинг чеҳрасида билинар-билинмас маъюслик пайдо бўлди: — Ундан ўша машъум хабарни олгунимга қадар...

Адамнинг бир зумда қовоғи уйилди:

— Хабарим бор. Рафиқангизнинг юраги... — лекин у дарров гапни бошқа ёққа бурди: — Дарвоқе, у билан илк марта қаерда танишган эдингиз?

— Кўчада... Ҳа, жуда яхши ёдимда. Мен кутубхонадан чиқиб қарасам, фаввора яқинида хушрўйгина бир қиз турибди. Кейинчалик маълум бўлишича, у дугонасини кутаётган экан. Ростини айтганда, у менга дарров ёкиб қолди. Дарахт панасига ўтиб, қани энди кетиб қолмаса, деган ҳаёлда уни кузата бошладим. Қандай танишиш ҳақида уй сурдим. Мен негадир ҳаяжон ва изтиробга ҳам тушгандим. Ниҳоят, у билан юзма-юз бўлишига қатъий қарор қилдим. Узимни хотиржам ва дадил кўрсатишга тиришиб: «Мен билан кинога боришни истайсизми яхши қиз?» — деб сўрадим. У ҳам менга хотиржам, айни пайтда диққат билан бир зум тикилиб турди-да: «Яхши», деб жавоб берди.

Фазогирлар яна бирпас гурунглашишди. Ниҳоят, Азизов Адамнинг толиқганини пайқади. Афтидан, механик ҳали тамоман ўзига келиб улгурмаганди. Эътирозларига қарамай, Азизов унинг чакка томирларига уйқуни бир меъёрга соладиган электродларни улаб қўйди. Орадан бир минут ўтмасданок, Адам қаттиқ уйқуга кетди.

Азизов «кулба»дан чиқиб, ташқарига йўналди.

Гарчанд у навқирон шеригига чин дилдан ачинаётган эса-да, бугунги суҳбат ҳар иккови учун жуда фойдали бўлганига амин эди. Улар маънан ўзаро жуда яқин бўлиб қолишган эди. Атиги икки кишидангина иборат коллективда бир-бирларининг фикр ва ҳисларига нисбатан ҳурмат туйғуларига дўстлик ҳам келиб чирмашаркан, уларнинг бир кучига ўн куч қўшилади — Азизов буни яхши биларди.

Азизов тошлоқ майдонга чиқди. Беганас унга савол назари билан қаради:

— Амаки, акажоннинг ишлари қалай?

- Анча яхши. У билан эҳтиёт бўлиб гаплашгин.
- Мен сизлар билан доим эҳтиёт бўлиб гаплашаман-ку.
- Бундан ҳам эслироқ бўлавер, Беганасжон.

Азизов роботга яна бир неча зарур кўрсатмалар берди-да, вездеход рулига ўтирди. У миясига келган бир гоини амалда текшириб кўришга қарор қилганди.

XIII

Азизов «Митти»ни оловли трасса томонга ҳайдади. Иложи борича у «Бургут»дан тезроқ хабар олиши керак. Икки хил вазият юзага келиши мумкинлигини олдиндан тахмин қилиб кўрди. Вездеход қояга ўйиб кирган ҳолича турарди. Ноорганикларнинг унга тегишмагани яхшиликдан дарак беради. Демак, улар вазиятни тўғри баҳолашган. Фавқуллодда хатого йўл қўйилганини ерликларнинг тажовузкорлигига йўйишмаган.

Иккинчи вазиятга кўра, маҳаллий онгли мавжудотлар беҳудага саросима ва таҳликага тушишган ҳамда вездеходни тўғридан-тўғри йўқ қилишган бўлиши мумкин эди. Ана шу ҳолда цивилизацияларо мулоқот анча мураккаблашган бўлар эди.

Баланд ва тик қоялар кўзга ташланди. Трассанинг охири ўша қоялар этагида эди. Азизов телескопни тоғлар этагига тўғрилаб, окулярга энгашди. Уни сал четроққа суриб кўрди-ю, ногаҳонда қичқириб юбораёди. Азизов бунни сира кутмаганди. Қояда ҳеч қандай ёриқ кўринмасди. Адам вездеходда ер ости «ўлка»сига кирмоқчи бўлган жой берк, теп-текис: бошқа қоя ёнбағирларидан мутлақо фарқ қилмасди. Лекин энг ажабланарлиси ҳали бу эмас: қоя ёнида турган вездеход бус-бутун, унинг бирорта жойи ҳам пачақланмаган эди.

Азизов окулярдан кўзини узмаган ҳолда яқинроқ учиб борди. «Бургут» худди Ер заводларидан бирида тўла-тўкис таъмирдан чиқарилгандай ян-янги ва бус-бутун ҳолга келтирилган эди.

— Улар хийла қилишаётганмикин? — деган шубҳа командирнинг миясида бир зум кечди-ю, лекин ўша заҳоти бу фикридан қайтди. Агар ноорганиклар ерликларга бирор ёмонликни раво кўрганларида бунни аллақачон, ҳеч бўлмаса, у Адамни вездеходдан олиб чиқаётган маҳалдаёқ амалга оширишлари мумкин эди.

У «Митти»ни тўғри пастга йўналтириб, кўп ўтмай вездеходнинг ёнига қўндирди. Сўнгра кабинадан тушиб, худди эртақларда бўладигандек, ўз-ўзидан янгиланиб қолган машинани гир айланиб томоша қилди. Ажаб!.. Лазер қурилмасидан бошқа ҳамма нарсани — энг майда деталларигача тиклашибди. Жуда қизиқ. Балки бунда чуқур маъно бордир. Ҳатто иллюминаторларнинг синтетик ойналаридаги дарз кетган жойлар ҳам кўринмасди... У Адамни олиб чиққан орқа люк хануз ярим очик турарди.

Азизов кабинага кирди. Уша беҳосият тонгда «Бургут»нинг ҳам бир қисмига путур етган, баъзи асбоб ва таблолар ишдан чиққанди. Энди эса, ҳамма нарса аслига қайтган эди. У панель устига энгашди. Ахир, у буткул ёниб кетганди-ку? Мана бу асбоб остига ҳатто «В» ҳарфи ёзилган бўлиб, уни кимдир миҳ билан сидирганми, ўчиб кетаёзибди. Азизов энди ҳарфнинг янгитдан аниқ ёзиб қўйилганини кўриб, онг-тонг қотиб қолди. Бу қандай гап ўзи? Демак, улар вездеход тузилишининг энг нозик деталларигача ўрганиб улгуришган экан-да?! Демак, улар кабинани ҳам тафтиш қилишган, бинобарин, Беганаснинг кўзини шамғалат қилиб, куч ва ҳимоя майдонини қандайдир чора-тадбир топиб, кесиб ўтишган. Балки ўзларини ўраб турган олам ҳақидаги ахборотларини қабул қилишнинг янги, биз англаб етмайдиган усулларини билишар.

Азизов ҳаяжон қиссини босишга тиришиб, асосий двигатель ишини текшириб кўрди. Аввал кичик меъёрда ишлатиб, сўнг секин-аста қувватни оширди. Ҳаммаси жойида! Ноорганиклар бир неча соат ичидаёқ ўзга сайёрада ўзга цивилизацияга дахлдор машинани тўла-тўкис таъмирдан чиқаришга муваффақ бўлишганди. Уларнинг юксак тараққиёт даражаси мана шунинг ўзиданоқ аён эди.

Радиомаяк-чи? Ахир, Адам уни атайин ўчириб қўйдим, деган эди-ку? Ваҳоланки, портлаш юз берганидан кейин ҳам ишлаб турган эди. Ким уни ишга солган? Демак, маҳаллий онгли мавжудотлар Ернинг техник имкониятлари ҳақидагина эмас, балки экипаждаги ҳақиқий аҳволдан ҳам хабардор эканлар-да?

Азизов Рея ҳақидаги ўзининг илк хулосалари борасида ўйга толаркан, «Ўлакса «қора қурт»лар сайёраси», деб қўйди ўзига ўзи.

Ўзларига ҳаддан зиёда ишонганликлари ерликларга қаттиқ панд берди. Бой берилган қимматли вақт, ўрганилмай қолган билимлар ва ўзларига ўхшаган олий онг эгалари билан алоқа боғлашдек коинот миқёсидаги ноёб воқеанинг шу пайтгача амалга ошмаганидан афсус чекмай бўлармиди, албатта.

Азизов резервдаги вездеход — «Митти»нинг кабинасига ўтиб, уни автоматик юриш тартибига ўтказди-да, яна «Бургут»га қайтди.

«Бургут»нинг кабинасига киришдан аввал унинг чор-атрофини, уфққа қараб чўзилган қора тошлар трассаси ва қояларнинг ғадир-будир ён-бағирларини синчиклаб кўздан кечирди. Тирик мавжудотнинг бирор шарпаси сезилмасди. Умуман, улар шу пайтгача «қора қурт»лардан бўлак ҳеч қанақа жонли нарсага дуч келишмаганди.

Балки фазогирлар уларни қаердан қидириш лозимлигини билишолмаётгандир? Балки ўзларининг кўз олдида ҳар куни зоҳир бўлаётган аллақандай ғайритабиий нарсаларни сезмай қолишаётгандир? Балки уларнинг иш услуби эскиргандир.

Азизов «Бургут»ни орқага бурди. Изма-из «Митти» ҳам эргашди. Кичик карвон воҳа бўйлаб йўлга чикди.

(Давоми бор)



Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Шляпа

Ҳажвия

Саломхўжа Бозорхўжаев шляпа киймайди. Лекин бир марта озроқ кийиб юрган ҳам...
Ушанда:

— Энди шляпа кийсам... — дейиши билан Аҳмад деган улфатимиз оғзига кафтини қопқоқ қилиб, қасам ичишига йўл қўймаган эди.

У вақтларда биз институтда бирга ўқирдик. Студентлардан ҳеч ким шляпа киймас эди. Шляпани фақат баъзи профессорларимиз кийишар, кейинчалик шляпа шоирлар даврасида мода бўла бошлаган эди. Куродошимиз Саломхўжа «Салом Бозорий» тахаллуси билан шеър ёзиб юргани учун шляпани орзу қилиб қолди. Биз кўпчилик бўлиб, унинг бу азму қарорини маъқулладик.

- Жуда тўғри ўйлабсан, сенга шляпа сув билан ҳаводай зарур, — деди Аҳмад.
- Шляпа кийиб юрмасанг, шоирлигингни ҳеч ким билмайди, — деди Раҳмат.
- Шояд сенга қизиқиб бошқалар ҳам шляпа киядиган бўлиб кетса, — деди Маҳамат.
- Йўқ, шляпа фақат шоирларга ярашади! — дедим мен.

Хуллас, бешовлон биргалашиб, эшигининг тепасига «Бош кийимлар» деб ёзиб қўйилган магазинга кириб бордик. Дўстимизга энг чиройли, энг қиммат шляпани танлаб кийгиздик. Гарчи ярашмаса-да, ранги костюмининг рангига мос келмаса ҳам, зўр бериб мақтадик. У шляпани кийиб ойнага қарашга улгурмасиданоқ биримиз қўйиб, биримиз олдик:

- Бунақа қулинг ўргилсин шляпа Америкада ҳам йўқ, — деди Аҳмад.
- Бунақа зўр шляпани Пушкин ҳам киймаган! — деди Раҳмат.
- Агар байрамда шоирлар паради ташкил қилинса, сен колонанинг бошида борасан! — деди Маҳамат.

— Яшасин шляпа! — дедим мен гапни лўнда қилиб.

Хуллас, беш ўртоқ — шляпали Салом Бозорий, кепкали Аҳмад, фуражкали Раҳмат, кўк дўппили Маҳамат ва чуст дўппили мен дадил қадамлар билан ресторан томон йўл олдик: шляпани ювиш керак-да.

Кираверишда Салом Бозорий шляпасини, Аҳмад кепкасини, Раҳмат фуражкасини гардеробга топширишди. Гардеробчи шляпа, кепка ва фуражкани илгакка илиб, номерини Аҳмадга берди.

Олдинда савлат тўкиб Салом Бозорий, орқасида Аҳмад, Раҳмат, Маҳамат ва мен турнадай тизилишиб ресторан залига кириб бордик. Энг тўрдаги олти кишилик столни эгалладик.

— Ароқ ичамизми? — деди Аҳмад ҳаммамизга бир-бир қараб.

— Коньяк ичамиз, — деди Раҳмат.

— Бир шиша шампан ҳам буюрсак бўларди, — деди Маҳамат негадир менга қараб.

— Менга бари бир, ҳеч бало ичмайман, қорним тўйса бўлди, — дедим мен.

— Менинг пулим озроқ, — деди Салом Бозорий ранги ўчиbroқ.

Биз пул ҳаммамизда ҳам оз-оздан борлигини айтиб, бугунги бўлажақ тантана соҳибига далда бердик. Шу тариқа, «камбағалнинг бир тўйгани — чала бойиғани» деганларидек, ўтиришимиз бошланиб кетди. Алёрлар ҳам жуда келиштириб айтилди:

— Аввало, азиз бошингнинг омонлиги учун... Бош омон бўлса, шляпа топилади! — деди Аҳмад.

— Шляпанг ҳамиша азиз бошингда соябон бўлсин, азиз дўстим! — деди Раҳмат.

— Шу шляпа соясида чинакам шеърят яратишинг учун! — деди Маҳамат.

— Яшасин шляпа! — дедим мен лўнда қилиб, лекин ичмадим.

Ўтиришимиз якунида одатдагидай официант билан ҳисоб-китоб қилишга тўғри келди. Буни қарангки, ҳазил-ҳазил билан бир неча шляпанинг пулини еб-ичиб юборибмиз. Ҳаммамиз бор пулимизни чиқариб, ўртага ташласак ҳам етмади.

— Бизга қора қаҳва келтиринг, — деди Аҳмад.

Официант ҳам, биз ҳам унга ҳайрон бўлиб қарадик.

— Келтираверинг, — деди Аҳмад. — Дўстларим қаҳва ичиб бўлгунича, мен пул топиб келаман.

У шундай деди-ю, ўрнидан туриб ташқари отилди. Ҳақиқатан сўзининг устидан чиқди. Биз қора қаҳвани энди ичиб бўлган эдикки, Аҳмад келиб, етмаган пулни столга ташлади:

— Қойил! — деди Раҳмат.

— Қойилман! — деди Маҳамат.

— Қойилмиз! — деди Салом Бозорий.

— Дарров қаердан топа қолдинг? — дедим мен ҳадиксираб. Чунки ҳаммадан ҳушёр ўзим эдим-да.

Аҳмад жавоб ўрнига афтини буриштирди.

Хуллас, эсон-омон ҳисоб-китоб қилиб кўчага чиқдик. Гардеробчи йигит аввал бетимизга, бошимизга, кейин Аҳмаднинг кепкасига, Раҳматнинг фуражкасига атир сешиб, қўлларига бирма-бир тутқазди.

— Менинг шляпам-чи? — деди Салом Бозорий.

Шунда Аҳмад хандон ташлаб кулиб юборди. У ҳеч ўзини тутолмасди, кула-кула, ғужанак бўлиб қолди. Биз ҳам бир нарсани сезгандай унинг кулгидан тўхтаганини кута бошладик. Аҳмад кулиб бўлиб воқеани тушунтирди. Маълум бўлишича, ҳали Аҳмад қора қаҳва буюриб чиқиб кетганида, шляпани гардеробдан олиб, ўша магазинга қайта топширган экан.

Унинг бу топқирлигидан биз ҳам ўзимизни тутолмай кулиб юбордик. Фақат гардеробчи йигит «жанжал чиқиб кетмаса эди», дегандай ташвишланиб турар эди. Ишни қилган қарнайчи, балога қолган сурнайчи деганларидай, Салом Бозорий Аҳмадни қўйиб, энг аввал захрини менга сочди:

— Энди билдим сенинг икки марта «Яшасин шляпа!» деганингни! Ҳаммангнинг тилинг бир экан! Сендақа дўстларим йўқ! Ҳе шляпангдан ўргилдим! Энди шляпа кийсам...

Шунда Аҳмад унинг оғзига қўлини қопқоқ қилиб, қасам ичишдан сақлаб қолди. Ана шундан бери Салом Бозорий на шляпа кияди, на шёр ёзади.

Абдуғани Абдувалиев

Қиёмий

Ҳажвия

С емиз, лўппи юзли киши мультфильмдаги «Винни Пух»га ўхшаб эшикдан пилдираб кириб келди. Кўзининг қирини ташлаб, саломлашгандек бўлди. Стулга гуп этиб чўкди. Дастрўмол олиб яғининг остини, дўрдоқ лабларини артди. Сўнг қўйин чўнтагидан эски, буклоғлик дафтар чиқариб, орасидан бир варақ олди-да, менга узатди:

— Янги ғазалим.

Ғазални кўздан кечирдим:

**«Очунимда эрдим токи дилхирам,
Нидо қилдинг, эй, ёр, муташаккирам...»**

— Бу ғазалингизга унча тушунмадим, — дедим унга. — Бошқа шеърларингиз ҳам борми?

— Мен шеър ёзмайман, ғазал битаман... Сиз редакцияга янги келганга ўхшайсиз. Мен умримнинг ярмидан зиёдини ғазалга бахшида қилдим, ғазал бирлан сочим оқарди. Бу ҳақда бир мурабба ҳам ёзиб қўйганман. Эшитинг:

**«Ғазал бирлан оқарди мўйим,
Назм-ила юксалди бўйим...»**

Ғазалнинг юки оғир. Ҳар ким ҳам кўтаравермайди, ҳар ким ҳам тушунавермайди. Айниқса, ҳозир редакцияда ишлайдиган ёшлар тушунмайди. Арузни билмайди. Мана, сиз, шундай ажойиб ғазални тушунмадим, дейсиз. Нимасини тушунмайсиз? Мана «Очунимда эрдим токи дилхирам. Яъни, уйимда дилим хира бўлиб ўтирган эдим, деганим. Хўш? «Нидо қилдинг, эй, ёр, муташаккирам». Яъни, сенинг овозингни эшитиб, эй, ёр, жуда хурсанд бўлиб кетдим, бунинг учун раҳмат, деяпман. Хўш, нимаси тушунарсиз?

— Ҳақиқатан ҳам мен тушунмадим. Яна биронча бошқа, соддароқ ғазалингиз борми?

— Мен содда ёзмайман. Йигирма йилдан буён Қиёмий тахаллуси бирлан ғазал ёзаман. Эшитган бўлсангиз керак, бир ғазалим район газетасида ҳам босилган.

— Нега Қиёмий тахаллусини танладингиз?

— Менинг Кафилий деган устозим бўлардилар. У киши қўйган бу тахаллусни. Қиёмига етган ғазаллар битиб, одамларни хурсанд қилиб юр, деганлар. Хўп бўлмаса, мен турай, бошқа ижодий ташкилотларда ҳам ишим бор. Эртага янги ғазалимни олиб келарман.

Эртасига Қиёмий янги ғазалини олиб келиб, қўлимга тутқазди:

**«Рухсори гўзалим, бўл менга ҳамсар,
Қиёмийдур бу оқшомда саросар...»**

— Ҳамсар деганингиз нимаси? — сўрадим ғазалга кўз югуртириб чиққач.
— «Ҳамсар» дегани ёстиқдош дегани. Кел, гўзалим, мени қийнамай ёстиқдош бўлгин. Яъни, менга турмушга чиққин, мен оқшомлари гаранг бўлиб, бошим оғриб юрмайин. димоқчман. Бу ерда яширин фикр, сўз ўйини бор.

— Сиз фикрларингизни яшириб ўтирманг. Нима қиласиз архайк сўзларни зўраки ишлатиб, ўқувчиларни қийнаб, — дея унга тушунтира бошладим. — Содда, равон, замонавий ғазаллар ёзинг. Биз потиллатиб чиқариб берайлик.

— Классиканинг қадрига етмайсизлар-да, чунки, тушунмайсизлар. Майли, замонавий бўлса, замонавий. Агар босиб чиқарсанглар бугундан эътиборан замонавий мавзуда ғазал битурман. Мен ижод қилишдан чорчамайман. Зеро...

Шу пайт хонага кекса журналист Ҳамид ака кириб, бир қадам босди-ю, тўхтаб қолди. Кейин худди илон кўргандек шошиб, бурилиб чиқиб кетди.

Қиёмий кетгач Ҳамид аканинг хонасига кириб, ундан сўрадим:

— Бир нарса сўрамоқчийдингизми? Жа, тез чиқиб кетдингиз?

— Ёнингизда ўтирган ҳалиги киши Қиёмий эдими?

— Ҳа.

— Бай-бай, худога шукр, мени кўрмади. Илгари адабиёт бўлимида, сизнинг ўрнингизда ишлаганимда мени касал қилаёзган...

Эртасига Қиёмий ҳузуримга кириб келди ва деди:

— Шоири замон бўларканмиз-да, мана, талабингизга биноан замонавий мавзуда ғазал битиб келдим. Қулоқ солинг:

**«Суратингни кўрдим, жоно, ҳурмат тахтада,
Билсам, ишлар экансан зарбдор вахтада...»**

Қалай?

Кулгидан ўзимни зўрга тийиб турардим. Унга бугунги шеърият талаблари ҳақида бир оз лекция ўқидим.

— Сизга на классика, на замонавий ғазал ёқаркан. Майли, изланинг дедингиз, изланамаиз. Эртага янгиisini олиб келаман.

Хуллас, у ғазал олиб келишдан чарчамади, мен маслаҳат беришдан. Бора-бора Қиёмийни кўрсам асабим бузилиб, чекадиган бўлиб қолдим. Яқинда эшикдан кириб келиши билан ёнимдан сигарета олиб тутатгандим, у ёнидан ғазал олиб деди:

— Чекиш ҳақида бир ғазалим бор. Эшитинг:

**«Иштахани бўғодир узлуксиз чекиш,
Оғизни расво айлаб, тушиб кетар тиш...»**

Қалай?

«Менинг мазам бўлмади турибди, эртага келинг, жон ака», деб ялиниб, чиқариб юбордим.

Бирок у эртасига ҳам, ундан кейин ҳам негадир келмади. Менинг эса тобора мазам қочиб борарди. Врачлар асабингиз ниҳоятда бузилган деб касалхонага йўллашди.

Касалхонада тўрт кишилик палатадан жой беришди. Ўзимга ажратилган каравотга энди чўзилгандим, ёнимдаги каравот фикрлаб қолди. Бир киши қорнини дўппайтириб, юзига оқ чойшаб ёпиб, ухлаб ётарди. У чойшабни юзидан аста тортиб, «ҳо-у-у-в» дея эснади. Кўзларини ишқалаб, ён-верига аланглади. Нигоҳи менга тушиб, суюниб кетди. Бу — Қиёмий эди.

— Ие, бунга қаранг, нечук шамол учирди?

Баданимдан чумоли ўрмалагандек ўзимни нохуш сездим. Оғзимдан зўрма-зўраки сўзлар чиқди:

— Маза йўқ, ўзингиз-чи?

— Ҳар йили бир ётаман, оёқ оғрийди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ижодни тарк етмайман. Шу бугун наҳорда замонавий мавзуда бир ғазал битдим. Эшитинг:

**«Дўхтурларга оқ халат ҳўб ярашади,
Ҳамширалар сочин силлиқ тарашади...»**

Қалай?

Мен жавоб бермадим. Негаки, жавоб берарли аҳволда эмасдим.

Чиранчиқ қуён

Бехос қувиб қолган душмандан қочиб,
Эс-хушин йўқотиб, жонидан кечиб,
Бир Қуён ўрмонда чопиб келарди.
Нажот истаб, худди, елдай еларди...
Дуч келди-ю, кирди тулки инига,
(Жонин хавфдан асраб, ярар қунига!)
Бир оз ўтгач ортга бўлди қайтмоқчи,
Сал ўзига келгач, недир айтмоқчи:
Қараса Тулки йўқ, инда болалар,
(Бурчакда биқиниб турарди улар...)
Гавдасин ғоз тутиб сўз бошлар Қуён:
— Афсус Тулки йўқ-ку?! Боз қолар омон!
Бутун ўрмон бўйлаб янгради хитоб:
— Келгандим, қилгали бир ҳисоб-китоб!..

Эсланмаган одам

Резинкадай чўзиб соатдан ортиқ,
Бир бошдан санади ҳаммани нотиқ.
Узун бўлса ҳамки нотиқ каломи,
Лекин бир одамнинг чиқмади номи...
Доклад давомида жойидан жилмай.
Ўзини қаерга қўйишни билмай,
Енди бамисоли қўйишни билмай,
Енди бамисоли қуруқ ўгиндай,
Охир чиқиб кетди залдан бутунлай.
Кейин учраганга деди у: — Тақсир,
Доклад бўш, бемаза, мутлоқ бетаъсир!..

Сами Абдуқаҳҳор
таржимаси

Конвертларни қайчилаганда

Ўрдак билан ғозлар думлари билан сувага
шўнғиб ғамза қилишарди...

* * *

Харсанг тошнинг кўчган жойидан қуёшнинг
бир тили кўринди.

* * *

Унинг қалби гўё аккумулятор,
Зарядланган уйғоқ оммадан.

* * *

Оғиз-бурун ўпишиб яшаш қандай нашъали.

* * *

Жўжахўроз каби қичқириб
Отди ўзин йиғлаб бағримга.

* * *

Еш умрининг ниҳоли чексиз.

* * *

Қирғоқларни ялар бирдай
Дарё она сизирдай.

* *
*
Пешонанинг ариқларидан тер оқар лим-лим.

* *
*
Хаёлимнинг қоқ белидан тешиб ўтди ўқ.

* *
*
Утли нигоҳингдан эриб ўргилай.

*
*
Сен шундай:
Қалбингни шамол ялаган.

* *
*
Яна не гап деб бош кўтарди сув.

* *
*
Тинди анҳор хотиржам бир тўлғаниб.

* *
*
Кўнглингдек оппоқ оқарди далалар.

*
*
Муҳаббат яланғбош, ялангоёқ
Кириб келди тунда қалбимга.

*
*
Пешонамни ёрса ногаҳон тақдир...

* *
*
Тераклардай менга мукаррам,
Йўл бўйида ўсган арчалар.

* *
*
Ишқ боғида — қучоғингда
Етаман қайта ёна.

* *
*
Бошқача куч билан, бошқа рух билан,
Мени бос бағринга, қайтсин нафасим.

* *
*
Чала очиқ шу лабларининг меҳрга тўлиб,
Сезармисан, шивирласа менинг исмимни.

* *
*
Қалби офтоб янглиғ нақ лаққа бир чўғ.

* *
*
Кўкрак қафасим худди ўтин...

*
*
Тўп кўк айиқ чиқиб қолди пастда юрсам,
Арчалардан яратилган экан кўрсам.

Мадааний ҳаёт

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи партия ташкилотининг очик партия йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ҳақида»ги қарори республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори ижодкорларни ҳам улкан ютуқларга идҳомлантираётганлиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи партия ташкилотининг секретари Раҳмат Файзий доклад қилди. Доклад юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи правленийсининг секретари У. Усмонов, «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори Х. Абдусаматов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош редактори О. Ёқубов, «Звезда Востока» журналининг бўлим мудири А. Ершов, СССР Езувчилар союзининг ўзбек адабиёти бўйича консультант С. Мадалиев ва бошқа ижодкорлар қатнашдилар.

Қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Езувчилар союзи адабий кенгашларининг навбатдаги йиғилишлари ўтказилди.

Вадий таржима кенгаши йиғинида кенгаш аъзоларидан Н. Фозилов, Қ. Мирмухамедов, Х. Тўрабеков, Ғ. Саломов, М. Ҳакимов, В. Рўзиматов, Н. Владимирова, Х. Мухаммадхонов совет фаолияти ҳамда ташкилий масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар. Латвия ССРдан меҳмон бўлиб келган шоир, таржимон, Латвия Езувчилар союзи қошидаги таржима кенгашининг бошлиғи У. Берзиньш ўз республикаси таржимонлари олиб бораётган ишлар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Йиғилишни мазкур совет раиси Асқад Мухтор олиб борди.

Очерк ва публицистика кенгашининг йиғилишига ёзувчи И. Муқимов раислик қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига тайёргарликни матбуот саҳифаларида кенг ёритиш, меҳнат қахрамонлари, фидойи замондошларимиз ҳақида очерклар тўпламлари тайёрлаш кераклиги тўғрисида фикр юритилди.

Ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти кенгашининг навбатдаги йиғилишида кенгаш аъзоларидан М. Муҳамедов, Назармат, Ҳ. Тожибоев, М. Хайруллаев, Н. Стрижков, А. Эшонов, Ш. Қурбонов ва бошқа ёзувчилар сўзга чиқишиб, Гитлер Германияси устидан қозонилган Буюк ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан ўзбек адиблари яратган турли жанрдаги асарлар хусусида фикрлашдилар. Мазкур мавзудаги асарларни алоҳида китоб ҳолида чоп этиш ҳақида келишиб олинди.

Йиғилишни ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти кенгашининг раиси Иброҳим Раҳим олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи правленийсининг секретари В. Пармузин иштирок этди.

* * *

Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари драматургларининг «Совет адабиёти проблемалари ҳамда кўп миллатли СССР халқлари драматургиясининг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши масалалари»га бағишланган ижодий конференцияси 19 апрель куни Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи правленийсининг биринчи секретари С. Азимов конференцияни қисқача кириш нутқи билан очди. СССР Езувчилар союзи правленийсининг секретари, атоқли драматург А. Саллинский «Совет адабиёти проблемалари, кўп миллатли СССР халқлари драматургиясининг ўзаро таъсири ва ўзаро бойиб бориши» мавзусида доклад қилди. Республикамиздан У. Умарбеков, Х. Абдусаматов, Л. Қаямов, қозоғистонлик Д. Исабеков ва С. Жунусов, қирғизистонлик Д. Молдабоев, москвалик Н. Мирошниченко ва Л. Жуховицкий, туркманистонлик А. Оғабоев, тожикистонлик М. Ҳақимовалар сўзга чиқиб, юқоридаги масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ижодий конференция 20 апрель куни ўз ишини давом эттирди. Москвалик Э. Радзинский, Ю. Эдлис, Ю. Озерников, И. Кузнецов, Г. Мамлин, Э. Бобров, республикамиз маданияти вакилларида Э. Масафоев, М. Қодировлар сўзга чиқдилар. СССР Маданият министрлиги, СССР Езувчилар союзи ва Бутунроссия Театр жамаиятининг энг яхши пьесалар учун ўтказилган Бутуниттифок конкурсидан 3 мукофотга сазовор бўлган У. Умарбековга диплом топширилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлими мудири А. О. Тўраев иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг мажлислар залида 23 апрель куни Қозоғистон ва Урта Осиё республикалари драматурглари ижодий конференциясининг якунловчи йиғилиши бўлди. Йиғилишни республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. Азимов кириш сўзи билан очди. Конференция меҳмонлари ва республикамиз ёзувчиларидан С. Злотников, Э. Бобров, О. Кучкина, Ҳамид Фулом, И. Султон ва бошқалар совет драматургиясининг долзарб масалалари ҳақида фикрлашдилар, ижодий конференциядан олган таассуротларини йиғилганлар билан баҳам кўрдилар.

Шу куни республика Киночилар уйда Ўзбекистон пойтахтида ўз ишини тамомлаган Москва, Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон драматурглари ижодий конференциясининг якунловчи йиғилиши бўлди. Йиғилишни Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Қомил Яшин олиб борди.

Кечада СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. Д. Салинский, Э. С. Радзинский, Л. А. Жуховицкий, В. И. Славкин, Қозоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ш. Мурзаев, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, ва А. Мухтор, Э. Воҳидов, А. Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, ёзувчилик бурчи, ССР Иттифоқи барча миллатлари ва элатлари миллий маданиятларининг янада яқинлашиши ва ўзаро бойиб бориши жараёни — совет адабиёти ва санъатининг янада муваффақиятли ривожланиш гарови эканлиги ҳақида гапирди.

Йиғилишда шоирлар иштирокида катта мушоира бўлди.

* * *

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида улуг ўзбек шоири Заҳириддин Мухаммад Бобир таваллудининг 500 йиллик юбилеи олди-дан бўлиб ўтган кенгайтирилган илмий кенгашни Ўзбекистон ССР ФА муҳбир аъзоси, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори М. Қўшжонов кириш сўзи билан очди. Тарих фанлари доктори С. Азимжонова «Бобир даврида Ҳиндистондаги адабий мухит», филология фанлари доктори, профессор А. Ҳайитметов «Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобир», филология фанлари доктори А. Қаюмов «Бир кеча хотирим мушавваш эрди», филология фанлари кандидати И. Ҳаққулов «Бобир рубоёти ҳақида» мавзудаги доклад қилдилар, ЎзССР ФА муҳбир аъзоси И. Султонов музокарада сўзга чиқиб, ҳозирги кунда бадий адабиётда Бобир образининг яратилиши хусусида, театр соҳасида ва киноленталарда шоир сиймосини гавдалантириш ижодкорлар олдида турган муҳим вазифалардан эканлиги ҳақида сўзлади.

Улуг ўзбек мутафаккир адиби Заҳириддин Мухаммад Бобир таваллудининг 500 йиллигига бағишланган таътаналар бўлиб ўтди. Юбилей дебочаси 18 апрель куни

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Заҳириддин Мухаммад Бобир тугилган куңнинг 500 йиллигига тайёрларик кўриш ва юбилейни ўтказиш ташкилий комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов кириш сўзи билан мажлисни очди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов «Бобир — улуг ўзбек шоири ва олими» мавзусида доклад қилди.

Таътаналар Бобир ватани — Андижонда бўлиб ўтган илмий сессияга улашиб кетди. У Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва республика Ёзувчилар союзи томонидан ташкил этилган бўлиб, илмий сессияда Москвадан, Урта Осиё республикалари ва Қозоғистондан мазкур муносабат билан ташриф буюришган меҳмонлар ҳамда республикамиз адабий жамоатчилиги вакиллариан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин, филология фанлари докторлари И. Стеблева, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, тарих фанлари доктори С. Азимжонова, Тожикистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бўлим мудирини А. Гаффоров, шоир-таржимон Н. Гребнев, ёзувчи П. Қодиров ва бошқалар иштирок этишиб, Заҳириддин Мухаммад Бобир адабий меросининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида фикрлашдилар.

* * *

Ҳамид Олимжон номидаги Қарши Давлат педагогика институтининг филология факультетида Қарши шаҳар Чапаев номидаги 8-ўрта мактаб коллективи билан биргаликда атоқли совет ёзувчиси Шароф Рашидовнинг «Дил амри» қиссаси юзасидан китобхоналар конференцияси бўлди.

Чапаев номидаги мактаб директори, СССР халқ маорифи аълочиси М. Муродова конференцияни кириш сўзи билан очди. Қарши Давлат педагогика институтининг ректори, филология фанлари кандидати Д. Тўраев «Ш. Рашидов — интернационалист ёзувчи», институт доценти, филология фанлари кандидати И. Чориев «Дил амри» қиссасининг тили ҳақида» мавзудаги доклад қилдилар. Институт талабаларидан М. Бўриев, М. Қосимова, мактаб ўқувчиларидан И. Очилова, Г. Эрназарова, О. Бобоева ва бошқалар асардан олган таассуротларини йиғилганлар билан баҳам кўрдилар.

Конференция сўнгида институт талабаларини ижросида «Дил амри» қиссаси асосида тайёрланган инсценировка намойиш этилди.

* * *

Гагарин районининг Амударёга яқин жойидаги Кампиртепа номи билан аталаган қадимий шаҳар харобаларидан кўҳна Бақтрия қўлёзмалари топилди.

Қоғоз varaқлари бир-бирига ёпишиб кетганига қарамасдан, ёзувлар яхши сақланган. Бу ноёб топилма устида Москвадаги ёдгорликларни таъмирлаш Бутуниттифок институтининг бир гуруҳ олимлари шугулланишмоқда. Дастлабки текширишлар ва

тижасида, ёзувлар 24 ҳарфдан иборат грек имлоси билан ёзилганлиги аниқланди. Ҳозирча қўлёзманинг «в» ва «к» ҳарфларини ўқиш мумкин бўлди.

1979 йилда Термиз яқинидаги Айритом харобаларидан топилган 360 га яқин ҳарфдан иборат ҳайкалли тоштахта Урта Осиёда илк марта топилган Бақтрия ёзуви деб саналса, Кампиртепадаги ёзув иккинчиси ҳисобланади.

Авлодларимизнинг бизга қандай «нома» қолдириб кетганлиги барча олимларни қизиқтирмақда.

* * *

Олмастадаги «Жазуши» нашриёти «Дўстлик кутубхонаси» сериясида атоқли адиб Комил Яшиннинг «Менинг Бухороим» драмалар китобини чоп этди. Китобга ёзувчининг «Инқилоб тонги», «Йўлчи юлдуз», «Генерал Раҳимов», «Номус ва муҳаббат» пьесалари киритилган. Асарларни Қ. Турсинқулов қозоқ тилига таржима қилган. «Менинг Бухороим»га ишланган безаклар рассом Қ. Ўрдабеков қаламига мансуб.

* * *

Ленинград шаҳридаги Манежний кўчасидаги 6-уй деворида «Бу уйда 1919 — 1938 йилларда ёзувчи Корней Иванович Чуковский яшади ва ижод қилди» деган ёзув пайдо бўлди. Бу мемориал доска таниқли болалар адиби, адабиётшунос ва таржимон туғилган куннинг 101 йиллиги муносабати билан унинг хотирасини абадийлаштириш учун ўрнатилди.

* * *

Тбилиси шаҳрида доҳиймиз В. И. Лениннинг янги ҳайкали қад кўтарди. У қўлларида китоб ушлаб, елкасига пальтосини ёпинган кўйи Разлив кўли ёқасида ўтирган ҳолда жонлантирилган. Грузия ССРда хизмат кўрсатган ҳайкалтарошлар М. Кициани ва Л. Попхадзе, республикада хизмат кўрсатган архитектор А. Абрамишвилилар уни шундай тасаввур қилишган.

Ҳайкалнинг очилиш маросимида КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат,

Грузия ССР Компартияси МК биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе нутқ сўзлади.

* * *

Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳли шаҳрида А. С. Пушкин номида адабий клуб очилди. Клуб очилиши муносабати билан ташкил этилган тантанادا нутқ сўзлаган Бутунҳиндистон ёзувчилари ассоциацияси бош секретари, Жавоҳарлал Неру мукофотининг лауреати Бхишан Сахни А. С. Пушкин номидаги клубнинг барпо этилганлиги ҳиндларнинг рус ва совет адабиётига ўсаётган қизиқишини кўрсатади, деб таъкидлади.

* * *

Вьетнам пойтахти Ханойда социалистик мамлакатлар ёзувчиларининг анъанавий XIX учрашуви бўлди.

Учрашувда Ер юзида ядро ҳалокати хавфини тугатишга, турли мамлакатларда қиргин қуроолларини ишлаб чиқаришни бас қилишга даъват этувчи чақириқлар янгради. Халқаро учрашув қатнашчилари бутун дунё ёзувчиларига мурожаат қабул қилдилар.

* * *

Ғарбий Германиянинг Майнц шаҳрида ГФР Ёзувчилар союзининг VI съезди ўз ишини тугаллади. Бу съездда кўрилган масалалар ичида ўзининг ақтуаллиги ва ҳозиржавоблиги билан жаҳон прогрессив аҳолиси диққатини ўзига тортган проблема ҳам бор. Мазкур Ёзувчилар союзи урушга қарши умумжаҳон ҳаракатига илк марта бош қўшиб, дунёда тинчликни ҳимоя қилиб чиқди.

* * *

Венгер тилида олти йилдан бери чоп этилиб келаётган «Совет адабиёти» журналида Ленин мукофоти лауреати Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи эълон қилинди. Роман журнал ўқувчилари ва адабий жамоатчилик орасида жуда катта қизиқиш ва баҳсларга сабаб бўлди.

АДАБИЙ ЖУРНАЛЛАР
ИЮЛЬ ОИДА

**Звезда
Востока**

Журнал Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла ҳамда М. Туробова, М. Жаббор, С. Акбарийларнинг Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланган шеърлари билан очилади. Наср бўлимида Йўлдош Шамшаровнинг «Ер нафаси» қиссаси, Михаил Шевердиннинг «Жайхун» романининг бешинчи қисми, шеърят бўлимида Григорий Резниковскийнинг шеърлари, танқид ва адабиётшунослик бўлимида А. Погребневнинг В. Маяковский таваллудининг 90 йиллигига бағишланган мақоласи, Г. Владимировнинг «Ёзувчи ва замон» тадқиқотини, «Классик мерос» рубрикаси остида Умар Хайём ва Бобур газалларини ўқиш мумкин.

Шунингдек, журналнинг «Саргузашт, фантастика», «Глобус» рубрикалари остида ҳам қизиқарли материаллар ўрин олган.

Ёшлар

Журналнинг бу сонида Омон Мухторнинг «Болаликка саёҳат» кичик қиссаси, Шукр Холмирзаевнинг «Бодом қишда гуллади», Зоҳир Аъламнинг «Булоқ бошида», «Кумуш қошиқлар» ҳикоялари, Г. Нуруллаева, У. Азимов, А. Азимовларнинг шеърлари, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Нозим Ҳикматларнинг Маяковскийга бағишланган дил сўзлари эълон қилинган. Шунингдек, Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан пойтахт шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Алиев билан суҳбат, «Оила — жамият кўрки» рубрикаси остида Н. Раҳимовнинг «Умр савдоси» мақоласи берилган.

«Ешликнинг ақл тиши» ва бошқа рубрикалар остида ҳам ўқишли материаллар босилган.

Бош редактор Ҳафиз АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Нинель ВЛАДИМИРОВА, Жуманиёз ЖАББОРОВ, ЗУЛФИЯ, Тоҳир МАЛИК (масъул секретарь), Мирмуҳсин, Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳайдарали НИЕЗОВ, Умарали НОРМАТОВ, Абдулла ОРИПОВ, Иброҳим РАҲИМ, Туроб ТУЛА, Худойберди ТУХТАБОВЕВ (бош редактор ўринбосари), УЙГУН, Улмас УМАРБЕКОВ, Уктам УСМОНОВ, Раҳмат ФАЙЗИЙ, Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳусниддин ШАРИПОВ, Шоислом ШОМУХАМЕДОВ, Иброҳим ЮСУПОВ, Нурали ҚОБУЛ, Ҳамид ҒУЛОМ.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

Звезда Востока
№ 7

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1983.

Рассом **О. Арутюнов.** Тех. редактор **М. Аҳмедов.** Корректор **А. Билолов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 29.04.83 й. Босишга рухсат этилди 17.06.83 й. Қоғоз формати 70×108^{1/16}. Р-02977. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 176500. Заказ 772.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи», 1983.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 332181.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ПУБЛИЦИСТИКА — 332181, ПОЭЗИЯ,
ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.
